

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Р. ШАМСУТДИНОВ , Х. МЎМИНОВ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

(Университетнинг нотарих факультетлари биринчи
босқич бакалавриат ва битирувчилари учун Ўзбекистон тарихидан
ўқув-методик, ёрдамчи материал)

Андижон - 2011 йил

Мазкур ўқув – методик, ёрдамчи материал Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан “Ўзбекистон тарихи” предмети бўйича ўқув дастури асосида яратилди. Унда Ўзбекистон тарихининг қадимги давридан бошлаб шу кунгача бўлган даврини муҳим ва долзарб масалалари ёритилган, дастурда кўрсатилган XVII мавзунинг қисқача мазмун ва моҳияти ўз ифодасини топган. Ўйлаймизки, ушбу ўқув –методик, ёрдамчи материал Сиз – азиз талаба-ёшларни Ўзбекистон тарихининг ёрқин саҳифалари билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур иш Андижон Давлат университети илмий кенгаши томонидан нашр қилиш учун тавсия этилган.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Тарих фанлари номзодлари, доцентлар Соибжон Хошимов, Эргаш Юсупов

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Тарих фанлари номзоди, доцент Музробжон Абдуллаев

Тарих фанлари номзоди, доцент Ўктамбек Убайдуллаев

**Ўз тарихини билмаган, кечаги кунини
унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу
ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз
исботини топган¹.**

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йуналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб – ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларининг ижтимоий ривожланишдаги ўрнига алоҳида эътибор бериб, жумладан, шундай деди: «Ҳозирги кунда 2011 – 2015 йилларда Олий ўқув юртларини ривожлантириш дастури тайёрланмоқда ва ушбу ҳужжат яқин вақт ичида қабул қилинади. Дастурдан кўзланган асосий мақсад – олий таълим муассасаларининг моддий – техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув, лаборатория ва илмий ускуналар билан жиҳозлаш, пировардида ўқув дастурларини такомиллаштириш, тобора кучайиб бораётган замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашда сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни ҳаётга тадбиқ этишдан иборатдир»².

Миллий истиқлол ўзбек халқининг асрий орзуси, армони эди. Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши энг улкан ғалаба, унинг кадрига етиш, мустаҳкамлаш, авайлаб сақлаб қолиш муҳим вазифа. Ҳар қандай мамлакатнинг қудрати, унинг мустақиллиги, давлат чегараларининг дахлсизлиги ўша мамлакат фуқароларининг ўз юртига меҳр – муҳаббатли қилиб тарбияланганликлари, миллий истиқлол учун курашда зарур бўлса жон фидо қилишга ҳам тайёр бўлишдек олижаноб фазилатларга эга бўлишликларига боғлиқдир. Бу фазилатларни халқимизга энг муҳими, юртимиз келажаги – ёшлар онгида қарор топтириш ва шакллантиришда Ўзбекистон тарихининг ўрни ва имкониятлари чексиздир.

Ўзбекистон тарихини амалда қандай бўлса – шундай, ҳолисона ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Собиқ совет ҳокимияти йилларида коммунистик партия юргизган сиёсатнинг натижаси сифатида Ўзбекистон мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихини ўқитиш масаласига умуман эътибор берилмади. Советлар ҳокимияти йилларида мамлакатимизнинг ҳақиқий, том маънодаги тарихи ҳолисона яратилмади.

¹ Каримов Ислом. «Юксак маънавият – енгилмас куч». –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 4.

² «Халқ сўзи», 2011 йил 22 январь, № 16 (5183)

Мактаблар ва ўқув юртларида ўқитилган дарслик ва адабиётларда эса тарихимиз сохталаштирилди. Натижада, ўзбек халқининг маънавий ҳаётига путур етди, халқнинг сиёсий онги ўтмаслашди, ижтимоий – сиёсий воқеаларга бефарқлик, лоқайдлик ҳисси кучайди. Чунки мустамлака асоратига солинган халқларни сиёсий қоронғилик ва зулматда сақлаш йўли билангина улар устидан ҳукмронликни ўрнатиш мумкин эди.

Россия империяси ва собиқ совет мустамлакачилари қарийб 130 йиллик ҳукмронлиги давомида ўлкамиз халқлари ўртасида руслаштириш сиёсатини олиб бордилар, халқимизни тарихидан, ўз она тилидан, динидан жудо қилиш йўлини тутдилар, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият байроғи остида миллий урф-одатларимиз, ахлоқ – одоб ва маданиятимизга хуруж қилдилар. Ўзбекистонни Марказнинг хомашё етказиб берувчи базасига айлантirdилар. Коммунистик партия бундай сиёсатни собиқ Иттифок худудидаги барча республикаларда ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида юргизган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин собиқ Иттифокнинг барча республикаларига, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига Марказнинг буйруғи юборилиб, унда турли мавзуларда кўрсатмалар белгиланди. Хусусан, буйруқлардан бирида қуйидаги жумлалар ҳам бор эди: «Маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан раҳбарларнинг оммавий чиқишларида миллий бўёқ берилишга йўл қўйилади, аммо у миллатнинг ўсишига, бирлашувига хизмат қилмаслиги керак. Бошланғич ва ўрта мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилар четлаштирилиши лозим бўлади.

Уларнинг ўрнига биз томондан белгиланган кишиларни қўйиш керак. Тарих дарсларида ўтмишдаги сиёсатдонлардан кимлар Ватан равнақи учун хизмат қилишгани ёки хизмат қилишга уринишгани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшолар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади...»

Коммунистик партия юргизган бундай улуғ давлатчилик мафкуравий сиёсати халқимиз ва миллатимиз тақдири учун аянчли оқибат ва натижаларга олиб келди. Ўзбекистон тарихини билмаслик ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва урф – одатларидан узоқлашиш оқибатида жамиятда шундай авлод вакиллари шаклландики, уларнинг аксариятида миллий онг ва миллий ғурур тушунчалари сўниб кетди. Уларнинг онгида Ўзбекистон тақдирига, ўзбек миллати тақдирига, маданиятимиз, тарихимиз ва тилимиз, динимиз тақдирига лоқайд ва бефарқлик муносабатлари ғояси устувор мавқени эгаллади. Миллат истиқболи учун вазият шу даражада ҳалоқатли нуқтага етдики, Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигига эришгандан кейин ҳам, яъни ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилиш имкониятига эга бўлганимиздан сўнг Ўзбекистон тарихини ўқитишга қарши кураш йўлини тутувчилар ҳам бўлдилар. Улар ўз «ғоялари»ни асослашга интилиб, «Ўзбекистон тарихини жаҳон халқлари тарихи билан бирга қўшиб ўқитиш керак», «Ўзбекистон тарихи – бу мактаб фани», «Олий ўқув юртларида

Ўзбекистон тарихининг ўрнига Ўзбекистоннинг ижтимоий – сиёсий тарихини ўқитиш лозим», «Жаҳон халқлари тарихини ўқитишга ўтиш даркор», «Олий ўқув юртларида умуман Ўзбекистон тарихини ўқитишга эҳтиёж йўқ» каби фикрларни ўртага ташладилар. Албатта, бу миллий ғоясизлик, ғафлат ва миллий виждон инқирозининг туб ўзагида ўз она тарихидан беҳабарлик ётади. Бу эса қуллик, тобелик ва мустамлака мутелигининг асосий аянчли кўринишидир. Дарҳақиқат, қуллик, тобелик ва мустамлака мутелиги асорати ғояларидан озод бўлиш учун миллий онгни, тафаккурни, миллий виждонни шакллантирмоқ керак. Бунинг учун она халқимизнинг ҳақиқий, том маънодаги тарихини яратмоқ лозим. Тарих бўлиб ўтган барча воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилиш, фикрлаш ва улардан ҳаётий хулосалар чиқариш асосида дастурий ҳаракатлар йўлланмасини белгилашга ёрдам беради. Миллий ўзликни англашда, миллий бирликни шакллантиришда, шажарамиз улуғлиги ва поклигини билишда, доно халқимизнинг жаҳон халқлари орасида тутган ўрнига баҳо беришда, унинг бой ҳаётий тажрибаларидан кенгроқ фойдаланишда, халқимизнинг олижаноб, хурриятпарвар ва эркпарвар анъаналарини изчил ўрганиш ва уни янада бойитишда, хуллас, баркамол, ҳақиқий инсон шахсини яратишда Ўзбекистон тарихининг ўрни бениҳоя каттадир. Ўзбекистон тарихи мустақил давлатимиз ижтимоий ҳаётида фаол қатнаша оладиган, идрокли ва қобилятли, ўзининг тарихий илдизларини англашга қодир, юртига, Ватанига, она халқига чексиз меҳр – муҳаббат хис – туйғулари билан тўлиб-тошган авлодни камол топтириш, уларнинг онгида миллий истиқлол тафаккури ва ҳарбий ватанрарварлик ғояларини шакллантириш қуролидир. Шу боисдан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон тарихини ўрганиш, уни болалар боғчаларидан тортиб то олий ўқув юртларига қадар ёшларга ўқитиш масалаларига шахсан эътибор бериб, катта ғамхўрлик қилмоқда.

Юртбошимизнинг «Тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади»¹ деб айтган фикрлари ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Биз жонажон тарихимизни муҳим саҳифаларидан баъзи бир лавҳаларинигина келтиришни лозим билдик. Ушбу ўқув-методик ёрдамчи материалнинг зарурлиги ва юзага келишининг маълум сабаблари бор. Улар ҳақида айрим фикрларни келтириш ўринлидир.

Ҳозирда Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университети таркибидаги 7 факультет 23 мутахассислик бўйича педагогик ва илмий ходимлар тайёрланмоқда. Биринчи босқичда 1467 нафар (ўзбек гуруҳларида 1235, рус гуруҳларида 232) талаба таҳсил олмоқда. Улар биринчи семестрда Ўзбекистон тарихини ўқимоқдалар. Улар учун 32 соат миқдорида

¹ Каримов Ислом. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 97.

маъруза, 34 соатдан иборат семинар машғулоти ўтказилади. 50 соат хажмида мустақил таълим дарслари ташкил қилинади.

2011 йилда университетни 2483 киши битади. Уларнинг 2204 нафари ўзбек тилида, 279 нафари рус тилида Ўзбекистон тарихидан Давлат Аттестациясидан ўтишлари керак. Хуллас, бир ўқув йилининг ўзида 3950 нафар талаба Ўзбекистон тарихидан билим олади ва рейтинг назоратидан, Давлат Аттестациясидан ўтадилар. Шу боис 1-босқич талабалари ва битирувчи талабалар учун Ўзбекистон тарихи фанидан тегишли дарслик, ўқув қўлланмалар зарур. Университетнинг нотарих факультетлари учун ўқитиладиган Ўзбекистон тарихи ўқув қўлланмаси Ахборот ресурслар марказида бор-йўғи 20-25 нусхадан иборат, рус тилида эса умуман дарслик, ўқув қўлланма йўқ.

Ҳозиргача биринчи босқич талабалари учун Ўзбекистон тарихи фанидан дарс жадвалига ҳафтасига 4 соатдан маъруза, 4 соатдан семинар машғулоти қўйилмоқда. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, фанни ўзлаштириш, маърузада берилган билимларни тўлдириш, такрорлаш, мустаҳкамлаш, семинар машғулоти режасидаги асосий ва қўшимча адабиётлардан конспект олиш, мустақил таълимни самарали ўтказиш, рейтинг назоратини тўғри жорий қилиш талабалар учун қийин кечмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон тарихидан билим бериш ва билим олиш сифати ҳозирги замон талаб даражасидан анча паст ва давлат таълим дастурида белгиланган билимни ўзлаштириш оғир кечмоқда. Мустақил таълим ва рейтинг тизимини жорий этиш ҳам ўқитувчилар ҳамда талабалар учун кўплаб қийинчиликлар туғдирмоқда. Талабалар давлат ва ўқув дастурида кўрсатилган билимларни унчалик ўзлаштира олмаяптилар, ўқитувчилар эса талабаларга изчил, мунтазам билим бериш, рейтинг назоратини ташкил қилиш, мустақил таълимни жорий этишда қийинчиликларга дуч келишмоқда. Талабаларнинг вақт бюджетидан самарали фойдаланиш тўғри йўлга қўйилмаётир. Қисқа вақт ичида талабаларнинг рейтинг назоратидан ўтишларида юзакичилик, расмиятчилик, либераллик ҳам юз бермоқда. Талабаларнинг билим даражаси юқори даражада эмас Айни вақтда ўқитувчиларнинг талабаларга пухта билим бериш ва уни талабалардан талаб қилиб олишдаги масъулияти ҳам тобора пасайиб бормоқда. Айрим ҳолатларда рейтинг баллари нореал, ноҳолис қўйилмоқда.

Оқибатда бундай салбий ҳолатни ўша талабаларнинг ўқишни битириш чоғида Ўзбекистон тарихидан Давлат Аттестациясидан ўтишларида ҳам кузатиш мумкин. Натижада битирувчилар шу фандан Давлат Аттестациясидан ўтишларида юқори кўрсаткичларга эриша олмаяптилар. Биринчи босқич билан тўртинчи босқич ўртасидаги ораликда талабалар Ўзбекистон тарихидан дарс ўтмаганликлари, сабабли шу давр ичида уларнинг I-босқичда олган озгина билимлари ҳам хотирадан кўтарилиб кетмоқда. Уларнинг ёзма ишларининг илмий, назарий, амалий, хаттоки граматик савиялари талаб даражасидан мутлақо орқада қолмоқда. Ана шу ишларнинг катта қисмига умуман ижобий

баҳо қўйиш мумкин эмаслиги аниқланмоқда. Талабаларда мустақил ўқиш, ўрганиш, китоб устида ишлаш, муаммоли масалаларни мантиқан фикрлаш, таҳлил қилиш, воқеалар тафсилотларини умумлаштириш, уларни баҳолаш, у ёки бу тарихий воқеага ўз муносабатини билдириш, тегишли хулосалар қилиш, кундалик ҳаёт ва замон билан боғлаш кўникмалари шаклланиши ўта оғир кечаётир. Бундай ачинарли ҳолатга талабалар давоматининг пастлиги, назорат ва талабчанлик яхши йўлга қўйилмаганлиги, ҳар хил оммавий тадбирларни дарс ҳисобидан ўтказилиши, деканат ходимларининг хатто техник ходимларнинг, ҳар хил назоратчиларнинг аудиторияларга доимий равишда беҳуда кириб ташкилий ва бошқа ишлар билан шуғулланишларига боғлиқ ўқув жараёнига етказилаётган зарарлар ҳам кучли таъсир ўтказмоқда. Битирувчиларга ўқиладиган шарҳли маърузалар талаб даражасида эмас, хатто айрим факультетларда шарҳли маъруза ва маслаҳатлар ўтказилиши учун имконият бўлмаяпти. Натижада айрим ҳолатларда ўзлаштириш кўрсаткичларини бажариш илинжида ёзма ишларни қайта ёздиришга мажбур бўлинмоқда. Бу ва шунга ўхшаш бир қатор нуқсон ва камчиликлардан келиб чиқиб, I – босқич талабаларининг ҳамда битирувчиларнинг Ўзбекистон тарихидан билимларини талаб даражасида етказиш, билим савиясини ошириш, шу фандан давлат таълим стандарти доирасидаги билимларни бўлғуси мутахассисларга сингдириш, уларда ватан тарихи бўйича пухта билимни шакллантиришга эришиш, давлат ва ҳукуматнинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини англаб олиш, билиш, уни тарғиб ва ташвиқ этиш кўникмасини яратиш учун бир қатор чора – тадбирлар кўриш кераклиги маълум бўлиб қолди.

Бизнингча, Ўзбекистон тарихидан нотарих факультетларда давлат аттестацияси ўтказиш олдидан 24 соат хажмида шарҳли маъруза ўқиш керак, шундан 6 соатини Ўзбек хонликлари даври тарихига, 6 соатини совет мустамлакачилиги даври тарихига ва 12 соатини Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихига ажратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, тажриба шуни кўрсатдики, битирувчиларнинг аксарияти Ўзбекистоннинг XVI-XIX аср тарихини ва совет мустамлакачилиги билан мустақиллик даври тарихи моҳиятини, мазмунини ва умуман, бу тарихий жараёнларни яхши англай олмаяптилар. Ваҳоланки, бакалавриятни битираётганлар тарихимизнинг ана шу даврлари ва босқичларини, тарихий жараённи чуқур билмоқлари, халқимизнинг хонликлар давридаги, Россия империяси ва совет мустамлакачилиги давридаги, энг муҳими Ватанимизнинг мустақиллик даврини чуқур ва пухта билган бўлишлари шарт.

Қолаверса, университетда рус тилида ўқиётган талабалар ва битирувчилар учун рус тилида ёзилган Ўзбекистон тарихидан на дарслик, на ўқув қўлланма мавжуд эмас.

Бу ва шунга ўхшаш камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш мақсадида энг аввало Ўзбекистон тарихидан нотарих факультетлар талабалари учун электрон маърузалар матнлари ишлаб чиқилди. 2010 ўқув йилида

маъруза ўқиш учун махсус ўқув зали ажратилди. Зал замонавий ахборот технология воситалар билан жиҳозланди. Ана шу техник воситалар орқали Ўзбекистон тарихидан тайёрланган электрон матнлар билан маърузалар ўқилди. Бу талабаларни фанга бўлган қизиқишини анча жонлантди. Улар шу электрон матнлар китоб ҳолатига келтирилса деган истак билдирдилар.

Ана шу истаклар ҳам инобатга олиниб, Ўзбекистон тарихидан ушбу ўқув-методик, ёрдамчи материални китоб тарзида нашр этиш ва бу материал билан ҳам биринчи босқич талабаларини, ҳам битирувчиларни таъминлаш мақсад қилиб олинди. Ўқув-методик, ёрдамчи материални ўзбек ва рус тилида нашр этиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Табиийки, бу қўлланма ҳам айрим камчилик, нуқсонлардан холи эмас. Улар келгуси нашрларда тузатилади ва анча такомиллаштирилади, деган умиддамиз.

**1 – мавзу: Ўзбекистон тарихи фани предмети,
назарий – методологик асослари, манбалари ва аҳамияти**

Режа:

- 1. Ўзбекистон тарихининг предмети ва долзарб муаммолари.**
- 2. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг илмий - назарий ва методологик асослари.**
- 3. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш. Уни ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни.**
- 4. Баркамол авлодни шакллантиришда Ўзбекистон тарихининг аҳамияти.**

Таянч сўз ва иборалар: Тарих фани предмети ва объекти. Методологик тамойиллар. Диалектик метод. Миллий истиқлол ғояси. Ватан тарихини даврлаштириш. Моддий манбалар. Ёзма манбалар. Тарихий хотира.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Биринчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
5. Усмонов Қ., Содиқов М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I – қисм. – Т.: 2002. – Б. 6-21.
6. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида, – Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 7-20.
7. Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. – Т.: 1996.
8. Usmonov Q., Sodiqov M., Burxonova S. O'zbekiston tarixi. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2006. – B. 6-22.
9. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1 / Mas'ul muharrir: A. Sagdullayev, – T.: Sharq, 2010. – B. 4-13.

1. Ўзбекистон тарихининг предмети ва долзарб муаммолари.
Ўзбекистон худудида истиқомат қилаётган халқларнинг тарихи қадим ўтмишга бориб тақалади. Яшаб турган худудимиз тарихий манбалари, археологик қазилмалари, халқ оғзаки ижоди намуналари орқали умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун олам тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук заминда буюк алломалар, фозилу фузалолар, сиёсатчилар, буюк саркардалар яшаб ўтганлар. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу ерда яратилган, сайқал топган. Милодгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, осори атиқалар деҳқончилик, хунармандчилик

маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганлигидан далолат беради. Топилган кўплаб қадимги тошёзувлар, битиклар, кутубхоналарда сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзмалар, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига доир ўн минглаб қимматбаҳо асарлар ўлка халқлари маънавиятининг юксаклигини намоён қилиб турибди.

Ўзбекистон тарихи умумжаҳон – инсоният тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистон тарихи фани халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлига кириши, мустақиллик йилларида миллий ҳуқуқий давлатчилик қурилиши, демократик фуқаролик жамиятни шакллантириш, эркин бозор иқтисодиётини яратиш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш жабҳаларидаги фаолиятини ўргатади. Шу билан бир қаторда бу фан халқимиз тарихини ҳаққоний тасвирловчи, акс эттирувчи кўзгу, ижтимоий, сиёсий, тарбиявий, маънавий сабоқлар мажмуасидир.

Тарихий ҳақиқат тўла рўёбга чиқиши, ҳаққоний тарих ёзилишида тарих фанининг предмети ва объектини тўғри белгиланиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки, Ўзбекистон тарихи фани учун ҳам бошқа барча фанлар қатори предмет ва объект масаласи асосий масала бўлиб ҳисобланади. Зеро, фан, унинг ўрганиш предмети ва объекти аниқ бўлмаса, унинг олдидаги вазифа ноаниқ бўлиб, мақсадга эришиш мушкул бўлади.

Ўзбекистон тарихи фани бошқа ижтимоий ва табиий фанлардан фаркли ўлароқ мустақил фан. Шунингдек, у барча фанлар орасида алоҳида ўз ўрни ва мавқеига эга. У барча фанлар тарихини ҳам ўз ичига олган ҳолда уларнинг ривожига катта таъсир этади. Бу, унинг ўрганиш предмети ва объекти ҳамда вазифасида тўла намоён бўлмоғи керак. Тарих фани ўз хусусиятига кўра, *биринчидан*, ўзининг бутун диққат эътиборини фақат ўтмишга қаратади, ундан сабоқ беради, хулоса чиқаради, аждодларимизнинг мозийда қолган ҳаёт тарзини, улар яратган моддий – маданий, маънавий – мафкуравий қадриятларни ўрганади. *Иккинчидан*, Ўзбекистон тарихи фани бошқа ижтимоий фанларга нисбатан аниқ фан. У математика усулидан кенг фойдаланади. Тарихий воқеа ва ҳодисалар қатъий аниқликда, даврий кетма-кетлик – хронологик асосда ўрганилади. Шунингдек, тарихий воқеа ва ҳодисалар, ҳужжат ва даллиларнинг ҳақиқий ва ҳақиқий эмаслиги, улар қачон, қаерда, қандай тарихий муҳит ва шароитларда тарихан воқе бўлганлиги аниқланади. Бўлиб ўтган воқелик кўламининг аниқ сабаб ва оқибатлари, шу билан бирга, уларнинг аниқ шакл – тамойиллари ва ҳолати аниқланади. *Учинчидан*, Ўзбекистон тарихи фани ўтмишдаги иқтисодий – ижтимоий ҳаётнинг аҳволи, ривожланиши ва таназзулининг сабаб ҳамда оқибатларини ўрганади, улардан келажак учун сабоқ ва хулоса чиқаради. Бу эса, келажак авлодлар учун дастуруламал бўлади. *Тўртинчидан*, Ўзбекистон тарихи фани кўп қирралик ва хилма – хиллик хусусиятига эга. У жамият тараққиёти ва инқирозларининг фақат бир томонинигина эмас, балки жамиятнинг ҳамма томонларини узвий ўзаро боғлиқликда, бир бутунликда ўрганади. Ўзбекистон тарихи фани, Ўзбекистоннинг ўтмишидаги ва ҳозирги

худудида энг қадимги даврлардан то ҳозиргача кечган воқеликлар, инсоният ҳаёти, табиат ва жамият тараққиёти ва таназзулини таҳлил қилади. Унинг ўрганиш **предмети**га эса, мана шу макондаги жамики хилма – хил воқеа ва ҳодисалар, улардаги умумий алоқадорлик ва яхлит бирлик ҳамда қонуниятлар ҳодисаси ва жараёнлар, умуман, халқ ва инсоннинг яратувчанлик фаолияти киради. Ўзбекистон тарихи фанининг ўрганиш **макони** – **объекти** Ўзбекистоннинг тарихидир. Тарихий объект (макон)га нисбатан Ўзбекистон тарихи фанининг мақсади, вазифаси, йўналиши ва ҳаракат (фаолият) доираси ёки чегараси белгиланади. Маълум бир маънода объект билан предмет бир – бирига жуда яқин тушунча бўлса-да улар тарих фанида тутган ўрни ва вазифаси билан фарқланади.

Объект аниқ тарихий давр, макон, замон ва географик минтақавий чегаралар, маълум бир халқ, миллат, мамлакат тарихи билан боғлиқ бўлиб, шулар доирасидаги воқеа ва ҳодисаларнинг бир бутун ва яхлитликда ўз ичига олади.

Предмет эса мана шу бир бутун объект ичидаги аниқ тарихий – маданий, ижтимоий – иқтисодий жараёнлардан иборатдир. Ўзбекистон тарихи фани фан сифатида ижтимоий – сиёсий, умуминсоний фан бўлиб, инсон ва миллат, ўз ўтмишини билиши, ўзлигини ўзи англаши ҳамда келажагини белгилашида асосий дастуруламал ҳисобланади. Шу билан бирга, у ижтимоий – сиёсий ҳаёт соҳасидаги ягона фан ҳам эмас, жамият, инсоният ва табиатнинг ўтмишини ўрганувчи бошқа соҳа фанлари ҳам бор. Масалан, маданият, маориф, иқтисодиёт ва бошқа фанлар шулар жумласидандир. Аммо, бошқа фанларнинг ҳаммаси ҳам, табиат, жамият ҳам аввало, катта тарихда акс этади. Соҳа тарих фанлари ҳам тарих фанининг ўрганиш объекти ва предмети ҳисобланади.

Ўзбекистон тарихи фани яқка ҳолда ривожланмайди. У ижтимоий – гуманитар фанлар билан доимо ўзаро алоқада туради. Инсоният ҳаётининг маъно – мазмуни ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақида фикр юритганда фалсафа, давлат қурилиши ва жамиятни бошқариш масалаларида сиёсатшунослик, иқтисодий ҳаётни ёритишда иқтисодиёт назарияси, халқнинг турмуш тарзи, тили ва миллий менталитетини тасвирлашда этнография, ўзбек тили ва адабиёти, диншунослик фанлари ютуқларидан фойдаланилади. Тарихшунослик, манбашунослик, археология, архившунослик каби махсус фанлар тарих фалсафасини чуқур англаб етишга кўмаклашади.

2. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг илмий – назарий ва методологик асослари. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон тарихи фанини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу ўринда Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди», «Тарих халқ маънавиятининг асосидир», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», «Инсон учун тарихдан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо

бўлиш демакдир» каби сўзлари ҳам назарий, ҳам методологик аҳамиятга эгадир (*Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.71; Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998. – Б.10-21*).

Ислом Каримов ўтмишни ўрганишда тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан холисона ва халол амалга ошириш асосий вазифадир, деб уқтирган. Бу вазифани амалга ошириш Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишнинг илмий ва услубий асосларига таянишни талаб этади. Бундай ёндашиш заминада диалектик методни қўллаш ётади. Диалектика (юнонча – *dialektike* – ривожланиш тўғрисидаги фалсафий таълимот) олам ягона ва яхлит, унда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар умумий ва ўзаро боғланиши, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда бўлади, деб таълим беради. Бу дегани оламда содир бўлган ҳодисалар, воқеалар маълум бир боғланишда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиёт жараёнида содир бўлишини инобатга олмоқ лозим. Демак, Ўзбекистон тарихини ўрганар эканмиз, унинг жаҳон тарихининг бир бўлаги эканлигини ёдда тутмоқ даркор. Негаки, ҳар бир халқ тарихи миллийлик, ўзига хос бетакрор хусусиятлари билан жаҳон тарихи, бутун инсоният тараққиёти билан умумий боғланишдадир.

Тарихий воқеа, ҳодисаларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ёритишда ҳолислик – ҳаққоний, адолатли ёндашув муҳим методологик қоидадир. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади» (*Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 97*).

Ҳолислик қоидаси тарихий воқеа, ҳодисаларни ўрганаётганда улар билан боғлиқ бўлган барча фактларнинг ҳеч бир истисносиз бутун мажмуи билан бирга олиб текширишни, аниқ, ҳаққоний далилларга асосланишини талаб қилади. Тарихий ҳодисаларни бир бутун ҳолда, ўзаро алоқада ва муносабатда, деб ўрганиш даркор.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда тарихийлик методологияси муҳим аҳамиятга эга. Тарихийлик тамойили ўша давр шарт – шароитларини, тарихий муҳитни инобатга олмоқни тақозо қилади. Воқеа – ҳодисаларни ўрганишда тарихий боғланиш, тарихий ривожланиш жараёнига эътибор қилмоқ зарур. Ҳар бир ҳодиса қандай тарихий шароитда, муҳитда бўлганлигини бу ҳодиса ўз тараққиётида қандай асосий босқичларни босиб ўтганлигини, кейинчалик у қандай бўлиб қолганлигини билиш тарихийлик қоидасининг асосий талабидир. Масалан, биронта давлат фаолиятига тарихийлик нуқтаи назаридан туриб баҳо бермоқчи бўлсак, “биринчидан, у қачон, қандай тарихий шароитда пайдо бўлди, иккинчидан, у ўз тараққиётида қандай босқинчиларни босиб ўтди?, учинчидан, у ҳали ҳам мавжудми?, Ҳозир қай аҳволда, қандай бўлиб қолди?” деган саволларга аниқ жавоб бериш зарур бўлади.

Тарихийлик методологияси халқнинг ўтмишини, ҳозирги замон ва келажагини ягона табиий жараён деб, ўтмиш ҳозирги замонни тайёрлайди, ҳозирги замон келажакни яратади, деган тараққиёт қонуни асосида қарайди. Инсоният ана шундай умумий йўлдан бораётган экан, порлоқ ҳаёт, турмуш қурмоқчи бўлган авлод тарих фани орқали ўз ўтмишини яхши билмоғи лозим. Ўтмишни, аждодларимиз тарихини қанчалик яхши билсак, англаб етсак, ҳозирги замонни, мустақиллигимиз мазмунини шунчалик мукамал тушунамиз, келажакни тўғри тасаввур этамиз. Шунингдек, ҳозирги замонни, бугунги авлоднинг бунёдкорлик фаолиятини тўғри идрок этиш ўтмишни, тарихимизни чуқур англашга кўмаклашади.

Тарихни ўрганиш фактларни таққослаш, мантиқий қиёсий хулосалар чиқариш ва умуман фалсафий тафаккур билан ёндашишни талаб қилади ва ўтмишимизни теран англашда асосий мезон бўлиб қолади.

Тарих фанининг ривожини, унинг методологияси ривожига боғлиқ бўлганидек, тарих фани методологияси юксак даражада такомил топиши тарих фани қай даражада эканлигига ҳам боғлиқ. Бу ҳолдаги узвий икки томонлама боғлиқлик умумий қонуниятидир. Мана шу ўзаро алоқадорлик қонуниятини, қадим мумтоз тарихшунослигимиз ва ҳозирги замон тамаддунига, цивилизациясига асосланади, Ўзбекистон тарихи фани методологияси икки қисмдан иборат:

1) Ўзбекистон тарихи фанининг методологик илмий – назарий, ғоявий – мафкуравий ва фалсафий асослари. Бунга қуйидагилар қиради:

- дин билан дунёвийлик ўртасида мўътадил муносабат бўлиши ва дунёвийлик асло даҳрийлик эмаслиги;
- тарихни миллий, умуминсоний, муқаддас ҳодиса ҳамда қадрият деб тушунмоқ;
- тарихга ҳозирги замон цивилизацияси нуқтайи назари ва бағрикенглик асосида ёндашиш;
- тарихий тараққиёт асосини эволюцион тадрижий йўл ва ислоҳотчилик ташкил этади, деб англамоқ;
- тарих ва жамият тараққиётини коммунистик сохта инқилобий таълимотга боғлаш мутлоқ хато, ноинсоний ҳатти – ҳаракат бўлган, деб тушунмоқ;
- тарих, жамият ва табиат ҳамда инсоният (барча тарихий воқелик ва жараёнлар) диалектика (Гегел) ҳамда синергетика (Пригожин) қонуниятлари асосларида ривожланиши ҳақиқат эканлиги;
- тарих миллий ва умуминсоний хотира, миллат ва халқларнинг жони-тани ҳамда ғоявий – мафкуравий муҳофаза қуроли эканлиги.

2) Ўзбекистон тарихи фанининг методологик асослари ва тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- Илмий холислик (объективлик);
- Тарихийлик;

- Мантиқий узвийлик;
- Ворислик ва изчиллик;
- Хронологик изчиллик;
- Ғоявийлик ва ватанпарварлик;
- Ҳалоллик ва холислик;
- Қиёслаш ва кузатиш;
- Кузатиш ва умумийлаштириш;
- Бахслашиш, мунозара юритиш ва исботлаш;
- Математик ҳисоблаш;
- Шакллаш ва моделлаштириш;
- Айримликдан умумийликка (индукция) ва умумийликдан айрим (жузъий)ликка (дедукция);
- Этнография, археология, антропология, генеология, математика ва бошқа фанларнинг ютуқлари ҳамда методларидан ҳам кенг фойдаланиш;

3. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш. Уни ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни. Барча тарихларда бўлганидек, Ўзбекистон тарихида ҳам даврлаштириш масаласи ўта муҳим масала. У шу тарихни ўрганувчи тарих фанининг методологик илмий – назарий асослари ва методлари билан бевосита боғлиқ. Демак, тарих фани қанчалик ҳаққоний илмий-назария, ғоя, таълимот ва методология ҳамда усуллар билан қуролланган бўлса, у шунчалик тўғри даврлаштирилади.

Маълумки, тарихимиз жуда қадим ва катта даврни ҳамда жуда кенг географик минтақани, шунингдек, туб бурилиш, юксалиш ва инқироз босқичларини ҳам ўз ичига олади. У хилма – хил ижтимоий воқеа ва ҳодисаларга, ҳар хил диний ва маданий қатлам, ғоявий дунёқараш ва фалсафий оқимларга бой, жаҳон тарихи ва цивилизациясининг энг қадимий ва навқирон ўчоқларидан бири ҳисобланади. Ўтмишда тақдир тақозосига кўра тарихимиз, аниқроғи, Ватанимиз ҳудуди жаҳон миқёсида кенгайиб ва маълум географик минтақада торайиб келди. Бу тарихимизнинг ўта буюк, шу билан бирга, жуда ҳам мураккаб бўлганлигидан далолатдир. Шунинг ҳам айтиш жоизки, бу ҳолат ҳозирги жонажон Ватанимиз Ўзбекистон тарихининг чегараси ва даврлаштирилишини анча мураккаблаштиради.

Истиқлол йиллари даврида тарихчи олимларимиз томонидан Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш» кераклиги ҳақидаги методологик ва концептуал ғояларига амал қилган ҳолда кўп минг йиллик Ватанимиз тарихининг илмий асосланган даврлаштирилиши амалга оширилди:

- Ибтидоий – жамоа тузуми;
- Қадимги давр: давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши;
- Ўрта асрлар даври;
- Туркистон Россия империяси мустамлакачилиги даврида;
- Ўзбекистон советлар ҳокимияти даврида;

➤ Мустақиллик даври;

Эслатма: бу даврларнинг ҳар бири ўз навбатида маълум босқичларга бўлинади.

Ўзбекистон тарихи фанида тарихий манбаларнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоят каттадир. Тарихий манбалар давр нуктаи назаридан қадимий ва жорий (кундалик) аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, уларни ўз мазмуни ва моҳиятига кўра **бирламчи ва иккиламчи** манбаларга ажратиш мумкин. **Бирламчи** манбага тарихий хужжатларнинг асл нусхаси, **иккиламчи** манбага эса, мана шу бирламчи манбалар асосида эълон қилинган мақола ва китобларда келтирилган маълумотлар киради.

Манбалар ўз ҳолатига кўра, моддий ва ёзма кўринишларга эга бўлади. Тарихимизнинг энг қадимги, яъни ёзувсиз замонларга оид даврини ўрганишда археологик, антропологик ва этнографик манбалар ёрдамга келади. Бу манбалар турли-туман бўлиб, уларга - қадимги манзилгоҳлар ва шаҳарлар харобалари, мазор-қўрғонлар қолдиқлари, турмуш ва хўжаликда ишлатиладиган буюмлар, меҳнат ва жанговар қуроллар, турли-туман ашёлар киради. Моддий ва ёзма манбалар маълумотларини солиштириб, қиёслаб тарихни талқин этиш мумкин бўлади.

<i>№</i>	<i>МОДДИЙ МАНБАЛАР</i>	<i>ЁЗМА МАНБАЛАР</i>
1	<i>Меҳнат қуроллари</i>	<i>Ёзув белгилари</i>
2	<i>Ҳарбий қурол-яроқлар</i>	<i>Тошга ёзилган битиклар</i>
3	<i>Танга пуллар</i>	<i>Дарахт пўстлогига, терига, қозога ёзилган маълумотлар</i>
4	<i>Уй-жойлар, қабрлар</i>	<i>Халқлар ҳаётида юз берган воқеа ва ҳодисалар ҳақида ёзилган китоблар</i>
5	<i>Уй – рўзгор буюмлари: идиш – товоқлар ва бошқалар.</i>	<i>Давлат бошлиқларининг ёзма шаклдаги фармонлари</i>
6	<i>Деворий тасвирлар</i>	<i>Ер, қимматбаҳо нарсаларни инъом қилиш, мерос қолдириш, сотиб олиш бўйича расмийлаштирилган хужжатлар</i>
7	<i>Қалъалар, шаҳарлар ва бошқалар</i>	<i>Архивлар (ЎЗР Президенти девони архиви, ЎЗР МДА ва уларнинг вилоят, шаҳар ва туманлардаги бўлимлари, ҳамда давлат структурасидаги турли идоралар ва тармоқлар)</i>
8		<i>Ёрдамчи «Нарратив» манбалар (эсдаликлар, хотиралар, кундаликлар)</i>

Ўзбекистон тарихини яратishi ва ўрганишидаги асосий манбалар:

1. Археологик, этнографик, эпиграфик, нумизматик манба ва материаллар, ёзма манбалар – «Авесто», миххат, форс ёзувлари, қадимги юнон, хитой, ҳинд, рим ва византия тарихчиларининг асарлари.

2. Улуғ аждодларимиз – буюк алломалар ва доно мутафаккирлар, тарихчилар, шоирлар, ёзувчилар қолдирган асарлар.

3. Турли ҳужжатхоналарда сақланаётган қўлёзма асарлар, ҳужжатлар, ашёлар.

4. Кутубхоналарда сақланаётган ёзма китоблар, илмий, бадиий мемуар асарлар, дарсликлар, қўлёзмалар, рисоалар, тўпламлар.

5. Музейларда сақланаётган кўрғазма заллари ҳужжатлари, биринчи навбатда археологияга оид қазилма ёдгорликлари.

6. Музей – шаҳарлар, тарихий обидалар, ёдгорликлар.

7. Кино, фоно, фото ҳужжатлар ва ҳоказолар.

Ҳозирги кунга келиб бизгача етиб келган бундай моддий ва ёзма манбаларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти, Шарқ қўлёзмалар фонди дунёдаги энг йирик қўлёзмалар хазиналаридан ҳисобланади. Бу ерда 40 мингдан зиёд қўлёзма нусхалари, 30 мингдан ортиқ тошбосма китоблар ва 10 мингдан ортиқ Шарқ тилларида ёзилган ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, Ватанимиз тарихига оид муҳим қўлёзма ҳужжатлар, нодир китоблар, қимматли маълумотлар ҳорижий мамлакатлардаги илм масканлари, кутубхоналарда сақланмоқда. Ана шу қўлёзма ҳужжатлар ва китобларнинг ҳозирги ўзбек тилига таржима қилиниши ва нашр этилиши Ватанимиз тарихини янада тўлароқ, холисона ёритилишига, тарихимиз саҳифаларидаги «оқ» ва «қора» доғларнинг барҳам топишига кўмаклашади.

4. Баркамол авлодни шакллантиришда Ўзбекистон тарихининг аҳамияти.

Ўзбекистон тарихи ёшларга халқимизнинг ўтмиши, тарихи ҳақида билим бериш билан чегараланиб қолмайди, у ёшларни ватанпарвар, маънавий жиҳатдан комил фуқаро этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Юртбошимиз таъкидлаб ўтаганидек, «Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта тарихий хотира керак. Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон. Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай инсонларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоғлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди» (*Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. –Б.8-9*). Ушбу сўзлар комил инсонни тарбиялашда Ўзбекистон

тарихини холисона ва ҳаққоний ўрганиш нақадар муҳим эканлигининг далилидир.

Ўзбекистон тарихи фани олдида турган асосий вазифа қуйидагилардан иборатдир: **Биринчидан**, ёшларга ва бўлажак мутахассис кадрларга чуқур миллий ва умуминсоний тарихий, ғоявий-сиёсий, илмий-назарий дунёқарашни сингдириш. **Иккинчидан**, ёшларда миллий тафаккур, ғурур ва ўзликни, миллий виждон ва умуминсоний баркомолликни тарбиялаш. **Учинчидан**, ёшларда оташин ватанпарварлик ва ҳарбий жасоратни, миллат ва Ватанга содиқликни тарбиялаш. **Тўртинчидан**, ёшларга миллий ва тарихий қадриятларни эъзозлаш, асраб – авайлаш руҳини сингдириш, уларда юксак ахлоқий фазилатлар (ҳалоллик, поклик, одиллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, камтаринлик, имон ва эътиқодлик)ни тарбиялаш. **Бешинчидан**, ёшларни Ватан ва халқ, миллат, ота – она, фарзанд, табиат ва жамият олдидаги муқаддас бурчларни чуқур ҳис этиш ва уларга садоқатли бўлиш руҳида тарбиялаш.

Ўзбекистон тарихи фани мана шу юқоридагилар ва булардан бошқа ўзининг имкониятларидан келиб чиқиб, комил инсонни тарбиялашга беҳад катта ҳисса қўшади. Ўзбекистон тарихининг давлат бошқаруви ва қурилишида, жамият ва инсоният тараққиётида, миллат ва халқ ҳаётида тутган ўрни ҳамда аҳамияти бениҳоят катта эканлиги қадим – қадимдан эътироф этиб келинмоқда. Бунга тарихимизнинг ўзи гувоҳ. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, тарихнинг бу ажойиб хислати ва тарбиявий аҳамияти, куч – қудратини барчамиз теран ҳис этишимиз ва англаб етмоғимиз лозимдир. Тарих – бу нафақат ўтмиш, унинг тахлили бугунги кунимиз учун муҳим хулосалар манбаи бўлиб, у истиқболимиз режасини аниқлашда ҳам катта аҳамият касб этади.

«Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун аввало, унинг тарихини уйғот».

А. Августин

«Тарих миллатларнинг ўтмиши, тараққиёти ҳамда таназзулининг сабабларини ўрганатурғон илмдир».

Абдурауф Фитрат

«Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу – халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди».

Ислом Каримов

«Тарих - бу мунаввар кузгу. У кишининг кўзини очади, босган қадамига, қилаётган юмушига онгли равишда қарашга ундайди».

Абдулла Орипов

2 – Мавзу: Ўрта Осиё – инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири

Режа:

1. Жаҳон тараққиёти тарихида Ўрта Осиё цивилизациясининг ўрни.
2. Инсониятнинг дастлабки аждодлари. Ибтидоий жамият, унинг даврлари.
3. Аждодларимизнинг илк диний эътиқодлари. «Авесто» – зардуштийлик динининг муқаддас китоби.

Таянч сўз ва иборалар: Цивилизация, инсониятнинг дастлабки аждодлари, антропогенез жараёнлари, палеолит, мезолит, неолит, энеолит, Тешиктош, Жойтун, Ҳисор, Калтаминор, Саразм, Замонбобо, Сополли, Зараутсой, ибтидоий уруғчилик тузуми – матриархат ва патриархат, Аждодларимиз ҳаётидаги илк диний эътиқодлар, зардуштийлик, «Авесто».

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. АВЕСТО // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 – жилд. – Т.: ЎзМЭ, 2000. – Б. 65-66.
3. Авесто. Яшт китоби. Ўзбек тилига М. Исҳоқов илмий – изоҳли таржималари. – Т.: Шарқ, 2001.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 25-26.
5. Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 65-73.
6. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. К.1 – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б.14-28; 97-107.
7. Мустақиллик: Изоҳли илмий – оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2006. – Б. 14-15.
8. Усмонов Қ., Содиқов М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I – қисм. – Т.: 2002. – Б. 22-43; 50-55.
9. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 21-59; 87-90.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3 – жилд. – Т.: ЎзМЭ, 2002. – Б. 682-683.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 – жилд. – Т.: ЎзМЭ, 2006. – Б. 88-92.
12. Usmonov Q., Sodiqov M., Burxonova S. O'zbekiston tarixi. – Т.: IQTISOD – MOLIYA, 2006. – Б. 23-44, 52-56.
13. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1 / Mas'ul muharrir: A. Sagdullayev. – Т.: Sharq, 2010. – Б. 14-31; 94-103.
14. http://el.tfi.uz/pdf/uzbktarixi_uzk.pdf

1. Жаҳон тараққиёти тарихида Ўрта Осиё цивилизациясининг ўрни. Инсоният қадим – қадимдан ўз даврига хос турмуш тарзига, моддий ва маънавий маданиятга, яъни маълум даражадаги цивилизацияга эга бўлган. Даврлар ўтиши билан инсоният цивилизацияси даражаси ўсиб, ривожланиб, такомиллашиб борган. Бу жараён одамларнинг меҳнат қилиш усули қанчалик даражада моддий ва маънавий бойликларни яратиш ва кўпайтириб бориши билан боғлиқ кечган.

У ёки бу цивилизация ҳақида сўз борганда, инсониятнинг яшаш учун кураши, тинимсиз меҳнати, маънавият ва маърифатга интилиши туфайли ўзи учун яратган жисмоний ва маданий қулайликлари – ов ва меҳнат қуроллари, кийим – бош, уй – жой ва оилавий муносабатлари, ишлаб чиқариш усуллари, маиший хизмат воситалари, ижтимоий онги ва маънавий дунёси, ижтимоий – сиёсий, ахлоқий – ҳуқуқий муносабатлари даражаси билан тавсифланадиган маълум бир тарихий давр тушунилади. Масалан, Қадимги Шарқ цивилизацияси, Антик Юнон – Рим цивилизацияси, Ислом цивилизацияси, Христиан цивилизацияси, ҳозирги замон цивилизацияси каби тушунчаларда инсонларнинг иқтисодий, ижтимоий – сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, маънавий қиёфаси, ахлоқи, билим савияси, меҳнат қуроллари ва ҳоказо жиҳатлари мужассамлашган бўлади.

Ҳар бир минтақада цивилизация даврий нуқтаи назардан эртароқ ёки кечроқ, ўзига хос шаклда шаклланиб, ривожланиб борган. Тарихий, илмий тадқиқотлар бизнинг Ватанимиз – Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири эканлигидан далолат бермоқда. Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳудудларида олиб борилаётган кенг миқёсдаги тадқиқот ишларининг натижалари ҳам Ватанимизнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнини тасдиқлайди.

Дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган халқларнинг турли даврларда, ижтимоий – иқтисодий ва маданий жараёнларда эришган ютуқлари ҳамда тараққиёт босқичига кўтарилишини цивилизация тушунчаси ўзида акс эттиради. Бу тараққиёт босқичи инсониятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, жамиятнинг ривожланиш даражаси, моддий ва маънавий маданиятнинг юксалиши, қабилалар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан изоҳланади.

Ўрта Осиё цивилизацияси турли ҳудудларда турли даврларда пайдо бўлди ва ривожланди. Мисол учун, жанубий ҳудудларда яшаган қадимги қабилалар милоддан аввалги VI минг йилликдаёқ деҳқончиликка ўтиб, унумдор хўжаликни ривожлантирган бўлсалар, бу даврда шимолий ҳудудлардаги қабилалар асосан овчилик, балиқчилик ва қисман зироатчиликнинг илк шакллари билан шуғулланганлар. Бу нотекислик жараёнини табиий географик шароитлар ва ўзаро муносабатлар билан изоҳлаш мумкин. Бу ўринда Ўрта Осиёнинг чўл ва дашт ҳудудлари ҳамда тоғолди ва дарё воҳалари ҳудудларининг ривожланиш даражасидаги маданий нотекисликни таққослаб кўриш (Копетдоғ, Ҳисор, Зарафшон тоғолди

худудлари ҳамда Қизилқум, Қорақум, Қашқадарё ва Зарафшон воҳасининг дашт худудлари) муҳимдир.

Ундан ташқари, Ўрта Осиёда турли – туман маданият яратган қадимги аҳолининг неолит давридаёқ, яъни милoddан аввалги VI – IV минг йилликлардаги ўзаро муносабатлари ва бу аҳолининг Шарқдаги, даставвал Олд Осиёдаги бошқа қадимги цивилизация ўчоқлари билан узвий алоқада бўлиши ҳам маҳаллий цивилизациянинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.


2. Инсониятнинг дастлабки аجدодлари. Ибтидоий жамият, унинг даврлари. Инсониятнинг келиб чиқиши ва ривожланиши бир неча асрлар давомида тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб турли назариялар юзага келган. Чунки «антропогенез» энг қадимги давр тарихини ўрганишдаги муҳим ва долзарб муаммолардан ҳисобланади. Турли мамлакатларда турли даврларда яшаган мутафаккирлар инсониятнинг пайдо бўлиши ҳақида илмий таърифга яқин фикрларни баён этганлар. Хитой, юнон файласуфлари мил. авв. VI – V асрлардаёқ одамнинг келиб чиқиши тамомила табиий ҳодиса деб таърифлашга уринганлар. Кўпчилик тадқиқотчилар инсонни меҳнат ва ақлий жиҳатдан камол топиши натижасида ҳозирги даражасига етиб келган, деган фикрни илгари суришларига қарамай одамни худо яратганлиги, ёки бошқа коинотдан келиб ерга тарқалганлиги ҳақидаги назариялар ҳам бор.

Инглиз олимлари ота – бола Лики Луис ва Лики Ричардлар 1959 – 1960 йилларида Шарқий Африкада (Олдувой дарасида) қазилма ишлари олиб бориб оддий тош қуроллар ва қазилма одам қолдиқларини топиб, улар бундан бундан 2 млн. йил илгари яшаган деб тахмин қиладилар. Фанда бу турдаги одамлар «**Зинжантроп**» (Танзаниянинг Зинж номли қишлоғидан топилгани учун уни шу жой номи билан) «Ишбилармон одамлар» (ёки «Гомоҳабилис») ва «**Австралопитек**» («Жануб маймуни») деб ном олган.

Зинжантроплардан кейинги даврда яшаган одамлар қолдиқлари 1891 – 1892 йиллари голланд шифокори Э. Дюбуа томонидан Индонезиянинг Ява оролидаги Тринил деган жой яқинидан топилган бўлиб, фанда уларни «**Питекантроп**» («Маймун – одам») деб аташ расм бўлган. Питекантроплар бундан тахминан 1 млн. йил илгари яшаганлари аниқланган. Шунингдек, 1927 йил Пекин шаҳри яқинидан (Хитой) канадалик олим Д.Блек томонидан топилган энг қадимги одамлар (*архантроплар*)га мансуб қазилма одамлар қолдиқлари «**Синантроп**» (лот. Sina – Хитой ва юн. antropos – одам) бундан 600 – 500 минг йил илгариги даврга оидлиги аниқланган. Ундан ташқари энг қадимги қазилма одам қолдиқлари Германиянинг Гейделберг, Венгриянинг Будапешт шаҳри яқинидан ҳам топилган. 1856 – 1870 йилда Германиянинг Неандертал водийсидан «**Неандертал одами**» (ГФР нинг Дюссельдорф шаҳри яқинида; номи шундан олинган) қолдиқлари топилган.

Ҳозирги даврда олимларнинг катта гуруҳи одамзотнинг дастлабки ватани Африка деган фикрни илгари сурса, яна бир гуруҳ олимлар Европа

дейдилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса одам даставвал Осиёнинг жанубида пайдо бўлган деган ғояни илгари сурадилар.



Питекантроп Синантроп Неандертал Кроманьон

Яқин йилларга қадар Ўзбекистон ҳудудлари энг қадимги одамлар томонидан 100 минг йиллар илгари ўзлаштирилган деб ҳисобланиб келинар эди. Кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиё палеолити ҳақидаги баҳсларда бу жараёни асосан

Европа палеолити билан боғлаб келар эдилар. Аммо сўнгги йилларда Ўзбекистон археологлари томонидан олиб борилган кўпгина тадқиқотлар бу масалага анча ойдинлик киритди.

1980 йил археолог Ў. Исломов бошчилигидаги тадқиқотчилар Фарғона водийсидаги Селунғур (Сўх тумани) ғоридан палеолит даври маконини очишга муваффақ бўлдилар. Сўнгги тадқиқотлар натижаларига қараганда Селунғур илк палеолит даврига оид бўлиб, 13 маданий қатламдан иборат. Бу қатламлардан жуда кўплаб ибтидоий тош қуроллар топилган. Бу қуроллар кўп ҳолларда Олдувой қуролларига ўхшаб кетади.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Селунғур топилмаларининг ёши 1 млн. йилдан зиёдрокдир. Селунғур топилмалари орасидан энг аҳамиятлиси қадимги одам жағ суяклари, тишлари ва елка суякларидир. Фанда «Фарғона одами» – «*Фергантроп*» деб номланган бу қазилма одам қолдиқлари энг қадимги одам ҳақидаги тасаввурларимизни янада кенгайтириш билан бирга Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг инсоният пайдо бўлиб ривожланган ўчоқлардан бири эканлигини узил – кесил исботлайди.


Бундан ташқари фанга 1963 йиллардан бери маълум бўлган Кўлбулок маконидан (Шимоли – шарқий Ўзбекистон, Тошкент вил.) ҳам кўп қатламли ёдгорлик очилган бўлиб, унинг энг пастки қатламлари илк палеолит (ашель) даврига, юқори қатламлари эса ўрта ва сўнги палеолит даврларига оиддир. Шунингдек, Қизилолмасой ва Тошсой (Оҳангарон) маконларидан ҳам илк палеолит қатламлари очилган ҳамда бу ердан 100 дан зиёд чоппер, нуклеус, кирғич ва тарашлағич тош қуроллар топилган.

Ибтидоий жамоа тузуми кишилик жамияти тараққиётидаги энг узок давом этган ва энг қадимги давридир. Бу даврни ёзма манбалар асосида ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу даврни чуқур ўрганишда археология, этнография, антропология каби фанларнинг аҳамияти беқиёсдир. Қадимги одамлар ўз фаолияти даврида атроф – муҳитга таъсир кўрсатиб, кундалик ҳаётда ўзига зарур бўладиган меҳнат қуроллари ясаган, яшаш учун маконлар танлаган, кейинчалик эса бошпаналар қурганлар. Ўз навбатида бу жараёнлар инсон фаолиятига таъсир кўрсатган. Ўрта Осиёнинг ибтидоий жамоа тузуми даврини ўрганишдаги энг катта муаммолардан бири – узок тарихий даврни

ташкил этувчи бу босқични даврларга бўлиш муаммосидир. Бироқ сўнгги йиллардаги олимларнинг олиб борган илмий тадқиқот натижаларига кўра, ҳозирги пайтда Ўрта Осиё ҳудуди ибтидоий жамоа тузуми умумий кўринишда



палеолит – қадимги тош даври, **мезолит** – ўрта тош даври, **неолит** – янги тош даври, **энеолит** – мис – тош даври, **бронза** даври ва **темир** даврига бўлинади.



Палеолит даври тош қуроллари

Палеолит – ибтидоий меҳнат қуроллари тошдан ясалганлиги сабабли энг қадимги даврни тарихчилар палеолит (грекча «palaios – палайос» – қадимги, «lithos – литос» – тош деган маънони билдиради) – қадимги тош даври деб атайдилар. Палеолит даври ўз навбатида уч босқичдан – илк палеолит, ўрта палеолит ва сўнгги палеолитдан иборат.

Илк палеолит – милоддан аввалги 1 млн. – 100 минг йиллар. Илк палеолитнинг ўзига хос томони шундаки, бу даврда одамлар ва уларнинг дастлабки меҳнат қуроллари вужудга келади.

Бироқ тош қуроллардан бошқа меҳнат қуроллари бизгача етиб келмаган. Бу меҳнат қуроллари дастлаб меҳнат қуроли топилган макон – жой номи билан **ашель қуроллари** деб ном олган. Археологлар илк палеолит даврида тахминан 700 – 300 минг йиллар илгари бўлиб ўтган **Шель** (XIX асрнинг 60 – йилларида француз археологи Г.Мортилье томонидан Франциянинг Шель шаҳри яқинидан топилган археологик маданиятнинг номи) ва тахминан 300 – 100


минг йиллар илгари бўлиб ўтган **Ашель** (*Франциянинг Амьен шаҳри яқинидаги Сент – Ашелдан топилган маданиятнинг номи*) даври бўлганлигини ҳам таъкидлайдилар.

Илк палеолит даври одамлари жисмоний жихатдан ҳам, ақлий жихатдан ҳам ҳозирги қиёфадаги ақл – идрокли одамлардан ажралиб турадилар. Улар асосан тўда – тўда бўлиб, яъни ибтидоий тўда шаклида термачилик ва овчилик билан тирикчилик ўтказганлар ҳамда табиат олдида жуда ожиз бўлиб, унда мавжуд бўлган тайёр маҳсулотларни ўзлаштириб яшаганлар. **Ибтидоий тўда** – *турмуш ва меҳнат умумийлиги негизида бирлашган энг қадимги одамлар жамоасидир*. Бу даврда одамлар ўртасида оилавий алоқалар ҳали аниқ тартибга тушмаган. Марказий Осиёда бу даврда яшаган ибтидоий одамлар фанда **синантроп** номи билан аталади. Синантроплар ғор ва унгурлар оғзидан макон топиб турли жонзодларни овлаш, ўсимлик иддизлари ва ёввойи меваларни териш билан кун кечирганлар, олов ҳосил қилишни ҳали билмаганлар. Айнаи вақтда тошдан қўл чўқмори – чоппер каби дағал тош қуроллар ясаб, улардан ирғитгич, ургич, чопғич, кавлагич ва кескичлар сифатида фойдаланганлар. Шу туфайли уларни «*homo – habilis*» – «билағон одам» дейилади.

Дастлабки меҳнат қуроллари

- Ўткир қиррали, ясси, тухумсимон тош қуроллари. Улар қўл чўқмори ҳам дейилади;
- Дарахт шохларидан тайёрланган ер ковлайдиган таёк;
- Ҳайвонларни зарб билан урувчи сўйил.

Ўзбекистон ҳудудларидаги Селунғур (Фарғона водийсидаги), Кўлбулоқ (Тошкент вилоятидаги), Учтут (Бухородаги) маконлари илк палеолит даврига оиддир.



Кўлбулоқдан топилган мустье даври тош қуроллари (Самарканд вилояти)

Ўрта палеолит – милoddан аввалги 100 – 40 минг йиллар. Археологияда бу давр **Мустье** (*Г. Мортилье томонидан Франциянинг жануби – ғарби (Дордонь департаменти)даги Ле – Мустье горидан топилган маданиятнинг номи*) **маданияти** ҳам деб юритилади.

Ўрта палеолит – қадимги тош асрининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳудудида ўрта палеолит ёки мустье даври, аввало, одамлар қиёфасининг ўзгариши, неандерталларнинг вужудга келиши билан фарқланади. Уларнинг пешонаси ва жағ тишлари бўртиб чиқмаган, мияси каттарок бўлган, тик юраолган. Бу даврга оид дастлабки ёдгорлик Бойсун тоғидаги Тешиктош (Сурхондарё) ғор макони 1938 йилда А.Окладников томонидан очилган эди. Сурхон воҳасидаги (Бойсунтоғ) Тешиктош ғор – макон топилмалари нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё



археология фанида машхурдир. Бу ғор макондан 3000 га яқин тош куроллар топилган. Тешиктош ғор – маконининг юқори қатламларидан 9 яшар боланинг скелет суяклари топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бу бола неандертал типига қадимги одам вакилидир. Бу бола дафн этилганда ибтидоий дафн маросимларига амал қилиниб, жасад атрофига тоғ эчкиси шохлари қадаб қўйилган. Шунингдек, ғор – макондан гулхан излари ва кул қолдиқлари топилиб, гулхан ўрни ва атрофларидан тоғ эчкиси суяк қолдиқлари аниқланган Тешиктош одами Ўрта Осиёдаги неандертал қиёфадаги қадимги одамларнинг ягона вакили бўлиб, бу худудлардан ҳозиргача бошқа топилмаган.

Ўрта Осиё худудларида тадқиқотчилар томонидан олиб борилган кўплаб изланишлар натижасида ўрта палеолит даврига доир кўплаб маконлар аниқланди. Жумладан, Омонқўтон (Тахтақорача доғи, Самарқанд), Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ (Зарафшон водийси), Қорабура (Вахш воҳаси), Жарқўрғон (Шимолий Тожикистон), Қўлбулоқ ва Обираҳмат (Тошкент вилояти), Қизилнур (Қизилқум), Тоссор (Қирғизистон), Оғзикичик (Тожикистон), Хўжакент (Тошкент вилояти), Қопчиғай (Қирғизистон) каби кўплаб маконлар ўрта палеолит даврига оид бўлиб, уларнинг жами 300 га яқинлашиб қолади.

Ўрта палеолит даври Ўрта Осиё худудларида табиий иқлим ўзига хос бўлиб, ёзда об – ҳаво илиқ ва курак, қишда эса совуқ ва намгарчилик бўлган. Бу даврнинг ўрталари ва охирига келиб шимолдан улкан музликнинг силжиб келиши натижасида иқлим тамоман ўзгаради. Натижада қадимги одамлар турмуш тарзида катта ўзгаришлар бўлиб ўтди. Совуқ иқлим туфайли одамлар кўпроқ ғорларга жойлаша бошлайдилар. Жанубдаги кичик туёқли иссиқсавар ҳайвонлар қирилиб кетиб шимол буғулари, мамонтлар, улкан айиқлар пайдо бўлади. Улкан ҳайвонларнинг пайдо бўлиши эса ўз навбатида жамоа бўлиб овчилик қилишнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Совуқ иқлим таъсирида одамларнинг иссиқлик манбаига бўлган эҳтиёжи ортиб боради. Дастлабки одамлар ҳайвонлар каби осмонда содир бўладиган момоқолдироқ ва чакмоқ зарбидан, вулкон отилганда пайдо бўладиган олов лавасидан, даҳшатли ёнғиндан қўрқар эди, кейинчалик ундан фойдалана бошлайдилар, оловни ўчирмаслик учун навбатчилик қилиб, оловга шох – шабба ташлаб туришган.

Ўрта палеолит даври одамлари ишқалаш орқали – сунъий олов чиқаришни кашф этганлар, гулханда пиширилган мазали ва тўйимли гўшт истеъмол қилишган, йиртқич ҳайвонларни олов билан қўрқитишган. Оловни билиб олиш одамлар ҳаётида, уларнинг ҳайвонлар устидан ҳукмронлик қилишида катта аҳамиятга эга бўлган. Ғор ва унгурларни ўзлаштириш, ўчоқ

ясаб унинг атрофида тўпланиш ва ниҳоят жамоа бўлиб ов қилиш услублари пайдо бўлади.

Сўнги палеолит – милоддан аввалги 40 – 12 минг йиллар. Бу давр ёдгорликлари мусте маданияти ёдгорликлари маданиятига нисбатан камроқ ўрганилган. Ҳозирги кунга қадар Ўрта Осиёда бу даврга оид 30 дан зиёд маконлар очилган. Самарқанд (шаҳарнинг ўзида), Хўжағор (Фарғона водийси), Шуғнов (Помир этаклари), Кўлбулоқ (Тошкент вилояти), Қоракамар (Тожикистон), Ачисай (Қозоғистон) ёдгорликлари шулар жумласидандир.

Тошкент вилоятида (Оҳангарон) жойлашган Кўлбулоқ маконининг энг тепадаги учта қатлами сўнги палеолит даврига оиддир. Бу қатламлардан нисбатан такомиллашган тош қуроллар ҳамда кўплаб ҳайвон суяклари топилган. Шунингдек, сўнги йилларда Тошкентнинг ғарбидаги Бўзсув II макони ҳам сўнги палеолит даврига оид эканлиги аниқланган. Самарқанд шаҳрида 1939 йилда очилган ёдгорлик минтақадаги сўнги палеолит даврига оид дастлабки макон ҳисобланади. Самарқанд макони кўп қатламли бўлиб бу қатламлардан кўп сонли (7,5 минг) хилма – хил топилмалар топилган. Улар орасида қирғичлар, кесгичлар, сихчалар, пичоқлар, ушатгичлар, бўталар кабилар бор. Шунингдек, маданий қатламлардан гулхан қолдиғи, кўмир парчалари ва гулхан атрофидан ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар қолдиқлари аниқланган. Бу топилмалар бу ерда яшаган кишиларнинг овчилик ва термачилик билан шуғулланганликларидан далолат беради. Умуман олганда, кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиё сўнги палеолит даврини асосан учта – Самарқанд, Хўжағор ва Кўлбулоқ маданиятларига ажратадилар. Бу даврга оид маданиятлардан фақат Самарқанд шаҳридан сўнги палеолит даври одамининг қолдиқлари, яъни, елка суяк қисмлари, пастки жағ ва тишлар топилган бўлиб, тадқиқотчилар бу суякларни 25 – 30 ёшли кроманьон қиёфали аёлга тегишли бўлган деб ҳисоблайдилар.

Мамлакатимизнинг сўнги палеолит манзилгоҳларида ўтказилган тадқиқотлар бу даврда меҳнат қуроллари яшаш техникасида, одамларнинг турмуш тарзи ва дунёқарашида, хўжалик юритишида кескин ўзгариш юз берганлигини кўрсатади. Хусусан, одамлар ғорлардан чиқиб енгил турар жойлар, чайла ва ярим ертўлаларда яшай бошладилар. Улар энди фақат тоғли ҳудудларда яшаб қолмай воҳалар бўйлаб тарқалиб, текисликларда, дарё ва кўллар бўйларида жойлашадилар.

Одамлар жисмоний жиҳатдан ҳам такомиллашди. Бу даврнинг энг катта ютуғи антропогонез жараёнининг тугалланиши ва ҳозирги замон одамларига ўхшаш бўлган кроманьонлар (Л. Ларте томонидан Франциянинг Дордонь департаментидаги Кро – Маньон ғоридан топилган, бундан 40 – 12 минг йиллар аввал яшаган одамларга берилган ном)нинг шаклланишининг бошланишидир. Фанда бу одамни «*homo – sapiens*» – «ақл – идрокли одам» деб аталади. Уларнинг мия ҳажми «*homo – habilis*»дан икки баравар катта, бўйи баланд, қомаги тик бўлган, нутқи ривожланиб, оддий гап туза олган. Одамлар яшаш учун кулбалар қурганлар.

Сўнги палеолит меҳнат қуроли

- Арраловчи, шилувчи, тешувчи тош қуроли;
- Суяк ва ёғочдан ясалган тишли қармоқ – гарпунлар;
- Игналар, найза учлари.

Мазкур даврнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ибтидоий тўдадан **уруғчилик тузумига** ўтилади. **Уруғ** – биргаликда яшаган ва меҳнат қилган, умумий меҳнат қуролига ва қурол – яроғларга эга бўлган қариндошлар жамоасидир. Қон – қариндошликка асосланган уруғ жамоалари она уруғи доирасида расмийлашди, у тарихда **матриархат** деб ном олди. **Матриархат** – энг қадимги тузум ривожига бир босқич бўлиб, қариндошлик муносабатлари она томонга қараб белгиланиб, уруғ ва оила бошлиғи аёл киши бўлган. Бир уруғдан тарқалган одамлар жамоаси катта бир ғорда ёки бир неча кулбадан иборат жойда биргаликда яшаган, биргаликда меҳнат қилган, меҳнат маҳсулотлари бутун уруғ аъзоларининг умумий мулки ҳисобланган. Меҳнат қуроли тайёрлаш, овқат топиш, ёшларга ов қилишни ўргатиш ишларига уруғ оқсоқоли раҳбарлик қилган. Уруғнинг энг тажрибали ва ҳурматли аъзоси оқсоқол бўлган.

Одамлар тош ва суякка тасвир туширишни, аёллар учун турли безак ва тақинчоқлар, аёлларнинг ҳайкалчаларини ясашни ўзлаштирганлар. Ғорларнинг деворларига йирик ҳайвонларнинг ташқи кўринишини, ов манзараларини тасвирловчи расмлар чизганлар. Ҳайвонлар ва овчиларнинг ҳаракатларини намоён этувчи ўйин – рақслар вужудга келган. Шу тариқа, тасвирий ва амалий санъат пайдо бўлади. Шу билан бир қаторда қадимги одамлар орасида дастлабки диний қарашлар ҳам пайдо бўлди.

Сўнги палеолит давридаёқ инсоннинг европоид, негроид, монголоид каби ирқий турлари пайдо бўлади. Бу ирқлар одамлар тараққиётининг сифат кўрсаткичи бўлмай, табиий шарт – шароитлар таъсирида вужудга келади. Европоидлар Европада, Негроидлар Африкада, Монголоидлар Шимолий, Шарқий ва Жанубий Осиёда яшаганлар.

Мезолит («мезос» – ўрта, «литос» – тош) – милоддан аввалги 12 – 7 минг йилликларни ўз ичига олади. Бу даврга доир археологик топилмалар Ўзбекистоннинг жанубидаги Мачай ғори, Зараутсой қояси (Сурхондарё), Обишир (Фарғона водийси), Бўзсув, Қўшилиш (Тошкент), Шўркул, Аччиққўл, Янги – қадам, Бекобод, Замбар, Тойпоққўл ва бошқа ҳудудларидан топилган.

Мезолит даврига келиб улкан музликнинг яна шимолга томон чекиниши натижасида одамларнинг ер юзи бўйлаб кенг тарқалиш имкониятини беради. Кишилар нисбатан нозикроқ қуроли тайёрлашни ўзлаштира бошладилар. Хусусан, жанубий ўлкаларда, шунингдек, Ўрта Осиёда турли геометрик шаклдаги майда қуролчалар – микролитлар пайдо бўлиб, улар учун суяк ва ёғоч дастачалардан қадама сифатида фойдаланилган. Ундан ташқари, бу даврда инсоният ўз тарихидаги дастлабки мураккаб мослама – ўқ – ёйни кашф этди. Натижада чопқир кичик туёқли ҳайвонлар ва паррандаларни ов қилиш имконияти пайдо бўлди. Ўқ – ёйдан фойдаланиш инсоният тараққиётида

муҳим аҳамиятга эга бўлиб, овчиликни инсонларнинг ҳаёт манбаига айлантирди, овдан келадиган даромад ва захиралар кўпайиб борган. Ўқ – ёй қуроли одамнинг ёлғиз ўзи ҳайвонларни овлаш, жамоадан ажралиб ҳаёт кечиришига имконият яратади.

Бу даврнинг энг катта ютуқларидан яна бири ёввойи ҳайвонлар (ит, буғи, кўй, эчки кабилар) қўлга ўргатила бошланиб, хонакилаштирилишидир. Археологик тадқиқотлар натижаларига қараганда, мезолит даврига келиб Олд, Яқин ва Ўрта Осиёнинг баъзи жойларида термачилиқдан ёввойи ўсимликларни хонакилаштиришга ҳамда овчиликдан чорвачилиққа ўтиш бошланади. Бу жараён илғор, унумдор ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва табиғий – географик иқлим билан бевосита боғлиқ эди.

Мезолит даври қуроллари

- Ўқ – ёй қуроли (камон ва пайконлар);
- Таёқ учига ўткир учли найзалар ўрнатилган ирғитувчи найза қуроллари.



Тош даври расмлари. Зараутсой дараси (Сурхондарё)

Мезолит даврига оид мозорларнинг таҳлили одамларда диний эътиқод шаклланаётганини, у дунёга ишонганини кўрсатади. Мачай қабристонида жасад чалқанчасига ётқизилган бўлиб, устига қизил ранг сепилиб, атрофига тош тақинчоқлар териб қўйилгани аниқланган. Кўҳитонг тоғидаги Зараутсой қоясидан (ҳозирги Сурхондарё вилояти) топилган суратлар эса тасвирий санъатнинг вужудга келганлигини кўрсатади. Қояда ёввойи ҳайвонларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Зараутсой қояларидаги суратлар ўша давр


рассомларининг фикр доирасини, диний тасаввурларни тасвирий санъатда қанчалик даражада акс эттирилганликлари ҳақида фикр юритишга асос беради.

Ўзбекистондаги қоятош расмларнинг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Такатош, Тераклисой кабилар бўлиб, улар юздан зиёддир.

Неолит («неос» – янги тош) – милоддан аввалги 6 – 4 минг йилликларни ўз ичига олади. Фанга неолит тушунчасини инглиз археологи Леббок олиб кирган.

Неолит даврида қуроллар ишлаш техникасида туб ўзгаришлар юз берган. Янги тош қуроллари орқали силлиқлаш, пардозлаш, пармалаш

ушуллари ихтиро этилди. Тош қуроллари орасида тош болталар, поналар, тош – тешалар, исканалар пайдо бўлди. Шу боисдан неолит даври «тошболталар асри» ҳам дейилади.



Неолит даври тош қуроллари
(Жонбос IV макони)

Бу даврнинг яна бир янгилиги – бу ҳунармандчиликнинг сопол буюмлар ясаш тармоғи вужудга келади. Шунинг учун бу даврни «сопол асри» ҳам дейишади. Одамлар ҳаётида чорвачилик ва дехқончилик вужудга келади ва хўжаликда асосий ўринни эгаллайди. Неолит даврида ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклланиб бўлади. Бу инсоният эришган катта ютуқ бўлиб, одамлар табиатга қарамликдан бутунлай қутиладилар. Уруғ жамоалари озуқа излаб кўчиб, дайдиб юришдан ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтадилар. Доимий яшайдиган қулбалар, уйлар ясаш одамларнинг турмуш тарзига айланади, қишлоқлар вужудга келади.

Неолит даври меҳнат қуроллари

- Тош болта, пона, искана;
- Мотиға (кетмон – теша). Мотиға дехқончилиги;
- Чакмоқ тошга тиф ўрнатилган суяк ўроқ;
- Тошдан ясалган дон ёрғучоқ;
- Лойдан қўлда ясалган ва пиширилган сопол идишлар;
- Зиғир толаси ва жундан ип йигирув урчуқлари, мато тўқув дастгоҳлари ясалди. Кийимлар тикилган;
- Ёғоч ғўлаларни бир – бирига боғлаб ясалган сувда сузувчи сол, қайиқлар.

Неолит даврида одамлар ҳайвон терисидан тикилган кийимлар ўрнига жун ва ўсимлик толасидан тўқилган матолардан тикилган кийимлар киядиган бўладилар. Ҳунармандчиликда тўқимачилик, тикувчилик тармоғи ҳам пайдо бўлади. Одамлар ёғоч ва қамишдан қайиқ ясаб (қайиқсозлик) сувда сузишни ҳам ўзлаштирдилар. Булар бу даврнинг муҳим кашфиёти ва ихтиросидир.

Неолит даври қабилалари хўжалик шакллариға қараб қуйидаги маданиятлариға бўлинади: Жойтун маданияти, Қалтаминор маданияти, Ҳисор маданияти.

Жойтун маданияти. Жанубий Туркменистонда, Ашгабат шаҳридан 25 км шимолдаги Жойтун манзилгоҳидан топилган бўлиб, мил.авв. VI – V минг йилликларға оиддир. Бу маданият қолдиқлари нафақат Туркменистон, балки бутун Ўрта Осиёда машҳур бўлиб, бу ердан Ўрта Осиёдаги биринчи пахса уйлар қолдиқлари, сопол идишлар намуналари аниқланган. Аҳолиси асосан дехқончилик, чорвачилик ва қисман овчилик билан шуғулланган.

Қалтаминор маданияти академик С. П. Толстов томонидан очилган. Бу маданият Хоразм вилояти ҳудудидаги Жонбосқалъа номи билан машҳур

бўлган 4 та маконни ўз ичига олади. Жонбосқалъа маконини қазиш пайтида чайла ва ярим ертўла шаклидаги макон очилган. Бу макон ёғоч устун, синчлар билан кўтарилган. Устига кўндаланг ёғочлар ташланиб, усти камиш билан беркитилган. Чайла ўртасидан катта марказий ўчоқ қолдиғи, атрофида майда ўчоқ қолдиқлари аниқланган. Макондан найза пойконлар, камон ўқларининг учлари ва бошқа тош қуроллар топилган. Шунингдек, маданий қатламлардан балиқ, ёввойи чўчка, қирғовул суяклари ва жийда данаклари ҳам топилган. Топилмалар орасида сопол идиш намуналари ҳам бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда улар мил. авв. V – IV минг йилликларга оиддир.

Калтаминор маданиятига оид ёдгорликлар Зарафшон этакларидаги Дарвозақир маконидан ҳам топиб ўрганилган. Бу ердан топилган сопол идиш намуналари Жонбосқалъа сополларига жуда ўхшашдир. Қуйи Зарафшон ва Қашқадарё этакларидаги Дарвозақир, Катта ва Кичик Тузкон, Қоронғишўр, Пойкент маконларидан топилган тош қуроллар ва сопол буюмлар ҳамда бошқа ашёларни ўрганиш, таҳлил этиш, Яқин Шарқ, Қозоғистон, Урал ва бошқа жойлардан топилган неолит даври ашёлари билан қиёслаш натижасида тадқиқотчилар юқорида эслатилган маконлар Калтаминор маданиятига мансуб бўлиб, мил. авв. IV – III минг йилликларга оид деган хулосага келдилар. Бу маконларда яшаган неолит даври одамлари термачилик, жайрон, ёввойи чўчка, буғу ва бошқа ҳайвонлар ҳамда балиқ овлаб кун кечиришган.

Ҳисор маданияти. Асосан, Ҳисор – Помир тоғларидан топилган. Милоддан аввалги V – IV минг йилликларга мансуб бу маданият ёдгорликлари 200 дан зиёд бўлиб, улар асосан Тутқовул, Сойсайёд, Қуйи Булён, Вахш, Кофирнихон дарёлари, Кўлоб шаҳри атрофларидан топилган. Ҳисорликлар сопол идишлар ясаб, асосан чорвачилик, овчилик, қисман термачилик билан шуғуланганлар.



Энеолит даври расмлари.
Суратлисой (Фарғона вилояти) қоятошларга
ўйиб ишланган бизон тасвири

Энеолит (мис – тош даври) – милоддан аввалги 4 – 3 минг йилликнинг ўрталарини ўз ичига олади. Инсоният тарихининг тош даври ўрнини металл қуроллар эгаллай бошлади. Энеолит даврига оид ашёлар Ўрта Осиёнинг Жанубий Туркменистон ҳудудлари (Жойтун маданияти: Анов I—II ва Номозгоҳ I—III маданияти), Амударё ва Зарафшон қуйи оқимларида (Калтаминор маданияти), Каптарқуми, Каттатузкон мавзелари атрофида, Юқори Зарафшоннинг Панжикент шаҳридан 15 км ғарбдаги Саразм қишлоғида, Бухоро вилоятининг Лавлакон, Бешбулоқ мавзелари ва Замонбобо қабристонини каби маконлардан топилган.

Милоддан аввалги 4 мингинчи йилларда одамлар мисдан қуроллар ясашни ўрганадилар. Мис металл сифатида юмшоқ бўлганлиги туфайли,

ундан ясалган қуроллар мўрт, юмшоқ ва тез эгилувчан бўлган. Шу сабабдан тошдан меҳнат қуроллари ясаш ҳам давом этган. Бу даврни энеолит, яъни мис – тош даври деб аталади. Одамлар дастлаб мисни ер юзасидан соф ҳолда учратиб, ундан меҳнат қуролларини ясаганлар. Кейинчалик унинг оловда эришини билганлар ва ундан турли хил шаклдаги қуроллар ва буюмлар (мисдан пичоқлар, бигизлар, игналар, болталар, узуклар, мунчоқлар, сирғалар) тайёрлаганлар.

***Ўрта Осиёда қуйидаги янги тарихий – маданий жараёнлар
энеолит даври билан боғлиқ:***

1. Хўжаликнинг бошқа ҳамма турларига қараганда ҳайдалма деҳқончиликнинг устунлик қилиши;
2. Тошдан ишланган қуроллар кўп бўлгани ҳолда мис қуролларнинг пайдо бўлиши;
3. Катта – катта ибтидоий жамоаларнинг пахсадан ва хом ғишдан тикланган катта – катта уйлари;
4. Қулоччиликда муҳим техника ютуғи – хумдонларнинг ишлатилиши.
5. Турли ҳайвонларнинг лойдан ясалган ва она уруғи (матриархат)га хос ҳайкалчалари;
6. Рангдор, турли тасвирлар билан безатилган сопол буюмлар мавжудлиги.

Энеолит даврида Ўрта Осиё аҳолисининг маданияти бир босқич юқорига кўтарилади. Лекин бу ҳудудлардаги қабилаларнинг маданий ва ижтимоий тараққиёти бир хил даражада эмас эди. Қадимги қабилалар мис – тош даврига ўтгач, маданий, хўжалик ва ишлаб чиқариш тараққиётининг янги босқичи бошланади. Янги хўжалик турлари – деҳқончилик ва чорвачилик аввалгидек, Туркманистоннинг жануби – ғарбидаги қулай географик шароитда ривожланади. Бу пайтда қуйи Зарафшон ва Амударё ҳавзаларида яшовчи қабилалар ҳали маданий ўсимликлар ўстиришга ўтмаган эдилар. Ўрта Осиёнинг шарқий қисмидаги тоғли ҳудудлар аҳолиси хўжалигида эса овчилик устун эди. Демак, илк ва ривожланган мис – тош даврида Ўрта Осиё қабилаларининг ижтимоий – иқтисодий ва маданий ривожланишида катта фарқлар ва нотекистиклар сақланиб қолади.

Дашт ва тоғ ҳудудларидан топилган хилма – хил моддий манбаларни ўрганиш натижалари (сопол идишлар, тош қуроллар, ҳайвонлар ва қушлар суяклари) қабилаларнинг иқтисодий ҳаётида қўшимча хўжаликлар – овчилик ва балиқчилик асосий манба бўлганлигидан далолат беради. Шу билан бирга дашт одамлари тарихида чорвачиликнинг илк босқичи бошланади дейиш мумкин. Лекин неолит даври анъаналари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аҳолининг асосий қисми дарёларнинг ирмоқлари соҳилида ва кўллар атрофида яшаган.

Бронза даври – милоддан аввалги 3 минг йилликнинг ўрталари – 2 минг йилликлар. Бронза – мис, қалай ва кўрғошин қоришмасидир. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бронзанинг ватани Кичик Осиё ва

Месопотамия бўлган. Мил. авв. III минг йилликка келиб, Ўрта Осиё худудларида бронза қуроллар кенг тарқалади. Ўзбекистон худудларида бронза даври ёдгорликлари кўплаб учрайди. Бу даврга мансуб маданият излари дастлаб Хоразм, кейинроқ эса Зарафшон ва Қашқадарё ҳамда Фарғона водийларидан топилган. Улардан энг йириклари Сополлитепа, Жарқўтон, Тозабөгёб, Замонбобо, Чуст, Амиробод ёдгорликларидир.



Бронза (жез) даври қуроллари. Фарғона водийси

Бронза даврининг хўжалик соҳасида эришган энг катта ютуқларидан бири қадимги деҳқончиликнинг кенг ёйилиши ва милоддан аввалги 2 минг йилликда чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқишидир. Юқорида кўрсатилган ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, бронза даврида кишилик жамияти маданий тараққиётида катта – катта ўзгаришлар содир бўлади. Аҳоли хўжалик юритишнинг муайян кўринишларига, яъни воҳаларда, қўллар, дарёлар ва сойлар бўйларида деҳқончиликка, дашт ва тоғолди худудларида чорвачиликка (меҳнатнинг дастлабки йирик тақсимоти) ўтиб олди. Бу тарихий жараён, яъни чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши – кишилик жамияти тараққиётидаги дастлабки йирик меҳнат тақсимоти эди.

Бу даврга келиб, Ўрта Осиёнинг ижтимоий тузумида ҳам ўзгариш жараёнлари бўлиб ўтди. Уруғчилик тузуми бронза давридаям давом этган бўлса – да, она уруғининг мавқеи йўқолиб борди. Металл эритиш ва хўжаликнинг ривожланиши натижасида жамиятда эркаклар меҳнат ва мавқеи биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб борди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бронза даври жамият тараққиётида, деҳқончилик, чорвачилик, овчилик ва хунармандчиликнинг ривожланишида эркаклар етакчилик қилганлар. Аёллар эркаклар ишлаб чиқарган нарсаларни истеъмол қилишда иштирок этсалар ҳам, унга эгалик қилишдан маҳрум бўладилар. Ишлаб чиқаришда ҳукмронлик қилиш шу тариқа эркаклар қўлига ўтади ва она уруғи тузуми ўрнини милоддан аввалги 3 минг йиллик ўрталарига келиб **ота уруғи – патриархат** даври бошланади. **Патриархат** – инсоният ривожининг шундай босқичидирки, унда эркак киши жамият ҳаётида етакчи мавқега эга бўлиб, қариндошлик муносабатлари ҳам ота томонга қараб белгиланган.

Бронза даврига келиб, одамлар **қулоччилик чархи ва гилдиракни** кашф этди. Шу тариқа ҳаракатланиш васиталари ҳам вужудга келди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида кишилик жамияти тарихий – маданий тараққиётида катта – катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу жараёнларда бронзанинг аҳамияти катта бўлди. Аҳоли хўжалик юритишнинг маълум кўринишларига, яъни воҳаларда, қўллар ва

сойлар бўйларида деҳқончиликка дашт ва тоғолди ҳудудларида эса чорвачиликка ўтиб олди. Бу даврда жамият ҳаётидаги содир бўлган турли тараққиёт жараёнлари – кишилиқ тарихида муҳим босқич бўлган давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун улкан аҳамият касб этди.

Темир даври – милоддан аввалги 1 – минг йилликнинг бошларидан. «Темир даври» атамаси, гарчи антик дунёда тош, жез асри тушунчалари қаторида юзага келган бўлса – да, фанга XIX асрнинг ўрталарида даниялик археолог К.Ю. Томсен томонидан киритилган.

Темирдан биринчи бўлиб Кичик Осиёдаги хеттлар фойдалана бошлаганлар (мил. авв. XIV – XIII асрлар), кейинроқ уларга қўшни бўлган икки дарё оралиғи, Эрон, Кавказорти мамлакатларининг аҳолиси ҳам фойдаланганлар. Мил. авв. I мингинчи йилларнинг бошларида аждодларимиз темирдан меҳнат қуроллари, қурол – яроқлар, безакли буюмлар яшани ўзлаштирадилар ва мамлакатимизда темирдан фойдаланиш кенг тарқалади. Одамлар ҳаётида темир даври бошланади. Ўрта Осиёдан топилган энг қадимги темирдан ясалган буюмлар мил.авв. IX – VIII асрларга тегишли бўлса-да, улардан кўпи мил. авв. VIII – VI асрларга оид.

Темирдан ясалган омон, кетмон, белқурак ва бошқа меҳнат қуроллари анча кенг майдонларни ҳайдаш, тўғонлар қуриш, канал ва ариқлар қазиб сув чиқариш имконини беради. Булар деҳқончиликнинг юксалишига олиб келади. Темирнинг кашф этилиши ҳунармандчиликни янада юқори поғонага кўтарди. Темирдан қаттиқ ва ўткир пичоқлар, ўроқлар ясалиши меҳнат умумдорлигини оширишга ёрдам берди.

Темир даврида қулоччилик чархи, нақш билан безатилган сопол буюмлар кенг тарқалди. Темирчилик босқони, қўл тегирмони вужудга келди, металлга ишлов бериш ривожланди. Хонадонларда ип йиғириш ва матолар тўқиш, кийим тикиш тобора кенгайиб борди. Уй – жой қурилиши бир мунча яхшиланди. 10 – 20 тадан хонаси бўлган катта майдонли уйлар қурилиши билан бирга, ғиштдан, синчдан алоҳида бир оилага мўлжалланган уйлар қуриш кенг тарқалди.

3. Аждодларимизнинг илк диний эътиқодлари. «Авесто» – зардуштийлик динининг муқаддас китоби. Аждодларимиз ҳаётида дастлабки диний эътиқодлар ва маросимлар уруғчилик жамиятида пайдо бўлган. Ўзбекистон инсонларда илк бор диний тасаввурлар ва ақидалар пайдо бўлган энг қадимги ўлкалардан бири ҳисобланади. Масалан, Сурхон воҳасидаги (Бойсунтоғ) Тешиктош ғоридан неандерталларга мансуб ёш боланинг суяк қолдиқлари ва унинг атрофига териб чиқилган тоғ эчкиси шохларининг топилиши ўрта палеолитнинг охирларида дастлабки диний тасаввурларнинг пайдо бўла бошлаганини кўрсатади. Неолит даврининг охирларига келиб *анимизм, тотемизм, фетишизм* ва *сеҳргарлик (магия)* сингари ибтидоий дин шакллари тарқалди.

Табиатнинг жонлилиги тўғрисидаги тасаввурлар йиғиндиси фанда **анимизм** (лотинча *anima, animus* – рух) деб аталади. Анимизм – жон, рух; дунёда рухлар жонлар шаклидаги кучлар деган ибтидоий дин шакли. Ибтидоий одам тасаввурига кўра, унинг атрофидаги дунёда ҳар нарсанинг (хайвонлар, ўсимликлар, табиат ҳодисалари ва ҳ.к.) жони, яъни руҳи мавжуд. Ер, олов, ўрмон, сув, тоғ ва уй «рух»ларининг келиб чиқиши ҳам шундан. Дарахтга топиниш рамзи сифатида «хаёт дарахти» мавзуси Ўзбекистон халқ ҳунармандчилигида муҳим ўрин тутди. Сўнгги жез ва темир даври бошларида инсон руҳи ўлмайди, балки нариги дунёда яшашда давом этади, деган тасаввур вужудга келди. Шунга биноан майит билан бирга турли ашёлар, озиқ – овқатлар, ҳатто бир неча хизматкор – кулни кўмиш одат тусига кирди. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли машҳур асарида Хоразм халқи орасида анимизм кенг тарқалганини кўрсатади.

Тарихан деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ равишда **тотемизм** Ўзбекистон халқларида бир мунча кенг тарқалган эди. Тотемизм – хайвонлар ва ўсимликларни эътиқод объектига айланиши натижасида кенг тарқалган диний тасаввурларнинг йиғиндисидир. Бу тасаввурларга кўра хайвонлар, ўсимликлар ва бошқаларнинг бир хиллари **тотем** (*тотем* (ҳинду.) — уруғчилик тузумининг илк даврида хайвон ва ўсимликлар турига ёки жонсиз табиат нарсаларига топиниш) дейилган. Ибтидоий халқларда ўз қабилаларига асос солган деб ҳисоблаган хайвон ёки ўсимликларга эътиқод қилиш, топиниш; тотемни ўлдириш, истеъмол қилиш таъқиқланган, хайвон, ўсимлик ва балиқ номи билан юритилган қабилаларнинг тотем шакли солинган рамзи бўлган. Айрим тотемлар ҳам яхшилик, ҳам ёмонлик тимсоли бўлган. Масалан, илон тотем жонивор саналиб, у ташқи кўринишидан ўқ илонга ўхшаш тош тумор Ўзбекистон тарихи музейида сақланмоқда. У Фарғона водийсининг Сўх қишлоғидан топилган ва милoddан аввалги 2 – минг йилликка оиддир. Хўкизга эса қадимдан куч – қудрат, маҳсулдорлик тимсоли сифатида қаралган. Баъзи археологик ёдгорликлардан тутқичи кўй шаклида ишланган идишлар топилган. Шунингдек, Ўзбекистон маданий ёдгорликларида туя, отга сиғинилганидан далолат берувчи тасвирулар мавжуд. Куч – қудрат рамзи бўлган шер тасвирини ҳам кўплаб учратиш мумкин. Қадим – қадимда баъзи қушлар ҳам Ўзбекистон худудида табаррук ҳисобланган. Масалан, хўроз, товус ва қирғовул «куёш» қушлари деб қаралган ва улар ҳосилдорлик келтиради деб ишонилган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Туркистон халқлари орасида мусича, қалдирғоч, кўк қарға, лайлак каби қушларга озор бериш гуноҳ деб ҳисобланиши ҳам тотемизмнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Аждодларимиз ҳаётида кенг тарқалган дастлабки диний эътиқодлардан яна бири – фетишизмдир. **Фетишизм** (португал., француз.) — ясалган, тумор, сеҳрли нарса; жонсиз нарсаларни ғайри табиий хусусиятга эга деб ишониш ва уларга топиниш, сажда қилиш. Фетишизмнинг кўринишларидан бири турли хил буюмлардан ясаладиган тумор тақиш одатидир. Туморларнинг шакл ва

кўринишига қараб этник тафовутларни кўриш мумкин. Масалан, хивалик ўзбеклар узунчоқ туморлар тақишни афзал кўрадиган бўлса, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида тўғри бурчакли ва уч бурчакли туморларни тақишган.

Магия (юнон.) — сеҳргарлик: одамнинг ўзини ғайри табиий кучларга таъсир кўрсата олиш қобилиятига асосланган иш амаллари. Сеҳргарлик (магия) турлича бўлиб, даволаш, бирор одамни «иситиш» ё «совитиш», дехқончилик, чорвачилик соҳалари, ҳатто об – ҳавога таъсир кўрсатиш каби кўринишлари маълум бўлган. Кўзмунчоқ, тумор ёрдамида ёмон кўзлардан, бало – қазолардан асрашга оид сеҳргарлик ҳам шунга киради. Сеҳргарликнинг баъзи шакллари ҳозир ҳам учраб туради: Қуръони карим оятлари ёзилган тумор, дуо матни туширилган кўзмунчоқ ва ҳ.к.

Шаманизм ҳам ибтидоий диний эътиқод шакли сифатида мавжуд бўлган. **Шаманизм** (тунгус – эвенк.) — таман, саман — шаманлик; эвенк тилида шаманизм руҳоний; ибтидоий жамоа тузуми охирларида вужудга келган динлардан бири. Шаманизм айрим кишилар — шаманларнинг ғайри табиий қобилиятига эга бўлиб, ашула айтиш, рақсга тушиш, чилдирма чалиб жазавага тушиб, ёвуз ва саҳий руҳлар билан бевосита муносабатда бўла олганлари учун касалларни даволаш, фол очиш ва бошқа қобилиятга эгаликларига ишонтиришдан иборатдир. Шаманлар гўё руҳларни чакира олар, қўнғироқли чилдирма билан руҳлар маконига саёҳат қилар, уларга илтимос билан мурожаат қила олар эмиш.

Жанубий Сибирь халқларида шаманларнинг махсус белгилари — қўнғироқли чилдирма, турли буюмлар осилган махсус кийимлари ва ўз маросимлари бўлган. Шаманизм қадимдан Африка, Шимолий ва Шарқий Осиё халқлари (хусусан Ўзбекистонда ҳам) орасида тарқалган. Хусусан, юнон тарихчиси Геродот Ўрта Осиёда яшовчи айрим массагет қабилаларининг шаманлари гулхан атрофида рақсга тушиб, қўшиқ айтиши ҳақида ёзган. Ўрта Осиё шомончилиги (шаманизм) халқнинг ҳаёт тарзи, турмуши билан узвий боғлиқ бўлган. Бизнинг ота – боболаримиз ёрдамчи руҳларнинг борлигига қаттиқ ишонганлар. Фақат ишонибгина қолмай, балки амалда улар билан иш кўришган.

Аждодларимиз маънавий ҳаётидаги дастлабки диний эътиқодлар заминидан аста – секин бутун Турон ҳудуди бўйлаб кенг тарқалган динлар вужудга келган. Зардуштийлик, буддизм, яҳудийлик ва христианлик каби динлар ана шулар жумласидандир. Бу диний қарашлар аждодларимизнинг табиат ва жамият воқеа – ҳодисаларига муносабатларини ўзида акс эттирган.

Зардуштийлик — зороастризм – мил. авв. VII – VI асрларда вужудга келган дин. Сўнгги тадқиқот хулосаларига қараганда, Ўрта Осиё, хусусан, Хоразм зардуштийлик ватани бўлган. Зардуштийликни Бақтрия подшоси Виштасп биринчилардан бўлиб қабул қилган. Бу дин мил. авв. VII асрдан то милоднинг VII асригача қарийб минг йил Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Эрон халқларининг асосий дини ҳисобланган. Қадимги пахлавий тилида «Зардушт»

сўзи «Магупта» деб аталган. Пахлавий тилидаги ёдгорликларни араб тилига таржима қилган олимлар уни «мажус» шаклида қўллаган. Натижада ўрта асрлардан бери «Зардушт» «мажус», «зардуштийлик» эса «мажусийлик» сифатида қўлланиб келинган. «Нур», «оташ» зардуштийликнинг рамзи, тимсолидир. Зардуштийликда Ахурамазда олий худо ҳисобланганлиги учун зардуштийлик — маздаизм ёки маздаийлик деб ҳам аталган. Бу диннинг пайдо бўлиши — *Зардушт*, *Заратуштра* (Авесто тили бўйича), Зороастр (юн. «astron» – «юлдуз»), (мил. авв. тахм. 618, Хоразм – мил.ав. 554, Балх) деган пайғамбар номи билан боғлиқ. У Спитама (сўғдийча Спитаман деган исм ҳам шундан келиб чиққан) уруғининг раиси Порушасп хонадонида туғилган. Онасининг номи Дуғдова.

Заратуштра номи қадимги Эрон «Зара – уштра» сўзидан келиб чиққан, «Зар» – Олтин, «уштра» – туя, ёки уч хил маънода – «Олтин туяли», «Олтин туя эгаси», «Олтин туя етаклаган одам» деб таржима қилинади. Зардушт номини Осетин олими В.И. Абаев «Кекса туялар эгаси», инглиз олими Ричард Фрай «Туякаш», рус эроншунос олими И.М. Дъякунов «Тилла ранг туя соҳиби» деб таржима қилган.

Зардушт 40 ёшга етганда ўзигача бўлган кўп худолилик диний ақидаларига ҳамда табиат ҳодисаларига қарши чиқиб, яккахудоликка асосланган биринчи диний китоб – «*Авесто*» («Қатъий қонунлар» маъносини билдиради) яратган. *Авесто*, *Овесто* (парфиёнча: apastak – матн; кўпинча «Зенд – Авесто», яъни «тафсир қилинган матн» деб аталади) — зардуштийликнинг мукаддас китоблари тўплами. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрига кўра, «Авесто» Ўрта Осиёда, хусусан Хоразмда мил. авв. 1 минг йилликнинг 1 ярмида вужудга келган.

Зардушт ваъзлари(даъват) матнларининг ҳаммаси милоддан аввалги III асрда 21 та китобда жамланган, бу китоблар «Авесто»нинг асосини ташкил этади. Китобда Турон, Хуросон, Озарбайжон, Ироқ, Эрон, Кичик Осиё халқларининг милоддан аввалги қадимги даврдаги ижтимоий – иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам ва одам тўғрисидаги тасаввур, урф – одат ва маънавий қадриятлари ҳақида маълумот берувчи асосий манбадир.

Зардуштийлик динининг асосий ақидаларини ўзида мужассам этган Авестода ўша даврдаги устувор ғоялар, маъбудлар шаънига айтилган мадҳиялар, дуолар ҳам ўз ифодасини топган. Тарихчи Масъудийнинг ёзишича, подшо Доро ибн Доро хазинасида «Обисто»нинг («Авесто») 12 минг олтин тахтага, Балхийнинг «Форснома» китоби ва Абу Райҳон Беруний асарларида ёзилишича, 12 минг ошланган мол терисига тилло сувида ёзилган 32 китобдан иборат нусхаси бўлган. У Персеполда сақланган. Македониялик Александр Эронни забт этганда, бу нусха куйдириб юборилган. Айни замонда унинг тиббиёт, фалакиёт, фалсафа ва адабиётга доир бўлимлари юнон тилига таржима қилинган.

Милоднинг I асрда Парфиядаги аршакийлар ҳукмдори Вологес I даври (51 – 78)да қайта китоб қилинган, лекин у сақланмаган. Шунингдек,

сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврда зардуштийлик динига бўлган қизиқиш кучайган. Сосонийлар даври (III – VII асрлар)да яхлит китоб ҳолига келтирилган. Жумладан, Подшо Ардашер (226 – 242) ва унинг ўғли Шопур (242 – 272) ҳукмронлик қилган даврда зардуштийлик яна давлат динига айланган. Ўша даврда ҳукмронлик қилган шоҳ Хусрав Ануширвон (531—579) ҳатто руҳонийлар ҳам тушуниши қийин бўлгани учун Авестони замонасининг адабий тили ҳисобланган паҳлавий тилига ўгиртирган. Шунингдек, асосий матнга шарҳлар ёзилиб, изоҳлар ҳам берилган. Сосонийлар ҳукмдорлари томонидан қайта тикланган бу китоб эндиликда Зенд Авесто деб аталган. Зенд – баён қилиш ва изоҳлаш демакдир. Бинобарин, Зенд Авесто зардуштийлик дини таълимотини тўлиқ акс эттирмайди.

Биринчидан, Авестонинг бешдан уч қисми (18 наски) номаълум бўлиб, фақат 12 наски кишиларнинг ёдида қолган оғзаки қўшимчалар асосида китоб ҳолига келтирилган.


Иккинчидан, китобни қайта тиклаш даврида астрономия, тиббиёт, география, этика каби фанларга оид асарлар ҳам унинг матнига қўшиб юборилган, деган тахминлар бор. Шунингдек, китобнинг ҳажми катта бўлгани боис диндорларнинг ҳар куни фойдаланишига қулайлаштирилиб, қисқартирилиб «Кичик Авесто» шакли яратилган. Унга асосан танлаб олинган дуо ва мадҳиялар киритилган. VII – VIII асрларда Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши ва исломнинг кенг тарқалиши билан зардуштийлик ва унинг бош китоби Авесто тақиқланган. Шу сабабли унинг аксарият қисми йўқолиб кетган ва тўла матни ҳозирга қадар топилмаган. Бугунги кунда унинг «Яшт», «Видевдат», «Висперат», «Ясна», «Хордо Авесто» (Кичик Авесто) номли қисмларигина сақланиб қолган.

«Авесто»нинг матнларини ўрганишда аввало француз ва инглиз олимларининг хизматлари муҳим ҳисобланади. Хусусан, француз тадқиқотчиси Анкетиль Дюпперон Ҳиндистонга илмий сафар қилиб, у ердаги зардуштий (маздаий)лар жамоасида уч йил яшади. «Авесто» тилини ва ёзувини ўрганади ва уни таржима қилади. 1771 йилда француз тилига таржима қилиб нашр этган. «Авесто»нинг 27 жилддан иборат бу нашри асарнинг еттидан бир қисмидир.

Тадқиқотчи Мери Бойс кўп йиллар давомида Ҳиндистондаги зардуштийлик жамоалари ҳаёти ва урф – одатларини ўрганади. Бу ҳақда у ўзининг «Зардуштийлар. Эътиқодлари ва урф – одатлари» китобида ҳикоя қилади.

Зардуштийликнинг ахлоқий таълимоти «эзгу фикр», «эзгу сўз» ва «эзгу амал» дан иборат муқаддас учлик (ахлоқий триада)да ўз ифодасини топган. Зардуштийлик талабига кўра, ҳар бир инсон Тангрининг яккаю ягоналигини эътироф этиши, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин илм ўрганиши, турли касбларни эгаллаши, чорвачилик, дехқончилик, боғдорчилик билан шуғулланиши, канал қазиши, ер очиши лозим. Энг асосийси — Зардуштийликда эътиқод эркинлиги мавжуд бўлган.

Қадимги аждодларимизнинг эзгу ғоялари ва миллий давлатчилик анъаналари ўз аксини топган бу китоб фақат мустақиллик йилларида ҳақиқий кадр – қиммат топди. Унинг халқимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихидаги улкан аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Авесто» китобининг яратилганлигининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги (2000 й. 29 март 110 – сонли) қарор қабул қилинди. 2001 йили Ўзбекистонда «Авесто» китобининг 2700 йиллиги тантанали нишонланди. Урганчда «Авесто» ёдгорлиги бунёд этилди.



Урганч. «Авесто» ёдгорлиги

3 – мавзу: Ўзбек халқининг этник шаклланиши

Режа:

1. Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси.
2. Ўзбек халқининг этногенези ва унинг шаклланиш босқичлари.
3. Ўзбекларнинг этник тарихи. «Ўзбек» атамаси.

Таянч сўз ва иборалар: Уруғ, қабила, элат, халқ тушунчалари. Суғдийлар, бактрийлар (бахтарийлар), хоразмийлар, саклар ва массагетлар. Ўзбек халқининг этногенези, хионийлар, кидарийлар (тохарлар), эфталийлар. Ўзбек халқининг этник, тарихи, «Ўзбек» атамаси.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007. – Б. 239-252.
3. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 196-200.
4. Хозиров Қ. Мустақил ва миллий муносабатларнинг ривожланиши. –Т.: 2001. –Б. 28-32.
5. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарқ, 2001.
6. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 45-59.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2000. – Б. 658-659.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2003. – Б. 501.
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2004. – Б. 437-439.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2004. – Б. 178-179.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2005. –Б. 127; 366; 429; 490.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2005. –Б.429; 488.
13. Usmonov Q., Sodiqov M., Burxonova S. O'zbekiston tarixi. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2006. –Б. 77-93.
14. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1 / Mas'ul muharrir: A. Sagdullayev. – Т.: Sharq, 2010. –Б. 282-285.
15. <http://dic.academic.ru>

1. **Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси.** Истиқлол шарофати билан тарихимизни, бой ўтмишимизни илмий, холисона тарзда баён қилиш имкониятини кўлга киритдик. Мустақиллик йилларида тарих масаласига

бўлган эътибор давлат даражасига кўтарилди. Хусусан, Президентимиз Ислон Каримовнинг 1998 йил июнь ойида бир гуруҳ олимлар билан ўтказган учрашувида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 27 июль қарорида ва Президентимизнинг тарихий ўтмишимизни ўрганиш муаммоларига бағишланган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида ҳамда сўнгги пайтлардаги кўпгина чиқишларида ўзбек халқининг тарихини илмий, ҳаққоний тарзда баён қилиш, тарихий тадқиқотларга кенг кўламда йўл очиб бериш, маданий меросимизни асраб – авайлаш, миллий мафкура ғояларини ривожлантириб, тарғиб этиш ва бошқа кўплаб муаммоларни ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбек халқи узоқ ва воқеаликларга бой тарихига эга бўлиб, унинг халқ сифатида шаклланиши масаласини ўрганишда дастлаб **уруғ, қабила, элат, халқ** тушунчалари тўғрисида бир қадар тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Уруғ (*эски ўзбек.*) — бир аждоддан тарқалиб (бир она ёки отадан), умумий бир ном билан аталувчи қон – қариндошлик жамоаси. Қадимдан қон – қариндошлик ришталари билан боғланган, бир илдизга бориб такаладиган, турмуш тарзи, яшаш шароити бир хил бир неча оилалар бирикувидан уруғлар ҳосил бўлган. Қариндошлик ҳисоби она (она уруғи) ёки ота (ота уруғи.) бўйича олиб борилган. У юқори ва қуйи палеолит даврлари ораллигида пайдо бўлган. Уруғ жамоасининг ўз етакчиси – оқсоқоли бўлган. Уруғ жамоаси ҳамма нарсада, ҳар бир масала-ю саъй – ҳаракатларда оқсоқолнинг измида бўлган. Уруғлар қабилаларга бирлашган. Жамиятда табақаланишнинг пайдо бўлиши билан бўлиниб кетган. Уруғ — қабилаларга бўлиниш қолдиқлари кўп халқларда сақланиб қолган.

Ўрта Осиё халқлари кўпгина қабила ва уруғларга бўлинган. Масалан, ўзбеклар 92 дан ортиқ, туркманлар 100 дан ортиқ, қозоқлар 300 дан ортиқ қабилалар ва уруғларга, улар эса яна бир неча уруғчаларга бўлинган. Уруғлар кўпинча яшаган географик жойлари ва ишлаб чиқариш турларининг номланиши билан аталган. Туркий халқлар таркибига барлос, қиёт, қушчи, қўнғирот, уйшун, найман, чимбой, қарлук, кенагас, дўрмон, манғит, нукуз, уйғур, хитой, тоймас, қипчоқ, туман, минг ва бошқа уруғлар кирган (*Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9 жилд. –Т.: ЎМЭ, 2005. –Б.127*).

Қабила (*араб.*) — уруғ, уруғ – аймоқ — бир ота – онадан тарқалган бир нечта уруғ уюшмаси; қабила уруғга нисбатан йирик бўлиб, бир нечта уруғларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Масалан, ўзбеклардаги минг, найман, қўнғирот қабилалари ва ҳоказо. Бу бирлик ибтидоий жамоага хосдир. Дастлабки қабилалар ўзаро дуал экзогамия, яъни бир – бирига қиз олиб – қиз бериш асосида қариндошлик иплари билан боғланган бир нечта жуфт қудалашган уруғдан ташкил топади. Қабиланинг ўзига хос тили (лахжаси), худуди, қабила номининг (этнонимининг) бўлиши ва ўзига хос қабила

анъаналарини, унинг аъзолари томонидан билиши билан бошқа қабилалардан ажралиб туради. Қабила ҳаётига доир ишларга бошчилик қиладиган қабила оқсоқоли сайланган, муҳим масалалар бўйича қабила йиғинлари ўтказилган.

Қабилалар ўртасида этник, хўжалик, моддий ва маданий алоқалар ривожланиши натижасида улар кўшилишиб, бирлашиб кетадилар. Натижада уларнинг етакчи, нуфузли гуруҳи номи билан янги *этник бирлик - элат ёхуд халқ* шаклланади.

Элат — мугулча, туркийча сўз бўлиб, кишиларнинг тил, ҳудуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган миллатдан олдинги бирлиги. Элат қабила билан миллат орасидаги этник бирликнинг кўринишидир. Элатнинг шаклланишига бир – бирига яқин бир неча қабилаларнинг уюшуви асос бўлган. Ижтимоий – иқтисодий тараққиётнинг маълум бир босқичида қабилалар орасидаги этник, хўжалик моддий ва маданий алоқаларнинг тобора ривожланиб бориши натижасида бир қанча қабилалар бирлашадилар. Натижада этник бирликнинг янги тури вужудга келади. Бу элат дейилиб, маълум тарихий шароитда ҳудудий, иқтисодий, тил ва маданий умумийлик асосида шаклланади. Элат (асоси «эл») атамаси ўтмишда кенг маънода қўлланилган; халқ, давлат, қабила, қабила иттифоқи, маълум бир қабила ёки ҳудуд фуқароларини англатган. Турли элатларнинг ҳудуд жиҳатидан ўзаро яқинлашуви уруғ ва қабила гуруҳларидаги кишиларнинг қон – қариндошлик алоқаларини кучайтирган. Иқтисодий – хўжалик, маданий ва этник жараёнларнинг тобора ривожланиши натижасида бир неча қабилаларнинг бирлашуви жараёнида вужудга келган элат этник ҳудудий, иқтисодий, тил ва этномаданий умумийлик асосида шаклланган.

Халқ — 1) муайян мамлакатнинг барча аҳолиси; 2) тарихий бирликнинг турли шакллари (қабила, элат, миллат). Халқларнинг келиб чиққан тарихини (этногенезини) ва шаклланиш жараёнини ўрганишда ижтимоий фанларда «этнос» (юн. «халқ») ва «этник бирлик» иборалари қўлланилади (*Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9 жилд. –Т.: ЎМЭ, 2005. –Б.366*). Халқ – бу биологик ҳосила эмас, балки узоқ давом этадиган этногенетик жараёнлар маҳсули ва этник бирликлар йиғиндиси. Этнос атамаси, яъни халқ жуда кенг ва тор маънода ишлатилади. Масалан, кенг маънода: Россия халқи, Ўзбекистон халқи, дунё халқи; тор маънода: ўзбек халқи, қирғиз халқи, тожик халқи. Кичик бир гуруҳ кишиларига нисбатан ҳам «халқ» ибораси қўлланилади. «Халқ» атамасини «эл», «элат» ўрнида, анча вақтлардан буён ўтроқ ҳаёт кундалик турмуш тарзига айланган этник бирликлар уюшмасига нисбатан ишлатилиб келинмоқда. Фанда этник бирлик босқичининг 3 тури мавжуд: **қабила, элат ва миллат**. Кетма – кет алмашиб келган бу атамалар турли вақтларда вужудга келган бўлиб, улар ўз даврига хос хусусиятлари билан бир – биридан фарқ қиладилар. Кишилар бирлашувининг табиий негизи — ҳудуд умумийлиги, шунингдек, улар тилининг яқинлиги ёки умумийлиги этник бирликнинг, яъни халқнинг вужудга келишида асосий шарт ҳисобланади. Шу билан бир қаторда халқнинг шаклланишида иқтисодий ва маданий умумийлик

омиллари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бироқ ушбу кўрсатилаётган худудий, тил, иқтисодий ва маданий умумийлик бир пайтнинг ўзида юз бермайди, аскинча муайян тарихий босқичларда шаклланиб таркиб топади.

Ўзбеклар алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланган худуд масаласига тўхталадиган бўлсак, улар Ўрта Осиёнинг марказий вилоятлари — Мовароуннаҳрда, Хоразмда, Еттисувда, қисман Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида шаклланган.

Ўзбек халқининг тили эса мавжуд қадимги ёзма манбалар таҳлилига кўра, неолит (янги тош) ва бронза даврларида Ўзбекистон худудининг тубжой аҳолиси эроний тиллар оиласининг шарқий лаҳжаларида сўзлашувчи суғдийлар, хоразмийлар, бактрийлар, сак қабилалари бўлганлиги фанда эътироф этилади. Ҳозирги Ўзбекистон аҳолисининг тили - ўзбек тили эса туркий тиллар (туркий тилларнинг қорлуқ гуруҳига мансуб тиллардан; янги уйғур тили билан биргаликда қорлуқ – хоразм гуруҳчаси) оиласига киради. Демак, ўзбеклар икки хил тилда сўзлашувчи (шарқий эроний ва туркий) қабил ва элатларнинг қоришувидан таркиб топган этносдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ўлкамизнинг қадимги аҳолиси тош ва бронза даврларида қандай ном билан аталганликлари ҳозирда номаълум. Юртимизнинг қадимги этник гуруҳлари ҳақидаги маълумотлар дастлаб Шарқ ва юнон – рим манбаларида тилга олинади. Бу манбаларнинг гувоҳлик беришича, милoddан аввалги VII – VI асрларда Ўзбекистон худудида *суғдийлар, бактрияликлар (бахтарийлар), хоразмийлар, сак ва массагет* элатлари яшаганлар. Улар ўзбек халқининг ҳам аجدоди ҳисобланади.

Зарафшон водийси ва Қашқадарё воҳасида деҳқончилик билан шуғулланувчи кўплаб аҳоли истиқомат қилган. Бу худудда яшайдиган қадимги аҳоли *суғдийлар, суғдлар* деб аталган. Бу худуд Сўғда («Авесто»да), Сўғуда (Бехистун ёзувларида), Арриан, Страбон, Квинт Курсий Руф асарларида Сўғдиёна деб номланган. Бу минтақада суғдийлар этник уюшма сифатида мил. авв. XII – XI асрларда бўлган. Авестода Гава номли юртда суғдийлар яшайди деб кўрсатилган («Видевдат», I фрагард). Ахомонийлар қоятош битикларидаги Сугуда номли қарам сатраплик аҳолиси суғдийлар бўлган.

Суғдийлар ҳар 2 воҳада деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Мил. авв. VIII – VII асрларда Кўктепа, Афросиёб, Узунқир, Сангиртепа, Ерқўрғон шаҳар харобалари ўрнида бўлган қадимги шаҳарлар Суғд халқи шаҳарсозлигининг илк йирик марказлари эди.

Суғдийлар узоқ муддат турли салтанатлар таркибида бўлиб келганлар. Жумладан, ахомонийлар, юнонлар, кушонлар, хионийлар, эфталийлар, кидарийлар, Турк хоқонлиги даврида ҳам нисбий мустақиллик руҳини сақлаганлар.

Мил. авв. II – I асрлардан бошлаб суғдийлар ўз худудларида янги конфедератив давлат тизими атрофида бирлашдилар. Асосий пойтахт шаҳарлар Самарқанд бошчилигида Кеш, Бухоро, Нахшаб (Насаф) қабилар эди.

Айни шу даврдан умумсуғд алифболи ёзуви амал қила бошлаган ва унинг кўплаб ёдгорликлари бизгача етиб келган.

Суғдийлар Буюк ипак йўли халқаро муносабатларда катта нуфузга эга эдилар. Суғд тили халқаро тил даражасига кўтарилган. Суғд ёзуви эса, қадимги туркий – руний, уйғур – туркий, мўғул, манжур ва бошқа Шарқ ёзувларига график асос бўлиб хизмат қилган. Суғдийлар ўз ёзма ёдгорликларида халқ сифатида «Суғдик ноб», «Суғд халқи» деб аталган.

Суғдийлар Шарқий Туркистонга савдо билан келиб, Буюк ипак йўлидаги шаҳар ва қишлоқларда, IV – V асрлар давомида (балки олдинроқ) шу ерларда қолиб яшаганлар. Бу ердаги вилоятларнинг кўпчилигида савдо – сотиқ ишлари сўғдийларнинг қўлида бўлган. Дуньхуан ва Гуанчжоу вилоятларининг ҳокими маълум вақтларгача сўғдийлардан бўлган. VI – VIII асрлар давомида буларнинг ҳам кўпчилиги туркийлашиб кетган (*Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. –Т.: ЎМЭ, 2004. –Б.178-179*).

Суғдийларнинг энг яқин қўшнилари **бактрияликлар** бўлиб, уларнинг юрти Сурхондарё воҳаси, Афғонистоннинг шимоли, Тожикистоннинг жанубий ҳудудларида жойлашган. Тарихий ва археологик маълумотларга кўра бактрияликлар белбоғли кўйлак, чолвор ва кулоҳ кийишган, чолворларининг почасини учи юқорига қайрилган этикларининг қўнжигга тикиб юришган. Бактрияда асосан оромий ёзувидан ва маҳаллий тиллардан фойдаланилган.

Хоразмийлар (хорасмий) – Қадимги Хоразмда (Амударёнинг қуйи оқими) яшаб, хоразмий тилида сўзлашган халқ. Уларнинг юрти Хваризам («Авесто»да), Хваразмиш (Бихистун китобларида), Хорасмия (Арриан, Страбон асарларида) дейилган. Тахминларга кўра, хоразмийлар Ҳилманд водийси (Ҳирот атрофида)дан Амударёнинг қуйи оқимидаги ерларга мил. авв. I минг йиллик ўрталарида кўчиб келганлар. Хоразмийлар илк бор Бехистун ёзувларида, шунингдек, Геродот, Гекатей Милетлик асарларида қайд этилган. Жумладан, Геродотнинг ёзишича, хоразмийлар Амударё дельтаси (Орол денгизи бўйида) ва ҳозирги Хива воҳаси жанубида яшаганлар. Мил. авв. VI – V асрлар бўсағасида «Хорасмия шаҳри» ва хоразмийлар мамлакати ҳақида милетлик Гекатей хабар беради. Мисрдаги Нил дарёси бўйидаги мил. авв. V асрга оид шаҳар харобаларидан топилган бир ҳужжатда Харчин ўгли Даргман исми бир хорасмий саркардаси тилга олинган, у аҳамонийлар қўшинининг бош қўмондони бўлган (*Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. –Т.: ЎМЭ, 2005. –Б.490*).

Саклар (Шаклар) – милод. авв. I минг йиллик ва милоднинг бошларида Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг шимоли – шарқий ҳудудларида яшаган чорвадор қабилалар. Археологик адабиётларда бу давр «Илк темир даври», «Илк кўчманчилар даври», «Саклар даври» сифатида маълум. Геродот «**Тарих**» асарида «форслар барча скифларни саклар деб атайдилар» деб ёзади. Унинг ёзишига қараганда, Евраосиё чўлларининг кўчманчилар дунёси шимолий ва шарқий Қора денгиз бўйи қабилаларидан бирининг номи билан скуда кейинроқ сколотлар деб аталган. Юнонлар эса уларни скифлар деб

юритганлар. Эрон Бехистун, Наҳши Рустам ва Персопол деган жойлардаги Ахоманий Эроний подшоларнинг қабр тошларида ва ёдгорлик лавҳаларида, қоятошларга ўйиб ёзилган зафарномаларда Ўрта Осиёда яшаган халқлар санаб кўрсатилади ва шу билан бир қаторда сакларнинг учта қабила гуруҳи эслатилади:

1) сака – тиграхауда, яъни «Чўққи қалпоқли» ёки «камондан ўқ отувчи» саклар. Бу юнонча матнлардаги «ортокорибантлар» деган терминга тўғри келади. Улар ҳозирги Тошкент вилояти ва жанубий Қозоғистон ерларида яшаганлар;

2) сака – тиай – тарадарайя, яъни «денгиз ортидаги» саклар (Подшо Доронинг Наҳши Рустам ёзувида) – Орол денгизи бўйларида, Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаган.

3) сака – хаумаварка, яъни «муқаддас хаома ичимлиги ичувчи» саклар – Помирнинг тоғли туманларида ва Фарғонада яшаган. Тадқиқотчилар бу гуруҳни Геродотнинг «Скиф – амюргия»лари, Ктесий Книдскийнинг (Геродотнинг кенжа замондоши) «Шоҳ Омарг скифлари» ва кейинги давр муаллифларининг сакаравалари билан айнан бир деб ҳисоблайдилар.

«Сак» атамаси аслида манбаларда ахамонийларгача маълум. Масалан, Оссурия пойтахтидаги Иштар ибодатхонасини қазиб вақтида мармар тахтага подшо Ашшурбанипал (мил. авв. 669 – 631) ёздирган хат топилган. Хатда киммерийлар ва уларнинг сардори Тугдамани Киликиядаги жангда ҳалок бўлгани, уни Саклар подшоси эканлиги эслатилади. Бихистун китобларининг Аккадча нусхасида форслар ўзларига яқин қўшнилари сакларни «киммерийлар» атамаси билан тилга олади.

Қадимги тарихда саклар доврўғининг бошланиши мил. авв. VIII – VII асрларда киммерий ва скиф қабилаларининг Қора денгиз бўйлари ва Олд Осиёга юриши даврида юз берди. Унинг давоми Амударё ва Сирдарё ортисини ахамоний подшолари Кир II ва Дуро билан бўлган жангу жадалларида намоён бўлди. Худди мана шу воқеалар асносида сакларнинг ватани, ҳаёти ва урф – одатлари, уруғ – аймақлари ва уларнинг шимолий ва шарқий қўшнилари ҳақида дастлабки маълумотлар пайдо бўлди. Тарихчи Элиан (III аср) сакларда бир одат борлигини, унга кўра уйланишни истаган киши қиз билан ер остидаги бинода қолиб беллашиши лозимлиги, агар қизни енголмаса, у қизнинг асири бўлиб қолиши ҳақида маълумот беради. Сак аёллари эркаклар билан бир қаторда жангларда иштирок этишган. Улар ёвни алдаш учун ёлғондан қочишга, худди эркаклардек от устида чопиб кета туриб орқаларига ўгирилиб камондан ўқ отишга моҳир бўлишган.

Тарихий манбаларда саклар, уларга қардош ва уларнинг бошқа турлари ҳақида қимматли маълумотлар учрайди. Жумладан, Ксеркснинг Персеполь лавҳаларида тиграхауда ва хаумаварка саклари билан бир қаторда уларга қардош ва тилдош даҳлар ҳақида гап боради. Ахомоний ёзувларида Эрондан шарқда бошқа сак қабилалари ҳақида хабар учрамайди. Аммо, юнон – рим муаррихлари сакларнинг бошқа турлари ҳақида кўп маълумотлар қолдирган.

Масалан, Геродот ортокарибант саклари (учли қалпоқли саклар), амюргия («дарё орти») саклари ва дахлар ҳақида сўз юритади. Адабиётларда уларнинг биринчиларини ахоманийларнинг тиграхауда ва хаумаварка саклари билан ўхшашлиги таъкидланади. Фанда бу масалада турлича қарашлар мавжуд. Масалан, А. Херман ва Б. Литвинскийлар, юнон муаллифлари тиграхауда сакларини массагетлар иттифоқи билан бир эканлигини тахмин қилсалар, С.Г. Кляшторний массагетларни дахлар билан бир халқ деб таъкидлайди. Арриан мил. авв. IV асрда дахлар Танаис ортида, яъни Сирдарё ортида ва Танаис бўйлаб яшаганлигини қайд қилиб ўтади. Арриан массагетларни айнан скиф – сак эканлигини Спитамен курашлари муносабати билан яхши баҳолаган. Арриан учун массагетлар Амударёнинг чап соҳилида истиқомат қилувчи ночор қабила жамоалари эди, Суғд билан ғарбий чегарадош эди. Дахлар эса, аксинча, Суғдийнинг шимолий – шарқий қўшниси, Танаис (Сирдарё) водийсининг аҳолиси эди. Арриан дахларни совутларга ўралган жанговар суворий жангчилар, Доро ҳарбий юришларининг сараланган отлиқ аскарлари сифатида таърифлайди. Демак, массагетлар чорвадор сакларнинг камбағал қатламини ташкил этса, дахлар уларнинг бадавлат қатлами – орийлари эди. Геродотнинг ёзишича, саклар аскарларининг бошларида қалин кигиздан тикилган, чўққи қалпоқлари бўлган. Улар сак ўқ ёйлари, калта қиличлар (акинаклар), ойболталар (сагарийлар) билан қуролланганлар. Саклар ўзларининг ҳарбий маҳоратлари, асосан, ўқ ёй отишга усталиклари билан донг чиқарганлар. Қадимги дунё муаррихлари сакларни дунёдаги энг моҳир мерганлар деб таърифлашган. Мил. авв. 238 йилларда дах қабилаларидан бири парнлар Парфия давлатини тузган. Археолог К. Акишев Марказий Қозоғистонда ўрганган «Тасмўла маданияти» сак қабила иттифоқига кирувчи исседонларга тегишли эканлигини ёзади.

Мил. авв. II асрдан бошлаб сакларнинг турли қабилалари жанубга (Ҳиндистон ва Эрон) силжиб Юнон – Бактрия подшолигини тор – мор этишда қатнашган. Эронда саклар қадимги Дранғиёна вилоятида, Хамун кўли атрофига жойлашишган, бу ер Сакастон — саклар мамлакати, кейинчалик Сейистон, Систон деб аталган. Ҳиндистоннинг шимолий – ғарбида, Гандхара вилоятида улар мил. авв. тахм. I асрда олимлар томонидан Ҳинд – сак давлати деб аталган сиёсий бирлашма барпо этишган, бу давлатга мансуб тангалар топилган. Давлат асосчиси подшоҳ Мауэс бўлиб, унинг ворислари Аз, Азилис каби исмга эга бўлишган. Ҳинд – сак давлати ҳинд – парфян сулоласи томонидан босиб олинган, кейинчалик Кушон подшолигига қўшиб юборилган. Ҳинд ёзма манбаларида сак этноними шака сифатида берилган, Ҳиндистонда Шака эраси мавжуд бўлгани маълум. Хитой ёзма манбаларида саклар сә халқи деб қайд этилган. Саклар аста – секин Ҳиндистон, Эрон, Ўрта Осиёдаги халқлар, қабилалар таркибига сингиб кетганлар.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон сак қабилалари маданияти ҳақидаги маълумотлар археологик тадқиқотлар туфайли қўлга киритилган. Масалан, Или водийсида ўрганилган Бешатир ёки Тагискен ва Иссиқ кўрғонлари,

Сирдарёнинг қуйи хавзасида ўрганилган Уйгарак кўрғонлари, Етгисув водийсининг сакараукийлари (сакаравлар ёхуд сака – раваклар) ва бошқалар. Хуллас, Ўрта Осиё ва Қозоғистон чўлларида, асосан, чорвачилик хўжалиги билан шуғулланган даштдилар саклар этносини ташкил этган. Ўз даврида суғдларнинг бобокалонлари ҳам Ўрта Осиё икки дарё оралиғи саклари бўлган. Массagetлар эса хоразмийларнинг бобокалонлари эди. Авестода тилга олинган турлар Турон заминнинг саклари бўлганлиги шубҳасиз. Шунингдек, Қозоғистон сакларининг бобокалонлари Андроново маданияти аҳолиси (орийлар, дахлар ва Авестодаги турлар) бўлган.

«Саклар» атамаси «Саха» кўринишида Саха Республикасининг расмий номида сақланган (*Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. –Т.: ЎМЭ, 2004. –Б.437-439*).

Массagetлар (юн. *Massagetai*) — Каспий денгизининг шарқий соҳили, Орол денгизи атрофлари, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида мил. авв. VIII – IV асрларда яшаган кўчманчи ва бошқа қабилалар гуруҳининг юнон адабиётларида учрайдиган умумий номи. Массagetлар тўғрисида фанда турли хил қарашлар мавжуд. Айрим олимлар фикрича, «массagetлар» номи «masuo» — «балиқ» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «балиқхўрлар» маъносини англатган. Бошқа бир фикрга кўра, «массagetлар» атамаси «мас», «сака» ва «та» сўзларидан таркиб топиб, «сакларнинг катта уюшмаси»ни билдирган. Учинчи бир тахминга кўра, «массagetлар» сўзи «мазagetлар» — «улуғ гетлар» дегани бўлиб, массagetларнинг ўзи эса қадимги хитой манбаларидаги «да(катта) юечжилар» билан айнан бир халқдир. Бу фикрга академик С.П. Толстов ҳам қўшилган, у Сирдарёнинг қуйи оқими бўйидаги археологик ёдгорликларни массagetларга мансуб деб ҳисоблаган. С.П. Толстовнинг фикрича, массagetлар конфедерацияси таркибига хоразмийлар, апасиаклар, сакараваклар, сак – амюргийлар, дербиклар, тохарлар (дахлар), осийлар (ятийлар, асианлар, усунлар, яксартлар), отасийлар (аугасийлар, аугаллар) кирган. Геродотнинг ёзишига кўра, массagetлар — кўчманчилар. Улар пиёда ва отда жанг қиладилар, отларининг кўкракларига совут кийдирганлар. Кўпроқ камон, найза ва сагарий (ой – болта) каби жанг қуроллари ишлатганлар. Массagetларнинг барча жиҳоз ва қурол – аслаҳалари мис ва олтиндан ясалган. Рўзгор буюмларини эса бўёқ билан бўяганлар. Массagetлар маликаси Тўмарис билан бўлган жангда Аҳомонийлар давлатининг асосчиси Кир II ҳалок бўлган. Страбонинг маълумотига кўра, массagetлар Қуёшга топинганлар ва унга атаб отларни қурбонлик қилганлар. Страбон кўчманчилар билан бир қаторда Орол бўйидаги ботқоқликлар ва оролчаларда яшаб, теримчилик ва балиқ овлаш билан машғул бўлган қавмларни, шунингдек, хоразмийлар ва отасийларни массagetларга мансуб деб билган. Массagetлар конфедерацияси қадимги Хоразм давлатининг асосий ҳарбий кучини ташкил қилган. Бу, айниқса, Ўрта Осиёга Искандар Макдуний бостириб келган даврда яққол намоён бўлган (*Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. –Т.: ЎМЭ, 2003. –Б.501*).

2. Ўзбек халқининг этногенези ва унинг шаклланиш босқичлари.

Ўзбек халқининг асосини ташкил этган этник гуруҳлар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ўтроқ яшаб, суғорма деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган маҳаллий суғдийлар, бактрийлар (бахтарийлар), хоразмийлар, фарғоналиклар, ярим чорвадор қанғиллар, кўчманчи сак – массагет каби этник гуруҳлар ташкил этган. Шунингдек, Жанубий Сибирь, Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон ҳамда Волга ва Урал дарёси бўйларидан турли даврларда Мовароуннаҳрга кириб келган этник компонентлар ҳам ўзбек этногенезида иштирок этганлиги тарихдан маълум. Шу ўринда ўзбек халқни этногенезининг бошланғич «нуқтаси» ва «яқуни» масаласи катта қизиқиш уйғотади. Дастлаб ўзбек этногенезининг илк нуқтаси турк хоқонлигидан бошланди, деган тезис пайдо бўлди (академик А.Ю. Якубовский нуқтаи назари). Кейинроқ, туркий этник гуруҳлар бу заминга анча аввалроқ, антик даврда кириб келган, шунинг учун ўзбек этногенезини антик даврдан бошлаш керак, деган тезис пайдо бўлди (академик С.П. Толстов нуқтаи назари). Академик Карим Шониёзов ҳам ўзининг сўнги фундаментал тадқиқоти «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» (–Тошкент: Шарқ, 2001) асарини мана шу нуқтаи назар асосида ёзган.

Ҳозирги кунда бу сана янада қадимийлаштирилди, яъни сўнги бронза даври билан белгиланмоқда. Бунда академик А.Асқаровнинг нуқтаи назари¹ муҳим аҳамият касб этади. Унинг илмий тадқиқотларида (Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. –Т.:Университет, 2007. –Б.240) ўзбек этногенезининг бошланғич нуқтаси сўнги бронза даврига бориб тақалиши асосланиб, ўзбек элати халқ бўлиб шаклланиш яқуни эса милодий XI – XII асрларда деб кўрсатилади. Мазкур улкан тарихий давр ичида аجدодларимиз бир неча этномаданий босқичларни босиб ўтади. Ўрта Осиё ҳудудига турли туркий қабилалар ва этник гуруҳларнинг кириб келиши билан элатга хос этник омиллар бирин – кетин шаклланишини таъминлади ва натижада ўзбек халқи шаклланди. Бу жараёнларни кўйидаги боқичларда кўрсатиш мумкин:

Ўзбек халқи этногенезининг биринчи босқичи — бошланиши бронза даврига бориб тақалади. Археологик материаллар таҳлиliga кўра, бу босқич мил. авв. II минг йилликнинг ўрталаридан то македониялик Искандарнинг Ўрта Осиё ҳудудига кириб келишига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр, ўз навбатида, қатор тарихий воқеликлар билан характерланади. Евроосиё чўлларининг чорвадор аҳолиси ҳаётида от, эшак ва туядан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтилгач, дашт аҳолисининг ўз чорва подаларини ҳайдаб жануб ва ғарбга томон миграцияси бошланади. Шу муносабат билан бир гуруҳ дашт аҳолиси мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида (бронза даври) Ўрта Осиёнинг шимоли – шарқий томонидан Амударёнинг қуйи ҳавзаларига кириб келди. Унғача бу заминда Қалтаминор маданияти (неолит

¹ Ушбу масалани ёритишда А.Асқаровнинг янги чоп этилган маълумотларидан фойдаланилди.

даври) ва Сувёрган маданияти (энеолит ва бронза даври) аҳолиси яшаб келар эдилар. Янги этник гуруҳнинг моддий маданият излари С.П.Толстов томонидан 1938 йилдан бошлаб қадимги Хоразмда, Аударёнинг Оқчадарё ўзанидан тортилган Тозабоғёб канали ҳудудидан топиб ўрганилди. Қадимги Хоразм тарихининг билимдони С.П.Толстов бу янги этник гуруҳга тегишли ёдгорликларни «Тозабоғёб маданияти» деб атади.

Иккинчи босқич — антик даврда, яъни Да-юечжи қабилалари ва хунларнинг бу заминда пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Бу даврда туркий этнос фойдасига туб ўзгаришлар юз беради. Хусусан, мил. авв. III – милодий V асрлар давомида Қанғ давлати доирасида қанғар элати ташкил топади, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси ҳудудида икки тилли аҳоли этник гуруҳлари омукталашган моддий воқелик — Қовунчи маданияти ва ўзбекларга хос антропологик тип — «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» шаклланади ва ниҳоят, ўзбек халқи асослари дастлаб таркиб топган этномаданий майдон таркиб топади.

Учинчи босқич — юртимизнинг ички ҳудудларига хионийлар, кидарийлар (тохарлар), эфталийлар каби туркий тилли қабила ва элатларнинг кириб келиши билан боғлиқдир.

Хионийлар — туркий қабила. Баъзи тадқиқотчилар фикрига кўра, дастлаб Олтой тоғлари атрофида яшашган ва IV асрнинг 1 ярмида жанубий – ғарбга силжиб, Амударё ва Сирдарё оралиғига кириб келишган. Бу ерда дастлаб улар Зарафшон воҳасини эгаллаб, жанубга ҳаракат қилишган ва сосонийлар Эронига қарам бўлиб қолган Кушон подшолиги ўрнини эгаллаганлар ҳамда маркази Тохаристон бўлган Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Хуросоннинг бир қисмини ҳам ўз ичига олган Хионийлар (Хионитлар) давлатини (IV – V асрлар) барпо қилишган. Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар эса хионийларнинг дастлаб Орол денгизи шимолида яшаганлиги ва йирик массагет қабилалар иттифоқига мансуб бўлиб, хунлар билан аралашганлигини таъкидлайдилар (Л.Н. Гумилев, С.П. Толстов, К.В. Тревер). Уларнинг фикрича, юнон ва латин тилидаги асарларда хионийлар «оқ хунлар» деб аталган. IV асрнинг 70 – йилларида хионийлар сосонийлар Эронига қарши ҳужум уюштириб, муваффақиятга эришганлар. Шунингдек, сосоний подшолар Варахран (418 – 438), Яздигард II (438 – 457) даврларида улар Эроннинг энг йирик рақибига айланганлар. Хионийлар давлати 120 йилдан ошиқроқ ҳукумронлик қилган (*Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. –Т.: ЎМЭ, 2005. –Б.429*).

V асрнинг 20-йилларида шарқдан Сирдарё ва Орол бўйлари орқали Хоразм ҳамда Амударё ҳавзасига яна бир кўчманчи чорвадор аҳоли — **тохарлар** кириб келади. Тохарлар кушонларнинг авлодларидан бўлиб, **Кидар** исмли ҳукмдори уларга йўлбошчи эди. Шунинг учун улар **кидарийлар** номи билан тилга олинади. Тез орада кидарийлар Амударё ҳавзаси ҳамда ғарбий ва жанубий Суғд ерларини ишғол этиб, Хионийлар давлатининг жанубий

қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатганлар. Балх шаҳри эса бу янги давлатнинг пойтахтига айлантирилган.

V асрнинг 30-50 – йилларида кидарийлар билан сосонийлар ўртасида зиддият тобора кучайиб, улар бир – бирига душман бўлиб қолган. Бу икки давлат ўртасида 456 йилда бўлиб ўтган навбатдаги тўқнашувда сосонийлардан қақшатқич зарбага учраган кидарийлар ўзини қайта тиклаб ололмади. Бунинг устига тез орада кидарийлар шимолдан жанубга томон силжиган яна бир кўчманчи чорвадор аҳоли – эфталлар билан тўқнашадилар. Натижада, кидарийлар Ўрта Осиёни тарк этиб, жанубга – Шимолий Ҳиндистонга чекинадилар. У ерларда 75 йил ҳукмронлик қиладилар.

Эфталлийлар, эфталитлар, абдаллар, эфталлар, хайталлар, иеда — Ўрта Осиёнинг шимоли – шарқидан Мовароуннахрнинг ички вилоятларига кириб, милодий V асрда давлат барпо этган қабила иттифоқи. Эфталлийлар Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва Шарқий Туркистон тарихида муҳим роль ўйнаган. Эфталлийларнинг илк аجدодлари хунлардан бўлиши тахмин этилади. Мил. авв. VII асрда Хитойнинг шимоли-ғарби (Хэси)да яшовчи малласоч, кўзи кўк хунларнинг бир қисми яшаб турган ерларини ташлаб, Помирнинг тоғли вилоятларига келиб яшайдилар. Кейинчалик улар маҳаллий аҳолига аралашиб, тилларини ҳам ўзгартиради. Хунларнинг бошқа бир гуруҳи Хунлар давлати емирилгач, Жунғорияга, Ила ҳавзаларига келиб ўрнашган ва бу ерда Юебань этник уюшмасини ташкил қилган. Юебандан эфтал этник номи билан аталган йирик бир гуруҳ ажралиб, III асрда Мовароуннахрга келиб ўрнашди. Эфталлийларнинг яна бир гуруҳи ғарбга Каспий денгизининг шимолий ҳудудларига бориб, кейинчалик бу ерлардаги бошқа туркий халқларга аралашиб кетади. Эфталлийлар IV асрнинг 2-ярмида кўпайиб, Мовароуннахрда яшовчи хионий, кидарий ва бошқа халқларни тобе этиб, давлат барпо этади. V асрда улар Қанғ давлатини мағлубиятга учратади. Хуросоннинг талай қисмини эгаллайди. Хуросон ери учун эфталлийлар Эрон билан қаттиқ уруш олиб борган.

V асрнинг ўрталарида диёримизга кириб келган эфталлар ёзма манбаларда эфтал, хафтал, хайтал деган номлар билан тилга олинади. «Эфтал» деган ном илк бор «хептал» шаклида V аср арман манбаларида учрайди. Бу ном аслида «Эфталон» деб юритилган шоҳ номидан олинган. Уни Вахшунвар деб ҳам атаганлар, у эфталлар юришига бошчилик қилган. Хуллас, Эфталлийлар давлати VI асрнинг 60 - йилларигача Марказий Осиёдаги энг йирик давлатга айланган (*Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. – Т.: ЎМЭ, 2005. –Б.429*).

Тўртинчи босқич — Турк хоқонлиги даври (VI – VIII асрлар). Маълумки, VI аср ўрталарида Олтойда, Жанубий Сибирда, Еттисувда, Шарқий Туркистонда жойлашган қабилалар бирлашиб, Турк хоқонлигини ташкил этади. Ўзбек этногенезига фаол таъсир ўтказган туркий этник компонентлар бу даврда Ўрта Осиёнинг марказий минтақалари (Тошкент, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, Фарғона водийси) ва Хоразмга келиб

жойлашиб, маълум бир тарихий давр мобайнида, бу этник компонентнинг аксарият қисми ўтроқлашди. Шу билан бирга туркий қабила ва қавмлар ерли туб аҳоли билан жадал қоришиши юз берди. Ўзбек этногенезининг мана шу босқичида Мовароуннахрнинг асосан шимолий ва шарқий вилоятларида икки тил ва икки хўжалик укладининг яқинлашув жараёни кузатилади, бунинг оқибатида аксарияти туркийзабон деҳқон ва ҳунар аҳлидан иборат йирик ҳудудий бирлик ташкил топади.

Арабларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши туркий қабила ва қавмларнинг минтақа ички ҳудудларига жадал кириб келишини вақтинча тўхтатди. Натижада, унгача бу ерга келиб, ўрнашиб қолган туркий қавмларнинг маҳаллий аҳоли билан аралашиб-қоришиб кетиш жараёни тезлашади. Айниқса, бу жараён Мовароуннахрнинг шимолий ва шарқий минтақаларида яққол кўзга ташланади. Минтақанинг жанубий туманларида эса унинг акси, яъни анча аввал бу томонларга келиб, кучли эроний тил муҳитига тушиб қолган туркий аҳоли форсийлашадилар.

Ўзбек халқи этногенезининг кейинги босқичида – IX асрнинг 40 йилларида Мовароуннахрдан шимоли – шарқда ташкил топган Қарлуқлар давлати муҳим аҳамият касб этди. Қарлуқ турклари атрофига ўтроқ, ярим ўтроқ ва чорвадор туркий қабилалар бирлашиб, кучли сиёсий давлат уюшмаси таркиб топди. Қарлуқлар милодий VI – VII асрлардаёқ Ўрта Осиёнинг шимолий ва шимоли – шарқий ҳудудларининг катта қисмини эгаллаган эдилар. Улар бошқа туркий қабилалар билан биргаликда Жанубий Қозоғистон, Тошкент воҳаси, Зарафшон ҳавзаларигача, уларнинг айрим гуруҳлари Тохаристонгача кириб борган эдилар.

X аср ўрталарида Қорахонийлар сулоласи ҳокимият тепасига келди. Ҳарбий юришлар натижасида X асрнинг охири – XI асрнинг бошларига келиб Мовароуннахрнинг барча ҳудудлари эгалланди. Эндиликда, Қашғардан Амударёгача, Шарқий Туркистоннинг бир қисми, Еттисув, Тошкент воҳаси, қадимги Фарғона, қадимги Суғд ва Бактрия – Тохаристонни ўз ичига олган ҳудудий кенгликда Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши ўзбекларнинг халқ сифатида узил – кесил шаклланишнинг кўрсатувчи этник белги эди.

Демак, X асрнинг охири – XI асрнинг бошларига келиб, ўзбек халқи этногенези тарихида унинг халқ сифатида шаклланиши учун зарур барча этник белгилар намоён бўлди. Аниқроқ айтганда, маълум йирик ҳудудий – географик вилоятларда моддий ва маънавий маданият бирлиги, антропологик тип бирлиги, туркий этник асосда тузилган, ўзликни англаш ва ҳукмрон туркий этник асос атрофида жипслашган ва икки тиллилик белгилари асосида қурилган сиёсий давлат уюшмаси ташкил топди.

Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди ва унинг теварак – атрофида деярли икки минг йил давом этган этногенетик жараёнлар натижасида ўзбек халқи милодий XI – XII асрларда узил – кесил шаклланди. Бу якуний этногенетик жараён ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятида ҳамда ҳозирги замон ўзбекларининг жисмоний қиёфасида ўз аксини топган.

Бинобарин, бундан кейинги тарих ўзбек халқининг этник тарихи (яъни шаклланган халқ тарихининг бошланиши) ҳисобланади.

3. Ўзбекларнинг этник тарихи. «Ўзбек» атамаси. Ўзбекларнинг этник тарихи унинг этногенези каби узоқ давом этадиган этномаданий жараён бўлиб, бу жараён то XIX асрнинг ўрталаригача давом этади. Ўзбек этник тарихида XV аср охири XVI асрлар ҳам муҳим давр ҳисобланади. Ушбу босқичда Ўрта Осиёга манғит, кўнғирот, найман, уйғур, сарой, қатағон, кушчи, дўрмон, кенагас, қирқ, юз, минг, баҳрин ва бошқа Дашти Қипчоқ ўзбек этник гуруҳларининг навбатдаги тўлқини кириб келди. Натижада Мовароуннаҳр аҳолисининг этник қиёфасида уларнинг аломатлари фаоллашган. Дашти Қипчоқдан 2 дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғи ва Хоразмга келиб ўрнашган этник гуруҳлар «ўзбек» номи остида маҳаллий аҳоли этник ранг – баранглигини бирмунча кўпайтирган бўлсалар ҳамки, лекин унинг этник таркибини тубдан ўзгартириб юбормаган. Ушбу этнослар шаклланган ўзбек халқининг таркибига келиб қўшилган навбатдаги этник компонент эди, холос. Улар Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолисининг турмуш тарзига, анъаналарига, маданиятига, хўжалик фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатган янги типдаги маданий катлам ҳосил қилган. Айниқса, Зарафшон водийси ва Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари аҳолиси орасида бу нисбат кучли сезилади. Маҳаллий аҳолига улар «ўзбек» номи беришган ва бу ном Мовароуннаҳр ва унга қўшни вилоятлар аҳолиси учун расмий равишда умумий ном бўлиб қолган. Ўз ўрнида айтиб ўтиш лозимки, ўзбек этнонимининг келиб чиқиши бўйича фанда яқдил фикр мавжуд эмас. Айрим муаллифлар (Т. Вамберм, Т. Ховорс, М.П. Пельо) Дашти Қипчоқда кўчиб юрган турк – мўғул қабилаларининг бир қисми ўзларини эркин тутганликлари сабабли «ўзбек», яъни «ўз – ўзига бек» деб атаган десалар, бошқалар (П.П. Иванов, А.Ю. Якубовский, Хилда Хукхэм) «ўзбек» этнонимини Олтин Ўрда хони (Султон Муҳаммад) Ўзбекхон (1312 – 1342) номи билан боғлайди, бошқа яна бир гуруҳ олимлар эса (В.В. Григорьев, А.А. Семёнов ва Б. Аҳмедовлар) ўзбек номи Оқ Ўрда (Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми)да кўчиб юрган турк – мўғул қабилаларига тааллуқли бўлган деган фикрни билдирадilar (*Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. – Т.: ЎМЭ, 2005. –Б.488*).

Темурийлар салтанати ўрнида дастлаб XVI аср бошларида вужудга келган Бухоро ва Хива хонликлари, XVIII аср бошларидан Қўқон хонлигининг вужудга келиши натижасида ягона тарихий маконда яшаган халқлар сиёсий жиҳатдан турли давлатлар тасарруфига тушиб қолган бўлса-да, бу ҳолат ўзбек элати бирлигига жиддий путур етказа олмаган. Сиёсий чегаралар бўлишига қарамасдан 3 давлат таркибидаги аҳоли ўзаро доимий этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар.

Ўзбек халқининг миллат тарихи эса XIX аср охири – XX асрнинг бошларидан бошланади. Миллатнинг шаклланиши халқнинг таркиб топиши каби узоқ давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён бўлиб, миллат этник

тарихнинг энг юксак юқори чўққиси, камолат босқичи, бу босқичга кўтарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади, у суверен давлат сифатида ўзининг ички ва ташқи сиёсатини мустақил юритади, умум миллат тили давлат тили мақомини олади, унинг давлат чегаралари қатъий, даҳлсиз бўлиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинади, миллатнинг ўзликни англаш даражаси юксак, миллий ғурур, ватанга фидоийлик, она замин ва халқига содиқлик миллат фуқораларининг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланади, миллатга хос миллий менталитет шаклланади, давлат жамият томонидан бошқарилади, яъни давлат миллатнинг ҳошиш – иродасини бажарувчи жонли механизмга айланади.

4 – мавзу: Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари

Режа:

1. Илк давлатлар пайдо бўлишининг асосий омиллари. Хоразм, Бактрия, Суғдиёна.
2. Ватанамиз халқларининг ажнабий босқинчиларга қарши озодлик кураши.
3. Турон заминда вужудга келган Юнон – Бактрия, Даван, Қанғ давлатлари.
4. Кушон подшолиги ва унинг юртимиз давлатчилиги тарихида тутган ўрни.

Таянч сўз ва иборалар: Меҳнатнинг дастлабки йирик тақсимоли, сунъий суғорма деҳқончилик, илк шаҳарсозлик, давлат, Катта Хоразм, Қадимги Бактрия, Суғдиёна, Парфия, Юнон – Бактрия, Даван, Қанғ, Кушонлар.

Адабиётлар рўйхати:

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 25-72.
2. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. К.1. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 29-90.
3. Сагдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I – қисм. – Т.: Академия, 2000. – Б. 16-60.
4. Усмонов Қ., Содиков М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I – қисм. – Т.: 2002. – Б. 44-50; 55-75.
5. «Фан ва турмуш». 2006. – № 5-6.
6. «Фан ва турмуш». 2007. – № 3-4.
7. «Фан ва турмуш». 2008. – № 3-4-5.
8. Ўзбекистон тарихи. I – қисм / Масъул муҳаррирлар: А.С. Сагдуллаев, Б.Ж. Эшов. – Т.: Университет, 1997. – Б. 40-55; 62-93.
9. Ўзбекистон тарихи: Қисқача маълумотнома / Масъул муҳаррир: Ш. Каримов. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 9; 12-22.
10. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 60-86; 91-110.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2002. – Б. 147-148.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2005. – Б. 320-321.
13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2005. – Б. 600.
14. Usmonov Q., Sodiqov M., Burxonova S. O'zbekiston tarixi. – Т.: IQTISOD–MOLIYA, 2006. – В. 45-52; 56-71.

15. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1. / Mas'ul muharrir: A. Sagdullayev. – T.: Sharq, 2010. – B. 31-41; 60-87.

16. <http://en.uz/index.html#9058>

17. http://el.tfi.uz/pdf/uzbktarixi_uzk.pdf

1. Илк давлатлар пайдо бўлишининг асосий омиллари. Хоразм, Бақтрия, Суғдиёна. Давлатларнинг пайдо бўлиши инсоният тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, ҳар бир халқнинг ўз цивилизация босқичини ўтган ёки ўтмаганлиги унинг ўз давлатчилик тизимига эгаллиги ёки эга эмаслиги билан белгиланади. Шундай экан, халқимизнинг ўз давлатчилик тизимига қачон эга бўлганлигини билиш тарих фани олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Дастлабки давлатлар суғориладиган деҳқончилик ҳудудлари – Миср, Месопотамия, Элам (ҳоз. Эрон ҳудудида), Ҳиндистон ва Хитойда бундан 4 – 5 минг йиллар муқаддам вужудга келди. Суғориш шохобчаларини бунёд этиш билан меҳнат унумдорлигининг кескин ошиши уларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Давлатнинг ташкил топиш жараёнида пирамида шаклида бунёд этилган жамият вужудга келди:

- энг юқорида ягона ҳукмдор (подшоҳ, фиръавн, хон ва ҳ.к.);
- куйироқда – унинг энг яқин сафдошлари, маслаҳатчилари (вазирлар, амирлар);
- улардан кейин куйи мартабали амалдорлар;
- пирамиданинг асосини эса, қишлоқ жамоалари ташкил этарди.

Давлат олий ҳукмдор саналиб, жонли – жонсиз ҳамма нарсаларга, барча фуқароларнинг ҳам ҳаёти, ҳам мулкига эгалик қиларди. Жамиятнинг барқарор табиати давлатнинг туб ўзгаришларсиз яшашини таъминлаб келди. Чунончи, қадимги Миср давлати мил. авв. IV – III минг йилликларда пайдо бўлиб, 30 асрдан кўпроқ яшади. Фарб давлатлари Шарқ давлатларидан анча кейин пайдо бўлган, бироқ улар анча тез ривожланган. Европа ижтимоий жамиятидаги ўзгаришлар давлатларнинг янги – янги типларини вужудга келтириб чиқарган (*Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2002. – Б.148*).

Давлат, давлатчилик ўз моҳияти билан инсонларнинг долзарб талабларини, туб эҳтиёжларини амалга оширишга, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, жамиятда барқарорлик ўрнатиш ва уни сақлашга мўлжалланган даргоҳ, у муайян жамоа, элат, халқ томонидан ташкил этилган махсус гуруҳ бўлиб, унинг маълум ҳуқуқларга эга бўлган вакиллар мавжуд. Давлат жамиятга ташқаридан, зўрлаб киритилган эмас, балки ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши ва тараққий этиши натижасида жамиятнинг ўзида вужудга келган. Давлат сиёсий ташкилот сифатида жамиятни уюштиради, ҳокимият билан халқни уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Бир файласуф «давлатни барпо қилишдан мақсад одамларга жаннат яратиш эмас, балки жамиятда дўзах бўлишига йўл қўймасликдир», деган экан. Аллома

ҳақдир. Чунки, жамиятда барқарорлик бўлса, одамлар фаровон ҳаётни ўз меҳнатлари билан яратадилар.

Давлатлар келиб чиқишига кўра, **бирламчи ёки иккиламчи** давлатларга бўлинади. Бирламчи давлатлар деб, ўзга давлатларнинг таъсирисиз, мустақил тарзда юзага келган давлатларга айтилади. Иккиламчи давлатлар ўзга давлатларнинг таъсири остида юзага келган давлатлар ҳисобланади.

Ўзбек халқи аجدодларининг илк давлатчилик тизимига ўтиш жараёни мил. авв. 2 минг йилликнинг ўрталарида бошланди. Илк давлатлар пайдо бўлишининг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

◀▶ Кишилиқ жамиятининг ишлаб чиқариш муносабатларида меҳнатнинг дастлабки йирик тақсимоти, бунинг натижасида ижтимоий – иқтисодий ҳаётдаги силжишлар ва ўзгаришлар. Маълумки, сўнгги бронза даврида (мил. авв. 2 минг йиллик) меҳнатнинг дастлабки йирик тақсимоти рўй беради. Чорвачилиқ деҳқончиликдан ажралиб чиқади. Иқтисодий ҳаётдаги силжишлар туфайли ортиқча маҳсулот пайдо бўлиб, бу маҳсулот маълум шахслар қўлида тўплана бошлайди. Одамлар орасида мулкый тенгсизлик ҳолатлари юзага кела бошлайди.

◀▶ Жамият ва давлатнинг бош ячейкаси ҳисобланган **оиланинг** юзага келиши. **Ота уруғи** – **патриархат** давридан (милоддан аввалги 3 минг йиллик) бошлаб уруғчилик муносабатлари ҳам ўзгариб боради. Икки уруғ аъзоларидан ташкил топган эр – хотин – жуфт оилалар вужудга келади. Бунинг натижасида мулкчиликда ҳам ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Катта патриархал оилалар уруғ жамоаларидан ажралиб чиқади, уларга уруғ жамоаларига қарашли ерлардан чек ерлари ажратиб берилади. Шу тариқа уруғ жамоасининг умумий хўжалиги оилалар жамоасига бўлинади. Бундай оилалар жамоаси ишлаб чиқариш жамоалари деб ҳам аталади. Хўжалиқнинг ишлаб чиқарувчи шакллари бўлган деҳқончилик ва чорвачилиқ, шунингдек, ҳунармандчилик ва мол айирбошлашнинг ривожланиши уруғ ва қабилалар ичида айрим тўқ оилаларнинг вужудга келишига олиб келди. Мулкый табақаланиш кенгайиб борди.

«Авесто» маълумотларига кўра, Ўрта Осиёда жамиятнинг асосини катта патриархал оиласи ташкил этган. Бу **«нмана»** деб аталган. Шундай оиланинг бир нечтаси уруғ жамоасини — **«вис»**ни ташкил этган. Худудий қўшничилик жамоаси **«варзана»** деб аталган. Бундай жамоалар бирлашиб қабилани — **«занту»** ни ташкил этган. Қабилалар ўртасида мунтазам келишмовчиликлар бўлиб турган. Ўз худудларини ҳимоя қилиш мақсадида бир неча йирик қабилалар муайян худуд (вилоят) да биргалашиб яшаганлар. Бу бирлашма **дахё(ю)** деган ном олган. Бу вилоятларни бошлиқ (**«қави»**) бошқарган. Ушбу вилоятлар даставвал ҳарбий – сиёсий бирлашма сифатида пайдо бўлган. Улар ўзи яшаган худудни муҳофаа қилган. Суғориш ишларини уюштирган ва бошқариб борган. Қабила бошлиқлари вақти – вақтида тўпланиб, кенгашиб туришган. Булар дастлабки давлатчиликнинг аломатлари эди. Иқтисодий ва

ижтимоий тараққиёт жараёнида жамиятнинг сиёсий тузилмаси давлат ва уни бошқарув тизими муттасил такомиллашиб борган.

◀▶ Давлатлар пайдо бўлишининг навбатдаги омили – осиеча ишлаб чиқариш усулига асосланган «Шарқ йўли» бўлиб, унда иқтисодиётнинг асосини суғорма деҳқончилик ташкил этган. Ишлаб чиқаришнинг *осиеча усули* мил.авв. V минг йилликдан милодий I асргача дарёлар водийларида жойлашган Миср, Бобил, Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё каби ҳудудларда ёйилган. Давлат тузилмасининг «Европача йўли» Европа ҳудудида мил.авв. V асрдан бошлаб милодий III асргача қадимги юнон полисларида мавжуд бўлган. Уларда хусусий мулкчилик шаклланиши туфайли келиб чиққан жамиятнинг ижтимоий мулкӣ табақаланишуви жараёни (табақалар шаклланиш жараёни) асосий омил бўлди.

Миллоддан аввалги IV минг йиллик энеолит давридаёқ Ўрта Осиёнинг жанубида суғорма деҳқончилик вужудга келди, анҳорлар ва ариқлар очилди, унумдор ердан кенг фойдаланиб, турли ўсимликлар (арпа, буғдой, жавдар) экилди, мевачилик ҳам ривожланди. Бронза даврида эса сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўрта Осиё хўжалигининг асосини ташкил этди. Суғорма деҳқончилиكنинг юқори унумдор шакллари жамиятда ҳал қилувчи ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, деҳқончилик ривожӣ натижасида қўшимча маҳсулот ва хусусий мулк кўринишлари пайдо бўлди.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўрта Осиё хўжалигининг асоси ҳисобланиб, бу жараён жанубий Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубида бронза даврида, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси ҳудудларида эса илк темир даврида шаклланиб ривожланди. Ўрта Осиёда илк давлат уюшмалари сунъий суғориш бирмунча қулай бўлган Амударё (юқори, ўрта, қуйи) оқимлари бўйларида, Мурғоб воҳасида, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида шаклланиб ривожланади. Бундай ҳолатни дунё тарихидаги дастлабки давлатлар – Миср (Нил) ва Месопотамия (Дажла ва Фрот) мисолида ҳам кузатиш мумкин.

◀▶ Илк давлатларнинг пайдо бўлишида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалиги билан бир қаторда *хунурмандчилик, ўзаро айирбошлаш, савдо – сотиқ ва маданий* алоқаларнинг ҳам аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Даставвал шуни айтиш жоизки, Ўрта Осиё ҳудудларида яшаган аҳоли қадимги даврлардан бошлаб ўзаро муносабатларни ривожлантириб келганлар. Бронза даврига келиб шимолдаги кўчманчи чорвадор қабилалар ва жанубдаги ўтроқ деҳқончилик аҳолиси ўртасида ўзаро мол айирбошлаш ва маданий алоқалар янада жадаллашади. Бу ўринда ўша даврда шаклланиб кейинчалик анча ривожланган қадимги йўлларнинг аҳамияти беқиёс бўлди. Ўрта Осиё қадимги аҳолиси минтақадан ташқари қўшни давлатлар билан ҳам ўзаро алоқаларни ривожлантирганлар. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, қимматбаҳо Бадахшон (Тожикистон) ложувард тошлари мил авв. III минг йилликдаёқ Месопотамия ва Миср шаҳарларида ниҳоятда қадрланган ва бу ҳудудлар билан ўзаро мол айирбошлаш

муносабатлари ўрнатилган. Ундан ташқари, Месопотамия, Миср, Ҳиндистон, Эрон, Ўрта Осиё ёдгорликларидаги сўнги бронза ва илк темир даври топилмаларидаги жуда кўпгина ўхшашликлар бу ҳудудлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалардан далолат берадики, бу жараён ҳам илк давлатчиликнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

◀▶ Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши дастлабки давлатларнинг шаклланишида энг муҳим ва асосий омил бўлиб, бу иккала жараён узвий боғлиқ ҳолда кечган.

Қадимги Шарқ мамлакатларида илк давлатлар шаҳар – давлатлар кўринишида пайдо бўлган. Бу жараён суғоришга асосланган барча деҳқончилик ҳудудлари – Ўрта ва Яқин Шарқ, шу жумладан Ўрта Осиё мамлакатларида юз берган. Дастлаб, Ўрта Осиёдаги илк давлатлар дейилганда, яқин йилларгача милоддан аввалги VII – VI асрларда вужудга келган «Катта Хоразм» ва «Қадимги Бақтрия» подшоҳликлари тушунилиб келинган. Улар давлатчилигимиз ривожининг иккинчи босқичига тегишли давлатлардир. Сўнги йиллардаги археологик тадқиқотлар Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатлар шаҳар – давлатлар кўринишида бўлиб, улар милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида пайдо бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бунга мисол тариқасида шу даврда юзага келган Жарқўтон шаҳарсозлик маданиятини айтиш мумкин.

Шаҳар маданиятининг шаклланиши ҳам худди жамият тараққиётида бўлгани каби узлуксиз тараққиёт йўли билан ривожланган. Бу қонуниятга кўра шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши, узоқ, босқичма – босқич даврларни босиб ўтган. Мил. авв. II минг йилликка оид Ўрта Осиёдаги Жарқўтон, Сополитепа, Дашли, Гонур, Намозгоҳ, Олтинтепа, Улуғтепа қабиларда илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлди:

- аҳолининг ўтроқ деҳқончиликка ўтиши ва кенг воҳалар бўйлаб ёйилиши;
- хунармандчиликнинг ривожланиши ва айрим соҳаларга ихтисослашиши;
- қадимги савдо йўллари ривожланиши натижасида иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда савдо – сотиқнинг тараққий этиши;
- табиий – географик ҳамда ҳарбий – стратегик шарт – шароитлар.

Кўп сонли археологик топилмаларнинг далолат беришича, Ўзбекистондаги айрим кўхна шаҳарларнинг ёши 2700 – 3000 йилдан кам эмас. Уларга Афросиёб (Самарқанд), Кўзалиқир (Хоразм), Қизилтепа (Сурхондарё), Узунқир, Ерқўрғон (Қашқадарё) қабилар киради. Қадимги шаҳарлар – тарихий ривожланишдаги урбанистик жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлган жамият тараққиётининг ижтимоий асоси ҳисобланади.

◀▶ Давлат пайдо бўлишида унинг табиий – географик ҳудуди ва жойлашуви ҳам муҳим омил ҳисобланади. Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғи –

алоҳида тарихий – географик ва тарихий – маданий ҳудуддир. Унинг цивилизацияси Амударё ва Сирдарё туфайли кўп минг йилликлар мобайнида вужудга келди. Бу минтақада юзага келган давлатлар қадимги даврларда ҳам, ўрта асрларда ҳам умумий белгилар бўлишига қарамай, Марказий Осиёнинг бошқа қисмларидаги давлатлардан ўзига хос белгиларига кўра ажралиб турган.

***Қадимги даврда Ўрта Осиё икки дарё оралигида давлат
бирлашмаларининг ҳар хил шакллари мавжуд бўлган:***

1. Давлат типи – подшолик. Бошқарув шакли – мутлоқ монархия.
2. Давлат типи – конфедератив подшолик. Бошқарув шакли – чекланган монархия. Улар одатда қабила бошлиқлари ёки ўз тангасини зарб қилувчи уруф бошлиқлари томонидан бошқариладиган бир нечта мустақил ўлкалардан иборат бўлган.
3. Давлат типи – мулкка эгалик қилиш. Бошқарув шакли – қабила дохийлари ёки уруф бошлиқларининг мерос қилиб қолдириладиган ҳокимияти.

***Ўрта Осиёдаги қадимги давлатчилик эволюциясини (тараққиётини)
бир неча даврларга ажратиш кўрсатиш мумкин:***

1 – давр. Милоддан аввалги II минг йилликнинг II ярми – Ўзбекистон жанубида давлатчилик тузилмаларининг илк белгилари пайдо бўлди. Давлатнинг бундай намунаси Жарқўтонда топилган.

2 – давр. Милоддан аввалги I минг йилликнинг боши – Хоразм, Бактрия, Суғд тарихий – маданий вилоятларининг шаклланиши.

3 – давр. Милоддан аввалги VI – IV асрларда Аҳомонийлар босқини ва Ўрта Осиёнинг Аҳомонийлар давлати таркибига кириши натижасида маҳаллий давлатчилик ривожланишидаги танаффус.

4 – давр. Милоддан аввалги IV – II асрнинг ярми. Юнон – Македон кўшинлари босиб олгандан бошлаб, Юнон – Бактрия подшоҳлигининг кулашигача. Бир вақтнинг ўзида маҳаллий давлатчиликнинг тиклана бориши.

5 – давр. Милоддан аввалги II асрнинг ярми ва милодий I асри боши. Маҳаллий давлатлар: Қанғ, Хоразм подшоҳлиги, Суғд, Даван давлатларининг мустаҳкамланиши ва янада ривожланиши.

6 – давр. Милодий I асри бошидан III аср ярмигача. Маҳаллий давлатчиликнинг равақ топиши. Ўзбекистон жанубий ҳудудларининг Кушон империяси таркибига кириши.

Салкам уч минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқи давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланишининг кейинги даврлари қуйидагилардан иборат:

1. Илк ўрта аср давлатчилиги тарихи (IV – VIII аср ўрталаригача);
2. Ривожланган ўрта аср давлатчилиги тарихи (IX – XIII аср бошлари);
3. Амир Темур ва темурийлар давлати (XIV аср иккинчи ярми – XVI аср бошлари);

4. XVI – XIX аср биринчи ярми давлатчилиги тарихи;
5. Ўзбек давлатчилиги XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср мустамлакачилиги даврида;
6. Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги бир неча минг йиллик ўзбек давлатчилигининг давоми ва вориси сифатида.

(Изоҳ: Ўз навбатида ўзбек давлатчилиги тарихидаги ушбу даврлари бир қатор босқичларга бўлиб ўрганилади)

Ўзбекистоннинг милоддан аввалги VII – VI асрларда ташкил топган энг қадимги давлат бирлашмалари Катта Хоразм ва Қадимги Бактрия давлатларидир. Бу давлатлар ўзига хос ривожланиш жараёнини босиб ўтган. Айниқса, бу илк давлатлар орасида Бактрия нисбатан барқарор бўлганлиги билан ажралиб туради. Катта Хоразм «ишлаб чиқаришнинг Осиё усули»га эга бўлган давлатларнинг қадимги шарқ типига мансуб эди.

Катта Хоразм – Амударё куйи ҳавзасидан Туркманистон жанубига қадар; шунингдек, Ўрта Осиёнинг марказий туманларини ўзига бирлаштирган, Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларини ўз назоратида тутган қабилалар конфедерацияси ҳисобланган. Хоразм давлати эгаллаган ҳудудлар баъзи маълумотларга кўра, ҳозирги Хоразм ерлари билан чегараланиб қолмай, балки ундан анча жанубга, яъни Мурғоб ва Тажанг дарёлари атрофларига қадар ҳам ёйилган. Шу боисдан бу қадимги тарихий ўлка фанда 2 хил: Катта Хоразм ва Қадимги Хоразм номлари билан маълум.

«Авесто» да Катта Хоразм давлати ҳақида бир қанча маълумот бор. Унда Хоразм Ўрта Осиёдаги ривож топган, ўз ҳудудий чегараларига эга бўлган ўлкалардан, вилоят (давлат)лардан бири сифатида тилга олиниши ҳам бежиз эмас. Геродот маълумотича, қадимда Окс (Амударё) дарёси бўйлаб 360 дан зиёд сунъий суғориш каналлари, сув иншоотлари барпо этилиб, чўлли, сахроли ерларга сув чиқазилиб деҳқончилик учун экин майдонлари кенгайтириб борилган. Геродот таассуротларида Хоразм ўлкасида яшаган аҳоли деҳқончиликда катта тажрибага эга бўлиб, уларнинг донли, дуккакли экинлар, чунончи, буғдой, сули, арпа, мева – сабзавотчилик маҳсулотларини мўл – кўл етиштирганлиги қайд этиб ўтилади. Хоразм шаҳарсозлигида хом ғишт, пахсалардан кенг фойдаланилган. Биноларнинг ташқи ва ички кўринишларига махсус ишлов берилиб, уларнинг мустаҳкамлиги, ўзига хос кўркемлиги таъминланган. Хоразм воҳасида ҳунармандчилик, тоғ – кон ишлари анча ривожланган. Бу ердан қазиб олинган қимматбаҳо маъданлар ишлов берилиб, юксак сифат кўрсаткичига етганидан кейингина у тайёр маҳсулот сифатида фойдаланишга чиқарилган.

Хоразмда аҳолининг бир қисми чорвачилик билан шуғулланган, уларнинг туя, от, қўй – эчкилардан иборат кўплаб чорва моллари бўлган. Савдо бозорларида ғалла, мева, чорвачилик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари айирбош қилинган.

Афсуски, Хоразм давлатида ҳукмронлик қилган сулолалар тўғрисида маълумотлар ҳозиргача етарли эмас. Ривоятларга кўра, Хоразмнинг қадимий сиёсий сулоласи – Сиёвушийлар бўлганлиги зикр этилади. «Авесто»да таъкидланишича, Сиёваршон Кавоуснинг ўғли бўлган. Сиёваршон ўлимидан сўнг унинг набираси Кова Хисрав бобоси қотилидан ўч олиб, ҳокимиятни эгаллаб, Хоразмда Сиёвушийлар сулоласига асос солади.

Милоддан аввалги IV асрда Амударё қуйи оқими ҳудудида Қадимги Хоразм давлати ташкил топди. Ушбу асрда Катта Хоразмнинг Амударёнинг қуйи оқимидаги ҳудуди Қадимги Хоразм давлатига уюшади. Бу пайтда Хоразмда Фарасман исмли шоҳ бўлганлиги манбаларда тилга олинади. У ғоятда тадбиркор ҳукмдор бўлган. У Искандар Зулқарнайнга элчи жўнатиб, унинг Хоразм томонга юришини олдини олади.

Қадимги Бақтрия – Ўзбекистон жануби, Жанубий – шарқий Ўрта Осиёнинг катта ҳудудларини, жумладан, ҳозирги Сурхондарё, Қашқадарё, қисман Зарафшон, Амударё юқори оқими, шунингдек, Афғонистон шимолини ўз назоратида тутган қабилалар конфедерацияси ҳисобланган. Ёзма манбаларда у Бахди («Авесто»да), Бақтриш (Бехистун ёзувларида) деб номланган. Юнон – рим муаллифлари уни Бақтриана ёки Бақтрия деб атаганлар. Бақтриянинг ўтмишда «Минг бир шаҳар мамлақати» деб аталганлиги унда шаҳарларнинг кўп бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Бақтриядаги кўпдан – кўп йирик шаҳарлар орасида Бақтра машҳур бўлиб, мамлакатнинг пойтахти ҳисобланган. Бақтра баланд ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган, унда подшоҳ қалъаси алоҳида ажралиб турган.


Баъзи ёзма манбаларда қайд этилишича, бу давлат таркибига Сўғд ва Марғиёна ҳудудлари ҳам кирган. Қадимги Бақтрия давлати тўғрисида юнон олими Ктесий маълумотлари қимматлидир. У Бақтриядаги кўплаб шаҳарлар, унинг пойтахти Бақтра (Балх), Бақтрия подшоси Оксиард, унга қарашли беҳисоб бойликлар ҳақида маълумотлар беради. Яна бир юнон тарихчиси Геродот ҳам Бақтрия давлати ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. У Бақтрия халқи, бу давлатнинг қудрати жиҳатидан Миср ва Бобил давлатлари билан тенг бўлганлиги ҳақида ёзади.

Қадимги Сўғдиёна – бу давлат уюшмаси ҳам Бақтрия сингари қадимдан мустақил фаолият кўрсатган. Унинг ҳудудларига қадимда ҳозирги Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятлари ерлари кирган. Давлатнинг пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган. Археологлар берган маълумотларга қараганда туб ерли аҳоли шаҳарни Смараканса (Smarakansa) деб атаган. Бу шаҳар қадимги «Буюк Ипак йўли»да жойлашган бўлиб, савдо – иқтисодий жиҳатдан Шарқ ва Ғарбни боғлаган. Сўғд тили қадимда ва илк ўрта асрларда жаҳон савдо тили сифатида катта нуфузга эга бўлган. Сўғдиёнада аҳоли юқори даражада деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик маданиятига эга бўлган.

2. Ватанимиз халқларининг ажнабий босқинчиларга қарши озодлик кураши.

Мил. авв. VI асрда Эрон худудидида яшовчи халқлар мил. авв. 558 йилда подшо Кайхусрав II бошчилигида кучли давлатга уюшдилар. Бу давлат икки аср мобайнида, яъни, мил. авв. 330 йилгача фаолият кўрсатган. Унинг худудлари Мисрдан то Шимоли – Ғарбий Ҳиндистонга қадар чўзилган эди. Ахоманийлар (кўплаб адабиётларда ахамонийлар) салтанатини Кир II (қад. эрон – Куруш, грек. – Кугос) барпо этди. Мил. авв. 558 – 530 йилларда эса Ахоманийлар давлатини бошқарган. Ахоманийлар давлати қисқа давр ичида Ҳинд дарёсидан Эгей ва Ўрта денгизгача бўлган ораликдаги Осиё мамлакатларини, шунингдек Миср, Мидия ва Болқон ярим оролининг бир қисмини босиб олади. Кир II Ўрта Осиё ерларига юриш қилишга махсус тайёргарлик кўради. Кирнинг шарқий худудларга, хусусан, Ўрта Осиёга

ҳарбий юришларини икки босқичга бўлиш мумкин. Унинг биринчи босқичи милоддан аввалги 545 – 540 йилларга тўғри келади. Кир II нинг Ўрта Осиё худудларига иккинчи юриши милоддан аввалги 539 – 530 йилларни ўз ичига олади. Ҳарбий юришларнинг биринчи босқичида Парфия, Бактрия, Марғиёна худудларини босиб олади. Аммо



Доро I нинг барельеф сурати




Персапол Доро I нинг саройидаги Эрон жангчилари тасвири туширилган барельеф (мил. авв. VI аср охири - V аср бош.)

Ўрта Осиё халқлари ҳар доим эрк, озодлик ва хурликни ҳамма нарсадан устун қўйганлар. Шу боис улар босқинчи Ахоманийлар зулмига қарши муттасил кураш олиб борганлар. Милоддан аввалги 530 йилда массагетлар йўлбошчиси малика Тўмариснинг Кир II устидан қозонган ёрқин ғалабаси бунга мисол бўла олади. Ахоманийлар шоҳи Кир II нинг танадан жудо этилган бошини одамлар қони билан тўлдирилган меш — қопга солар экан, Тўмарис шундай дейди: *«Эй, Кир! Умр бўйи жанг қилиб, одам қонига тўймадинг, мана, энди тўйганингча ич!»*.


Аммо Кир II нинг ўлими Ўрта Осиё халқларига қутилган озодликни олиб келмади. Кир II ўлими учун унинг авлодлари ўч олдилар. Хусусан, ўрта осиеликлар ахоманийлар подшоси Доро I даврида қаттиқ жафо чекдилар. Ахоманийлар шоҳи Доро I (522 – 486) даврида Ўрта Осиё худудлари босиб олинади. Тарихий манбаларда ёзилишича, мил. авв. 522 йилда подшолик тахтини эгаллаган Доро I га қарши Марғиёнада Фрада бошчилигида халқ кўзғолони кўтарилди. Доро I кўзғолонни бостириш учун Бактрия сатрапи Додаршишни юборди. Кўзғолон шафқатсизлик билан бостирилди, 55 минг кўзғолончи қатл этилади, 7 мингга яқин киши асир олинади. Фрада ҳам қўлга олиниб, мил. авв. 521 йилда қийнаб ўлдирилади. Аммо кўзғолонлар давом этаверган. Ахоманийлар шоҳи Доро I нинг шахсан ўзи мил. авв. 519 йилда

парфиёналиклар ва сак қабилалари устига қўшин тортиб боришга мажбур бўлган.

Доро I Ўрта Осиё халқларидан каттиқ ўч олди, аммо айна пайтда ўзи ҳам катта талафотлар кўрди. Бу ўринда муаррих Полиэнинг «Харбий хийлалар» асаридagi Широқнинг (асарда Широқ — Сийрак деб номланган) афсонавий харбий жасорати диққатга моликдир. Манбада ҳикоя қилинишича, йилқибоқар Широқ ўз ватанига бостириб келган душманларни хийла ишлатиб, чалғитиб, Қизилқумнинг ҳалоқатли жазирама даштларига бошлаб боради ва ўз жонини



қурбон қилиб бўлса – да, ватани ва халқини ёвуз душмандан асраб қолади. Ўрта Осиё халқлари Эрон ахоманийларига қарши қатъий кураш ҳаракатлари олиб борилаётган бир даврда четдан янги хавф кириб келаётган эди. Мил. авв. IV асрнинг ўрталаридан бошлаб эса, Болқон ярим оролидаги шахар – давлатлар кучая бошлайди. Мил. авв. 359 йилда Филлип II (мил.ав. тахм. 382 – 336) Македонияни бирлаштириб, ягона давлат тузишга эришади. У кучли армия тузади.




Филипп II Македонский
(мил.ав. тахм. 382 — 336)



Филипп II нинг таъsvири
туширилган тангалар

Юнонистон ҳудудларини эгаллаб олган Филипп II 337 йидда Коринф шахридаги анжуманда ўзини Юнонистон подшоси деб эълон қилди. Бу даврда ахоманийлар билан Юнонистон ўртасида зиддиятлар кучайди. Филипп II мил. авв. 336 йилда ахоманийларга қарши уруш эълон қилди. Аммо шу йили Филипп II ўлдирилганлиги туфайли уруш ҳаракатлари тўхтаб қолди.



Александр Македонский (мил. авв. 356, Пелла — 323.13.6, Бобил)

Тахтни Филипп II нинг 20 ёшли ўғли Александр, Искандар Мақдуний (мил. авв. 356, Пелла — 323, Бобил) эгаллади. У Шарқ мамлакатларида Искандар, Искандар Зулқарнайн (Зулқарнайн — Александр Македонскийнинг лақаби. Шарқда шу лақаб билан аталган. Бу лақаб тожининг икки чети шохсимон бўлганлиги сабабли «икки шоҳли» ёки «икки томон — ҳам Ғарб, ҳам Шарқ ҳукмдори» деган маъноларни англатган) номи билан машҳур эди.

Александр отаси Филипп II йўлини давом эттирди. Аммо у дастлаб мамлакат ички ҳаётини мустаҳкамлади. Давлат ҳокимиятига қарши бўлган амалдорларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрди. У Болқон ярим оролида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлади. Мил. авв. 334 — 330 йилларда ўзининг асосий рақиби Доро III кўшинларига бир неча ҳарбий зарбалар бериб бутун Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Финикия, Миср ерларини эгаллаб ахоманийлар давлати ҳудудларига кириб борди. Доро III Мидияга қочди. Искандар кўшинлари мил. авв. 330 — 329 йилларда Афғонистоннинг жанубий томонларини эгаллаб Ҳиндикуш тоғлари орқали Ўрта Осиёга юриш бошлади.



Фреска из дома Фавна в Помпеях. Римская копия со знаменитой картины Филоксена конца века IV до н.э. «Битва Александра Македонского с Дарием III при Иссе».

Помпей шахридаги Фавн уйидаги деворий сурат. Филоксеннинг миллоддан аввалги IV асрга мансуб машхур «Александр Македонскийнинг Дороти III билан Исса яқинидаги жанги» расмидан нусха

Тарихий манбаларда Александрга қарши бутун Ўрта Осиё халқлари оёққа турганлиги ҳикоя қилинади. Айниқса бактрияликлар, сўғдиёналиклар халқ қасоскорлари Спитамен, Оксирд раҳбарлигида қаҳрамонлик кўрсатган. Искандар хийла – найранглар ва шафқатсиз қирғинлар эвазигагина ўз мақсадини рўёбга чиқара олган. Жумладан, Самарқанд (Мароканд)да



Александр Македонский тетрадрахмаси. Миллоддан аввалги IV аср кумуш. ЎзФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи

Спитамен бошчилигида кўтарилган кўзғолонни Александр икки йилдан сўнггина — мил. авв. 328 йил кузида бостира олди, холос. Диодор берган маълумотларга қараганда, кўзғолонни бостириш чоғида сўғдликлардан 120 МИНГ киши шафқатсизларча кириб

ташланган. Уструшонада Самарқанд билан Хўжанд оралиғидаги тоғликлар билан бўлган жангда туб ерли 30 минг аҳолидан 22 мингги қиличдан ўтказилган. Аммо ватанпарварлар таслим бўлмаганлар. Искандар хийла ишлатиб маҳаллий ҳукмдорлардан Сўғд қалъасининг ҳоқими Оксирднинг қизи Роксана (Рахшона, Равшанак)га уйланади, маҳаллий халққа ўзини яқин тутиб, унинг миллий урф – одатларини қабул қилади, миллий кийимларини кийиб юради. Шундан сўнггина маҳаллий ҳукмдорларнинг бир қисми унинг томонига ўтади ва Александр ўз ниятларини рўёбга чиқаради.

Жуда катта ва даҳшатли жанглардан сўнг Александр мил. авв. 327 йилгача унча катта бўлмаган худудларни: Бактрия, Сўғдиёна, Марғиёна, ҳозирги Бекабод ва Хўжанддан иборат Сирдарё бўйларини эгаллай олди холос. Хуллас, Эрондай қудратли давлатни уч ой ичида бўйсундирган Александр Македонский Ўрта Осиёни бўйсундиришга уч йил сарфлади. Мил. авв. 327 – 325 йилларда Искандар Ҳиндистонни забт этди. Мил. авв. 325 йили Бобилни эгалладди. У янги урушларга тайёргарлик кўриш пайтида безгак касалига чалиниб, 34 ёшида, яъни мил. авв. 323 йилда ўз давлатининг янги пойтахти Бобил шаҳрида вафот этди. Шундай қилиб, македониялик Искандар Зулқарнайн олиб борган босқинчилик ва адолатсиз урушлар оқибатида Ўрта Осиёда ахоманийлар зулми юнон – македон истилочилари зулми билан алмашди. Бу зулмдан қутулиш учун Сўғдиёна халқларига 150 йил, Бактрия халқларига эса 180 йил керак бўлди. Бу жараёнда ўлкамиз халқларининг эрк ва озодлик учун олиб борган курашлари ҳал қилувчи роль ўйнади.

3. Турон заминда вужудга келган Юнон – Бактрия, Даван, Қанг давлатлари. Александр Македонский вафотидан сўнг тахт ворислиги учун унинг лашкарбошилари ўртасида кураш авж олиб кетди. Мил. авв. 301 йилда Фригиянинг Ипс деб аталган жойида юз берган қонли жанглар оқибатида Искандар салтанати учта мустақил давлатга бўлиниб кетди: Македония – Антиох авлодларига, Миср – Птоломей авлодларига ва Суриядан то Ўрта Осиё – Ҳиндистонгача бўлган ерлар Салавкка тегади. Мил. авв. 293 йилда Салавк I ўз давлати пойтахтини Бобилдан Сурия – Антиохияга кўчирди.

Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларини Салавк I мил. авв. 306 йилда босиб олган эди. Салавкийлар давлати худудларига кўчманчи қабилалар тез – тез ҳужум қилиб турар эди. Ўзи нотинч бўлса-да, Салавк I Ҳиндистон билан уруш ҳаракатлари олиб борган ва енгилган. Бу ҳол салавкийларнинг Ўрта Осиёдаги обрўсига салбий таъсир қилган. Салавкийларга қарши маҳаллий халқ кўзғолонлар кўтаради. Айниқса бу кўзғолонлар мил. авв. 280 йилда Салавк I вафотидан сўнг кучайди. Бу жараёндан фойдаланган шарқий вилоятлар мустақилликка интилиб салавкийларга қарши чиқишлар уюштирганлар. Оқибат натижада Салавкийлар давлати парчаланиб кетган. Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарига келиб дастлаб Парфия, сўнгра Юнон – Бактрия бу давлат таркибидан ажралиб чиқиб мустақилликка эришди.

Парфия, Парфия подшолиги — мил. авв. тахм. 250 йилда Каспий денгизининг жанубий ва жанубий – шарқий томонида вужудга келган қадимги давлат. Антик давр тарихчилари Парфия салтанатининг асосчиси сифатида парнлар (апарнлар) қабиласини тилга олганлар. Мил. авв. I аср ўрталарида Месопотамиядан Ҳиндистонгача бўлган худудни ўзига бўйсундирган. Парфия давлатининг пойтахти (мил. авв. III – милодий III асрлар) Нисо шаҳри бўлган. Парфия милодий III асрнинг 20 – йилларигача мавжуд бўлган.

Юнон – Бактрия подшолиги – қадимги қулдорлик давлати (мил. авв. 250 – 248 йиллар ораси – мил. авв. 140 – 130 йиллар). Асосчиси

салавкийлариинг Бактриядаги сатрапи Диодот ҳисобланади. Мил. авв. 250 йилда у ўзини Бактриянинг мустақил хукмдори деб эълон қилади. Давлат худудига ҳозирги Жанубий Тожикистон, Жанубий Ўзбекистон ва Афғонистон кирган. Юнон – Бактрия подшолиги кучайган пайтларда унга Покистон, Шимолий – Ғарбий Ҳиндистон ҳамда Суғдиёна ҳам бўйсунган. Пойтахти Бактра (ўрта асрлардаги Балх) шаҳри бўлиб, унинг харобалари Шимолий Афғонистонда, Мозори Шариф шаҳри яқинида жойлашган. Давлат бир қанча сатрапликлар (вилоятлар)га бўлиниб бошқарилган. Ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлар натижалари иқтисодий ҳаёт, бадиий ҳунармандчилик, ҳайкалтарошлик, маданият, шаҳарсозлик юнон анъаналари асосида юксак ривожланганлигидан далолат беради. Юнон – Бактрия даврига мансуб энг машҳур ёдгорлик Шимолий Афғонистондаги Ойхонум ва Жанубий Тожикистондаги Тахти Сангин ёдгорликлари ҳисобланади. Амударёнинг ўнг қирғоғида, Вахш ва Панж дарёлари қуйилишида жойлашган Тахти Сангиндаги ибодатхона тузилиши ва топилмалари эллинизм дунёсига хос диний эътиқодлар кенг тарқалганлигини кўрсатиб турибди.



Зевс ва Аполлон тасвири туюрилган Юнон – Бактрия тангалари. Кумуш. Мил. авв. III – II асрлар



Подшо Евтидем тасвири туюрилган Юнон – Бактрия тангалари. Кумуш. Тах. мил. авв. 235 – 200 йиллар



Подшо Деметрий тасвири туюрилган Юнон – Бактрия тангалари. Кумуш. Тах. мил. авв. 200 – 185 йиллар



Подшо Евкратид тасвири туюрилган Юнон – Бактрия тангалари. Кумуш. Тах. мил. авв. 175 – 155 йиллар



Подшо Гелиокл тасвири туюрилган Юнон – Бактрия тангалари. Кумуш. Тах. мил. авв. 155 – 140 йиллар


Юнон – Бактрия подшолиги Ҳиндистон ва Ўрта Осиё худудларини ўзаро боғловчи ҳамда Хитойдан Бадахшон орқали Форс кўрфазига олиб чиқувчи савдо йўллариини назорат қилиб, халқаро иқтисодий – савдо алоқаларида фаол иштирок этган. Археологик тадқиқотлар натижасида топилган кўплаб тангалар товар – пул муносабатлари ривожланганлигини кўрсатади. Тангалар юнон стандартлари асосида кумуш ва жездан қуйилган. Тангаларда (тетрадрахма, драхма, оболъ ва б.) хукмдорлар киёфаси юксак дид ва аниқлик билан тасвирланган. Диодот (мил. авв. 250 – 230), Евтидем (мил. авв. 230 – 199), Деметрий (мил. авв. 199 – 167), Евкратид (мил. авв. 167 – 155), Гелиокл (мил. авв. 199 – 155) ва бошқа хукмдорлари маълум. Битта ном билан давлатни

бошқарган хукмдорлар (мас, Диодот I – II, Евкратид I – II) ҳам бўлган.

Мил. авв. III аср охири — II асрнинг I – ярми давлатнинг энг ривожланган даври ҳисобланади. Мил. авв. II аср ўрталаридан бошлаб ички низолар кучайиб, инқироз даври бошланади. Мамлакат алоҳида вилоятларга бўлиниб, маҳаллий ҳокимлар (Антимах, Менандр, Апполодот ва б.) ўз номидан тангалар зарб қилишган. Юнон – Бактрия подшолиги мил. авв. 140 – 135 йилларда сак ва юечжи қабилалари томонидан бутунлай тугатилган

(Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2005. – Б.320 – 321).

Даван (хитойча Да – юаньдан олинган) — Фарғона водийсидаги қадимги давлат. Мил. авв. II – I асрлардаги Хитой манбаларида кенг, обод, бой мамлакат — Даван ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Даван шаҳар ва воҳа ҳокимларининг эркин иттифоқидан иборат давлат эди. Улуғ ҳукмдор қароргоҳи Гушан (ҳоз. Ўзган шаҳар деб тахмин этилади)да бўлган. Подшо ҳокимияти қабила зодагонларидан иборат оқсоқоллар кенгаши томонидан чеклаб қўйилган. Олий кенгаш ҳукмдорни подшоликдан тушириши, ҳатто ўлим жазосига ҳукм қилиши мумкин бўлган. Даван атамаси тарихий адабиётларда мил. III асргача учрайди. Сўнгра Даван ўрнига **«Бохань»** ва **«Полона»** (мил. V аср) атамалари учраб муаррихлар ушбу атамалар қадимги Даванга мос келади деб қайд этиб ўтганлар. Аммо археолог олим академик А. Асқаровнинг хулосасига кўра, Давань давлати мил. авв. II асрда эмас, балки анча илгари – мил. авв. IV ёки III асрларда ҳам бўлган. У даврда бу давлатнинг номи Паркана бўлган. Давань номини хитойлар берганлар. Хитойшунос Н. Я. Бичуриннинг фикрича, Давань – Кўкондир, ҳам шаҳар ва ўлкадир. Хитойликлар Даван деб номи тохарлар билан боғлиқ бўлган мамлакатни аташган деган фикр бор.



Мил. авв. II аср Хитой манбалари маълумотларида таъкидланишича, Даванда 300 минг аҳоли яшаган. Воҳада 70 та катта – кичик шаҳар бўлган, пойтахти Эрши (ҳозирги Марҳамат) шаҳри эди. Даванликлар кўзлари киртайган, қалин соқолли халқ бўлиб, савдо – сотиқ ишларида моҳирликлари билан ном чиқаришган. Даванда хотин

– кизлар иззат – икром қилинган. Даванда етиштирилган **«самовий тулпорлари»** — арғумоқлар (зотли чопқир отларга Шарқ халқлари берган умумий ном) Шарқда машҳур бўлган. Мил. авв. 104 – 101 йилларда Хитой аскарлари Даванга икки бор ҳужум қилганлар. Биринчи – ҳужум Хитой аскарларининг мағлубияти билан тамом бўлган, чунки улар истехкомга айлантирилган қишлоқларнинг қаршилигини синдириш учун ожизлик қилганлар. Хитойликлар 60 минг кишилик катта кўшин билан иккинчи марта ҳужум қилиб, 101 йилда Эрши шаҳрини қамал этишган (*Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2002. – Б. 147.*)

Қанг давлати, Қанҳха (қад. хитой манбаларида Кангкия, замонавий ўқилишда Кангжюй, рус адабиётида Кангюй) — қадимда Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида мавжуд бўлган давлат (мил. авв. III – мил. V аср ўрталари). Айрим адабиётларда ушбу давлат аҳолиси ҳам унинг номлари билан аталади.

К. Шониёзовнинг фикрича, Қанғ давлати шарқда Фарғона (Даван, Дайюан), шимолий – шарқда Усун (Уйсун) давлатлари, шимолий – ғарбда Сарису, ғарбда Сирдарёнинг қуйи оқими билан чегарадош бўлган. Хитой манбаларига кўра, Қанғ давлатининг жанубий ҳудудига ҳозирги Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Каттакўрғон ва Урганч туманлари кирган бўлиб, унинг чегараси Амударёга бориб тақалади. Жанубда — Дайрузие (Даюэчжи) давлати жойлашган. Кушон подшолиги ташкил топиши ва унинг ҳудуди кенгайиши муносабати билан Қанғ давлатининг жанубий чегараси ўзгарган. Шу туфайли мил. авв. II асрда Хитой элчиси Чжан Цянь фарғоналиклар ёрдамида Қанғ давлати орқали Дайрузие (Даюэчжи) давлатига борган. Қанғ давлатининг қишки пойтахт шаҳарлари Битян ва Сушие бўлган. Битян Бинкат шаҳри (бошқа манбаларга кўра, Қанқа) ўрнида, Сушие эса ҳозирги Паркент туманидаги Сўқоқ (Сукееке) номли жойга тўғри келади. Қанғ давлатининг ёзги қароргоҳлари Иссиққўл бўйлаб, ҳозирги Қорақўл (Пржевальск) ёнида бўлган. Қанғ давлатининг кўшини 80 – 90 минг жангчини ташкил этган. Қанғ давлати аҳолисининг урф – одатлари Рузиё (Юэцзи) давлати аҳолиси урф – одатидан фарқ қилмаган. Ўз навбатида, рузиёликлар урф – одатлари хунларникига ўхшаш бўлган. Қанғ давлати ҳукмдори ва Хун хоқонлиги ўртасида қудачилик муносабатлари ўрнатилган. Шу туфайли хитойлар хунлар устидан ғолиб чиқиб, уларни ўз жойларидан сиқиб чиқарганида, хун хоқони ўз авлоди билан Қанғ давлатига кўчиб келган.



Қанғ давлати тангалари. Қумуш. Милоднинг бошлари

Қанғлиларда маданият ва санъат ҳам юксак даражада ривож топган. Милодий II – III асрларга оид хитой манбаларида қанғлиларнинг мохир созанда, мақомчи ва бастакор бўлганликлари, уларнинг машҳур раққосалари тўғрисида маълумотлар бор.

Қанғ давлатининг кўчманчи аҳолиси чорвачилик, шаҳарлар ва уларнинг атрофида яшаган ўтроқ аҳоли эса деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо – сотиқ билан шуғулланган. Улар Буюк ипак йўладаги халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларда муҳим ўрин тутганлар. Қанғ давлати ҳудудида жиддий миграцион жараёнлар содир бўлиб турган. Мил. III асрнинг 2 – ярмида Қанғ давлати парчаланиб, унинг ҳудудида Шош (Ши), Самарқанд (Қан), Маймурғ (Ми), Шаҳрисабз (Ши), Каттакўрғон (Хэ), Усрушона (Цао) каби кичик давлатлар ташкил топган (*Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2005. – Б. 600*).

4. Кушон подшолиги ва унинг юртимиз давлатчилиги тарихида тутган ўрни. *Кушон подшолиги* – ўзбек давлатчилиги тизимидаги қадимги

давлат (милодий I – III асрлар). Милодий I асрнинг 1 – ярми ёхуд ўрталарида юечжилар тасарруфидаги Кушон мулкининг юксалиши натижасида вужудга келган. Массagetлар (Хитой йилномаларида – юечжи) мил. авв. 140 йил Сирдарё ортидан Бактрияга келиб, сакларни енгган ва Юнон – Бактрия подшолиги ўрнида бир аср давомида 5 қабилага бўлиниб (Кушон, Хюми, Шуанми, Хисе, Думи) яшаган. Булардан Кушон (Хитой йилномаларида Гуйшуан) қабиласи жабғуси Кужула Кадфиз (Кадфиз I – мил. авв. I аср охири – милодий I аср 1 – ярми) мил. I асрда қолган 4 қабилани бўйсундириб, ўзини ҳукмдор деб эълон қилган.

«Кушон» атамаси ё сулола ёки қабилага тегишли бўлиб, у илк бор мил. авв. I аср охири – мил. I аср бошида ҳукмронлик қилган подшоҳ «Герай» — Санаб зарб қилдирган тангаларда қўлланган. Мил. авв. I асрда Косонсой – Кушонлар салтанатининг пойтахти бўлган. Кушонларнинг дастлабки мулклари ҳудудига Шимолий Бактрия (Тожикистон ҳамда Ўзбекистоннинг жануби, Туркменистоннинг жанубий – шарқидаги ерлар) кирган. Дастлаб жабғу, кейинчалик подшо унвони билан давлатни идора қилган Кадфиз I Кушон давлатига асос солган бўлиб, унинг даврида кушонлар ҳозирги Афғонистон билан Покистоннинг кўпчилиқ қисмини босиб олган.

Кушон давлати Кужула Кадфизнинг ўғли Вима Кадфиз (30 йил подшолик қилган), хусусан, Канишка I (23 йил подшо бўлган) ва унинг ўғли Васишка (4 йил подшолик даврини сурган) даврида ҳар томонлама кучайиб дунёнинг энг қудратли давлатларидан бирига айланган. Буни



Подшо Кадфиз II милодий I аср Подшо Канишка I (78 – 123)

милоднинг III асрига оид будда матнидаги «дунё уч қисмга (Хитой, Рим ва Кушон) бўлинган» деган жумлалар ҳам исботлайди. Кушон давлати Ўрта Осиёнинг каттагина ҳудудлари, Шимолий Ҳиндистон, Қашқар, Афғонистон ва



Кушон подшолари тангалари

Шарқий Туркистон ерларини ўз таркибига қамраб олган эди. Канишка подшолиги даврида мамлакатнинг иқтисодий – сиёсий ва ҳарбий қудрати ҳар томонлама ривож топди. Мамлакатда олтин, кумуш ва мис тангалар зарб қилинди. Бу даврда айниқса Термиз, Самарқанд, Нақшаб, Бухоро, Чоч, Далварзин, Пешовор ва бошқа шаҳарлар ривожланди. Хитой, Рим ва бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари кенгайди. Бу борада «Ипак йўли»нинг ўрни ва аҳамияти ошди. Хитой савдо – сотиқда ўзининг хом ипак ва ипак

матолари, олтин ва терилари билан машхур бўлса, Ўрта Осиёлик савдогарлар ноёб ва нафис шишалари, қимматбаҳо тошлари, зеб – зийнат буюмлари билан донг таратган эдилар.

Кушон давлатида сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлиб, унда подшо дунёвий раҳбар бўлиш билан бирга бош коҳин ҳам эди. Давлат сатрапликларга бўлинган бўлиб, уларнинг сатраплари айрим эркинликларга эга эди. Кушон подшолиги қулдорлик давлати бўлса-да, унда қишлоқ жамоаси муҳим ўрин тутган. Кушон подшолари мамлакатда кенг кўламда динлараро мурасасозлик сиёсатини юргизган: аҳоли, асосан, буддизмнинг маҳаяна мазҳабига эътиқод қилган, шунингдек, мамлакатда зардуштийлик, оташпарастилик, ҳиндуизм каби кўплаб бошқа динлар ҳам бўлган. Ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо кенг тараққий этган. Пул тизимида кўпроқ олтин ва мис тангалар қўлланилган. Деҳқончилик, хусусан, суғорма деҳқончилик ривожланган, қишлоқ хўжалиги экинларининг кўпчилик тури экилган. Кушонлар салтанати ўз даврига нисбатан юксак маданиятга эга бўлган эди. Аммо у ҳақда маълумотлар деярли сақланмаган. Кушон давлати Канишка I (78 – 100 – 123) подшолиги даврида ўз ёзувига эга бўлган. 22 ҳарфдан иборат бўлган бу ёзув Кушон (Бақтрия) ёзуви деб аталган. Бу ёзувлар Кушон давлати зарб этган тангаларда акс этган.

Кушон салтанатининг инқирози Хувишка подшолиги даври (32 йил ҳукм сурган)дан бошланди. Бу жараёнда Сосонийлар давлатининг тарих саҳнасига чиқуви асосий омил бўлди. Хусусан, сосоний ҳукмдорлардан Шопур I нинг (милодий 242 – 243 йиллардаги юришлари) ва Шопур II нинг (309 – 379) кушонларга берган зарбалари ҳал қилувчи ўрин тутди. Милодий III асрнинг I – ярми ёки ўрталарида Кушон подшолиги барҳам топган.



5 – мавзу: Буюк Ипак йўлининг шаклланиши, ривожланиши, тармоқлари ва аҳамияти

Режа:

- 1. Қадимги савдо – транзит йўллари ва Буюк Ипак йўлининг вужудга келиши.**
- 2. Буюк Ипак йўлининг тармоқлари.**
- 3. Буюк Ипак йўлининг аҳамияти.**

Таянч сўз ва иборалар: Бронза даври савдо ва транзит йўллари, «Ложувард йўли», «Шоҳ йўли», Чжан Цян ва Буюк Ипак йўли, савдо ва маданий алоқалар, «Буюк ипак йўли – мулоқот йўли» халқаро дастури.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Савдо уйидан Ипак йўлини тиклаш сари. Асарлар, 2 – жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 366-368.
2. «Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси» мавзуидаги республика илмий – амалий анжуман материаллари. – Т.: 2004.
3. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Биринчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 91-97.
4. Мустақиллик: Изоҳли илмий – оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2006. – Б. 55-57.
5. Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь. – Т.: 1999.
6. Усмонов Қ., Содиков М., Н. Обломуродов. Ўзбекистон тарихи. I – қисм. Ўқув қўлланма. – Т.: 2002. – Б.76-83.
7. Формирование и развитие трасс Великого Шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. // Тезисы докладов. – Самарқанд: 1990.
8. Ўзбекистон тарихи: Қисқача маълумотнома. – Т.: Шарқ, 2000. – Б.23.
9. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 110-116.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2 – жилд. – Т.: ЎМЭ, 2001. – Б. 319-321.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 – жилд. –Т.: ЎМЭ, 2005. – Б. 107-108.

12. Usmonov Q., Sodiqov M., Burxonova S. O'zbekiston tarixi. –T.: IQTISOD-MOLIYA, 2006. – B.71-76.

13. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1 / Mas'ul muharrir: A. Sagdullayev. – T.: Sharq, 2010. – B. 88-94.

14. http://el.tfi.uz/pdf/uzbktarixi_uzk.pdf

13. Usmonov Q., Sodiqov M., Burxonova S. O'zbekiston tarixi. –T.: 2006. – B.71 – 76.

14. http://el.tfi.uz/pdf/uzbktarixi_uzk.pdf

1. Қадимги савдо – транзит йўллари ва Буюк Ипак йўлининг вужудга келиши. Қадимги халқларнинг тараққиётида савдо ва транзит йўллари аҳамияти нихоятда каттадир. Мил. авв. III минг йилликка келиб, Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудлари қадимги аҳоли томонидан ўзлаштириб бўлинган эди. Чўл ва дашт ҳудудларидаги кўчманчи чорвадор аҳоли воҳалардаги ўтроқ аҳоли билан ўзаро алоқаларни бронза даврига келиб янада ривожлантирадilar. Тарихий адабиётлардан маълум бўлишича, Буюк ипак йўли ташкил топмасдан анча илгариёқ Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё ҳудудларида ўзаро алмашинув йўллари мавжуд эди.



Лазурит.
Тоғли Бадахшон (Тожикистон)

Қадимдан шаклланиб келган бу йўллар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо муносабатларини таъминлаган ва келгусида бунёд этилажак Буюк йўлнинг шаклланишида муҳим бўлган эди. Савдо алоқалари ҳосил бўлишига Марказий Осиё тоғларида ярим қимматбаҳо тошлар – Шарқда нихоятда қадрланган лазурит, нефрит, ақиқ, ферузлар қазиб чиқариладиган конларни топиб, қазиб олиш кўп жиҳатдан кўмаклашган. Бронза давридаги (мил. авв. III—II минг йилликлар) ана шундай йўллардан бири «*Ложувард (Лазурит) йўли*» деб аталиб, унинг бир тармоғи Бадахшон, Бактрия ва Марғиёна ҳудудларини Хоразм, Сўғд, Марказий Қозоғистон ва Урал билан боғлаган. Яна бир тармоғи эса, Бактрия ва Марғиёнани Месопотамия билан боғлаган. Бу йўл Помир тоғларидан бошланиб, Эрон, Олд Осиё, Миср орқали ўтган. Бадахшондан қазиб олинган лаъл тоши (ложувард) Қадимги Шарқ заргарлари томонидан юксак баҳоланган. Бадахшон лаъли ишлатилган буюмлар Миср фиръавнлари мақбараларидан ҳам топилган. Бадахшон Ложувардининг Ҳинд водийси, Месопотамия ва Мисрдан топилиши бу қимматбаҳо тошнинг Қадимги Шарқда нихоятда қадрланганлигидан далолат беради.

«Лазурит йўли» билан бир пайтда «*нефрит йўли*» ҳам таркиб топган, бу йўл Хотан ва Ёркент туманларини Шимолий Хитой минтақалари билан боғлар эди. Бундан ташқари, Олд Осиё мамлакатларига Сўғдиёна ва Бактрия

давлатларидан ақиқ тошлари олиб кетилар эди, Хоразмдан эса феруза келтирилган. Бу йўналишларнинг барчаси охир – оқибат Буюк Ипак йўлига кириб мужассамлашган.

Қадимги йўллардан яна бири, «*Шоҳ йўли*» бўлиб, бу йўл мил. авв. VI асрнинг сўнгги чорагида, Доро I ҳукмронлиги даврида қурилган транзит алоқа йўли эди. Мил. ав 1-минг йиллик ўрталарида, Ахоманийлар давлати таркибига киритилган Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ва вилоятлари ҳам ўша даврнинг ҳарбий – сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта из қолдирган халқаро алоқалар тизимида фаол иштироқ эта бошладилар. Ахоманий ҳукмдорлар ва маҳаллий ҳокимлар-сатраплар бу алоқаларда катта ўрин тутган алоқа – савдо йўллари фаолиятига алоҳида эътибор беришган. Юнон тарихчиси Геродот ўзининг «Тарих» асарида бу йўл ҳақида муҳим маълумотлар қолдирган. Унга кўра, бу йўл дастлаб ахоманийларнинг йирик савдо ва маъмурий марказларидан бўлган Суза шаҳрини Кичик Осиё ва Ўрта денгиз бўйидаги шаҳарлар билан боғлаган. 2400 км га чўзилган бу йўлнинг ҳар 24 – 25 км масофасида, яъни бир кунлик йўлда махсус бекатлар қурилган. Бу бекатларда элчилик миссияси аъзолари, чопарлар, савдо карвонлари дам олиши учун шароитлар яратилган бўлиб, махсус хизматдаги кишилар учун доимо чопқир отлар етарли миқдорда мавжуд бўлган. Шошилиш хабар олиб кетаётган чопар бу бекатларда отни алмаштириши ёки хабар ва хатни бу бекатлардаги бошқа махсус чопарларга бериши мумкин бўлган. Шу тариқа шошилиш хабар ва маълумотлар улкан империянинг турли бурчакларидан пойтахт шаҳарга жуда қисқа муддатда етказиб берилган. Сўнгги археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, «Шоҳ йўли»нинг бир тармоғи шимолий – шарққа йўналтирилган бўлиб, Марғиёна ва Бактрия ҳудудлари орқали Ҳиндистонгача етиб борган. Бу даврда Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида ҳам бир кунлик йўл масофасида, яъни ҳар 24 – 25 км да махсус бекатлар барпо этила бошлаганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу бекатлар, одатда, мустаҳкамланган истехком шаклидаги работлар кўринишида бўлиб, карвон йўллари кўриклаш вазифасини бажарувчи кичик ҳарбий қисмлар ҳам шу ерда жойлаштирилган эди. Бу работлар, ўз навбатида, Ўрта Осиёдаги қадимги карвонсаройлар вазифасини ҳам бажариб келар эди. Уларда давлат хизматчилари, чопарлар, савдо карвонлари, ҳарбий қисмлар, сайёҳлар ва бошқаларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган эди.

Шу тариқа мил. авв. V–IV асрларда Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида ҳам Ахоманийлар салтанатининг марказий вилоятларида фаолият кўрсатувчи йўлларга монанд алоқа йўллари тизими, почта-алоқа хизмати барпо этила бошланган. Доро I томонидан барпо этилган «Шоҳ йўли» фаолияти IV асрнинг сўнгги чорагида Александрнинг ҳарбий истилолари натижасида тугатилган, лекин Ўрта Осиёдаги алоқа йўллари тизими ва алоқа – почта хизмати ўз аҳамиятини сақлаб қолган ва ривожланган.



Фердинанд фон Рихтгофен
Рихтгофен (Рихтхофен) (Richthofen)
Фердинанд Пауль Вильгельм (1833-1905)

Мил. авв. II аср халқаро аҳамиятга ва аниқ йўналишга эга бўлган савдо – транзит йўли, яъни қитъалараро карвон йўли «Буюк ипак йўли» вужудга келди. Буюк Ипак йўли атамаси қадимда ишлатилмаган. Буюк Ипак йўлини тарихий, географик ва маданий жиҳатларини илмий ўрганиш амалда кўплаб мамлакат олимлари томонидан XIX асрнинг 2-ярмидан бошланган. Уни тадқиқ этишга Ғарбий Европа, Россия ва Япония олимлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Хусусан, Японияда «Буюк ипак йўли энциклопедияси» нашр қилинди. 1877 йилда машҳур немис олими **Фердинанд Паул Вильгельм Рихтгофен** ўзининг «Хитой» номли йирик илмий асаридан

улкан Евроосиё материгининг турли қисмларини боғловчи йўллар тизимини «Ипак йўли» деб атаган, кейинчалик «Буюк Ипак йўли» атамаси қабул қилинган. «Буюк» сўзи йўлнинг жуда ҳам узун бўлганлигини ҳамда жуда кўп халқлар тақдирига алоқадорлигини англатади. «Ипак» сўзи эса йўлнинг асосан қимматбаҳо маҳсулот — Хитой ипаги савдосига хизмат қилганлигини билдиради. XIX асрнинг 2 – ярмига қадар бу йўл «Ғарбий меридионал йўл» деб аталар эди.

Буюк Ипак йўли ҳақидаги илк ёзма маълумотлар милоддан аввалги 138 йилга тўғри келади. Бунда хитойлик дипломат ва сайёҳ Чжан Цянь (? – мил. авв. тахм. 103)нинг хизматлари муҳим роль ўйнайди. Хитой императори У-Ди (асл исми Лю Чэ) (мил. авв. 156 – 87) томонидан мил. авв. 138 йилда Чжан Цянь ғарбга, юечжилар билан хуннуларга қарши иттифоқ тузиш мақсадида юборилган. Аммо йўлда элчи Чжан Цянь хуннлар қўлига асир тушади ва 10 йил ҳибсда бўлган. У асирликдан қочиб, Марказий Тян – Шан довлари орқали Иссиқкўлга чиқади. Норин дарёси бўйлаб Фарғона водийсига келади. Бу ерда ўзи учун водийдаги шаҳарларни кашф қилади. Бу шаҳарлар Фарғона давлатига қарашли эканлигини билиб олади. Табиийки, элчи Хитойнинг хуннларга қарши курашида Фарғона ҳукмдорининг ёрдамини олмоқчи бўлади. Лекин Фарғона ҳукмдори фақат савдо – сотиқ алоқаларини ўрнатиш истагини билдиради. Чжан Цян жануб сари саёхатини давом эттиради. Олой водийсидан ўтиб, яна хуннлар қўлига тушиб қолади. Бир йилдан кейин ватанига қайтади. Элчи Хитой императорига кўрган – билганларини сўзлаб беради. У Хитойга Фарғона отларидан бирини ва беда уруғидан олиб келган эди. Бу отни хитойликлар «самовий» деб атаганлар. Император У-Ди ўз саройи яқинида беда эктиради. Кейинчалик у Хитойнинг бутун шимоли бўйлаб экиладиган бўлади. Хитойликлар анор, узум, бодринг ва ёнғоқ экишни ҳам йўлга қўядилар.

Чжан Цян миссияси Хитой учун Ғарбий ўлкаларга чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кейинчалик Хитой императори билан Довон ҳукмдорлари ўртасида қонли урушлар бўлиб ўтди. Бу урушларга асосий сабаб хитойликларни хайратга солган Довон «самовий отлари» эди.

Мил. авв. 111 – 105 йилларда император У-Ди Парфия (Хитой манбаларида Аньси деб эслатилади) подшоларига, Қанғ ҳукмдорларига, кейинроқ эса Бактрия ерларига (Кушонлар) ўз элчиларини жўнатиб улар билан дипломатик – савдо алоқаларини ўрнатади. Шу тариқа, Чжан Цян юрган йўл бўйлаб милоддан аввалги II – I асрларда Хитой мамлакатини Марказий ва Ғарбий Осиё билан боғловчи жаҳон аҳамиятига эга «Буюк Ипак йўли» деб аталувчи қарвон йўлига асос солинади.

Ипакнинг қачон ва қаерда пайдо бўлганлиги масалада фанда ҳар хил қарашлар бор. Фанда ипакнинг ватани Хитой деб тан олингани сир эмас. Аммо ҳинд олими Мукержи Ҳиндистонда ипакнинг қачон пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ ва ишонарли маълумот бера олмасда, у ипакнинг Хитойда пайдо бўлиб у ердан бошқа ерларга тарқалганлиги ҳақидаги фикрга қўшилмайди. У Ҳиндистонда ҳам тоғли туманларда ёввойи ипак қурти тут дарахтлари устуда пилла ўрашларини таъкидлайди.

Хитойда ипакнинг пайдо бўлиши ҳақида жуда кўп ривоятлар бор. Хитой ҳукмдори Чин Чонг ипак ва ипак қурти, тут дарахти майдонларининг кенгайтириш ҳақида катта ғамхўрлик қилган. Ривоятларнинг бирида милоддан аввалги 2698 йилда (яна бир ривоятда эса милоддан аввалги 2600 йилда) Хитой маликаси Си Линг Чи боғда, тут дарахтлари соясида чой ичиб ўтирган пайтида, унинг пиёласига юқоридан пилла тушиб, иссиқ чойда юмшаб, унинг толалари ёйилиб кетади. Малика Си пилла ипларини пиёладан олиб ташлашга қанча уринмасин, унинг узундан – узун толалари чувалиб бўлмагунча чойни ипак ипдан тозалай олмайди. Ривоятда айтилишича, пилла толасини олиш усули ана шу воқеадан сўнг маълум бўлган. Хитой халқи пилла калавасини топиб олишни Осмон худоси – Си Линг Чига боғлайди. Си – бу Осмон худосининг назари тушган малика, деб у илоҳийлаштирилган ва унга атаб ибодатхоналар қурилган. Ҳозиргача Хитойда малика Сига атаб ҳар йили ипак байрами, ўтказилар экан. Хитой йилномалари Фу Ги исмли хунарманднинг милоддан аввалги 3400 йилда мусиқа асбоби ясаб, унинг торларини ипакдан қилганлигини хабар беради. Хуллас, ипакнинг ватани Хитой бўлганлигига шубҳа йўқ. «Йпак йўли» Хитойдаги ана шу ипак савдоси билан боғланган йўлдир. Хитойда ипакчиликнинг дастлаб кенг тарқалган жойи Хуанхе дарёсининг қуйи ҳавзасида жойлашган Шандун вилоятидир.

Ипак маҳсулотлари Европа халқларини жуда мафтун этган. У замонларда Европа ипак нималигини билмаган. Чунки ипак қурти, уни боқиш, ундан пилла олиш, пилладан эса ипак олиш деган нарсалардан мутлақо беҳабар бўлган. Хитойликлар ва кейинчалик бизнинг боболаримиз ипакдан ажойиб матолар тўқиганлар. Бу матолар европаликларни лол қолдирган. Баъзи ёзма манбаларда кўрсатилишича, ҳатто бир вақтлар ипак мато ўрами пул

ўрнида ҳам ишлатилган экан. Айрим маълумотларга кўра, ипак қурти боқиш IV асрда Хитойдан Буюк ипак йўли орқали ҳозирги Ўзбекистан ҳудудига тарқалган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу «ипак» йўли афтидан узоқ вақт мавжуд бўлмаган, чунки VI асрнинг 2 – ярмида Хитой ипак ишлаб чиқариш бўйича монопол ҳуқуқдан маҳрум бўлган, аср охирида эса Византия шу қадар кўп миқдорда ипак етиштирар эдики, уни Хитойдан келтиришга ҳеч қандай эҳтиёж қолмаган. Византия ипак саноатини барпо этилиши ва уни аста – секин Кавказ орти ва Ўрта Ер денгизи мамлакатларига тарқалиши билан Буюк Ипак йўлининг тарихи тугайди. Кейинги асрларда, айниқса мўғуллар салтанати даврида гарчанд Шарқ билан Ғарбни боғловчи карвон йўли мавжуд бўлгани ҳақида кўплаб далилларни келтириш мумкин бўлса-да, лекин «ипак йўли» номини унга шартли равишда қўллаш мумкин, чунки бу йўлнинг аҳамиятини эндиликда ипак эмас, бошқа товар ва мақсадлар белгилар эди.


Буюк Ипак йўли XVI асрдан эътиборан ўз аҳамияти ва ролини йўқотиб, тушкунлик сари юз тутди. Бунга қуйидаги сабабларни айтиш мумкин:

Биринчидан, Амир Темур ва темурийлар сулоласининг пировард оқибатда чуқур инқирозга йўлиқиши ва тарих саҳнасига бошқа ҳукмрон сулолаларнинг, чунончи, Шайбонийхонлар, Аштархонийлар сулоласининг чиқиши ҳамда уларнинг бошқарув усулининг ғоятда мураккаб кечганлиги, марказий ҳокимиятнинг кучсизланиб, мамлакат ҳудудларининг тарқоқ ҳолатга учраши ўз қобиғига ўралиши ва ҳоказо ҳоллар бу ҳудуднинг ташқи дунёдан тобора ажралишига сабаб бўлди.

Иккинчидан, Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган ўзбек уруғлари, уларнинг амир – беклари, султонлари ўртасида ҳокимият талашиб олиб борилган ўзаро жанг-у жадаллар, доимий қон тўкишлар натижасида ўлка тез – тез иқтисодий бўҳронларга дуч келди, сиёсий беқарорлик авж олди. Мамлакат ташқи давлатлар билан алоқалар боғлаш, иқтисодий, савдо-сотик бобида ҳамкорлик қилиш имкониятларидан маҳрум бўлди.

Учинчидан, илғор Европа олимлари, сайёҳлари томонидан XV – XVII асрлардаги буюк географик кашфиётлар даври бошлангандан сўнг ўз – ўзидан сўна бошлади, чунки туя ва отга суянган карвон Ғарбий Европанинг елканли кема ва каравеллалари билан тенглаша олмас эди. Аммо унинг инсоният тараққиётидаги ижобий роли шубҳасиздир.

2. Буюк Ипак йўлининг тармоқлари. Умумий узунлиги 12 000 км дан иборат Буюк Ипак йўли Хитойдаги Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида жойлашган *Сиан шаҳридан* бошланиб, Ланчжоу орқали Дунхуанга келган. Бу ерда йўл иккига айрилган:



Биринчиси — Шимоли – ғарбий Буюк Ипак йўли — Турфон, Торим воҳаси, Қашқар, Фарғона орқали ўтиб, Самарқандгача келган. Бу ерда Буюк Ипак йўли яна иккига бўлиниб, бири Марв, Ниса (Туркманистоннинг жанубида жойлашган шаҳар, ҳозир фақат харобалари ўрганилмоқда), Ҳамадон, Бағдод ва Миср орқали Ўртаер денгизигача етиб борган. Иккинчиси Бухоро ва Хоразмга йўналган ва Хоразмда иккига бўлинган: бири Оролнинг шарқидан Жанубий Ўрол орқали Саклаб юртига (Россияга) ва Сабар (Сибирь) турклари юртига борган. Хоразмда давом этган иккинчи йўл Манғишлок, Ҳазар (Каспий) денгизи шарқи – шимоли орқали Кавказ, Итил (русчасига Волга), Булғория (Татаристоннинг эски номи), Қрим, Қора денгиз йўли билан Европага борган.

Фарғона водийсида Ипак йўли икки тармоққа бўлинган. Биринчиси Ўзгандан Аҳси, Қамчиқ доғи орқали (ёзда) Илоқ воҳаси ва Тошкентга келган. Иккинчиси жанубий тармоқ бўлиб, Ўзгандан Ўш, Қува, Марғилон, Қўқон орқали Хўжанд, Самарқанд, Бухорога ўтган.

Иккинчиси — Жануби – ғарбий Буюк Ипак йўли — Хўтан, Ёркент, Помир-Тянь-Шань тизмалари орқали ўтиб, Бактриянинг пойтахти Зарияспа (Балх)га борган. Балхда жанубий йўл иккига ажралиб, бири Ҳиндистонга, иккинчиси ғарбга йўналган ва Марвда шимолий йўл билан туташган. Марвдан Буюк Ипак йўли Парфиянинг пойтахти Ниса, Эроннинг Гекатомпил, Апалия ва Экбатана (Ҳамадон) шаҳарлари орқали Месопотамияга чиқиб, у ердан Дамашқгача борган, Қуддус ва Мисрга йуналган.

Асосий карвон йўлларида ташқари ички савдо йўллари ҳам бўлган. Бири Ахсидан Косон орқали Чуст воҳасига ўтган. Яна бири Поп, Заркент орқали кончилар қароргоҳларига ва яйловларга борган. Қурама ва Олой тоғлари қазилма бойликлари ва Зарафшон дарёси бойликлари туфайли бу йўл тармоғини «*Олтин йўл*» деб аташган.

Ўрта Осиё кумушига эҳтиёж сезган мамлакатларга борадиган «*Кумуш йўл*» ҳам бўлган. Бу йўл Хазар хоқонлиги ва Булғор давлати орқали Киев Руси ва Европа мамлакатларига борган. У Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи ҳисобланиб, VI асрдан бошлаб ишга тушган.

3. Буюк Ипак йўлининг аҳамияти. Буюк Ипак йўли – Хитой, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари, кенг маънода эса Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қадимги савдо-сотиқ, тижорат, дипломатик ва маданий-илмий алоқалар йўли. Буюк ипак йўли Шарқу Ғарбни боғловчи, турли мамлакатларнинг савдо-сотиқ, тижорат алоқаларининг энг асосий воситаси бўлганидан, бу йўналишда жойлашган давлатлар ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ёхуд бу борада ўз мавқеини мустаҳкамлашга интиланлар.

Шу боис турли тарихий босқичларда турли давлатлар бунга интилиб, Буюк ипак йўли устидан ўз назоратларини ўрнатганлар. Масалан, мил. авв. VI – IV асрларда Эрон аҳмонийлар, мил. авв. IV асрда эса македониялик Искандар, мил. авв. II – I асрларда Рим-Парфия давлатлари ўртасида бу борада



Буюк Ипак йўлидаги бозор

катта рақобат кетган. Ёхуд Араб халифалиги вужудга келгунга қадар бу йўлнинг Эрон ва Суғдиёна ҳудудларидан ўтган қисмида Эрон ва Суғд савдогарлари етакчилик ролини ўйнаганлар. Араб халифалиги кучайиб, кўплаб ҳудудларни қўлга киритгач, бу йўл араб савдогарлари тасарруфига ўтади. Чингазийлар даврда Буюк ипак йўлининг тасарруфи бутунлай уларнинг қўли остида бўлади. Буюк

соҳибқирон Амир Темур даврига келиб унинг қудратли салтанати вужудга келгач, Буюк ипак йўли сарҳадлари янгидан кенгайиб, катта миқёслар касб этиб, янада ривож топади.

Соҳибқирон Амир Темур Буюк Ипак йўлининг ривожланишида катта роль ўйнаган давлат арбобидир. У савдо йўллари орқали халқаро ҳамкорлик ва интеграцион жараёнларни тезлаштириш, эл ва давлат фаровонлигини

таъминлашни яхши англаб етган. Шунинг учун ҳам Амир Темурнинг геосиёсат йўналишида Буюк ипак йўли масаласи алоҳида аҳамият касб этган. Амир Темур асрлар давомида Мовароуннахр худудларидан ўтган, аммо мўнғуллар даврида йўналишлари бирмунча бузилган Буюк ипак йўлининг анъана ва йўналишларини қайтадан тиклади ва ривожлантирди. Буюк Ипак йўлининг энг сўнгги ривожланиш даври ҳам Амир Темур ва Темурийлар даврига тўғри келади.

Амир Темур Олтин Ўрда билан ҳам, аввало, Буюк Ипак йўли масаласида курашди. Соҳибқирон Буюк Ипак йўлининг иқтисодий ва сиёсий асосларини теран тушуниб, унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлади ва шу орқали ҳар томонлама мустаҳкам халқаро узвий алоқаларни ўрнатди. Соҳибқирон Амир Темур даврида халқаро савдо — сотиқ алоқалари ривожлантирилиб, тадбиркорликка катта имкониятлар яратилди. Амир Темур кўпгина Шарқ ва Ғарб давлатлари раҳбарларига битган мактубларида ҳам, аввало, халқаро савдо- сотиқ ва тадбиркорларга катта имтиёзлар бериш лозимлиги давлат тараққиётига, айнан, хусусий тадбиркорлар катта таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтган. У тадбиркорликка имтиёзлар яратиш ва уни кафолатлаш мақсадида Буюк ипак йўлининг иш фаолиятини бир маромга солиб, ҳар бир бекатга алоҳида нигоҳбонлар тайинланадики, натижада карвонларнинг бир манзилдан иккинчи жойга бехатар етиб бориши таъминланди. Соҳибқирон карвон йўлларида кимда — ким зарар кўрса бундай ҳуқуқбузарликларга жавобгарликни шу худудларнинг ҳокими ва бошқа маъмурларига юклади. Зарарни амалдорлар ҳиссасидан ундириш қондасининг жорий этилиши халқаро савдо йўлидаги ҳуқуқий кафолатлардан бири бўлиб қолди.

Амир Темур ва темурийлар даврида карвон йўлларини таъмирлашга алоҳида эътибор берилди ва шу соҳага тааллуқли ҳуқуқни муҳофаза этувчи бўлинмалар тузилди. Соҳибқирон Буюк Ипак йўлининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш орқали ўз давлати ва кўшни давлатларнинг мудофаа ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадларини амалга оширишга ҳам ҳаракат қилган. Амир Темур ва темурийлар даврида мукаммал божхона тизими яратилган. Бу даврда давлатларнинг туташ минтақаларида йирик божхоналар барпо қилинган. Булардан бири Кавказ тоғ тизмаларининг Каспий денгизига туташган ерида жойлашган. Дарбанд божхонаси, иккинчиси ҳам шу ном билан аталиб, Самарқанд билан Балх ўртасида жойлашган Шаҳрисабздан 2 кунлик масофада барпо этилган. Бу божхоналар Марказий хазинага катта маблағ ўтказган.

Демак, Ипак йўли орқали Амир Темур нафақат мудофаа, тинчлик-барқарорлик, яхши кўшничилик ва савдо — иқтисод алоқаларини ривожлантириш, балки геосиёсий мақсадларини ҳам амалга оширган. Ҳали денгиз йўллари очилмаган даврда ягона алоқа воситаси бўлмиш Буюк Ипак йўли халқаро майдонда катта стратегик кучга эга бўлган ва қайси давлат бу йўлда сарбонлик қилса, у катта иқтисодий ва сиёсий имкониятларга эга

бўлган. Маълумотларга кўра, Буюк Ипак йўлининг иш фаолиятини такомиллаштириш орқали Амир Темур илк бора тизимли почта алоқаларининг ўрнатилишига асос солган.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур салтанатининг у четидан — бу четигача бир болакай бошида бир лаган тилла кўйиб юрган тақдирда ҳам ҳеч ким унга кўз олайтира олмаган. Демак, Буюк Ипак йўли масаласи Амир Темур давлатчилиқ тизимидаги муҳим йўналишлардан бири бўлган. Ипак йўлида ҳам ҳуқуқий асос яратилган. Бу эса бизга «Амир Темур ва темурийлар давлатининг Уйғониш палласига ўтишда ҳуқуқий асослар муҳим омил бўлган» деган хулосага келишимизга туртки беради.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Буюк ипак йўли анъаналарини тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Шунингдек, ЮНЕСКО раҳбарияти билан ҳамкорликда *«Ипак йўли – мулоқот йўли»* мавзусида ўтказилаётган амалий тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, 1987 йили ЮНЕСКО маданий тараққиёт



бўйича БМТнинг умумжаҳон декадаси доирасида «Ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро дастури қабул қилинган эди. Бу дастур Ўрта Осиё халқлари бой маданий тарихларини кенг қамровда тадқиқ этишни назарда тутди. Бирок, унинг асосий мақсади — Шарқ билан Ғарб ўртасида янада мустаҳкамроқ маданий ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш, ушбу буюк қитъаларда яшовчи кўп сонли халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашдан иборат эди. 2000 йилга қадар мўлжалланган ушбу дастур асосида Буюк Ипак йўли бўйлаб биргаликда кўпгина халқаро экспедициялар («Марко Поло изидан», 1987, Истамбул – Пекин; «Денгиз» экспедицияси, 23.10.90. – 23.02.91; Хивада яқунланган «Марказий Осиё республикалари бўйлаб», 1991; «Кўчманчи маданиятлар йўналиши бўйлаб экспедиция», июнь – август, 1992; «Европа ипак йўли», 1995, Истамбул – Леон) уюштирилди, кинофильмлар яратилди, китоблар, брошюралар ва мақолалар чоп этилди, баъзи археологик ва меъморий ёдгорликлар таъмирланди. Шунингдек, кўплаб илмий – амалий халқаро анжуманлар (Самарқанд, 1990; Туркия, Финландия, 1993; Кипр, 1994; Бухоро, 1996; Боку, 1998) ҳам ўтказилди. Баъзи бир Шарқ мамлакатларида (Ҳиндистон, Хитой, Ўзбекистон, Шри Ланка, Япония) Буюк Ипак йўлини ўрганиш бўйича махсус илмий институтлар барпо этилган. Масалан, БМТ ва ЮНЕСКО қарорига кўра, Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти очилган. 1997 йил майда Ўрта Осиёни Эрон билан боғлаган Сарахс – Машҳад транспорт йўлаги участкаси қурилиши тугалланди, бу билан Ўрта Осиё мамлакатлари Форс қўлтиғига, Европа мамлакатлари эса Ўрта

Осиёга чиқиш имконига эга бўлдилар. Илмий ва маданий дастурлардан ташқари Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. Навбатдаги вазифа — Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги транспорт йўлаги участкасини қуришдир. Мана шу режа амалга ошгудек бўлса, Атлантика океанидан тортиб Тинч океанигача бўлган масофада Буюк Ипак йўлининг «транспорт йўлаги» варианты тўла тикланган бўлади.

Ўзбекистонда Буюк Ипак йўлини тиклашга катта эътибор қаратилмоқда. 1995 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистоннинг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро сайёҳликни ривожлантириш борасидаги чора – тадбирлар тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Хуллас, Буюк Ипак йўли дунё халқларига ўн етти аср давомида хизмат қилган. Бу йўл юртимиз тарихида ҳам катта из қолдирган.

6 – мавзу: Ўрта Осиё халқлари ҳаётида IX – XII асрларда юз берган уйғониш (ренессанс) даври. Аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси

Режа:

- 1. Ўрта Осиё моддий ва маънавий маданиятининг юксалиши (ренессанс)ни таъмин этган тарихий шарт – шароитлар.**
- 2. IX – XII асрларда илм – фан равнақи.**
- 3. Бадиий адабиёт ривож.**
- 4. Ислом маданияти ва сўфийлик.**
- 5. Моддий маданият. Бинокорлик ва меъморчилик.**

Таянч сўз ва иборалар: Ренессанс, «Шарқ Уйғониши», «Байт ул – ҳикмат», «Маъмун академияси», илм – фан, Ўрта Осиёнинг буюк алломалари, бадиий адабиёт, ислом маданияти, ҳадисшунослик, тасаввуф таълимоти, бинокорлик, меъморчилик, мақбаралар, миноралар, масжидлар, мадрасалар.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Абдунабиев А. Вклад в мировую цивилизацию. – Т.: 1998.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 101-103; 111-113; 122-123; 133-134; 147-150.
5. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 37-51; 153-162.
6. Буюк сиймолар, алломалар (1 – 2 китоб). – Т.: Мерос, 1995, 1996.
7. Ирисов А. Беруний ва Ҳиндистон. – Т.: Фан, 1963.
8. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Биринчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 91-97.
9. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001.
10. Мустақиллик: Изоҳли илмий – оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2006.
11. Муҳаммад ибн Мусо ал – Хоразмий. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1983.
12. Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Т.: Ўқитувчи, 1967.
13. Тимофеев И.В. Бируни. – М.: 1986.
14. Усмонов Қ., Содиқов М., Обломуродов. Ўзбекистон тарихи. I – қисм. Ўқув қўлланма. – Т.: 2002. – Б.132-151.
15. «Фан ва турмуш». 2006. – № 1-3.
16. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 110-116.
17. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1,2,3 ... – 12 жилдлар.

18. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. Қисқача маълумотнома / Маъсул муҳаррир Н. Иброҳимов. / – Т.: Шарқ, 2005.
19. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1 / Mas’ul muharrir: A. Sagdullayev. – Т.: Sharq, 2010. – В. 220-285.
20. Usmonov Q., Sodiqov M., Burxonova S. O’zbekiston tarixi. – Т.: 2006. – В.71-76
21. http://el.tfi.uz/pdf/uzbktarixi_uzk.pdf

1. Ўрта Осиё моддий ва маънавий маданиятининг юксалиши (ренессанс)ни таъмин этган тарихий шарт – шароитлар. Уйғониш даври, Ренессанс – Ўрта Осиё, Эрон, Хитой (IX – XII ва XV асрлар), Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври. «Ренессанс» (франц, *renaitre* – қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ) атамаси дастлаб Италиядаги маданий – маънавий юксалиш (XIV – XVI асрлар)га нисбатан қўлланилган, уни ўрта асрчилик турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаганлар. Биринчи маротаба «уйғониш» атамасини XVI аср итальян рассоми ва тарихчиси Ж. Вазари ўз асарларида ишлатади. «Уйғониш», «уйғониш даври» атамалари XIV – XVI аср ижтимоий – иқтисодий ривожланиш моҳиятини очиб бермасдан, кўпроқ антик давр меросини, яъни антик маданиятга ўхшаш маданиятни қайтадан «тирилиши», «уйғониши» маъносида ишлатила бошланди. Кейинчалик фанда бу атама кенг қўлланила бошланди.

Ренессанс, яъни Уйғониш фақат Европа ҳодисаси эмас. Дунё маданиятини яхлит олиб ўрганган олимларнинг ишлари шуни кўрсатдики, Осиё марказида жойлашган Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда Италияга қараганда бир неча аср олдин (IX – XII асрлар) улкан маданий кўтарилиш юз берган, илм – фан, фалсафа, адабиёт кучли ривожланиб, илғор инсонпарварлик ғоялари жамият фикрини банд этган, ақлий ва ижодий фаоллик гуркираган. Бу давр дунё илмида «Мусулмон Ренессанси» (А. Мец) ёки «Шарқ Уйғониши» (Н. И. Конрад) номи билан аталиб келинмоқда. Шарқ Уйғониш даврида Европа Уйғониш даврining асосий белгилари мужассам: жўшқин ижодий фаолият, улкан бунёдкорлик ишларининг амалга оширилгани, ақлни ҳайратга солувчи бемисл асарларнинг яратилгани шундан далолат беради. Шарқ Уйғониш даври ҳам улуғ алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирларни етиштирди.

VIII асрда Араб халифалиги ҳозирда Ўрта Осиё деб аталмиш ҳудудни фатҳ этиб бўлган, босиб олинган ерларда ислом дини кенг ёйилиб, ижтимоий – иқтисодий ва маънавий ҳаёт Араб халифалиги тартиб – қоидаларига бутунлай бўйсундирилган эди. Халифалик таркибига киритилган ўлкаларда фақат ислом динигина эмас, балки араб тили ва унинг имлоси ҳам жорий этилди. Чунки, араб тили халифаликнинг давлат тили бўлса, ислом дини унинг мафкураси эди. Шу сабабли бу мамлакатларда араб тилини ўзлаштиришга интилиш кучли бўлган. Исломни қабул қилган аҳолининг араб тили билан мулоқоти, ибодат

вақтларида қуръон сураларини тиловат қилишдан иборат бўлган бўлса, маҳаллий зодагонлар араб тилини халифалик маъмурлари билан яқинлашиш ва мамлакатда ўз сиёсий мавқеларини тиклаб уни мустаҳкамлашнинг гарови деб ҳисоблайдилар. Араб тилига бўлган бундай эҳтиёж ва интилиш туфайли кўп вақт ўтмай Мовароуннаҳрда хатто ўз она тилидан кўра араб тили ва ёзуви ўзлаштириб олган билимдонлар пайдо бўлди. Чегаралари борган сари кенгайиб, улканлашиб борётган халифалик учун илм аҳли сув ва ҳаводек зарур бўлиб қолди. Давлатни бошқаришда халифалик маъмурияти билимдон сиймоларга муҳтож эди. Чунки араблар орасида бу пайтда давлат ишига яроқли бўлган билимдонлар ҳам оз бўлиб, борлари ҳам заиф эди. Бу ҳол ўз навбатида араб тили ва ёзувини Мовароуннаҳрда кенг ёйилишига имконият яратиб берди.

Араб тили ва ислом дини бўйича мукамал билим ва малакага эга бўлганлар араб халифалигининг марказий шаҳарларига бориб ўқишни одат тусига, анъанага айлантirdилар. Дамашк, Қоҳира, Боғдод, Куфа, Басра ва бошқа шунинг сингари катта шаҳарларда Мовароуннаҳр ва Хоразмдан бориб фан, маданият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган аждодларимиз сони борган сайин кўпайиб борди. Хусусан, бу борада Боғдод шаҳри Шарқнинг илм – маърифат маркази сифатида катта аҳамият касб этди. IX асрда бу шаҳарда халифа Ҳорун ар – Рашид ҳукмронлиги даври (786 – 809)да «Байт ул – ҳикмат» («Ҳикмат хонаси»)га асос солиниб, халифа Маъмун ҳукмронлиги даври (813 – 833)да «Байт ул – ҳикмат»нинг фаолияти янада ривож топган, унинг расадхонаси ва катта кутубхонаси бўлган (буюк математик Мусо Хоразмий ва астроном Аҳмад Фарғоний шу ерда ишлаган). Шарқнинг фанлар академияси ҳисобланган **«Байт – ул – Ҳикма»** – ўзбекча асарларда **«Билимдонлар уйи» ёки «Донишмандлар уйи»** деб юритилади. Худди шунга монанд X аср охирида Хоразмда ҳам подшо Маъмун ибн Маъмун даври (995 – 997)да «Донишмандлар уйи» ташкил этилди. 1010 йилда Урганчда ташкил этилган бу **«Байт – ул – Ҳикма» – «Маъмун академияси»** (Хоразм академияси) деб номланади. Абу Райҳон Беруний шу академиянинг раҳбари бўлган (бу академия доирасида Абу Али ибн Сино, файласуф Абу Саҳл Масихий, табиб Абул – Ҳасан Ҳаммор ва бошқалар иш олиб боришган).

Аммо VIII аср охири IX аср бошларида бўйсундирилган халқларни мутлоқ итоатда сақлаб туриш нафақат халифалик маркази маъмурларига, балки ўлкаларга тайинланган ноиб учун ҳам тобора қийинлаша бошлади. Бу даврда халифаликни ларзага келтирган оғир сиёсий вазият аббосийларнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда олиб бораётган сиёсатини ўзгартиришига мажбур этди. Бирин – кетин Ўрта Осиёда Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар давлатлари ташкил топди. Мамлакатда содир бўлган бундай сиёсий ўзгаришлардан сўнг Мовароуннаҳр Хуросондан ажралиб ўз мустақиллигини тиклаб олиш имконига эга бўлди.

IX асрда Сомонийлар давлатининг ташкил топганидан сўнг XII асрга қадар аста – секин Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва

Хоразмшоҳлар давлати вужудга келди. IX – XII асрларда Ўрта Осиёда ушбу мустақил марказлашган давлатларнинг вужудга келиши ижтимоий – иқтисодий ва маданий тараққиётни таъминлади.

Халқаро майдонда катта эътибор ва нуфузга эга бўлган бу давлатлар Ахмад Наср, Исмоил Сомонийлар, Алптакин, Маҳмуд Ғазнавий, Туғрулбек, Султон Санжар Ануштегин, Отсиз, Такаш сингари тадбиркор ва узоқни кўра оладиган давлат арбоблари даврида ҳар томонлама ривожланиб, маданий тараққиётда юксак даражага кўтарилди. Чунки бу ҳукмдорлар даврида мамлакатда давлат ҳокимияти мустаҳкамланди, нисбатан тинчлик-осойишталик ва барқарорлик вужудга келди. Натижада моддий ишлаб чиқариш ривож топди, ҳунармандчилик ва савдо тараққий этди, маданият гуркираб ўсди.

2. IX – XII асрларда илм – фан равнақи. IX – XII асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида моддий ва маънавий ҳаётнинг ривожланишида олдинги даврларга нисбатан кескин юксалиш йиллари бўлди. Бу даврда Мовароуннаҳрда илм – фан юксалди, ҳозирги замон фанининг кўплаб тармоқлари ва йўналишларига чинакам пойдевор яратилди. Хусусан, математика, алгебра, астрономия, тиббиёт, геология, геодезия, география, фалсафа сингари дунёвий фанларнинг тамал тоши том маънода шу даврда қўйилди.

Жаҳон фани ва цивилизациясига ҳисса қўшган буюк алломаларимиз

- ► Муҳаммад Мусо ал – Хоразмий (783 – 850)
- ► Аҳмад ал – Марвозий (780 – 880)
- ► Аҳмад ал – Фарғоний (797 – 865)
- ► Абу Наср Форобий (873 – 950)
- ► Абу Бакр Муҳаммад Наршахий (899 – 959)
- ► Абу Абдуллоҳ ал – Хоразмий (вафоти 997 йил)
- ► Абу Райхон Беруний (973 – 1048)
- ► Абу Бакр ал – Хоразмий (935 – 993)
- ► Абу Али ибн Сино (980 – 1037)
- ► Маҳмуд аз – Замахшарий (1075 – 1149)
- ► Бурҳониддин Марғиноний (1123 – 1197)

Муҳаммад ибн Мусо ал – Хоразмий (783, Хива – 850, Бағдод)



Хоразмий, Абу Жаъфар (Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Мусо ал – Хоразмий – ўртаосиёлик буюк математик, астроном, географ, фан тарихидаги илк қомусий олимлардан. Дастлабки маълумотни Хива шаҳрида олган ва етук олим бўлиб шаклланган. Бунда араб истилосидан сўнг муайян даражада сақланиб қолган қадимги Хоразм фани анъаналари асосий роль ўйнаган.

Халифа Ҳорун ар – Рашиднинг ўғли ва унинг Хуросондаги волийси ал – Маъмун хузурига – Марвга таклиф этилган. 819 йилда Бағдодни эгаллаган ал – Маъмун туркистонлик олимлардан Муҳаммад ибн Мусо ал – Хоразмий, Аҳмад ал – Фарғоний, Ҳабаш ал – Ҳосиб Марвазий, Абул Аббос Жавҳарий ва бошқаларни ўзи билан олиб кетиб, ўзига хос илмий жамоа ташкил этган. Бу жамоа фан тарихидаги дастлабки росмана академия деб қараладиган илмий муассаса – «**Байт ул – ҳикмат**» («Донишмандлик уйи») нинг ўзагини ташкил этган. Бу академияда ал – Хоразмий етакчи олим ва илмий раҳбар бўлган. У шу даврдан бошлаб Бағдодда ал – Маъмун (813 – 833), сўнг ал – Мўътасим (833 – 842), ал – Восиқ (842 – 847) халифалиги даврларида яшаб ижод этган.

Хоразмий қаламига мансуб 20 дан ортиқ асарларнинг фақат 10 таси бизгача етиб келган. Булар «Ал–жабр ва ал–муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» – алгебраик асар, «Ҳисоб ал–Ҳинд» («Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб») ёки «Кўшиш ва айириш ҳақида китоб» – **арифметик асар**, «Китоб сурат–ул–арз» («Ер сурати ҳақида китоб») – географияга оид асар. **Астрономияга оид асарлари:** «Зиж» («Астрономик жадвал»), «Китаб ал–Амал Бил Устурлабат» («Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб»), «Қуёш соати ҳақида рисола». **Тарихга доир асарлари:** «Китоб ат–таърих» («Тарих китоби»), «Яхудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола».

Хоразмийнинг алгебраик рисоласининг тўлиқ номи – «Ал–китоб ал–мухтасар фи ҳисоб ал–жабр ва ал– муқобала». Рисоланинг номидаги «ал – жабр» ва «ал–муқобала» сўзлари «тўлдириш» ва «рўпара қўйиш» – ўрта аср алгебрасининг иккита асосий амалини англатади. «**Алжабр**» сўзи лотинча транскрипцияда «алгебра» бўлиб, Хоразмий асос солган янги фаннинг номи бўлиб қолди. Хоразмий номи эса математика фанида «алгоритм» атамаси шаклида ўз ифодасини топди.



Мусо ал-Хоразмийнинг «Алгебра» кўлэмасининг
1-саҳифаси (Оксфорд, Буюк Британия)



Хоразмий ҳайкали. Хива шаҳри

Бугун умумбашарий маданиятнинг энг оддий унсурига айланиб кетган сонларни ўнли санок системасида ёзиш ва улар устида арифметик амалларни бажариш қоидалари ал – Хоразмийнинг «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб» асари туфайли жорий бўлган.

Ал – Хоразмий «Зиж»и ўрта асрлар фанидаги астрономияга оид дастлабки асар бўлиб, 37 бобдан иборат ва 116 та жадвални ўз ичига олади. «Зиж»да биринчи марта тангенс функцияси киритилган. Ал – Хоразмий «Зиж»и назарий астрономия ва астрономик жадваллардан иборат бўлиб, арабча қўлёзмалари сақланмаган, Маслама ал – Мажритий (X аср) томонидан қайта ишланган вариантнинг лотинчага ва яхудийчага таржималари етиб келган.

Ал – Хоразмий «Китоб сурат–ул–арз» («Ер сурати ҳақида китоб») асарида географияни иқлимлар назариясига тўла риоя этган ҳолда биринчи марта баён қилади. У ернинг маъмур, яъни инсонлар яшайдиган обод қисмини етти иқлимга ажратади. Хоразмий қадимги юнон олими Птолемейдан (иқлимларнинг сонини 8 бўлган) фарқли ўларок, минтақалар, мамлакатлар ва улардаги географик жойларни эмас, балки 1 иқлимдан то 7 иқлимгача жойлашган жойларни тавсиф этади.


Ал – Хоразмийнинг «Китоб ат – тарих» асарида Муҳаммад (ас) ҳаёти билан боғлиқ саналар, ислом тарихидаги муҳорабалар, Қуёш тугилишлари, 713 йил 10 мартда Антиохия шаҳарда юз берган дахшатли zilзила, халифаликдаги сиёсий ҳодисалар қайд этилган. Афсуски, бу асар бизгача етиб келмаган.

Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал – Марвазий (тах. 780 – 880)

Аҳмад ал – Марвазий – Бағдод илмий мактабида фаолият кўрсатган йирик астроном ва математик олим бўлиб, у «Ҳабаш ал – Ҳосиб» («Ҳабаш ҳисобчи») лақаби билан танилган. Унинг исмидаги ал – Марвазий рутбаси эса муаллифни ҳозирги Туркманистоннинг Байрам Али шаҳри яқинидаги Марвдан эканлигини кўрсатади. Олимнинг исми ва баъзи асарлари ўрта аср муаллифларидан Ибн ан – Надим (X аср), Ибн ал – Қифтий (1173 – 1248) ва Ҳожи Халифалар (1609 – 1657) томонидан зикр этилади. Жумладан, Ибн ан – Надим уни юз йилдан ортиқ яшаган, деб маълумот бериб, Марвазийнинг еттита китобининг номини санаб ўтаган. Ибн ал – Қифтий эса унинг асли марвлик бўлиб, халифа ал – Маъмун ва ал – Муътасим замонида Бағдодда фаолият кўрсатганлигини айтади. Олимнинг яшаган умрини Ибн ал – Қифтий

юз йиллар атрофида, деб хабар беради. Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, Аҳмад ал – Марвазий узок умр кўрган. Фан тарихига оид библиографик китоблардан бу олимни 770 – 870 йиллар мобайнида яшаб ўтган деб тахмин қилинади. Аҳмад ал – Марвазий «Зиж» («Астрономик жадваллари») деб аталадиган «Дамашқ зиж» («аз–Зиж ал–маъруф би–д–Димашкий»), «Зиж» (бу зиж Бағдод шаҳри учун тузилган) ва «ал – Маъмуннинг текширилган зиж» («аз–Зиж ал–Маъмуний ал–мумтахан») асарларининг муаллифидир.

Ибн ал–Қифтий ал–Марвазий «Шоҳ учун зиж» («аз–Зиж ал–Шаҳий») номли яна бир кичик ҳажмдаги рисоланинг ҳам муаллифи, деб кўрсатган. Лекин бу рисола юқоридаги зикр этилган «зиж»ларнинг бирортаси бўлиши мумкин. «Дамашқ зиж» ҳозирда Истамбулда сақланмоқда.



Аҳмад ал – Фарғоний
(тахм. 797, Фарғона – 865, Миср)

Аҳмад ал – Фарғоний (тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал – Фарғоний) – астрономия, математика, география ва бошқа илмий йўналишларда фаолият кўрсатган ўзбек комусий олими. Ал – Фарғоний Фарғона водийсининг Қубо (Кува) қишлоғида туғилган. Шарқда Ал – Фарғоний, Европада Alfraganus (Алфраганус) тахаллуслари билан машҳур. Унинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида жуда оз маълумотлар етиб келган. Аҳмад ал – Фарғоний ҳаёти, илмий изланишлари ва камолоти Аббосийлар сулоласи ҳукм сурган, Араб халифалиги жаҳоннинг энг йирик салтанатларидан бирига айланиб, унинг ижтимоий – сиёсий ва маданий ҳаётида Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросондан келган кўплаб мутафаккирлар муҳим ўринга эга бўла бошлаган тарихий даврда кечди.

Аҳмад ал – Фарғоний Халифа Хорун ар–Рашид (786 – 809) ворислари ал–Маъмун (813 – 833), Муътасим (833 – 842) ва Мутаваккил (846 – 861) ҳукмронлик қилган даврда яшади ҳамда аввал Марв, сўнгра Бағдод, Дамашқ ва Қоҳира шаҳарларида илми ҳайъат (фалакиётшунослик – астрономия), риёзиёт (математика) ва жуғрофия (география) фанлари билан шуғулланди ҳамда қатор илмий ва амалий асарлар ёзиб қолдирди.

Аҳмад Фарғонийнинг ижодий фаолияти Бағдодда улуғ мутаффакир олим Ал – Хоразмий раҳбарлигидаги «Байт–ул–Ҳикма» билан боғлиқдир. У араб атамашунослигини пайдо бўлиши ва илмий тараққиётга муносиб ҳисса қўшган. Бағдод ва Дамашқда расадхоналар қурилишида шахсан қатнашди. Абу Райҳон Бериунийнинг берган маълумотларига кўра, ал–Фарғонийнинг Сурия шимолида, Синжор саҳросида 832 – 833 йиллар Тадмур ва ар–Раққа оралиғида ер меридиани бир даражасининг узунлигини ўлчашда иштирок этган.

Аҳмад ал – Фарғонийнинг ҳаёти ва илмий ҳамда амалий фаолияти тўғрисидаги энг сўнгги маълумот 861 йилга мансубдир. Ўша йили Аббосий халифа Абул Фазл Жаъфар ал – Мутаваккил (хукмронлик йиллари 847 – 861) буйруғига биноан Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчайдиган иншоот барпо этиш учун Мисрнинг Қоҳира яқинидаги Фустат шаҳрига келади. Илмий – техник ва меъморий жиҳатдан ғоят улуғвор бу қурилма Нил дарёсининг **Сайёлат ул–Род мавзесида** ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Ҳозирги кунда ал–Фарғонийнинг 7 асари маълум бўлиб, уларнинг ҳаммаси астрономияга алоқадор ва бирортаси ҳозирги замон тилларига таржима қилинмаган. Улар қуйидагилардир:

➤ Унинг асосий астрономик асари – «Китоб ал–ҳаракот ас–самовийа ва жавомийъ илм ан–нужум» («Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби»). Одатда бу асарни «Астрономия асослари ҳақида китоб» номи билан ҳам аташади – қўлёзмалари дунё кутубхоналарининг деярли барчасида бор. Ушбу асар 1145 ва 1175 йилларда Европада латин тилига таржима этилади. Шундан сўнг Аҳмад ал–Фарғоний номи латинлаштирилиб, «Алфраганус» шаклида Ғарбда шуҳрат топади.

➤ Ал – Фарғонийнинг «Астурлоб яшаш ҳақида китоб» – қўлёзмалари Берлин, Лондон, Машҳад, Париж ва Техрон кутубхоналарида сақланади.

➤ «Астурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб» – биргина қўлёзмаси Рампурда (Ҳиндистон) сақланади.

➤ «Ал – Фарғоний жадваллари» – қўлёзмаси Патнада (Ҳиндистон) сақланади.

➤ «Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола» – қўлёзмалари Гота ва Қоҳирада сақланади.


➤ «Қуёш соатини яшаш ҳақида китоб» – қўлёзмалари Ҳалаб ва Қоҳирада сақланади.

➤ «Ал – Хоразмий «Зиж»ининг назарий қарашларини асослаш» асари Беруний томонидан эслатилади, лекин қўлёзмаси топилмаган.

1998 йил Ўзбекистан Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Аҳмад ал – Фарғонийнинг 1200 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Фарғона шаҳрида Аҳмад ал – Фарғоний номи билан аталадиган истироҳат боғи ва қадимги Қува шаҳрида Аҳмад ал – Фарғоний ҳайкали ўрнатилди. ЮНЕСКО нинг 1998 йилдаги тадбирлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳмад ал – Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори (1997 йил 27 ноябрь)га кўра аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий анжуманлар бадиий, кўргазмалар ўтказилди, янги китоблар нашр этилди, спектакллар сахналаштирилди, фильмлар суратга олинди.



Аҳмад Фарғоний
хайкали. Фарғона



Абу Наср Форобий (873, Фороб ш. – 950, Дамашк)

Форобий (тахаллуси; тўлиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий) – Ўрта Осиёнинг улуғ мутафаккири ва қомусий олими. Юнон фалсафасини чуқур билгани, унга шарҳлар битганлиги ва жаҳонга тарғиб қилгани ҳамда замонасининг илмларини пухта ўзлаштириб, фанлар ривожига улкан ҳисса қўшгани учун «Ал – Муаллим ас – соний» («Иккинчи муаллим», Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастуси» номларига сазовор бўлди. Форобий Сирдарё соҳилидаги Фороб (Ўтрор) деган жойда туркий қабилага мансуб ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топади. Ўша даврда Мовароуннаҳрда сомонийлар сулоласи ҳукмронлик қилаётган эди. Бўлажак файласуф бошланғич билимини Ўтрорда олгандан сўнг, ўқишини Тошкент, Самарканд ва Бухорода давом эттирди. Форобий илмини янада чуқурлаштириш мақсадида Бағдодга йўл олади. Олим йўл – йўлакай Эроннинг йирик шаҳарлари Рай, Ҳамадон, Исфаҳон ва бошқа жойларда бўлади. Бағдодда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидан келган талаба ва олимлар тўпланган эди. Бу ерда кўзга кўринган олиму фузалолар билан танишди, юнон фалсафий мактаби, турли фан соҳалари намояндалари билан учрашиб, улардан илм сирларини ўрганди. Мас, Абу Башар Матта ибн Юнусдан (870 – 940) юнон тили ва фалсафасини, Юҳанна ибн Ҳийлондан (860 – 920) эса тиббиёт ва мантиқ илмини ўрганди. Баъзи тарихий манбаларда келтирилишича, Форобий 70 дан ортиқ тилни билган.

Тахминан 941 йилдан бошлаб Форобий Дамашқда яшаган. Шаҳар чеккасидаги боғда қоровул бўлиб, камтарона кун кечириб, илм билан шуғулланган. Сўнгги йиллар у Ҳалаб (Алеппо) ҳокими Сайфуд – давла Ҳамдамид (943 – 967) илтифотига сазовор бўлди. Тадқиқотчилар унинг Ҳалабдаги ҳаётини энг самарали давр ҳисоблайдилар. Чунки бу ҳоким хурфикрлиги, илм – фанга эътибор берганлиги билан ажралиб турган. У Форобийни саройга таклиф этади, лекин Форобий бунга кўнмайди, оддий ҳаёт кечиришни афзал кўради.

Форобий 949 – 950 йилларда Мисрда, сўнг Дамашқда яшаб, шу ерда вафот этган ва «Боб ас – сағир» қабристонига дафн қилинган дейилади.

Мавжуд маълумотларга қараганда, Форобий 160 дан ортиқ асар ёзган. Лекин уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Форобийнинг асосий асарлари: «Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Энциклопедиядан мантиқ бўлимининг бир қисми», «Талиқот» (шарҳлар), «Инсон аъзолари ҳақида рисола», «Бўшлиқ ҳақида мақола», «Донолик асослари», «Фалсафанинг маъноси ва келиб чиқиши», «Ҳайвон аъзолари, функцияси ва потенцияси»,

«Мантиқ тўғрисидаги рисолага муқаддима», «Мантиқ илмига кириш», «Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида», «Муסיқа ҳақида катта китоб», «Бахт – саодатга эришув ҳақида», «Масалалар моҳияти», «Буюк кишиларнинг нақллари», «Ихсо ал – улум», «Ҳикмат маънолари», «Ақл тўғрисида», «Илмлар ва санъатлар фазилати», «Қонунлар ҳақида китоб», «Субстанция ҳақида сўз», «Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида», «Шеър ва қофиялар ҳақида сўз», «Риторика ҳақида китоб», «Ҳажм ва миқдор ҳақида сўз», «Муסיқа ҳақида сўз», «Физика усуллари ҳақида китоб», «Фазилатли хулқлар», «Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари», «Жисмлар ва акциденцияларнинг ибтидоси ҳақида», «Аристотель «Метафизика» китобининг мақсади тўғрисида» ва бошқалар.

Фаробий асрлари XX асрнинг 70 – 80 – йилларида Тошкент ва Олмаотада «Фалсафий рисоалар», «Мантиқий рисоалар», «Математик рисоалар», «Ижтимоий – ахлоқий рисоалар», «Тадқиқотлар ва таржималар» номлари остида рус тилида нашр этилган.

Абу Бакр Муҳаммад Наршахий (899 – 959)

Наршахий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закарийя ал – Хаттоб ибн Шарик ан – Наршахий – тарихчи олим. Бухоронинг (ҳозирги Вобкент туманида) Наршах қишлоғида туғилган. Таржимаи ҳолига оид маълумотлар кам. Сомонийлар саройида котиблик қилган. Наршахий 943 – 944 йилларда «Бухоро тарихи» номли асарини араб тилида ёзиб, уни сомонийлар амири Нух ибн Наср (хукмронлик даври: 943 – 954)га бағишлаган. Асар қўлёзма нусхаларда ва ҳозирги замон илмий тарихий адабиётларда «Тарихи Наршахий», «Таҳқиқ ул–Вилоят» («Вилоят ҳақиқатини аниқлаш»), «Ахбори Бухоро» («Бухоро ҳақида хабарлар») каби номлар билан аталиб келинган. Асарнинг турли номлар билан аталишига ҳам сабаблар бор. Бу асарнинг Наршахий томонидан ёзилган дастлабки асл нусхаси сақланиб қолмаган. Унинг бизгача етиб келган қисми 1128 йилда Қува шаҳридан бўлган Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал – Кубовий араб тилидан форс тилига қисқартириб таржима қилган нусхасидир. Ундан кейинги йилларда ҳам Наршахийнинг асари бир неча таҳрирларга учраган, баъзи матнлари қисқартирилган ва сўнгги воқеалар асосида тўлдирилган. Абу Наср Аҳмад Кубавий асар матнини қисқартириш билан чегараланмай, балки Табарий, Абу Ҳасан Нишопурийнинг «Ҳазоик ул – улум», Иброҳимнинг «Ахбар–и Муқанна» каби асарларидан фойдаланиб, уни тўлдиради. Ана шу тариқа, Бухоро тарихига Наршахий яшаб ўтган даврдан кейинги, 1178 – 1179 йиллардан 1220 йилларга қадар бўлиб ўтган тарихий воқеалар кириб қолган.

«Бухоро тарихи» асари ўзининг илмий аҳамиятини йўқотмаган ва ҳозирги кунда Сомонийлар даври тарихи бўйича энг ноёб, қимматли асар ҳисобланади. Асарда Сомонийлар давлатининг сиёсий, иқтисодий, маданий,

ижтимоий ҳаётига оид маълумотлар келтирилган. Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолисининг араб босқинчиларига қарши Муқанна бошчилигидаги кўзғолони билан боғлиқ бўлган маълумотлар ҳам бу асарда маълум даражада ўз ифодасини топган. Наршахий сарой тарихчиси бўлганлиги сабабли ҳукмрон табақа сиёсатини ёқлаб, халқнинг ҳокимиятга чиқишини қоралаган.

Абу Абдуллоҳ ал – Хоразмий (Вафоти 997)

Хоразмий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал – Хоразмий (X аср) – тарихчи. Балхда туғилган, сомонийлар амири Нух ибн Мансур саройида хизмат қилган. Унинг машҳурлиги вазир Абул Ҳасан ал–Утбий ҳузурида котиб бўлиб хизмат қилган даврида чўққисига чиққан. Шу вазифаси туфайли у «ал–китоб ал–Хоразмий» номи билан ҳам танилган. Сомонийлар вазири Утбийга атаб қомусий асар «Мафотих ал–улум» («Илмлар калити») номли асар ёзган. Асарда араб тилида кўп ишлатиладиган атамаларнинг изоҳлари берилган. Атамалар фанлар бўйича алоҳида – алоҳида бўлим (15 бўлим) қилиб берилган. Айниқса, маъмурий масалаларга (иш юритиш, солиқлар тартиби масалалари, сувдан фойдаланиш, шунингдек, об – ҳаво) оид бўлимлари муҳим тарихий аҳамиятга эга.



Абу Райҳон Беруний (973.4.9. қадимги Кот (Кат) шаҳри – 1048.11.12. Ғазна (ҳозирги Афғонистонда)

Беруний, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад – улуг ўзбек мутафаккир олими, ўрта асрнинг буюк даҳоларидан. Ўз замонасининг ҳамма фанларини, биринчи навбатда фалакиёт (астрономия), физика, риёзиёт (математика), илоҳиёт, маъданшунослик фанларини пухта эгаллаган. У Урганч шаҳридан 120 км наридаги қадимги жанубий Хоразмнинг пойтахти Кот (ҳозирги Беруний) шаҳри яқинида туғилган. Унинг насл – насабида «берун» сўзи «ташқи шаҳар», «Беруний» эса «ташқи шаҳарда яшовчи киши» маъносини билдиради.

Берунийнинг илм – фанга қизиқиши ёшлигиданоқ кучли бўлган. Машҳур олим Абу Наср ибн Ироқ Мансур қўлида таълим олади. Ибн Ироқ фалакиёт ва риёзиётга оид бир қанча асарлар ёзиб, шулардан 12 тасини Берунийга бағишлайди. Беруний она тилидан ташқари яна бир қанча тилларни: араб, сўғдий, форс, сурёний, юнон ва қадимги яҳудий тилларини, кейинчалик Ҳиндистонда санскрит тилини ўрганади.

Ўз илмий асарларидан бирида ёзишича, у Хоразмда яшаган даврида, 990 йиллардан бошлаб Кот шаҳрида муҳим астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро этган. Абу Райҳон Беруний 17 ёшлигиданоқ Котда мустақил астрономик кузатишлар олиб борди. Ўшанда у Котнинг географик кенглигини ўлчади. 994 йили, 21 ёшлигида, эклиптика текислигини экваторга қанчалик қиялигини ўлчаб берди, дунёда биринчи бўлиб глобусни ихтиро қилди. Бироқ Хоразм зодагонлари орасида тахт учун бошланган курашлар олимнинг бу илмий ишларини давом эттиришга имкон бермаганлиги боис, 22 ёшида ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди ва бир қанча вақт Каспий денгизининг жануби – шарқий соҳилидаги Журжон шаҳрида муҳожирликда яшади. Сўнг қадимги Рай шаҳрига борди, 998 йилдан кейин яна Журжонга келди ва бу ерда ўзининг иккинчи устози табиб, астроном, файласуф Абу Саҳл Исо ал – Масихий билан танишиб, ундан таълим олди. Ўша вақтда Каспий олди вилоятларида зиёрийлар сулоласи (928 – 1042) ҳукмронлик қилган; бу сулоланинг вакили Қобус ибн Вашмгир (1012 йил ўлдирилган) ёш олимни ўз ҳимоясига олади. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, Қобус ибн Вашмгир Берунийга вазирлик лавозимини таклиф қилган, лекин олим бунга рози бўлмаган.

Беруний *«Ал-осор ал боқия ан ал-қурун ал-ҳолия»* («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарини Журжонда муҳожирлик даврида ёза бошлаган ва 1000-йилда тамомлаган. Бундан ташқари Беруний Журжонда астрономия, нетрология тарихига оид 10 дан ортиқ асар ёзди. Беруний 1005 йилларда Хоразмга қайтади ва сўнгроқ уни янги ҳукмдор Али Аббос Маъмун II саройга яқинлаштиради. Ўша даврда Урганчда Хоразмшоҳ саройида кўп машҳур олимлар тўпланиб, фаннинг турли соҳаларида илмий ишлар олиб борадилар. «Маъмун академияси» деб номланадиган бу анжуманнинг фаолиятида Беруний муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, у шоҳ Маъмун II нинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакат сиёсий ишларида ҳам фаол қатнашади.

Берунийнинг Ибн Сино билан ёзишмалари ҳам унинг Хоразмда турган даврида бўлган. Уларнинг савол – жавобларидан ва Берунийнинг Ибн Синога ёзган эътирозларидан бизгача фақат 18 таси етиб келган. Бу ёзишмалар унинг табиат фалсафаси ва физика масалалари билан ҳам қизиққанини кўрсатади. Бу савол – жавобларда икки машҳур олим фазо, иссиқликнинг тарқалиши, жисмларнинг иссиқдан кенгайиши, нурнинг акс этиши ва синиши каби масалаларда илмий мунозара олиб борган. 1016 йил Хоразмда Абу Райҳон Беруний биринчи бўлиб Шарқ оламида дастлабки илмий глобусини ясаган (П.Г. Булгаков уни 995 йилда ясалган деб ёзган), у фақат Шимолий ярим шардан иборат энг биринчи бўртма (рельефли) глобус бўлиб, аҳоли яшайдиган жойлар аниқ кўрсатилган.

Хоразм Маҳмуд Ғазнавий томонидан (1017) босиб олингач, Беруний Хоразмшоҳ саройидаги бошқа бир қанча олимлар билан биргаликда Ғазна

шаҳрига олиб кетилди. Берунийнинг Ғазнадаги даври унинг илмий фаолияти учун энг маҳсулдор давр бўлди.

Берунийнинг «*Хоразмнинг машҳур кишилари*» асари ҳам шу даврда яратилган. Унинг геодезияга оид муҳим асари «*Тахдид ниҳоёт ил – амокин ли тасҳиҳ масофот ил – масокин*» («Тураб жойлар (орасидаги) масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш») 1025 йил 18 ноябрда ёзиб тугатилган. Бу асарнинг бирдан – бир қўлёзмаси Истанбулда, биринчи марта рус тилига шу қўлёзмадан «Геодезия» номи билан таржима қилинди (Тошкент, 1966). «Геодезия» Берунийнинг дунёқарашини белгилашда бой манбалардан бири бўлиб ҳисобланади.

«*Мунажжимлик санъатидан бошлангич тушунчалар*» асари ҳам 1029 йил Ғазнада ёзилган. Асарнинг форсча ва арабча нусхалари бизгача етиб келган. Унда ўша замон астрономияси билан боғлиқ бўлган бир қанча фанлар ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Берунийнинг машҳур «*Ҳиндистон*» асари – «*Таҳқиқ молил – Ҳинд мин маъқула макбула фил – ақл ав марзула*» («Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби») 1030 йилда ёзилган.

У амалий астрономия масалалари устида ҳам жуда кўп шуғулланар эди. Беруний 1029 та юлдузнинг координаталари ва юлдуз катталиклари қайд этилган юлдузлар жадвалини тузган. Берунийнинг астрономияга оид «*Ал – Қонун ал – Масъудий*» («Масъуд қонуни») асарини султон Масъудга бағишлади. Китобнинг қачон ёзиб тугатилгани аниқ эмас. Бу асар Берунийнинг фалакиётга доир энг муҳим асаридир. Ўрта аср олимлари бу асарни жуда юксак баҳолаганлар. Шундан кейин у яна иккита муҳим китобини ёзган.

Булардан бири «*Минералогия*», яъни «*Китоб ал – жамоҳир фи маърифат ал – жавоҳир*» («Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами»)дир. Асарда қимматбаҳо тошлар ҳақида назарий маълумотлар бўлиб, уларни ишлаш усуллари ва улар билан қандай савдо қилиш каби жуда кўп амалий масалаларни ҳам ёритиб берилган. Бу рисола ўз замонаси учун Марказий Осиё ва Яқин Шарқ, Европада минералогия соҳасидаги энг яхши асар ҳисобланган.

Унинг охириги асари – «*Китоб сайдана фи-т-тибб*» («Доривор ўсимликлар ҳақида китоб») нинг қўлёзмаси XX асрнинг 30 – йилларида Туркияда топилди. Асар «Сайдана» номи билан машҳур, унда Шарқ, айниқса Марказий Осиёда ўсадиган доривор ўсимликларнинг тўла тавсифи берилган.


Беруний фаннинг ҳамма соҳаларида самарали ижод қилган эди. Унинг илмий мероси жуда кенг ва ранг – баранг. Берунийнинг илмий иш соҳасидаги



Берунийнинг «Ал-Қонун ал-Масъудий» («Масъуд қонуни») асаридаги қўзғалмас юлдузлар координаталари

зўр қобилияти унинг кўпчилик замондошлари ва кейинги олимлар томонидан эътироф этилган. 1035 – 1036 йилларда Беруний ўз илмий ишларининг рўйхатини тузади. Бунда шу вақтгача ёзган китоб ва рисолалари 113 тага етгани кўрсатилган. Кейинги ёзган асарларини ҳам қўшсак, у қолдирган илмий мерос 152 китоб ва рисоладан иборат. Унинг асарлари мавзу жиҳатдан турли – туман. Кўпчилик асарлари ўз замонасида ўзига хос бир энциклопедия ҳисобланган. Асарларининг 70 таси фалакиёт, 20 таси риёзиёт, 12 таси география ва геодезия, 3 таси маъданшунослик, 4 таси харитаграфия, 3 таси иқлимшунослик, бири физика, бири доришунослик, 15 таси тарих ва элшунослик, 4 таси фалсафа, 18 таси адабиёт ва бошқа фанларга оиддир. Беруний турли тиллардан бир қанча илмий ва адабий асарларни таржима ҳам қилган. Афсуски, ҳозирча олимнинг фақат 28 асаригина маълум. Қолганлари бизгача етиб келмаган ёки ҳали топилганича йўқ. Берунийнинг ўша вақтда унча маълум бўлмаган шимолий ўлкалар, Болтиқ ва Оқ денгиз ҳақидаги маълумотлари, Сибирнинг «бизда ёз бўлганда, у ерда қиш бўладиган» жойлари ҳақида хабарлари айниқса қизиқарли. Беруний Хитой ва Тибетга туташ ўлкаларни ҳам ўзидан олдинги олимларга нисбатан тўла ва аниқ тасвирлаган. Птолемейга қарама – қарши Атлантика ва Ҳинд океанларининг жанубий томони бир – бирига туташганлигини исботлаб берган. У Осиё ва Африка қитъалари орасида бир вақтлар бўғоз бўлган ва Ер шарининг жанубий томони қуруқлик бўлган деб тахмин қилади. У қолдирган ноёб маълумотлар шарқ географик адабиётида муҳим роль ўйнаган.

Тарихда Америка қитъасини 1492 йил октябрь ойида денгиз сайёҳи Христофор Колумб кашф этганлиги қайд қилинган. Аммо бу борада Берунийнинг илмий фарази мавжудлиги ҳам маълум. Олим ўзининг «Ҳиндистон» асарида ер юзасининг тузилиши, денгиз ва қуруқлик тўғрисида гапириб, «...Ернинг чораги маъмурадир. Маъмурани ғарб ва шарқ томондан Мухит океани (Атлантика ва Тинч океан) ўраб турибди. Бу Мухит океани,



Абу Райхон Берунийнинг Дунё харитаси. «Юлдузлар илми» асари қўлёзмасидан

ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган ороллардан иккала ёқдан (ғарбдан ва шарқдан) ажратиб туради...» деб ёзган. Шундай фикрни «Ал – Қонун ал – Масъудий» асарида ҳам уқтиради. Демак, ғарбий ярим шарда яхлит бир қуруқликнинг, кейинчалик Америка деб номланган қитъанинг мавжудлигини Беруний европалик олимлардан 450 йилча олдин тахмин қилиб, ўз асарларида бир неча бор ёзган. Берунийнинг ғарбий ярим шарда катта қуруқлик борлиги тўғрисидаги фикри XV – XVI асрларда ўз тасдиғини топди.

Беруний ижтимоий назариялар соҳасида ҳам самарали ижод этди, бу соҳалар ривожига ҳисса қўшди. Беруний ўзининг «Китоб фи ахборот ил–мубаййизот вал– қаромита» («Оқ кийимликлар ва қарматийлар хабарлари ҳақида китоб») асарини Ўрта Осиёда ўша даврда энг илғор ижтимоий ҳаракатлардан бири бўлган қарматийларга бағишлаган. Унинг ижтимоий соҳада «Китоб ул–мақолот вал–арз вад–диёнот» («Мақолалар, эътиқодлар ва динлар ҳақида китоб») асари ҳам бўлган. Бироқ бу асар бизгача етиб келмаган.

Берунийнинг тарих соҳасида қуйидаги асарлари ҳам маълум бўлиб, аммо бу асарлари ҳам бизгача етиб келмаган:

- «Китоб фи ахбори Хоразм» («Хоразм хабарлари ҳақида китоб») асари.
- «Китоб тарихи айём ас–Султон Маҳмуд ва ахбори абиҳи» («Султон Маҳмуд даври тарихининг китоби ва отаси ҳақидаги хабарлар») номли асари.

Абу Бакр ал – Хоразмий (935 – 993)

Абу Бакр ал – Хоразмий 323 ҳижрий (935 милодий) йили Хоразмда туғилиб, илк таълимни шу ерда олади. Умрининг гуллаган даврида (20 – 25 ёшларида) ватандан чиқиб, Ироқ ва Шомга боради, етук олим ва шоирлар билан танишиб, улардан таълим олади. Кейин Ҳалабга бориб, машҳур Ҳамдамийлар амири, шоир ва олимлар ҳомийси Абулҳасан Сайфуддавла (944 – 967) билан танишиб, унинг саройида хизмат қилиб, сўнг Бухорога келади. Сомонийлар саройида яшаб, вазир Абу Али ал – Балъамий (960 – 974 ва 992 – 996) билан дўстлашади, лекин у билан муносабати ёмонлашиб, Нишопурга йўл олади. Бу ердаги таниқли шоирлар Абулҳасан ал – Казвиний, Абу Мансур ал – Бағавий ва Абулҳасан ал – Ҳакамийлар билан дўстлашиб, уларнинг шоирлик маҳоратидан баҳраманд бўлади.

Умуман Хоразмийнинг умри фожиалар ва роҳатбахш этувчи онларга тўла. У турли шаҳарларда бўлиб, камокда ҳам ётиб чиқади, амирларнинг эътиборига тушиб бойлик ҳам орттиради, амалдорларнинг ғазабига учрайди ва ҳ.к. Абу Бакр ал – Хоразмий Нишопурга келиб, бу ерда муқим яшай бошлайди. Талабаларга сабоқ беради, шеър ёзишни ўргатади, нишопурлик машҳур адиб, шоир ва олимлар, шулар қатори ас – Саолибий билан дўстлашиб, уларнинг мажлисларида иштирок этади. Яна Сомонийлар вазири ал – Утбий сиқувидан қутилиш учун қочишга мажбур бўлади. Шоир бир неча вақтдан сўнг яна Нишопурга қайтади, умрининг охирида яккаланиб қолади ва

ҳаётининг кейинги даври оғир мусибатлэр билан ўтади. У ҳижрий 383 (милодий 993) йили Нишопурда вафот этади.

Абу Бакр ал – Хоразмийнинг адабий меросидан араб тилидаги катта девони ва «Рисолалари» бизгача етиб келган. Абу Бакр ал – Хоразмий «Рисолалари» X аср насрий адабиётининг машҳур ёдгорлиги ҳисобланади. Тил ва услуб жиҳатдан ниҳоятда пухта ишланган бу асар сажъ (қофияли наср) билан ёзилган бўлиб, шоир замонасидаги машҳур кишилар: амир, вазир, лашкарбоши, қози, амалдор, фақиҳларга, адиб ва тилшунос олимларга, яъни ал – Хоразмийнинг дўстлари ва ҳомийларига ёзилган хатлардир.

Рисолалар мазмуни турли байрамлар, юқори мартабага кўтарилиш ва бирор муваффақиятни кўлга киритиш, ўлим, мансабдан четлатилиш, касаллик ёки уруш ҳавфи каби муносабатлар билан табрик ёки қайғу изҳор этиб, тасалли бериш, тухфалар учун ташаккур айтиш кабилардир. Рисолалар орасида ал – Хоразмийнинг ўз шогирдларига ёзган мактублари ҳам кўплаб учрайди.



Абу Али ибн Сино


(980. 08, Афшона қишлоғи – 1037.18.6,
Ҳамадон шаҳри, Эрон)

Ибн Сино, Абу Али ал – Ҳусайн ибн Абдуллох ибн ал – Ҳасан ибн Али – жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўртаосиёлик буюк қомусий олим. Ғарбда Авиценна номи билан машҳур. Замондошлари Ибн Синони «Шайх ар–раис» («донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи»); «Шараф ал–мулк» («ўлка, мамлакатнинг обрўси, шарафи»), «хужжат ал–ҳақ» («ростликка далил»); «Ҳаким ал–вазир» («донишманд, тадбиркор вазир») деб атаганлар.

Ибн Сино Афшана (ҳозирги Бухоро вилояти Ромитон тумани ҳудудида) қишлоғида 370 йили сафар (980 йили август) ойида туғилди. Ибн Синонинг отаси Абдуллох Балх шаҳридан бўлиб, Сомонийлар амири Нух ибн Мансур (967 – 997) даврида Бухоро томонига кўчиб, Хурмайсан қишлоғига молия амалдори этиб тайинланади. У Афшона қишлоғида Ситора («Юлдуз») исмли қизга уйланиб икки ўғил фарзанд кўради. Ўғилларининг каттаси Ҳусайн (Ибн Сино), кенжаси Маҳмуд эди. Ҳусайн 5 ёшга киргач, 985 йили Ибн Синолар оиласи пойтахт – Бухорога кўчиб келади ва уни ўқишга берадилар. 10 ёшга етар – етмас Ибн Сино Қуръон ва адаб дарсларини тўла ўзлаштиради. Айни вақтда у ҳисоб ва алжабр билан ҳам шуғулланади, араб тили ва адабиётини мукаммал эгаллайди.

Ибн Синонинг илм соҳасидаги дастлабки устози Абу Абдуллох Нотилий эди. Унинг тиб (табиёт) илмида юксак маҳоратга эришишида бухоролик бошқа бир табиб Ҳасан ибн Нух ал – Қумрий (тўлик номи Абу Мансур ал –

Ҳасан ибн Нуҳ ал – Қумрий)нинг хизмати катта бўлди. Ибн Сино 17 ёшдаёқ, Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида танилди. Ўша кезларда ҳукмдор Нуҳ ибн Мансур бетоб бўлиб, ёш табибни амирни даволаш учун саройга тақлиф қиладилар. Унинг муолажасидан бемор тезда соғайиб, оёққа туради. Эвазига Ибн Сино сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.



Шундай қилиб, Ибн Сино зарурий билимларнинг барчасини Бухорода олди. Олимнинг илмий ижоди 18 ёшдан бошланди. У Нуҳ ибн Мансурга атаб нафсоний қувватлар ҳақида рисола, «Уржуза» тиббий шеърини асари, ўз кўшнисини ва дўсти Абу-л-Ҳусайн ал-Арузийнинг илтимосига биноан, кўп фанларни ўз ичига олган «Ал – Ҳикмат ал – Арузий» («Арузий ҳикмати») асарини таълиф этди. Ундан ташқари, бошқа бир дўсти фақиҳ Абу Бакр ал – Барқий (ёки Барақий)нинг илтимосига кўра, 20 жилдли «Ал – Ҳосил ва-л-маҳсул» («Яқун ва натижа») қомусий асари ҳамда 2 жилдли «Китоб ал – бир ва – л – исм» («Саҳоват ва жинойт китоби»)ни ёзди.

Шуни аъкидлаш лозимки, Ибн Сино фаолият кўрсатган даврда икки сулола (Қорахонийлар ва Сомонийлар) тарих саҳнасида ҳукмронлик учун кураш олиб бормоқда эди. Мамлакатдаги бундай бекарорлик фан арбобларининг фаолиятига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмас эди. Шу боис Ибн Сино ўз юртини тарк этиб Хоразмга бош олиб кетди. Бу даврда Хоразмнинг пойтахти Гурганж (Урганч)да замонасининг кўпгина таниқли олимлари тўпланди. Йирик математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ (1034 йил вафот этган), атоқли табиб ва файласуфлар Абу Саҳл Масиҳий (1010 йилда вафот этган), Абу-л-Хайр Хаммор (942 – 1030) ва буюк олим Абу Райҳон Беруний шулар жумласидан. Ана шу илмий даврага 1005 йил Ибн Сино ҳам келиб қўшилди. Хоразмда Ибн Сино асосан, математика ва астрономия билан шуғулланди. Аммо олимнинг тинч ижоди бу ерда ҳам кўпга чўзилмайди. Шарқда қудрати ортиб бораётган Ғазна қукмдори султон Маҳмуд Ғазнавий бу ўлкага кўз тикади. У, аввал, Маъмунга саройдаги бир гуруҳ олимларини Ғазнага жўнатиб юборишни сўраб хат ёзади. Бу хатга жавобан Беруний ва Абу – л – Хаммор Ғазнага кетадилар. Ибн Сино эса бу тақлифни рад этиб, Масиҳий билан биргаликда 1010 – 1011 йилларда яширинча Хоразмни тарк этади.


Шу вақтдан олимнинг саргардонлик йиллари бошланиб, умрининг охиригача ватандан узоқда ҳаёт кечиришга мажбур бўлади. Масиҳий билан Ибн Сино Журжонга – Масиҳийнинг ватанига йўл олдилар. Лекин йўлдаги қийинчиликлар ва сувсизлик туфайли Масиҳий бетоб бўлиб, вафот этади. Натижада, Ибн Сино азоб – уқубатлар чекиб, аввал, Нисо, сўнг Обивард, Тус, Шиққон ва Хуросоннинг бошқа шаҳарларида қисқа муддат турганидан кейин,

нихоят, Каспий денгизининг жанубий – шарқида жойлашган Журжон амирлигига етиб келади. Ибн Сино Журжон (Гўргон арабча Журжон – Эрондаги шаҳар)да 1012 – 1014 йилларда яшайди, лекин шу қисқа вақт ичида унинг ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири – Абу Убайд Жузжоний билан учрашув ва бир умрга дўстлашув содир бўлади. У Ибн Синога нафақат шогирд, балки содиқ дўст ҳам эди. У Ибн Сино билан олимнинг сўнгги дамигача, 25 йил давомида бирга бўлади. Ибн Сино таржимаи ҳолининг ёзилиб қолиши, кўпгина асарларининг таърифи ва тартибга тушиши ҳамда уларнинг кейинги авлодларга келишида Жузжонийнинг хизмати катта.

Журжондалик вақтида Ибн Сино ҳам илмий ижод билан шуғулланди, ҳам табиб сифатида фаолият кўрсатди. Бу ерда у шогирдининг илтимосига кўра, мантик, фалсафа ва бошқа фанларга оид бир нечта рисола ёзди ва энг муҳими «Тиб қонунлари»нинг дастлабки қисмларини яратди. 1014 йил олим Журжонни тарк этиб, Райга кўчди.

Лекин олим Райда ҳам узоқ туролмади, чунки Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Райга ҳам ҳужум қилиш хавфи бор эди. Шу боис Ибн Сино Райни тарк этиб, нисбатан кучлироқ бўлган Ҳамадонга, Маждуддавланинг акаси Шамсуддавла (997 – 1021) ҳузурига кетади. Ҳукмдорни санчиқ касалидан даволаганидан кейин олимни саройга таклиф қиладилар. У аввал сарой табиби булиб ишлайди, сўнг 1019 – 1021 йили Ҳамадонда вазирлик лавозимини ўтайди. Давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай илмий ишларини ҳам давом эттиради ва қатор асарлар яратади. «Тиб қонунлари»нинг 1 – китобини тугатиб, ўзининг машҳур фалсафий қомуси – «Китоб аш-шифо»ни ҳам шу ерда 40 ёшларда ёзишга киришади. «Тиб қонунлари»нинг қолган қисмини ҳам Ҳамадонда ёзиб битиради.

Аммо Шамсуддавла вафот этгач, унинг ўғли янги ҳукумдор Самодавла ва унинг сарой амалдори Тож ал – Мулк билан келиша олмай ўртада низо юзага келади. Натижада ибн Сино дўстлари орасида яшириб юришга мажбур бўлади ва хатто зиндонга ташланади. Исфаҳон ҳукмдори Алоуддавла Ҳамадонни босиб олгач, у зиндондан (4 ой қамокда ётаган) озод қилинади. Ибн Сино Ҳамадонда 1023 йилгача истиқомат қилади. Шу йили Исфаҳонга жўнаб кетади. Умрининг қолган 14 йилини шу ерда ўтказди. Ибн Синонинг ташрифи муносабати билан унинг иштирокида Исфаҳон амири буйруғи асосида ҳукмдор саройида ҳафтанинг ҳар жума кунлари олимлар кенгаши – **«Мажлис уламо»** йўлга қўйилади. Исфаҳонда ҳам у тинимсиз илмий иш билан машғул бўлиб, бир қанча асарлар яратди. Улар орасида тиб, фалсафа, аниқ фанлар, тилшунослик каби фанларга оид китоблар бор. «Китоб аш-шифо»нинг қисмлари, форс тилидаги



Ибн Сино олимлар кенгашида

фалсафий асари «Донишнома» («Китоб аш–шифо» асарининг қискартирилган нусхаси бўлиб, 1031 – 1039 йилларда ёзилган деб тахмин қилинади) ва 20 жилдли «Инсоф – адолат китоби» шулар жумласидан.

Жузжонийнинг ёзишича, Ибн Сино гарчи, жисмоний жуда бақувват бўлса – да, бироқ шаҳарма – шаҳар дарбадарликда юриш, кеча – кундуз тиним билмай ишлаш ва бир неча бор таъқиб қилиниб, хатто ҳибсда ётишлар олимнинг саломатлигига жиддий таъсир этди. У қуланж (колит) касаллигига чалинди. Алоуддавланинг Ҳамадонга юриши вақтида Ибн Сино қаттиқ бетоблигига қарамай, у билан бирга сафарга чиқади. Йўлда дарди қўзғаб олимнинг тамомила мадори қуриди ва оқибатда у шу дарддан 428 хижрий йилнинг рамазон ойида, (1037 йил 18 июнь) 57 ёшида вафот этади. Олим Ҳамадонда дафн этилади. Унинг қabri устига 1952 йил мақбара ишланган (меъмори Х. Сайхун). Мақбара Ибн Синога бағишланган музей хоналарини ҳам ўз ичига олади.

Олимнинг илмий меросига тўхталадиган бўлсак, турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган, лекин бизгача уларнинг 160 таси етиб келган. Шулардан 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга оид бўлиб, қолганлари мантиқ, психология, табиёт, астрономия, математика, мусиқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка бағишланган. Лекин бу асарларнинг ҳаммаси ҳам олимлар томонидан бир хилда ўрганилган эмас. Олимнинг форс тилида ёзган бир неча газал ва қитъалари, 40 дан ортиқ рубоийлари ҳам мавжуд.

Олимнинг фалсафага оид асарлари:

- Энг йирик ва муҳим асари «Китоб аш–шифо»дир. У 4 қисмдан иборат: мантиқ, табиёт, риёзиёт, метафизика ёки илоҳиёт.
- «Китоб ан–нажот» («Нажот китоби») асари «Китоб аш–шифо»нинг қискартирилган шакли.
- Ал – ишорат ва–т–танбиҳот» («Ишоралар ва танбиҳлар») асари.
- «Ҳикмат ал–машриқийн» («Шарқчилар фалсафаси») асари.
- «Китоб ал–ишорат фи–л–мантиқ вал–ҳикмат» («Мантиқ ва фалсафанинг ишоралари») асари.
- «Донишнома» («Билим китоби») асари форс тилида ёзилган. «Донишнома» 4 бўлим: мантиқ, метафизика (илм ул–илоҳий), физика ва математика (риёзиёт) дан иборат.

Фалсафий мазмундаги бадиий қиссалари:

- «Тайр қиссаси».
- «Саломон ва Ибсол».
- «Ҳайй ибн Яқзон».
- «Юсуф ҳақида қисса».

Муסיқага оид асарлари:

➤ «Жавомеъ илм ул – муסיқий» («Муסיқа илмига оид тўплам») асари «Китоб аш – шифо»нинг бир қисми бўлиб, ҳар бири бир неча бобли 6 бўлимдан иборат.

➤ «Ан – Нажот», «Донишнома»ларда муסיқа ҳақида кичик бўлимлар ҳам мавжуд, «Тиб қонунлари», «Рисолаи ишқ» ва бошқаларида муסיқанинг айрим масалалари ҳақида фикр юритган.

Геология ва минералогияга оид асари:

➤ «Ал – Афъол ва–л–инфиолот» («Таъсир ва таъсирланиш») асар.

Кимёга оид асари:

➤ «Рисола ас–санъа ила–л–Барақий» («Барақийга атаб санъат (ал–кимё)га доир рисола») номли кичик асари. Бу асарни Ибн Сино 21 ёшида, яъни илмий фаолиятининг бўсағасида металллар трансмутациясига, яъни оддий металлларни олтин ва кумушга кимёвий йўл билан айлантириш мумкинлигига ишонган ва мутақаддим кимёгарларнинг китоблари таъсири остида ёзган;

➤ Рисола ал–иксир» («Иксир ҳақида рисола») асари. Ибн Сино 30 ёшларга бориб, илмий тажрибаси ортган ёш олим металллар трансмутацияси соҳадаги уринишларнинг зое кетишига амалда ишонч ҳосил қилади ва ушбу асарини ёзиб, унда кимёвий йўл билан соф олтин ва кумуш олиш мумкинлигига шубҳа билдиради.

Ботаникага оид асари:

➤ «Китоб аш–шифо»нинг «ан–набот» («Ўсимликлар») қисмида ўсимликларнинг турлари, пайдо бўлиши, озикланиши, ўсимлик аъзолари ва уларнинг вазифалари, кўпайиши ҳамда ўсиш шароитлари ҳақида ёзади, илмий терминология яратиш соҳасида ҳам иш олиб боради.

Ибн Синонинг тиб (тиббийёт)га оид ёзган асарларининг 30 дан ортиғи бизгача етиб келган. Араб тилида яратилган 5 китобдан иборат бўлган (жилдли) «Тиб қонунлари» (асл номи «Китоб ал – Қонун фи-т-тиб») – Абу Али ибн Синонинг тиббийётга оид асосий асаридир. «Тиб қонунлари» ўз давридаги табобатнинг муфассал энциклопедияси бўлиб, унда инсон соғлиги ва касалликларига оид бўлган барча масалалар мантиқий тартибда тўла баён этилган. Ибн Сино «Тиб қонунлари»нинг 1 – китобини Журжонда, қолганларини эса Рай ва Ҳамадонда яшаган вақтида ёзган (1015 – 1024).

Олим тибнинг айрим назарий ва



Абу Али ибн Синонинг «Китоб ал-Қонун фи-т-тиб» асари

амалий масалаларига бағишланган турли ҳажмдаги рисолалари ҳам бўлиб, бунга қуйидагиларни айтиш мумкин:

➤ «Уржуза фи-т-тибб» («Тиббий уржуза») номли шеър билан ифодаловчи рисоласи.

➤ «Ал – Адвият ал-қалбия» («Юрак дорилари»). Бу рисоласидаги барча оддий дориларни (65 та) ўз асарига киритган, баъзи оддий юрак дориларини Ибн Сино кашф этганлигини ёзади.

➤ «Дафъ ал-мадорр ал-куллия ан-ал-абдон ал-инсония» («Инсон баданига етишган барча зарарларни йўқотиш»).

➤ «Китоб ал – куланж» («Қуланж ҳақидаги китоб»).

➤ «Мақола фи-н-набз» («Томир уриши ҳақида мақола»).

➤ «Рисола фи-л-бох» («Шаҳвоний қувват ҳақида рисола»).

➤ «Рисола фи тадбири ал-мусофирин» («Сафардагиларнинг тадбири ҳақида рисола»).

➤ «Рисола фи хифз ас-сиҳха» («Соғлиқни сақлаш ҳақида рисола»).

➤ «Рисола фи-с-сиканжубин» («Сиканжубин ҳақида рисола»).

➤ «Рисола фи-л-фасд» («Қон олиш ҳақида рисола»).

➤ «Рисола фи-л-ҳиндабо» («Сачратқи ҳақида рисола»).

Ибн Сино ўз давридаги илмлар таснифи масаласига ҳам жиддий эътибор билан қаради ва бу соҳада «Ақсом ал-улум ал-ақлия» («Ақлий илмлар таснифи») номли асар ёзди. Унда олим ақлий илмларни ҳикмат – фалсафа илмлари деб олиб, уларни назарий ва амалий қисмларга бўлди.

Маҳмуд аз – Замахшарий

(1075.18.3, Хоразм, Замахшар қишлоғи – 1144, ҳоз. Кўхна Урганч)



Хоразм. Маҳмуд аз-Замахшарий зияратгоҳи

Замахшарий (нисбаси; тўлик исм – шарифи Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад) – тилшунос, адиб, тафсир ва ҳадис олими. Буюк мутафаккир араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, жуғрофия, тафсир, ҳадис ва фикҳ (қонуншунослик)ка оид 50 дан зиёд ноёб асарларнинг муаллифидир. Уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Замахшарий кўп асарларини Маккада ёзади. Шу

боисдан у Жоруллоҳ («Аллоҳнинг қўшниси») деган шарафли лақабга муяссар бўлган.

Замахшарийнинг илмий мероси бой бўлиб, унга қуйидаги асарларни айтиш мумкин:

➤ «Ал – Муфассал» («Грамматика бўйича муфассал китоб», 1121) асари араб тили наҳву сарфини ўрганишда йирик қўлланма сифатида азалдан Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам шуҳрат топган. «Ал – Муфассал»нинг ихчамлаштирилиб, мухтасар ҳолатга келтирилган нусхаси «Ал – Ун – музаж» («Намуна») номи билан аталади.

➤ «Шарҳ абйат китоб Сибавайҳ» («Сибавайҳ китобининг шарҳи») – грамматикага оид асарларидан бири бўлиб, араб тилшуноси Сибавайҳ (796 йил вафот этган)нинг китобига ёзилган мукаммал шарҳдир.

➤ «Муқаддимат ул – адаб» («Адаб илмига муқаддима», 1137). Бу асар Отсиз Хоразмшоҳга бағишлаб ёзилган. Асаридаги арабча сўзлар остида форсий ва туркий таржималарнинг берилиши ўзбек тарихий лексикологияси учун қимматлидир. Асар 5 қатга қисмга бўлинган бўлиб – отлар, феъллар, боғловчилар, от ўзгаришлари ва феъл ўзгаришлари ҳақида баҳс юритади.



Мажмуи аз - Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асари (XII аср)

➤ «Ал – Мустақсо фил – амсол» («Қамолга етган мақоллар») – 3500 га яқин араб мақолларини тўплаб, уларни изоҳлаган.

➤ «Китоб ал – жибол вал – амкина вал – мийоҳ» («Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб») асарида географик жойлар, тоғлар ва денгизларга доир қимматли маълумотлар келтирилган.

➤ «Асос ал – балоғат» («Нотиклик асослари») асари луғатшуносликка бағишланган. Унда араб тилининг фасоҳати, мукамаллиги ҳақида сўз боради.

➤ «Ал – фоикфи ғариб ал – ҳадис» («Ғариб ҳадислар ҳақида қимматли китоб») асари ҳадисда учрайдиган, маъносини англаш қийин бўлган иборалар, сўзлар ҳақида.

➤ «Ат – воқ уз – заҳаб фил – мавоъиз вал – хутаб» («Хутбалар ва ваъзлар баёнида олтин шодалар») – насихатомуз мақолалар тўпламидан иборат.

➤ «Рабийъ ул – аброр ва нусус ул – ахйар» («Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни») асарида адабиёт, тарих ва бошқа фанларга оид хикоялар, латифалар, суҳбатларнинг энг саралари жамланган.

➤ «Ал – Қустос фил – аруз» («Арузда ўлчов») асари аруз вазни ҳақида баҳс юритувчи муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

«Мақомат» («Мақомлар») – 50 мақомдан иборат бўлиб, қофияли наср – сажъ услубининг нозик намуналарини ўзида мужассам этган муҳим асардир.

➤ «Навобиф ул – ка – лим» («Нозик иборалар») ҳикматли сўзлардан иборат асари.

➤ «Ан – насоуҳ ус – сифор вал баво – лиғ ул – кибор» («Кичикларга насихатлар») дидактик руҳдаги асари.

➤ «Девон уз – Замахшарий» фалсафий



Мажмуи аз - Замахшарийнинг «Ал - Қашшоф» асари (XII аср)

шеърлар, қасида, фахрия, назмий мактубларни ўз ичига олган.

➤ «Ал – Кашшоф ан ҳақоиқ ит – танзийл ва уйун ил – ақовийл фи вужух ит – таъвийл» («Қуръон ҳақиқатлари ва уни шархлаш орқали сўзлар кўзларини очиш», 1132 – 34) асари Қуръон тафсирига бағишланган. «Ал – Кашшоф»нинг 100 га яқин кўлөзмалари ва асарнинг ўзига битилган 20 дан ортиқ шарҳ ва хошиялар мавжуд.

Бурҳониддин Марғинович

(1123.23.9, Риштон тумани, Даҳбет қишлоғи – 1197.29.10, Самарқанд)

Бурҳониддин Марғинович (тўлиқ исми Абулҳасан Али ибн Абубакр ибн Абдулжалил ал – Фарғоний ал – Риштоний ал – Марғинович (Марғилон – тарихий манбаларда Марғинон деб ёзилган)) – буюк фақх олими, имом. Даставвал отаси Абубакр ибн Абдулжалил, сўнг Симом Баҳоуддин Али ибн Муҳаммад Асбижобий кўлида таҳсил кўрди. Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида исломий таълим олиб, ханафия мазҳабининг буюк фақҳи сифатида ном қозонди. Шайхулислом бўлиб етишди. 1149 йил ҳаж сафарига борди. Бурҳониддин Марғинович Самарқанд шаҳардаги Чокардиза қабристонга дафн этилган.

Бурҳониддин Марғиновичнинг илмий мероси ҳам бой бўлиб, унинг моҳир қаламига мансуб куйидаги асарлар мавжуд:

➤ «Бидоят ул – мубтадий» («Бошловчилар учун кўлланма») – фикҳ бўйича асосий асари. Бу асарни Бурҳониддин Марғинович ханафия назариётчиси, шариат асосчиларидан Абул Ҳасан ал – Қудурий (1029 йилда вафот этган) ва Муҳаммад аш – Шайбоний (884 йилда вафот этган) асарларига таяниб ёзган.

➤ «Бидоят ул – мубтадий» китоби назарий асар эди, ундан амалий жиҳатдан фойдаланиш қийин бўлган. Шу сабабли Бурҳониддин Марғинович 8 жилдли шарҳ – «Кифоят ул – Мунтаҳий» («Яқунловчилар учун тугал таълимот»)ни ёзишга қарор қилган. Кейинчалик бу китоби асосида 1178 йил «Китоб ал – Ҳидоя» (қисқача номи «Ҳидоя» – «Тўғри йўл»)ни яратади.



Бурҳониддин Марғиновичнинг «Китоб ал-Ҳидоя» асари (XIII аср)

➤ «Нашр ал – мазҳаб» («Мазҳабнинг тарқалиши»).


➤ «Китоб ат – тажнис вал – мазийд» («Фуқаролик ҳуқуқини тақдим этиш»).

➤ «Китоб ул – фароиз» («Мажбуриятлар ҳақида китоб»).

➤ «Мазийд фи фуру ул – ханафий» («Ханафия мазҳабига қўшимчалар») каби асарларини ёзиб қолдирган.

Бурҳониддин Марғинович ўз асарларида ижтимоий – иқтисодий муносабатлар, мулкчиликнинг турли шакллари (давлат ва хусусий мулкчилик), молиявий фаолият, жиноят ва жазонинг ҳуқуқий асосларини,

фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёти, қозилик муассасалари таркиби, тартиби ва жиной ишни кўриш масалаларини батафсил ёритиб берди. Бу асарларда адолат туйғуси, ўз даврининг ҳуқуқий мезонлари асосида яшаш, ўзганинг мол – мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаромдан ҳазар қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр – оқибат каби эзгу тушунчаларнинг моҳияти очиб берилган. Бурҳониддин Марғиновичнинг ўзи ҳаёти давомида ана шундай инсоний фазилатларга амал қилиб яшади. Илму урфон йўлидаги фидойилиги, камтарлиги ўз асарларида бирон марта ҳам «мен» деган сўзни ишлатмай, «бу заиф банда айтади», дея ҳокисорлик билан изох беришида ҳам кўриниб туради.



Марғилон. Бурҳониддин Марғинович ёдгорлиги



Бурҳониддин Марғинович (рамзий) мақбараси


Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан Бурҳониддин Марғинович вафотининг 800 йиллиги (1997), таваллудининг 910 йиллиги (ҳижрий сана бўйича) 2000 йилда кенг нишонланди. Шу муносабат билан Марғилон шаҳрида марказида Бурҳониддин Марғинович ёдгорлик

мажмуи бунёд этилиб, шу ерда унинг рамзий мақбараси ўрнатилди.

3. Бадиий адабиёт ривожини. Ўрта Осиё Уйғониш даври маданияти хусусида гап борар экан, бунда унинг муҳим таркибий қисми, халқ даҳоси маҳсули бўлган бадиий адабиёт ва унинг ажойиб намояндаларининг серқирра ижоди тўғрисида тўхталиб ўтмасдан бўлмайди.

IX – XII асрлар даври маданияти айти пайтда юксак даражада раванк топган бадиий адабиёт намояндалари ижодида ҳам яққол намоён бўлди. Бу даврда Ўрта Осиёда *форсий* ва *туркий адабиётнинг* ажойиб дурдона асарлари яратилди. Гарчи ўлкада расмий давлат тили сифатида араб тили ва унинг грамматикаси ҳукм сурган бўлса-да, бироқ ўлкада мустақил давлатларнинг ташкил топиши ва ривожланиб бориши давомида форс ва туркий адабиёт ҳам ўсиб, унинг забардаст вакиллари ижоди сайқал топиб борди.

Сомонийлар ва ғазнавийлар ҳукмронлиги даврида яшаб ижод қилган *Абу Абдулло Рудакий, Дақиқий, Абу Шукур Балхий, Абулқосим Фирдавсий* каби даҳо шоирларнинг *форсийдаги ижоди* фикримизга далил бўла олади.



Абу Абдулло Рудакий

(858, ҳоз. Тоҷикистон Рес., Панжакент тумани
Панжрудак қишлоғи – 941)

Рудакий Абу Абдулло Жаъфар – форс – тожик шоири. Форс – тожик шеърятти асосчиларидан бири. Ёшлигидан шеърят ва мусиқага ихлос қўйган, адабиётни, араб тилини ўрганган. Замонасининг машҳур чолғучиси Абул Аббос Бахтиёрдан мусиқа бўйича таълим олган; барбат, чанг, уд, руд каби чолғу асбобларини чалишни ўрганган. Рудакийнинг шеърят ва мусиқадаги маҳоратини эшитган Бухоро ҳукумдори Наср II ибн Аҳмад Сомоний уни саройга таклиф этган. Рудакий Бухорода вазир Абул Фазл Балъамий ҳомийлигида ижод қилиб, санъатда катта обрў қозонган. Рудакий 40 йил саройда шоирларга бошчилик қилган. Унинг туғма кўр бўлганлиги ҳақида нақллар бор. Аслида саройдаги иғво ва фитналар туфайли душманлари Рудакийнинг кўзларига мил тортиб кўр қилган, мол – мулкни талаб, ўзини Бухородан бадарға қилишга эришганлар. Қариган чоғида Рудакий ўз қишлоғига қайтиб, фақирликда умр кечирган.

Манбаларда Рудакий шеърятти 100 000 байтдан иборатлиги кайд этилган. Аммо ҳозирга қадар унинг 1000 байт асари (2 қасида, 50 рубоий, шеър ва дostonлари) етиб келган.

Рудакий Мовароуннаҳрда ўз шеърларидан девон тузган илк шоир ҳисобланади. «Бўи жўи Мўлиён ояд ҳаме» («Мўлиён аригининг иси келмоқдадир») мисраси билан бошланадиган ғазали унга фавқулodда шуҳрат келтирган.

Рудакийнинг «Модари май» («Майнинг онаси»), «Дар васфи Бухоро» ва «Шикояи аз пири» («Қарилиқдан шикоят») қасидалари, ҳамда «Калила ва Димна», «Даврони фалак» ва бошқа бир неча маснавийларидан парчалар бизгача етиб келган.

Рудакий форс – тожик шеърятининг деярли барча шаклларини ишлаб берган. Шарқ халқлари шеъряттида кенг тарқалган дастлабки поэтик жанр – рубоий (араб. – тўртлик) ларни Рудакий ва Шаҳиди Балхий яратган. Қадимги манбаларда Рудакийнинг «Офтоб даврони», «Ароисан – нафоис» («Нафис куртаклар») ва «Синдбоднома» (933) достони бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Рудакий ва унинг издошлари форсий шеърятда бир неча аср ҳукмронлик қилган Хуросон (ёки Туркистон) услубига асос солиб, уни ривожлантирганлар.

Дақикий

(956, Балх – 980, Бухоро)

Дақикий (асл исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад) – форс – тожик шоири. Дақикий ёшлигида ўқиш учун Бухорога келган ва умрининг охиригача шу ерда яшаб қолган. Дақикий сомоний амирларидан Мансур ибн Нух (961 –

976 йиллар ҳукмронлик қилган) ҳамда Абулқосим Нух ибн Мансур (976 – 997 йиллар ҳукмронлик қилган) саройида хизмат қилган. Дақиқий шарқ адабиётида мавжуд лириканинг барча жанрларида шеърлар ёзган. Эски манбаларда унинг қасида, ғазал, рубоий, қитъа, баҳориёт, чистон сингари жанрлардаги асарлардан таркиб топган девони борлиги таъкидланган. Лекин ханузгача шоирнинг қўлёзмаси топилмаган. Шоир меросидан айрим намуналар тазкира ва луғатлардагина сақланиб қолган. Дақиқий қасидагўйлик ва ғазалнависликда устод санъаткор даражасига кўтарилган. У ўз шеърларида дўстликни, муҳаббатни, маърифатни куйлаган; қасидаларида донишманд, одил подшо бошчилигидаги марказлашган давлат учун кураш ғоясини ифодалаган. Бундан ташқари Дақиқий Абулқосим Нух ибн Мансур Сомоний топшириғи билан қадимги аجدодлар тарихи ҳақида «Шоҳнома» ёзишга киришади. Аммо 1000 байтдан иборат «Аржасп ва Гуштасп» достонини ёзиб тугатган пайтида ўз ғуломи томонидан ўлдирилади. Кейинчалик Фирдавсий бу достонни ўз «Шоҳнома»сига киритган. Асарда Заратуштранинг пайдо бўлиши, Гуштасп ва бошқа аёнлар унинг динини қабул қилишлари, Турон подшоҳи Аржаспнинг бу воқеадан норозилиги ҳамда Гуштасп билан Аржасп ўртасидаги уруш ҳикоя қилинган. Мазкур жангнома Эрон ва Турон халқлари тарихини, жумладан, зардуштийлик динининг пайдо бўлишини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Абу Шукур Балхий (915 – ?, Бухоро)

Абу Шукур Балхий (Балхий – тахаллуси) – шоир. Форс адабиётида дostonчиликка асос солганлардан бири. Асосан сомонийлар ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этган. Маълум муддат Нух ибн Наср саройида хизмат қилган. Асарларида инсонпарварликни, илм ва ҳунарни улуғлаган, кишиларни тенгликка, тинч – тотувликка даъват этган. «Офариннома» достони (947) катта шуҳрат қозонган. Достон дидактик мавзуда (асарларидан 379 байт турли тазкира ва луғатларда сақланган). Асарлари араб тилига таржима қилинган.

Абулқосим Фирдавсий (тахм. 934 – Тус шаҳри – 1030)




Фирдавсий Абулқосим Тусий – форс – тожик шоири ва мутафаккири. Тус ва Нишопур шаҳарларидаги мадрасаларда таҳсил олган. Замонасининг барча асосий илмларини эгаллаб, араб ва паҳлавий тилларини чуқур ўрганган. Ўз даврининг қомусий олими бўлиб етишгани учун ҳам уни ҳаким деб улуғлашган. У Эрон, Турон, Юнон ва Ҳиндистон олимларининг турли соҳадаги асарларидан яхши хабардор бўлган. Фирдавсий ёшлигиданоқ шеърлар

машқ қила бошлаган. Бу ҳақда маълумотлар бўлса – да, шеърларининг ўзи етиб келмаган. Унинг «Юсуф ва Зулайҳо» номли дoston ёзганлиги ҳам ҳалигача мунозарали. Фирдавсий отасидан қолган ерда деҳқончилик қилиб кун кечирган. Баъзи манбаларда унинг узок йиллар сарбозлик хизматида бўлгани ҳам айтилади.

Уни оламга машҳур, номини тилларда дoston қилган, абадийликка муҳрлаган нарса – бу алломанинг юқори таъкидлаб ўтилган «Шоҳнома» асаридир. Эрон ва Турон халқларининг қарийб 4 минг йиллик тарихи юксак маҳорат билан қаламга олинган «Шоҳнома» устида Фирдавсий 30 йилдан ортиқ меҳнат қилган. Тадқиқотчилар асарни 3 қисмга бўладилар: 1 – бўлимда энг қадимги афсоналар қайта ишланиб, назм ипига терилган бўлса, 2 – бўлимда халқ қаҳрамонлари ҳақидаги ривоят қиссалар бадий талқин қилинади. 3 – бўлимда тарихий шоҳлар ҳаёти тасвирланган. «Шоҳнома» энг қадимги даврлардан бошланиб, сосонийлар шоҳи Яздигард III даврида арабларнинг Эронга бостириб кириши билан яқунланади. «Шоҳнома» ҳажми (60 минг байтни ўз ичига олади), мавзу кўлами, образлар олами, қаҳрамонларнинг кўп ва хилма – хиллиги, ғоявий мотивлари ва кўтарилган масалалар жиҳатидан жаҳон адабиётидаги энг катта эпик асар. 100 дан ортиқ дostonлардан ташкил топган бу асарда мингдан зиёд катта – кичик персонажлар иштирок этади.

Фирдавсийнинг жасади отасидан қолган боғнинг бир чеккасига кўмилган. 1934 йилда Фирдавсий таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан шоир қабри устига мақбара қурилган ва у шоир мухлисларининг муқаддас зиёратгоҳига айланган.

Бу даврда *туркий адабиёт* ҳам ўз тараққиётида катта ютуқларга эришди. Хусусан, туркий адабий тили эски ўзбек ва уйғур тилларининг вудудга келишида ҳам муҳим босқич бўлди. Туркий адабиётни юксакликка кўтаришда *Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Бурҳониддин Рабғузий, Аҳмад Югнакий* каби туркигўй адибларнинг хизмати беназир бўлди.




Маҳмуд Кошғарий (XI аср)

Маҳмуд Кошғарий ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад – туркшунослик илмининг асосчиси, филолог олим. Ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан қорахонийлар сулоласига мансуб. Отаси Ҳусайн ибн Муҳаммад ўша даврдаги Бареган шаҳрининг амири бўлган. Кошғарий бошланғич маълумотни ўз қишлоғида, юқори маълумотни Кошғар мадрасаларида олган, араб, форс, туркий каби 7 – 8 тилни пухта эгаллаган. Сўнг у Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур шаҳарларида билимини оширган. 1056 – 1057 йилларда мамлакатдаги ички низолар натижасида олим ўз ватанини тарк этиб, 15 йил давомида атрофдаги қардош халқлар орасида юришга мажбур бўлган. Ана шу йилларда у туркий халқлар яшайдиган ўлкаларни кезиб, бу ерлардаги туркий

қабилла ва уруғлар, уларнинг келиб чиқиши ва номланиши, жойлашиш ўринлари, урф – одатлари, айниқса, тил хусусиятларини синчиклаб ўрганади. Сўнг Бағдодга бориб, анча вақт шу шаҳарда ижод қилган, хусусан, 1072 йил (баъзи манбаларда – 1074 йил ва ундан ҳам кейин) дунёга машҳур асари «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони»)ни ёзиб битиради ва уни



Махмуд Кошғарийнинг Дунё харитаси. «Девону луғотит турк» нинг Истанбул кўлэмасидан олинган



Хаританинг ўзбекча таржимаси

халифа Муқтаъдий (1075 – 1094)га бағишлайди. «Девону луғотит – турк» муқаддима ва луғат қисмлардан иборат. Махмуд Кошғарий мазкур асарига ўзи тузган дунё харитасини илова қилади.

Харитада мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, денгиз, кўл, дарё кабиларнинг номлари ёзилган. Харитада акс этмаган баъзи бир номлар луғат матнида изоҳланган. Харита, асосан, Шарқий ярим шарга тўғри келади. Бу ҳақда Махмуд Кошғарийнинг ўзи: «Румдан Мочингача бўлган... шаҳарлар ўрнини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳаммасини ер шаклидаги доирада кўрсатдим», – деб ёзади. Шартли қабул қилинган бўёқлар ранги доира ташқарисидан тўрт жойда сўз билан изоҳланган. Айрим камчиликларига қарамай, Махмуд Кошғарийнинг XI асрда тузилган харитаси ўз даври учун мукамал, ҳозирги давр учун географик маълумотлар берувчи муҳим манба ҳисобланади.



Махмуд Кошғарий қабри устига ўрнатилган сағана

Кошғарийнинг «Девону лу – ғотит турк» асари туркий халқлар тарихилаги диалектологик, изоҳли, этнографик, тарихий – этимологик луғатларнинг барча унсур қамраб олувчи дастлабки универсал луғат бўлиб, ўз муаллифини дунёга улуғ адабиётчи, тарихчи, географ ва бошқа кўп фанлардан яхши хабардор бўлган йирик фан арбоби, қомусий олим сифатида танитди.

Маълумотларга кўра, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лу – ғотит турк»дан аввалроқ яратилган, «Жавоҳирун – наҳви фи луғотит – турк» («Туркий тиллар синтаксиси қоидалари») деб номланган асари ҳам бўлган. Ушбу асар ҳозирча топилгани йўқ.

Кошғарий 1080 йилда (ёки 1118 йилда) ватанига қайтиб келиб, Ўпалдаги Азиқ қишлоғида, Ҳазрати Мулломо тоғи этагидаги тепалиқда жойлашган мадрасада дарс берган ва илмий ижод билан машғул бўлган (ҳозирда мазкур мадрасанинг фақат пойдеворлари сақланиб қолган). Кошғарий 1105 йилда (ёки 1126 йилда) 97 ёшида вафот этиди, Олим Хитойнинг Қашғар (Кошғар) вилояти Ўпал ноҳиясидаги унинг аجدодлари мақбарасига дафн этилган. Мақбара ҳозиргача «Ҳазрати Мулломо мазори» номи билан машҳур.



Юсуф Хос Ҳожиб

(тахм. 1020/21, Болосоғун – ?)


Юсуф Хос Ҳожиб (асл исми Юсуф) – туркигўй шоир, мутафаккир, давлат арбоби. «Қутадғу билиг» достони муаллифи. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар берувчи ягона манба ҳам «Қутадғу билиг» китобидир. Ушбу китобга кўра, у замонасининг барча асосий илмларини атрофлича ўрганган, араб ва форс тилларини мукаммал билган, Маҳмуд Кошғарий каби туркий тилнинг мавқеини ошириш, унинг маданий – адабий ҳаётдан ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун курашган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим», 1069 – 1070) асари исломий туркий адабиётни бошлабгина бермай, уни янги тараққиёт босқичига ҳам кўтарди. У нафақат туркий халқлар адабиёти анъаналари, балки қардош халқлар, жумладан, форсий адабиёт тажрибаларини ҳам ижодий ўзлаштирган ҳолда яратилган. «Шоҳнома» каби мутақориб вазнида ёзилган ва «Туркий Шоҳнома» номи билан шуҳрат қозонган (73 боб, 6520 байт ва тўртликлардан иборат).

«Қутадғу билиг» – XI аср сўз санъатининг нодир намунаси бўлиб, унда ўз даврининг илғор ижтимоий – сиёсий, маънавий – ахлоқий масалалари бадиий талқин қилинган, туркий халқлар тарихи, маданияти, илм – фани, урф – одат ва анъаналари, турмуш тарзи, кадриятлари хусусида батафсил маълумот берилган. Юсуф Хос Ҳожиб уни Болосоғунда бошлаб, Қашқарда ёзиб тугатган ва қорахоний ҳукмдор Тавғоч Буғрохонга тақдим этган. Буғрохон муаллифни тақдирлаб, унга «Хос Ҳожиб» («Эшик оғаси») унвонини берган. Шундан кейин шоир «Юсуф Хос Ҳожиб» номи билан машҳур бўлган. Лекин достоннинг охиридаги шикоят оҳанглирига қараганда, шоир умрининг охири бу давлатнинг таназзули даврига тўғри келган, шунга мувофиқ ҳаёти ҳам оғир кечган. Шоирнинг Қашқардаги мақбараси зиёратгоҳга айланган.

Бурҳониддин Рабғузий

(XIII аср охири – Хоразмнинг Работўғуз мавзеи – XIV аср бошлари)



Юсуф Хос Ҳожиб макбараси (Қашқар, XI аср)

Рабғузий (тахаллуси; асл исм – шарифи Носириддин Бурҳониддин ўғли) – шоир. Работўғузда қозилик қилган. Шарқ халқлари оғзаки ижодини, айниқса, ривоятларни, авлиё – анбиёлар тўғрисидаги қиссаларни чуқур ўрганган. Ўзи ҳам кўпгина ибратли ҳикоятлар, қиссалар ёзган. Туркий халқлар адабиёти тарихида биринчилардан бўлиб насрда

ривоятлардан ҳикоят, ҳикоятлардан қисса яратишни бошлаб берган.

Бизгача «Қисаси Рабғузий» (1309 – 1310) асаригина етиб келган. Асар мусулмон мўғул бекларидан Носириддин Тўқбуғанинг топшириғи билан ёзилиб, 72 қиссадан иборат.

Аҳмад Югнакий

(XII аср охири, Самарқанд, Югнак қишлоғи – XIII аср 1 – ярми, ?)

Аҳмад Югнакий – шоир, мутафаккир. Таржимаи ҳоли ҳақида деярли маълумот йўқ. «Ҳибат ул – ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар тухфаси») асари бизгача етиб келган. Унинг охирида Адиб Аҳмад исми тилга олинади. Шоир «Ҳибат ул – ҳақойиқ» (14 боб, 512 мисрадан иборат)ни тугатиб, уни ҳукмдори Дод Сипоҳсолорбекка тақдим этади.

Машҳур шарқшунос олим Е.Э. Бертельс бу асар қадимги ўзбек адабий тилидан мумтоз ўзбек адабий тилига ўтишда бир кўприк бўлганини айтади. Асар тилида қадимги туркий сўзлардан кўра, араб ва форс сўзларининг кўп қўллангани шундан далолат беради. Югнакий бу асари билан ўзбек адабий тили ва адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган.

4. Ислом маданияти ва сўфийлик. IX – XII асрлар даври нафақат дунёвий фанларнинг юксаклаб бориши билан, шу билан бирга исломий маданият ва маънавиятнинг шаклланиб, чуқур илдиз отиб бориши, бу соҳада талай етук олиму уламоларнинг етишиб чиқиб, Ватанимиз шаънини оламаро улуғлаганлиги билан ҳам тавсифланади. Гарчанд ислом дини Арабистонда вужудга келган бўлса-да, бироқ, янги илоҳий таълимот Туркистон заминида равнақ топди, такомилга эришди. Ислом дини таълимотининг равнақи ва тарғиботининг кенгайишида Бухоро шаҳри марказий ўрин эгаллади.

Ислом ва унинг асосий таълимоти акс этган Қуръони Карим ғояларининг ўлка ҳаётига кириб келиши ва кенг ёйилиши, шунингдек, маҳаллий халқларнинг мусулмончилик тамойиллари ва удумларини қабул қилиши ҳамда

уларга эътиқод боғлаши давомида аста – секин ислом маданияти шаклланиб, чуқур илдиз отиб борди. Бунда шу юрт заминидан етишиб чикқан буюк исломшунос алломаларнинг хизмати беназирдир.

Юртимиз заминидан етишиб чикқан ислом оламининг буюк сиймолари

- Имом ал – Бухорий (810 – 870) Ҳадис илмининг асосчиси
- Абу Исо ат – Термизий (824 – 892) Ҳадис илми пешволаридан
- Абу Мансур Мотуридий (вафоти 945 й.) Мотуридийа тариқати асосчиси
- Абу ал – Муъийн ан – Насафий (1027 – 1114) Калом илми йирик

намояндаси

- Хўжа Аҳмад Яссавий (1041 – 1167) Яссавия тариқати асосчиси
- Нажмиддин Кубро (1145 – 1221) Кубравия тариқати асосчиси
- Абдуллоҳ Ғиждивоний (1103 – XII аср иккинчи ярми) тасаввуф илми

асосчиларидан

- Баҳоуддин Нақшбанд (1318 – 1389) Нақшбандия тариқати асосчиси.
- Хўжа Аҳрор Валий (1404 – 1490) Нақшбандия тариқатининг йирик

намоядаси

Юртимизда исломий маданиятнинг юксалиб бориши баробарида унинг улуғвор ғоялари, асл мақсадларини кенг ташвиқ, тарғиб қилиш, айниқса ҳадис илмини асосли тадқиқ этиш кучайиб бордики, бунда сарзаминимиздан чикқан қатор буюк муҳаддис олимларнинг хизмати катта бўлди. Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳивассалом номи ва у зоти шарифнинг муборак сўзлари билан боғлиқ «Қуръони Карим» оятлари мазмуни, моҳиятини теран тушуниш ва англаб етишга муҳим калит бўлиб хизмат қиладиган ҳадисшунослик илми IX асрда жиддий ривож топди. Шу ўринда ҳадис тушунчасига тўхталадиган бўлсак, **ҳадис** (араб. – хабар, гап, янгилик) – Муҳаммад (сав) айтган сўзлари, қилган ишлари, иқрорлари тўғрисидаги ривоят. Ислом динида Қуръондан кейин иккинчи манба ҳисобланади. Ҳадис 2 қисмдан иборат бўлади: матн ва иснод. Ҳадис 2 турга – Ҳадиси кудсий (маъноси Аллоҳ таолоники, айтилиши Расулуллоҳ томонидан бўлган Ҳадислар) ва Ҳадиси набавийга бўлинади. Ҳадислар эътиборга олиниши жиҳатидан 3 қисмга бўлинади: 1) саҳиҳ (ишончли); 2) ҳасан (яхши); 3) заиф. Қуръонда барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган. Уларга аниқлик киритиш ва изоҳлаш учун Муҳаммад (сав) ўз ҳадисларини айтарди. Ҳижрий III асрда ҳадис таълиф этиш соҳасида «муснад», «саҳиҳ», «сунан» деб аталмиш турли йўналишлар вужудга келди.

Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал – Марвазий ҳадис тўпламини тасниф этган. Кейинчалик, миллий – сиёсий ихтилофлар натижасида, пайғамбар номидан ёлғон ҳадислар тўқиш, фикл ва калом илми соҳасидаги зиддиятлар, амир ва ҳокимларга хушомадгўйлик оқибатида кўплаб ишонарсиз, тўқима ҳадислар юзага келган.

Давр ўтиши билан ҳадислар танланиб, муҳим деб ҳисобланганлари бир тизимга солина бошлади. IX – X аср бошларида диндорлар орасида энг ишончли деб танилган ҳадиснинг 6 та тўплами вужудга келган. Булар: «Саҳиҳи Бухорий», «Саҳиҳи Муслим», «Саҳиҳи Термизий», «Сунани Аби Довуд», «Сунани Ибн Можа», «Сунани Насоий». «Саҳиҳи Бухорий» кўпроқ эъзозланади. Бу 6 та ҳадис тўпламини тузган муҳаддислардан 2 таси мовароуннаҳрлик (Имом ал – Бухорий (810 – 870) ва Абу Исо ат – Термизий (824 – 892), 4 таси эса хуросонлик бўлган. Ҳадислар тўплами сунна деб ном олган. Ҳадисларни йиғувчи, шарҳловчи, тарғиб этувчи шахслар муҳаддис деб аталган.

Имом ал – Бухорий ва Абу Исо ат – Термизийлар ҳадис илмининг энг кўзга кўринган, бутун мусулмон дунёси томонидан тан олинган алломалари даражасига кўтарилган зотлардир.

Имом ал – Бухорий

(810.21.7, Бухоро – 870.31.8, Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғи)

Бухорий, Имом ал – Бухорий (асл исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал – Бухорий) – ислом оламининг йирик мутафаккири, буюк муҳаддис. Муҳаддислар имоми, ҳадис илмининг султони деб ҳам юритилади. Бухорий умр бўйи ҳадисларни тўплаш ва тизимга солиш билан шуғулланган, уларни саҳиҳ (тўғри, ишончли) ва ғайри саҳиҳ (хато, заиф)га ажратган. У жами 600 мингга яқин ҳадис тўплаган бўлиб, шундан 100 минг «саҳиҳ» ва 200 минг «ғайри саҳиҳ» ҳадисни ёддан билган.

Имом ал – Бухорий 20 дан ортиқ китоб тасниф этган. Улардан айримлари бизгача етиб келган. Имом ал – Бухорий илмий мероси ҳам бой бўлиб, бунга куйидагиларни айтиш мумкин:

➤ Имом ал – Бухорийнинг «Ал – Жомиъ ас – саҳиҳ» («Ишончли тўплам») деб номланган («Саҳиҳи Бухорий» номи билан ҳам аталади) 4 жилд (жуз) дан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг ишонарли ва мукаммалидир.

➤ 1322 ҳадис ва хабар жамланган «Ал – Адаб ал – муфрад» («Адаб дурдоналари») асари катта тарбиявий аҳамиятга молик беназир тўпламдир. Бу асар Туркия ва Мисрда бир неча марта чоп этилган. Унинг ўзбекча таржимаси 1990 йил Тошкентда нашр қилинган.

➤ «Китоб ал – куна» («Кунялар ҳақида китоб») ровийларнинг куняларига бағишланган асари, у 1940 йил Ҳиндистонда чоп этилган.

➤ «Ат – Таърих ал – кабийр» («Катта тарих») китоби эса Туркияда 9 жилдда нашр қилинган. Асар қўлёзмасининг баъзи қисмлари Ҳайдаробод кутубхонасида сақланади.

➤ «Ат – таърих ас – сағийр» («Кичик тарих») асари. У ҳадис тарихига оид қимматли асар ҳисобланади. Бу асар Ҳиндистон ва Қоҳирада чоп этилган.

➤ «Китоб ал – фавоид» («Фойдали ашёлар ҳақида китоб»), «Ал – Жомий ал – кабийр» («Катта таянч»), «Халқ афъол ал – ибод», («Аллоҳ бандалари ишларининг табиати»), «Ал – Муснад ал – кабийр» («Катта таянч»), «Ат – тафсир ал – кабийр» («Катта тафсир»), «Китоб ал – хиба» («Хайр – эҳсон ҳақида китоб») ва бошқа асарларнинг баъзилари бизгача етиб келмаган, баъзилари жаҳоннинг турли мамлакатлари кутубхоналарида сақланаётганлиги ҳақида маълумотлар бор.

➤ «Тафсир ал – Қуръон» («Қуръон тафсири») асарини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.



Самарқанд Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси

Истиқлол шарофати билан Бухорийнинг ўлмас мероси эл – юрти бағрига қайтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Имом ал – Бухорий таваллудининг ҳижрий – камарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори (1997 йил 29 апрель) асосида Бухорийнинг илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, хотирасини абадий-

лаштириш борасида катта ишлар қилинди. 1998 йил 23 октябрда Самарқандда унинг юбилей тантаналари бўлиб ўтди. Аллома абадий қўним топган Челак туманидаги Хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи очилди.

Абу Исо ат – Термизий

(824, Термиз – 892, Буғ қишлоғи, ҳозирги Шеробод тумани)

Термизий Абу Исо, Имом Термизий (тўлиқ номи Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Захдок Суллабий Буғий Термизий) – буюк муҳаддис. Унинг қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Абу Исо ат – Термизий асарлари:

➤ «Ал – Жомий ас – саҳиҳ» («Ишонarli тўплам») асари Термизийнинг асарлари ичида энг машҳури бўлиб, 6 та ишончли ҳадислар тўпламидан биридир. Ушбу асар илмий манбаларда «Жомий ат – Термизий», «Саҳиҳи Термизий», «Сунани Термизий» номи билан ҳам аталади.

➤ «аш – Шамоил ан – набавия» ёки «Аш – Шамоил ан – набий саллолоҳу алайҳи ва саллам» («Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари») номли асари Муҳаммад (ас)нинг шахсий ҳаёти, у зотнинг суврат ва сийрати, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига қамраган манбадир.

- «ал – Илал фил – ҳадис» («Ҳадислардаги иллатлар»).
- «Рисола фил – хилоф вал – жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар хақида рисола»).
- «ат – Таърих» («Тарих»).
- «Китоб уз – зуҳд» («Зоҳидлик китоби»).
- «Китоб ул – асмо вал – куно» («Исмлар ва кунялар китоби») ва бошқалар.

1990 йил ат – Термизий таваллудининг 1200 йиллиги юртимизда кенг нишонланди.



Абу Исо ат - Термизий қабри
устига ўрнатилган сағана



Абу Исо ат - Термизий мақбараси (Сурхондарё, XI аср)

Мустақиллик йилларида ат – Термизийнинг ёдгорлик мажмуаси қайтадан таъмирланиб, қутлуғ зиёратгоҳга айлантирилди.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётида юз берган уйғониш даврининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бунда

ислом дини ва унинг асосий тамойилларини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш ҳамда ривожлантиришда тасаввуф, сўфийлик таълимотининг юзага келиши ва кенгайиши билан узвий боғлиқдир. Аввало, тасаввуф, сўфийлик – исломда инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи таълимот. Тасаввуф сўзининг ўзаги ва мазмуни ҳақида олимлар турли фикр ва тахминлар билдиришган. Улар ичида Ибн Халдуннинг фикри ҳақиқатга яқин деб эътироф этилган. У «Муқаддима» асарида Тасаввуф «сувф» – «жун», «пўстин» сўзидан олинган бўлиши керак, зеро қадимдан таркидунё қилган зоҳидлар жундан тўқилган кийим ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар, бу билан улар башанг кийиниб юрувчи ахли дунёлардан фарқли ҳаёт тарзини ўзларида намоён этганлар, дейди. Тасаввуф ва «суфий» сўзлари IX асрнинг бошларида яшаган Абу Ҳошим Суфийдан бошлаб жорий этилган. Ундан олдинги даврларда бу атама ўрнида «зуҳд» («зоҳидлик», «таркидунёчилик»), «тақводорлик», «парҳезкорлик» каби сўзлар ишлатилган.

Ўрта Осиёда тасаввуф таълимотининг ривожлантириши улуг аждодларимиз – Хожа Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Гиждивоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валийлар сингари алломалар номи билан боғлиқдир. Тасаввуф таълимотини кенгайиши натижасида Ўрта Осиёда унинг турли хил йўналиш – тариқатлари (XII асрда Туркистонда «Яссавия», XII аср охирида Хоразмда «Кубравия», XIV асрда Бухорода «Нақшбандия») пайдо бўлди ва тарқалди. Ушбу тариқатларда инсонлар Аллоҳ йўлида, ҳақ йўлида тинимсиз тоат – ибодат, тавба – тазарру қилиш баробарида уларнинг пешона терисини тўкиб, ҳалолу пок меҳнат қилиш, доимий саъй – ҳаракатларда бўлишлари кераклиги урғуланади.

5. Моддий маданият. Бинокорлик ва меъморчилик. IX – XII асрларда Мовароуннаҳрда моддий маданият ўзига хос услуб ва шаклларда тўхтовсиз ривож топиб борди. Халқ ичидан чиққан маҳаллий усталар, меъморлар, наққошлар, кулоллар, заргарлар, мискарлар томонидан юрт довуғини оламга танитган ажойиб меъморчилик обидалари, санъат намуналари бунёд этилди. Мовароуннаҳрда меъморлик ва санъат янги тараққиёт босқичига ўтди.


Ушбу даврда Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Ўзган ва Марв каби шаҳарларда кўплаб сарой, масжид, мадраса, минора, хонақоҳ, мақбара, тим (усти ёпиқ бозор) ва карвонсаройлар қурилди. IX – XII асрларда Ўрта Осиё меъморчилигида ижтимоий шароитдан келиб чиқиб, қурилиш ашёси сифатида пахса, хом ғишт ва пишиқ ғишт ҳамда боғловчи восита сифатида ганчдан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган эди. Бу вақтда синч қадаб қуриладиган уй – жойлар ва умум аҳамиятга эга бўлган бинолар, саройлар, масжидлар, мадрасалар қурилишида ёғоч ҳам муҳим ўрин эгаллар эди. X асрларга келиб бинокорликда қурилиш тартиби ҳам ўзгара бошлади. Маҳобатли қурилишда томи гумбаз билан ёпилган куб шаклидаги бинолар муҳим аҳамиятга эга бўла бошлади.

Мазкур давр меъморчилигининг ноёб обидаларига қуйидагиларни айтиш мумкин:



*Исмоил Сомоний мақбараси
(Бухоро, тахм. 864 – 868)*

Бухородаги кўхна меъморий ёдгорлик Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний ва унинг авлодлари мақбараси. Исмоил Сомоний мақбараси 4 томони бир хил чордара шаклида, жим – жима ғиштин безаклари чивикли тўсиқ ёки камиш, буйра тўқимасини эслатади. Исмоил Сомоний мақбараси Ўрта Осиё меъморчилиги ва санъати тарихидаги дастлабки мақбаралардан. Унинг тузилишида қадимги сугд меъморлигининг анъаналари сақланиб қолган буюк меъморий асардир. 1925 йилда гумбази таъмир этилган. В. Вяткин бошчилигида археологик текширувлар олиб борилган. Бинони кўмиб юборган зах тупроқлардан тозаланиб, Б. Засипкин ва Уста Ширин Муродов бошчилигида таъмирланган (1937 – 1939). Исмоил Сомоний мақбараси шаҳар маданият ва истироҳат боғи ҳудудида жойлашган.



***Аработа мақбараси
(Самарқанд вилояти Тим
қишлоғи, 977/8 (ҳижрий 367))***

Мазкур меъморий ёдгорликнинг меъмори номаълум. Пойдевори тошдан, деворлари чорси ғишдан (23x23x4 см) ганчхок билан терилган. Аработа мақбараси Мовароуннаҳрда сақланиб қолган энг қадимги мусулмон мақбараларидан бири. Мақбара меъморий тузилиши жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Унинг пештоқи ўша даврда яратилган шу

турдаги биноларнинг дастлабки етук намунаси бўлиб, XI – XII асрлар меъморчилигининг ривожига таъсир этган.

Мағоки Аттори масжиди (Бухоро, X – XVI асрлар)



Бухородаги меъморий ёдгорлик бўлиб, мағок (чуқурлик)да ва аттор бозори яқинида жойлашгани сабабли Мағоки Аттори масжиди деб номланган. Қадимги 4 устунли Моҳ масжиди (IX аср) ўрнида XII асрда эски лойиҳа асосида қайта қурилган (1934 – 1935 йиллари В.А.Шишкин

раҳбарлигида археологик қазишлар ўтказилиши натижасида аниқланган). XIV асрда таъмирланган, XV асрда пештоқининг юқори қисми бузилган. Абдулазизхон даврида (1541 – 42 йиллар) бинонинг юқори қисми, гумбазлари қайта қурилган. Масжид тарҳи (13,35x17,6 м) содда ечимга эга, ичкараси 6 устунли, 12 гумбазли, ўрта гумбази баландроқ бўлиб, унинг асоси (пойгумбази)даги дарчалар орқали бино ичига ёруғлик тушади. Шарқий қисмини кенг пиллапояли зина эгаллаган. Бош тарзидаги пештоқ ғайри одатий равишда бинонинг ён томони (жануб)да жойлашган. Кейинчалик шарқий қисмига қайта қурилган. Пештоқининг кўринишида ёйсимон чуқур равоқ ва ундаги ўзига хос безаклар муҳим ўрин тутади. Ганч ва майда ғишт

бўлакчаларидан безатилган пештоқ ҳашами ғоятда нафис ва юксак бадий дид билан бажарилган. Намоён ўлчамларига мутаносиб равишда мураккаб бўртма безаклар ишланган. Устун гўшалари ўйма нақшлар билан, бошаси вазасимон шаклда кўркамлаштирилган. Мағоки Аттори масжидининг безаклари XII аср Бухоро меъморлик мактабининг юксак намунаси сифатида Ўзбекистан меъморлик тарихида алоҳида ўрин тутди. 1939 – 1949 йилларда пештоқи мустаҳкамланиб таъмирланган, атрофи ободонлаштирилган.



***Қусам ибн Аббос мақбараси
(Самарқанд, XI аср)***

Шоҳизинда ансамблининг шимолий – шарқий қисмида жойлашган энг қадимги ёдгорлик. Қусам ибн Аббос қабри атрофида кейинчалик турли масжид, мақбара ва чиллахона бунёд этилган. Қусам ибн Аббос ислом динининг асосчиси, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиваччаси бўлган Аббоснинг

зурриёти эди. Қусам ибн Аббос исломни тарғиб ва ташвиқ қилишда иштирок этган буюк шахслардан бўлган. У шу мақсадда 676 йилда араб истилочилари билан биргаликда Самарқандга келган. Шу ерда, афсоналарда айтилишича, номоз ўқиб турган пайтларида кофирлар ҳужум қилиб уни ўлдирган эканлар.


Бухоро намозгоҳи (Бухоро, 1119)



Бухородаги меъморий ёдгорлик. Шаҳарнинг жанубий чеккасида, қорахонийлар сулоласининг ёзги қароргоҳи ўрнида барпо этилган. Масжид

пишиқ ғиштдан оддий қилиб қурилган, атрофи баланд девор билан ўралган. XVI асрда 3 токили ва устунли пешайвон шаклидаги гумбазли бино қурилган. Тарҳи тўғри тўртбурчак бўлиб, 3 асосий хонадан иборат. Ўртадаги мурабба тархли хона ясси гумбаз билан, ёнларидаги хоналар балхи гумбаз билан ёпилган. Асосий хонага пештоқ, ёнидаги хоналарга далон – йўлакдан қирилган. Пештоққа гириҳ нақш ишланган, Қуръондан кўчирилган оятлар битилган. Бухоро намозгоҳи меъморчилигида меҳроб ва унинг атрофида ишланган кошинкори безаклар алоҳида ажралиб туради. Унда Бухоро меъморчилиги ва безак санъатининг анъаналари ўз ифодасини топган.

Работи Малик, Шоҳ работи
(ҳозирги Навоий шаҳрида яқинида, Кармона, тахм. 1069 – 79)



Ўрта Осиёдаги монументал меъморий ёдгорлик Қадимги Бухоро – Самарқанд йўлининг Чўли Маликдаги йирик чегара ва савдо бекатида бунёд этилган. Катта карвонсарой, ҳозирги Навоий шаҳри яқинида. Бизгача унинг фақат

пештоқ қисми (диаметри – 12,6 м.) сақланган.

Жанубий минораси (баландлиги 5,5 м) 1930 йилгача мавжуд бўлган. Работи Малик карвонсарой вазифасидан ташқари, истехком, кўрғон сифатида ҳам муҳим роль ўйнаган. Работ катта кенг ҳовли (22,5x22,5 м) ва атрофи ўралган 2 қаватли хона – хужралардан иборат бўлиб, уларга сопол қувурлар орқали сув ўтказилган. Марказий қисми тўридаги мухташам сарой олди бир қаторли равоқли айвон (7,5x13 м) 2 қанотига жойлашган.

Бухоро Арки (Бухоро, IX – XX асрлар)



Бухородаги қадимги шаҳарсозлик ёдгорлиги. Дастлаб мил. авв. I асрда қурилган. Шаҳарнинг қадимги қалъаси. Араблар истилосига қадар аркда шаҳар ҳокимлари – бухорхудотлар яшаган. Сомоийлар даврида (IX – X асрлар) қайта қурилиб девор ва буржлар билан мустаҳкамланган.

Қорахонийлар даврида (XI – XII асрлар) ва мўғуллар босқинчилиги вақтида (XIII аср) арк бир неча бор вайрон қилинган. Ҳозирги қиёфаси асосан Шайбонийлар сулоласи даври (XVI аср)да шаклланган.

Баландлиги 20 м ча бўлган тепалик устига қурилган аркнинг майдони 4 га, тарҳи кўпбурчакли. Турли даврларда деворлари тош, пишик ва хом ғишт, пахсалар билан мустаҳкамланган.



Чашмаи Айюб мақбараси (Бухоро, XII аср, 1380)

Муқаддас зиёратгоҳ биноси тўғри тўртбурчак тарҳли (19 x 26 м) бўлиб, ғарбдан шарққа чўзилган 4 хонадан иборат, ҳар бир хона бир – бирига ўхшамаган гумбазлар билан қопланган. Дастлаб энг қадимги хона – мурабба тарҳли (4,5 x 4,5 м) қудуқхона бунёд этилган (Арслонхон томонидан Минораи калон ва Намозгоҳ масжиди билан бир даврда қурилган деган ривоятлар сақланган), унинг икки ёнида зиёратчилар учун ўз вақтида 2 эшиги бўлган. Олд томонига тоқли хона (4,5 x 4,5 м) туташтириб қурилган, у бинога пешток вазифасини ўтаган, кўш гумбазли, олди пештоқли. Зиёратхона деворида Амир Темур фармойишига биноан 1379 йилда унга тақаб гумбазли катта хона, бурчакларида миноралари бўлган дахлиз қурилганлиги ёзилган. Бинонинг қадимги қисми ичкарида қолган. Ривоятларга кўра чашма – қудуқ Айюб пайғамбар қадамжойи.



Жарқўрғон минораси (Сурхондарё вилояти, 1108 – 09)


Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Минор қишлоғида жойлашган меъморий ёдгорлик. Хуросон меъморлик мактаби анъаналари асосида барпо этилган. Ёнида бир вақтлар пишик ғишtdан қурилган Жоме масжид бўлган (сақланмаган). Жарқўрғон минораси 8 қиррали пойдевор устига ғишtdан мавж шаклида терилган 16 плитавор қобирғадан иборат. 20 м баландликда ғиштин панжарали равоқлар ишланиб, унинг устида куфий ёзувли белбоғ хошия бор. Белбоғ устида яна қирралар давом эттирилган, лекин минора тепаси сақланмаган. Н.Н. Каразин расмида масжид ва минора харобаси акс эттирилган (1879 йил). Миноранинг ҳозирги бал. 21,6 м, асоси (диаметри – 5,4 м)нинг китобасида меъмор номи Али ибн Муҳаммад Сарахсий ва қурилган санаси ёзилган (В.А. Шишкин томонидан ўқилган). Жарқўрғон минораси таъмирланган, давлат томонидан муҳофаза қилинади.



***Минораи калон (Катта минора),
Арслонхон минораси (Бухоро, 1127)***


Бухородаги меъморий ёдгорлик. Мухандис ва меъмор Бақо лойиҳаси асосида Қорахоний Арслонхон қурдирган (1127). Минораи калон ўрнида аввал ҳам минора бўлган, у қулаб тушгач, мустаҳкам қилиб қайта қурилган. Пойдевори тош ва махсус қир қоришмасидан терилган. Ер сатҳидан 9 м чуқур, бал. 50,0 м, курсиси қиррадор, танаси ғўласимон, тепаси гумбазли давра қафаса – кўшк билан боғланган.

Минораи калоннинг ўзаги ҳам, безаги ҳам чорси ғишт ганчхок лойида терилган. Безаклар орасида тарихий ва диний мазмундаги куфий ёзувлар учрайди. Шаклларнинг ўзаро монандлиги ва мутаносиблиги, ҳандасий уйғунлик, ажойиб кўрк ва маҳобатлилиқ Минораи калонга чинакам гўзаллик бағишлайди. 1924 йилда бинонинг танаси ва муқарнаслари таъмир этилган. 1960 йилда эса ер остидаги асоси (курсиси) уста Очил Бобомуродов томонидан очиб таъмирланган. Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан Минораи калонда таъмирлаш ишлари олиб борилди (1997). Минораи калон Бухоро шаҳрининг ноёб ва қўхна ёдгорликдари қаторидан марказий ўрин эгаллаган.



***Вобкент минораси
(Бухоро, XII аср)***

Бухоро вилояти Вобкент шаҳридаги меъморий ёдгорлик. Ўн икки қиррали супа асосга ўрнатилган ғўла (қуйи қисмининг диаметри 6,19 м, юқори қисминики – 2,81 м) шаклида рангдор, пишиқ ғиштлардан қурилган. Бир пайтлар ёнида мавжуд бўлган масжид томонидан кириб, юқorigа айланма зинапоя орқали чиқилган. Бўртма нақшли 10 белбоғ билан қисмларга ажратилган, ҳар бир қисми бир – бирига ўхшамайдиган қилиб ғишт териб нақшланган, қуйисидаги нақшлар орасида қурилган йили ва қурдирган шахс – Садр Бурҳониддин Абдулазиз II нинг номи куфий услубида ёзилган. Миноранинг учи кенгайтирилиб, қафаса ишланган (диаметри 3,66 м), ғишт териб ишланган 10 равоқ орасида 10 дарча ҳосил килинган, дарчаларнинг қуйиси ғишт панжара билан тўсилган. Миноранинг ташқи кўриниши кўп жиҳатдан Минораи калонга ўхшайди, лекин муқарнаслари анча содда. Минора супаси тупроқ остида қолган, қурилган пайтида унинг баландлиги 2,3 м бўлганини археологик тадқиқотлар кўрсатади. Миноранинг умумий баландлиги эса 40,3 м.



Султон Санжар мақбараси
(Марв, (Туркменистон)
XII асрнинг 40 – йиллари)

Салжуқийлар султони Санжар (1157 йилда вафот этган) ўзи учун қурдирган улкан бино. Меъмори Муҳаммад ибн Отсиз ас Сарахсий. Султон қалъа марказига жойлашган. Султон Санжар мақбараси бизгача хароба ҳолда етиб келган. Мақбарага Салжуқийлар саройи ва масжид туташ бўлган. Султон Санжар мақбарасига турли урушлар кўп путур етказилганига қарамай, ўз маҳобатини йўқотмаган. 1980 йилда қайта тикланган.

Ушбу меъморий ёдгорликлар билан бирқаторда бу даврида барпо этилган кўплаб ноёб меъмочилик иншоотлари қаторида Ўзгандаги **Қорахонийлар мақбараси (XI аср)**, Ғазна яқинида мармар кошинлардан барпо этилган 32 та кириш эшиклари, 4 та айвони бўлган, баланд қуббалари ложувард осмонни эслатувчи **Ғазнавийларнинг маҳобатли ёзги саройи** (1112 йилда қурилган)ни ҳам айтиш мумкин.

7 – мавзу: Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши. Ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт (XIV – XV асрлар)

Режа:

1. XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда ижтимоий – сиёсий вазият. Амир Темурнинг сиёсий кураш майдонига кириб келиши.
2. Марказлашган давлатнинг ташкил топиши ва салтанатни барпо этиш йўлидага ҳарбий юришлар.
3. Амир Темур давлатидаги сиёсий, ижтимоий – иқтисодий муносабатлар. «Темур тузуклари» ва унинг аҳамияти.
4. Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон.
5. Амир Темур ва темурийлар даврида илм – фан ва маданий ҳаёт.

Таянч сўз ва иборалар: Сиёсий тарқоқлик. Амир Темур. Амир Темур – марказлашган давлат асосчиси. Амир Темур ҳарбий юришлари. Анқара жанги, Темур тузуклари. Хуросон, Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Хусайн Бойқаро, Амир Темур ва темурийлар даври моддий маданияти, Улуғбек академияси, Амир Темур боғлари, илм – фан равнақи, тарихшунослик, хаттотлик санъати, тасвирий санъат, мусиқа маданияти, бадиий адабиёт: ўзбек ва форс – тожик адабиёти.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3 – жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. Асарлар, 4 – жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. Асарлар, 5 – жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир. Асарлар, 5 – жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
6. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2000. –Б. 151-234.
7. Акрамов С.А. Буюк ўзбек олими Улуғбек. – Т.: 1961.
8. Аҳмедов Б. Улуғбек. – Т.: Камалак, 1994.
9. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б.105-130; 299-316; 316-328.
10. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур (ҳаёти ва ижтимоий сиёсий фаолияти). – Т.: 1996.
11. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом, 1990.
12. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989.
13. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2 – жилдлик. – Т.: Меҳнат, 1992.

14. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Соҳибқирон Амир Темур ва унинг салтанати. – Андижон: Мерос, 1995.
15. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Биринчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 354 – 514.
16. Люсьен Кэрэн. Амир Темур салтанати. – Т.: Маънавият, 1999.
17. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001.
18. Мустақиллик: Изоҳли илмий – оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2006.
19. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар даври. – Т.: Фан, 1996.
20. Сагдуллаев А. ва бошқа. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I – қисм. – Т.: Академия, 2000. – Б. 128-145.
21. Темур тузуклари. Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. – Т.: 1996.
22. Усмонов Қ., Содиков М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I – қисм. Ўқув қўлланма. – Т.: 2002. – Б. 171 – 193.
23. Холбеков М. Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари. – Самарқанд: 1996.
24. Ўзбекистон тарихи (Қисқача маълумотнома). – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 87-111.
25. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 268-298.
26. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1,2,3 ... – 12 жилдлар.
27. Қаюмов А. Алишер Навоий. – Т.: 1994.
28. Ҳожи Исмагуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. Қисқача маълумотнома / Масъул муҳаррир Н. Иброҳимов. / – Т.: Шарқ, 2005.
29. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Шарқ, 1997.
30. Usmonov Q., Sodiqov M., Burxonova S. O'zbekiston tarixi. – Т.: 2006. – В.164-185.
31. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1 / Mas'ul muharrir: A. Sagdullayev. – Т.: Sharq, 2010. – В. 338-485.

1. XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда ижтимоий - сиёсий вазият. Амир Темурнинг сиёсий кураш майдонига кириб келиши. XIV аср ўрталарида Чингизхон эгаллаб олган ерлар унинг меросхўрлари қўл остида бўлса ҳам, бу ерлар майда бўлақларга бўлиниб кетиб, уларда тожу – тахт, ҳокимият учун ўзаро низолар кучайиб кетган эди. Чиғатой улусидаги барқарорлик Қозонхон вафотидан сўнг (1336 – 1347) барҳам топди. Сиёсий ва иқтисодий инқироз Амир Қазоғон (1347 – 1357) даврида янада авж олди. Амир Қазоғон фитна натижасида ўлдирилгач, XIV асрнинг 50 – 60-йилларида Чиғатой улусига қарашли Мовароуннаҳр ҳудудида 10 га яқин мустақил бекликлар вужудга келди (Хоразмда сўфийлар, Қашқадарёда барлослар, Оҳангарон водийсида жалойирлар, Бухорода садрлар, Термиз атрофида сайидлар амирлари ва бошқалар). Мустақил бекликларга бўлиниш оқибатида

беклар ўртасида доимий низо, жанжаллар юзага келди. Юрт бутунлигига жиддий хавф остида қолади.

Бунинг устига, 1348 йил тахтни эгаллаган Туғлуқ Темур 1360 – 1361 йилларда Мовароуннаҳрга бирин – кетин икки марта бостириб киради. Унинг хуружи ҳам вазиятни янада қийинлаштирди. Мана шундай ўзаро ички



урушлар қизиган, мўғуллар зулмига қарши меҳнаткаш халқ ҳаракатлари бошланган бир даврда мамлакатда янги сиёсий куч етилмоқда эди. Бундай қалтис вазиятда сиёсий кураш майдонига ёш Амир Темур кириб келди.

Амир Темур, (тўлиқ исми Амир Темур ибн Амир Тарағай ибн Амир Барқул) 1336 йил 9 апрелда Кеш, ҳозирги Шаҳрисабз шаҳри яқинидаги Хожа Илғор (ҳозирги Яккабоғ тумани) қишлоғида барлос уруғининг оқсоқолларидан ҳамда Чигатой улусининг эътиборли бекларидан ҳисобланган Амир Тарағай (? – 1360) оиласида дунёга келди. Амир Темурнинг онаси Такина хотун (тахм. 1318 – 1353)

бухоролик.

Амир Темурнинг ёшлиги Кешда кечди. Етти ёшга тўлгач, отаси уни ўқишга беради. Шайх Шамсуддин Кулол (? – 1360 йилгача, Кеш) Темурбекнинг пири бўлган. У ёшлик чоғлариданоқ махсус мураббийлар назорати остида чавандозлик, овчилик, камондан нишонга ўқ узиш, бошқа турли машқ ва ҳарбий ўйинлар билан машғул бўлган. Шу аснода Амир Темур тулпорларни саралаб ажрата оладиган моҳир чавандоз ва довюрак баҳодир бўлиб вояга етган. Амир Темур табиатан оғир, босиқ, теран фикрли ва идрокли ҳамда ниҳоятда зийрак, кишилардаги қобилият, фазилат, айниқса, самимиятни тезда фаҳмлаб оладиган инсон бўлган. Шу туфайли ўспиринлик чоғларидаёқ атрофига тенгқурлари орасидан садокатли дўстларни жалб қила олган. Унинг атрофига болаликдаги дўстлари ва мактабдошлари (Аббос Баҳодур, Жаҳоншоҳбек, Қимори Иноқ, Сулаймоншоҳбек, Идику Темур, Сайфуддинбек, Ҳиндушоҳ, Қарқара ва бошқалар) тўпланишиб, биргаликда машқ қилар, мусобақаларда иштирок этишар, аста – секин навкар бўлишиб ва ҳарбий гуруҳга бирлашиб, ҳарбий бўлинма сифатида шакллана борган. Кейинчалик улар Амир Темур кўшинида лашкарбошилиқ даражасигача кўтарилганлар.

Амир Темур ўзининг илк ҳарбий фаолиятини қўл остидаги навкарлари билан айрим вилоят амирларига хизмат қилишдан бошлаган; уларнинг ўзаро курашларида катнашиб, жасорат кўрсатган, жангларда чиниққан, ҳарбий маҳоратини оширган. Донғи бутун Қашқадарё воҳасига ёйилган. Амир Темурнинг ақлу заковати, шижоати ва шуҳрати уни Мовароуннаҳрнинг

нуфузли амирларидан амир Хизр Ясовурий ва амир Қазатн билан яқинлаштирди. Хондамирнинг ёзишича, отаси амир Тарагой Амир Темурни аввал (1355) амир Жоку барлоснинг қизи Нурмушк оғога, сўнгра ўша йили (1355) Қазағоннинг набираси ва амир Хусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғога уйлантиради. Кейинги никоҳ туфайли Амир Темур билан Балх ҳокими амир Хусайн ўртасида иттифоқ юзага келиб, улар биргаликда мўғулларга қарши курашадилар.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Туғлуқ Темур 1360 – 1361 йилларда Мовароуннаҳрга ҳарбий юришларни амалга оширди. Мовароуннаҳр амирлари халққа бош бўлиб мўғул босқинчиларига қарши курашга журъат эта олмайдилар. Уларнинг бир қисми душман тарафига ўтади, иккинчи қисми эса эл – юртни тарк этиб, ўзга мамлакатлардан бошпана излайди. Амир Темурнинг амакиси Кеш вилоятининг ҳукмдори Амир Ҳожи Барлос Хуросон томонга қочади.

Юрт бошига тушган мана шундай оғир паллада сиёсат майдонига кирган 24 ёшли Темур халқ билан бирга бўлишга интилиб, бошқача йўл тутди. У 1360 йилнинг бошида Туғлуқ Темур томонидан Кешга юборилган беклар билан келишиб, хон хизматига киради. Натижада Туғлуқ Темурнинг ёрлиғи билан ўз вилоятининг доруғаси (ҳоким) этиб тайинланади. Шубҳасиз, бу ноиложликдан кўйилган сиёсий ҳамда стратегик қадам бўлиб, бу билан Амир Темур мўғулларнинг навбатдаги талон – тарожининг оддини олган, мамлакат ва халқни фалоқатдан қутқарган эди. Бироқ, Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори этиб тайин қилинган Илёсхўжа ва унинг лашкарбошиси амир Беккичик билан Амир Темурнинг мурасиси келишмай қолади. Шу сабабдан 1361 йилнинг охирида у мамлакатни тарк этишга мажбур бўлади.

Амир Темур Хиванинг жанубида, Урганжий даштида Туғлуқ Темурнинг яна бир рақиб — қайноғаси Амир Хусайн (Хусаин ибн Мусаллаб — ? – 1370) билан учрашади. Амир Хусайн билан Соҳибқирон Темурнинг бир – бирлари билан жуда яқинлашган ва яхши муносабатда бўлган даврлар 1361 – 1365 йилларни ўз ичига олади. Дастлаб улар Туғлуқ Темурнинг фармонига биноан Амир Темурни таъқиб қилишга киришган Хива доруғаси Тўқол (Таваккал) билан жанг қиладилар ва уни тор – мор келтиради. Бироқ ушбу жанг оқибатида Соҳибқирон ғоят оғир аҳволга тушади. 1362 йил бу вазиятдан хабар топган Махон (ҳозирги Мари ёнида) ҳокими туркман Алибек Жониқурбон Илёсхўжага ёқиш мақсадида Темурни қўлга олади ва зиндонга ташлайди. Темур зиндонда 62 кун тутқунликда ҳаёт кечирган. Бундай оғир вазиятда унга туркманларнинг санжари қабиласи бошлиғи Муборакшоҳ ёрдам беради.

1362 йилнинг кузида Сейистонда вилоят ҳукмдори Малик Қутбиддиннинг тарафида туриб мекронийлар билан бўлган тўқнашувда Амир Темур ўнг кафти ва ўнг оёғидан жароҳатланди. Бунинг оқибатида у бир умр оқсоқланиб юради. Шу боис ундан даҳшатга тушган душманлари ҳасад билан Темурланг деб аташган. Икки ой мобайнида Темур Гармсирда даволанди. Сўнгра Балхга йўл олди. Бу ерда ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўрди.


1363 йил Туғлуқ Темур вафот этиб, Мўғулистонда хонлик тахтини Илёсхўжа эгаллайди. Шу йили Амир Хусайн ва Амир Темур Амударёнинг чап соҳилида, Қундуз шаҳри ёнида умумий душман устидан ғалаба қозонадилар. Кейинги икки йил давомида иттифоқчилар Илёсхўжа бошлиқ жета лашкарлари билан бир неча марта жанг қиладилар. Ниҳоят 1364 йил охирида улар мўғулларни Мовароуннаҳрдан қувиб чиқарадилар.

Бироқ Мовароуннаҳрни қўлдан чиқаришни истамаган Илёсхўжа 1365 йилнинг баҳорида яна Мовароуннаҳр устига қўшин тортади. Икки ўртадаги жанг Тошкент билан Чиноз ўртасидаги Чирчиқ дарёси бўйида (Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сига кўра 1360 йил 16 июнда) Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига биноан 1365 йил 22 майда содир бўлади. Тарихда у «Жанги лой» - «Лой жанги» номи билан шуҳрат топади. Чунки ўша куни кучли жала қуйиб, жанг майдони ботқоқликка айланган, ҳатто отлар лойга ботиб қолган. Жангда амир Хусайннинг хиёрати оқибатида мағлубиятга учрайдилар ва ўз қўшинлари билан Амударё бўйларига чекиниб, Балх вилоятида ўрнашдилар. Илёсхўжа эса ҳеч қандай қаршиликка учрамай Хўжанд, Жиззах ва бошқа бир қанча шаҳар ҳамда қишлоқларни эгаллаб, Самарқанд устига юради. Самарқанд ўша пайтларда катта қўшинга қаршилик кўрсата олмасди. Шаҳарнинг на девори ва на мустаҳкам истехкомлари, на қуролланган сипоҳийси бор эди. Бек ва амирлар шаҳарни тарк этган эди, лекин мўғулларга қарши халқ кўтарилди, сарбадорлар шаҳар мудофаасини ўз қўлларига олдилар. Шаҳар мудофаачиларига Мадраса толиби илмларидан Мавлонозода Самарқандий, жун (пахта) титувчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Кулуйи (Калавий) Наддоф ва мерган мавлоно Хурдаки Бухорийлар бошчилик қиладилар. Сарбадорлар Самарқанд шаҳрида мўғулларга қақшатқич зарба берадилар.

Самарқандликларнинг ишлаб чиққан ҳарбий режаси пухта чикди ва ўз самарасини берди. Бир неча ҳужум самарасиз тугагач мўғуллар шаҳар атрофини қуршаб олиб узок вақт қамал қилиш режасини ўйлаб чикдилар. Лекин лашкар сафида юқумли касаллик тарқалди. Буни от вабоси (ўлати) деб аташади. Ўлат оқибатида Илёсхўжа қўшинларига мансуб отларнинг катта қисми қирилиб кетди. Илёсхўжа катта йўқотишлар билан дастлаб Самарқандни, кейин эса Мовароуннаҳрни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Сарбадорларнинг Илёсхўжа устидан ғалабаси бутун Мовароуннаҳрга овоза бўлди. Бу пайтда Кешда бўлган Амир Темур бу хабарни Амударё бўйларида бўлган Амир Хусайнга етказди. 1366 йилнинг баҳорида улар Самарқандга етиб келадилар ва шаҳар яқинидаги Конигил (Самарқанднинг жанубий-шарқида, Чўпонота тепалиги этагидаги гил кони бўлиб, бу кон яқинида, Сиёб (Обираҳмат) ариғи бўйида жойлашган кенг, кўкаламзор мавзе) мавзейига келиб тушадилар. Беклар сарбадорларнинг етакчилари билан музокара олиб борадилар. Учрашувнинг биринчи кунида беклар уларнинг шарафига зиёфат бериб, шаънига ҳамду санолар айтадилар. Бироқ эртаси куни Абу Бакр Кулуйи билан Хурдаки Бухорийлар дорга тортиладилар.

Мавлонозодани эса Амир Темур ўртага тушиб кутқариб қолади. Шу тариқа сарбадорлар бошлиқсиз қолдирилиб, ҳаракат бостирилади. Мовароуннаҳрда Амир Ҳусайннинг ҳукмронлиги ўрнатилади. Аммо кўп вақт ўтмай Ҳусайн билан Амир Темур ўртасида муносабат кескинлашиб, очикдан очик низога айланади. Амир Ҳусайн Амир Темурга яқин бир неча бекларни исён кўтаришда гумонсираб, уларга катта жарима солди. Темур дўстларига ёрдам бериш мақсадида бисотидан бор жавоҳирларни қайноғасига тўлаб яқин кишиларини кутқариб қолди. Тўпланган бойликлар ичида Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Турконнинг қулоғидаги олтин сирға ҳам қўшиб товонга киритилган бўлиб, уни аслида Темур ва Ўлжой Турконнинг тўй кунларига яқин Ҳусайн томонидан ҳадя қилинган эди. Жавоҳирлар ичида сирға эгаси кимлигини билиб туриб Ҳусайн уни қайтариб бермаган. Амир Темур бундан қаттиқ ғазабланган. 1366 йилда Ўлжой Туркон хотуннинг ўлими ҳам икки ҳукмдорни бир – биридан ажралишини тезлаштирган омил десак бўлади. 1366 – 1370 йиллар давомида улар ўртасида бир неча бор ўзаро тўқнашувлар ҳам бўлади.



Амир Темур давлати яловбайроғи

1370 йилнинг баҳорида Амир Темур бутун қўшинлари билан кучли рақиб – Балх ҳукмдори Амир Ҳусайнга қарши йўлга чиқади. Қўшин Термиз яқинидаги Биё қишлоғига етганида унинг ҳузурига таниқли уламолардан Саййид Барака (?-1404) ташриф буюради. Саййид Барака Амир Темур фаолиятини қўллаб – қувватлаб, унга Олий

ҳоқимият рамзи табл (ноғора) билан яловбайроқ тортиқ қилиб, унинг буюк келажагидан башорат қилади. Бу воқеа, шубҳасиз, сиёсий аҳамиятга эга эди. Чунки у салтанатлик рамзи эди. Амир Темур қўшини то Балхга етиб боргунича, йўл – йўлакай унга янги – янги кучлар келиб қўшилади. Бу пайтга келиб Амир Ҳусайннинг кўпчилик амирлари уни тарк этадилар. Жангда Амир Ҳусайн қўшинлари енгилди, икки кунлик қамалдан сўнг, 1370 йилнинг 10 апрелида Балх шаҳри Амир Темурга таслим бўлади. Амир Ҳусайн қатл этилади. **Бу ғалабадан сўнг ўша даврнинг удумига кўра, Темур Амир Ҳусайн тахтига ўтиргач, унинг хотинларидан тўрттасини ўзига хотинликка танлади, улар ақл ва фаросатда, гўзалликда тенгсиз Чифатой улуси хони – Қозонхоннинг қизи Сароймулкхоним, Баён сулдузнинг қизи Улус оғо, Хизр – Ясаурийнинг қизи Ислом-оғо ва Тоғой – Турконлар эдилар. Ҳусайннинг бошқа хотинларини Темур ўзига яқин кишиларга хотинликка берди.**

Амир Темур Қозонхоннинг қизи Сароймулкхоним (1341 – 1408) яъни хон қизига уйланганлиги муносабати билан Амир Темур «кўрагон», яъни «хоннинг куёви» унвонини олди. Зотан хон авлодига мансуб Сароймулкхоним

ҳарамдаги барча маликалардан улуғ ҳисобланиб, «Катта хоним» ёхуд **«Бибихоним»** деган унвонга эга бўлади.

1370 йилнинг 11 апрелида Чигатой улусининг бек ва амирлари, вилоят ва туманларнинг доруғалари, Амир Темурнинг қуролдош дўстлари, шунингдек, Амир Темурнинг пири Саййид Барака иштирокида қурултой ўтказилади. Қурултойда Амир Темурнинг ҳукмдорлиги расман тан олиниб, у Мовароуннахрнинг амири деб эълон қилинади. Лекин ўша даврдаги вазиятни ва амирлардан бўлганлигини ҳисобга олиб, мўғулларнинг қаршилигини кучайтирмаслик мақсадида хон тахтига «сохта хон» Чингизхон наслидан Суюрғотмиш (1370 – 1388) ўтказилди. Кейинчалик Амир Темур Хоразмга қилган 4 – юришидан қайтиб келгач, Бухорода оламдан ўтган Суюрғотмишхон ўрнига унинг ўғли Султон Маҳмуд (1388 – 1404) расмий равишда хон сифатида тахтга ўтказилган. Амалда марказий ҳокимиятни Амир Темур ўзи бошқарди. Самарқанд давлат пойтахти деб эълон қилинди. Самарқандда мустаҳкам деворлар, қалъалар ҳамда саройлар барпо этилади.

2. Марказлашган давлатнинг ташкил топиши ва салтанатни барпо этиш йўлидаги ҳарбий юришлар. Амир Темур Мовароуннахрнинг қонуний ҳукмдори бўлиб олгач, мамлакат ҳудудларини бирлаштиришга киришди. Шу мақсадда у 1370 йил июнида Самарқандда қурултой чақирди. Қурултойда Шибирғон ҳокими амир Зинда Чашмдан бошқа Мовароуннахрнинг барча амирлари ва қабила бошлиқлари тўпландилар. Унда марказий давлат тизимини шакллантириш ва қўшин тузиш масалалари муҳокама этилди. Икки дарё оралиғида яшовчи турк – мўғул қабила бошлиқлари, барча амирлар Амир Темур ҳокимиятини тан олдилар. Амир Темур мамлакатда қонун ва тартиб ишларини жорий этади. Махсус қўшин тузиб, унга катта имтиёзлар беради. Амир Темур йирик ҳарбий бўлинмаларнинг бошлиқлари этиб Ардашер Қавчин, Жоку Барлос, Искандар Аълам Шайх, Усмон Аббос, Сайфиддин Барлосларни тайинлади.

Амир Темур ҳукумронлигининг дастлабки йилларда мамлакат сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берди. Исёнчи амирларга қарши шафқатсиз кураш олиб борди. Шарқий ҳудудларни мўғуллар таъсиридан озод этиш учун 1370 йил охири ва 1371 йил бошида Шарқий Туркистон томон юриш қилинади. Мўғул хони Кепак Темурга қаттиқ зарба берилиши оқибатида Фарғона водийси ҳудудларини, Ўтрор, Ясси (Туркистон) ва Сайрамни ўз тасарруфига олди. 1370 – 1371 йилларда Ҳисор, Бадахшон, Қундуз каби вилоят амирлари ҳам Амир Темур ҳокимиятини тан олиб, унга бўйсундилар. 1370 йил кузи ва 1371 йил баҳорида амир Зинда Чашмга зарба бериб, Афғонистон шимолидаги Шибирғон вилояти бўйсундирилди. Балх ва Тошкент вилоятлари ҳам Амир Темур ҳокимиятини тан олдилар.

Амир Темур ўз салтанати таркибига Хоразм мулкани ҳам қўшиб олиш учун беш мартаба (1371, 1373, 1375, 1379, 1388) ҳарбий юриш қилди.

Маълумки, Хоразм Оқ Ўрда ҳукмдорларига суяниб, ҳануз бўйсунидан бош тортиб келарди. Хоразмни Амир Темур Чигатой улусининг ажралмас қисми деб ҳисоблаб, уни ўз давлатига қўшиб олиш сиёсатини тутди. Аммо бу масала элчилар воситасида тинч йўл билан ҳал этилмагач, Амир Темур Хоразм ҳудудига беш маротаба юриш қилди. Биринчи юриши 1371 йил ёз (июль) ида Кот шаҳрини эгаллаш билан якунланди. Амир Темурнинг 1373 йил баҳори ва 1375 йил ёзида Хоразм томонга қилган икки юриши натижасиз тугади. Бу аснода Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан иттифоқ тузиб олган Хоразм ҳукмдори Юсуф сўфи, унинг ёрдамида Амир Темур давлати ҳудудларига бир неча бор юриш қилиб, Қорақўл вилояти ва Бухоро туманларини талон – тарож этди. Бундай вазият шубҳасиз, 1379 йилда Амир Темурни тўртинчи маротаба Хоразмга қўшин тортишга мажбур этди. Лекин, бу юриш ҳам аввалгилари каби сулҳ тузиш билан тугади. Бироқ шунга қарамай, Юсуф сўфи илгари Хоразмнинг Чигатой улусига тегишли бўлган жанубий – шарқий (Кот ва Хива шаҳарлари бирга) қисмини яна қайтадан босиб олди. Амир Темур давлатига нисбатан Юсуф сўфининг тутган бундай тажовузкорона сиёсати Хоразм устига Амир Темурнинг бешинчи марта юриш қилишига сабаб бўлди. 1388 йилда Хоразмнинг пойтахти вайрон этилиб, унинг ҳудудлари Амир Темур давлатига бўйсундирилди.

Бу орада Амир Темур Мўғулистон ҳокими Қамариддин билан ҳам тўқнашиб қолди, чунки бу даврда унинг Мовароуннаҳрга бўлган талончилик хуружлари кучайиб кетганди. Амир Темур мамлакатнинг шимолий – шарқий ҳудудларига нисбатан бўлаётган муттасил таҳдидни бартараф қилиш учун Қамариддинга жиддий зарба беришга киришади. Йигирма йил (1371 – 1390) мобайнида Соҳибқирон Мўғулистонга етти марта юриш қилиб, мўғул ҳукмдорлари Анқотўра ва Қамариддин устидан ғалаба қозонди. Шу зайлда Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хоразмда ички тарқоқлик, ўзаро низолар, шунингдек Мўғулистон томонидан бўлиб турган тазйиққа чек қўйиб, ушбу ҳудудда яшовчи элу элат ва халқларни ягона давлатга бирлаштирди. Бу шубҳасиз, Мовароуннаҳр аҳолиси тақдирида ижобий аҳамият касб этди.

Бироқ, Амир Темур бу билан қаноатланмади. Тез орада у қўшни давлатлар ва халқлар устига юриш қилиб, уларни ўзига бўйсундириш ва марказлашган буюк салтанат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу даврда Олтин Ўрда, Хуросон ва Эрондаги ижтимоий – сиёсий вазият унинг учун жуда қўл келди. Амир Темур ҳарбий юришни Хуросондан бошлади. 1381 йил у Ҳиротни эгаллади. Сарахс, Жом ва Қавсия шаҳарлари жангсиз таслим бўлди. Хуросон, хусусан унинг пойтахти Ҳирот стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Эрон, Ироқ, Шом ва бошқа мамлакатларга ўтишда кўприк вазифасини ўтарди. 1381 – 1384 йиллар давомида Амир Темур Эроннинг катта қисмини эгаллади. Аввал 1381 йилда Қалот, Туршиз ва Сабзавор, 1382 йилда Тус, Қалот шаҳарлари, 1383 йилда эса бутун Хуросон ва Мозандарон (Эрондаги тарихий вилоят) бўйсундирилади. 1384 йилда эса

ишғол қилди. Русия тарихчилари Б.Д. Греков ва А.Ю. Якубовскийларнинг таъкидлашича, Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси фақат Ўрта Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек, Рус князликларининг бирлашишлари учун ҳам буюк аҳамият касб этган эди.

Шундан сўнг Амир Темур бутун эътиборини Эрон, Ироқ, Сурия, Кичик Осиё ва Ҳиндистон ерларини узил – кесил забт этишга қаратди. У беш йиллик (1392 – 1396) уруш давомида Ғарбий Эрон, Ироқ (1393 йил 22 августда Бағдод шаҳри забт этилган) ва Кавказни эгаллади, натижада музаффарийлар ва жалоирийлар сулоласининг ҳукмронлиги барҳам топди.

Амир Темурнинг Ҳиндистон устига қилган уруши 1398 йил майдан – 1399 йил мартагача давом этган. Бу урушда Амир Темурга қарши асосий рақиб сифатида Деҳли ҳокими Султон Маҳмуд (1393 – 1413) чиқди. 1398 йил 17 декабрда Деҳли яқинидаги Панипат яланглигида шиддатли жанг содир бўлади. Бу жангда ҳам Соҳибқирон кўшини ғолиб бўлади. Амир Темур Деҳлидан кейин деярли катта қаршиликка учрамайди. Қарийб ўн бир ой давом этган жангларда Ҳиндистон забт этилди. Соҳибқирон жуда кўп қуллар ва бойликларни, шу жумладан 120 жанговар филни қўлга киритади ва уларни 1399 йил май ойида ўз пойтахти Самарқандга олиб келади. Булар орасида кўзни қамаштирувчи жуда катта, оловдек ёниб турган қип – қизил жавохир — **«Чирози олам»** алоҳида қимматга эга эди. Ёқутнинг юзига буюк Амирнинг номи ўйиб ёзилади ва Самарқанддаги йигирма беш минг ноёб жавохирлар каторидан жой олади.

Амир Темурнинг 1399 – 1404 йилларда олиб борган ҳарбий юришлари натижасида Шомнинг Ҳалаб (Алеппо), Хумс, Баалбек (Баъалбак), Димишқ (Дамашқ) каби йирик шаҳарлари ва Ироқи Арабиланинг Убулистон ўлкаси (қадимги Каппадокия) билан Бағдод, шунингдек Туркиянинг катта қисми забт этилади. Кенг кўламли ҳарбий юришлар натижасида Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг чегараси Усмонли турклар давлати чегарасига бориб тақалди. Бу даврда Яқин Шарқда Усмонли турклар, Миср султони ал-Фараж (1399 – 1405) нинг, шунингдек, жалоирийлар (1336 – 1432) ва қорақуюнлилар (1380 – 1468) нинг сиёсий ва ҳарбий қудрати ошиб, Темур салтанатининг жануби – ғарбий вилоятларига хавф солина бошланади. Бу урушнинг очилишига асосий сабаб бўлди. Шу омиллар туфайли бу икки давлат ўртасида тўқнашув бўлиши муқаррар бўлиб



Боязид I Йилдирим (1359-1403)
Усмонли турклар султони (1389 – 1402)

қолди. Бироқ Амир Темур 1389 йилдан Усмонли турклар тахтни эгаллаган султон Боязид I Йилдирим (1359 – 1403) билан жанг қилишга шошилмади, аксинча, султон билан муносабатни яхшилаш тарафдори бўлган. Зиддиятларни дипломатик йўл билан ҳал қилиш мақсадида икки томон ўртасида 4 марта хат

алмашиш ташаббускори бўлган. Бироқ Султон Боязид эса ҳар сафар қайсарлик, манманлик қилиб, ҳатто Амир Темур номига номақбул сўзларни ёзган. Натижада Амир Темур уруш бошлашга сабаб бўлади.

Амир Темур билан Султон Боязид кўшинлари ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 1402 йил 20 июлда Анқара яқинида, Чубук мавзейида содир бўлади. Бу жанг тарихда «**Анқара жанги**» деб аталади. Уч кун давом этган бу жангда ҳар икки томондан ҳаммаси бўлиб 360 минг нафар, шу жумладан, Соҳибқирон Амир Темурнинг тахминан 200 минг, усмонлилар



1402 йил Анқара жанги. Амир Темур ва Боязид I Йилдириим ўртасидаги яккама-якка олишувни. Ўрта аср миниатюраси

султонининг 160 минг аскари қатнашади. Жанггоҳнинг қулай қисмига жойлаштирилган кўшиннинг марказий қисмига Амир Темурнинг ўзи кўмондонлик қилади. Узоқ давом этган шиддатли жангда Соҳибқирон кучлари турк кўшинини тор – мор этади.

Султон Маҳмуд Боязид I Йилдириимни асир олишга муваффақ бўлган. У билан бирга хотини серб маликаси Оливера, ўғиллари Мусо ва Исо Чалабийлар ҳам асирга тушдилар. Сўнг, Амир Темур Анадолу ярим оролини эгаллаб, Ўрта денгизнинг шарқий соҳилида жойлашган Измир шаҳрини забт этди ва салибчиларнинг Яқин Шарқдаги охирги қароргоҳига барҳам берди. Сўнгра, Эгей денгизида жойлашган Хиос ва Лесбос оролларидаги Генуя мулкларининг ҳукмдорлари унга таслим бўлдилар, Миср ҳам ўз итоаткорлигини изҳор этди. Амир Темур Анқара, Никея, Бурса ва Измир шаҳарларини эгаллаб, Византия ва бутун христиан оламнинг Боязидга йиғиб берган божларидан иборат катта бойликни қўлга киритди. Биргина Бурса шаҳридан олинган олтин ва жавоҳирларнинг ўзи каттагина карвонга юк бўлган.

Банди қилинган Боязид ўрдугоҳга олиб келинган, Амир Темур унга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатди. Унинг вафотидан сўнг (1403 йил 9 март) эса ворисларига ҳиммат кўзи билан боқиб, уларга беқиёс мурувватлар қилди. Чунончи, Боязиднинг тўнғич ўғли Сулаймон Чалабийни туркларнинг Европадаги вилоятларига ҳоким этиб тайинлади. Эдирне (Адрианополи) шаҳри унинг пойтахти қилиб белгиланди. Анадолунинг шимолий – ғарбий қисми суюрғол сифатида Исо Чалабийга инъом қилиниб, Бурса шаҳри унинг пойтахтига айлантирилди. Усмонли турклар давлатининг марказий қисмини бошқаришни Мусо Чалабийга топширди. Амир Темур Усмонли турклар давлатини бутунлай босиб олиш ниятида бўлмаган, чунки у Европа

давлатларининг Яқин Шарқ мамлакатларига нисбатан тажовузкорона ниятда эканлигини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур Усмонли турклар давлатини сақлаб қолди ва Боязиднинг ворисларига мурувват қўлини чўзди.

Шундай бўлса-да, Боязид устидан қозонилган буюк ғалаба билан Амир Темурни Франция қироли Карл VI (1380 – 1422), Англия қироли Генрих IV (1399 – 1413) ҳамда Кастилия ва Леон қироли Генрих III (1390 – 1407) табриклаб, унга ўз муборакномаларини юбордилар. Чунки Соҳибқирон эндигина уйғонаётган Европага улкан хавф солиб турган Усмонли турклар давлатига зарба бериб, бутун Европанинг халоскорига айланган эди.

Амир Темур Кичик Осиёдан Самарқандга қайтгач, 1404 йил 27 ноябрида 200 минг кўшин билан Самарқанддан Хитой сафарига чиқди. Ўша йилги қиш Марказий Осиё тарихида энг қаҳратон қиш бўлган. Сирдарёнинг суви 1 метрга музлаган, аскарлардан кўпини кулоқ – бурунларини, қўл – оёқларини совуқ олган эди. Амир Темурнинг ўзи ҳам кўп ўтмай шамоллаб қолади. 1405 йил январ ойининг ўрталарида Ўтрорда тўхташга қарор қилишади ва шу ерда 18 феврал куни буюк жаҳонгир Соҳибқирон Амир Темур вафот этди. Амир Темурнинг вафоти ҳақидаги хабар гарчи аввалда сир тутилса-да, аммо кўп вақт ўтмай бу нохуш хабар мамлакат бўйлаб тарқалиб кетади. Амир Темурнинг жасади Самарқандга олиб келиниб дафн қилинади.

3. Амир Темур давлатидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. «Темур тузуклари» ва унинг аҳамияти. Амир Темурнинг давлат бошқаруви тизими бутун ҳудудда ягона марказлашган сиёсий тартиб асосига қурилган эди. У дунёнинг 27 ўлкаси ва вилоятларини забт этиб, Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар ғоят катта ҳудудни қамраб олган марказлашган улкан салтанатга асос солди. Бундан ташқари Амир Темур давлатига Кичик Осиё, Сурия, Миср ва шимолий – ғарбда Қуйи Волга, Дон буйлари; шимолий – шарқда Балхаш қўли ва Или дарёсигача; жанубий – шарқда эса Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатлар буйсундирилди. Амир Темур ҳаётлиги чоғидаёқ салтанатни асосан тўрт қисм (улус)га бўлиб, ўғил, набираларига тақсимлаб берган: Хуросон (1396), Журжон, Мозандарон ва Сейистон (маркази Ҳирот) Шоҳрух (1377 – 1447)га, Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон (маркази Табриз) Мироншоҳ (1366 – 1408)га, Форс, яъни Эроннинг жанубий қисми (маркази Шероз) Умаршайх Мирзо (1354 – 1394)га, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон (маркази Ғазна, кейинчалик Балх) Пирмуҳаммад (1376 – 1407)га суюрғол қилиб берилган.


Амир Темур даврида давлат ўз таркибий тузилишига кўра ҳарбий – сиёсий тартибларга асосланган эди. Соҳибқирон ўзига қадар мавжуд бўлган давлатчиликнинг саккизта асосига амал қилади:

- Давлат сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши.
- Давлат ва жамиятнинг сиёсий яхлитлиги бузилмаслиги.

- Давлат ва жамият муайян қонунлар, тартиблар, мафкура асосида бошқарилиши.
- Бошқарув тизимини мувофиқлаштириб турувчи қоидалар шаклланган бўлиши.
- Жамиятдаги ижтимоий – иқтисодий муносабатлар аҳволи давлат эътиборида бўлиши.
- Фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий қайғуриш.
- Ҳар бир давлат шарт – шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларини ташқи дунёдаги мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда олиб бориши.
- Давлат тепасида турган кучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, мустаҳкам иймон, ғоят юксак маънавият ва миллатпарварлик ила англамоғи.

Амир Темур давлатчиликнинг бу асосларига тўққизинчисини, яъни, жамият ривожини ва барча ижтимоий табақалар, манфаатларини таъминлашини кўшди.

Амир Темур салтанатида давлат бошқаруви шакли	
Даргоҳ	Девон (вазирлик)
Даргоҳни олий ҳукмдорнинг ўзи бошқарган	Ижроия ҳокимият — девонни девонбеги (бош вазир) бошқарган. Девон 7 (айрим манбаларда 8 та) вазирликдан иборат бўлган. Улар:
Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг девонлар, маҳаллий ҳокимият идоралари билан боғланиб туриш ишларини олий девон юритган	1-си – мамлакат ва раият вазири. У вилоят ва туманлардан тўпланадиган ҳосил, солиқ–ўлпонлар ва мамлакат ободонлиги билан шуғулланган
Даргоҳда қуйидаги амалдорлар ҳам бўлган:	2-си – вазири сипоҳ, яъни ҳарбий ишлар вазири. У навқарларнинг таъминоти (маоши, озиқ–овқат ва қурол – яроғлари) билан шуғулланган
Бош ҳожиб, Ҳожиблар, Ҳазинабон	3-си – тижорат (савдо) вазири эди. У ташқи савдо божи, тамға, чорвачиликдан тўпланадиган закот, эгасиз қолган мол – мулкларнинг тасарруфи, мерос ва меросхўрлар каби масалалар билан шуғулланган
Хонсолар жибачи, Қушчи,	4-си – салтанатнинг молия ишлари

Баковул	вазири бўлиб, давлат хазинасининг кирим – чиқимларини бошқарган. Олий девонда ҳар куни ушбу тўрт вазир ҳозир бўлиб, ўзига хос равишда ҳукмдорга ҳисоб бериб турган
Котиблар, Битикчилар, Табиблар	«Холиса» бош назорат хайъати. Чегара вилоятлари ва бошқа тобе мамлакатлар бошқаруви, яъни молиявий муаммолар ва келадиган даромадларни бошқариш, назорат қилиш учун махсус 3 та вазир тайин этилган. Ўз навбатида бу 3 вазир салтанатнинг «холиса» деб юритилган бош назорат хайъатини ташкил этган. Бу 7 вазир девонбегига бўйсунган ва у билан бамаслаҳат давлатнинг молиявий ишларини амалга оширганлар
Созандалар, Дорихоначилар	8-си – адлия вазирлиги (девони мазолим) ҳам мавжуд бўлган. Бу вақтда адлия, яъни суд тизими учга бўлинган: фуқаролик, яъни дунёвий ишлар билан шуғулланувчи суд, ҳарбий суд (лашкар қозиси), шариат тартиби билан шуғулланувчи ислом қозиси
<p>Мавжуд ҳужжатларни расмийлаштириш тизими ҳам тартибли бўлиб, ҳужжат бир неча амалдорнинг назоратидан ўтиб уларнинг муҳрлари босилгандан кейин олий ҳукмдорнинг муҳри босилган. Шундан сўнг бу ҳужжат қонун кучига кирган. Амир Темур муҳрида қўйидаги белги ўз аксини топган:</p> 	

Марказий ҳокимият тизимида шайхулислом, қозикалон, қозийи аҳдос (одат бўйича ҳукм чиқарувчи қози), қози аскар, садри аъзам (вақф ерлари, мулклари мутасаддиси), додхоҳ (шикоятларни кўрувчи), эшикоға, сарой вазири, ясовул (ҳукмдорнинг шахсий буйруғини бажарувчи), қалақчи (хирож миқдорини аниқловчи), муҳассил (солиқ ундирувчи), тавочи (асосий кўшинларни тўплаш ишига мутасадди амалдор), қоровулбеги, қутвол (қалъабон), муҳтасиб (шариат қоидалари ижросини, бозор тартибларини назорат қилувчи) ва бошқалар бўлган.

Амир Темур давлатни бошқаришда қурултой ва кенгашлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратган. Унинг «...давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим», деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур томонидан Қарши, Самарқанд, Қорабоғ ва бошқа жойларда ўтказилган қурултой ва кенгашларда шахзодалар, давлат

маъмурлари, ҳарбий бошлиқлар, уламолар ва мулкдор зодагонларнинг вакиллари қатнашган. Уларда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволига оид масалалар муҳокама этилиб, қарорлар қабул этилган ва тадбирлар белгиланган. Масалан, 1403 йилда Кавказнинг Байлақон шаҳрида чақирилган кенгашга олиму фузалолар таклиф этилган. Улардан мамлакатни бошқаришда, хусусан, унинг ободонлиги йўлида амалга ошириладиган хайрли ишлар – жамоат бинолари ва иншоотлар қурилишларида ўз маслаҳатлари билан кўмак беришлари сўралган.

Амир Темур дунё тарихида биринчи бўлиб жамият ижтимоий таркибини 12 табақага ажратиб, уларнинг ҳар бирининг алоҳида мавқеи, манфаатларини, шунга мувофиқ келадиган давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб берган. Улар қуйдаги ижтимоий тоифалардир:

- саййидлар, олимлар ва шайхлар
- катта тажрибага эга илмли кишилар
- дуо қилувчи такводорлар
- лашкарнинг сипоҳлари, сарҳанг ва амирлар
- аскарлар ва халқ оммаси
- далаат бошқаруви ишларини аъло даражада билладиган маслаҳатгўй доно ва ақлли кишилар
- вазирлар, котиблар, девон бошлиғи
- тиббиёт аҳли, мунажжим ва муҳандислар
- муҳаддислар ва муаррихлар
- тасаввуф вакиллари ва орифлар
- хунармандлар ва санъаткорлар
- ажнабий сайёҳлар ва савдогарлар

Бу ижтимоий тоифалар ёки катламлар Амир Темур давлатининг маъмурий-бошқарув тизимидаги тартиблар билан алоқадор ҳолда унинг ҳарбий сиёсий характерда бўлганлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида деҳқончилик асосий ўрин тутган. Шу боис Амир Темур ва темурийлар деҳқончиликнинг бош омили бўлган суғориш ишларига катта аҳамият беришган. XIV асрнинг охири – XV асрнинг 1 - ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда йирик суғориш тармоқлари қазилиб, коризлар, сув омборлари – бандлар ва ҳовузлар барпо этилиб, сув танқис вилоят ва воҳалар, шаҳар, қишлоқларнинг сув таъминоти яхшиланган. Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, обикор ерларнинг майдони кенгайтирилган. Янги – янги қишлоқлар, чорбоғлар ва сайилгоҳ бўстонлар барпо этилади. Амир Темур Самарқанд воҳаси, пойтахт ва унинг теварак-атрофини обод этилишига алоҳида эътибор берган. Обираҳмат, Маздахин, Бозор, Коранд ва Наҳри жадид каби суғориш тармоқлари орқали обод этилган қишлоқларнинг сони 72 тага етган. Янги қишлоқларнинг бир қисми Шарқнинг машҳур шаҳарлари: Дамашк, Қоҳира, Бағдод, Султония ва Шероз номлари билан улуғланган.

Соҳибкирон Хуросон, Эрон, Кавказ ва бошқа вилоятларда ҳам бир қанча йирик суғориш ишларини амалга оширган. Унинг фармони билан Мурғоб

дарёсидан 20 дан ортиқ суғориш тармоқлари қазилиб, Марв воҳаси қайта обод этилган. 1401 йил Кавказнинг Байлақон мавзеида Араке дарёсидан чиқарилган Барлос канали замонасининг йирик ирригация иншоотларидан бири бўлган. Каналнинг узунлиги 10 фарсах (60 – 70 км) бўлиб, кемалар қатнай олган.

Шоҳрух ва Улуғбек ҳукмронлиги даврида ҳам суғориш ишлари янада кенгайган. Даштларга сув чиқарилиб, бўз ерлар ўзлаштирилган. Хусусий соҳибкорлар эса, ҳатто бир–икки йил давомида солиқ ва тўловлардан озод этилган. Бу даврда Темурийлар Самарқанд, Қашқадарё, Марв воҳалари, Тус водийси ва Хиротда йирик суғориш иншоотлари барпо этишиб, дехқончилик майдонларининг сув таъминотини тубдан яхшилашган.

Амир Темур ва темурийлар даврида мулкчилик муносабатлари янада такомиллашган. Мулкнинг, асосан, 4 шакли: «**мулки девон**» (давлат ерлари), «**мулк**» (хусусий ерлар), «**мулки вақф**» (мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ерлар) ва «**жамоа ерлари**» бўлган. Ерларининг катта қисми давлат мулки ҳисобланган, уларни «суюрғол» ёки «тархон» тарзида инъом қилиш кенг тарқалган. Суюрғол ёрлиғига эга бўлган вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга номигагина қарам бўлиб, одатда, улар деярли мустақил бўлишган. Тархонлик ёрлиғини олган мулкдорлар барча солиқ, тўлов ва мажбуриятлардан озод этилган. Тархонлик амирлар, беклар, сарой амалдорлари, саййидлар ва бошқа юқори табақа вакилларига берилган.

Кўпгина манбалар Амир Темур ва темурийлар даврида Ўрта Осиё ва бошқа ҳудудларда солиқ тизими маълум меъёрга туширилганлигини баён қилади. Мансабини суиистеъмол қилган айрим амалдор шахслар аҳоли норозилигига учраган ва ҳукмдорлар томонидан қаттиқ жазоланган. Темурийлар даврида солиқнинг асосий тури «хирож» бўлган. Хирож – ер солиғи сифатида йилда икки маротаба йиғиб олинган. Олинган ҳосилга қараб маҳсулот ёки пул ҳолида қатъий белгиланган миқдор ҳажмида солиқ тўплаш талаб этилган.

Суғорма дехқончилик ерларидан «мол» солиғи олинган. Мулк ерларининг бир қисми «ушр» миқдоридан солиқ тўлаган. Танобона солиғи боғлардан олинган. Жон солиғи, улоғ, бегор каби солиқлар ҳам амалда бўлган. Солиқлардан ташқари фуқародан солиқ йиғувчи (мухассилона), ҳосилни белгиловчи (соҳиб жамона), киримни бошқарувчилар (зобитона, «доругона»), сув тақсимловчи («миробона») каби тўловлар ундириб олинган. Шунингдек, аҳоли фавқулодда харажатлар учун «аворизот» ва «тавожжухоти хорижий» каби одатдан ташқари солиқларни ҳам тўлаган.

XIV асрнинг охири ва XV асрнинг 1 – ярмида Темурийлар давридаги иқтисодий тараққиётга (ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо) мамлакатда ўтказилган пул ислохотлари туртки бўлган. Дастлаб, Амир Темур, сўнгра айрим Темурийлар мамлакатда ягона пул бирлигини жорий этишган. Амир Темур вазни 6 г ли «танга» ва 1,5 г ли «мири» деб юритиладиган 2 хилдаги кумуш тангаларни зарб этган. Бу кумуш тангалар Суюрғатмишхон ва Султон Маҳмудхон номлари билан Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Озарбайжон ва



Амир Тумур зарб эттирган
мис ва кумуш тангалар

Ироқнинг 40 дан ортиқ йирик шаҳарларида чиқарилган. Шоҳрух Астробод, Бухоро, Домғон, Исфаҳон, Кушония, Кермон, Қум, Нишопур, Марв, Самарқанд, Сабзавор, Султония, Табриз, Хоразм, Ҳирот, Шероз ва бошқа шаҳарларда ўз номи билан кумуш тангалар зарб этиб, пулнинг ички савдодаги муомаласини тартибга солган. Бу борада 1428 йилда

Улуғбек ўтказган фулусий (мис) пуллар ислоҳоти айниқса катта аҳамият касб этган.

Меҳнаткаш аҳолини ички чакана савдога кенгроқ жалб этиш мақсадида Улуғбек маҳаллий ҳокимиятнинг енгил вазндаги барча чақа пулларини ман этган. Бир вақтнинг ўзида у Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент, Шоҳрухия ва Андижонда зарбхоналар барпо қилиб, бир хил вазндаги салмоқдор фулуслар зарб эттириб, муомалага чиқарган. Халқ ўртасида Улуғбекнинг чақалари «фулуси адлия», яъни «адолатли чақа» номи билан шуҳрат топган. Шу билан бирга Улуғбек ташқи савдодан келадиган даромадни ошириш мақсадида «тамға» – савдо божини бир мунча кўпайтирган.

Амир Темур давлатида ҳам ҳуқуқий муносабатлар Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифда баён қилинган тартиб – қоидаларга асосланган. Унинг ҳуқуқ ва қонун унсурлари «Темур тузуклари»да ўз аксини топган. Темур тузуклари – адолатли ҳамда кучли давлат барпо этишдаги муҳим қонун – қоидалар сифатида Амир Темурнинг ҳарбий ва сиёсий фаолиятидан маълумот берувчи тарихий асар ҳисобланади. Амир Темур ҳаётининг сўнги йилларида ўзининг эсдаликлари ва тузукларини ёзиб қолдирди. «Темур тузуклари»нинг фанда қайд этилган илк нусхаси эски ўзбек тилида битилганлиги маълум. Асар ўртаоСИёлик Мир Абу Толиб Ҳусайний ал-Аризий ат-Турбатий томонидан 1610 йили усмоний турк ҳокимларидан бири – Яман ҳокими Жаъфар Пошо (ҳукмронлик йиллари 1607 – 1612) нинг топшириғи билан форс тилига таржима қилинди ва дунёга «Тузуки Темурий» («Темур тузуклари») номи билан тарқалди. Бизга унинг форс тилидаги нусхаси ва форс тилидан ўзбек тилига таржимасининг уч нусхаси етиб келган. Энг тўлиқ нусхаси «Малфузоти Темурий» деб номланган ва у Россиянинг Санкт – Петербург шаҳридаги Салтиков – Шчедрин номли кутубхонасида сақланмоқда. Ушбу нусха Тошкентда 2000 йили чоп этилди.

Асар икки қисм, 56 та банддан иборат. Биринчи қисмда Амир Темурнинг етти ёшидан то вафотига қадар (1342 – 1405 йил 18 февраль) кечган ҳаёти ва ижтимоий – сиёсий фаолияти, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиши, ижтимоий тарқоқликка барҳам бериши ва марказлашган давлат тузиши, қўшни юрт ва 27 мамлакатни, жумладан, Эрон, Афғонистон,

Озарбайжон, Грузия ва Ҳиндистонни ўз тасарруфига киритиши, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамиш, турк султони Боязид I Йилдиримга қарши ҳарбий юришлари, улкан салтанатини мустаҳкамлаш учун турли ижтимоий табақаларга нисбатан қандай муносабатда бўлганлиги буюк соҳибқирон тилидан ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисмида Соҳибқироннинг номидан айтилган ва унинг тожу тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панду насиҳатларидан иборатдир. Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу – тахт эгаларининг бурчи ва вазифалари, вазир ва кўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва ҳоказолар хусусида гап боради.

4. Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон. Амир Темур вафот этган пайтда унинг 4 ўғлидан 2 таси (Мироншоҳ ва Шохрух Мирзолар) ва 19 та неvara, 15 чевара, шунингдек, қизлари - Оға бегим, Султон Бахт бегим ва Оға бегимнинг ўғли Султон Хусайн Мирзолар қолган эди.

Амир Темур васиятига кўра унинг ўрнини Қобул, Қандаҳор ва Шимолий Ҳинд ерларини бошқариб турган набираси Жаҳонгир Мирзо ўғли Пирмуҳаммад (1376 – 1407) эгаллаши керак эди. Бироқ Мироншоҳ ўғли шаҳзода Халил Султон (1384 – 1411.4.11) ўзбошимчалик билан 1405 йилнинг 18 мартида Самарқандни эгаллади ва ўзини Мовароуннаҳрнинг олий ҳукмдори деб эълон қилди. Оқибатда шаҳзода, амир ва вилоят ноибларининг норозилиги кучайиб, исён ва ғалаёнлар кўтарилди. Бу ҳол салтанатнинг дарз кетишига олиб келди. Тез орада ғарбий ҳудудларнинг анча қисми мустақил бўлиб ажралиб кетди. Озарбайжон томонда туркманларнинг Оқ қуюнли ва Қора қуюнли сулолаларининг Темур салтанатига бўйсунмаслик ва унга нисбатан қаршилик ҳаракати кучайди.

Норозилик ҳаракатлари даставвал Фарғонада Худойдод билан Шайх Нуриддин Халил Султонга қарши кўзғалиб, Ўратепа ва Фарғонани эгаллаб олди. Бу даврда Хуросонда Шохрух (1405 йил 1 март Ҳиротда унинг номига хутба ўқилган), Балх, Ғазни ва Қандаҳорда Пирмуҳаммад; Ғарбий Эрон ва Озарбайжонда Мироншоҳнинг ўғиллари Умар Мирзо ва Абубакр Мирзо ҳокими мутлақ бўлиб оладилар. Туркистон, Саброн, Ўттор, Сайрам вилоятлари амир Бердибекнинг тасарруфига ўтади, Олтин Ўрда амирларидан Идику Хоразмни забт этади. 1405 – 1408 йилларда Балх, Хуросон, Сейистон, Кермон ва Озарбайжонда темурий шаҳзода ва айрим амирларнинг бирин – кетин кўтарилган ғалаёнлари кучайиб кетади. Валиаҳд Пирмуҳаммад бундай ғалаён ва фитнанинг қурбони бўлади (1407 йил 22 февраль вазири Пир Али Тоз бошлиқ фитначилар томонидан ўлдирилган). 1408 йил 22 апрель куни Қора қуюнли туркманларнинг етакчиси Қора Юсуф (1389 – 1420) билан бўлган жангда Мироншоҳ ҳалок бўлиб, Озарбайжон ва Ироқ вилоятлари темурийлар кўлидан кетади.

Халил Султоннинг Мовароуннахр олий ҳукмдори сифатидаги фаолияти узоққа чузилмади. Хуросон ҳукмдори Шохрух катта қўшин билан Мовароуннахрга юриш қилиб, 1409 йил майда Самарқандни эгаллаган. Шохрух билан тузилган шартнома (1409) натижасида Мовароуннахрдан воз кечган. Халил Султонга Рай (Эрондаги қадимги шаҳар) берилган. Умрининг охиригача шу ерда яшаган.

Ниҳоят, шижоатли Шохрух Мирзо бу қонли низолар, урушларга барҳам бериб, Хуросон ва Мовароуннахрда ҳокимият жиловини қўлга киритади. 1409 йилда Шохрух Самарқанддан Ҳиротга қайтиш олдида 15 ёшли Мирзо Улуғбекни Мовароуннахр ва Туркистонга ҳоким қилиб тайинлайди. Ўзи эса Хуросон ҳукмдори бўлиб қолади (1407 – 1447).



Мирзо Улуғбекнинг асл исми Муҳаммад Тарағай бўлиб, у 1394 йил 22 март Эрон Озарбайжонининг Султония шаҳрида (Амир Темурнинг *«беш йиллик юриш»*ида (1392 – 1396) Ироқдаги Мордин қалъасини камал қилиш чоғида) туғилган. 15 ёшли Улуғбек давлат бошқаруви ишларида ёш бўлгани сабабли амир Шохмалик унга ҳомий (оталик) этиб белгиланган. Лекин Шохмаликнинг рақиби – Ўтрордаги Шайх Нуриддин ва Муҳаммад Жаҳонгирнинг Ҳисордаги волийлари 1410 йил баҳорида Улуғбек ва Шохмаликка қарши чиққанлар. Шу йилнинг ёзида Шохрух иштирокида бўлган жангда Шохмалик ва Улуғбек ғалаба қилганлар. 1411 йил сентябрда Шохрух Самарқандга келиб, Шохмаликни ўзи билан Ҳиротга олиб кетган ва кейинчалик Хоразмга ҳоким қилиб юборган (1413). Шу вақтдан бошлаб, яъни 1411 йилдан Улуғбек Мовароуннахрни мустақил идора этишга киришган.

Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятига бир назар ташлайдиган бўлсак, у Амир Темур сингари жанг-у жадалларга қизиқмади. Бу соҳага унинг ортиқча рағбати ҳам бўлмаган. Фақат зарурият тақозо қилгандагина у ҳарбий юришларни амалга оширган. Хусусан, 1414 йилда Фарғона ҳукмдори шахзода Аҳмад итоатдан бош тортишга уринган пайтда у катта қўшин тортган ва ва уни енгган. Қашғар ҳам то 1428 йилгача Улуғбекка тегишли бўлган.

Мирзо Улуғбек ўз ҳукмронлиги давомида 2 марта йирик ҳарбий юриш қилган. 1 – чи ҳарбий юриши – 1425 йилнинг эрта баҳорида ўзини мустақил хон деб эълон қилган Мўғулистон хони Шермуҳаммад ўғлон (1421 – 1425)га қарши юриш бошлади. Иссиққўл яқинида содир бўлган тўқнашувда Улуғбек мўғуллар устидан ғалаба қозонади ва маҳаллий мухолифотчи кучларни бартараф этиб, мамлакат шарқий чегараларини мустаҳкамлайди. Қўлга киритилган ўлжалар орасида икки бўлак нефрит тоши ҳам бор эди. Кейинчалик бу нефритдан Амир Темур мақбараси учун қабртоши ясаптирилади.

Мўғулистонда бўлган бу урушда Улуғбек қозонган ғалабанинг нишони тарзида Жиззах яқинида Илонўтти дараси ичида ҳижрий 828 – йилда (1428) Улуғбек томонидан қоятошга ёздирилган ўзига хос «зафарнома» ҳозирги кунгача сақланган.

2 – чи ҳарбий юриши Сигноқ шаҳари томон бўлган. Сирдарёнинг қуйи хавзаси Улуғбек тасарруфида эди. Улуғбек 1427 йил Сигноқ яқинида унинг мулкига таҳдид қилган Бароқ ўғлон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар қўшини билан тўқнашган ва мағлубиятга учраган. Душман Улуғбекни таъқиб қилиб, Самарқанд остоналаригача келган Мовароуннаҳр хавф остида қолганлиги туфайли Шоҳрух Хуросондан катта лашкар тортиб келиб хавфни бартараф этади.

Шоҳрух 1447 йил 12 март куни невараси Султон Муҳаммад исёнини бостириш вақтида Рай вилоятида оламдан ўтади. Унинг вафотидан сўнг, Улуғбекнинг катта ўғли Абдуллатиф (1423 – 1450) ворис сифатида темурийлар ҳукмдори бўлиб қолади. Лекин Шоҳрухнинг қаттиққўл хотини Гавҳаршод бегим бу ҳақда ўз фикрига эга эди. У Шоҳрух даврида Темурийларнинг пойтахти бўлиб қолган Ҳирот тахтига марҳумнинг 3 – ўғли бўлмиш Бойсунғур мирзонинг ўғли ва суюкли набираси Алоуддавла мирзони ўтқазиб тарафдори эди. Гавҳаршод бегим ва тархон амирлар Абдуллатифни олий бош қўмондонликка тайинлаб, унинг амакиваччаси Алоуддавлани Ҳирот тахтига ўтқазиб қўлади. Бу қарордан норози бўлган Абдуллатиф Алоуддавлага қарши уруш очган, лекин Нишопур яқинидаги жангда (1447) енгилиб, ҳибсга олинган. Улуғбек фарзанди ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида Алоуддавла билан сулҳ тузишга мажбур бўлган. Унга кўра, Алоуддавла Хуросон ҳукмдори деб тан олинди, Абдуллатифга Балх улуси берилган. Бироқ кўп ўтмай сулҳ бузилиб, Улуғбек 1448 йил баҳорида Абдуллатиф билан биргаликда 90 минг аскар билан Хуросонга келиб, Ҳирот яқинида бўлган жангда Алоуддавлани тор-мор қилади. Ғалаба Абдуллатифнинг шахсий шижоати ва лашкарбошилиқ истеъдоди туфайли эришилган бўлса ҳам, Улуғбек фатҳномани кичик ўғли Абдулазиз номидан эълон қилади. Ундан ташқари, бобоси Шоҳрух томонидан Абдуллатифга васият қилинган Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъаси ва унинг ичидаги бойликларини ҳам Улуғбек Абдулазизга беради. Шундан сўнг Улуғбек билан Абдуллатиф ўртасидаги муносабат очиқ душманлик тусини олади.

1449 йил Улуғбек Самарқандда Абдулазизни қолдириб, Абдуллатифга қарши қўшин тортиган ва Амударё бўйида икки томон қўшини 3 ой муқобил турган. Самарқандда қолган беклар исёни туфайли Улуғбек пойтахтга қайтишга мажбур бўлган, натижада Абдуллатиф Амударёдан ўтиб Термиз, Шаҳрисабзни эгаллаган. 1449 йилнинг октябрь ойида Самарқанд яқинидаги Дамашқ қишлоғи ёнида отасини енгиб, тахтни эгаллаган. Абдуллатифнинг розилиги билан 1449 йил 27 октябрда 55 ёшида Самарқанд яқинида Улуғбек ўлдирилди (унинг жасади Гўри Амир мақбарасига дафн этилган). Орадан 2 – 3

кун ўтмасдан укаси – Абдулазиз Мирзо ва отасига содиқ бўлган амирларни ҳам қатл этилган.

Мамлакат фуқаролари томонидан «падаркуш» («ота қотили») деб лаънатланган Абдуллатиф ва унинг тарафдорлари тахтда узоқ вақт ўтиролмади. Абдуллатиф олти ойлик ҳукмронлигидан сўнг, 1450 йил 8 майда Улуғбекнинг хос навкарларидан Бобо Ҳусайн Баҳодир томонидан ўлдирилган. Унинг калласи танасидан жудо қилиниб, Регистон майдонида Улуғбек мадрасасининг пештоқига осиб қўйилди.

Улуғбек фожиасидан сўнг, 1450 йилдан ҳокимиятга бир вақтнинг ўзида Самарқандда Улуғбекнинг куёви Абдулло Мирзо, Бухорода эса Мироншоҳнинг набираси Султон Абу Саид (1424 – 1469)лар подшоҳ қилиб кўтарилди. Оқибатда улар ўртасида ҳокимият учун яна кураш бошланади. Мовароуннаҳр ва Хуросонда муттасил давом этиб турган ўзаро курашлар Дашти Қипчоқдаги ҳукмдорлар учун жуда кўл келади. 1451 йилда Абулхайрхон катта кўшин билан Абу Саид ёрдами ва иштирокида Тошкент, Чиноз ва Жиззах орқали Самарқандга Мирзо Абдуллога қарши юриш қилади. Шероз қишлоғи яқинидаги Булунғур анхори ёқасида жанг бўлади. Ўзаро тўқнашувда Мирзо Абдулло енгилди ва жангда ҳалок бўлади. Шундай қилиб, Абулхайрхоннинг ёрдамида Абу Саид Самарқандни эгаллаб, Мовароуннаҳрга ҳоким бўлиб қолади.

Темурийлар мулкининг Хуросон қисми 1449 йилдан Шоҳрухнинг набираси Абулқосим Бобур тасарруфида эди. 1457 йилгача у Хуросонни ўз қўлида тутиб туради. 1457 йил Абулқосим Бобур Машҳадда вафот этгач, ўша йили Абу Саид Ҳирот шаҳрини эгаллаб, салтанатнинг ҳар 2 қисмини бирлаштиради. Бу даврда Умаршайхнинг набираси Султон Ҳусайн (Ҳусайн Бойқаро, 1438 – 1506) Хоразмни эгаллаб олади.

1469 йил Абу Саид (Озарбайжон, Фарбий Эрон ва Ироққача бўлган вилоятларни эгаллаб турган) оқуюнли туркманларга қарши юриш қилади. Муғон (Озарбайжон) чўлида Узун Ҳасан билан бўлган жангда Абу Саид ҳалок бўлади. Отасининг ўлимидан сўнг, Абу Саиднинг ворислари Султон Ҳусайн билан тўқнашмай Мовароуннаҳрга қайтадилар. 1469 йилнинг 24 мартида Султон Ҳусайн Хуросон ҳокими сифатида Ҳиротнинг тахтини эгаллайди. Натижада темурийлар мулки яна 2 мустақил қисмга: Султон Ҳусайн ҳукмронлигидаги Хуросон ва Абу Саид ўғли Султон Аҳмад ҳукмронлигидаги Мовароуннаҳрга бўлиниб кетади.

Абу Саиднинг вафотидан сўнг Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган авлодлари – Султон Аҳмад (1469 – 1494), кейин Султон Маҳмуд (1494 – 1495/8) ва кейинчалик Маҳмуднинг ўғли Султон Али (1498 – 1500) даврида юртнинг янада ички зиддиятлару таназзулга юз тутиши пировард оқибатда Темурийлар ҳукмронлигининг барҳам топишига олиб келди. XV асрнинг 90 – йиллари бошларида Фарғона мулкида Умаршайх Мирзо вафотидан сўнг, ҳокимият жиловини қўлга олган унинг ўғли навқирон ва шижоатли Бобур (тахаллуси; тўлиқ исми Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо (1483 –

1530)нинг Темурийлар салтанатини тиклаш ва сақлаб қолиш йўлида Муҳаммад Шайбонийхон (1451 – 1510)га қарши олиб борган бир неча йиллик жанг-у жадал ҳаракатлари ҳам натижасиз тугади. Шундан сўнг, буюк орзулари саробга айланган, вужудини умидсизлик қоплаган Бобур Мирзо бутун эътиборини Ҳиндистонга қаратади. 1526 йил 21 апрель Панипат жангида Деҳлини эгаллайди ва кейинги жанглари асосида Ҳиндистон забт этилди. Шу тариқа бобурийлар сулолага асос солди.

Хуросонда XV асрнинг иккинчи ярмида Абусаид Мирзо ўлимидан сўнг ҳокимиятга келган Ҳусайн Бойқаро (1469 йил 24 мартдан – 1506 йил 5 майга қадар ҳукмронлик қилди) даврида бу ўлканинг ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаётида кўплаб муҳим ўзгаришлар юз берди. Бунинг боиси шундаки, Темурий шаҳзодалар ичида жасур ва тадбиркор, салоҳиятли ва маърифатли ҳукмдор бўлган Ҳусайн Бойқаро ўзининг салкам 40 йиллик ҳукмронлиги даврида Хуросонда катта хайрли ишларни амалга ошириш, салтанат кудратини кўтаришга муваффақ бўлди. Бу улуғвор ишлар ва саъй – ҳаракатларда унинг мактабдош дўсти, буюк донишманд, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Алишер Навоий ҳазратлари (1441 – 1501)нинг ўрни беқиёсдир.

Улуғ Навоийнинг Бойқаро саройида биринчи вазир сифатида катта мавқе ва нуфузга эга бўлиши, албатта, кўплаб муҳим давлат масалаларини оқилона, раият фойдасига ҳал этишда қўл келган. Айниқса, пойтахт Ҳирот ва унинг теvarак-атрофларида фаол ободончилик ишлари олиб борилишини рўёбга чиқаришда, кўплаб салобатли меъморчилик обидалари, халқ хўжалик иншоотларини барпо этишда бу икки улуғ зотнинг баҳамжиҳат саъй – ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

Ҳусайн Бойқаро вафотидан сўнг 1506 – 1507 йилларда султоннинг севикли хотини Хадича бегим иродаси билан Хуросон тахтига ака – ука Бадиуззамон ибн Султон Ҳусайн (1458 – 1515) ва Музаффар Мирзо (1473 – 1509) ўтиради. Мамлакатда қўш ҳукмдорлик вужудга келади. Ҳар 2 шаҳзода ўз тахтгоҳини Ҳиротнинг 2 чеккасига куради. 1507 йил Муҳаммад Шайбонийхон Хуросонга кириб, биринчи жангдаёқ ҳар 2 шаҳзоданинг қўшинини тор – мор этиб Ҳиротни эгаллайди. Бадиуззамон Мирзо Эронга, Музаффар Мирзо эса Астрободга қочади.

Шундай қилиб, Амир Темур асос солган бу давлат Хуросон ва Мовароуннаҳрда XVI аср бошигача мавжуд бўлиб, Шайбонийхон томонидан тугатилган.

5. Амир Темур ва темурийлар даврида илм – фан ва маданий ҳаёт.

Амир Темур ва темурийлар даврида (XIV аср иккинчи ярми – XV аср) Мовароуннаҳр ва Хуросон – Ўрта Осиё маданий ҳаётида жуда катта юксалиш рўй берди. Бу давр ўз моҳияти билан Шарқ ренессансининг, уйғониш даврининг ўзига хос босқичи бўлди. Бу даврда маданий ҳаётнинг кучайиш даражаси IX – XII асрлар орасидага илк мусулмон ренессансидан қолишмайди.

Моддий маданият. Амир Темур ва темурийлар мамлакат мустақиллиги, эл – юрт осойишталиги, уни обод этишда бунёдкорлик ишларига катта аҳамият бердилар. Амир Темурга ҳар бир зафарли воқеа ва севинчли ҳодисани мухташам меъморлик обидаси барпо этиш билан нишонлаш одат бўлган. Шу мақсадда Ҳиндистон, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машхур уста – хунармандлари мамлакатда ҳашамдор иморату иншоотлар бино қилганлар. Бу даврда Чингизхон ҳужуми ва мўғулларнинг бетўхтов босқинлари оқибатида вайронага айланган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв, Банокат (Шохрухия) каби қадимги шаҳарлар, қалъа ва истехкомлар қайта тикланди, яъни шаҳарлар ва қишлоқлар қад кўтарди. Соҳибқироннинг буйруғига асосан 1365 йилда Қарши, 1370 йилда Самарқанд, 1380 йилда Кеш шаҳарлари атрофида мудофаа деворлари барпо этилади.

Амир Темур забт этган мамлакатларида ҳам бунёдкорлик ишларини амалга ошириб бир қатор шаҳарлари (1258 йил мўғуллар томонини вайрон қилган Ироқ пойтахти Бағдодни, Доғистон Республикасидаги Дарбандни, 1221 йилда мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган Араке ва Кура дарёлари бирлашадиган ерга яқин бўлган шаҳар – Байлақонни (1403 йил))ни қайта тиклади. Амир Темур томонидан Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, 1389 – 1395 йилларда Туркистонда машхур шайх Хожа Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара қурдирилган бўлса-да, лекин асосий эътиборини она шаҳри Кеш (Шаҳрисабз) ва пойтахти Самарқандга қаратди.

Кешда отасининг қабри устига мақбара, ўғли Жаҳонгирга мақбара билан масжид қурдирди. Амир Темур хукмронлигининг илк даврида Кеш шаҳрини пойтахтга айлантириш ниятида бўлиб, унинг ободончилигига катта аҳамият берди, бу ерда машхур Оқсарой қад кўтарди. Амир Темур Кешни Мовароуннахрнинг маданий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу боисдан бу шаҳар «Қуббат ул – илм вал адаб», яъни «Илм ва таълим гумбази» деган сифат билан шуҳрат топган. Амир Темур ва Темурийлар даврида Шаҳрисабзда улкан салтанатнинг йирик шаҳрига, барлос бекларининг ёзга қароргоҳига айлантирилган. Шаҳар атрофи қалъа девори билан ўраб олинган.

Шаҳрисабзда Амир Темур томонидан «*Дор ус – Сиёдат*» («*Саййидлар уйи*») мақбараси ва *Оқсарой* қурилган.

Дор ус-Сиёдат – «Саййидлар уйи» (1379 – 1380)

Шаҳрисабзнинг жанубий – шарқий қисмида Амир Темур қурдирган мақбара комплекси. XIX – XX аср бошларида қисман таъмирланган. Фарзанди Жаҳонгир Мирзо мақбараси (Ҳазрати Имом мақбараси) ва Амир Темурга мўлжалланган ер ости гўрхонаси сақланиб қолган. *Дор ус-тиловат* билан бир ансамблни ташкил қилган. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида ёзилишича, Амир Темур Шаҳрисабзда маҳсус бино қурдирган, унда ўз ўғли Амирзода Жаҳонгир ва бошқа амалдорлар ҳамда бузрукворларнинг дахмалари қўйилсин, деб фармон берган.

Дор ут-тиловат мажмуаси
(Тиловат уйи, Куръон ўқийдиган жой, XIV аср)

Шахрисабз марказида Дор ус-сиёдат мажмуаси ғарбида темурийлар хонадонига мансуб қадимги иншоотлардан иборат Дор ут-тиловат мажмуаси ҳам жойлашган. Ҳозир комплексдан учта ёдгорлик сақланиб қолган: 1) Амир Темур томонидан отаси Тарағайнинг пири шайх Шамсуддин Кулол мазори (1370) устига шаҳар жомеъ масжиди ёнига қурдирилган мақбара. 2) Отаси Тарағай мазори қолдиғини Шахрисабзга кўчиртириб, пирини оёқ томонига кўйдириб, гумбаз мақбара қурдирган. 3) Улуғбек жомеъ масжиди Кўк гумбаз (1435 – 1436).



Оқсарой харобалари

Оқсарой (1380 – 1404)

Шахрисабздаги меъморий ёдгорлик. Амир Темурнинг онаси Такина хотун шарафига қурилган. Шаҳарнинг шимолий – шарқидаги бош майдонда жойлашган. Меъмор Муҳаммад Юсуф. Бир замонлар мухташам, хашаматли бўлган бу саройнинг бизгача емирилиб, хароба ҳолга келган улкан пештоқи, икки чеккасидаги минораси, сарой пойдеворининг бир қисмигина сақланган. Оқсаройнинг ҳозирги кўриниши ҳам салобатли ва гўзалдир. Бу салобатлилиқ ва гўзалликка гиштларнинг яхлит бўлиб кўринишини таъминлаш – олд ва шимолий девор юзасини сиркор парчинлар билан бир текисда ишлаш туфайли эришилган. Пештоқ равоғининг эни 22,5 м, баландлиги 40 м, умумий баландлиги 50 м дан ошади. Пештоқ минораси

ичидаги айланма зина орқали юқорига чиқилган. 20 йил давомида қурилган ушбу меъморий ёдгорликнинг ранглари ой ёруғида жилоланиб – оқариб кўринишидан бино Оқсарой деб номланган. Саройнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – том тепасига ишланган ҳовуздир. Ҳовузга сув Тахтақорача довонидан кўрғошин қувурлар орқали оқиб келиб, ундан шаршара ҳосил қилиб пастга туширилган.

1707 йилда Бухоро хони Убайдуллахон Оқсарой пештоқи остида тож кийиб, тахтга ўтирганлиги пештоқнинг ўша пайтда бутун эканлигидан дарак

беради. 1973 – 1975 йилларда археологик тадқиқотлар, 1994 – 1996 йилларда консервация ишлари олиб борилган.

Самарқанд салтанат пойтахтига айлантирилгач, унда Исфохон, Шероз, Халаб, Хоразм, Бухоро, Насаф ва Кешнинг меъмору бинокорлари кўли билан саройлар, масжидлар, мақбара ва хонақоҳлар курилди. 1403 – 1404 йилларда Самарқандда бўлган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо (? – 1412.2.4) Амир Темурнинг олиб бораётган бинокорлик ишларидан хайратда қолган.

Жумладан, мўғуллар босқинида бутунлай вайрон этилган ва аксари аҳолиси кириб ташланган ва қисман қул қилинган Самарқанд шаҳри Амир Темур ҳукмронлиги даврида ўзининг қадимги ўрни Афросиёбдан бирмунча жануброқда бутунлай янгидан курилди. Шаҳар тевараги мустаҳкам қалъа девори билан ўралиб, Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан аталувчи 6 та дарвоза ўрнатилди. Шаҳар аркида Амир Темурнинг қароргоҳи Кўксарой ва Бўстонсаройлар бино қилинди. Кўксарой 4 қаватли бўлиб, гумбазлари ва деворлари зангори кошинлар, нақшинкор ва гулдор парчинлар билан қоплангани учун у шундай аталган. Кўксаройда хонларни подшолик тахтига чиқариш маросими вақтида уларни оқ кигиз устига олиб ўтқазадиган тошдан тахткурси – Кўктош қўйилган эди. Булардан ташқари аркда давлат девонхонаси, қурол – яроғлар устахонаси ва аслахона, тангалар чекиладиган зарбхона каби иморатлар жойлашган.

Мовароуннахрнинг деҳқончилик воҳаларида, хусусан Зарафшон водийсида ўнлаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, деҳқончилик майдонлари кенгайтирилди. Янги қишлоқлар барпо этилди. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча янги қишлоқларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари Димишқ (Дамашқ), Миср, Бағдод, Султония ва Шероз номлари билан атади. Амир Темурнинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак – атрофининг обод этилганлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди.

XIV асрнинг охири – XV асрда Самарқандда кўркам ва мухташам бинолардан ташқари шаҳристон ёки рабоди дохидда турли – туман касбдаги ҳунармандлар маҳаллалари қад кўтаради. Амир Темур мамлакатда, хусусан унинг пойтахти Самарқандда ҳунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради. Испан элчиси Клавихонинг ёзишича, Соҳибқирон ҳунарли бирор кишини ҳам Мовароуннахрни ташлаб кетишига йўл қўймаган. Аксинча, Амир Темурнинг амри – фармони билан Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Ҳалабнинг машҳур пахта йигирувчилари, Анқаранинг мовут тўқувчи корхоналари, Туркия ва Гуржистоннинг заргарлари, хуллас, кўп касб-ҳунар соҳиблари бошқа шаҳарлардан Самарқандга кўчириб олиб келинди. Ўша даврда шаҳарда турли дин ва мазҳаблардаги кишилар истиқомат қиларди. Клавихонинг маълумотига кўра, Самарқандда 150 мингдан зиёдроқ аҳоли яшаган. Шаҳар майдони Испаниянинг Шиблия (Севилья) шаҳридан кенгрок бўлган. Лекин унинг бу маълумотида шаҳар арки билан қалъа, яъни ички шаҳар қисмларигина кўзда тутилган ҳолос.

Амир Темури даврида бунёд этилган меъморий обидаларга қуйидагиларни айтиши мумкин:

Шоҳизинда ансамбли мажмуи (Самарқанд, XI – XX асрлар)


Самарқанддаги меъморий ёдгорлик. Афросиёб тепалиги жанубида жойлашган қабристондаги мақбаралардан ҳамда масжид, минора ва мадрасадан иборат ансамбль.



Уларнинг энг қадимийси Қусам ибн Аббос мақбараси бўлиб, халқ орасида Шоҳизинда («Тирик шоҳ») номи билан машҳур. Ансамбль бир – бири билан йўлак орқали боғланган 3 гуруҳ бинолардан иборат.

XIII асрда мўғуллар истилоси даврида Афросиёб вайрон бўлгач, халқ бу ерни тарк қилган. Амир Темур ва Улуғбек даврида бу ерда қурилиш ишларига аҳамият берилган. Археологик қазилардан аниқланишича, Афросиёбнинг қадимий қалъа девори ён бағрида қилинган зина XVIII асрда вайрон бўлган, кейинчалик 40 поғонали гиштин янги зина ва чортоқ қурилган, булар ҳозиргача сақланган. Шоҳизинда ансамблидаги иншоотларнинг кўпчилиги XIV асрга тааллуқли. Ансамблнинг бош дарвозаси жанубда кўчага қаратиб қурилган. Дарвозахонани Улуғбек хижрий 838 (милодий 1434 – 1435) йида ўғли Абдулазизга атаб қурдирган. Унда қўйидаги сўзлар битилган: «Абдулазиз Баходир ибн Улуғбек ибн Шоҳрух ибн Темур».

Шоҳизинда ансамбли таркибида теурийлар хонадони билан боғлиқ бўлган қўйидаги меъморий ёдгорликлар мавжуд:



***Шоди мулк оғо (Туркан оғо)
мақбараси (1372)***

Самарқанддаги меъморий ёдгорлик. Амир Темурнинг опаси Туркан оғо вафот этган қизи Шодимулк оғо (1370 – 1371)га атаб қурдирган пештоқ - гумбазли бир хонали сағанаси. 1383 йилда Туркан оғонинг ўзи ҳам қизи ёнига дафн этилган. Мақбара 1954 йилда илмий ўрганилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилган. Мақбарада XIV – XV асрлардаги халқ усталарининг меъморлик ва наққошликда эришган ютуқлари, юксак маҳорати акс этган.

Туғлу Текин мақбараси (1376)

Шоҳизинда ансамблининг ўрта қисмида. Шаҳарнинг қадимги деворига тақаб, Темур саркардаларидан амир Хусайннинг ўзи ва онаси Туғлу Текин шарафига қурилган. Мақбара (8,5 x 9,5 м) бир хонали, эшиги ғарбга қараган. Мақбарада ўша давр меъморлик ҳамда кошинкорлик санъатининг ноёб намуналари сақланган. Гул ва япроқлар тасвири, туташган халқалар ҳамда ёзувлар кўк – мовий бўёқларда тўлдирилган. Туғлу Текин мақбараси остида сағана (3,15 x 4,15 м) бор. Унга йўлакдан кирилади. Мақбаранинг бизгача етиб келган равоғи ва унга туташ девор қолдиқлари асосида 1960 йилларда қолган қисмлари қайта тикланган (уста Ш. Исҳоқов, меъмор И.И. Ноткин).

Ширинбека оғо мақбараси (1385 – 1386)


Амир Темурнинг синглиси Ширинбека оғога атаб қурилган. Мақбара равоғи ичидаги арабий битикда муҳим тарихий ҳужжат сақланган

(таржимаси): «Бу қабр маликаи муаззама, мукаррама Ширинбека оғо Тарағай (бек) қизиники. Равзасини Аллоҳ нурли этсин. Сана 787» (мил. 1385/6).

Туман оғо мажмуаси (XIV – XV асрлар)

Мажмуа Амир Темурнинг хотини Туман оғо бегим номи билан боғланган. Туман оғо мажмуаси мақбара, масжид, хужралар ва чортоқдан иборат, турли даврларда бунёд этилган. Безаклари XV аср бошларида ишланиб, унинг яхлитлигини таъминлаган. Туман оғо қурдирган бир гуруҳ бинолар яқинида уста Муҳаммад Шайх ибн Ҳожибек Табризий томонидан 1405 – 1406 йилларда қурилган Туман оғо мақбараси бор.

Шоҳизинда ансамбли таркибига Ҳожа Аҳмад мақбараси (XIV аср 60 – йиллари) ва Уста Али мақбараси (1380) ҳам қиради.



Ҳожа Аҳмад мақбараси (XIV аср 60 – йиллари)

Шоҳизинда ҳазирасининг юқори ховлиси (тўри)да жойлашган. Мақбара пештоқ – гумбазли, тўртбурчак тарҳли (7,6 x 3 м) хонадан иборат бўлиб, хона ўртасида 4 та номсиз сағана бўлган. Бино ичи, гумбаз ости тузилиши XII аср меъморлиги услубини эслатади.


Олд томондаги пештоқи рангли сиркори кошинлар билан безатилган, сулс ва куфий хатидаги китобалар ва безаклар маҳорат билан уйғунлаштирилган. Ўймақори безаклар орасида «... амали уста Фаҳр Али...» ёзуви сақланган.



Уста Али мақбараси (1380)

Бу меъморий ёдгорлик биринчи – номсиз мақбара бўлиб, унда қаршилик Уста Али Насафий номи сақланганлиги учун унинг номи билан аталади. Мақбара тўртбурчак тарҳли (8,1 x 9,8 м), бир хонали, пештоқ – гумбазли, гумбази 16 қиррали баланд асосга ўрнатилган. Мақбарага пештоқида чуқур равокли эшик орқали қирилади. Мақбара остида тўртбурчакли сағана жойлашган.

***Ишратхона, Кўшики Дилкушо кўнгил очувчи жой
(Самарқанд, 1397 – 1398)***



Амир Темур томонидан 1397 – 1398 йиллар Боғи Дилкушо ўртасида қурилган Ишратхонанинг қолдиқлари ҳозирда ҳам гарчи анча қисмини йўқотган бўлса-да, кўркам ва жозибали кўринади. Унинг баланд гумбази 1903 йилдаги кучли zilзила вақтида кулаб тушган. Ишратхона (кўнгил очувчи жой) биноси Амир Темур Самарқанд атрофида алоҳида ихлос билан, шахсан ўзи назоратида қурилган боғ кўшклари ичида энг машҳури ва энг мухташами сифатида сақланиб қолган ягона намуна бўлиб, Ўзбекистан меъморчилиги тарихида алоҳида ўрин тутади.

Бибихоним мажмуаси (Самарқанд, 1399 – 1404)



Бибихоним мажмуасининг қолдиқлари



Мажмуанинг ҳозирги кўриниши

Мазкур мажмуа ***жоме масжиди, мадраса ва мақбарадан*** иборат бўлиб, Марказий Осиё меъморчилик санъатининг ажойиб классик намунаси, маҳобатли архитектура иншоотлари йиғиндиси. Амир Темурнинг катта хотини Бибихоним (асли Сароймулкхоним) номи билан боғлиқ.


Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бибихоним ўз замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тadbиркор, маслаҳатдон ва етук ақл – заковат соҳибаси, шунингдек, ҳусн-латофат бобида ҳам беназир эди. Бибихоним инсонпарвар, ватанпарвар, мамлакатнинг сиёсий – ижтимоий, иқтисодий ва

маданий ҳаётдан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган аёл эди. Айниқса, илм – маърифатга алоҳида эътибор берар, толиби илмларга ҳомийлик қиларди.

Бибихоним жоме масжиди (1399 – 1404)



Бибихоним жоме масжидининг харобалари



Бибихоним жоме масжиди (тикланган лойиха)


Соҳибқирон Амир Темур Ҳиндистон сафаридан қайтгач, унинг фармони билан қурила бошланган. Масжидни қурган уста ва меъморларнинг номлари номаълум. Масжид ҳовлисининг саҳни 63,8x76,0 м бўлиб, тўрт томондан равоқ ва пештоқлар билан ўралган. Унинг умумий саҳни 167x109 м, бурчакларида баланд миноралар бўлган. Зилзилалар таъсирида аста – секин емирилиб вайрон бўлган, фақат шимолий – ғарбий миноранинг пастки қисмигина сақланиб қолган, баландлиги 18,2 м. Пойдевори харсанг тошдан, деворлари пишиқ ғиштдан ишланган (қалинлиги 4,5 м). Масжидга кираверишдаги пештоқнинг юқори қисми 1897 йилги зилзила пайтида кулаган (қолган қисмининг баландлиги 33 м, кенлиги 46 м). 1868 йилда подшо Россияси қўшинлари Самарқандни қамал қилганда Бибихоним жоме масжиди тўп ўқидан вайрон бўлган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ўтмишимизнинг бошқа



Бибихоним жоме масжидининг ҳозирги кўриниши

меъморий ёдгорликлари қатори Бибихоним жоме масжидини тиклашга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш» ҳақидаги қарори (1994 йил 29 декабрь)га биноан меъморий мажмуада таъмир ишлари олиб борилди.




Бибихоним мадрасаси

Бибихоним ўз жамғармаси ҳисобидан «ўз онаси шарафи»га (Клавихо) XIV аср охирида Самарқандда қурдирган мадраса. Сайёҳ, олим А. Вамбери таъкидлашича, бу мадрасада 1000 га яқин талаба ўқиган.

Бибихоним мадрасаси Бибихоним жоме масжидининг кириш пештоқи қаршисида жойлашган. Лекин жоме масжидидан олдин қурилган. Сарой тарихчиси Гиёсиддин Алининг «Амир Темур 1399 йил 10 майда мадрасада тўхтаб ўтганлиги» ҳақидаги маълумоти шундан далолат беради. Тарихнавис Фасих Ҳавофий (1375 – 1442) таъкидлашича, Амир Темур жоме масжиди қурилишини келиб кўраркан, меъморий мажмуада мутаносиблик бузилганлиги – мадраса пештоқи ва айвони жоме масжидга нисбатан баландроқ ва қияроқ бўлиб қолганлиги учун дарғазаб бўлади ва меъморлар (Хожа Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жалд)ни жазолади. Мадраса XVI аср охирида Бухоро амири Абдуллахон II томонидан бузиб ташланган.

Бибихоним мадрасаси ёнида унга «қўш» услубда Туман ого хонақоҳи қурилган. Тарихий манбалар бу хонақоҳ ҳам 1399 йилдан олдин бунёд этилганлиги ҳақида маълумот беради.



Бибихоним мақбараси


Бибихоним мажмуасининг таркибий қисми. Мақбара ҳам масжид қаршисида жойлашган. Ертўла (тангхонаси)га махсус йўлак орқали ташқаридан тушилган.

Амир Темур мақбараси (Самарқанд, XIV аср охири – 1405 йил)

Халқ орасида Гўри Амир ёки Гўри Мир (Мир Саййид Барака) деб номланиб келинади. Мақбарага темурийлар сулоласига мансуб кишилар (Амир Темур, унинг пири Мир Саййид Барака, ўғиллари Умаршайх, Мироншоҳ ва Шоҳрух, набиралари Муҳаммад Султон, Улуғбек ва бошқалар) дафн этилган. Бобурнинг таъкидлашича, дастлаб Темурнинг набираси Муҳаммад Султон Мирзо Самарқанд қалъаси жанубида Тошкўрғон –

чакарда мадраса қурдирган. Муҳаммад Султон ҳалок бўлгач (1403 йил, 27 ёшида), Амир Темур унинг хотирасига мақбара қуриш ҳақида фармон берди. Мақбара мадраса ҳовлисининг тўрига бунёд этилган. Мақбара деворларидаги турли-туман нишонлар орасида бинони қурган уста Муҳаммад ибн Маҳмуд Исфажонийнинг номи ёзилган. Мақбарани ташқи кўринишини ишлашда гумбазга катта эътибор берилган, ташқи гумбази 64 қобирғали, баланд пойгумбаз (диаметри – 15 м, баландлиги – 12,5 м)га ўрнатилган.

Бизгача, асосан, пештоқли дарвозаси бор ҳовли ва мақбара биноси сақланган. Археологик тадқиқотлар натижасида мақбара ҳовлисининг икки ёнидан Муҳаммад Султон қурдирган мадраса ва хонақоҳ қолдиқлари топилган.



Зиёратхона ўртасидаги мармар панжара билан ўралган мурабба хазира сахнига қатор қабртошлар қўйилган. Юқориси (тўри)да Амир Темурнинг харбий юришларида унга ҳамроҳ бўлган ва унинг юксак хурматини қозонган Мир Саййид Барака сағанаси жойлашган. Дикқатга сазовор жойи шундаки, 1409 йил Шохрух Мирзо Мовароуннаҳр тахтини Халил Султондан тортиб олгач, отасининг васиятини бажариш мақсадида Саййид Бараканинг хокини Андхўйдан Самарқандга келтириб, Амир Темур мақбарасига дафн эттиради. Саййид Барака қабрининг оёқ томонига Амир Темурнинг ўзи дафн қилинган. Унинг уч томонида Муҳаммад Султон, Мироншоҳ, Умаршайх қабрлари бор. Кейинчалик бу ерга Темурнинг набиралари ва эвараларининг қабр тошлари қатъий тартибда жойлаштирилган. Темур сағанасига қўйилган кўк нефрит қабртошини юқорида айтилганидек, Улуғбек 1425 йил Мўғулистонга қилган юриши вақтида олиб келган. Тошдаги лавҳада Темурни улуғлайдиган сўзлар, унинг шажараси ҳамда марсиялар ўймакор ёзувларда битилган. Ҳамма сағаналар Улуғбек томонидан яхлит ўйма мармар панжара билан ўралган. Зиёратхонанинг шарқий қисмидаги равоқдан зина орқали остки қаватидаги гўрхонага тушилади. Гўрхона саккиз қиррали. Ундаги сағаналар юқори қаватда қандай жойлашган бўлса, бу ерда ҳам шу тартибда жойлашган.

Амир Темурнинг моддий мероси узок йиллар давомида талон – торож қилинди, хўрланди ва топталди. Хусусан, Россия империяси ва советлар ҳукмронлиги даврида улуғ соҳибқирон томонидан яратилган бойликлар турли йўллар билан юртимиздан олиб чиқиб кетилди. Уларнинг қўплари Россиянинг давлат Эрмитаж музейида сақланмоқда, каттагина қисми эса бошқа давлатларга олтинлар ҳисобига сотиб юборилган.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур қабри икки мартаба безовта қилинган. Соҳибқироннинг хокини беҳурматлик ва безовта қилиниши натижасида қабр тошига ёзилган башоратнинг лаънатига дучор бўлган.

Биринчиси 1736 йилда содир бўлади. Эрон тахтига чиққан Нодиршоҳ

Амир Темур сағанасига қўйилган моҳтоб қабртошни Машҳадга олиб келган ва эвазига қўп ўтмай ўз набираси шаҳаншоҳ Алиқул Мирзо томонидан ўлдирилган.

Иккинчиси советлар даврида юз берди. 1941 йил июнь ойида Самарқандда Амир Темур ва темурийларнинг қабрларини ўрганиш



Шохрух. М.М. Герасимов
реконструкцияси (1941)



Амир Темур. М.М. Герасимов
реконструкцияси (1941)

бўйича илмий экспедиция иш бошлади. Мусулмон одатига зид равишда 2 июнда Шохрух, 5 июнда Мирзо Улуғбек қабри очилди, Амир Темур қабрини

эса 21 июнь эрталаб соат 8.00 да очиш бошланади. Шу йилнинг 22 июнь якшанба тонг отарида фашистлар Германияси хужум қилмаслик ҳақидаги август шартномасини бузиб, собиқ СССРга хужум бошланди. Темурийларнинг жасадлари Москвага олиб кетилади. 1942 йил ноябрида эса Темурийларнинг жасадлари Самарқандга қайтарилиб, қайта дафн этилган. Меъморий мажмуада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан 1991 – 1996 йилларда таъмир ишлари олиб борилган.

Амир Темур ҳаёти давомида пиру устозлари, улуғ саҳобаларнинг зиёратгоҳларини обод этишга катта эътибор қаратди. Хусусан, Соҳибқирон салтанатни бошқарган чоғларида ҳам ўзининг пиру устози Шамсуддин Кулол қабрини зиёрат қилиб турган. 1373 – 1374 йиллар Амир Темур Шамсуддин Кулол қабри ёнида бир гумбаз – мақбара қурдиради ва отасининг хокини ўша ерга кўчиртириб, Шамсуддин Кулол қабрининг қибла (ғарб) томонига дафн этади.

XIV аср охирларида Амир Темур Шом (Сурия) ерларини забт этган пайтда улуғ саҳобалардан бири Абу Убайда Амир ибн ал-Жарроҳ қабри хокидан келтириб Қарши шаҳрида дафн эттирган ва у ерга мақбара қурдирган.

Чашмаи Айюб зиёратхонаси деворида Амир Темур фармойишига биноан 1379 йилда унга тақаб кулоҳий гумбазли катта хона, бурчакларида миноралари бўлган дахлиз қурилганлиги ёзилган.

Соҳибқироннинг ободончилик фаолияти анъанага айланиб, унинг ворислари томонидан давом эттирилган. Темурий шаҳзодалар, нуфузли амиру вазирлар, вилоят ва улус ҳокимлари, ҳатто айрим маликалар ўз шахсий маблағларининг каттагина қисмини масжиду мадрасалар, хонақоҳу шифохоналар, ҳаммому бозор – раста (чорсу)лар, роботу карвонсаройлар, сув иншоотларию боғ – роғлар барпо этишга сарф қилганлар. Масалан, Шохрух Мирзо бунёдкорлик ишларига, хусусан, шаҳарлар ободончилиги ва суғориш тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб, Ҳирот (1405), Балх (1407) шаҳарларини тиклашга олий фармон берган. Чингизхон юриши чоғида хароб қилинган (1220 йил) Марв шаҳри қайта барпо этилиб, унга Мурғоб дарёсидан ариқ қаздириб сув келтирилди.

Темурийлар даврида шаҳзодалар билан бир қаторда маликалар ҳам юрт ободончилиги ва равнақи йўлида ўзининг беназир ҳиссаларини кўшганлар. Жумладан, Ҳирот, Машҳад, Балх ва Марв шаҳарлари ва қасабаларининг обод этилишида Шохрух Мирзо хотини Гавҳаршод бегимнинг ҳиссалари катта бўлган. Бизгача *Гавҳаршод бегим меъморий мажмуаси* етиб келган.

Темурийлар даврида бунёд этилган меъморий обидаларга қуйидагиларни айтиш мумкин:

Кўк гумбаз масжиди (Шаҳрисабз, 1434 – 1435)

Бу меъморий ёдгорликни Улуғбек Мирзо отаси Шохрух Мирзо номидан қурдирган. Пештоқ равоғида уларнинг номлари ва қурилиш вақти битилган


тарихий ёзувлар сақланган. Кўк гумбаз масжиди Дор ут-тиловат ансамбли таркибидаги асосий жоме масжид. Кўк кошин билан қопланган гумбази (номи ҳам шундан), пештоқининг ўнг ва чап томонидаги устунлари, болахонаси бузилиб кетган. Бинога шарқдан пештоқ (равоғининг кенглиги 10 м) орқали кирилади. Кўк гумбаз масжиди 1970 йилларда ҳамда Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан (1995 – 1996) қайта таъмирланган.

Гавҳаршод бегим меъморий мажмуаси



1) Машҳад (Эрон) марказида Ҳирот ҳукмдори Шоҳрух Мирзонинг хотини Гавҳаршод бегим шарафига (меъмор Қавомиддин Шерозий) қурилган (1405 – 1419) масжид. Атрофи айвонли катта ҳовли (55 х 45 м) нинг тўрт тарафида тўрт хона бўлиб, уларнинг жанубидагиси катта ва гумбазли. Унга минорали улкан пештоқ орқали кирилган. Миноралар тепаси қафаса билан безатилган. Масжидга рангли кошинлардан нафис ва гўзал безаклар ишланган. Масжиднинг шимолий томонида Имом Ризо мақбараси, шарқ томонида Мадраса, ғарбида эса шаҳар карвон саройи жойлашган бўлиб, булар масжид билан йўлакча орқали ўзаро боғланган.

2) Ҳирот (Афғонистон) Мусаллосидаги катта меъморий ёдгорлик (1418 – 1438). Масжид, мадраса ва темурийлар авлоди мақбарасидан иборат бўлиб, Шоҳрухнинг хотини Гавҳаршод бегим саъй – эҳтироми билан 20 йил мобайнида қурилган (кейинчалик мақбарага Гавҳаршод бегимнинг ўзи, ўғли Бойсунғур Мирзо дафн этилган). Бош меъмор – Шоҳрухнинг сарой меъмори Қавомиддин Шерозий. Мақбара ёнига кейинчалик Ҳусайн Бойқаро маҳобатли Мадраса ва хонақоҳ қурдирган. Катта қисми, жумладан мадрасанинг ўзи ҳам сақланмаган, мақбара, 8 минорадан 1 таси, масжид ва мадрасанинг харобаларигина сақланиб қолган. Гавҳаршод бегим мадрасаси ҳовлининг шимолида бўлиб, масжиднинг ҳам, мадрасанинг ҳам бурчакларида миноралар бўлган, улар мрамор ва кошин қоплаб безатилган. Мурабба тарҳли мақбара 1432 йилда қуриб тугалланган, айниқса, унинг қовурғали гумбази ўзига хос жозибали. Гумбаз сиркор ғишт териб нақшланган, унинг қурилишида меъмор Имомиддин, ҳиротлик усталар – Хожа Мирали Ҳиравий ва Хожа Мирак Ҳиравийлар катнашган. Ичкаридаги нозик ва нафис наққошлик безакларини Бойсунғур Мирзо яратган.

Буюк Амир Темурнинг моддий маданият бобидаги бунёдкорлик фаолиятини унинг авлод – аждодлари, биринчи навбатда Мирзо Улуғбек (1394 – 1449) давом эттиради. Буюк олим Мовароуннахр шаҳарларини, хусусан, Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айлантиришга интилди. Улуғбекнинг фармони билан Бухорода (1417), Самарқандда (2 та мадраса: бири Регистон ансамбли таркибида (Улуғбек мадрасаси, 1417 – 1422) ва 2 - си Гўри Амир ансамбли таркибида) ва Ғиждувонда (1433) мадрасалар барпо қилинди.



Улуғбек мадрасаси (Бухоро, 1417)



Улуғбек мадрасаси - Регистон ансамблининг ғарбида жойлашган (Самарқанд, 1417 – 1422)




Улуғбек мадрасаси (Ғиждувон, 1433)




Мирзо Улуғбек XV асрнинг ўрталарида Бибиҳоним масжиди ҳовлисининг ўртасида мрамартошдан лавҳни ясаёттирган (лавҳ – Қуръон кироат қилиндиган махсус курси). Унда қуйидаги сўзлар битилган: «Султони азим, олий химматли ҳақон дин – диёнат хомийси,

ханафия мазхабининг посбони, аслзода султон, ибн султон амири муҳин Улуғбек Кўрағон».

Улуғбек расадхонаси (Самарқанд, 1428 – 1429)




Улкан цилиндр шаклида уч қаватли Улуғбек расадхонаси (В.А. Нильсон реконструкцияси)



Улуғбек расадхонасининг ташқи кўриниши қолдиқлари

Улуғбек фармойиши билан 1428 – 1429 йилда Кўҳак (Чўпонота) тепалигида улкан цилиндр шаклида бунёд этилган. Айрим қўлёзмалар («Бобурнома»)га кўра, баландлиги 30,4 м дан иборат 3 қаватли қилиб қурилган. Унда ўндан ортиқ турли астрономик қурилма ва асбоблар бўлган. Улардан энг асосийси радиуси 40,2 м ли қўшалок ёйдан иборат квадрант (ёки секстантга яқин) қурилма ҳисобланади. Квадрантнинг жанубий қисми ер остида, қолган қисми шимолий томонда ер сатҳидан 30 м ча баландда жойлашган. Асбоб айланасида бир градус ёй 701,85 мм ва бир минут ёй 11,53 мм га тўғри келади.



Улуғбек расадхонасининг ички қисми

остида сақланган қисми баландлиги билан 11 м келади.

Улуғбекнинг вафотидан сўнг ўзаро тожу – тахт учун бўлган жанглар оқибатида расадхона қаровсиз қолиб, XVI асрда вайрон қилинган. Улуғбек расадхонасининг археологик қолдиқлари 1908 йили В.Л.Вяткин раҳбарлигида олиб борилган қазилма ишлари натижасида топилган. 1964 йил Улуғбек расадхонаси ёнида Улуғбек музейи очилган. Ҳозир Улуғбек расадхонасидаги катта асбоб – квадратнинг ер

Гумбази Сайидон мақбараси (Шаҳрисабз, 1437 – 1438)

Гумбази Сайидон – «Сайидлар гумбази» мақбараси Мирзо Улуғбек томонидан қурдирилган. Мақбара чортоқ тарҳли (ташқи ўлчами 9 x 9 м, ички томони 5,75 x 5,75 м), пойгумбази саккиз қиррали, гумбаз билан қопланган. Пештоқи ва ташқи томон гумбази қулаб тушган (ҳозир гумбази қайта тикланган).

Мақбара ичидаги сағаналар (XV – XVIII асрларга оид)да Улуғбек авлодлари бўлмиш термизлик сайидлар (Амир Абдул Муоний, Муҳаммад Сайид ва Мағруфжон Муоний)нинг номлари ёзилган (шундан мақбара «Сайидлар гумбази» деб номланган бўлса керак).



Масжиди Калон (Бухоро, XV – XVI)

Масжиди Калон - форсча – «катта масжид» маъносини англатади. XII асрдаги қадимги иморат қолдиқлари устида, яъни Минораи Калон ёнида, XV асрдан қурила бошлаган. XVI аср бошларида таъмир этилган (масжид ҳовлиси ва атрофида олиб борилган археологик текширишлар натижасида аниқланган). Улуғбек даври меъморчилиги анъаналари бўйича қурилган. Марказий Осиёдаги энг йирик

масжидлардан бири бўлиб, унга 1200 одам сиққан. Масжиди калоннинг 208 та устуни 288 та гумбазчани кўтариб туради.

Оқсарой (Самарқанд, XV)

Темурийларнинг сўнгги даҳмаси. Оқсарой кўшимча даҳма сифатида Абу Саид (1449 – 1469) ва Султон Аҳмад Мирзо (1469 – 1494) ҳукмронлиги даврида қурилган. Мақбара пишиқ ғиштдан ганч қоришмасида терилган.

Бобир уйи ва унинг атрофидаги обидалар (XV аср)

Ўшда Сулаймон тоғида Бобир қурдирган уй, унинг атрофидаги масжид, мадраса ва зиёратгоҳлар. Бобир уйи 1989 йили халқ маблағи ва ҳашар йўли билан қайтадан тикланган. Бобир уйининг арки ёнида 700 йиллик тарихга эга мадраса бор. Ҳозир тарих музейи. Бобир уйининг пойида, жанубий – ғарб томонида Сулаймон пайғамбарнинг жияни Асоф ибн Бурқийнинг қабри бўлиб, унинг олдида «Масжиди жузъа» жомеси бор. Ҳозир бу Ўш педагогика институтига оғбор қилиб берилган. «Масжиди жузъа»нинг шимолий – ғарбий томонидан «Мақкаи ажаб» деган масжид бўлиб, ҳозир унинг беш – ўнта дарахти қолган, холос.

XV асрда Хуросон шаҳарлари, айниқса, унинг пойтахти Ҳиротнинг обод этилиши султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг вазири Алишер Навоий номлари билан боғлиқ. Хуросонда, хусусан, Ҳирот ва унинг теварак атрофида Навоий ва унинг сафдошлари ташаббуси билан 300 дан ортиқ жамоат бинолари (масжид, Мадраса, мақбара, хонақоҳ, ҳаммом, шифохона, сарой, кўшк, истироҳат боғлари, работлар) ҳамда суғориш иншоотлари (ҳовуз, кўприк, банд – сув оғборлари) барпо этилган. Қурилишларнинг аксарияти Навоийнинг бевосита ҳомийлиги билан ёки унинг маблағига амалга оширилган. Хондамирнинг ёзишича, Навоий 52 работ, 19 ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом ва бир нечта мадраса, масжид, шифохона ва хонақоҳлар қурдирган.

Темурийлар даврида бунёдкорлик ишлари мамлакатнинг турли қисмларида олиб борилди. Бу даврининг ноёб меъморий обидаларига қуйидагиларни ҳам киритиш мумкин:

- XIV аср – Хивадаги Ичан қалъада Саид Аловиддин мақбараси қурилган.
- XIV аср охири – Тошкент яқинида Зангиота мақбарасининг қурилиши.
- XV асрнинг биринчи ярми – Тошкентдаги Шайх Хованди Тохур мажмуаси таркибидаги Қалдирғочбий мақбараси қурилган.
- 1451 йил – Тошкентда Хожа Аҳрор Жоме масжидининг қурилиши.

Амир Темури даврида марказий шаҳарлар ва уларнинг теварак атрофида кўркам маъмурий, маърифий ва жамоат бинолари, сув иншоотлари қуриш билан бир қаторда боғу бўстонлар барпо этилди. Моҳир меъмор, тажрибали соҳибкорлар (Аҳмад Боғишамолий ва б.)нинг ақл-заковати, меҳнатию

махорати билан 1378 – 1404 йилларда Самарқанд шаҳри ва атрофида Амир Темур боғлари бунёд эттирган.

Амир Темур боғлари тузилишига кўра 2 турга бўлинган:

Биринчиси — чорбоғлар геометрик (тўртбурчак, тўғри тўртбурчак) шаклда бўлиб, ҳар томони тахминан 1 км масофага чўзилган. Саҳнидан ўтган ариқлар уларни тенг 4 қисмга ажратиб турган. Атрофидаги баланд пахса деворларнинг ҳар бурчагида минора бўлган. Марказда сарой жойлашган. Бундай боғларнинг дарвозалари шаҳар тарафга қаратиб қурилган.

Иккинчиси — тузилиши геометрик шаклда бўлмаган, табиий дарахтзор ва чакалаклар бағрида барпо этилган боғлар. Бундай боғлар ҳукмдор шикор (ов) қилиши учун мўлжалланган бўлиб, асосий қисми табиий, қўл теккизилмаган ҳолда сақланган. Уларнинг кичик бир қисмигагина дам олиш учун сарой, кўшк (айвон) ва чодирлар қурилган, ҳовузлар қазилиб, фавворалар ўрнатилган. Бу турдаги боғларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлган.

Амир Темур боғларидан энг машҳурлари қуйидагилар:

Боғи Баланд. Амир Темур Самарқанднинг шимолидаги Чўпонота мақбараси яқинида набираси (Мироншоҳнинг қизи)га атаб қурдирган. Уни барпо қилишда Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлар боғчилик санъати усталари ҳамда меъморлари қатнашган. Боғ ўртасида Табриз оқ мрамаридан қурилган ҳашаматли қаср бўлиб, унинг атрофидаги узумзор, анжирзор ва олмазорлар боққа гўзал бир тароват бахш этиб турган.

Боғи Бехишт. 1378 йил Амир Темур Самарқанднинг ғарбида суюкли хотини Туман оға (Хайруннисо)га атаб қурдирган. Ёзма манбаларда «Боғи Жаннат» номи билан аталади. Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, боғ ўртасидаги атрофи хандак билан муҳофаза этилган сунъий тепалик устида Табриз оқ мрамаридан қурилган ҳашаматли сарой бўлган. Саройга бир неча кўтарма кўприклар орқали кирилган. Саройнинг бир тарафида ҳайвонот боғчаси ҳам бўлган.

Боғи Давлатобод. Амир Темурга Ҳиндистон юришидан қайтган куни, яъни 1399 йил 22 апрелда ҳаё қилинган. Археологик тадқиқотлар (И.А. Сухарев, 1936 ва Ў. Алимов, 1967) га кўра, у Самарқанддан 13 км жанубда, Катта Ўзбекистан трактининг чап томонида бўлган. Амир Темур бу боғда зафарли юришлардан қайтгач, дам олган, тантанали маросимлар ўтказган, элчиларни қабул қилган.

Боғи Дилқушо (Кўнгил очувчи боғ). 1397 йил Амир Темур хотинларидан бири — Тўкалхоним шарафига қурдирган. Самарқанддан 5 км шарқда, Панжакент йўлининг ўнг томонида (қадимги Ҳиндувон қишлоғи ўрнида) жойлашган. Ҳар тарафи 900 м узунликдаги баланд пахса девор билан ўралган, 4 дарвозаси, марказида ҳашаматли сарой бўлган. Сарой уч қаватли бўлиб, ҳар қаватида фаввора отилиб турган. Сарой деворларига Амир Темур олиб борган урушлардан лавҳалар чизиб кўйилган. Амир Темур Испания элчиси Руи

Гонзалес де Клавихони ана шу боғда қабул қилган. Бу боғ ўрнида ҳозир Дилкушо қишлоғи жойлашган.

Боғи Жаҳоннамо (Жаҳон кўзгуси). 1398 йил Амир Темур Самарқанддан 7 фарсах (42 км) нарида, Зарафшон тоғи этагида қурдирган. Унда сарой ва қалъа бўлган. «Зафарнома»да ёзилишича, бу боғнинг худуди бениҳоят катта бўлиб, йўқолиб қолган от 6 ойдан сўнг топилган экан.

Боғи Майдон. Амир Темур Самарқанднинг шимолда, Чўпонота тепалиги этагида қурдирган. Тарихий манбаларга қараганда, боғда ҳашаматли бир айвон (кўшк) ва қимматбаҳо тошлардан ясалган тахт бўлган. Мирзо Улуғбек бу боғни янада обод қилган. Бу боғ ўрни ҳозир ҳам **Боғи Майдон** деб аталади.

Боғи Нав (Янги боғ). 1404 йил Амир Темур Самарқанднинг жанубида қурдирган. Лолазор қишлоғи ўрнида жойлашган. Бу боғ тўртбурчак шаклда бўлиб, атрофи баланд пахса девор билан ўралган, ҳар бурчагида минора қад кўтариб турган. Марказида бошқа боғлардагига нисбатан каттароқ қаср, унинг олдида ҳовуз бўлган.

Боғи Чинор. 1404 йил Амир Темур Самарқанднинг шарқида (Кониғилнинг жанубий – ғарб тарафида, ҳозирги «Кўш тамғалик» тепалиги ўрнида) барпо қилдирган. Унда чинорлар кўп бўлган. Марказида хочсимон тархли сарой жойлашган.

Боғи Шамол. Амир Темур 1397 йил набираси (Мироншоҳнинг қизи)га атаб қурдирган. Самарқанднинг ғарбида бўлган. Ундаги сарой тўртбурчак шаклда бўлиб, ҳар томони 1500 кадамни ташкил қилган. Деворларига мрамар қопланиб, саҳни қора ёғоч ва фил суягидан ишланган. Бу боғ жойлашган ҳудуд ва у ердаги ариқ ҳозир ҳам «Боғи Шамол» деб аталади.

Самарқанд атрофида булардан ташқари яна бир қанча боғлар бўлган. Чунончи, **Боғи Бўлду, Боғи Зогон, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Амирзода Шохрух, Боғча, Боғи Дилафрўз, Боғи Шерон, Гулбоғ, Лолазор, Бедана кўруғи, Чумчуқлик, Ғозхона** ва бошқалар шулар жумласидандир.

Амир Темурнинг боғ қуриш анъанасини темурий шаҳзодалар ҳам давом эттиришган. Масалан, Улуғбек расадхонаси этагида бобоси Амир Темур анъанасига кўра Мирзо Улуғбек иккита боғ қурдиради. Уларнинг бири Боғи майдон, иккинчиси Чиннихона номи билан аталади. Боғи майдон ўртасида қурилган бино икки қаватли бўлиб, девор ва устунларига мрамардан сайқал берилган. Чиннихона – археологик ёдгорлик, сарой. Самарқандда Чўпонота тепалигининг жанубий – ғарбида жойлашган. XV асрнинг 40 – йилларида Улуғбек расадхонасига яқин жойда қурилган. Сарой деворлари чинни билан қоплангани учун ҳам Чиннихона деб аталган. Улуғбек ва олимлар шу ерда самовий кузатув, илмий тадқиқотлардан сўнг ҳордиқ чиқаришган. Чиннихонадаги иморатларнинг бири тошдан, иккинчиси чиннидан бўлган. Чинни 1422 йилда Хитойдан келтирилади.


Илм – фан равнақи. Ватанимиз тарихида Уйғониш даврининг иккинчи босқичи Амир Темур ва темурийлар даврига тўғри келади. Бу даврда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан бирликда унинг маънавий

– маданий ҳаётнинг ҳам гуркираб ривожланишига, илм – урфон, адабиёт ва санъат соҳаларининг ўсишига, бу соҳа олимларининг истеъдоди ва ижодининг камол топишига қулай шарт – шароитлар яратилди. Бу ўринда Амир Темур, Шохрух Мирзо, Улуғбек, Бойсунқур Мирзо, Султон Хусайн, Бобур Мирзо сингари улуғ ҳукмдор сиймоларнинг шахсий ибрати таҳсинга лойиқдир.

Амир Темур ўз мамлакатининг илму – урфон, маданият ва санъат аҳлига хорижий эллардан кўплаб хунар – касб аҳлларини, меъмору наққошларини, олимун фозилларини олдириб келиб, уларга қулай шарт – шароитлар яратиб бериб, уларнинг билими, тажрибаси ва истеъдодини ишга солиб, ҳайратомуз улуғвор бунёдкорлик ва ижодкорлик ишларини рўёбга чиқарди. Бу даврда бунёд этилган бетакрор меъморий обидалар, осори – атиқалар, юксак санъат асарлари, илмий – маданий мерос намуналари бунга ёрқин далил бўла олади. Амир Темур салоҳиятининг ажойиб ифодаси бўлган «Тузукот»да соҳибқироннинг илм – фан, маърифат аҳлига ҳар доим алоҳида эътибор берганлиги ва ҳар бир муҳим ишни амалга оширишда уларга қатъиян суянганлиги қайта-қайта таъкидлаб ўтилган. Амир Темур даврида яшаб ижод қилган алломалардан Жалолиддин Туроншоҳ (вафоти 1385), Баҳовуддин Нақшбанд (вафоти 1389), Хожа Ҳофиз Шерозий (вафоти 1389), Хожа Камол Хўжандий (вафоти 1391), Алломаи Тафтазоний (вафоти 1392) ва бошқаларни эслаш кифоядир.

Мовароуннаҳрда, хусусан, Самарқандда илм – фан ва санъатнинг тараққиётида Улуғбек ва унинг атрофида йиғилган олимларнинг ўрни ва ҳиссаси ниҳоятда буюқдир. Улуғбек фармони билан бунёд этилган Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон шаҳарлардаги мадрасаларда Қуръон, ҳадис, тафсир, фикҳ (дин ва шариат қонун – қоидалари), риёзиёт (математика), хандаса (геометрия), жўғрофия (география), илму аруз (поэтика), араб тили каби дунёвий илмлар ҳам ўқитилди. Ҳатто, Бухоро мадрасасининг дарвозасига: «Билим олиш ҳар бир мусулмон аёлу эркакнинг бурчидир», деган калима ёзиб қўйилган.

Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасаси икки каватли, 50 хужрали бўлиб, ҳар бир хужра 3 хона: қазноқ (омборхона), ётоқхона ва дарсхонадан иборат бўлган. Тарихий маълумотларга қараганда, мадрасада 100 дан ортиқ талаба истиқомат қилган ва таълим олган. Мадрасада замонасининг иқтидорли олимларидан Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий етакчи мударрис бўлган. Машхур олимлардан Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший ҳамда Мирзо Улуғбекнинг ўзи ва унинг шогирди Алоуддин Али Қушчилар турли фанлардан дарс берганлар. Айрим маълумотларга қараганда, мадрасада илми ҳайъат (астрономия) дарсини Қозизода Румий ўтган.



Вольтер

Улуғбек фармойиши билан қурдирилган расадхона ўз даврининг академияси бўлган. Шу асосда

1429 йил Самарқандда Мирзо Улуғбек томонидан «*Дорул – илм*» - Самарқанд академиясига асос солинди. Улуғбек академиясини тан олган ва дунёга таратган киши бу француз ёзувчиси, файласуфи ва тарихчиси Вольтер (тахаллуси; асл номи Мари Франсуа Аруэ (Arouet) 1694 – 1778) дир. Унинг тарихий мавзудаги «Миллатларнинг ҳолатлари ва одатлари ҳақида» (1753 –



Ян Гевелийнинг «Астрономия дарачиси» китобидан олинган гравюра (Улуғбек - чапдан учинчи)

1758) асарининг 3 – жилди Амир Темур ва темурийлар хукмдорлигига бағишланган. Вольтер ўз асарида Улуғбек ҳақида, унинг подшолиги, Самарқандда илму маърифатни таракқий эттириб, фан ривожига катта ҳисса қўшганини ҳурмат билан таъкидлаб, «Улуғбекнинг буюклиги, унинг қилган ишлари билан белгиланади. У Самарқандда биринчи Фанлар академиясини яратди, ер куррасини ўрганди, коинот ва

юлдузларни кашф этиб машхур жадвал тузди...», деб ёзади.

Улуғбек академиясида дунёнинг турли мамлакатларидан келган 100 дан ортиқ олим фаолият кўрсатди. Улуғбек атрофига уюшган кўплаб буюк қомусий олим соҳиблари — Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид Коший, Муҳаммад Али Қушчи, Муҳаммад Ҳавофийлар фаолият кўрсатиб илм-фаннинг турли соҳаларида, айниқса астрономия, математика сингари аниқ фанлар бўйича баракали ижод қилдилар ҳамда ўзларидан улкан илмий мерос қолдириб кетдилар.

Расадхона ўрта асрларда асбоб-ускунаси жиҳатдан ҳам беқиёс бўлган. Унда кичик ўлчамли асбоблар: армилляр сфера, 2, 4 ва 7 ҳалқадан иборат ўлчов асбоблари, триангула, қуёш ҳамда юлдуз соатлари, астурлоб ва бошқалар бўлган. Бу илмий ускуналар ёрдамида Қуёш, Ой, сайёралар ва алоҳида юлдузлар кузатилган.



Мирзо Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» асари (XVI аср)

Мирзо Улуғбекнинг энг йирик астрономик асари «Зижи Кўрагоний» («Кўрагоний янги астрономик жадвали») 1437 йил Улуғбек расадхонасида яратилган. Ушбу илмий асар икки бўлимдан, яъни батафсил ёзилган муқаддима ва вазиятлари эллиптик системада берилган 1018 та юлдузнинг жадвалидан иборат. «Зижи Кўрагоний»да келтирилган юлдузлар жадвали Самарқандда

олиб борилган кузатишлар асосида тузилган. Жадвал юлдузлар сони ва кузатишларнинг оригиналлиги жиҳатдан астрономия тарихида Гиппарх — Птолемей жадвалидан (II аср) кейин иккинчи ўринда туради. Оптик асбоблар ихтиро қилингунига қадар тузилган зижлар орасида «Зижи Кўрагоний» энг

мукаммал ҳисобланади. Ундан вақтни аниқлаш ва географик координаталарни ўлчашда, шунингдек, турли астрономик масалаларни ҳал қилишда XVII асрга қадар Шарқда ва Европада фойдаланиб келинди. Асарда бошқа жадваллар ҳам бор. 683 та пункт учун географик координаталарни ўз ичига олувчи жадвал, асосан, турли манбалардан фойдаланиб тузилган.

Улуғбек ижтимоий – гуманитар фанлар соҳасида ҳам ижод қилган. Унинг қаламига мансуб «Улуси арбаъ-йи Чингизий» («Чингизийларнинг тўрт улуси (тарихи)») ёки «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номи билан машҳур асари, ҳеч шубҳасиз, тарихшунослик фанида қимматли манбалардан бири ҳисобланади. 1425 йилдан кейин ёзиб тамомланган бу асар муқаддима ва тўрт қисмдан иборат.

№	Улуғбек академияси олимлари ижодидан намуналар	
1	Қозизода Румий (тахм. 1360 – 1437) асарлари	<ul style="list-style-type: none"> ➤ «Рисола фи-л ҳисоб» («Ҳисобга доир рисола») ➤ «Шарҳи Мулаххис фи-л-ҳайъа» (Астрономияга оид «Қисқача рисола»нинг шарҳи) ➤ «Шарҳи ашкол ат-таъсис» ➤ «Рисола ал-жайб» («Синус ҳақида рисола») ➤ «Дар баёни истироҳати жайби як даража» («Бир даража синусини аниқлаш усулининг баёни ҳақида») ➤ «Дастур ал-амал ва таҳқиқ-ил-жадвал» («Амал дастури ва жадвалларини тузатиш») ➤ «Мисҳа» («Ўлчаш») ➤ «Рисола фи-л-ҳайъа ва-л-ҳандаса» («Астрономия ва геометрия ҳақидаги рисола») ➤ «Шарҳ ат-тазкира» ➤ «Шарҳ таҳрир ал-Мажистий» ➤ «Рисола фи илм ил-ҳайъа» («Астрономия илми ҳақида рисола») ➤ «Рисола фи рубб-ил-мужайяб» («Синус квадрат ҳақида рисола») ➤ «Лима кана ҳалла кавни нисба иртифаъ аъзам ал-жибол ила қутри ал-арз канисба субъ ард шаъира ила зираъ» («Нима учун тоғларнинг энг баландининг Ер диаметрига нисбатан арпа донининг бир газга нисбати каби эканлиги қабул қилингани») ➤ «Рисола фи самий ал-қибла» («Қибла азимути ҳақида рисола») ➤ «Шарҳ ҳикмат ал-айн»

2	<p>Ғиёсиддин Жамшид Коший (? – тахм. 1430) асарлари</p>	<p style="text-align: center;">Астрономияга оид:</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ «Зижи Ҳоқоний дар такмили зижи Элхоний» («Элхоний астрономик жадвалини такомиллаштиришда Ҳоқоний астрономик жалналининг аҳамияти») ➤ «Суллам ус-само» («Осмон нарвони») ➤ «Нузхат ул-ҳадойик» («Боғлар сайри») <p style="text-align: center;">Математикага оид:</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ «Рисола ал-муҳития» («Айлана ҳақида рисола») ➤ «Рисолат ул-атвор вал-жайб» («Ватарлар ва синус ҳақида рисола») ➤ «Мифтоҳ ул-ҳисоб» («Арифметика (ҳисоб) калити»)
3	<p>Али Қушчи (1403 – 1474) асарлари</p>	<ul style="list-style-type: none"> ➤ «Рисола фи-л-ҳисоб» («Ҳисоб ҳақида рисола») ➤ «Рисолаи қусур» («Қасрлар рисоласи») ➤ «Рисола ат-фатҳия» («Ғалаба рисоласи») ➤ «Рисола ал-Муҳаммадийа фи-л-ҳисоб» («Ҳисоб ҳақида») ➤ «Рисола фи ҳалла аш-шакл ал-ҳилол» («Ҳилолсимон шаклларни ўлчаш ҳақида рисола») ➤ «Шарҳи Мифтоҳал-улуми Тафтазоний» («Тафтазонийнинг «Миф-тоҳ ал-улум»ининг шарҳи») ➤ «Рисола дар илми ҳайъат» («Астрономия илми ҳақида рисола») ➤ «Шарҳи «Зижи Улуғбек» («Улуғбек «Зиж»ига шарҳ») ➤ «Шарҳи рисолаи «Тухфаи шоҳия» («Шоҳий тухфа» рисоласининг шарҳи») ➤ «Шарҳи рисолаи «Суллам ас-само» («Суллам ас-само» рисоласига шарҳ») ➤ «Хитойнома» ➤ «Рисолаи мантиқ» — 1430 йили Самарқандда, форс тилида ёзилган рисола ➤ «Шарҳи тажвиди Хожа» («Хожа «Тажвиди»нинг шарҳи»)

Тарихшунослик. Амир Темур ва темурийлар даврининг яна бир муҳим ютуғи – бу ижтимоий фанлар, хусусан, тарихшунослик соҳасида катта тадқиқотларнинг яратилганлигидир. Бу хайрли ишларнинг юзага чиқишида ҳам темурий ҳукмдорлар ташаббуси ва раҳнамолиги беқиёс бўлган. Жумладан, Амир Темурнинг «Тузуклари», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Бобур

Мирзонинг «Бобурнома»си ижтимоий фанлар ривожига алоҳида ижобий таъсир кўрсатганлиги шубҳасиздир.

Бу даврда яшаб ижод этган муаррихларнинг асарларида ўша замон тарихий воқеаларининг муфассал тафсилотлари, шарҳларидан ташқари уларнинг чуқур ижтимоий моҳияти, мазмуни ўзининг бутун зиддиятлилиги ва мураккаблилиги билан ифода этилган.

№	Амир Темур ва темурийлар даврида тарихшунослик соҳасини ривожлантиришда ўзининг улкан хизматларини қўшган муаррихлар ва тарихчи олимлар	Асарларнинг номи
1	Низомиддин Шомий (? – тахм. 1412)	«Зафарнома» (1401 – 1404)
2	Ҳофиз Абру (1361/62, – 1430)	Тарихий ва тарихий – географик асарлари: «Зайли Зафарномаи Шомий», «Зайли Жомий ут-таворих», «Тарихи Ҳофиз Абру», «Мажмуа ат-таворихи султония», «Зубдат ут-таворихи Бойсунқурий»
3	Шарофиддан Али Яздий (? – 1454)	«Зафарнома» (1419 – 1425)
4	Фасих Ҳавофий (1375 – тахм. 1443)	«Мужмали Фасихий» («Фасихийнинг (тарихлар) мажмуаси») (1433 – 1442)
5	Абдураззоқ Самарқандий (1413 – 1482)	«Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи») (1467 – 1469)
6	Ибн Арабшоҳ (1388 – 1450)	«Ажойиб ул-мақдур фи ахбори Темур» («Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») ёки «Амир Темур тарихи»
7	Мирхонд (1433 – 1498)	Ҳирот шаҳрида 1494 йилгача 7 жилдли «Равзат ус-сафо фи сийратул-анбиё вал-мулук вал-хулафо» («Пайғамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи») асарининг 6 жилдини ёзиб

		тугатган. Асарнинг 7 жилдини Мирхонд вафотидан сўнг неварси Хондамир томонидан 929 (1522 – 1523) йилда ёзиб тамомлаган
8	Хондамир (1473/76 – 1534)	«Мақорим ул-ахлоқ» («Олийжаноб хулқлар») (1501), «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар» («Инсон зоти хабарлари ва дўстнинг таржимаи ҳоли») (1520 – 1524)
9	Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо (? – 1412)	1403 йилда Самарқандга, Амир Темур хузурига ташриф буюрган. Сафари асосида «Темурбек саройига саёҳат кундалиги»ни ёзган. Клавихонинг сафар хотиралари 1-март 1582 йил Аргонте де Молина шахрида «Буюк Темур тарихи» номи билан нашр этилган

Мазкур жадвалда номлари кўрсатилганлар муаррихлар ўша давр ижтимоий ҳаёти жараёнининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда темурий ҳукмдорларнинг турли – туман фаолияти, саъй – ҳаракатлари билан боғлиқ тарихий ҳодисалар, воқеалар силсиласини ўз имкониятлари даражасида ҳолис ва ҳаққоний акс этиришга интиланлар. Шу билан бирликда бунда уларнинг ўз шахсий қарашлари ёхуд у ёки бу ҳодисаларни баъзан бўрттириб, баъзан эса камситиб, бир ёқлама тарзда ифодалашга уринган бўлишлари ҳам шубҳасиздир. Бундай ҳоллар, жумладан, Ибн Арабшоҳ, Шарофиддин Али Яздий ва бошқа муаррихларнинг асарлари учун ҳам бирдек тааллуқлидир. Бироқ, энг муҳими, тилга олинган бу асарлар ўзининг илмий қиммати, муҳим тарихий манбалар сифатидаги беназир қадри билан биз миннатдор авлодлар учун муҳим аҳамиятга эгадир.



Нафис китоб ва хаттотлик санъати.

Темурийлар даври маданияти равнақида хаттотлик санъатининг ўрни ҳам алоҳидадир. Бу даврда илм – фан ва адабиёт билан бир қаторда китобат санъати, яъни кўлзма асарларни кўчириб ёзиш ва у билан боғлиқ бўлган хаттотлик, мусаввирлик, лаввоҳлик (лавҳа чизиш) ва саҳҳофлик (муқовасозлик) санъати ҳам ниҳоятда тараққий этади. Шу ўринда хаттотлик ҳақида қисқача тариф берадиган бўлсак, ***хаттотлик*** (араб. — ҳуснихат ёзувчи), каллиграфия — ёзув (хат) санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий иншоотлар, бадий буюмларнинг китобалирини яратиш касбидир. Ёзувнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келди. Айниқса, араб ёзувининг кенг тарқалиши туфайли

хаттотликнинг ривожланиши жадаллашди. Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда китоб босиш вужудга келгунига қадар қўлёзма китоб тайёрлаш, уларнинг нусхаларини кўпайтириш (матн кўчириш) билан хаттотлар шуғулланган. Хаттотлик санъатига бағишланган кўплаб рисоалар 10 хил асосий хат услублари (насх, куфий, мухаккак, настаълик, сулс, тавқе, таълик, девоний, рико, рикъий) мавжудлиги ҳақида дарак беради.



XV асрдан китоб кўчириш (форс, эски ўзбек тиллари)да настаълик хати расм бўлган. Хаттотлар кўпроқ саройларда, айрим амаддорлар хузурида гуруҳ бўлиб ишлаган. Хаттотлик Марказий Осиёда Темурийлар, Шайбонийлар ва сўнгги сулолалар (аштархонийлар, манғитлар) даврида юксак даражада тараққий этган. Темурий шаҳзодалар Иброҳим Мирзо (1394 – 1435, Шохрух иккинчи ўғли), Бойсунғур Мирзо (1397 – 1433, Шохрух Мирзо ўғли), Бадиуззамон Мирзо (1458 – 1515, Хусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли) ва бошқалар хаттотликка ҳомийлик қилиш билан бирга ўзлари бу санъат тури билан шуғулланган. Жумладан, Иброҳим Мирзо олти хил хатда тенги йўқ хаттот бўлган. Шунинг учун айрим масжид ва мадрасалар пештоқиға ўз қўли билан китобалар ҳам ёзган. Темурий шаҳзода Бойсунғур Мирзо Ҳиротда ташкил қилган кутубхонада мусаввир, наққош ва бошқа усталар билан бир қаторда 40 дан ортиқ хаттотлар қўлёзма китоблар тайёрлаш, яроқсиз ҳолга келганларини таъмирлаш билан машғул бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483 – 1530) эса янги хат ва алифбо «Хатти Бобурий» ихтирочисидир. Китобат санъати билан бир қаторда биноларнинг китобалари, қабртошлардаги битиклар ва буюмларда хаттотлик кенг қўлланилган.

Амир Темур даврининг етук хаттотларидан бири Мир Али Табризий (1330 – 1405) насх ва таълик хати услублари асосида настаълик хатини кашф қилган.). Амир Темур ва Шохрух Мирзо хизматида бўлган. Настаълик хатининг қонун – қоидалари баён этилган рисола яратган, кўплаб шогирдлар тайёрлаган. У кўчирган қўлёзмалар, жумладан, Кирмонийнинг «Хумой ва Хумоюн», «Камолнома», «Равзат ал-анвар» дostonлари (1396, Британия музейида), Саъдийнинг «Куллиёт»и, «Бўстон» асари (1377), Низомий ва Деҳлавийнинг «Хамса»лари (Эрон миллий кутубхонасида) ва қитъа (мумтоз адабиётда лирик жанр) лар (1 донаси Санкт-Петербургдаги Россия миллий кутубхонасида) бизгача етиб келган.

Темурийлар даврида Султонали Машҳадий (1437 – 1520) «Султон ул – хаттотин» («Хаттотлар султони») ва «Қиблат ул – куттоб» («Котиблар қибласи») номли юксак унвонларнинг соҳиби бўлган. Хаттотлик санъатида ўзига хос мактаб яратган Султонали Машҳадий настаълик хатининг мислсиз устози, Алишер Навоий (1441 – 1501)нинг котибларидан бири сифатида шараф топган эди. Бу даврда Алишер Навоийнинг шахсий кутубхонасида 11 та йирик санъаткорлар (Абдулжамил Котиб, Дарвеш Муҳаммад Токий ва бошқалар) хаттотликда самарали ижод қилган. Султонали Машҳадий ўз қаламига сайқал

бериб, Низомий, Фаридиддин Аттор, Хўжа Ҳофиз, Саъдий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Ҳусайний (Ҳусайн Бойқаро) ва бошқа муаллифларнинг асарларини китобот қилган. Султонали томонидан кўчирилган 50 дан зиёд китоблар нусхаси бизгача етиб келган.

№	Темурийлар даврининг энг таниқли хаттотлари	
1	Султонали Машҳадий (1437 – 1520)	<p>Султонали Машҳадийнинг Навоий ижодига муносабати ўзгача бўлиб, шоирнинг аксар асарларини бир неча нусхаларда кўчирган. Жумладан, Навоийнинг «Илк девон»ини ўзи тартиб этган (1465; дастхат нусхаси Россия миллий кутубхонасида). Ўз навбатида улуғ шоир ҳам хаттотга чуқур хурмат билан қараган, «Мажолис ун-нафоис» асарида унга юқори баҳо берган.</p> <p>Султонали Машҳадий кўчирган ва тартиб қилган мўътабар кўлёмалар ҳам ўзбек мумтоз адабиётининг ноёб намунаси, ҳам Ҳирот китобат санъатининг шоҳ асарлари, дурдоналари сифатида кадрлидир. Шулардан 50 дан ортиқ китоб ва 500 га яқин китъалар бизгача сақланган: Ўзбекистан ФА Шарқшунослик институтида Навоийнинг 3 девони (жумладан, «Наводир ун-нихоя» ва б.), Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ҳотамнома», «Жавохирнома» асарлари; Англиянинг Виндзор саройи кутубхонасида Навоийнинг «Девон»и, «Хамса» асарлари; Россия миллий кутубхонасида Навоийнинг «Хамса» асари; АҚШ нинг Метрополитен музейида Навоийнинг «Девон»и; Туркиянинг Истанбулдаги Тўпқопу саройи кутубхонасида Навоийнинг «Хамса», Саъдийнинг «Девон»и, Султон Ҳусайний «Девон»и (4 нусха) ва бошқа кўлёмалар</p>
2	Абдулжамил Котиб (? – 1505/06)	<p>Алишер Навоийнинг шахсий котиби, Ҳиротдаги Султония мадрасасида наҳв ва сарфдан дарс берган (мударрис). У Алишер Навоийнинг «Хамса», «Наводир ун-нихоя» ва бошқа асарларини кўчирган. Навоийнинг лирик асарлари бўйича «Тухфат ус-салотин» («Султонларга тухфа») тўпламини тузган</p>

3	Дарвеш Муҳаммад Токий (XV аср 2-ярми – XVI бошлари)	Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий билан ҳамсухбат бўлган, уларнинг асарларини чиройли настаълиқ хатида кўчирган. Дарвеш Муҳаммад Токий кўчирган қўлёзма китоблар: Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Хусайн Воиз Кошифийнинг «Лубоб ул-албоб» (1477 йилда кўчирилган), Алишер Навоийнинг учта терма девони (XV аср охири – XVI аср бошлари), Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон» (XV аср охири), Муҳаммад Тоҳирий Ғаззолийнинг «Маърифат ул-мазоҳиб» (1502) асарлари; Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги оммавий кутубхонада Низомий Ганжавийнинг «Хамса»си (1482), Истанбулдаги Тўпкопу саройи кутубхонасида Алишер Навоийнинг ҳаётлигида тартиб берилган мўътабар «Кул-лиёт»и (26 асарни ўз ичига олган, 802 варақдан иборат) расмлик қўлёзма китоби (1497 – 1500) сақланади
4	Султон Муҳаммад Хандон (XV – XVI аср 2-ярми)	Султонали Машҳадийнинг шогирди, хуштабиат, хушчакчакликка мойил бўлгани учун «хандон» лақабини олган. Ижодини Навоийнинг шахсий кутубхонасида бошлаган. Султон Муҳаммад Хандон кўчирган қўлёзма китобларга баъзан отини ёзмаган. Хондамир хаттотни «настаълиқ хатида истеъдоди жуда зўр», деб баҳолаган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Султон Муҳаммад Хандон кўчирган Саъдийнинг «Бўстон» асари (1514), Ҳофизнинг «Девон»и (1519), Хусрав Дехлавийнинг «Девон»и (1497) ва «Қирон ус-садаийн» асари (1515), Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо», «Субхат ул-аброр» (1523), Навоийнинг «Девон»и (1528) ва бошқа қўлёзмалар, кўплаб қитъалари бизгача етиб келган
5	Султон Муҳаммад Нур (1472 – 1530)	Султонали Машҳадийнинг шогирди. Ҳиротда Навоий ҳомийлигида хаттотлик санъатини ўрганган, ижодини ҳам Навоийнинг шахсий кутубхонасида бошлаган, турли мажлисларда иштирок этган. Асосан, Ҳиротда ижод қилган, маълум муддат Бухорода ҳам бўлган. Навоий унинг санъатини юқори баҳолаб, ўз даврида «ҳеч ким майда настаълиқ хати ёзишда унга тенг келмаган», деб ёзган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган, улардан

		Салим Котиб, Айний ва б. устозининг хат услубини давом эттирган. Султон Муҳаммад Нур кўчирган кўлёмалар: Абдулла Ҳотифийнинг «Хамса» дostonларидан олинган терма байтлар (1500); Саъдийнинг «Бўстон» (1501); Саъдий ва Жомий ғазаллари терма «Девон»и (1519); Низомийнинг «Хамса» (1524); Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» (1528); «Субҳат ул-аброр»; Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» (1528); Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» (1530), Навоийнинг «Девон»и; «Калила ва Димна» ва б. Султон Муҳаммад Нур битган қитъалардан 9 таси Россия миллий кутубхонасида сақланади
6	Мирак Наққош (? – 1507)	«Сайд Рухулло», «Сайд Мирак», «Хожа Мирак» номлари билан машҳур бўлган. Камолиддин Беҳзоднинг устози. Алишер Навоий кутубхонасида ишлаган, Султон Ҳусайн Мирзо сарой кутубхонасининг бошлиғи бўлган. Китобат санъатининг моҳир устаси, хаттот ҳам бўлган. Саъдийнинг «Бўстон», Навоийнинг «Хамса», Амир Хусрав Дехлавийнинг «Хамса», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Низомийнинг «Хамса» асарлари кўлёмасини безашда иштирок этган. Ҳирот жоме масжиди китобаларини яратган ва бошқа биноларни безаган
7	Мирали Қилқалам, Халвоий, Рафиқий, Шоҳ Музаффар ва бошқалар.	




А. Навоий (мусаввир Махмуд Музахҳиб асари, XVI аср)

Тасвирий санъат. Темур ва темурийлар даврида улкан муваффақиятларидан яна бири бу тасвирий санъатнинг гуркираб тараққий этганлигидир. Бу давр тасвирий санъати – портретлар, ҳаётий лавҳалар, табиат манзаралари, бино ва бадий асарларга ишланган тасвирлардан иборат бўлди. XIV асрнинг 2 – ярмида Самарқанд миниатюра мактаби ташкил топган.

Темурийлар даврида етишиб чиққан ва тасвирий санъат донғини оламга таратганлар жумласига устоз Шамсиддин Абдулҳай, Муҳаммад Нур, Шайх Туроний, Абдулла Ҳиравий, Устоз Гунг, Устоз Жаҳонгир, Пир Сайид Аҳмад Боғишамолий ва бошқа мусаввир ва наққошларни киритиш мумкин. Улар чизган ёрқин тасвирлар, портретлар, табиат манзаралари ёхуд жанг тафсилотлари ўзининг табиийлиги, тиниқлиги ва

оригиналлиги билан кишини ҳайратга солади. Масалан, Муҳаммад Сиёҳқалам, Ҳожа Муҳаммад ва устоз Абдулҳай мўйқалами билан сайқал топган 96 та муроққа (альбом) шундай тасвирлар сирасига киради.

Сиймолар қиёфаси тасвирлари орасида Жомий, Навоий, Абдулло Хотифий, Бехзод, Ҳусайн Бойқаро, Бобур ва бошқаларнинг тасвирлари бизгача сақланиб қолган.




Бехзод (рассом Темура Саъдуллаев асари, 1978)

Мусаввирлар бу тарихий шахсларнинг ташқи қиёфасини аниқроқ ва мукамалроқ тасвирлашга, айрим ҳолларда ҳатто уларнинг маънавий дунёсини очишга интиланлар. Масалан, машҳур рассом Маҳмуд Музаҳҳиб томонидан чизилган Навоий тасвирида шоир ҳассага таянган, унинг қомати бирмунча букчайган, қарашларида ҳам ҳорғинлик аломатлари, ҳам улуғворлик ва олижаноблик кўзга яққол тасвирланиб туради.

XV асрнинг 20 – 30-йилларда Шохрух саройида қўлэзма китоблар тайёрланадиган устахонаси бўлган китобхона юзага келган. Кутубхонада 40 дан ортиқ санъаткорлар, жумладан адабий ва тарихий мазмундаги қўлэзмаларни безовчи мусаввирлар, хаттотлар, наққош, музаҳҳиб ва бошқалар тўпланди. Кутубхонанинг фаолиятига шахзода Бойсунғур Мирзо ҳомийлик қилган. Унинг саъй – ҳаракати асосида жаҳон санъати тарихида муҳим ўрин тутган Ҳирот миниатюра мактабига асос солинган (кейинчалик мутахассислар томонидан «Нигорхонаи Бехзод» ёки



Султон Ҳусайн Мирзо ҳузурида зиёфат (Саъдийнинг «Бўстон» асарига Бехзод ишлаган миниатюра)



К. Бехзод. Қалъа қурилиши. 1494-1495 й. Миниатюра. Лондон Британия музейи

«Бехзод академияси» деб аталган). Ҳирот миниатюра мактаби – XV асрда Ҳиротда шаклланган тасвирий санъат (миниатюра)даги услубдир.

XV аср 2 – ярмида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳомийлиги туфайли Ҳирот миниатюра мактаби ўз тараққиётининг юқори чўққисига кўтарилди. Бу даврда расм ва ранглар уйғунлиги тузилишининг моҳир усталари бўлган Мирак Наққош, Хўжа Муҳаммад наққош, Хўжа Али ал-мусаввир, Шоҳ Музаффар кабилар ижод қилди.

1455 – 1536 йиллари Ҳиротда буюк миниатюрачи мусаввир, Шарк уйғониш даврининг етук санъаткори, Ҳирот миниатюра мактабининг асосчиси – Камолиддин Бехзод фаолият кўрсатди. У «Иккинчи Моний» деган фахрий унвонга сазовор бўлган. Тарихчилардан Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Дўст Муҳаммад ва Қози Аҳмаднинг маълумотларига кўра, Бехзодни Султон Ҳусайннинг китобдори Мирак Наққош ўз тарбиясига олган. Бехзод мусаввирликни Пир Сайд Аҳмад Табризийдан ўрганган, ўз ижодида мусаввир Халил Мирзо Шоҳрухий бадий услубини давом эттириб, уни ривожлантирган ва камолга етказган, ёш мусаввир истеъдоди жуда тез шаклланган. Бунда Алишер Навоийнинг мураббийлик фаолияти ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Навоийнинг шахсий кутубхонасида ўша даврнинг етук санъаткорлари Мирак Наққош, Ҳожи Муҳаммад каби мусаввирлар, Ҳофиз Муҳаммад, Зайниддин Маҳмуд, Султон Муҳаммад Нур каби хаттотлар ижод билан банд бўлганлар. Бехзод шу кутубхонада, айниқса, хаттот Султонали Машҳадий ва Ёрий Музаҳҳиб билан яқин ижодий ҳамкорликда бўлган. Бехзод ижодининг мавзу доираси, қахрамонлари шу ерда – Навоий ва бошқа санъаткорлар ижоди таъсирида камол топган.



Султон Ҳусайн Байқаро
(Бехзод ишлаган миниатюра)

Бехзод мусаввир сифатида танилгач, Султон Ҳусайн саройига хизматга чақирилган. 1487 йил Султон Ҳусайн фармони билан Бехзод салтанат кутубхонасига раҳбар этиб тайинланган. Кейинчалик бу жой ўз даврининг бадий академиясига («Нигорхонаи Бехзод» ёки «Бехзод академияси») айланади. Мусаввир Ҳиротда Навоий ва Султон Ҳусайн ҳаётлик даврида қизғин ижод билан банд бўлди, кўплаб мўътабар кўлёмаларни яратишга раҳнамолик қилди, маълум қисмини нафис расмлар билан зийнатлашда шахсан иштирок этди, қатор замондошларининг — Навоий, Жомий, Султон Ҳусайн ва бошқаларнинг чехракушой (портрет)ларини яратди, бир гуруҳ ёшларга рассомлик сирларини ўргатди. 1507 – 1510 йилларда Бехзод Ҳиротни эгаллаган Муҳаммад Шайбонийхон хизматида бўлди. Бу даврдан бизгача Бехзод яратган Шайбонийхон портрети етиб келган. 1510 йил Ҳирот шаҳри сафавийлар қўлига ўтади. 1520 йилда Шоҳ Исмоил ёш шаҳзода Таҳмосибга расм ўргатиши учун Бехзодни ўз салтанати пойтахти Табриз шаҳрига таклиф этади, 1522 йилда эса махсус фармон билан рассомни ўз кутубхонасидаги китобат ахли (котиб, наққош, музаҳҳиб, жадвалкаш, ҳалкор, заркўб, ложу-

вардшўй ва б.)га мутасадди этиб тайинлайди. 1524 йил Шох Исмоил вафотидан кейин Шох Тахмосиб даврида ҳам Бехзод катта обрў ва эътиборга эга бўлган. Табризда Бехзод Султон Муҳаммад, Оға Мирак ва Мир Мансур каби мусаввирлар билан ҳамкорликда ижод қилди. Қози Аҳмаднинг маълумотига кўра, Бехзод ҳаётининг охирида она шаҳри Ҳиротга қайтган ва шу ерда вафот этган. Мусаввирнинг қabri Кўҳи Мухтор (Мурод тоғи; Афғонистон ҳудудида)нинг хушманзара жойида жойлашган.

Камолиддин Бехзоднинг ижодида Ҳирот миниатюра мактабининг жўшқин, ҳаракат ва деталларга бой композициялардан ҳис-туйғуларни ифодалаш усулига, шунингдек, портрет жанрига ўтишдек тараққиёт йўли ўз ифодасини топди. Унинг ҳар бир яратган асари шох асар эди. Замондошлари унинг асарларини бадиий мукамаллиги, ўта ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги учун қадрлади.

Муסיқа маданияти. Темурийлар даври муסיқа маданиятининг ривож топишида ҳам алоҳида ўрин тутди. Тарихчи Ибн Арабшоҳ Темур саройидаги ижодий муҳитни шундай тасвирлайди: ...«Қуръонни кироатда ҳам, савтда ҳам тажвид билан ёд олган кишилардан Абдуллатиф ад – Домғоний, Мавлоно Асадуддин, Шариф Ҳофиз Ҳузайний, Маҳмуд Муҳриқ ал –Хоразмий ва Жамолуддин Аҳмад ал-Хоразмий ва муסיқа илмида устоз бўлган Абдулқодир ал – Мароғий эди».

Бу даврда муסיқа санъатининг ривож топганлигини шу нарсадан ҳам билса бўладики, А. Навоий «Мезонул–авзон» асарида халқ қўшиқчилигининг 8 тури бўлганлигини ёзади. Бу – туюқ, чанги, туркий, орзуворий (ёки орузворий), муҳаббатнома, мустазод ва бошқалардир. Айрим миниатюралар, бадиий образлар ва бошқалар халқ санъатининг ҳам ривожланганлигидан далолат беради. Халқ куйлари ва қўшиқлари муסיқа санъатининг ривожига самарали таъсир кўрсатган.

Амир Темур даврида санъат ва муסיқа оламида Абдулқодир Гўянда (1334 – 1435) машҳур бўлган. Унинг ҳаётининг асосий қисми Самарқандда кечган. Абдураззоқ Самарқандий ва Шарафиддин Али Яздийлар уни муסיқа ва адвор (муסיқа назарияси)да замона яғонаси, деб ёзадилар.

XIV – XV асрларда янги куй ва қўшиқлар, чолғу асбоблари ва муסיқа назариясига доир нодир асарлар яратилди. Жуда кўп маҳоратли созандалар, машшоқлар, басстакорлар ва ҳофизлар етишди. Абдуқодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шохқули Ғижжакий, Қосим Раббоний ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу даврда муסיқачилар билан бир қаторда Улуғбек, Навоий, Жомий, Биноий каби мутафаккир ва шоирлар ҳам муסיқа санъати билан шуғулланиб, унинг ривожига маълум ҳисса қўшадилар. Масалан, Улуғбек «Булужий», «Шодиёна», «Ахлоқий», «Табризий», «Усули равон» ва «Усули отлиғ», Навоий «Исфаҳоний» куйларини ижод қилади. Жомий ва Биноийлар муסיқа назариясига доир асар яратадилар.

Темурийлар даври муסיқа санъатида айниқса Ҳирот ижодий муҳитининг роли катта бўлган. Ҳирот муסיқашунослари ўз ижодларида Навоий, Ҳилолий


ва Жомий сингари мумтоз шоирларнинг шеър, ғазалларидан кенг фойдаланганлар. Хўжа Абдулла Марварид, Қул Муҳаммад, Шайх Ноий, Хусайн Удий ва Шайх Қумийлар машхур ва таниқли мусиқа санъати вакиллари саналадилар. Навоийга замондош бўлган Абуқодир ва Қутбиддин Қойй, кўшиқчи ва мусиқа назарияси билимдони Абдуллоҳ Лорий, қонунчи Дарвеш Аҳмад Қонуний, найчи Султон Аҳмад Девона, Ҳирий, шунингдек, 360 дан зиёд куйлар ижодкори Ҳожа Юсуф Андижоний сингарилар ҳам давр мусиқа оламининг беназир намояндалари эдилар.

Бадиий адабиёт. Амир Темур ва темурийлар даври маданиятининг тўлақонли мазмуни, манзараси ва кўлами ўша замонда ҳар тарафлама гуркираб равнақ топган бадиий тафаккур самараси – бадиий адабиётда яққол намоён бўлди. Негаки Ватанимиз тарихининг мана шу чинакам Уйғониш даврида ўзларининг серқирра, сержилва ижоди билан юксак инсонпарварлик, умумбашарий ғояларни тараннум этган кўплаб забардаст адибу шоирлар, даҳо ижодкорлар етишиб чиқдилар. Энг муҳими шундаки, бу даврда бадиий тафаккурда анъанавий байроқдор бўлиб келган форс – тожик адабиёти билан ёнма – ён туркий – ўзбек адабиёти ҳам ривожланиб, унинг намояндалари сафи кўпайиб борди. Таржима адабиёти вужудга келди. Бадиий адабиётнинг ўсиши билан узвий боғланган ҳолда адабиётшунослик ҳам тараққий этди, нодир асарлар яратилди.

№	XIV – XV асрларда бадиий адабиёт соҳасида ижод қилган шоирлар ва адиблар	Асарларининг номи
1	Қутб Хоразмий (XIV аср – ?) — шоир, таржимон	«Хусрав ва Ширин» достони. Сиғноқ шаҳрида ёзилган (1330 – 1340)
2	Сайфи Саройи (1321 – 1398) — шоир, таржимон	Бизгача унинг 10 дан ортиқ ғазал, қасида, қитъа, рубоий, «Суҳайл ва Гулдурсун» достони, «Гулистони бит-туркий» асари етиб келган. «Синдбоднома»ни ўзбек тилига қилган таржимаси сақланмаган. Шеърларида ватанпарварлик, одамийлик, инсон қадр-қиммати, дўстлик, муҳаббат мотивлари билан бирга ижтимоий мавзу ҳам куйланган («Кўнгул», «Топилмас», «Эрур» ва бошқалар)
3	Ҳайдар Хоразмий (XIV асрнинг охири – XV	Туркий ва форсийда шеърлар ёзган, девон тузган. Низомий Ганжавийнинг «Маҳзан ул – асрор» асарига «Гулшан ул

	асрнинг 1– ярми) — шоир. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларидан бири	– асрор» номи билан туркий тилда жавоб ёзиб (1409 –1414), Султон Искандарга бағишлаган. Асарнинг ҳажми 639 байтдан иборат. Яқин-яқингача «Гул ва Наврўз» достони Лутфий асари деб келинган эди. Кейинги тадқиқотлар натижасида бу дoston муаллифи Ҳайдар Хоразмий эканлиги аниқланди
4	Дурбек (XIV аср охири – XV аср боши) — ўзбек шоири	Бизгача унинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонигина етиб келган. Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони 1409 йилда ёзилган. Дoston асосини Шарқда машҳур Юсуф ва Зулайҳо ҳақидаги ривоят ташкил этган
5	Амирий, Юсуф Амирий (XV аср) — шоир	Бойсунқур Мирзо ҳимоясида яшаган. Туркий ва форсийда ижод қилган. Амирийнинг туркийдаги бир девони ҳамда «Даҳнома», «Чоғир ва Банг мунозараси» асарлари етиб келган. Форсийдаги асарларидан 2 байтгина маълум: бири «Мажолис ун-нафоис», иккинчиси Яқинийнинг «Ўқ ва ёй мунозараси»да сақланган. Амирий «Даҳнома» (1429) асари билан нома жанрини ривожлантирди
6	Яқиний (XV асрнинг 1 – ярми) — шоир	Яқинийнинг бизгача фақат «Ўқ ва Ёй» асари сақланиб қолган. Бу асар Юсуф Амирий, Аҳмадий анъаналарининг давоми сифатида майдонга келган
7	Гадоий (1403/04 – XV аср охири) — шоир. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларидан бири	Гадоий – тахаллуси бўлиб асл исми ҳозирча номаълум. У ғазал жанри, аруз илми ва шеърят қоидаларини яхши билган. Асосан туркий (ўзбек) ва қисман форс тилида ғазал, қитъа, туюқ, мустазод, қасидалар яратган. Гадоий ўз ижоди билан XV аср ўзбек мумтоз шеърятини ривожига катта ҳисса қўшган. Хусусан, унинг ғазаллари мазмунан ҳаётийлиги, бадиий ва шаклан баркамоллиги билан ажралиб туради. Унинг шеърлари арузнинг халқ

		<p>кўшиқларига яқин рамал, ҳазаж баҳрларида ёзилган. Тили халқона содда, вазни енгил, шўх ва ўйноқи. Гадоийнинг XV аср 2 – ярми — XVI аср бошларида номаълум котиб томонидан кўчирилган «Девони Гадо» асари бор. Унга 2974 мисрадан иборат 230 ғазал, 1 мустазод, 1 қасида, 5 қитъа, туюқ кирган. «Девон»даги қасида темурий шаҳзода Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Ҳалил Султон мадҳига бағишланган. Гадоийнинг форсийдаги шеърлари Фаҳри Ҳиравийнинг «Радойиф ул-ашъор» тазкирасига киритилган</p>
8	<p>Атоий (XV аср) — шоир</p>	<p>Яссавий авлодидан. Ғазалнавис — лирик шоир. Унинг лирикасида халқ иборалари, таъбирлар, мақол ва маталлар, эртак мавзуларига оид сўзлар кўп. Ғазалларини асосан арузнинг рамал баҳрида ёзган. Вазни енгил, мисралари қисқа, сўзлари оддий, услуби содда ва равон. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари халқ кўшиқларига айланиб кетган. Атоий тажоҳули орифона, лаф ва нашр каби тасвир восита ва усуллари ҳам яратган. Шоир ижоди бизгача тўла етиб келмаган. Девонининг тахм. XVI асрда кўчирилган, 260 ғазални ўз ичига олган қўлёзма нусхаси Санкт-Петербургда сақланади</p>
9	<p>Саккокий (XV аср) — шоир. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларидан бири</p>	<p>Саккокий – шоирнинг тахаллуси, унинг асл исми маълум эмас. «Саккок» (пичоқчи) сўзидан, шоир ҳунарманд оилада туғилган деган фикрни тахмин қилиш мумкин. У ўзбек адабиётида қасида жанрига асос солган шоирлардан. Хожа Муҳаммад Порсо, Ҳалил Султон, Улуғбек ва Арслон Хожа Тархонларга бағишлаб қасидалар ёзган. Қасидаларидан бирида Улуғбекни халқнинг меҳрибон ҳукмдори, маърифатпарвар ва буюк олим сифатида улуғлайди. Шоир ўзбек дунёвий</p>

		<p>лирикасини ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан бойитган. Шоир ғазаллари ва қасидалари девон қилиб тўпланган бўлса-да, тўлиқ нусхаси бизгача етиб келмаган. Саккокий девони Лондонда, Британия музейида ва Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида (инв. № 7685) сақланади</p>
<p>10</p>	<p>Лутфий, Мавлоно Лутфий (1366 – 1465) — Ўзбек мумтоз адабиёти</p>  <p>намояндаларидан бири</p>	<p>Ўз замонининг «Малик ул – каломи», яъни «Сўз подшоси». Лутфий – туркий шеърятда мактаб яратган санъаткор. Навоийга қадар ўзбек шеърятда Лутфий даражасига етадиган шоир бўлмаган. У биргина туркий тилида асарлар яратиб қолмади, балки форс тилида ҳам қасидалар ёзди. Лутфий ижодида ҳақиқат ва адолатни севиш, шафқат ва мурувватли бўлишни тарғиб қилиш, илм ва санъатни севиш каби фикрлар катта жой олган.</p> <p>Бизгача шоирнинг XVI – XX асрлар мобайнида кўчирилган туркий девонининг 33 қўлёзма нусхаси етиб келган бўлиб, улар Тошкент, Душанба, Истанбул, Техрон, Лондон, Париж, Санкт-Петербург кутубхоналари ва қўлёзма фондларида сақланади. Олим Э. Аҳмадхўжаевнинг аниқлаши бўйича, Лутфий қаламига мансуб мавжуд шеърларнинг умумий миқдори 2774 байт ёки 5548 мисрадан ортиқ. Уларнинг катта қисми (2086 байти) ғазал жанрида ёзилган</p>



Алишер Навоий (В.Е. Кайдалов чизган, 1947)

Бу даврнинг бадиий адабиёти, хусусан ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган ушбу шоирларнинг илмий мероси ўзбек адабиёти тарихида муҳим ўрин тутди.

Улуғ ўзбек шоири, мумтоз шеърятимиз султони Алишер Навоийнинг катта ижоди ҳам шу тарихий давр билан боғлиқдир. Алишер Навоий (Навоий тахаллуслари; асл исми Низомиддин Мир Алишер)


(1441 йил 9 февраль – Ҳирот – 1501 йил 3 январь) — буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби. У 10 – 12 ёшларидан шеър ёза бошлаган. 15 ёшида эса шоир сифатида кенг танилган. Шеърларини туркий (Навоий тахаллуси билан) ва форсий (Фоний тахаллуси билан) тилларида ёзган.

Буюк инсонпарвар Алишер Навоий ўрта асрдаги Уйғониш даврининг бошқа улуг зотлари сингари бутун ҳаёти билан ҳақиқий инсон қандай бўлиши лозимлигини кўрсатди. У ўз давридаги ноҳақликка, адолатсизликка қарши курашди, амалдорларнинг ўз вазифаларини суиистеъмол қилишларини ва таъмагирликларини фош этди, ожиз, муҳтож кишиларни ўз ҳимоясига олди. Султон Ҳусайн Бойқаро 1472 йилнинг февраль ойида Алишер Навоийни ўз саройининг бош вазири қилиб тайинлайди ва унга «Амири кабир» унвонини беради. Алишер Навоий янги лавозимда аввало бутун кучини мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга қаратди. Вақф ишларини тартибга солишга киришди. Бу даврда ҳеч бир мамлакатга қарши босқинчилик уруши олиб борилмади. Бош вазир (1487 йилгача) Алишер Навоий маданият ва санъатнинг чинакам ҳомийси сифатида танилади. Унинг фаолиятида ижтимоий-сиёсий масалаларни тўғри ҳал этишга интилиш, жамиятдаги барча ижтимоий қатламларга, барча қавмларга бир хил муносабатда бўлиш, ҳеч қайси бирини камситмаслик, ҳамманинг манфаатига баробар хизмат қиладиган жамоат биноларини қуришга алоҳида эътибор бериш олдинги ўринга чиқа бошлади. Хондамирнинг қайд қилишича, 80-йиллар давомида Алишер Навоий ўз маблағлари ҳисобидан Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, 40 та работ, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурдирган ёки таъмирлаттирган. Улар орасида Ҳиротдаги «Ихлосия», «Низомия» мадрасалари, «Халосия» хонақоҳи, «Шифоия» тибгоҳи, Қуръон тиловат қилувчиларга мўлжалланган «Дорул-хуффоз» биноси, Марвдаги «Хусравия» мадрасаси, Машҳаддаги «Дорул-хуффоз» хайрия биноси ва бошқа ноёб меъморлик ёдгорликлари бор.

Алишер Навоийга Ҳусайн Бойқаронинг хурмати доимо баланд бўлган. Хусусан, Навоийга бир нечта юксак лавозимлар таклиф қилинган. Аммо Алишер Навоий рози бўлмагач, унга «Муқарраби ҳазрати султоний» («Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси») деган расмий унвон берилди. Бу билан у давлатнинг ҳамма ишларига аралаша олар ва подшоҳ билан кўришиш имконига ҳам эга бўлар эди. Бундан кўриниб турибдики, у бадиий ижод билан қаторда давлат ишларидан йироқда бўлмаган.

Унинг ижодига назар ташлар эканмиз, бунда юксак инсонпарварлик, ватанпарварлик, юртпарварлик ва эрксеварлик ғоялари бутун таровати билан намоён бўлади. Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини 4 фаслга бўлиш мумкин: 1. Девонлари. 2. Достонлари. 3. Форсий тилдаги шеърини мероси. 4. Илмий – филологик, насрий ва тарихий асарлари.

№	Алишер Навоийнинг ижод гулшани	
1	«Хилолия» қасидаси	Ўзбек тилидаги дастлабки йирик асарларидан бири. 1469 йил 14 апрель куни, рамазон ҳайити муносабати билан уюштирилган қабул маросимида Алишер Навоий дўсти Ҳусайн Бойқарони тахтга чиқиши билан кутлаб, унга янги ёзган ушбу қасидасини тақдим этган
2	«Тухфат ул-афкор» қасидаси	1476 йилда ёзилган форсий тилдаги биринчи йирик асари бўлиб, Жомийга бағишланган
3	 <p>«Бадоеъ ул-би-доя» («Бадийлик ибтидоси»)</p> <p>Девон қўлёзмасининг икки саҳифаси (XVI аср)</p>	1470 йилларнинг охирларида ўзбек тилида ёзган шеърларидан иборат илк девони. Мазкур девонда 777 ғазал, 85 рубоий, 52 муаммо, 46 китъа, 53 фард, 10 туюқ, 10 луғз, 3 мустазод, 5 муҳаммас, 3 таржеъбанд, 2 мусаддас бўлиб, бундай мукамал девонни тузиш Навоийгача камдан – кам ўзбек шоирига насиб бўлган
4	«Наводир ун-ниҳоя» («Беҳад нодирликлар»)	Ўзбекча шеърлар асосида 1480 йилларнинг охирида тузган девони
5	«Чихл ҳадис» («Қирқ ҳадис» ёки «Арбаин»)	Асарда Муҳаммад пайғамбар(сав)нинг қирқ ҳадиси тўртлик билан шеърӣ ифодалаб берилган
6	«Муфрадот» («Рисолаи муаммо»)	Адабиёт назариясига оид бу асари форсий тилда ёзилган, муаммо ёзиш ва ечиш қоидаларини илмӣ изохлашга бағишланган. 1485 йилда ёзилган
7	«Хамса»	1483 – 1485 йилларда ёзилган бўлиб, асар беш дostonни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ➤ «Ҳайрат ул-аброр» («Яхшилар ҳайрати») ➤ «Фарҳод ва Ширин» ➤ «Лайли ва Мажнун» ➤ «Саббайи Сайёр» («Етти сайёра»)

	 <p data-bbox="379 548 667 622">«Хамса»нинг Султонали Машъалий кўчирган нусхаси (1492 - 93) муқоваси</p>	<p data-bbox="890 203 1426 286">➤ «Садди Искандарий» («Искандар девори»)</p> <p data-bbox="826 293 1426 750">Форс адабиётидаги хамсачиликка жавоб сифатида ўзбек тилида биринчи мартаба яратилган. Алишер Навоий «Хамса»си бу тилнинг чексиз имкониятларини амалда исбот этди. 52 минг мисрадан иборат бу бешлик XV аср ислом тафаккурининг борлиқ ва табиат, инсон ва жамият, ахлоқ ва камолот ҳақидаги ўзига хос қомуси эди</p>
8	«Назм ул-жавохир»	1485 йилда ёзилган бу асарда биринчи халифалардан бўлмиш Ҳазрат Алининг 266 та ҳикматли гапи рубойи тарона (тўрт мисраси ҳам қофияланган) шаклида баён этилган
9	<p data-bbox="327 1122 722 1205">«Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»</p> <p data-bbox="288 1249 761 1285">«Хамсат ул-мутаҳаййирин»</p> <p data-bbox="260 1335 790 1370">«Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»</p>	Навоий ўзи учун қадрдон бўлган Саййид Ҳасан Ардашер (1488 йилда вафот этган), Жомий (1492 йил йилда вафот этган), олим ва шоир Паҳлавон Муҳаммад (1493 йилда вафот этган) лар хотирасини абадийлаштириш, уларга ўз хурматини изҳор этиш учун бу рисолаларини ёзган эди
10	«Тарихи мулуки Ажам» («Ажам подшоҳлари тарихи»)	1489 йилда ёзилган
11	«Мажолис ун-нафоис» («Нафислар мажмуаси»)	Адабиётшунослик соҳасидаги Алишер Навоийнинг тазкираси (1490 – 1491; 1497 – 1498 йилларда қайта ишланган). Туркий тазкирачиликнинг илк намунаси. Асарда XV асрда Хуросон ва қўшни мамлакатларда яшаган шоир, ёзувчи ва олимлар (жами 459 киши) ижодига оид қисқа маълумотлар берилган. Маълумотлар йиллар, географик ўринлар ҳамда сулолавий

		тартибларга таяниб жойлаштирилган. 8 қисм – «мажлис»дан иборат
12	«Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови»)	Ўзбек тилида шеърят назарияси, аниқроғи, аруз вазни қоидалари ҳақида илмий қўлланмаси (1490 – 1492)
13	«Муншаот» («Мактублар»)	Туркий тилдаги мактублар тўпламининг мажмуаси, 1494 йилда тузилган
14	«Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси»)	Алишер Навоий 1491 – 1492 йиллардан бошлаб туркий тилда ёзилган ҳамма шеърларидан янги, йиғма девон тузишга киришди ва бу иш 1498 – 1499 йилда ниҳоясига етди. Девоннинг умумий номи «Хазойин ул-маоний» бўлиб, 4 қисмдан иборат бўлганлиги учун «Чор девон» деб ҳам аталган. Девоннинг биринчи қисмига «Ғаройиб ус-сигар» («Болалик ғаройиботлари»), иккинчи қисмига «Наводир уш-шабоб» («Йигитлик нодиротлари»), учинчи қисмига «Бадоеъ ул-васат» («Ўрта ёш бадиалари») ва тўртинчи қисмига «Фавойид ул-кибор» («Кексалик фойдалари») деган номлар берилди
15	«Девони Фоний» («Фоний девони»)	1490 йилларнинг ўрталарида, Эрон олими Юсуф Шерозий тахминича, 1495 – 1500 йиллар орасида Алишер Навоий форсий шеърларини девон ҳолига келтирилган ва бу девон шу ном билан машҳур бўлган
16	«Ситтаи зарурия» («Олти зарурат»)	Форс тилида. Форсий қасидалари тўплами. Тўпламига 6 қасида киритилган бўлиб, уларни Хисрав Дехлавий, Жомий, Анварий, Ҳақоний, Солмон Соважий ва бошқа қасиданавислар таъсирида яратган

17	«Фусули арбаа» («Тўрт фасл»)	Форс тилида. Форсий касидалари тўплами. Тўпламига 4 қасидаси киритилган бўлиб, улардан «Баҳор» 57 байтдан, «Саратон» 71 байтдан, «Хазон» 33 байтдан, «Дай» 70 байтдан иборат. Уларда йилнинг 4 фасли — баҳор, ёз, куз ва қиш, бу фасллардан ҳар бирининг ўзига хос гўзаллиги завқ билан тасвирланган ва тўртталови ҳам замон подшоҳи — Султон Ҳусайн Бойқарони подшоҳ ва шахс, яхши дўст ва яхши инсон сифатида васф этишга бағишланган
18	«Лисон ут-тайр» («Қушлар тили»)	Фалсафий-мажозий характердаги Навоийнинг сўнгги достони 1498 – 1499 йилларда яратилган. Бу асарини шоир «Фоний» тахаллуси билан ёзган
19	«Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси» ёки «Икки тил тадқиқи»)	Тилшунослик соҳасидаги илмий асари. 1499 йилда ёзилган
20	«Маҳбубул-қулуб» («Қалблар севгани»)	Ўзбек бадиий насрининг илк намунаси – фалсафий-дидактик асар. Шоирнинг сўнгги буюк асарларидан бири бўлиб, 1500 йил ёзилган. 3 қисмдан иборат
21	«Вақфия»	Алишер Навоий энг муҳим асарларидан бири «Вақфия» бўлиб, бир қарашда, шоир ва буюк давлат арбобининг ўзи қурган иморатларига вақфи, яъни расмий ҳужжатидек кўринса ҳам, аслида унда Султон Ҳусайн Бойқаро даври давлат тизими, Алишер Навоийнинг бу давлатни бошқаришдаги ўрни, унинг таржимаи ҳоли, ижтимоий – сиёсий ва ахлоқий қарашлари катта билимдонлик ва аниқлик билан ёритилган.

Бу даврнинг истеъдодли шоирлари ва адиблари ичида Захириддин Мухаммад Бобур (1483.14.2, Андижон - 1530.26.12, Агра) нинг ижоди ҳам ўзига хос ўринга эга. У ўз юртида ҳукмронликни тўла қўлга кирита олмаган бўлса-да, теурий шахзодалар ичида танхо ўзи Ҳиндистонда уч ярим асрга яқин ҳукм сурган қудратли бобурийлар сулоласига асос солади.



Бобур Мирзо давлат арбоби, истеъдодли саркарда бўлиш билан бир қаторда ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили ва буюк шоир сифатида бой илмий ва адабий мерос қолдирди.

Бобурнинг ўз гувоҳлигига кўра, шоир сифатида ижодий фаолияти Самарқандни иккинчи марта эгаллаган вақтда бошланган; «Ул фурсатларда бирор – иккирар байт айтур эдим», деб ёзади у. Бобур Самарқанддалигининг илк ойларида Алишер Навоий ташаббуси билан улар ўртасида ёзишма бошланади. Бобур атрофида ижодкорлар тўплана бошлаши ҳам шу йилларга тўғри келади. Жумладан, Биноий, Абулбарака ва Бобур ўртасидаги рубоий мушоираси Самарқанддаги

қизгин адабий ҳаётдан дарак беради. Умуман, давлат арбоби ва кўп вақти жангу жадалларда ўтган саркарда сифатида ижтимоий фаолиятининг энг қизгин даврида ҳам, шахсий ҳаёти ва давлати ниҳоятда мураккаб ва хатарли шароитда қолган чоғларида ҳам Бобур ижодий ишга вақт топа билган, илм, санъат ва ижод аҳлини ўз атрофига тўплаб, ҳомийлик қилган, уларни рағбатлантирган.

Бобур Мирзо 18 – 19 ёшларида рубоий ва ғазаллар ёза бошлаган. Унинг «Топмадим» радифли ғазали ва «Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши» мисраси билан бошланувчи рубоийси ўша йиллардаги ҳаёти билан боғлиқ. Бобур Мирзо ижодида ишқ –муҳаббат, севги – садоқат, висол ва ҳижрон мавзуи ҳам салмоқли ўрин тутати. Унинг ўз шеърий асарларини тўплаб, девон ҳолига келтирган санани кўрсатувчи аниқ тарихий маълумотлар маълум эмас.

Ҳозирда унинг 119 ғазали, бир масну шеъри, 209 рубоийси, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девони таркибида умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган.

№	<p style="text-align: center;">Захириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб асарлар</p> 	
1	<p style="text-align: center;">«Бобурнома»</p>  <p style="text-align: center;">«Бобурнома»нинг бош жилди</p>	<p>Жаҳон адабиёти ва манбашунослигидаги муҳим ва ноёб ёдгорлик. Ўзбек адабиётида дастлабки насрий мемуар ва тарихий – илмий асар. Эски ўзбек (чиғатой) тилида ёзилган (тахм. 1518/19 – 1530). «Бобурия», «Воқеоти Бобур», «Воқеанома», «Тузуки Бобурий», «Табақоти Бобурий», «Таворихи Бобурий» каби номлар билан ҳам маълум. Бобурнинг ўзи эса «Вақое» ва «Тарих» деган номларни ишлатган. «Бобурнома»да 1494 – 1529 йилларда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда содир бўлган тарихий – сиёсий воқеалар йилма – йил ўта аниқлик билан баён қилинган бўлиб, улар муаллиф ҳаёти ва сиёсий фаолияти билан бевосита боғлиқдир.</p> <p>«Бобурнома» ўзида баён қилинган воқеалар жараёнига кўра 3 қисмга: Бобурнинг Мовароуннаҳр (1494 – 1504), Афғонистон (1504 – 1524) ва Ҳиндистон (1524 – 1530)даги ҳукмдорлик даврига бўлинади</p>
2	<p style="text-align: center;">«Мубаййин» («Баёнот берувчи»)</p>	<p>Ушбу асар Ҳиндистон юришлари даври, яъни 1521 йилда ёзилган. Маснавий тарзида ёзилган, ислом ҳуқуқшунослиги ва шариат ақидаларига бағишланган бу асарда Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонга оид ўша давр ижтимоий – иқтисодий ҳаёти бўйича қизиқарли маълумотлар ҳам жамланган. Валиаҳд Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга дастуруламал сифатида мўлжалланган «Мубаййин»да, айтилганда, намоз, закот ва ҳаж зиёрати тўғрисида ҳам шаръий мезонлар баён қилинган</p>
3	<p style="text-align: center;">«Мухтасар»</p>	<p>Аруз вазни назарияси ҳақидаги асар (тахм. 1521 – 1523). Манбаларда «Муфассал», «Рисолаи аруз» деб ҳам юритилади. Унда аруз вазнидаги барча ютуқ ва камчиликлар</p>

		кўрсатилган. Бобур арузнинг баъзи ноаниқ масалаларига аниқлик киритди ва уни янги фикрлар билан бойитди, ўзбек, араб, форс арузларини бир – бири билан қиёслаб, аруз вазнининг 248 турини аниқлади
4	«Хатти Бобурий» («Бобур хати»)	Захириддин Муҳаммад Бобурнинг рисоласи ва шу рисолада илгари сурилган хат тури. «Хатти Бобурий» араб алифбоси асосида тузилган бўлса-да, бу алифбодан баъзи жиҳатлари билан ажралиб туради. Аммо бу ҳам араб алифбоси сингари 29 ҳарфдан иборат. Рисолада Бобур араб алифбосини таҳрир қилиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш йўлидан боради ва шу мақсадда уни туркий тилнинг талаффуз меъёрларига мослаштиришга ҳаракат қилади. Хатти Бобурий билан муқаддас Қуръони карим ҳам кўчирилган ва у «Мусҳафи Бобурий» деб аталган
5	«Муסיқий»	Муסיқашунослик соҳасига оид асари. Бирок асарнинг матни ҳануз топилган эмас
6	«Ҳарб иши»	Ҳарбий масалаларга махсус бағишланган рисоласи. Асарнинг матни ҳануз топилган эмас

Шу билан бирга, XIV – XV асрларда форс-тожик адабиёти ҳам анъанавий тарзда ривожланишда давом этди. Бу адабиёт довуғини баланд кўтарган, юксак бадий ижод намуналарини яратган Камол Хўжандий (тахаллуси; исми Камолиддин Масъуд, 1321 – 1401), Хофиз Шерозий (тахаллуслари; асл исм – шарифи Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад, 1326 – 1389), Абдурахмон Жомий (тахаллуси; асл исм – шарифи Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад, 1414 – 1492), Биноий (тахаллуси; асл исми Камолиддин Али Муҳаммад Сабз, 1453 – 1512), Ҳилолий (тахаллуси; тўлиқ исм – шарифи Мавлоно Бадриддин Ҳилолий Чигатойий, тахм. XV асрнинг 70-йиллари – 1529) сингари даҳо сўз санъаткорлари номини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиздир. Уларнинг юксак бадий тафаккур ила яратилган умрбоқий асарлари, мана, неча асрлардирки, тарих ва даврлар синовидан ўтиб, қанчалаб авлодлар онги, шуурини ёлқинлантириб келмоқда.

8 – мавзу: Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари

Режа:

1. Туркистоннинг уч хонликка бўлиниши.
2. Хонликлар даврида иқтисодий муносабатлар.
3. Хонликларда маданият.
4. XIX асрнинг биринчи ярмида хонликларнинг геосиёсий ўрни, давлат бошқаруви тизими ва ижтимоий – сиёсий ҳаёт.
5. Ўрта Осиёнинг хонликларга бўлиниб кетиш оқибатлари.

Таянч сўз ва иборалар: Дашти Қипчоқ, Шайбонийхонлар, Бухоро хонлиги, Аштархонийлар, Бухоро амирлиги, манғитлар. Хива хонлиги, Қўнғиротлар. Қўқон хонлиги, минглар. Давлат бошқаруви, давлат лавозимлари. Моддий маданият. Ўзаро ва ички кураш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И.А. Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимлардаги табрик сўзи // «Халқ сўзи», 1997 йил 21 октябрь.
3. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2000. –Б. 235-304.
4. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. – Т.: Фан, 1996.
5. Бухоро хонлиги // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2 – жилд. –Т.: ЎМЭ, 2001. –Б. 302-306.
6. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 11-37.
7. Сағдуллаев А. ва бошқа. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I – қисм. – Т.: Академия, 2000. – Б.146-254.
8. Усмонов Қ., Содиқов М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I – қисм. Ўқув қўлланма. – Т.: 2002. – Б. 194-223.
9. Хива хонлиги // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9 – жилд. –Т.: ЎМЭ, 2005. –Б. 417-419.
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 25-53.
11. Ўзбекистон ислом обидалари. – Т.: 2002.
12. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 299-334.
13. Қўқон хонлиги // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11 – жилд. –Т.: ЎМЭ, 2005. –Б. 209-212.
14. Шамсутдинов Р. ва бошқа. Ватан тарихи (XVI – XX аср бошлари): К.2. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 9-142.

15. Usmonov Q., Sodiqov M., Burxonova S. O'zbekiston tarixi. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2006. – B. 186-217.

16. Shamsutdinov R. va boshq. Vatan tarixi. (XVI – XX asr boshlari); K.2 / Mas'ul muharrirlar: O'. Mavlonov, Q. Usmonov. – T.: Sharq, 2010. – B. 11-148.

1. Туркистоннинг уч хонликка бўлиниши. Бухоро хонлиги. Амир Темур вафотидан сўнг унинг йирик давлати парчалана бошлади. Темурий шахзодаларнинг тахт учун ўзаро курашлари қудратли салтанатнинг бўлинишига асосий сабаблардан бири бўлди. XV асрнинг 90 – йилларидаёқ Мовароуннахрнинг марказий вилоятларида ўзаро курашлар ва ички низолар сабабли темурийлар давлати тобора заифлашиб бораётган эди. Бу даврда Мовароуннахрдаги темурийлар салтанати амалда мустақил бошқариладиган кичик – кичик вилоятларга бўлиниб кетган эди. Шундай бир шарт – шароитда Муҳаммад Шайбонийхон бутун Туркистонда марказлашган қудратли ҳокимият ўрнатиш ғояси билан тарих саҳнасига чиқди. Муҳаммад Шайбонийхон (1451 – 1510) Абулхайрхоннинг набираси, Шохбудоғ султоннинг ўғли эди. Абулхайрхон унга Шохбахт деб лақаб қўйган. У Абулхайрхон вафотидан сўнг Дашти Қипчоқнинг асосий ҳудудида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида ҳарбий юришларини олиб бориб, ниҳоят, 1487 – 1488 йилларда Ўтрор, Сайрам, Ясси (Туркистон), Сиғноқ шаҳарларини босиб олди. Шайбонийхон жуда катта ҳудудни қўлга киритиб, Хоразмга ҳам таҳдид сола бошлади.

Темурийчи Самарқанд ҳокими Аҳмад Мирзо мўғулларнинг тинимсиз қилиб турган ҳужумидан тинкаси қуриб Шайбонийга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Шу баҳона билан Шайбонийхон Мовароуннахрга кириш имкониятини қўлга киритди. Айниқса, 1494 йилда Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзо вафотидан сўнг темурий шахзодаларнинг ўзаро низолари янада кучайиб, мамлакатда бошбошдоқлик, кўп ҳокимиятчилик юзага келди. Бундан фойдаланишга интилган Шайбонийхон 1497 йилда Мовароуннахрга ўзининг дастлабки ҳужумини уюштирди. У катта куч билан Самарқандга юриш қилди, лекин шаҳарни ололмасдан, Қарши ва Шаҳрисабзга ҳужум қилиб катта ўлжа билан қайтиб кетди.

XV асрнинг охирларида Самарқанд тахти учун даъвогарлар ўртасидаги низолар кескин тус ола бошлади. Тахтни ишғол этиш борасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483 – 1530) ҳам ҳарбий юришларни амалга оширди. Жумладан, 1496 йилда Самарқанд шаҳрини қамал қилади, лекин қиш яқинлашиб қолгани учун қамални тўхтатади. 1497 йил майида Бойсунғурнинг акаси Султон Масъуд (1475 – 1506) билан иттифоққа кирган Бобур Самарқандни иккинчи бор қамал қилади (Самарқандни иккинчи бор қамал қилганида Бобур ва Шайбонийхон биринчи марта юзма-юз бўлди). Бойсунғур ёрдам сўраб Туркистонга (Яссига) одам юбориб, Муҳаммад Шайбонийхонни чақиради. Пайтдан фойдаланган Муҳаммад Шайбонийхон тезликда лашкар тортиб келган, аммо сўнгги паллада Бойсунғур айниб уни қабул қилмайди,

яъни Бойсунғур Шайбонийхонга Самарқанд дарвозасини очмагани сабабли, у Бобур билан жанг қилмасдан майдонни ташлаб кетди.

Бойсунғур ҳам Самарқандни тарк қилгач, Андижон ҳокими Захириддин Муҳаммад Бобур бошчилигидаги Андижон қўшинлари 1497 йил ноябрида темурийлар пойтахти Самарқанд шаҳрини эгаллайди. Бироқ бунгача шаҳар 7 ойлик қамал натижасида ҳувиллаб қолган эди. Атрофдаги қишлоқларнинг деҳқонлари аҳволи ёмон ҳолатда бўлиб, Самарқандга озиқ – овқат етказиб бериш имкониятидан маҳрум бўлган эдилар. Шунингдек, Бобурнинг Фарғонада унинг укалари сабаб низо келиб чиқади. Натижада 1498 йил илк баҳорида Бобур бошчилигидаги Фарғона амирлари темурийларнинг расмий пойтахти Самарқандни тарк этишга мажбур бўлдилар. Бобур 1500 йилгача Фарғонада тинчлик ўрнатиш билан овора бўлди. Бутун Мовароуннаҳр ерларини бирлаштириш мақсади билан ёнаётган Бобур ҳатто тинчлик учун Фарғонани ҳам икки қисмга бўлиб, укаси Жаҳонгирга Сирдарёнинг шимолий қисмини беришга мажбур бўлди. Ўн беш яшар Захириддин Самарқандда жами 100 кунгина ҳукмронлик қилди. Бу унинг Мовароуннаҳр пойтахтига биринчи бор кадам қўйиши эди. Ана шу воқеа ёш Бобур хотирасида катта из қолдиради. У ўз хотираларида қудратли бобокалони Темур давлатининг собиқ пойтахти бўлган шаҳарни зўр меҳр билан тавсифлайди.

XVI аср бошларидан Муҳаммад Шоҳбахт Шайбоний Мовароуннаҳр ва Хуросонни бирлаштириб марказлашган давлат тузиш мақсадида асосий ҳарбий ҳаракатларини бошлайди. Хусусан, Шайбонийхон қўшинлари 1499 йилдан Мовароуннаҳрни истило қилишга киришди. У Қарши ва Шаҳрисабзга босиб боради, катта ўлжалар билан Дашти Қипчоққа қайтади. Орадан кўп ўтмай, катта куч билан Мовароуннаҳрга қайтган ва 1499 йилда Шайбонийхон Бухоро ва Қоракўлни эгаллайди. Шайбонийхон Бухорога ўз доруғаси (ҳоким) ни тайин этиб, уни ўзининг бош қароргоҳига айлантиради. Шайбонийхон Самарқанд устига юриш қилиб шаҳарни тўққиз ой қамалда тутди. Бу вақтда Самарқандда Абу Саиднинг набираси Султон Али Мирзо ҳукмдорлик қиларди. Оғир иқтисодий танглик ва тахт учун курашлардан безор бўлган меҳнаткаш омма шаҳарни фаол мудофаа қилмади. Натижада 1500 йилда Самарқанд Шайбонийхонга жангсиз таслим бўлади. Бироқ шаҳар зодагонларининг маълум қисми Темурийлар ҳукмдорлигини тиклаш тарафдори эди. Улар Фарғона ҳукмдори Захириддин Муҳаммад Бобурга мактуб йўллаб Самарқандни ишғол қилишга даъват этадилар. Бобур қўшинлари билан Самарқандга етиб келгач, унга пешвоз чиқилиб, шаҳар дарвозалари очиб берилади. Шайбонийхоннинг шаҳар ҳимояси учун қолдирган 600 нафар аскарлари кириб ташланади. Шайбонийхон Бухорога чекинади. Қисқа вақт ичида Самарқанднинг барча туманлари, Қарши ва Ғузур шаҳарларида Бобур ҳокимлиги эътироф этилади. Аммо, шаҳарда озиқ – овқат захиралари тугаб, очарчилик бошланган эди. Бундан хабар топган Шайбонийхон катта куч билан яна Самарқандга юриш бошлайди. 1501 йил апрелда Зарафшон бўйидаги Сарипул қишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур

қўшинлари енгиледи. Бобур Самарқандга чекинади. Шаҳар яна қамалга олиниб, у тўрт ой давом этади.

Қамалда қолган шаҳар аҳолисининг очликдан тинкаси курийди. Ноиложликдан Бобур 1501 йилнинг 2 – ярмида Самарқандни тарк этиб, Тошкентга тоғаси Маҳмудхон ҳузурига йўл олган. Шайбонийхон Самарқандни иккинчи маротаба жангсиз эгаллади.

1503 йилда Шайбонийхон Сирдарё томон юриш қилиб, Тошкент хони Маҳмудхон, Бобур ва Султон Аҳмадхоннинг бирлашган кучларини тор – мор келтиради. Тошкент ва Шоҳрухия шаҳарлари забт этилади. 1504 йилда Фарғона ишғол қилинади. Шайбонийхон Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилиб, Бухорога иниси Маҳмуд Султонни ҳоким этиб тайинлайди. Тошкент хонлиги ва Сирдарё бўйидаги шаҳарларни амакилари Кучкунчихон билан Суюнчхўжахонга топширади.

Мовароуннаҳрда сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олгач, Шайбонийхон 1504 йилда аввал Ҳисор ҳукмдори Хусравшоҳни енгиб Қундузни бўйсундиради. Сўнгра Хоразмга юриш қилади, 10 ой давом этган қамалдан кейин 1505 йилнинг август ойида Урганч таслим бўлади. Натижада бутун Хоразм ерлари Шайбонийхон тасарруфига ўтади.

Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудлари қўлга киритилгандан сўнг Шайбонийхон Хуросонни забт этишга жиддий киришди. Султон Ҳусайн Бойқаронинг вафотидан сўнг Хуросон тахти учун ўғилларининг ўзаро кураш бошлаши унга жуда қўл келди. Хирот тахтига бирданига икки шахзода Музаффар ва Бадиуззамон ўтказилди. Темурий шахзодаларнинг келишиб ҳаракат қила олмаганлиги ва ҳарбий жиҳатдан укувсизлигидан фойдаланган Шайбонийхон 1506 йилда Балхни эгаллади. 1507 йилда Хирот шаҳри ҳам қўлга олингандан кейин бутун Хуросон Шайбонийлар давлатига қўшиб олинди. Шу йилда Муҳаммад Шайбонийхон номидан хутба ўқилади. 1508 йили Муҳаммад Шайбонийхон Хуросоннинг Жом, Марв, Машҳад, Қандаҳор, Астробод каби муҳим марказларида ўз ҳукмини ўрнатишга эришади. Шайбонийхон ҳаётининг сўнгги даврига келиб унинг қўл остидаги давлат таркибига шимолда Сирдарё бўйидаги шаҳарларни, Хоразмни, Фарғона водийсини, Жанубий Туркманистонни Марв билан бирга ҳамда Машҳад, Астробод билан бирга Домғон вилоятини қамраб олган улкан ҳудуд кирар эди. Шундай қилиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон бирлаштирилди ва Шайбонийлар сулоласига асос солинади. Муҳаммад Шайбонийхон «Имом уз – замон, халифат ур – раҳмон» унвонини олиб ўз қўлида дунёвий ва диний ҳокимиятни бирлаштирди.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда қозонилган ғалабадан сўнг у шимолда кучайиб бораётган Қозоқ хонлиги билан тўқнашади. Шайбонийхоннинг Хуросондалигидан фойдаланган қозоқ султонлари Мовароуннаҳрга бир неча марта бостириб кириб, уни талон – тарож қиладилар. 1506 – 1509 йилларда Шайбонийхон Хуросондан қайтиб келиб, қозоқ султонларига зарба беради ва

Дашти Қипчоқ ичкарасига қувиб боради. Бу юришлар натижасида Туркистоннинг Сигноқ, Ясси, Саброн шаҳарлари қайта қўлга киритилади.

XV аср охири ва XVI аср бошларида Туркистон (Турон) заминида бундай ўзгаришлар юз берган бир даврда, Эронда ҳам катта сиёсий ўзгаришлар юз беради. Чунончи, ғарбий Эронда ҳокимиятга янги сиёсий куч – Исмоил Сафовий (1502 – 1524) бошчилигида сафавийлар келадилар. Исмоил Сафовий Эрон ҳукмдори Исмоил Ардабел шаҳридаги суфийлар хонадонидан эди.

Сафавийлар ва шайбонийлар ўртасидаги жангга қадар Шайбонийхон Эронни босиб олиш учун зимдан тайёргарлик кўрган. Жумладан, 1509 йилнинг апрель ойида у Қаршида ўз кўшинларини тўплайди ва уларга бош бўлиб Амударё кечуви – Бурдалиқ томонга (ҳозирги Чоржўй яқинида) қараб йўлга тушади. Лекин, Фазлуллоҳ ибн Рузбехоннинг берган маълумотига қараганда, йўлда ўзбек султонларини ўз улусларига қайтариб юборади. Муҳаммад Темур султон Самарқандга, Ҳамза султон Ҳисори Шодмонга, Убайдулло султон Бухорога ўз кўшинлари билан қайтиб кетадилар. Лекин Марв шаҳрини эгаллаган Шайбонийхон Эроннинг ички вилоятларига юриш қилади. Машҳад ва Тус шаҳарларини эгаллаб, улардаги муқаддас жойларни зиёрат этиб, баъзи меъморий иншоотларни таъмирлашга буйруқ беради. 1510 йилда Эрондан орқага қайтган Шайбонийхон орқадан катта куч билан етиб келган Эрон шоҳи Исмоил Сафовий кўшинлари билан Марв яқинида, Мовароуннаҳрдан ёрдам келишини кутмасдан жангга киришга мажбур бўлади ва сон жихатдан устунликка эга бўлган «Қизилбошлилар» кўшинидан мағлубиятга учрайди. Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўзи ҳам бу жангга ҳалок бўлди. Шоҳ Исмоил буйруғига кўра Муҳаммад Шайбонийхоннинг калласи олиниб пўсти шилинади, пўсти ичи сомон билан тўлдирилиб сафавийларнинг ғарбдаги душманлари бўлмиш усмонлийлар ҳукмдори Султон Боязид II (1481 – 1512) ҳузурига жўнатилади. Бу билан Исмоил усмонлий ҳукмдорга ўз қудратини кўрсатиб қўймоқчи бўлгани аниқ. Шайбонийхоннинг бош чаноғи олтин билан қопланиб, ундан базми жамшидларда Исмоил май қуйиб қадах сифатида фойдаланганлиги ҳам маълум.

Жанг тугаганидан сўнг унинг жасади аскарлар жасадлари орасидан топилган. Шайбонийхоннинг ваҳшийларча таниб бўлмас ҳолга келтирилган бошсиз танаси Самарқанддаги Баланд Суфа деган ерга дафн этилди. Ҳозирда бошқа шайбонийлар ҳам дафн этилган Суфа Регистон майдонида бўлиб, Тиллакори ва Шердор мадрасалари ўртасидаги бурчакда жойлашган.

Муҳаммад Шайбонийхон ўлиmidан сўнг тахтга Кўчкунчихон (1510 – 1530), яъни марҳумнинг амакиси чиқади. Бу хон она томондан темурийлардан бўлиб, машҳур олим, давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг кизи Робия Бегимнинг ва кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абулхайрхоннинг ўғли эди. Гарчи у расман 20 йил мамлакатни бошқарган бўлса – да, аммо сулола ичида мавжуд баъзи бир қарама – қаршилиқлар сабаб шайбонийлар Муҳаммад Шайбонийхон замонидек қатъий ички ва ташқи сиёсат юргиза

олмаганлар. Жумладан, Шайбонийхон тириклик вақтидаёқ Мовароуннаҳр ва Хуросонни ўзбек султонларига суюрғал сифатида тақсимлаб берган эди. Вилоятларни тақсимлашда Шайбоний уруғлари ўртасидаги келишмовчиликлар, зиддиятлар ўзбеклар давлатини заифлаштирди ва шайбонийлар кейинги жангларда бирин – кетин мағлубиятга учрадилар. 1511 – 1512 йилларда шайбонийлараро ички зиддиятлардан фойдаланган ҳолда ҳамда сафавийлар кўмагига суяниб, Бобур Самарқанд тахти учун курашни давом эттириш имконига эга бўлади. Хуросон тўлиғи билан, шу жумладан, ҳозирги Туркменистон, Хоразм, Шимолий Афғонистон Эрон шоҳи Исмоил ҳукмронлигига ўтди. Қобул ҳукмдори Заҳриддин Муҳаммад Бобур шоҳ Исмоилнинг ёрдами билан ҳарбий – сиёсий иттифоқ тузиб, 1511 йилнинг баҳорида Ҳисорни, ёзида Бухорони, октябрнинг бошида эса Самарқандни яна қўлга киритади.

Бобур Самарқандни эгаллагач, Шоҳ Исмоилни олий ҳоким деб эълон қилди. Шиа имомлари номи билан тангалар зарб қила бошлади, Мовароуннаҳрни Эрон манфаатларига буйсундирди. Унинг буйруғи билан ҳар жума номоз куни Исмоил Шоҳ номига ҳутба ўқитиладиган бўлди. Бобурнинг бу ҳаракати, айниқса, Исмоил Сафойий етакчилигини тан олиши маҳаллий халқнинг (суннийларнинг) норозилигини кўзгади. Бундай қулай фурсатдан Шайбонийхоннинг жияни Убайдулла Султон (1486 – 1540) фойдаланишга киришди ва 1512 йил 28 апрелда Жондор тумани яқинидаги Малик кўли ёнида жангда Бобур лашкари Убайдулла Султондан енгилди. Бобур Ҳисорга чекинади. Убайдуллахон Бухоро ва Самарқандни эгаллади. Бу воқеадан сўнг Бобурнинг илтимосига биноан шоҳ Исмоил саксон мингли қизилбошлилар қўшинини ёрдамга юборади. 1512 йил 16 июнида Эрон аскарлари Амударёдан ўтиб Бобур қўшинига келиб қўшиладилар. Бобур Мовароуннаҳрни Шайбонийлардан қайтариб олишга охириги марта уриниб кўради. Дастлаб Қарши шаҳри қўлга киритилади.

Бобурнинг иттифоқчи қўшинлари Бухоро томон юриб Карманани қамалга олган вақтда, шайбоний султонлардан Убайдуллахон Ғиждувон яқинида қизилбошлиларга тўсатдан (1512 йил 24 ноябрда) ҳужум қилиб уларни тор – мор қиладилар. Ғиждувон жангидаги мағлубиятдан сўнг Исмоил Сафойийнинг Бобур билан иттифоқи бузилди. Бобур яна Қобулга кетишга мажбур бўлди. Бобур Мирзо 1513 йилда Мовароуннаҳрни эгаллаш илинжидан узил – кесил умидини узади ва бутун эътиборини Ҳиндистонга қаратади.

1519 йил баҳорига келиб Бобур Ҳиндистонни забт этиш режаларини амалга оширишга киришади ва кейинги 5 – 6 йил давомида бир неча юришлар уюштиради. Ниҳоят, 1526 йил апрелда Панипатда асосий рақиби, Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилик қўшинини 12 минглик аскар билан тор – мор қилади ҳамда Деҳлини эгаллайди. Орадан кўп ўтмай, иккинчи йирик ҳинд саркардаси Рано Санго устидан ҳам зафар қозониб, Шимолий Ҳиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини ўзига буйсундиради. Аграни ўзига пойтахт сифатида танлаган. Шудан сўнг ҳозирги Бангладеш, Покистон,

Ҳиндистоннинг шимоли ва Афғонистон ҳудудида Буюк Бобурийлар салтанатига асос солди, бу сулола XIX асргача (300 йил) ҳукмронлик қилди.

Мовароуннаҳрда 100 йилгача давом этган Шайбонийлар даврида ҳам тинчлик бўлмади, ўзаро ички курашлар давом этди. 1530 йилда Кўчқинчихоннинг ўлимидан сўнг Мовароуннаҳр тахтига унинг ўғли Абу Саидхон ўтказилди. У 1533 йилгача ҳукмронлик қилди. Абу Саидхон ҳукмронлигидан сўнг туркий анъанага биноан султонлар ичида энг ёши улуғи (1512 йилдан бошлаб Бухоро вилояти ноибни бўлиб келган) Убайдулло Султонни 1533 йилда Бухорода шайбонийлар сулоласининг хони қилиб кўтарилди. Убайдуллахон Самарқанддаги Кўчқинчихон авлодлари қаршичилиги сабабли олий ҳокимиятни Бухорода туриб бошқаради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бухоро хонлигини ташкил топиши масаласи бўйича тарихчи олимлар турли фикр ва қарашларини илгари сурадилар.

Биринчи гуруҳ олимлари Бухоро хонлигини ташкил топиши жараёнини Убайдуллахон (1486 – 1540) билан боғлайдилар, яъни Убайдуллахон 1533 йил Шайбонийлар давлати пойтахтини Самарқанддан Бухорога кўчирилиши туфайли Бухоро хонлиги деб атала бошлаган, деб таъкидлайдилар.

Иккинчи гуруҳ олимлари эса Шайбоний Убайдуллахон (1533 – 1540) даврида Бухоронинг мавқеи ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан кучайди ва Мовароуннаҳрнинг сиёсий – маъмурий марказига айлантирилди. Абдуллахон II (1557 – 1598) даврида эса 1557 йилда пойтахт расман Самарқанддан Бухорога кўчирилди. Бухоро узил – кесил давлат пойтахти, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маъмурий маркази бўлиб қолди ва бу сана тарихга Бухоро хонлиги ташкил топган йил бўлиб кирди, деб эътироф этадилар.

Убайдуллахон вафот этгач (1540), хонлик қисқа муддат 3 қисмга бўлиниб, Бухорода Абдулазизхон (1540 – 1550), 1557 йилдан Абдулла Султон (Абдуллахон II; Искандархоннинг ўғли); Самарқандда Абдуллахон I, Абдуллатифхон, Бароқхон; Балхда Пирмуҳаммадхон ҳукмронлик қилишган. Аммо 1551 – 1556 йилларда шайбонийлар ўртасидаги Мовароуннаҳр учун курашда Искандархоннинг ўғли Абдуллахон II (1534 – 1598) ғолиб чиқиб, Бухоро хонлигида ўз ҳокимиятини ўрнатган. 1557 йил майда Бухорони қўлга киритади ва уни ўз пойтахтига айлантиради. У тарқоқликка барҳам бериш, хонлик ҳудудини бирлаштириш ва уни янада кенгайтириш мақсадида ҳарбий юришларни амалга оширган. Хусусан, Балх (1573), Самарқанд (1578), Тошкент (1582), Фарғона (1583), Бадахшон (1584), Кўлоб (1585), Хуросон (1588), Хоразм (1595 – 1596) устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди ва шу асосда марказий давлат бошқарув девонини мустаҳкамлади. 1557 – 1561 йилларда амакиси Пирмуҳаммад, 1561 – 1583 йилларда отаси Искандархон олий ҳукмдор деб эълон қилинган бўлса-да, амалда ҳукмдор Абдуллахон II эди. У 1583 – 1598 йилларда расман олий ҳукмдор – хон сифатида Бухоро хонлигини бошқарди. Шундай қилиб XVI аср охирига келиб Бухоро хонлиги марказлашган улкан давлатга айланган. Шарқда Қашқар билан чегарадош

бўлган, ғарбий чеккаси Орол ва Каспий денгизи соҳилларигача бориб туташган. Хонликнинг шимолдаги чегаралари Туркистон ва Сайрамгача етиб, жанубда Хуросоннинг шарқий қисмини ўз ичига олган.

Абдуллахон II мамлакатни бирлаштириш борасида кўплаб тадбирларни амалга оширди. Бироқ ички низо, адоватни бартараф этолмади. Ғанимлар Абдуллахонга қарши унинг ўғли Абдулмўминни қайрайди, 1589 йилдан ота – бола муносабатлари кескин ёмонлашади. Абдуллахон II билан унинг ўғли Абдулмўмин ўртасида тахт масаласида келишмовчиликдан фойдаланган қозоқ хонларидан Таваккалхон Тошкент вилояти ерларига бостириб киради. Унга қарши сафарга отланган Абдуллахон II Самарқандга етганда вафот этади. Абдуллахон II ўрнига тахтга кўтарилган Абдулмўмин 6 ойча ҳукмдор бўлди, у отасининг амирларидан бири Абдулвосеъ томонидан отиб ўлдирилди. 1598 йилда тахтга сўнгги Шайбоний Пирмуҳаммад II чиқди. Бироқ унинг ҳукмронлиги ҳам узокқа бормади. Пирмуҳаммадхон II ўзига қарши чиққан Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммад билан 1601 йил июнда Самарқанд яқинидаги Боғи Шамолда бўлган жангда мағлубиятга учрагач, тахтни топширишга мажбур бўлди. Шу билан қарийб 100 йил ҳукм сурган шайбонийлар сулоласи барҳам топиб, 1601 йилдан Бухоро хонлигида янги туркий сулола — Жўжихон наслидан бўлган *аштархонлар (жонийлар) сулоласи* ҳукмронлиги бошланган.



ШАЙБОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ВА ХОРАЗМ XVI

<i>Шайбонийлар сулаласи (1500-1601)</i>		
<i>№</i>	<i>Сулола вакиллари</i>	<i>Хукмронлик даври</i>
1	Муҳаммад Шайбонийхон (1451 – 1510)	1500 – 1510
2	Кўчкунчихон, Кўчим (? – 1530)	1510 – 1530
3	Абу Саидхон (? – 1533)	1531 – 1533
4	Убайдуллахон (1486 – 1540)	1533 – 1540
5	Абдуллахон I	1540 йил март – сент.
6	Абдулазизхон (1509 – 1550)	1540 – 1550, Бухорода
7	Абдуллатифхон (? – 1551)	1540 – 1551, Самарқандда
8	Бароқхон (? – 1556) ҳақиқий исми Наврўз Аҳмадхон	1551 – 1556
9	Пирмуҳаммадхон I (? – 1567)	1557 – 1561
10	Искандархон (? – 1583)	1561 – 1583
11	Абдуллахон II (1534 – 1598)	1583 – 1598
12	Абдулмўминхон (? – 1599)	1598 (6 ой)
13	Пирмуҳаммадхон II	1598 – 1601

Давлат тизими. Шайбонийлар даврида ҳокимият тепасида **хон** турарди. У олий ҳокимиятни чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган давлат бошлиғи сифатида бошқарган. Хон тахтга таклиф қилинган вақтда у оқ кигизга ўтирғизиблиб, тўрт томонидан энг мўътабар ва нуфузли тўртта зодагон кўтариб борарди. Анъанага кўра катта ҳаётий тажрибасига эга ва обрўли амирлар **оталик** унвонини олиб улар вояга етмаган шахзодаларни тарбиялашарди. Хонликнинг сиёсий тизимида, бошқарувда Амир Темур ва темурийлар даврида қарор топган тартиб – қоидалар, хусусиятлар билан бирга кўчманчи ўзбеклар давлатига хос анъаналар ҳам мавжуд эди. Давлат бошқарувида исломий шариат ва одат қонун-қоидаларига амал қилинган. Давлатни бошқаришда хон саройидаги олий даражали амалдорлардан ташкил топган марказий бошқарув ва вилоят ҳокимлари қўлидаги маҳаллий бошқарув асосий ўрин тутиб, улар мамлакатнинг амалдаги ҳақиқий эгалари эдилар. Улар ёрдамида, бевосита иштирокида хон маъмурий бошқарувни амалга оширарди.

Шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида энг олий давлат идораси даргоҳ ҳисобланган. Марказий бошқарув давлатнинг ички ва ташқи ҳаётига боғлиқ барча масалаларни ҳал қиладиган **даргоҳ** – сарой девонида жамланган эди. Унинг тепасида олий ҳукмдор – хон турган. Давлатнинг олий даражали амалдорлари аъзо бўлган ва одатда бош вазир томонидан бошқариладиган бу маҳкама (ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган Вазирлар Маҳкамасига ўхшаш тизим) мамлакатнинг сиёсий, молиявий, ҳарбий, ташкилий ва бошқа масалаларини кўриб чиқар эди. Бу ерда қабул қилинган қарорлар хоннинг тасдиғи билангина кучга кирар ва ҳаётга жорий этиларди.

Кўкалдош, оталиқ, нақиб, вазири аъзам, вазир, девонбеги ва бошқа олий даражали сарой амалдорлари, **нўён, туғбеги, кутвол, доруға, курчи-боши** ва бошқа ҳарбий амалдорларнинг фикри ва манфаатлари ҳам қарорлар қабул қилинишида катта аҳамиятга эга эди.

Шайбонийлар давлатида олий ҳукмронлик отадан болага эмас, балки сулоладаги энг улуғ намояндага ўтиши анъана тусига кирган эди. Кейинчалик бу тартиб сулола ичидан оилавий тахт ворислигига ўтган. Бундай ҳолат Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида кўзга ташланди. Масалан, ҳокимият Искандархондан ўғли Абдуллахонга, Абдуллахондан эса ўғли Абдулмўминга ўтган. Тахт вориси **наввоб, қуғулхоний, кичик хон** деб аталганлиги ҳам маълум. Бироқ шайбонийлар сулоласидаги давомийлик сўнгги пайтга қадар юқоридагича муҳим шакллана олмаган. Абдуллахон II даврда Балх вилояти ҳокимлигини валиаҳдга топшириш анъанаси шаклланиб борган бўлса-да, аммо шайбонийлар ҳукмронлигига чек қўйилиши муносабати билан бу анъана ривожланмаган. Аксинча, бундай анъана Аштархонийлар даврида шаклланган эди.

1601 йилда аштархонийлардан Боқи Муҳаммад Бухоро ҳокимиятини қўлга олди. Аштархонийлар Жўжихон наслидан бўлиб, XIV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Астрахан (Аштархон, Ҳожи Тархон) ва унинг атрофидаги ерлар, халқлар устидан ҳукмронлик қилган. 1556 йил Астраханни Россия босиб олгандан кейин, Аштархонийлардан Ёрмуҳаммадхон оиласи билан Бухорога кўчиб келган. Бухоро хони Искандархон (1563 – 1583) қизи Зухрохонимни унинг ўғли Жонибек султонга берган. Жонибек султон Зухрохонимдан уч ўғил (Дин Муҳаммад, Боқи Муҳаммад, Вали Муҳаммад) кўрган. Дин Муҳаммад Абдуллахон II замони (1583 – 1598)да Нисо ва Абивард ҳокими бўлди. Абдулмўминхон ўлдирилгандан кейин (1599) амир ва рухонийлар Жонибек султонни хон тахтига кўтармоқчи бўлдилар. Лекин, Жонибек султон Бухоро хони деб эълон қилинган, ўғли Дин Муҳаммад фойдасига тахтдан воз кечади. Сейистон ҳукмдори бўлган Дин Муҳаммад Ҳирот яқинида сафавийлар билан бўлган жангда ҳалок бўлади ва тахтга Боқи Муҳаммад (1601 – 1605) ўтқазилиб, укаси Вали Муҳаммад (1605 – 1611) ворис деб эълон қилинади. Шундан бошлаб Бухоро хонлиги аштархонийлар қўлига ўтди.

Аштархонийлар сулоласи даврида Бухоро хонлигида тинчлик, осойишталик бўлмади. Хонлик вилоятларида ҳукмронлик қилувчи амирлар ва бекларнинг ўзбошимчалиги, марказий ҳокимият амалдорлари ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, низолар мамлакат тинқасини қуритиб борарди. Аштархонийлардан бўлган Абулфайзхон (1695 – 1747) давридан бошлаб бу сулоланинг нуфузи пасая бошлаган.

Аштархонийлар сулоласига мансуб Бухоро хонлари (1601 – 1757)		
№	Сулола вакиллари	Ҳукмронлик даври
1	Боқи Муҳаммадхон (? – 1605)	1601 – 1605
2	Вали Муҳаммадхон (? – 1611)	1605 – 1611 (тахтдан ҳайдалган)
3	Имомқулихон ибн Динмуҳаммадхон (1589 – 1650)	1611 – 1642
4	Надр Муҳаммадхон (1592 – тахм. 1651)	1642 – 1645 (тахтдан воз кечган)
5	Абдулазизхон (1614 – 1681)	1645 – 1681
6	Субҳонқулихон (1625-1702)	1681 – 1702
7	Убайдуллахон II, Убайдулло Муҳаммад Баҳодирхон (1681 – 1711)	1702 – 1711 (Сарой фитнаси натижасида Бухоронинг Пири Мирза чорбоғида ўлдирилган)
8	Абулфайзхон (1695 – 1747) (номигагина хон бўлган)	1711 – 1747 (Манғитлардан бўлган Муҳаммад Раҳим оталиқ бошлиқ фитначилар томонидан ўлдирилган)
9	Абдулмўминхон (Бухоро хонлигининг кўғирчоқ хони)	1747 – 1751 (ўлдирилган)
10	Убайдуллохон III (Бухоро хонлигининг кўғирчоқ хони)	1751 – 1754 (ўлдирилган)
11	Шерғози (Бухоро хонлигининг кўғирчоқ хони)	1754 – 1756

Абулфайзхон (1711 – 1747) номигагина хон қилиб ўтказилган. Ҳокимиятдаги муҳим лавозимлар нуфузли амирлар қўлига ўтиб қолади. Айниқса, Абдуллабий, Иброҳимбий, Муҳаммад Ҳакимбийлар давлат бошқарувида катта таъсирга эга бўлганлар.

Абулфайзхон даврида сиёсий тарқоқлик ғоятда кучайиб, ҳар бир вилоят амалда мустақил бошқарувга эга бўлган ҳокимиятга айланиб қолган эди. Марказий ҳокимият заифлашгач, 1711 йилда Балх, 1723 йилда Самарқанд вилояти Бухоро хонлигидан ажралиб чиқади. 1720 йилларда Тошкент вилоятини қалмоқлар босиб олади. Бухоро хонлигида иқтисодий ва сиёсий танглик кучая бориб хонлик таназзулга юз тутган. Бу поракандалик

марказий ҳокимиятда юқори мавқега эга бўлишга интиланган бийлар ўртасидаги кураш сабабли рўй берган эди. Бу курашда Шаҳрисабз ҳокими кенагас Иброҳимбий билан барча шаҳзодалар оталиқларининг бошлиғи бўлган манғит уруғидан чиққан Муҳаммад Ҳакимбийлар катта роль ўйнадилар.

Бухоро хонлигидаги поракандалик, ўзаро урушлар 1736 йилда Эронда ҳокимиятни эгаллаб, мустаҳкамланиб олган Нодиршоҳ Афшар (1736 – 1747) эътиборидан четда қолмади ва у Бухоро ва Хива хонларини ўзига бўйсундириш ҳаракатини бошлади. Эрон ҳукмдори 1740 йил баҳорида Балхни эгаллади ва ўша йили кузда катта қўшин билан Амударёдан ўтиб Бухорога қўшин тортган. Бу пайтда Нодиршоҳни Муҳаммад Ҳакимбий (? – 1743) ва ўғли Муҳаммад Раҳим (1709 – 1758) қўллаб – қувватлайди. Абулфайзхон оғир шартларга қўниб, сулҳ тузишга мажбур бўлди ва Нодиршоҳ ҳокимиятини тан олди. Тахтда олий ҳукмдор хон бўлса-да, бироқ у Нодиршоҳ ишончли вакили сифатида манғитлардан бўлган бийлар қўлидаги қўғирчоқ эди. Мамлакат бошқаруви 1743 йилгача Муҳаммад Ҳакимбий, унинг вафотидан кейин Муҳаммад Раҳимбий қўлида бўлди. Хонлик Нодиршоҳнинг ўлиmidан кейин (1747) Эронга тобелиқдан қутулиб, ўз мустақиллигини тиклади. Бироқ, 1747 йилда отаси ўрнига оталиқ тайинланган Муҳаммад Раҳим бошлиқ фитначилар Абулфайзхонни ўлдирдилар.

Бухоро амирлиги. Маълумки, 1747 – 1756 йилларда Абулфайзхон ворислари қўғирчоқ хонлар сифатида тахтга ўтказилган. Давлат ҳокимияти амалда Муҳаммад Раҳим асос солган манғитлар сулоласи қўлига ўтди. Мамлакат яна ички низолар гирдобига тортилган, вилоят ҳокимлари исён кўтарганлар. Муҳаммад Раҳим уларни шафқатсиз суратда бостирган. Муҳаммад Раҳим 1753 йилда ўз номига хутба ўқиттирди ва хонлар авлодига мансуб бўлмагани учун ўзини «**амир**» деб эълон қилди. Шу асосда 1753 йилдан кейин Бухоро хонлигининг номи Бухоро амирлиги деб номлана бошланди. 1756 йил 16 декабрда эса Муҳаммад Раҳим аркони давлат ва руҳонийлар фатвоси билан расмий равишда Бухоро тахтини эгаллаган.

Шундай қилиб, Аштархонийлар сулоласи барҳам топиб манғитлар сулоласи ҳукмронлиги бошланган. Манғитлар сулоласининг 1920 йилгача ҳукмронлик қилган даври тарихда шунинг учун ҳам Бухоро амирлиги деб аталди.

Муҳаммад Раҳим вақтида (1753 – 1758) Бухоро амирлигига қарашли ерлар анча қисқарган. Унинг таркибига Бухоро, Самарқанд, Миёнқол, Кармана, Қарши, Ғузор, Карки, Чоржўй, Шаҳрисабз вилоятлари кириб, Тошкент ва Фарғона вилоятлари хонлик тасарруфидан чиқиб кетган. Дониёлбий оталиқ вақтида (1758 – 1785) ҳам ўзаро урушлар давом этиб, Кармана, Ўратепа, Нурота, Шеробод, Бойсун ва бошқа жойларда маҳаллий кучлар бош кўтариб, пойтахт измидан чиқишга ҳаракат қилганлар. Дониёлбийнинг катта ўғли Шохмурод ҳукмронлиги даври (1785 – 1800)да Дониёлбий жорий этган солиқлардан бир қанчаси бекор қилинди, иқтисодий

ҳаёт бирмунча яхшиланди. Руҳонийларнинг мавқеи ошди. Манғитлар сулоласи марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга қанчалик уринмасин, вилоят ҳокимларининг мустақилликка интилиши давом этаверди. Айниқса Бухорога муҳолиф бўлган Шаҳрисабз ва Китоб беклари билан кураш шиддатли бўлди. Фақат 1853 йилдагина бу бекликларни Бухорога бўйсундиришга муваффақ бўлинди. Амир Ҳайдар даври (1800 – 1826) ҳам ички ва ташқи урушлардан ҳоли бўлмади. Айниқса Ўратепа бир неча марта қўлдан – қўлга ўтиб турди. XIX асрнинг 1 – чорагида Бухоро билан Хива ва Қўқон хонликлари ўртасида Ўрта Осиёда устунликка эришиш учун қирғин – барот ва талон – тарож урушлари бўлди. Тошкент, Туркистон, Чимкент ва уларнинг атрофи Қўқон хонлиги тасарруфига ўтди. 1825 йилда Хива хонлиги Бухорога қарашли Марвни эгаллади. Тўхтовсиз урушлар, солиқлар миқдорининг ортиши кўзғолонларга, жумладан 1821 – 1825 йилларда Бухоро ва Самарқанд оралиғида истиқомат қилувчи хитой – қипчоқ қабилалари кўзғолонига сабаб бўлди. Амир Ҳайдарнинг вориси Насруллахон (1827 – 1860) амирлик ерларини кенгайтиришга муваффақ бўлди. У тахтга даъвогар бўлиши мумкин бўлган барча шахсларни қириб ташлади. Насруллахон 1839, 1841 ва 1858 йилларда Қўқон хонлигига бостириб келиб, аҳолини қирғин қилди ва бойликларини талади. 1842 ва 1843 йилларда Бухоро билан Хива хонликлари ўртасида ҳарбий тўқнашувлар бўлди.

<i>Манғитлар сулоласига мансуб Бухоро амирлари (1756 – 1920)</i>		
<i>№</i>	<i>Сулола вакиллари</i>	<i>Ҳукмронлик даври</i>
1	Муҳаммад Раҳим (1709 – 1758)	1756 – 1758
2	Абулғозихон (амалда Муҳаммад Дониёлбий (? – 1785) оталик)	1758 – 1785
3	Шоҳмурод (1741/49 – 1800)	1785 – 1800 Замондошлари ва келажак тарихчилари Шоҳмуродни «Амири маъсум» («Беғуноҳ амир») ва «Умари соний» («Иккинчи Умар»), «Ғозий» унвонлари билан тилга олишади
4	Ҳайдар (1778 – 1826)	1800 – 1826 Бухоро амирлиги тахтига ўтириб, «амир ал-мўминин» унвонини олган (1800 йил 2 декабрь)

5	Мир Ҳусайн (1797 – 1826)	1826
6	Мир Умар (? – 1826)	1826
7	Насруллахон (1806 – 1860)	1826 – 1860 Тахтга ўтирган кундан бошлаб, бир ой давомида ҳар куни 50-100 кишини қатл қилиб турди. Шу боис амир Насруллога «қассоб амир» деб лақаб қўйилган эди
8	Музаффар (амир Саид Музаффар, 1819 – 1885)	 1860 – 1885
9	Абдулаҳад (1859 – 1911)	1885 – 1910 Абдулаҳад даврида жаҳидчилик ҳаракати кучайган
10	Олимхон (Амир Сайд Олимхон, 1881 – 1944)	 1910 – 1920

Хива хонлиги. 1505 йилда Темурийлар тасарруфида бўлган Хоразм худуди ҳам Шайбонийхон томонидан босиб олинди. Шайбонийхон вафоти (1510 йил)дан кейин Хоразм Эрон сафавийлари қўл остига ўтган. Хоразмда Эрон шоҳи Исмоилшоҳ ҳукмронлиги узоққа бормади. Хоразмда Исмоилшоҳ ҳукмронлигига қарши ҳаракат бошланган.

Абулғозихоннинг «Шажараи турк» асарида ёзилишича, Вазир шаҳрида яшовчи Умар Шайх деган кекса қозиси эроний қизил бошлиларга қарши курашни ташкил қилиб, унга ўзи бошчилик қилган. Хоразмликлар икки йил деганда эронийларни ўз юртларидан ҳайдаб чиқардилар. Ҳукмдорларни Дашти Қипчоқ вакилларига алмаштиришда шайх Саид ота авлодларидан бўлган Саид Хисомиддин ҳаракат ташкилотчиларидан бири бўлган. У бошчилигида Жўжи авлодидан бўлган Берка султоннинг ўғли Элбарсхон 1511 йили Вазир шаҳрига (Уст юртда, Кўхна Урганчдан 60 км узоқликда жойлашган бу шаҳар XV асрда ўзбек хонларидан Мустафоҳон томонидан барпо этилган) таклиф этилди. Элбарсхон ўз укаси Бейбарс билан Хоразмга келаётганини эшитган аҳоли эронийларга қарши қўзғолон кўтариб уларни бутунлай қириб ташлашди ва 1511 йил Вазир шаҳрини эгаллади. 1511 – 1512 йилларда ҳарбий юришлар

давом этирилди ва шайбонийлардан Элбарсхон Хоразм ҳукмдори деб тан олинган. Шундай қилиб, 1512 йилда мустақил *Хива хонлиги* ташкил топди. 1920 йилгача фаолият кўрсатган Хива хонлиги тахтида асосан икки сулола вакиллари: 1511 – 1770 йиллар орасида Арабшоҳ наслидан тарқаган шайбонийлар сулоласи, 1770 – 1920 йилдан эса кўнғиротлар сулоласи ўтирган.

Элбарсхон давридаёқ (1512 – 1516) Хива хонлигининг сиёсий географияси шаклланган эди, десак тўғри бўлади. Зеро, бу пайтда хонлик ғарбда Каспий денгизи, шимолда Орол денгизи ҳавзаси, жанубда Атрек дарёси ва Сарахс атрофларигача бўлган ҳудудни ўз ичига олганди.

Абулғозий Баҳодирхон, Мунис қолдирган маълумотларга кўра, 1512 – 1770 йилларда Хоразмда ҳукмронлик қилган шайбонийхонлар сони қирқ атрофида эди. Хива хонлиги пойтахти Урганч (шаҳарга 1646 йилда Хива хони Абулғозий Баҳодирхон томонидан асос солинган) эди. XVI аср охири – XVII аср бошларида Амударё ўзанининг ўзгариши муносабати билан Урганчнинг мавқеи пасайди, аҳолиси кулайроқ жойга кўчиб бориб жойлашади ва бу ерда Янги Урганч шаҳри пайдо бўлади. Бу орада Хива шаҳрининг мавқеи кўтарилди. 1556 йилда Аванешхон Хивани давлат пойтахти деб эълон қилади, бироқ у ўз ҳукмронлигини фақат Хивадагина ўтказа олар эди. Араб Муҳаммадхон (1602 – 1623) даврида Хиванинг мавқеи кучайиб, хонликнинг расмий пойтахтига айланди. Хива хонлиги тасарруфига Амударё қуйи оқимидаги воҳалар, Манғишлоқ, Даҳистон (Машҳад) ва Ўзбой атрофидаги кўчманчи туркман ҳудудлари кирарди. Бироқ, хонликда тинчлик бўлмади. Узок йиллар давомида хонлик тепасида турган ўзбек қабилалари билан туркман қабилалари ўртасида, шунингдек, шахзодалар ўртасида тинимсиз урушлар бўлиб турди. Хива ва Бухоро ҳукмдорлари ўртасида Мурғоб дарёси бўйлари учун, Марв учун қирғинборот урушлар бўлиб турар, бу ҳудудлар қўлдан – қўлга ўтарди. Хонликка шимолдан қалмоқлар, қozoқлар, Урал казаклари тез – тез хужум қилиб фалоқатлар келтирарди.

XVIII аср ўрталарида Эрон шоҳи Нодиршоҳ, унинг ўғли Насрулло Хива хонлигини босиб олиб, ўз бошқарувини ўрнатди, туркман қабилаларини Хоразмдан Хуросонга кўчирди. Бироқ Хива хонлигида тинчлик бўлмади. Эрон ҳукмдорларига қарши тез – тез ғалаёнлар бўлар, аҳоли боши оққан томонга кетарди. Шундай вазиятда хонликдаги ўзбек қабилаларидан Кўнғирот уруғининг бошлиғи Муҳаммад Амин Иноқ 1770 йилда ҳокимиятни қўлга олди ва Хива хонлигида янги сулола – Кўнғирот сулоласига асос солди (бу сулола 1920 йилгача ҳукм сурди). Муҳаммад Амин Иноқ туркманлар кўзғолонини бостирди, Бухоро ҳукмдорининг ҳужумини даф этди ва Хива хонлигидаги вилоят ҳокимларини марказий ҳокимиятга бўйсундирди.

Шайбонийларнинг арабшоҳийлар сулоласига мансуб Хива хонлари (1511 – 1770)			
№			
1	Элбарсхон (1511 – 1516)	18	Худойдодхон (1687 – 1688)
2	Султон Ҳожихон (1516)	19	Ўзбекхон - Арнакхон (1688 – 1690)
3	Ҳусайнқулихон (1516)	20	Жўжи султон (1694 – 1697)
4	Сўфиёнхон (1516 – 1522)	21	Валихон (1697 – 1699)
5	Бужақахон (1522 – 1526)	22	Шоҳниёзхон (1699 – 1702)
6	Аванешхон (1526 – 1538)	23	Шоҳбахтхон (1702 – 1703)
7	Алихон (1538 – 1547)	24	Сайид Алихон (1703 – 1705)
8	Ақатойхон (1547 – 1556)	25	Мусахон (1705 – 1706)
9	Юнусхон (1556 – 1557)	26	Ёдгорхон (1706 – 1713)
10	Дўстхон (1557 – 1558)	27	Шерғозихон (1714 – 1728)
11	Ҳожи Муҳаммад (1559 – 1602)	28	Элбарсхон II (1728 – 1739)
12	Араб Муҳаммадхон (1602 – 1623)	29	Тоҳирхон (1739 – 1740)
13	Элбарс султон ва Ҳабаш султон (1623)	30	Нуралихон (1740 – 1742)
14	Асфандиёрхон (1623 – 1643)	31	Абулғозихон II (1742 – 1746)
15	Абулғозий Баходирхон (1643–1663)	32	Ғойибхон (1746 – 1756)
16	Анушахон (1663 – 1686)	33	Қорабойхон (1756 – 1757)
17	Аранг Муҳаммадхон (1686 – 1687)	34	Темурғозихон (1757 – 1764) ва бошқалар

Қўнғиротлар сулоласига мансуб Хива хонлари (1770 – 1920)		
№	Сулола вакиллари	Ҳукмронлик даври
1	Муҳаммад Амин Иноқ (тахм. 1730 – 1790)	1770 – 1790 1761 йили иноқлик лавозимига кўтарилган
2	Аваз Муҳаммад Иноқ (Авазбий, 1782 – 1804)	1790 – 1804
3	Элтузархон, (Элтузар Муҳаммад Баходирхон, ? – 1806)	1804 – 1806
4	Муҳаммад Раҳимхон I	1806 – 1825

	(1775 – 1825)	
5	Оллоқулихон (тахм. 1794 – 1842)	1825 – 1842
6	Раҳимқулихон	1842 – 1845
7	Муҳаммад Аминхон (1817 – 55)	1846 – 1855
8	Абдуллахон	1855 – 1856
9	Қутлуғ Муродхон	1856
10	Сайид Муҳаммадхон (1823 – 1864)	1856 – 1864
11	II Феруз – Муҳаммад Раҳимхон (1845 – 1910)	 1864 – 1910
12	Асфандиёрхон, Исфандиёрхон (? – 1918)	1910 – 1918
13	Саид Абдуллахон (? – 1933)	1918 – 1920

Кўқон хонлиги. Шайбонийхон ҳукмронлиги ўрнатилгач Мовороуннахрнинг барча ҳудудлари, шу жумладан Фарғона водийсини ўз авлодларига тақсимлаб берди. Хусусан, Ахсини Жонибек султон, Андижонни эса Махмуд султонга берди. XVI асрда ўрта Осиёда икки мустақил феодал хонлик Бухоро ва Хива хонликлари ташкил топди. Аммо ҳар иккала хонлик ўзаро урушлар олиб борди.

Бу урушлар ва рақобатлар натижасида иккала хонлик ҳам ҳар жихатдан кучсизланиб борди. Хонликлар ичидаги сепаратистик кучлар эса марказдан қочиш ва мустақилликка эришиш учун курашни кучайтириб юборди. Бухоро хони Абдуллахон (1583 йилдан бошлаб у ўзбеклар хони деб эълон қилинган) даврида Фарғона водийси Бухоро хонлигига бўйсундирилган эди. Бу вақтда Бухоро хонлигида феодал тарқоқлик ва беқарорлик авж олганди. Айниқса, Убайдуллохон II (1702 – 1711) ҳукмронлиги даврида Балх вилояти марказий ҳукуматга бўйсунмай кўйди. Самарқанд ва Ҳисор вилоятларида юз қабиласи, Шахрисабз ва Қаршида кенагас ва манғит қабилалари, Фарғона водийсида минг қабиласи исён кўтарган эди.

1709 йилда Фарғона музофатида қарашли Поп туманидаги Чодак қишлоғида (ҳозирги Наманган вилояти ҳудудида) яшовчи хўжалар бош кўтариб ўзбекларнинг минг қабиласига қабила оқ соқоли Шохрухбийни хон қилиб эълон қилдилар. Ривоятларга кўра, Шохрухбий Олтин Бешик авлодидан

бўлган. Мулла Олимнинг «Тарихи Туркистон» аса­ри­да келтирилишича, ўзбеклар Чодак хўжалари хукмронлиги асоратидан халос бўлишга аҳд қилиб Ашурбек ўғли Шохрухбийни Тарғовада хон қилиб сайлашга қарор қилдилар. Шохрухбий ўрда ва кўргон учун қулай жой танлашга фармон беради. Юборилган одамлар «Кўк тўнликлар» яшайдиган икки сой оралигида жойлашган худудни қулай жой, деб ҳисоблайдилар. Улар бу ерда арк қурадилар ва унинг атрофида сарой ва бинолар кўра бошлайдилар. Шундан кейин Шохрухбийни тахтга ўтказадилар. Шу тариқа Фарғона водийси Бухоро хонлигига бўйсунидан бош тортди ва ўзини мустақил деб эълон қилди. Кўқон шаҳри четида жойлашган Тепакўргон Шохрухбийнинг қароргоҳига айланди. Бухоро хонлигидан ажраб чиққан водийда **Кўқон хонлиги** ташкил топди.

Ҳозирда Кўқон хонлигида хукмронлик қилган сулола вакиллари ҳақида турли фикрлар мавжуд. Айрим адабиётларда Кўқон хонлигининг хукмдорлари маҳаллий юқори табақа вакиллари, руҳонийлар ва машхур Хўжа Аҳрор Валий авлодларидан бўлган деб ҳисоблайдилар.

Тарихчи Ҳайдарбек Бобобековнинг таъкидлашича, барча мусулмон тарихчилари ва айрим рус муаллифлари Кўқон хонлари сулоласини Олтин Бешик билан, у орқали Бобур билан боғлайдилар.

Кўқон хонларининг насабномаларини Олтин Бешик ривояти билан боғлиқлиги Ниёзмухаммаднинг «Тарихи Шохрухия», Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансабу савалотин ва таворихул ҳавоқин», Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд», Фозилбек Отабек ўғлининг «Мукаммали тарихи Фарғона», В. Наливкиннинг XIX аср 80 - йиллари ўрталарида Қозонда чоп этилган «Кўқон хонлигининг қисқача тарихи» («Краткая история Кокандского ханства»), Ибратнинг «Фарғона тарихи», Мулла Шамсиддин Шавқийнинг «Шохнома» достонида, Муҳаммад Аминбек Худоёрхон ўғлининг «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1894 йил сонларида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинган «Фарғона вилояти хонларининг хусусидаги воқеатлар» номли асарларида, адабиётшунос, профессор Шариф Юсуповнинг мақолаларида ва бошқа кўплаб манбаларда ўз ифодасини топган.



Сайид Ислombек

Амир Темур ва унинг ўғли Мироншохдан бошланган сулола, Кўқон хони Худоёрхонгача давом этиб келган. Ш. Юсупов шундай хулоса қилади: «Кўқон хонлигининг сўнгги хукмдори Сайид Муҳаммад Худоёрхон соҳибқирон Амир Темурнинг йигирма учинчи авлоди, хоннинг иккинчи ўғли Сайид Муҳаммад Аминбек йигирма тўртинчи ҳамда Муҳаммад Аминбекнинг ўғли Сайид Ислombек соҳибқироннинг йигирма бешинчи авлоди бўлиб чиқади».

Темуршунос, Бобуршунос француз олими, Ўзбекистоннинг «Дўстлик» ордени билан тақдирланган профессор Люсьен Керен ўзининг «Шаҳзода

Исломбек» мақоласида Қўқон хонлари темурий Мироншоҳга бориб тақалади, деган ғояни илгари сурган. Бу ишни ўзбек олими Ш. Юсупов давом эттириб Исломбекнинг ҳаёти, тақдири ҳақида тадқиқот иши олиб бормоқда.

Минглар сулоласининг дастлабки вакили бўлган Шохрухбий 1721 йилда вафот этгач, унинг катта ўғли Муҳаммад Абдурахимбий (Раҳимбий) тахтга ўтиради. Қўқон шаҳрини пойтахтга айланишида Муҳаммад Абдурахимбий хизматлари каттадир. Маълумки, 1711 йил Эскиқўрғон қалъаси ўрнида ҳозирги Қўқон шаҳрига асос солинди, истехком ва қалъа барпо этилди. 1732 йил Абдурахимбий бу ишни ниҳоясига етказди ва шаҳарни хонлик пойтахтига айлантirdи. Шу даврдан бошлаб шаҳар Қўқон деб атала бошлади. Қўқон шаҳрини Раҳимбий қурганлиги сабабли «Қалъайи Раҳимбий» деб юритилган. Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг Шохрух тарихи («Тарихи Шохрухбий») ва Исақхон Ибратнинг «Фарғона тарихи» («Тарихи Фарғона 1916») асарларида қайд этилишича Раҳимбий ўзи сотиб олган теваарак – атрофидаги ерлари билан тўртта қишлоқ ўрнида бино қурган. У ўз қайнотаси Хўжанд ҳокими Окбўтабийни ўлдириб Хўжанд (1725)ни ҳам қўшиб олди. Ана шу йўл билан Фарғона водийсида маркази Хўқанд – Қўқон бўлган давлат ташкил топди ва кенгайиб борди. Бу ҳукмдор қўшинни анча мустаҳкамлашга эришиб, 1726 йили Ўратепани ва 1729 йили Самарқандни босиб олди. Аммо Самарқанд Бухоро хонлиги томонидан қайта эгалланди. Абдурахимбийнинг қароргоҳи Чилмаҳрам деган жойдан етти чақирим наридаги Дейкон Тўда деган қишлоқда эди. 1732 йили Абдурахимбий ҳозирги Қўқон шаҳрининг ўрнига пойтахтнинг пойдеворини қўйди. У Самарқандни қайта эгаллаш билан бирга, Каттақўрғонни ҳам эгаллади, Шаҳрисабзни ўз таъсир доирасига киритишга эришди. Шу тарзда Фарғона водийсида мустақил ҳокимият мустаҳкамланиб бораверди.

Абдурахимбий 33 ёшида вафот этгач, тахтга унинг укаси Абдукаримбий (1733 – 1747/48) ўтирди. Унинг даврида Қўқон ҳақиқий марказ бўлиб қолди. Чунки у пойтахтни эски Қўқон яқинидаги Тепақўрғон қишлоғидан ҳозирги Қўқонга кўчирди. Абдукаримбий ўз давлатини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун ҳаракат қилди. Фарғона водийси Абдукаримбий (1734 – 1751) даврида янада илғорлашди. Бу вақтда Қўқонда янги қароргоҳ, янги сарой, мадраса ва бошқа иншоотлар қурилди. Пойтахт девор билан ўралиб, унинг Исфара, Қатағон, Марғилон, Тошкент ва Ҳайдарбек номларида дарвозалари бор эди. Айрим маълумотларга қараганда, 1740 йилдан Қўқон пойтахт сифатида тўла шаклланади ва расмийлаштирилади. Мана шу вақтлардан бошлаб, кейинчалик Қўқон хонлиги номини олган мустақил давлат анча куч – қувватга тўлади ва мавқеи ошиб боради.

Абдукаримбий вафотидан кейин хонлар тез – тез алмаштирилади. 1750 – 1754 йилларда Абдурахмонбий (1750 – 1751), Эрдонабий (1751 – 1753), Бобобек (1753 – 1754) хонлик қилганлар. Ниҳоят, 1755 йилда Эрдонабий иккинчи марта ҳокимиятга келгач, хонлик анча мустаҳкамланди. У Ўш ва Ўзганни бўйсундириб, 1758 – 1759 йилларда Шарқий Туркистонга ҳам юриш

қилган. Бу даврда Қўқон хонлиги Бухоро ва Хитой билан тенгма – тенг курашадиган давлатга айланди. Лекин Эрдонабий даврида олиб борилган урушлар меҳнаткаш халқнинг аҳолини анча оғирлаштирди. Эрдонабий 1769 йилга қадар тахтни бошқарган. Ундан кейин тахтга ўтирган Сулаймонбек бор йўғи 6 ой хонлик қилди.

Қўқон хонлигини 1770 – 1800 йилларда бошқарган Норбўтабек марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва бўйсунмас ҳокимлар қаршилигини бостиришда бир мунча муваффақият қозонди. У Чуст ва Наманган ҳокимларининг ўзбошимчаликларини тугатиб, кўзғолон кўтарган Хўжанд шаҳрини бўйсундирди ва уни хонликка бутунлай қўшиб олди. Лекин 1799 йилда унинг Тошкентни эгаллаш учун юборган кўшини мағлубиятга учради.

Олимхон (1800 – 1810) даврида Қўқон хонлигининг сиёсий қудрати мустаҳкамланди. Ҳарбий ислоҳот ўтказиб, қўшинни анча мустаҳкамлаган Олимхон Ангрэн воҳасини, Тошкент (1808), Чимкент ва Туркистонни ўзига бўйсундирди. Натижада Қўқон савдогарлари Россия билан бевосита савдо қила бошладилар. 1805 йилда Олимбек хон унвонини қабул қилди ва давлат шу пайтдан эътиборан Фарғонада ташкил топган давлат расман Қўқон хонлиги деб атала бошланди. Бунгача улар «бий» ва «бек» деб аталардилар.

Олимхон хон унвонини жорий этган биринчи ҳукмор бўлди. Ундан бошлаб тахт эгаларига одатдагидек «бий» эмас, балки «хон» унвони бериладиган бўлди. Айрим маҳаллий манбаларга кўра, Олимхон ниҳоятда қаттиққўл ва шафқатсиз киши ҳисобланган. «Золимхон» – Олимхоннинг лақаби, дейилади манбаларда. У ўз амакиси Ҳожибекни қатл қилиб, кўп зулмлар чиқарган эдики, буни ғзабиндан ва зулминдан Золимхон исми машҳур эди». Олимхон олиб борган сиёсат бутун халқнинг Олимхондан норозилигига олиб келди ва бу фитнага сабаб бўлди. Олимхон 1810 йилда укаси Умархоннинг тахтга чиқарилганини эшитиб, Қўқонга кетаётганда Олтиқуш деган жойда фитначилар томонидан ўғли Шохруххон билан бирга отиб ўлдирилади.

Оқибатда Олимхон душманлар томонидан ўлдирилади, ўрнига тахтга ўзини амир деб атаган Умархон (1810 – 1822) ўтиради. Унинг даврида Қўқон хонлиги ҳудудлари янада кенгайтирилди. У Сирдарёнинг ундан ирмоқ олган Янгидарё ҳудудларигача кириб бориб 1813 – 1815 йилларда Сирдарёнинг ўнг қирғоғида Оқмасжид қалъасига (ҳозирги Қизил Ўрда) асос солади. Шунингдек Умархон томонидан Чимкентдан Ила дарёсигача (яъни шарқий йўналишда) бир қатор қалъалар силсиласи бунёд этилгани маълум. Масалан, 1814 йили Қоратоғнинг шимолий томонида Чўлоққўрғон, Олойда Қизилқўрғон, 1821 йили Талас дарёси бўйида юқорида тилга олинган Авлиёота (ҳозир Жамбул) ҳамда Улуғқўрғон, Даровутқўрғон шулар жумласидандир. Умархон 1817 йилда Ўратепани эгаллайди. 1818 йили у «амир ал-муслимийн» унвонини олади. Қўқон хонлиги ҳудудий жиҳатдан йирик давлатга айланди.

Минглар сулоласига мансуб Қўқон хонлари (1709—1876)

№	Сулола вакиллари	Хукмронлик даври
1	Шоҳрухбий (тахм. 1680/81–1721)	1709 – 1721
2	Абдурахимбий (1700 – 1733)	1721 – 1733 (ўлдирилган)
3	Абдулкаримбий (1710 – 1750)	1733 – 1750
4	Абдурахмон	1750 – 1751
5	Эрдонабий (1720 – 1764)	1751 – 1752; 1753 – 1762
6	Бобобек (? – 1753)	1752 – 1753 (10 ой хукм. қил; ўлдирилган)
7	Сулаймонбек	1762 – 1763
8	Норбўтабий (тахм. 1749 – 1798)	тахм. 1763 – 1798
9	Олимхон (? – 1810)	1801 – 1810 (ўлдирилган) 1805 йилда хон унвонини қабул қилган ва шу йилдан давлат расман Қўқон хонлиги деб атала бошланди
10	Умархон (Амирий, 1787 – 1822)	1810 – 1822
11	Муҳаммад Алихон (тахм. 1803/06 – 1842) (Умархон ва Нодирабегимнинг ўғли)	1822 – 1841 (тахтдан воз кечган)
12	Султон Маҳмуд	1841 – 1842
13	Шералихон (тахм. 1797 – 1845)	1842 – 1845 (тахтдан воз кечган ва қатл этилган)
14	Муродхон (? – 1845)	1845 (7 кун хон бўлган ва қатл этилган)
15	Худоёрхон (1831 – 1884)	 1845 – 1858; 1863 (май –

		июнь); 1865 – 1875
16	Маллахон (тахм. 1830 – 1862)	1858 – 1862 (Андижон ҳокими Олимбек томонидан ўлдирилган)
17	Шоҳмуродхон	1862 – 1863
18	Султон Сайидхон (Султон Муродхон, ? – 1868)	1863 (июль) – 1865
19	Насриддинбек (1850 – 1876)	 1875 (июль – октябрь)

Шундай қилиб, асрлар давомида ягона ҳудудда, ягона иқтисодий ва маданий маконда яшаб келган халқ, мамлакат уч қисмга бўлиниб кетди. Учта давлат – Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари вужудга келди.

2. Хонликлар даврида иқтисодий муносабатлар. Хонликлар тарихи иқтисодий ҳаётнинг бир текисда бормаганлигидан, айрим даврларда силжиш кузатилса-да, хонликлар ўртасидаги ўзаро кураш авж олган йилларда таназуллик ҳоллари юз берганлигидан гувоҳлик беради. Учта хонлик бошқарув тизимида феодал муносабатлар асос қилиб олинган эди.

Хонликлар иқтисодиётининг асосини деҳқончилик ва чорвачилик, хунармандчилик ва савдо – сотиқ ташкил этган. Аҳолининг катта қисми асосан деҳқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланган. Деҳқончилик соҳасини ривожлантириш масаласига давлат томонидан катта эътибор қаратилган. Хусусан, Шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида, айниқса Абдуллахон II замонида Бухоро хонлигида деҳқончилик ишларини ривожлантиришга аҳамият берилди. Зарафшон, Сирдарё, Амударё, Чирчиқ, Вахш, Мурғоб дарёлари бўйларида кўплаб каналлар, анҳорлар, ариқлар қазилиб, атрофдаги ерларга сув чиқарилган, янги экинзорлар ва боғлар барпо этилган. Биргина Қашқадарё бўйларидаги ерларга сув чиқарувчи ўндан ортиқ каналлар қазилганлиги ва ишлаб турганлиги маълум. Абдуллахон II даврида қурилган Зарафшон дарёсидаги Кармана, Меҳтар Қосим, Чаҳорминор, Жондор кўприк сув айирғичлари, Сангзар дарёсидаги Туятортар канали, Амударё – Чоржўй канали, Тошкент вилоятидаги Заҳариқ, Нурота тоғлари сувларини тўпловчи

Оқтоб ва Банд сув омборлари йирик иншоотлардан эди. Бу тадбирлар ғаллачилик, пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик, узумчилик каби соҳаларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Хива хонлигида ҳам сунъий суғориш ишларига катта эътибор берилган. Сув тансиқлиги сабабли деҳқончилик қийин шароитда олиб бориларди. Шу боисдан деҳқончиликда Амударё куйи оқимидан олинган кўплаб каналлар ва ариқлар муҳим ўрин тутган. Улардан 11 та йирик каналлар давлат аҳамиятига молик эди: Питнак канали, Полвон канали, Казовот канали, Шоҳаббаз канали, Ярмиш канали, Қилич Ниёзбий канали, Каракуз канали, Арна канали, Бўзсув канали, Сувволи, Хон канали. Каналларнинг қурилиши ерларни суғориш ҳолатини яхшилашга кўмаклашди. XVI –XVII асрларда барпо этилган, узунлиги 14 км бўлган Шоҳобод, узунлиги 96 км бўлган Ўрмуш, Ғозиобод каналлари ҳам деҳқончиликнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган. Булардан ташқари умум жамоа ерларини суғоришга мўлжалланган ўртача узунликдаги каналлар ва ариқлар ҳамда хусусий кишиларга тегишли кичик каналлар ва ариқлар (Шерхон, Найман, Уйғур, Элтузархон) ҳам хонликнинг суғориш тизимида муҳим бўғинлар эди.

Қўқон хонлигида ҳам ариқ ва каналлар тармоғи кенгайтирилди. Наманган ҳудудида Янгиариқ канали, Сирдарёдан Ўратепа томон суғориш тармоқлари, кўплаб ариқлар қазилди, деҳқончилик анча ривожланди.

Хонликлар ҳудудида ер эгаллиги		
Бухоро хонлиги	Хива хонлиги	Қўқон хонлиги
Д а в л а т е р л а р и		
«Амлоки подшоҳи» ёки «Мулки султони»	Подшоҳлик ёки амлок ерлари	Хон ерлари ёки «Амлоки султони»
Хон (амир) бошчилигидаги мулкдорлар гуруҳи ихтиёридаги ерлар		
Х у с у с и й е р л а р		
«Мулки холис» ёки «Мулк ерлари»	Мулкий ерлар	«Мулки хирож» ва «Мулки ушрият»
Хусусий ер мулклари ҳисобланиб, хон ва унинг яқинлари, ҳарбий – маъмурий амалдорлар, йирик дин пешволарига «иктоъ», «суюрғол», «танхо», «тархон» каби шаклларда берилган ерлар эди		
В а қ ф е р л а р и		
Диний маҳкамаларга, мадраса ва масжидларга, қабристонларга қарашли ерлар		
Қишлоқ жамоалари ва деҳқонлари эгалик қиладиган ерлар		

Ерда меҳнат қиладиганларнинг кўпчилик қисми ўз ер майдонига эга бўлмай, ижарага олинган ерда ишловчи камбағал қишлоқ аҳолиси эди.

Дехқончилик. Буғдой, арпа, шоли, жўхори, маккажўхори, мош, нўхат, ловия, кунжут, сули, беда экинлари етиштирилган. Шунингдек, қовун, торвуз, қовоқ, бодринг, пиёз, қалампир, саримсоқ экилиб ҳосил қилинган. Пахта, ипак маҳсулотлари, боғдорчилик ҳам ривожланиб, олма, гилос, ўрик, узум, шафтоли, анжир, олхўри каби мевалар етиштирилган.

Чорвачилик. Яйловларда қўй, эчки, йирик шохли моллар (сигир, хўкиз), от ва туялар боқилиб, гўшт – сут, жун, тери ва бошқа маҳсулотлар олинган.

Хунармандчилик. Хонликларнинг йирик шаҳарлари хунармандчилик марказлари бўлиб, уларда 60 дан ортиқ турдаги хунармандчилик буюмлари тайёрланган. Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Хўжанд, Андижон, Тошкент, Жиззах, Ўратепа, Шахрисабз ва бошқа йирик шаҳарларда хунармандчилик тараққий қилган. Самарқанд қози калонининг ҳужжатларидан маълум бўлишича, XVI асрда Самарқандда хунарнинг 61 тури мавжуд бўлган. Пахта, ипак, жун, тери каби маҳаллий хом ашёлардан ип йигириш, газламалар тўқиш, тайёр кийимлар тикиш, кигиз ва гиламлар тайёрлаш, кўнчилик ривожланган. Металл ва ёғочга ишлов бериш, мисгарлик, темирчилик, ганч ўймакорлиги, дурадгорлик, кулолчилик, қандолатчилик, ошпазлик, новвойлик ва бошқа хунармандчилик тармоқлари анча кенгайди.

Солиқ. Хонликларда раият (деҳқон, чорвадор, хунарманд, савдогар)га турли –туман солиқлар солинган, турли мажбуриятларни – канал ва ариқлар қазиш, уларни тозалаш, ободонлаштириш, мудофаа иншоотларини куриш ва бошқа ишларга мажбур этилган. Хонликларда олинадиган солиқларнинг тури жуда кўп бўлиб, ҳар бир хонликда ўзига хос хусусиятга эга бўлган.

Солиқ турлари		
Бухоро хонлиги	Хива хонлиги	Қўқон хонлиги
Асосий солиқ турлари		
Хирож (ердан олинган ҳосилнинг бешдан бир қисми)		
Закот (чорвадор ва савдогарлар учун молнинг қирқдан бир миқдорида)		
Тамға (хунармандлар ва дўконлар махсус солиқ тўлаган)		
Тахти жой - тагжой (ўз маҳсулотларини ижарага олинган дўконда сотувчилар учун)		
Жузья (бошқа динга мансуб савдогарлар ўз маҳсулотининг бешдан бир қисмини тўлаган)		
Ихrojот (сарой харажатларини таъминлаш учун йиғиладиган солиқ)		
Қўналға (элчилар, амалдорлар, чопарларни текинга меҳмон қилиш)		

Тарихий манбаларда қайд этилишича, хонликларда 60 дан 90 гача турдаги солиқлар ундирилган. Жумладан, Шайбонийлар давлатида солиқ, ўлпон ва мажбуриятлар тизими анча мураккаб бўлиб, расман 90 га яқин солиқ ва ўлпонлар ундирилган. Хива хонликда эса солиқ, мажбурият ва ўлпонларнинг 25 га яқин тури бўлган

Турли мажбуриятлар

<p>Бухоро хонлигида энг оғир мажбурият бу ясоқ бўлиб, унга кўра аҳоли каналлар, хандаклар казиш, йўллар қуриш, ўтин, самон, шох-шабба йиғишга сафарбар қилинган ва текин ишлаб берган.</p> <p>Шу билан бир қаторда бегор (турли қурилишларда текинга ишлаб бериш) мажбурияти ҳам бўлган. Ундан безор бўлган меҳнаткаш халқ тез - тез ғалаён қилиб турган</p>	<p>Хива хонлигида:</p> <p>1. Бегар – расман 12 кунлик давлат мажбурияти; 2. Қазу – бутун қишлоқ аҳолисини катта ва кичик каналларни тозалашга сафарбар этиш мажбурияти; 3. Ички ва обхўра қазу – ҳар йили каналларнинг сув тақсимлагичини тозалаш мажбурияти; 4. Ҳачи – ҳимоя дамбалари қуриш ва мустаҳкамлашда қатнашиш мажбурияти; 5. Отланув – хон овида қатнашиш учун лашкарликка келиш</p>	<p>Кўқон хонлигида эса ҳашар, ҳарбий хизмат мажбуриятлари бор эди</p>
--	---	---

3. Хонликларда маданият. Ўзбек хонликлар даврида барпо этилган меъморий ёдгорликлар бугунги кунда юртимизнинг моддий маданиятини бойитиб келмоқда. Мазкур даврда қурилиш иншоотлари турлари янада такомиллашади, кўплаб жамоат бинолари (карвонсаройлар, кўприклар, сардобалар, ҳаммом, тим ва бошқа савдо расталари) қурилади. Монументал биноларнинг тарихи, қиёфаси ўзгаради, хунармандлар уюшмалари вужудга келади. Бухоро шаҳри баландлиги 10 метрли девор билан ўралиб, шаҳар дарвозалари қурилди, йирик бинолар қуришда (Миср Араб мадрасаси, Хўжа Зайниддин масжид – хонақоси) халқ меъморчилиги анъаналаридан фойдаланилди. Шаҳар ташқарисида ҳам монументал бинолар (масалан, Чорбакр) қурилди. Жомеъ масжидлари сарой каби серҳашам қилиб, мадрасалар пештоқли, минорали тарзда қуриб, ҳовлилари тўрт томондан айвон ва хужралар билан ўралди. Бухоро ва Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари бунга гувоҳлик беради.

Моддий маданият. Хонликлар даврида бинолар безашда майда ўсимлик – нақшли парчинлар ишлатилди. Деворларга гул териш каби

Темурийлар давридаги усуллар ривожлантирилди. Хонликлар давридаги меъморчилик ёдгорликлар ҳажми ва пардозининг жимжимадорлиги билан ажралиб туради. Бунга Самарқанднинг Регистон майдонидаги Шердор ва Тиллакори мадрасасини мисол қилиш мумкин. Деворлардаги ажойиб нақшу нигорлар ва ички деворлардаги тўқис тилла безаклар жуда нафис ишланган. XVIII аср охирларидан Хива хонлигида таъмирлаш ва шаҳарсозлик ишлари авж олади. Оллакулихон мадрасаси, Раҳмонқули Иноқ саройи ҳажм жиҳатидан анча маҳобатли қурилган. Қўқон хонлиги меъморчилигида ранг – баранглик ва ёрқинлик, пардоздаги кошнларнинг ёрқин товланиши каби хусусиятлар айниқса Худоёрхон саройида яққол намоён бўлади.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида меъморчилик ҳажм жиҳатдан ихчам бинолар, гоҳо безак – пардозлардан бутунлай ҳолилиги билан кўзга ташланади. Хонликлар ва амирликда меъморчилик қурилишида ва безакда ўзига хослик ҳам сезилади. Фарғона уйлари кенгковул ва айвонли, гулдор тоқчали, ўйма ганчли, шифтлари нақшу нигорли қилиб қурилса, Самарқанд ва Бухоро уйлари учун чиройли кўринишдаги устунли айвон, гириҳ ва исломий нақшлар туширилган девор ва ганч ўймакорлиги хосдир. Хива ўйлари ташқи ва ички шаклда қурилиб, айвони ичкарига қараган, устунларига ўйма нақшлар чекилган, мураккаб шаклдаги гуллар билан безалган. Хуллас, бу даврнинг кўпгина бетакрор маданият соҳалари ўз сирларини мукамал сақлаб келмоқда.

Хонликлар даври меъморий обидаларга қуйидагиларни айтиш мумкин:

Бухоро шаҳридаги меъморий обидалар:



***Мир Араб
мадрасаси (Бухоро, 1530
– 1536)***

Бухоро хони мумтоз шоир Убайдуллахон инъом этган маблағ ҳисобига Шайх Абдулла (Мир Араб) томонидан 1530 йилда қурила бошланган. Бироқ Мир

Араб мадраса қурилишини ниҳоясига етказа олмаган, у 1536 йил бошида вафот этган. Шайхнинг васиятига кўра куёви Шайх Закариё қурилишни охирига етказган. Мадраса Минораи калоннинг қаршисида жойлашган. Бош тарзи улкан пештокли, дарвозаси орқасида 5 гумбазли миёнсарой, икки ёнида баланд гумбазли кенг дарсхона ва масжид, гўрхона жойлашган. Кошинкори нақшлар ёзувлар билан уйғунлашган.

Мир Араб мадрасаси Ўрта Осиё диний мактаблари қурилишига хос анъанавий лойиҳа ва мужассамот ўз ифодасини топган. Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан Мадраса пештоқи ва гумбазларидаги тўкилиб кетган кошникори нақшлар ва ёзувлар қайта тикланган.

Абдуллахон мадрасаси (Бухоро, 1588 – 1590)



Бухородаги Кўш Мадраса ансамблининг шимолий қисмида жойлашган. Меъмори номаълум, Абдуллахон II қурдирган. Тузилиши одатдаги мадрасалардан анча фарқ қилади. Ҳовли атрофини икки ошёнли хужралар ўраб туради. Ҳар икки томонида баланд пештоқ жойлашган. Пештоқлар орқали ичкари хоналар ва хонақоҳга ўтилади. Мадрасанинг катта пештоқи жанубга қараган. Пештоқ қанотлари ва гулдасталар сиркор безаклар билан пардозланган. Дарвозадан ўтиб, икки ёқдаги катта хоналар – дарсхона ва масжидга кирилади. Дарвоза хотамкори услубининг ноёб намунаси – гирих шакли майда ёғоч парчаларидан терилган. Абдуллахон даври меъморлиги етук намунаси бўлган бу мадраса Бухоро меъморчилигининг XVI асрда эришган барча ижодий ютуқларини намойиш этади.

Модарихон мадрасаси (Бухоро, 1566 – 1567)

Абдуллахон мадрасаси қаршисида жойлашган. Иккаласи кўш Мадраса мажмуасини ташкил қилади. Модарихон мадрасаси Абдуллахоннинг онаси шарафига қурилган (номи ҳам шундан). Мадраса чорси тарҳли (67 x 45 м), 2 қаватли. Бош тарзида улкан пештоқ ва унинг 2 ёнидаги 2 қаватли, олди равоқли 3 қисмга ажратилган хоналар олди ҳандасий услубда кошникори нақшлар билан безатилган.


Масжиди Калон (Бухоро, XV – XVI)

Масжиди Калон – форсча «*катта масжид*» деган маънони англатади. Ушбу меъморий ёдгорлик XII асрдаги қадимги иморат қолдиқлари устига XIV



– XV асрларда курила бошланиб, XVI аср бошларида таъмир этилган (масжид ҳовлиси ва атрофида олиб борилган археологик текширишлар натижасида аниқланган). Масжид тўғри тўртбурчак тарҳли (127x78 м), кенг ҳовли атрофини гумбазли бостирма айвон эгаллаган. 288 қубба (гумбазча) 208 устунга таянган.

Масжиди Калоннинг ташқи 7 эшиги бўлиб, асосий шарқий дарвоза олдида ва ичида кенг айвонлар жойлашган. Пештоқ равоғидаги болохона ва унинг ён томонидаги қиррали равоқлар кошин ва сирланган ғиштлар билан безатилган. Пештоқ орқали ҳовли тўри (юқориси)даги хонақоҳ – максурага ўтилади. Хонақоҳнинг ташқи пой – гумбази баланд, мовий гумбази узоқдан кўзга ташланиб туради. Ички гумбаз ости бағалларига «қолибқори» услубида қатор майда равоқча (16 та)лар ишланган, меҳроб безаклари нафис кошинкорлик санъатининг юксак намунасидир, унда уста Боёзид Пуроний номи ва 1514 йил санаси кўрсатилган. Пештоқ олдидаги сахнада кичик кўшк (павильон) бор, қурилиши (XX аср)да Уста Ширин Муродов қатнашган. Марказий Осиёдаги энг йирик масжидлардан бири бўлиб, унга 1200 одам сиққан.



Тоқи Заргарон (Бухоро, XVI)

Тоқи Заргарон –форсча «*заргарлар тоқи*» деган маънони англатади. Заргарлик буюмлари сотиш учун мўлжалланган савдо маркази. Гумбази араблар босқинига

қадар қурилган деб тахмин қилинади.

Восифийинг XVI аср бошларида ёзган асарида Бухоро чорсуи сифатида тилга олинган. Тоқи Заргарон Улуғбек мадрасаси ёнида, қадимги шаҳристон маркази — 2 катта кўча кесишган чорраҳа устини қоплаб туради. Бино, асосан, XV асрда қурилган (XVI асрда тўла – тўқис таъмирланганлиги сабабли шу йили бунёд этилган деб тахмин қилинади). Улкан гумбаз 8 та тоқига ўрнатилган. Тарҳи 45,4 х 43,5 м, баландлиги 16,7 м, гумбазининг асос айланаси 14 м, пойгумбази кўп қиррали, ундаги 16 та дарча орқали бино ичига ёруғлик тушиб туради. Атрофини ўраб турган дўконлар гумбази баландлиги 5 – 7 м. Ўтмишда унинг далонларида 36 заргарлик устахонаси ва дўконлар бўлган. Атрофига савдо расталари, омбор, карвонсаройлар қурилган. Тоқи Заргарон Бухородаги тоқиларнинг энг йириги ва мужассамоти жиҳатидан мураккаби ҳисобланади.

Файзобод хонақоҳи (Бухоро, 1598 – 1599)

Абдуллахон II даврида Дустум Девонбеги томонидан қурдирилган. Файзобод хонақоҳи кўп хонали, пештоқ – гумбазли, тарҳи 35 х 28,8 м. Марказида гумбазли катта хонақоҳ (12,7 х 12,7 м), 3 томондан равоқли бостирма (галерея) ўраб туради. Олд томонида улкан пештоқ, 2 ён томонида 2 қаватли хужралар ҳамда равоқли йўлак жойлашган.



Файзобод хонақоҳи очик равоқли галерея шаклида қурилганлиги билан ажралиб туради. XX асрнинг 70 – 80 йилларида вайронага айланган Файзобод хонақоҳи Бухоро махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси (усталар А. Ҳайтов, Р. Қурбонов ва бошқалар)

томонидан қайта тикланган.



Чор Бакр меъморий мажмуаси (Бухоро, XVI – XIX)

Бухоронинг Сумитан мавзеидаги меъморий ёдгорлик. Шу ерда яшаб ўтган машҳур тўрт шайх (Абу Бакр Саъд, Абу Бакр Фазл, Абу Бакр Муҳаммад, Абу Бакр Тархон) номи билан боғлиқ. Шайхлар қабристонини олдида Абдуллахон II томонидан хонақоҳ, масжид, Мадраса ва катта боғдан иборат меъморий мажмуа барпо этилган (1559), кейинги асрларда яна қўшимча бинолар қурилиб, атрофи боғларга айлантирилган. Хонақоҳ гумбазли хона ва пештоқдан иборат.


Пештоқ беагида кошинкори нақшлар ва йирик куфий ёзувлар, 2 ён канотида гулдасталар бор. Ички беагида ганчкорлик ва қирма намуналари учрайди. Мадраса пештоқи кенгроқ, даҳанаси уч равоққа бўлинган. Китобаси арабий ёзувдан иборат. Мўъжаз минора меъморий мажмуа марказида жойлашган.



Абдулазизхон мадрасаси (Бухоро, 1652)

Бухоро хони Абдулазизхон (1645 – 1680) томонидан 1652 йилда қурилган. Меъмор Мимхоқон ибн Хўжа Муҳаммадамин. Абдулазизхон мадрасаси Улуғбек мадрасасининг (1419) қаршисида жойлашган. Мадраса тузилиши оддий ва хужралари икки ошёнли. Тўртбурчак ҳовлининг ҳар тарафида пештоқли

айвон бор. Умуман, мадраса беақлари юксак санъат ва маҳорат билан ишланган. Катта пештоқ нафис ва нодир кошинкори нақшлар билан зийнатланган. Мадраса XVII асрнинг Бухоро маҳобатли меъморчилигининг етук намунаси. Мадраса асосан жузъий таъмирлар (пештоқ муқарнасини Уста Ширин Муродов таъмирлаган) асосида тартибга келтирилган.



Баҳоуддин мажмуаси (Бухоро, XVI аср)


Шайх Баҳоуддин Нақшбанд мазори ёнидаги ҳазира – ансамбль. Мозор Абдулазизхон буйруғи билан тартибга солиниб, ҳазира барпо этилган ва 1544 – 1545 йилларда мажмуанинг энг катта

биноси – хонақоҳ қурилган. Баҳоуддин мажмуаси даҳмалар (Даҳмаи шоҳон ва Баҳоуддин даҳмаси), мақбара, 2 масжид, сақоҳона, ҳовуз, қудуқ, минора, мадраса ва Абдулазизхон хонақоҳидан иборат. Мажмуа кичик гумбазли чортоқ дарвозахонадан бошланади. Дарвозадан ўтгач, ўнгда кичкина масжид, чап томонда зиёратчилар учун турли бинолар бўлганлиги маълум. Баҳоуддин мажмуасига ундан 0,5 км шимолий – шарқда жойлашган «Қасри Орифон» масжиди ҳам қиради, унинг ёнида пастақкина минора бор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги ўтказилиб (1993) мажмуа қайта таъмирланди, қўшимча бинолар бунёд этилди.

Лабиҳовуз ансамбли (Бухоро, XVII аср)



Дастлаб бозор майдони бўлган. Майдон ўртасида катта қовуз қазилиб (1620 йил) атрофлари синчлар билан мустаҳкамланган, харсанглардан зинапоялар, мрамрдан тарновлар ишланган. Шағал ва тупроқ билан тўлдирилиб шибаланган. Ҳовуз эни 36 м., бўйи 45,5 м., чуқ. 5 м. Унинг ғарбида Нодир Девонбеги хонақоҳи, шарқида Нодир Девонбеги мадрасаси, шимолда Кўкалдош мадрасаси ва Эрназар элчи мадрасаси (сақланмаган) қад кўтарган. Ҳозирда ҳовуз атрофига чинорлар экилиб, чойхона қурилган. Ёдгорликлар таъмирланган.



Нодир Девонбеги мадрасаси (Бухоро, 1622 – 1623)

Бухородаги меъморий ёдгорлик. Бухоро хони Имомқулихоннинг вазири Нодир девонбеги (Нодир мирзо Тоғай ибн Султон) қурдирган. Нодир Девонбеги мадрасаси Лабиҳовуз ансамблининг шарқий қисмида жойлашган. Дастлаб карвонсарой сифатида қурилган, хоннинг қарори билан мадрасага айлантирилган. Унда мадрасаларга хос айвон, масжид ва катта дарсхона йўқ, ҳовли атрофи 4 томондан 2 қаватли кичик хужралар билан ўралган. Хужраларга ўймақори усулида безатилган эшиклар, эшиклар тепасидаги тобадонга панжаралар ўрнатилган. Ҳовлига пишиқ ғишт ётқизилган. Бош тарзи майдонга қараган. Олд томонида ҳовуз бор.

Нодир Девонбеги хонақоҳи (Бухоро, 1620 – 1621)

Ушбу меъморий ёдгорликни ҳам Бухоро хони Имомқулихоннинг вазири Нодир девонбеги қурдирган. Лабиҳовуз ансамблидаги ҳовуз билан бирга бунёд этилган. Пештоқи ҳашаматли, равоғининг қаноси анча баланд, улуғвор, айрим ерларида кошинларнинг парчалари сақланиб қолган. 2 томонидаги таги

қиррали гулдаста – мезаналар олд кўринишига салобат беради. Хонақоҳнинг 2 ёнидан ҳам хужраларга кириладиган эшиклари бўлган. Деворлари бир неча бор таъмирлангани (1914 – 1916 йилларда Бухоронинг охириги амири Сайид Олимхон томонидан таъмирланган) дан асл кўриниши ўзгарган.



Кўкалдош мадрасаси (Бухоро, 1568 – 1569)

Бухоро хонининг вазири Қулбобо Кўкалдош қурдирган. Лаби ҳовуз ансамблининг шимолида жойлашган. Икки қаватли бош тарзи ансамбль майдонига қаратилган. Пештоқини безатиб турган кошинлар сақланиб қолмаган. Мадраса пештоқидаги

дарвоза гириҳ ва исломий нақшлар билан безатилган. Мадраса ҳовлисига 5 гумбазли миёнсарой орқали кирилади. Мадраса ҳовлиси узун (42 x 37м), ўртага янги иморат 1929 йилда қурилган. Ҳовли томондаги 2 қаватли равоқлар қаторини юзма – юз қилиб солинган пештоқли баланд айвонлар ажратиб туради. Ҳар бир равоқдан алоҳида хужрага кирилади. Ҳовли атрофи 2 қаватли 160 хужра билан ўралган. Кўкалдош мадрасаси 1960 – 1970 ва 1995 – 1997 йилларда таъмирланган.



Болоҳовуз масжиди (Бухоро, XVIII – XIX аср)

Бухородаги меъморий ёдгорлик, томонлари 11,5 м ли мурабба тарҳли бино. Болоҳовуз масжидининг катта гумбазли масжиди 1712 йил, ҳовли ва хужралари XIX асрда, айвони 1915 – 1917

йилларда, масжид ёнидаги алоҳида турган минора ҳам шу йилларда Уста Ширин Муродов ва уста Ҳафизовлар томонидан қурилган.

Болоҳовуз масжиди қалқонсимон ва мураккаб бўртма нақшлар билан безатилган. Мехробига нафис нақшлар ишланган. Ганч шувокли пештоқ масжиднинг шарқ томонида бўлиб, бўғот ости ганч нақшлар билан безатилган. Пештоқнинг ён томонларига икки қаватли баланд токчали хужралар қурилган. Болоҳовуз масжидининг 20 та баланд ва ингичка ёғоч устунли айвони бор. Айвоннинг ён деворларидаги токчалари нақшлар билан безатилган. Болоҳовуз масжидида жума номози ўқилган. Масжиднинг айвони ва қандил осилган

шипи айниқса серҳашам. Регистон майдони томонидан Болоҳовуз масжидига қаралса пешайвони, майдон ёнбошидаги кичкина минораси ва ўртасидаги ҳовуз кишида ажойиб таассурот қолдиради. Ҳовуз қирғоклари йирик тошлар билан зинапояли қилиб мустаҳкамланган.



Чор минор (Бухоро, 1807)

Чор минор – форсча «*тўрт минора*» деган маънони англитади. Халфа Ниёзкул қурдирган. Чор минор анъанавий усулда қурилган масжид, бир қаватли Мадраса, атрофи бир қаватли хужралар билан ўралган ҳовлидан иборат. Синчли пешайвон типидagi масжид ҳовлининг жанубий – ғарбий бурчагида жойлашган. Мадрасага 2 қаватли, гумбаз томли дарвозахона орқали кирилади. Мурабба тархли дарвозахона ўзига хос муҷассамот ечимига эга: олди пештокли, тўрт бурчагида тўртта минора жойлашган (номи ҳам шундан), минораларнинг тепа қисми гумбаз шаклида яқунланган бўлиб, улар сирқори кошнлар билан безатилган. 2 қаватли хонанинг 1-қавати миёнсарой кўринишида бўлиб, изоралари тошлар билан қопланган, томи гумбазли, 2-қавати кутубхона, кутубхонанинг шифти пастак гумбазли бўлиб, содда муқарнаслар ҳалқаси билан тўлдирилган. 2-қаватга минораларнинг биридаги зина орқали чиқилади.

Ситораи Моҳи Хоса (Бухоро, 1826 – 1920)

Бухородаги манғитлар сулоласининг 3-авлодига мансуб сарой – боғ. Бухородан 4 км шимолда. Дастлабки бинолар Насруллахон (1826 – 1860) ва Музаффархон (1860 – 1885) ҳукмронлиги даврида қурилган. Абдулаҳадхон ҳукмронлиги даври (1885 – 1910) да сарой ва хушманзара боғ барпо этилган. Амир Олимхон ҳукмронлиги даври (1910 – 1920)да янги сарой қурилган. Ситораи Моҳи Хоса майдони 6,7 га бўлиб, эски сарой, ғишт тўшалган 3 ҳовли ва кўпгина хоналардан иборат.

Бу ердаги амир Музаффархон меҳмонхонаси кенг, баланд зали, икки томондаги болхонали айвонлари, европача эшик ва деразалари билан ажралиб туради.

Уч қисмга бўлинган мурабба тархли хонани ташкил этувчи Абдулаҳадхон хонаси бир – бирига қарама – қарши жойлаштирилган ва бир хилда безатилган 2 зал ўртасидаги баланд супа орқали бирлаштирилган. Супанинг ғарб томонига тахт ўрнатилган. Эски сарой шарқидagi амир Олимхоннинг бош қароргоҳи – янги саройга равоқли муҳташам дарвоза ўрнатилган. Анъанавий сирқори парчинлар билан бирга Россиядан келтирилган кафель қопламалардан ҳам фойдаланилган.



Оқсарой ичкараси Шарқнинг жим – жимадор, нафис нақшлари жозибадор гуллари билан уйғунлашган. Оқсарой 2 йил мобайнида Уста Ширин раҳбарлигида (25 – 30 киши томонидан) қурилган ва пардозланган. Янги сарой рус муҳандислари Сакович ва Маргулис раҳбарлигида қурилган. Қабулхона Европа услубида бирдан иккинчисига ўтиладиган қилиб қатор жойлаштирилган. Янги саройнинг киравериши боққа тутатиб кетган. Боғнинг шимолий қисмида ҳарам жойлашган. Унинг ғарбида ҳарам хизматкорлари учун хоналари бўлган кичик ҳовли бор. Ҳарам 2 қаватли ва ярим доира шаклида қурилган. Маҳаллий меъморлик анъаналарини ўзида сақлаб қолган. Боғнинг қоқ ўртасида 8 хонали кўшк бор. Унинг хоналари 8 қиррали қилиб қурилган меҳмонхона атрафида жойлашган. Ошхонанинг деворлари тилла ва қумуш суви югуртириб безатилган. Кўшкнинг жанубда тўғри бурчакли девори тоқчали катта хона бўлган. Қолган бошқа хоналар ётоқхона ва хизматкорлар учун мўлжалланган. Боғнинг жанубда икки қаватли масжид, катта ҳовуз қурилган (1917 – 1918). Ҳовуз кулранг Ҳозгон мармари билан қопланган. Бинонинг ичида узун йўлак бўлиб, хоналари фақат бир томондан шамоллатилган. Ҳозирда Ситораи Моҳи Хосада Бухоро давлат меъморий – бадиий музей – кўрикхонаси, дам олиш уйи ва болалар санаторийси жойлашган.

Самарқандаги меъморий обидалар:



Шайбонийлар дахмаси (Самарқанд, XVI аср)

Самарқанддаги ўрта аср меъморий ёдгорлиги. Шайбонийхон 1510 йил Эрон шоҳи Исмоил I Сафавий билан бўлган жангда ҳалок бўлгач, Шайбонийхоннинг бошсиз танаси Самарқандга олиб келиниб ўзи қурган мадрасада мармар супа остига, яъни Баланд Суфага дафн қилинган. Баланд Суфа Регистон майдонида Тиллакори ва

Шердор мадрасалари ўртасидаги бурчакда жойлашган бўлиб, бу ерга кейинчалик бошқа шайбоний султонлар ва маликалар: Маҳмуд Султон (1503/04 йилда ўлдирилган), Махдий Султон, Ҳамза Султон (1511 йилда ўлдирилган), Муҳаммад Темур Султон (1511 йилда вафот этган), Қутлуғ Муҳаммад Султон (1545 йилда вафот этган), Абулхайр Султон (1511 йил ўлдирилган), Ёдгор Султоним (1526 йилда вафот этган), Шаҳрибону хоним (1535 йилда вафот этган), Шоҳ Султон хоним (1530 йилда вафот этган), Суюнч Муҳаммад Султон (1586 йилда вафот этган) лар дафн этилган.



Шердор мадрасаси (Самарқанд, 1619 – 1636)

Регистон ансамбли таркибида. Мирзо Улуғбек хонақоҳи ўрнига Ялангтўш Баҳодир қурдирган. Улуғбек мадрасасининг рўпарасида жойлашган. Мадраса тарҳи тўртбурчак, 2 қаватли. Бош тарзининг 2 қанотида қовурғали гумбаз ва миноралар жойлашган.

Ҳовли атрофидаги 2 қаватли хужралар (54 та)нинг олди равоқди айвон. Айвонлар ёзда дарсхона вазифасини ўтаган. 1960 – 1964 йилларда пешток қаносларидаги кошинкори нақшлар қайта тикланган.



Тиллақори мадрасаси (Самарқанд, XV аср)

Регистон ансамблида Улуғбек даврида бунёд этилган Мирзойи Карвонсаройи (XV аср) ўрнида Самарқанд ҳокими Ялангтўшбий Баҳодир мадраса ва жоме масжиди курдирган (1641 - 1646) Карвонсарой асоси устига Мадраса (шимолий – шарқий

қисмида), хужралар ўрнида пештоқ гумбазли масжид (ғарбида) жойлашган. Дастлаб «Ялангтўшбий кичик мадрасаси» деб номланган. Кейинчалик масжид беағида бошқа бир обида қурилишига етадиган миқдорда олтин сарфлангани учун «тиллақори» (тилладан ишлов берилган) деб юритила бошлаган.

Тиллақори мадрасасидан шаҳар жоме масжиди ва Мадраса сифатида фойдаланилган. Шунинг учун масжид (63 x 22 м) катта ва серҳашамлиги билан бошқа мадрасалардан ажралиб туради. Мадраса (70 x 70 м) га ғарбий пештоқ орқали кирилади. Пештоқ чуқур равоқли, 2 қанотининг олди равоқли, 2 қаватли хужралар, бурчакларини тенг ҳажмдаги гулдаста – мезаналар эгаллаган. Масжид хонақоҳи (10,8 x 10,8 м)нинг пойгумбази баланд, узоқдан кўзга ташланиб туради. Унинг гумбази ниҳоясига етказилмаган. Хонақоҳ тўрига мрамрдан меҳроб ва зинапояли минбар ишланган. Ўз даврида зарҳал нақшлар билан жозибадор безатилган хонақоҳнинг 2 ёнини олди равоқли, гумбаз томли айвон (йўлак)лар эгаллаган. Пештоқ равоғидаги мрамр тахтачада безак ишлари 1659 – 1660 йилларда бажарилганлиги ёзилган.

Тиллақори мадрасаси бир неча бор таъмир қилинган. 1817 йилда амир Ҳайдар буйруғи билан zilзиладан зарар кўрган пештоқи қайта тикланиши жараёнида шакли бузилган. 1885 йилдаги таъмир вақтида зарҳал нақшлар оддий бўёқлар билан алмаштирилган. Тиллақори мадрасасида Самарқанд таъмирлаш устахонаси ташкил этилиб (1930), қошинларнинг қадимги рангини топиш йўлида тадқиқот ишлари олиб борилган. Тиллақори мадрасасидаги йўқолиб кетаётган ноёб зарҳал нақшларни усталар илмий ўрганиб, қайта тиклади (1970). Бинокорлар мадрасанинг Регистонга қараган пештоқини Шердор ва Улуғбек мадрасаси билан мослаштириб қайта қурди.

Тошкентдаги меъморий обидалар:



Кўкалдош мадрасаси (Тошкент, 1551 – 1575)

Тошкент шаҳари
марказининг Чорсу
майдошида жойлашган.
Қулбобо Кўкалдош
қурдирган. Мадраса
(умумий ўлчами 62,7 х
44,9 м) бош тарзи

жанубига қараган. Дарвозадан кираверишда чапда масжид, ўнгда дарсхона жойлашган. Масжид ва дарсхоналарнинг томи ўзаро кесишган равоқлар устига ўрнатилган гумбазлардан иборат. Ҳовлининг атрофидаги хужралар 38 та бўлиб, дарсхона ва масжид билан ўзаро боғланган. Мадраса дастлаб 3 қаватли бўлган. Меъморлар мадрасани безашда, асосан, бинонинг олд томонига эътибор беришган. Кўкалдош мадрасаси XVIII аср бошларида қаровсиз ҳолга келиб қолган ва қарвонсарой омбори сифатида фойдаланилган. 1886 ва 1946 йиллардаги зилзилалар оқибатида вайрон бўлган. Бир неча бор таъмирланиши натижасида мадрасанинг ташқи кўриниши ўзгариб кетган. Кўкалдош мадрасаси хужраларидан бирида Фурқат (1889 – 1891) ва Ҳамза (1910 – 1911) истиқомат қилган, шоир Хислат ва бошқалар таҳсил олган. Мадрасанинг олд томонига анъанавий усулда зинапоя ишланган. 1998 йилдан бинонинг муҳандислик устуворлигини таъминлаш, ташқи ва ички тарзларини асл ҳолига келтириш ва атрофини ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Кўкалдош мадрасаси Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси тасарруфида (1991 йилдан). Бинода шу идорага қарашли ўрта махсус ислом билим юрти жойлашган.



Бароқхон мадрасаси (Тошкент, 1531/32 – XVI асрининг 2 - ярми)

Тошкентда шайбоний-хонлардан Бароқхон (Навруз Аҳмаджон, вафоти 1556 йил) томонидан қурилган мадраса. Ҳовли атрофида хужралар ва ички тарафида пештоқ бўлиб,

мадрасанинг ғарбий қисми бирмунча олдинга чиққан. Пойдевори тошдан, қалин деворлари турли ҳажмдаги пишиқ ғиштдан ишланган. Баъзи жойлари синчли. Бароқхон мадрасаси ўрнида дастлаб 2 (катта ва кичик) мақбара


бўлган. Кичик мақбарада Бароқхон қабри бор. Унинг тўрт томонидаги эшикларидан учтаси кейинроқ беркитиб ташланган (қолган эшикдан зина билан томга чиқилган). 1904 йилда масжидга айлантирилган катта мақбарада Тошкент ҳокими Суюнчхўжа қабри жойлашган. Бароқхон икки мақбарани ўз ичига олган Мадраса қурдирган. Мадрасанинг шарқ томонидаги улкан пештоққа рангбаранг сиркор ғиштчалардан намоён терилган.

XX аср бошларидаги таъмир вақтида қадимги безакларнинг қолдиғи кўчириб ташланиб, оқ ганч билан сувалган. 1946, 1949, 1951, 1967 йилларда таъмир ишлари олиб борилган. Бароқхон мадрасасида Ўзбекистан Мусулмонлари идораси жойлашган.

Хивадаги меъморий иншоотлар:

Араб Муҳаммадхон мадрасаси (Хива, 1616, 1838)

Дастлаб Хива хони Араб Муҳаммадхон мадрасани бир қаватли, оддий синчли қилиб қурдирган. Серҳашам ишланган айвон сақланган (Хива музейи). Оллоқулихон даврида мадраса биноси квадрат тарҳли, пештоқ ва гумбазли қилиб қайта қурилган. Бош тарзидаги масжид ва хужралар икки қаватли, икки бурчагида бурж – гулдасталари бор. Қолган томонларидаги хужралар бир қаватли. Ҳовли этагида айвон – масжид қурилган.



Шерғозихон мадрасаси (Хива, 1719 – 1726)

Ичан калъа таркибида. Хива хони Шерғозихон Хуросонга қилган юриши (1718) чоғида қурила бошлаган. Мадрасанинг ғарбида қурилган кичик хонага хон жасади дафн этилган. Мақбара бош тарзига туташ қилиб қурилган. Мадраса бош тарзи 2 қаватли. Улкан пештоқ орқали кираверишда гумбазли миёнсарой, унинг 2 бурчагида чортоқ тарҳли, гумбазли масжид ва дарсхона жойлашган. Миёнсарой тепасидаги кичик хужралар талабалар учун ётоқхона бўлган. Деворларига токча, тахмон, косамонлар ишланган. Ҳовли атрофидаги 1 қаватли қатор хужралар олди айвонли бўлиб, ҳовли ўртасида ҳовуз жойлашган. Мадраса безаклари сақланмаган.

Муҳаммад Амин Иноқ мадрасаси (Хива, XVIII аср)

Муҳаммад Амин иноқ томонидан қурдирилган. Ичан қалъа марказида жойлашган. Муҳаммад Амин иноқ ва унинг ўғли шу мадрасага дафн қилинган деб тахмин қилинади.

Мадраса бош тарзи майдонга қараган. Жанубда пештоқдан 3 гумбазли миёнсарой орқали тўғри тўртбурчак тархли ҳовлига (25,4 х 24 м) кирилади. Ҳовли атрофида бир қаватли хужралар ва қарама – қарши жойлашган 2 айвон бор. Ҳовлининг кесик бурчакларидан хужрага кириш учун тор йўлаклар ишланган. Миёнсарой Ўрта Осиё мумтоз меъморлигига хос бўлмаган тарзда ишланган. Унинг гумбазлари ўзаро равоқлар орқали боғланган.

Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасаси (Хива, 1804 – 1812)

Ичан қалъа таркибида. Оллоқулихоннинг тоғаси Қутлуғ Мурод Иноқ қурдирган. Васиятига биноан миёнсарой замини тагига дафн этилган. Мадраса тўртбурчак тархли (57 х 44 м), масжид ва дарсхона (тарҳи 5 х 5 м), хужралар (3 х 3 м), ҳовли (31,8 х 27,8 м) ҳамда ҳовли ўртасидаги сардоба (диаметри 7,15 м)дан иборат. Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасаси Хивада дастлаб қурилган 2 қаватли Мадраса бўлиб, Хива мадрасаларига хос бўлмаган 2 қаватли, 3 очик равоқли, бош тарзи очик ва маҳобатли қилиб бунёд этилган; бино ғиштдан лой билан терилган, пойдевори деворидан ёғоч тўсинлар (сардобаники мрамар) билан ажратилган. Бу мадраса Хивадаги сирланмаган ва босма усулида яратилган бўртма безаклар қўлланган ягона ёдгорликдир.



Муҳаммад Аминхон мадрасаси (Хива, 1852 – 1855)


Муҳаммад Аминхон томонидан қурдирган. Ичан қалъанинг ғарбий қисмида жойлашган. Мадраса икки қаватли. Биринчи қаватидаги хужралар даҳлизли, иккинчи қаватдагилар айвонли. Бу услуб Хива мадрасалари меъморлигида илк бор шу бинода қўлланилган. Айвонларнинг қурилиши содда, ҳовлининг умумий меъморлигига мос. Икки қаватли айвонлардаги қанослар ва қарама – қарши қўйилган пештоқлар сиркор парчинлар билан нақшланган. Хужралар томи балхи гумбаз билан беркитилган. Бинода Хива меъморлик мактабига хос услубларнинг энг яхши намуналари қўлланган. Бош тарзидаги миёнсарой 2 ошёнли, 5 гумбазли бўғимларга ажратилган. Ёғоч ўймакорлигида ишланган эшик ва панжаралар ноёб санъат асари ҳисобланади. Умумий тарҳи – 77 х 60,0 м; ҳовли 38,0 х 38,0 м; масжид 9,4 х 8,4 м; дарсхона 5,6 х 5,6 м. Мадраса

таъмирланиб, меҳмонхона учун мослаштирилган, ўтмишда йирик ўқув даргоҳи ва шаҳар девонхонаси бўлган.



Калта минор (Хива, 1852)

Муҳаммад Аминхон мадрасасининг олд томонида жойлашган. Ўрта Осиёда энг катта ва баланд қилиб қуриш мўлжалланган (тахм. 70 – 80 м). 1852 йил қурила бошланиб 1855 йилда хоннинг вафоти туфайли чала қолган (номи шундан). Ҳозир Калта минорнинг баландлиги 26 м, асосининг диаметри – 14.2 м. Безагида оқ, яшил, феруза рангли кошинлар қўлланилган (феруза рангли кошин кўп ишлатилганидан Кўкминор деб ҳам аталади). Хива шаҳрининг 2500 йиллиги арафасида (1996 – 1997) Калта минорнинг кошинкори безаклари тўлиқ таъмирланди ва ундаги «настаълик» ёзувлари қайта тикланди.



Хива жума масжиди (Хива, X – XVIII асрлар)

Ичан қалъанинг марказий қисмида Ота дарвоза ва Полвон дарвозаларни бирлаштирувчи кўчада жойлашган. Жума масжиди ҳақидаги илк маълумот 10-асрда Хоразмга келган араб сайёҳлари ал – Муқаддасий (Мақдисий) ва ал – Истахрий ёзмаларида учрайди. Манбаларга кўра, жума масжидининг дастлабки биноси бузилиб кетган ва ўрнига Абдурахмон Мехтар буйруғига биноан худди шу усулда каттароқ янги масжид қурилган (1788). Масжид ўзига хос тарҳи ва ҳажми билан ажралиб турган. Бир қаватли бўлиб, атрофи ғиштин девор билан ўралган. Унинг бошқа масжидлардан фарқи қадимги араб меъморлигига хос услубда (ёпик, кўп устунли ҳамда ҳовлисиз қилиб) қурилганлигидадир. Унда айвонлар билан ўралган ҳовли ҳам, улкан пешток ҳам, гумбазли хоналар ҳам йўқ.


Хонақоҳ ичи шипдаги икки тўйнуқ орқали ёритилади. Томи ясси, тўсинли, шипини 212 устун кўтариб туради. Устунлар 17 қаторли, оралиғи 3,15 x 3,15 м. Устунлар масжид тузилишининг асосини ташкил этиш билан бирга унинг бадий безаги ҳамдир. Улар ўзига хос мутаносиблик ва кўринишга эга. 212 устундан X – XIV асрларга оид 25 устун энг қадимийси бўлиб, тузилишида бир қанча услуб намуналари бор. X – XI асрларга оид 4

устун чуқур бўртма нақшли, куфий хати исломий нақш билан уйғунлашган. Унда фақиҳ Абул Фадал Муҳаммад Лайси фармони билан қурилгани ёзилган. X – XII асарларга оид 17 устун нисбатан саёз ўйилган, ундаги ҳандасий нақшлар оралиғи услублаштирилган, наботий шакллар билан тўлдирилган, ёзувлари куфий хатида битилган (яхши сақланмаган) XV асрга оид 3 устун исломий, гириҳ нақшлар ва насх хатида хошия қилиб терилган. Масжид ёнидаги минора XVII асрда қулаб тушган, XVIII асрда майда пишиқ ғиштдан қайта тикланган. Минора юқорига томон ингичкалашиб боради. Тепасига шарафа ва ғиштдан дандана хошия белбоғлар ишланган. Жума масжиди бир неча бор таъмирланган. Охирги таъмири 1990 йилда Хиванинг 2500 йиллиги арафасида бажарилган. Умумий ўлчамлари: масжид – 55 х 46 м, минора баландлиги 42 м.



***Ота дарвоза
(Хива, 1828 – 1829)***

Ичан қалъанинг ғарбий дарвозаси. Оллоқулихон ҳукмронлиги даврида қурилган. Шермуҳаммад ота номи билан ҳам аталган. Дарвозахона тўғри тўртбурчак тарҳли (17,50 х 15,40 м), ичкараси узун далон бўлиб, усти икки катта гумбаз (диаметри – 15,07 м) билан қопланган. Далоннинг 2 томонида бир – бирига ўтиладиган олди очик, гумбазли хоналар дарвозабонлар хонаси вазифасини ўтаган. Хоналарнинг биридан хужрага ўтилади. Хужрадаги айланма зинадан томга чиқилади. Дарвоза пештоқи баланд бўлиб, икки ён томонини гулдасталар эгаллаган. Пештоқининг равокли дарчалари гулдасталар қафасаси билан бир баландликда бўлиб, кунгуралар билан яқунланган. Ота дарвозанинг дастлабки кўриниши сақланмаган, архив материаллари асосида қайта тикланган (1974). 1978 йилдан дўкон учун мослаштирилган.



***Оллоқулихон мадрасаси
(Хива, 1834 – 1835)***

Мадраса қурилиши Ичан қалъанинг яхлит ансамбл бўлиб шаклланиш тарихи билан боғлиқ. Ўрта Осиё меъморлигида кенг тарқалган қўшмадраса услубида, Оллоқулихон тими, Хўжамбердибий мадрасаси Полвон дарвоза билан ўзаро боғланган. Оллоқулихон мадрасаси сунъий тепалик (баландлиги 3 м) устига қурилган, шу туфайли кўшни

бинолардан анча баланд кўринади. Мадраса тўғри тўртбурчак тарҳли (62, 45 x 47,0 м), пештоқи ғарбга қараган. Бош тарзини миёнсарой, масжид ва дарсхона ҳамда 2 қаватли ҳужралар эгаллаган. Эшикдаги ёзувда бинонинг қурилган санаси сақланган. Ҳовли – 34,6 x 29,4 м. Масжид ва дарсхона (4,8 x 4,8 м) тузилиши бир хил. Усти ярим айлана шаклидаги пастак гумбаз билан ёпилган. Деворларидаги чуқур равоқлар ҳисобига хона кенг кўринади. Айвон (5,5 x 5,5 м) Мадраса ғарбида жойлашган, меҳроби ганчли муқарнасдан «ироқи» услубида безатилган. Ҳужралар (99 та)нинг ҳар бирида биттадан эшик, тобадонига панжаралар ўрнатилган.

Абдуллахон мадрасаси (Хива, 1855)

Ичан қалъадаги Оллоқулихон ва Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасалари оралиғида жойлашган. Абдуллахон (Хива хони Қутлуғ Мурод Иноқнинг ўғли) хотирасига онаси томонидан қурдирилган. Чортоқ тарҳли (31,5 x 28,25 м) бўлиб, бурчакларига гулдаста — минора ишланган. Бош тарзидаги кенг равоқли пештоқ орқали 3 гумбазли миёнсаройга, у орқали ҳовлига ўтилади. Ҳовли (18,9 x 14,0 м) атрофи ҳужралар билан ўралган. Ҳужралар томи балхи гумбаз билан ёпилган. Жануб томондаги гумбазли масжид миёнсарой билан боғланган. Дарсхоналар тарҳи мурабба – 4,25 x 4,25 м. Ҳовлига ғарбдан энсиз йўлак орқали кирилади.



Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси (Хива, 1871)

Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) қурдирган. Кўҳна аркнинг шарқий дарвозаси қаршисида жойлашган. Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси масжид, айвон, дарсхона, кутубхона ва ҳужралардан иборат. Мадрасанинг олд томони 2 қаватли, қолган томонлари бир қаватли. Бурчакларига гулдасталар ишланган. Хива меъморлигига хос услубда пештоқли кошинкори нақшлар билан безатилган. Сирли ғиштлар «кўш» ва «бантак» услубида терилган. Умумий тарҳи – 62,4 x 49,7 м; ҳовли – 28,3 x 28,8 м; дарсхона – 5,4 x 5,4 м; масжид – 7,0 x 7,0 м; савдо қаторлари – 25,0 x 50,0 м; ҳовли 16,9 x 42,5 м.

Мозори Шариф мадрасаси (Хива, 1882)

Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) буйруғи билан уста Қаландар Кочим қурган. Мадраса (28,6 х 15,8 м) бир қаватли, бош тарзи жанубга қараган. Пештоғи яшил рангли сиркор кошинлар билан «бантак» услубида безатилган. Дарвозаси ва унинг тепасидаги тўсин ёғоч ўймакорлигида ишланган. Бош тарзидаги хочсимон гумбазли миёнсарой орқали ҳовлига ўтилади. Ҳовли (11,6 х 6,2 м) атрофида балхи гумбазли хужралар жойлашган. Мозори Шариф мадрасасида дархона ва масжид учун алоҳида хоналар қурилмаган.



Исломхўжа мадрасаси ва минораси (Хива, 1908 – 1910)

Ичан қалъа марказида жойлашган. Хива хони Асфандиёрхоннинг бош вазири ва қайнотаси Исломхўжа қурдирган. Мадраса (42,8 х 32,5)нинг бош тарзи икки қаватли. Ҳовли (23 х 20) атрофи бир қаватли кичик хужралар (жами 42 та) билан ўралган. Бош тарзининг ҳовлига қараган иккинчи қаватида айвон бор. Мадрасанинг жанубий – шарқидаги масжид гумбазли, меҳроби кошин ва ганчкори нақш билан безатилган. Олд томонида Хивадаги энг баланд минора (44,6 м) қад кўтарган. Асосининг диаметри – 9,5 м. Юқорига томон ингичкалашиб боради. Кўк, яшил рангли нақшлар билан белбоғлар ишланган. Қафасасига панжаралар ўрнатилиб, юқориси муқарнасли шарафа ва қубба билан яқунланган. Минора шаҳарнинг деярли ҳамма томонидан кўзга яққол ташланиб туради. Исломхўжа мадрасаси ва минорасини қуришда меъмор Худойберган ҳожи, наққошлар Эшмуҳаммад Худойбердиев, Болта Воисов ва бошқалар қатнашган.

Кўқондаги меъморий обидалар

Норбўтабий мадрасаси (Кўқон, 1799 йил)

Кўқон хони Норбўтабий ҳукмронлиги даврида қурилган. Халқ орасида Мадрасаи Мир номи билан ҳам юритилади. Норбўтабий мадрасаси чорсу майдони яқинида қурилган. Бир қаватли, ҳовлили, тўғри тўртбурчак тархли (52 х 72 м), 4 бурчагига минора – гулдасталар ишланган. Ҳовли (38 х 38 м) атрофига қатор равоқли хужралар жойлашган. Пештоқи шимолга қараган. Миёнсаройнинг 2 тарафида пештоқ бўйлаб туташган гумбазли масжид ва 12 та деразали (панжаралар ўрнатилган) дархона мавжуд. Норбўтабий мадрасаси пишиқ ғиштдан қурилган.

Дахмаи Шоҳон - Шоҳлар дахмаси (Қўқон, XIX асрнинг 20-йиллари)



Қўқон хонлари хонадонларига тегишли шахслар Норбўтабий ва унинг авлодлари дафн этилган ҳазира. Дахмага ғарбдан пештоқ (9,4 х 11,7 м) орқали кирилади. Пештоқнинг икки томонига буржлар ишланган, сиркор ғишт ва кошин безакли

қилиб терилган. Пештоқ сатҳининг ён томонлари тўқ зангори рангдаги жуфт қалампир тасвирлар билан безатилган. Ўрта қисмига зангори, яшил ва оқ кошиндан саккиз қиррали юлдузлар, тепасига қизил, қора ва яшил рангли йўл – йўл чизиклар туширилган.

Мақбара гумбазли, ички деворларидаги дарчаларнинг биридан томга, иккинчисидан масжидга ўтилган. Учинчиси эса очиқ турган. Ички қисмидаги катта равоқлар билан дарча равоқларининг ораликларидаги ғиштлар тик, гажаклар эса тўлқинсимон қилиб терилган. Мақбара ёнида айвонли масжид (7 х 6,8 м) икки устунли бўлиб, унинг тўсинли шифти 4 катакка бўлинган, бўяма нақш билан безатилган. Дахмаи шоҳонда хоннинг онасига атаб қурилган Модарихон мақбараси яхши сақланган.

Қўқон Жоме масжиди (Қўқон, 1819 – 1822)

Қўқон хони Умархон номи билан боғлиқ. Масжид улкан хонақоҳ ва уни уч томонидан ўраб олган 98 ёғоч устунли кенг айвон ҳамда минорадан иборат. Бино деворлари ганчкори, изоралари часпак услубида, айвон шифти тўсинлари исломий ва гириҳ нақшлар, устунлар калла муқарнаслар, ўйма нақшлар билан безатилган, такурсилар мрамрдан ишланган. Минора конуссимон шаклда, юқори қисми 6 қиррали қафаса туйнук ва кубба билан тугалланган, безаксиз. Минора юқорисига айланма зина орқали чиқилади.

Худоёрхон ўрдаси (Қўқон, XIX асрнинг 2 - ярми)



Кўкон хони Худоёрхон қурдирган. Меъмор ва муҳандис Мир Убайдулла лойиҳаси ва раҳбарлигида бунёд этилган; усталардан Мулла Суярқул, Солихўжа ва бухоролик уста Фозилхўжалар қатнашган, кошинларини риштонлик кулол уста Абдулла маҳорат билан бажарган. Худоёрхон ўрдаси тўғри тўртбурчак тарҳли (68 x 143 м) бўлиб, сунъий тепаликка баланд ғиштин пойдеворли қилиб қурилган: хон қароргоҳи, ўрда аҳли яшайдиган ҳамда турли мақсадларда фойдаланиладиган 100 га яқин катта – кичик хоналар, ички – ташқи ҳовлилардан иборат бўлган.

1938 йил Худоёрхон ўрдасида меъмор Обид Зайниддинов бошчилигида таъмирлаш лойиҳаси ишлари олиб борилди; таъмирлашда уста Қ. Хайдаров, наққош С.Норқўзиев ва бошқа усталар қатнашди. 1974 йилдаги илмий таъмирлаш ва лойиҳалаш ишлари (меъмори Н. Ақромхўжаев, Э. Нуруллаев ва бошқа) натижасида саройнинг дастлабки ҳолати аниқланди. 1924 йилда Худоёрхон ўрдасида Кўкон хонлиги ютуқлари кўрғазмаси очилган, 1925 йилдан Кўкон шаҳар ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатиб келмоқда.

Илм – фан ва маданият. XVI – XIX асрларда Ўрта Осиёда илм – фан, адабиёт, санъат, мусиқа, қўшиқчилик амалий санъатнинг тараққиёти ҳам ҳаёт шароитлари билан ўзаро бўлган ҳолда нотекис ривожланди.

XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёдаги ўзбек хонликларининг маданий тараққиётига хос бўлган умумий ўхшашликлар диққатга лойиқдир. Биринчидан, Ўрта Осиё ҳудуди давлатлари XV асрда маданий тараққиётда дунёда энг етакчи ўринларда турган бўлса, XVI – XVII асрлардан эътиборан бу ҳудудда тушкунлик бошланади. Иккинчидан, ҳар учала давлат бирликлари ўзлари алоҳида мустақил фаолият кўрсатсаларда давлат идора ишлари ўзбек ва форс тилида олиб бориларди. Бухорода форс, Кўконда форс – ўзбек, Хивада ўзбек тили расман давлат тили бўлиб ҳисобланарди. Турмушда, адабий ижодда ўзбек ва форс тиллари кенг қўлланилар эди. Учинчидан, анъанага кўра фанда, адабиёт ва мактабда араб ва форс тилининг обрўси сақланиб қолганди.

Бухоро амирлиги, Кўкон ва Хива хонликларида халқ таълимининг тузилиши ва фаолияти деярли бир хил бўлган. Уларда мадрасалар, мактаблар ва қорихоналар мавжуд эди. Ўзбек хонликлари даврида Ўрта Осиёда икки турдаги мактаб мавжуд эди: қўйиси – мактаб ва олий – мадраса. Мактаблар масжидлар қошида ва хусусий уйларда ташкил этилган. Мактаблар қизлар учун алоҳида, ўғил болалар учун алоҳида бўлган. Одатда, бошланғич мактабда ўқиш ва ёзиш, яъни савод ўргатилар ва диний матнлар ёдланлаш билан бирга, арифметика ва адабиёт ўқитилар эди. Қорихоналарда эса асосан кўзи ожизлар ўқиб, Куръон, дoston ва шеър у ғазалларни ёдлаган.

Мадрасалар мусулмон олий ўқув юртлари ҳисобланган. Ўқиш, ёзишни ўрганган болалар мадрасаларда ўқитилган. Мадрасаларда ўқув дастури асосан уч босқичда: бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) босқичларда олиб борилиб, унда учта тил (араб, форс ва туркий) мукамал ўрнатилган.

Мадрасаларда Қуръон илми (ўқиш усуллари, қироат, тавсиф), фикҳ (шариат қонунлари), хандаса асослари, араб тили сарфу наҳви (грамматикаси), нотиклик санъати, алжабр, илми нужум, ахлоқ, фалсафа, мантик, адабиёт, жўғрофия, тарих, табобат фанлари ўқитилган. Мадрасани битирганлар қози, унинг ёрдамчиси, масжид имоми лавозимларида ишлаганлар, мударрислик қилганлар.

Шу ўринда ҳар бир хонликнинг ўзига хос маданий муҳитини ёритишда яқка тартибда тўхталадиган бўлсак улар қўйидагилардан иборат.

Бухоро хонлиги. Ушбу хонликдаги илм – фан ва маданий муҳитни тасвиришда хонликда ҳукмронлик қилган сулолаларнинг фаолиятига эътиборни қаратиш лозим.

XVI асрнинг биринчи ярмида фан ва маданиятнинг ривож топиши шайбонийлар сулола намояндаларининг тутган ўрни катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Уларнинг ўзлари ниҳоятда ўқимишли шахслар эди. Чунончи, Муҳаммад Шайбонийхон, Кўчкунчихон, Убайдуллахон, Абдулазизхон, Жавонмард Алихон каби шайбонийлар туркий ва форсийда шеър битганлар, диний ва дунёвий илмларда етарли салоҳиятга эга бўлганлар.

Муҳаммад Шайбонийхон ёшлигида таълимни Бухоро мадрасасида тахсил олиб илм – фан, шеъриятга меҳр қўйган. «Ҳазрати имом уз – замон халифат ур – раҳмон» унвони берилган Шайбонийхон давр талабига биноан туркий тилидан ташқари форс тилини яхши эгаллаган, шеъриятга қизиқиб, ўзи шеърлар ёзган. Шайбонийхон томонидан 1508 йилда чиғатой – туркий тилида ёзилган. «Бахр ул-худо» («Хақиқий йўлнинг денгизи») диний қасидасининг ягона қўлёзма нусхаси Лондондаги «Бритиш Музейи» кутубхонасида сақланади. Шайбонийхоннинг ягона шеърлар тўплами бўлган «Девон»и эса Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Тўпқопи Саройи кутубхонасида сақланади. Бу асар ҳақидаги биринчи маълумотни тарихчи олим Заки Валидий Тўғон 1927 йилда «Янги Туркистон» журналининг 1-сонида босилган «Шайбонийхоннинг шеърлари» мақоласида берган. Муаллифнинг берган маълумотларига қараганда Шайбонийхон Шохбахт, Шайбоқ, Шайбек, Шибоний, Шохибек номлари (тахаллус)да ижод қилган девони 191 ыарақдан иборат.

Шайбонийхондан сўнг кучли ва тартибли давлатга асос солган Убайдуллахон (1533 – 1540) даврида ҳам илм – фан ва маданият ривожланди. У яссавия ва нақшбандия тариқатларига эътиқод қилиб, шайх сифатида муридлар ҳам тарбиялаган. Убайдуллахон «Убайдий», «Убайдуллоҳ», «Қул Убайдий» (Қул Хожа Аҳмадга, яъни Аҳмад Яссавийга тахассуб) тахаллуслари билан ўзбек, форс, араб тилларида ижод қилиб девонлар ёзган.

Убайдуллахон Аҳмад Яссавий асос солган ҳикматнавислик анъанасини ривожлантирган. Ундан 1786 байтдан иборат 220 дан ортиқ ҳикмат етиб келган. Хон ижодида диний – тасаввуфий ғоялар етакчилик қилади. Убайдуллахон ўзбек ва форс адабиётидаги йирик рубоийнавислардан

ҳисобланади. Унинг бу 2 тилдаги рубоийлари 850 га яқин. Хусусан, ўзбек адабиётида рубоийнинг Бобурдан кейинги тараққиёти Убайдуллахон номи билан боғлиқ. Убайдуллахоннинг мусиқа илмига катта рағбати бўлгани, мусиқий асбоблар чалгани, нозик хуснихат эгаси бўлгани маълум.

Шайбонийлардан Кўчкунчихоннинг ўғли Абдуллатифхон (? – 1551)нинг тарих, илми нужум борасида салоҳияти жуда юқори бўлган.

Шайбонийлар сулоласидан чиққан энг йирик ҳукмдор Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида (1583 – 1598) Бухоро хонлигида маданий ҳаётда катта ютуқларга эришилди. Илм – фан, маърифат ва маданият ҳомийси сифатида Абдуллахон II «Хон» тахаллуси билан ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёзган. Шунини таъкидлаш лозимки, Шайбонийлар даврида, айниқса бу сулола вакиллардан Убайдуллахон ва Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлиги иқтисодий ва маданий ҳаётида бирмунча ўзгаришлар рўй берди. Адабиёт, тарих, таржимонлик, луғатчилик, меъморлик, наққошлик, тасвирий санъат ва бошқалар равнақ топди.

Шайбонийлар даврида яратилган энг йирик адабий ва тарихий асарларга кўйидагиларни айтиш мумкин:

➤ «Шайбонийнома» – **Муҳаммад Солиҳ** (1455 – 1535)нинг ўзбек адабиёти тарихида илк реалистик тарихий – жангнома достони. 1506 – 1507 йилларда ёзилган. Достон 8880 мисра, 76 бобдан иборат. XV аср охири – XVI аср бошларидаги воқеалар акс этган бу асар тарихий, этнографик, географик, лингвистик жиҳатлардан ҳам, бадиийлигига кўра ҳам муҳим аҳамиятга эга.

➤ «Бадоеъ ул – вақоеъ» – **Зайниддин Восифий** (1485/86 – 1551/66)нинг асари. Асарда («Нодир воқеалар», 1-қисм, 1517 – 18; 2-қисм, 1539) Хуросон, Мовароуннаҳр, Туркистон ва Эрондаги 1532 йилгача бўлган даврдаги илмий, адабий, тарихий ва маданий ҳаёт акс этирилган.

➤ «Зубдат ул-осор» – **Абдуллоҳ Насруллоҳий** (тахм. XV асрнинг 70 - йиллари – XVI аср ўрталари)нинг тарихий асари. Тахминан 1533 йилда ёзилган.

➤ «Абдулланнома» – **Ҳофиз Таниш Бухорий** (тахм. 1540 – 1589)нинг тарихий асари. Бу асар Мовароуннаҳрнинг XVI асрдаги тарихига бағишланган. 1584 – 1590 йиллар оралигида форс тилида ёзилган. Асар Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II га бағишланиб, «Шарафномаи шоҳий» ва қисқартирилган айрим нусхалари «Зафарномаи Абдуллахон» номлари билан ҳам аталади.

Бу даврда луғатлар ҳам тузилган. Масалан, 1593 – 1594 йилларда Амин Аҳмад Розий – «Ҳафт иқлим» – «Етти иқлим» номли жуғрофий, биологияга оид луғат тузади. Унга Мутрибийнинг дунё харитаси илова қилинади.

Ўтмишнинг ноёб асарлари, яъни Рашидуддин Фазлуллоҳ («Жомеъ ат – таворих») ва Шарафиддин Али Яздий («Зафарнома»)нинг тарихий асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Бадиий адабиёт соҳасида ҳам ютуқларга эришилди. Хусусан, 1566 йилда Ҳасанхожа Нисорий (1516 – 1597) Абдуллахон II га бағишланган «Музақкири аҳбоб» номли тазкирасини ёзди. Бу асар Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш – шуаро» ва Навоийнинг

«Мажолис ун – нафоис» асарларидан кейинги учинчи тазкира деб ҳисобланади.

Муסיқа соҳасида муסיқашунос, шоир, бастакор – Кавкабий Нажмиддин Бухорий (? – 1532) ва бошқалар ижод қилди. Хаттотликда эса – машҳур хаттотлар Мир Али Ҳиравий, Аҳмад Ҳусайний, Мир Ҳусайн ал – Ҳусайний, Султонали Машҳадий, Дўстмуҳаммад Бухорий ва бошқалар фаолият кўрсатди. Тасвирий санъат юксалиб, Бухоро миниатюра мактаби вужудга келди. Кутубхоначилик соҳасида Абдулазизхон ва Абдуллахон II га тегишли китобхоналар ўз замонасининг энг йирик китоб хазиналари ҳисобланган, уларда кўлёзма асарларни кўчириш, таъмирлаш, уларга безаклар ишлаш билан ҳам шуғулланилган.

Тиббиёт илми ҳам тараққий этди. Тиббиёт илмини ривожлантиришга XV асрнинг 2-ярми ва XVI асрнинг 1-ярмида яшаб ижод этган хуросонлик табиб, олим Султан Али Хуросоний (? - ?) катта ҳисса қўшган. Кўп йиллик тажрибалари асосида «Дастур ул-илож» («Касалликларни даволаш бўйича кўлланма», Самарқанд, 1526) ва «Муқаддимаи дастур ул-илож» («Касалликларни даволаш бўйича кўлланмага муқаддима») асарларини ёзган. Тиббиёт илми соҳасида 1541 йилда Муҳаммад Ҳусайн ибн ал-Мироқий Самарқандий тиббиёт ва фармокологияга оид илмий асар ёзади. У кўз табиби шоҳ Али ибн Сулаймон Наврўз Аҳмадхон ҳузурида ишлаб касалликлар ҳақида «Табиблик дастурил – амали» рисоласини битади. Бу соҳада мавлоно Абдулҳаким, Муҳаммад Юсуф ва бошқалар ҳам фаолият кўрсатган. Йирик шаҳарларда шифохона (дор уш – шифо)лар ташкил қилинди.

Таълим – тарбияга эътибор кучайди, ҳар бир маҳаллада мактаб очилди, баъзи хонадонларда уй таълими жорий этилди. Болалар олти ёшдан ўқишга қабул қилинадиган бўлди. Мадрасаларда илоҳиётдан ташқари риёзиёт, фароиз, ҳандаса, фикҳ, шеър санъати, мантиқ, муסיқа, хаттотлик ва бошқа фанлар ўқитилди.

Аштархонийлар давридаги муттасил уруш ҳаракатлари маданий ҳаёт тараққиётига катта тўсқин бўлди. Диний зўравонлик кучайди, дунёвий фанлар ўрнини ислом ақидалари эгаллай бошлади. Лекин шунга қарамай адабиёт, санъат, муסיқа ва бошқа соҳаларда бир қанча истеъдодли олимлар етишиб чиқди.

Аштархонийлар даврида яратилган йирик адабий ва тарихий асарларга кўйидагиларни айтиш мумкин:

➤ «Баҳр ал-Ас-рор фи манокиб ал – аҳйар» («Олийжаноб инсонлар жасорати хусусида сирлар денгизи») («География») – энциклопедик таснифдаги **Маҳмуд ибн Вали** (тахм. 1595 – ?)нинг асари. Тахминан XVII асрнинг ўрталарида ёзилган. Асарда денгиз, океан, дарё, қир, тоғ, булоқ, машҳур портлар (бандаргоҳ), шаҳарлар, мамлакатлар ва улар ҳудудидаги табиий муҳит, ҳайвонот олами, ажойиботлар ҳақида баён қилинади.

➤ «Убайдуллонома» – **Мир Муҳаммад Амин Бухорий** (1645 – ?)нинг асари. Бухоро хонлигининг XVIII аср 1 – чораги тарихига оид бўлиб, 1716 йилдан кейин ёзган.

➤ «Тарихи Абулфайзхон» – **Абдурахмон Толеъ** (XVIII асрнинг 1 – ярми)нинг асари. Бу асар XVIII асрнинг биринчи ярмидаги Туркистоннинг сиёсий аҳволига оид қимматли манба бўлиб, аниқ маълумотларга бой.

➤ «Субҳонқулихон тўғрисида ҳажвия» – **Турди** (XVII аср – 1699/1700)нинг асари. 165 мисрадан иборат ушбу асар 1691 йилда ёзилган.

➤ «Муҳит ат – таворих» («Тарихлар океани») – **Муҳаммад Амин Бухорий**нинг асари. 1700 йилда ёзилган. Асар 10 бобдан иборат бўлиб, унинг кейинги боблари сомонийлар ва аштархонийлар даврини ўз ичига олади. Асарда олимлар, хаттотлар ва наққошлар ҳақида ноёб маълумотлар мавжуд. Айниқса, Субҳонқулихон ҳукмронлиги даврида (1680 – 1702) юз берган сиёсий воқеалар ва бошқа тарихий жараёнлар ёритилган.

Бу даврда адабиёт соҳасидаги энг муҳим ютуғи сифатида Мутрибийнинг (1558 – XVII асрнинг 30-йиллари) «Тазкират уш – шуаро» номли адабиёт антологиясини айтиш мумкин. 1605 йилда ёзилган бу қомусий антологияда XVI аср 2 - ярми – XVII аср бошларида Ўрта Осиё ва Озарбайжонда яшаб ижод этган 320 нафардан ортиқ шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган.

Мусикашуносликда Дарвишали Чангий («Рисолаи мусикий» асарлари бизгача етиб келган) ва бошқа мусикашунос, бастакор, созанда, ҳофизлар ижод қилди. Тиббиёт ва меъморлик биров тараққий этди: аштархонийлардан Субҳонқулихон Бухорода махсус шифохона ҳамда тиббиёт кутубхонаси қурдирди. Ҳашаматли бинолар (Шердор мадрасаси, Тиллакори мадрасаси, Абдулазизхон мадрасаси, Нодир девонбеги мадрасаси, Болоҳовуз масжиди ва б.) бунёд этилди. Мактаб ва мадрасаларда асосан диний фанлар, қисман адабиёт (Навоий, Фузулий, Ҳофиз, Бедил ва б.) ўқитилди.

Манғитлар сулоласидан бўлган Бухоро амирилари Шохмурод тасаввуф ғоялари билан суғорилган «Айн фи – ҳикмат» («Донишмандлик асослари») асарини ёзган, ҳанафий мазҳабига доир «Фатава – йи аҳли Бухоро» («Бухоро аҳлига фатволар») тўпламини тузган.

Манғитлар ҳукмронлиги даврида маданий ҳаёт юқори даражада бўлмади. Бадиий ижодда мадҳиябозлик ва таркидунёчилик мавзуи ҳукмрон эди.

XVIII аср 2 – ярми ва XX аср бошларида куйидаги тарихий – бадиий асарлар яратилди:

➤ «Тухфаи хоний» – **Муҳаммад Вафо Карминагий** (1685 – 1769)нинг асари;

➤ «Тож ут – таворих» («Йилномалар тожи», 1800) – **Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Накий** (XIX аср)нинг асари;

➤ «Фатҳномаи султоний» («Султон фатҳномаси») – **Муҳаммад Миролим Бухорий** (XIX аср)нинг тарихий асари;

➤ «Тухфаи шоҳий» («Подшоҳнинг тухфаси», 1900 – 1902) ва «Тарихи салотини манғития» («Манғит ҳукмдорлари тарихи» 1906 – 1907) – манғитлар сулоласи тарихига бағишланган **Мирзо Абдулазим Сомий** (1839 – 1908)нинг асарлари;

➤ «Наводир ул – вақоеъ» («Нодир воқеалар») ва «Таржимаи аҳволи амирони Бухоро» («Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари») – **Аҳмад Дониш** (1826 – 1897)нинг асарлари.

«Тўтинома», «Чор дарвеш», «Юсуф ва Зулайҳо», «Тоҳир ва Зухра», «Бўз ўғлон», «Юсуф ва Аҳмад», «Гўрўғли» туркумидаги дostonлар халқ орасида кенг тарқалди. Халқ санъати турлари – қизиқчилик, фонус хаёл, дорбозлик ва бошқалар тараққий этди, муסיқа оммавий санъатга айланди, тасвирий санъат ҳам маълум даражада ривожланди (Абдулҳолик Махдум ва б.).

Хива хонлиги. Хива хонлигида ҳам адабиёт, тарихнавислик, хаттотлик, муסיқа санъати, меъморлик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида муайян ютуқлар қўлга киритилган. Табиий ва техника фанларига, дунёвий илмларга эътибор деярли қаратилмаган. Лекин бу билан Хива хонлигида таълим тизими паст даража деган хулосага келиб бўлмайти. Хусусан, XIX асрда Хива хонлигида 1500 га яқин бошланғич мактаб ва 103 мадраса мавжуд бўлган. Хива шаҳрининг ўзида 22 та мадраса бўлган.

XVI асрда Хива хонлари сарой кутубхоналарида хаттотлик, хуснихат мактаби шаклланди. Машҳур хаттот Ҳамадоний 1556 йилда Эшмуҳаммадхонга «Шоҳнома»ни миниатуралар учун очик жой қолдириб кўчириб берди. Хива қўлёзмаларида Бухоро қўлёзмасидан фарқли ўларок, мундарижа манзарали қилиб безатилмаган.

Хонликда кўплаб шоир, тарихнавис, таржимон, муסיқашунос, хаттот ва маърифатпарвар фаолият кўрсатиб, уларнинг бадиий соҳадаги асарлари ўзбек адабиёти ривожига ўзига хос ўринга эга. Бунга кўйидагиларни айтиш мумкин:

Мунис Хоразмий (тахаллуси; асл исм – шарифи Шермуҳаммад Амир Авазбий ўғли, 1778 – 1829)нинг биринчи шеърлар девони «Девони Мунис» (1804), асосий адабий мероси эса – «Мунис ул-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти», 1815 – 1820) девони. Шуниндек, «Саводи таълим» (1804) шеърий рисоласи ҳам бор.

Огаҳий (тахаллуси; тулик исм – шарифи Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли, 1809 – 1874)нинг лирик куллиёти (асосий асарлари тўплами) – «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори», 1872) бизгача тўла етиб келган.

Феруз (Муҳаммад Раҳимхон II, 1845 – 1910) мумтоз шеъриятнинг анъанавий жанрларида лирик шеърлар яратган. Шеърларига «Девони Феруз» номи билан тартиб берган (1879).

Комил Хоразмий (тахаллуси; асл исми Паҳлавон Муҳаммадниёз Абдулла Охунд ўғли, 1825 – 1899) «Дар баёни таъриф ва тавсиф Тошканд» («Тошкент таърифи ва тавсифи баёнида») қасидасини битган. Бу қасида (1891, 1896 – 1897 йилларда ёзилан) ўзбек адабиётида ижтимоий тараққиётни акс

эттирган дастлабки йирик шеърӣ асарлардан бўлиб, унда янги, замонавий маданият улуғланади.

Комил Хоразмий Шарқ мумтоз шоирлари анъаналари руҳида лирик шеърлар ёзган, девон тузган. Бу девонда 8000 мисрадан ортиқ шеър бўлиб, улар ғазал, мурабба, мухаммас, мусаддас, маснавий, рубоӣ, қасида, муаммо каби жанрларда ёзилган.

Баёний (тахаллуси; асл исми Муҳаммад Юсуфбек Бобожонбек ўғли, 1858 – 1923) мумтоз шеърятнинг деярли ҳамма жанрларида ижод қилиб, Навоӣ, Мунис, Огаҳӣ анъаналарини давом эттирган. Аваз Ўтар билан ижодий ҳамкорликда бўлган. «Девони Баёний» шеърлар тўпламини тузган.

Рожий (тахаллуси; асл исм-шарифи Муҳаммад Юсуф Маҳзум ибн Хўжамберди, XIX асрнинг 30-йиллари – XX аср боши) мумтоз адабиёт анъаналарини ижодий давом эттирган, унга янги мавзу ва образлар олиб кирган. «Чой», «Бел оғрик», «Келур», «Боис» ва бошқа ғазалларида маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилган, кишиларни саховатпешаликка, камтаринликка ундаган. Унинг 200 мисрадан ортиқ шеърлари 3 девонида бизгача етиб келган.

Мутриб Хонахаробий (тахаллуси; асл исми Муҳаммад Ҳасан Ҳожи Табиб ўғли, 1865 – 1925) илк шеърларини 1890 йилда ёза бошлаган. Унинг баёз, девон ва мажмуалар орқали 14 минг мисрага яқин ғазал, мухаммас, мусаддас, қасидалардан иборат адабий мероси етиб келган.

Лаффасий (тахаллуси; асл исми Ҳасанмурод Муҳаммад Амин ўғли, 1880 – 1945) ўзининг «Хива шоир ва адабиётшуносларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида халқ орасида машҳур бўлган Мунис Хоразмий, Огаҳӣ, Роғиб, Феруз ва Чокар каби 51 нафар хоразмлик ижодкорнинг таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақида маълумот берган. Асарда Лаффасий ўз шеърларидан ҳам намуналар келтирган.

Хивалик олимлар, тарихчиларнинг ўз даври учун ўзбек тарихшунослигига қўшган энг катта хиссаларидан бири шундаки, улар тилга олинган манбаларни ўзбек тилида ёзганлар. Хива хони Абулғозий Баҳодирхон (1603 – 1663) йирик тарихчи олим сифатида «Шажарайи турк», «Шажарайи тарокима» асарлари билан Хоразм тарихнавислик мактабини бошлаб берган бўлса, Мунис Хоразмийнинг «Фирдавс ул-иқбол» («Бахтлар боғи») асари ва Огаҳӣнинг «Риёз уд – давла» («Салтанат боғлари», 1844), «Зубдат ут – таворих» («Тарихлар қаймоғи», 1845 – 1846), «Жомеъ ул – воқеоти султоний» («Султонлик воқеаларини жамловчи», 1857), «Гулшани давлат» («Давлат гулшани», 1865), «Шоҳиди иқбол» («Иқбол гувоҳи», 1872) ва бошқа асарлари билан тарихнавислик ва таржимонлик мактабини яратди. Хива хонлигида Баёний (1858 – 1923) ҳам фаолият кўрсатиб, «Шажарайи Хоразмшоҳӣ», «Хоразм тарихи» номли тарихий асарларини ёзган.

Бундан ташқари хиваликлар тарихшуносликдаги таржимачилик соҳасида таҳсинга лойиқ ишларни рўёбга чиқарганликларини айтиб ўтиш лозим. Чунончи, Мирхонднинг «Равзат ас – сафо», Яздийнинг «Зафарнома»,

Хондамирнинг «Хабиб ас – сияр», Восифийнинг «Бадойе ул – воқоеъ», «Тарихи Табарий», Рашидиддиннинг машхур «Жоме ат – таворих» (Али султон (вафоти 1571 – 1572) буйруғи билан), Биноийнинг «Шайбонийнома», шунингдек, «Тарихи Муқимхоний», «Тақобати Акбаршоҳий», Махдихон Астрободийнинг «Тарихи Нодирий», «Зубдат ал – ҳикоёт», «Мифтоҳ ал – толибин», «Ахлоқи Муҳсиний», «Насихатномаи Кайковус» («Қобуснома»), Садъийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон», «Саломон ва Ибсол» «Юсуф ва Зулайҳо», Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Хисравийнинг «Ҳашт беҳишт», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Носирийнинг «Равзат ас – сафойи Носирий», Дарвиш Аҳмаднинг «Саҳойир ал – ахбор», машхур араб тарихчилари Масъудий, Ибн ал – Аср асарлари араб ва форс тилларидан ўзбекчага ўгирилган.

Мусиқашунослик соҳасида, айниқса, Феруз ва Комил Хоразмийнинг ижоди муҳим эди. Феруз Шашмақом куйларини ўрганган, саройда мақом ансамблини тузган. «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ» мақомларига боғлаб куйлар яратган. Комил Хоразмий Шарқ мумтоз мусиқаси, хусусан, мақомчилик анъаналарини ривожлантиришга ҳомийлик қилган, ўзбек куйларини ёзиб олиш учун «Танбур чизиғи» деб аталувчи нота тизимини жорий этган. Бу ўзига хос нотада «Рост» мақомининг бош қисмини ёзган. Мутриб Хонахаробий эса мақомчи – бастакор сифатида ҳам машхур бўлган.

Хива хонлигида хаттотлик соҳаси ҳам муайян даражада ривожланди. Масалан, Мунис Навоийнинг «Мезон ул-авзон», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асарларини китобат қилган (1794, 1797). Айниқса, «Мезон ул-авзон»ни олдинги айрим хаттотлар йўл қўйган хатоларни тузатиб, саводли кўчирган. Бу унинг аруз илмининг хос билимдони эканлигидан ҳам далолат беради. XVII – XVIII асрларда Хивада Муҳаммад Юсуф Рожий, Бобожон Саной, Муҳаммад Ризо Охунд каби қатор уста хаттотлар ҳам яшаб, меҳнат қилганлар. Улар шеърий асарлар, таржима ва тарихий китобларни кўчирганлар. Ҳар бир китобни безашда бир неча соҳа усталари иштирок этганлар. Булар – қоғоз қирқувчи, котиб-хаттот, музаҳҳиб, лаввоҳ, лавҳа чизувчилар, миниатурачи рассом ва саҳҳофлар эдилар.

Хивада XIX аср биринчи ярмига келганда жами 2 хон саройи, 17 масжид, 22 мадраса мавжуд бўлган.

Кўқон хонлиги. Хонликнинг XVIII – XIX асрлар 1-ярмида кечган маданий ҳаётида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар ва силжишлар юз бериб борганлиги аёндыр. XIX асрда Кўқон хонлигида тарихнавислик сезиларли равишда ўсиб борган. Олдинлари ёзилган бир неча тарихий асарлар форс ва араб тилларидан ўзбек тилига таржима қилинди ва янги китоблар ёзилди. Бу янги асарларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор эди — уларнинг айримлари шеърий ёки қисман шеърий йўлда ёзилди. Бу эса кўқонлик тарихчиларнинг адабиётни яхши билибгина қолмай, ўзлари ҳам шеъриятда қалам тебратганликларини кўрсатади. Бунга мисол қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

- **Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий** — «Тарихи жаҳонномаи» асари;
- **Фазлий Намангоний** — «Мажмуаи шоирон» («Шоирлар мажмуаси», 1821) асари;
- **Мушриф** (тахаллуси; исми Мирзо Қаландар, ? – 1825) — «Шаҳномаи нусратпаём» («Ғалабадан хабар берувчи Шоҳнома», 1822) асари;
- **Ҳакимхон тўра** (1802 – ?) — «Мунтахаб ат-таворих» («Йилномалар тўплами») асари;
- **Нияз Муҳаммад Хўқандий** (тахм. 1802/03 – 1878 йилдан сўнг) — «Тарихи Шоҳрухий» (1871 – 72) асари;
- **Шавқий** (тахаллуси; асл исм – шарифи Мулла Шамси мулла Хусан ўғли, 1805 – 1889) — «Жангномаи Худоёрхон», «Тарихи Хўқанд», «Пандномаи Худоёрхон» ва бошқалар.

XIX аср бошларида шаклланган Қўқон адабий муҳити ҳам хонликнинг маданий ҳаётида катта ўрин тутган. Қўқон ҳукмдорларининг катор намояндалари темурийлар анъанасини давом эттириб, ўзлари ҳам илм – маърифат билан шуғулланиб, бу соҳани равақ топдиришга катта саъй – ҳаракат қилганлар. Айниқса, бунда Қўқон хонларидан Умархон (1810 – 1822) ва Муҳаммад Алихон (1822 – 1841) даврлари яққол ажралиб туради.

Қўқон адабий муҳитини равақ топтиришда қўйидаги шоирларнинг хизматлари бениҳоят аҳамиятлидир.

Машраб (тахаллуси; асл исм – шарифи Бобораҳим Мулла Вали ўғли, 1640 – 1711) — шоир ва мутафаккир. Машраб номи XVIII – XIX асрларда тузилган тазкира ва тасаввуфий йўналишдаги асарларда (масалан, Баде Самарқандийнинг «Музокир ул-асҳоб» ва бошқа.) зикр этилади. Аммо уларда шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида келтирилган маълумотлар ниҳоятда кам. Машрабнинг қолдирган адабий мероси хусусида ҳам аниқ маълумот берувчи манба йўқ. Унинг ўз асарларини



тўплаб, девон ёки бирор мажмуа тuzганлиги маълум эмас. Фақат «Девони Машраб», «Девонаи Машраб», «Эшони Машраб», «Ҳазрати шоҳ Машраб» номлари остида халқ орасида қўлёзма ва тошбосма шаклида тарқалган қиссалардагина (уларнинг ким томонидан ва қачон тузилганлиги номаълум) шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти маълум тартиб ва изчилликда баён этилади, шу жараёнда асарларидан намуналар ҳам келтирилади. Машраб қолдирган бадий мерос ҳажм ва жанрлар жиҳатидан ҳанузгача аниқланган эмас. Аммо бизга ҳозирча маълум асарларининг ўзи ҳам шоирнинг фавқулудда ноёб истеъдод эгаси эканлигидан далолат беради.

Машраб ўзбек адабиёти тарихида энг кўп мустазод ёзган ижодкорлардан бири. Шоир мустазодлари ҳам, худди ғазаллари каби шўх ва жарангдор, нафис ва завқбахшдир. Машраб форс тилида ҳам бир неча шеърий турларда етук намуналарни яратган.

Машраб қолдирган адабий мерос тўла аниқланиб, ўрганилган эмас. Баъзи тадқиқотчилар жуда кўп шеърини ҳикоят ва ғазалларни ўзида жамловчи «Мабдаи нур» номли йирик асарни шоирга нисбат берадилар.

Низомий Хўқандий (тахаллуси; асл исми – шарифи Низомиддин Муҳаммадаминхўжа ўғли, XVII аср охири – XVIII аср боши) — шоир. Бухорода таҳсил кўрган. Низомий Хўқандийдан фалсафий мазмундаги «Мажмуат ул-мақосид» («Мақсадлар мажмуаси») номли китоб, 300 га яқин ғазал ва мухаммаслардан иборат шеърлар тўплами қолган. Унинг айрим шеърлари тошбосма усулда босилган баёзларда ҳам учрайди. Низомий Хўқандий асарларида ўз замонидаги иллатларга нафрат кўзи билан қарайди, инсоний туйғуларни, муҳаббат ва садоқатни улуғлайди. Шеърлари равон, содда тилда ёзилган.

Нозил Хўжандий (тахаллуси; исми – шарифи Авазмуҳаммад ибн Ҳожимуҳаммад, 1788 – 1876) — шоир. Дастлабки маълумотни Хўжандда олгач, умрининг охиригача Қўқонда яшаган. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Асарларининг мавзуи бой ва ранг – баранг. Хажвий асарлари Махмур хажвиясига ҳамоҳанг. Хажвий шеърларини «Ҳашвиётнома» китобига жамлаган. Асар 3297 мисра – 100 хажвий шеър: 49 мухаммас, 33 ғазал, 12 мусаддас, 3 рубоий, 1 мураббадан иборат. Шуларнинг 91 таси ўзбек тилида. Уларда амалдорлар, маккор шахслар, такаббур бойлар, майхўрлик ва бангилик танқид қилинган. Нозил халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларни тўплаб, тўртликлар яратган ва уларни «Зарбулмасал» деб номлаган. Асар ўзбек ва тожик тилларида. 3000 ирсолул масал рубоийни ўз ичига олган.

Акмал Хўқандий (Мулла Шермуҳаммад, XVIII асрнинг 1 – ярми – тахм. 1810) — ўзбек шоири. Махмурнинг отаси. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Турли тарихий воқеаларга бағишлаб шеърлар, ширу шакар услубида мухаммаслар ёзган. Муҳаббат ва инсонийликни улуғлаган, адолатсизликни қоралаган, халқни маърифатга чақирган. Тузган девонлари сақланмаган. Турли баёзлар («Баёзи янги», 1911; «Баёзи Муҳалло», 1912; «Армуғони Хислат», 1912)га кирган асарлари етиб келган.

Умархон (1787 – 1822) — Қўқон хони (1810 – 1822), зуллисонайн (2 тилни ёки муайян адабий тил ва унинг диалектини мукамал билиш) шоир. **Амирий** тахаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг атрофида 70 дан ортиқ шоир йиғилган. 1821 йилда Фазлий Намангоний Умархон амрига биноан, 63 шоирнинг шеърини ўз ичига олган «Мажмуаи шоирон» тўпламини тузган. Ўзбек ва форс – тожик тилидаги шеърларини тўплаб, девон тартиб берган. Девон ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ жанрларидаги 10 минг мисрадан ортиқ шеърни ўз ичига олган.

Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг матншунослик ва ёзма ёдгорликларни нашр этиш бўлимининг илмий ходимлари томонидан Умархоннинг турли даврларда кўчирилган 26 та қўлёзма девони ҳисобга олиниб, уларнинг илмий тавсифи берилган. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Умархоннинг

17 та кўлёма девони мавжуд. Бундан ташқари, литографик усулда чоп этилган девонлари ва шоир шеърларидан намуналар берилган баёзлар бор.

Гулханий (тахаллуси; асл исми Муҳаммад Шариф, тахм. XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг 20 – йиллари) — ўзбек мумтоз шоири, масалнавис. Фазлий Намангоний Гулханийнинг «Кўҳистон мулкидан» эканлигини таъкидласа, Возеҳ уни наманганлик, дейди. Гулханий Наманган ва Кўқонда яшаган, оз вақт ҳаммомда ўт ёқувчи — гўлаҳ вазифасида ишлаган (тахаллуси шундан). Кўқон хони Амир Олимхон навкарлари сафида хизматда бўлган (1801 – 1810). Мустақил мутолаа йўли билан мумтоз адабиётни ўрганган. Олимхон вафотидан (1811) сўнг тахтга ўтирган Амир Умархон (Амирий) Гулханийни сарой шоирлари даврасига жалб этган. Шоир хонни мақтаган, унинг ғазалларига назиралар битган. Умархон вафотидан сўнг ватанига қайтиб, кўпроқ оддий инсонларга манзур бўлувчи шеърлар ёза бошлади. Ўтли ҳажвлар яратди.



Гулханий ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган, Фазлий тазкирасида айтилишича, у Журъат тахаллуси билан ҳам шеър ёзган. Шу тазкирада унинг 12 ғазали ва бир қасидаси етиб келган. Бизгача бир неча ғазалидан ташқари ҳажвиялари ҳамда «Зарбулмасал» («Япалоққуш» ҳикояси) насрий асари ҳам етиб келган. «Зарбулмасал» нафақат ўзбек мумтоз адабиёти, балки бутун Шарқ адабиётининг ҳам нодир намунасидир. Шоир унда халқ мақоллари (400 га яқин мақол), сажлар (қофияли наср), масал ва ривоятлардан самарали фойдаланган.

Боқихон тўра (XIX аср бошлари – 1888) — ўзбек шоири, табиб. Мумтоз шеърятнинг турли жанрларида ижод қилган. Кўқонлик машҳур шахслар вафотига бағишлаб қатор таърихлар ёзган. Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таъворихи ҳавоқин» («Султонлар насаблари ва хоқонлар таърихлари»), шоир ва табиб Ҳокимий (1850 – 1930)нинг «Таърих ул-илож» асарларида Боқихон тўра ҳақида қисқа маълумот учрайди.

Махмур (тахаллуси; асл исм – шарифи Маҳмуд Мулла Шермуҳаммад ўғли, ? – 1844) — ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларидан бири. Шоир Мулла Шермуҳаммад Акмал Хўқандийнинг ўғли. Махмурнинг анъанавий девон тузганлиги номаълум. 1950 йилда Пўлатжон Қаюмов ва Асқарали Чархийлар изланишлари туфайли Кўқонда Махмурнинг ўзбек ва форсий тиллардаги шеърий мажмуаси топилган. Махмур асарларининг деярли ҳаммаси ўз мазмун ва руҳига кўра, ҳажвий ва танқидий йўналишдадир. Махмурнинг кўпгина ҳажвий шеърлари замонасидаги аниқ шахсларга қаратилган: «Искотий», «Амаким», «Хўжа Мир Асад ҳажви», «Ҳажви Атойи порахўр», «Қози Муҳаммад Ражаб Авж сифатлари» ва бошқалар.

Шоир қолдирган адабий мерос ичида «Каримкули Меҳтарнинг сифатлари» деб номланган маснавий алоҳида ўрин тутди. Махмур зуллисонайн шоир сифатида форс тили ва шеърятини мукамал билган. Бир

қанча форсий асарлар ҳам яратган. Унинг ижодий фаолияти ўзбек мумтоз адабиётида танқидий йўналишнинг, айниқса, ҳажвийётнинг тараққиётида навбатдаги юқори босқич бўлди. Махмурнинг ҳажвий шеърлар девони сақланган, унда 69 асар (3417 мисра) жамланган, лирик асарлари эса баёзларда учрайди.

Мунтазир (тахаллуси; исми Юсуфқори, 1831 – 1889) — шоир. Мунтазир ўзбек ва форс – тожик тилларида ёзган зуллисонайн шоир сифатида шуҳрат қозонган. Мумтоз шеърийятнинг анъанавий жанрларида ижод қилган, кўпроқ ғазал, мухаммас, мувашшаҳ, рубоийлар ёзган. Уларда замонадан шикоят, эрк ва маърифат ғоялари ифодаланган. Мунтазирнинг «Баёзи Мунтазир» шеърлар тўплами бизгача етиб келган. Баёзга 800 мисрадан кўпроқ шеърлари кирган.

Нодир (тахаллуси; исми Муҳаммад Шариф, 1751 йил атрофи – XIX аср ўртаси) — ўзбек ва тожик тилларида ижод этган «зуллисонайн» шоир. У Нодир (Нодирий), Узлат (Узлатий), тахаллусларида шеър ёзган. Баёзи шеърларида Маҳжур (Маҳжурий), Шариф (Шарифий) тахаллуслари ҳам учрайди. Нодирдан бой адабий мерос қолган. Унинг девонига ғазал, мухаммас, мустаод, мусаддас, таржибанд, таркибанд, рубоий, маснавий, тарих, ўлан каби жанрларда ёзилган ўн уч минг мисрадан ортиқ ўзбекча ва тожикча шеърлар жамланган. Бу тўлиқ девон Қўқон адабиёт музейида 693 – рақам билан сақланмоқда. Нодирнинг шеър билан ёзилган «Ҳафт иқлим» (Етти иқлим) достони XVIII – XIX асрлар ўзбек адабиётининг муҳим асарларидандир. Унда халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётга хос анъаналар акс этган. Достон 1824 – 1825 йилларда ёзилган. Достон шоира Моҳларойим Нодирага бағишлаб ёзилган.

Фазлий Намангоний (тахаллуси; асл исми Абдулкарим, XVIII аср 2 – ярми – XIX аср 1 – ярми) — шоир, адабиётшунос. XIX аср бошларида Тўрақўрғон ва Наманганда турли мансабларда ишлаган. Умархон ҳукмронлиги йиллари (1810 – 1822) Қўқонга келган. Шеърий истеъдоди туфайли хоннинг марҳаматига сазовор бўлиб, тез орада сарой шоирларининг бошлиғи – «малик уш-шуаро» номини олган. Умархоннинг ҳаёти, фаолияти, ҳарбий юришлари, ҳукмронлиги давридаги воқеаларни «Умарнома» достонида тасвирлаган. Хон топшириғига кўра, Фазлий «Мажмуаи шоирон» («Шоирлар мажмуаси», 1821) тазкирасини тузган. Ўзбек адабиётшунослиги тарихида илк марта шеърий йўл билан яратилган мазкур тазкирада XIX аср бошлари Қўқон адабий муҳитининг 100 дан ортиқ вакиллари ҳақидаги қимматли маълумотлар ва асарларидан намуналар мавжуд. Шу жумладан, унда Фазлийнинг қасида ва ғазаллари, шоира Маҳзуна билан мушоираси ҳам бор. Фазлийнинг «Девон» тузгани маълум, аммо у топилмаган. Унинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган ғазал, маснавий, мухаммас, рубоий ва туюқлари турли мажмуа ва баёзларда учрайди.

Ғозий, Муҳаммадғозий (XVIII асрнинг 2 – ярми – тахм. 1818) — шоир. Акмал Хўқандийнинг яқин дўсти. Ўзбек ва форс тилларида ижод қилган. Фузулийни ўзига устоз билган. Шеърларининг мазмуни билан ҳам, дунёга, атроф – муҳитга муносабатини кўрсатишда, бадиий санъатлардан

фойдаланишда ҳам Фузулий йўли, услубини кўллаган, унинг ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Кўпроқ лирик ғазаллар, таърих – шеърлар ёзган, девон тузган. Ғозий девонининг 4 кўлёма нухаси бизгача етиб келган.

Кўқон адабий муҳитининг яна бир муҳим характерли жиҳати шундаки, бу даврда ўзбек ва форс – тожик тилида баб – баравар қалам тебратган бир қатор таниқли ва машҳур ўзбек шоирлари истеъдоди кенг ривож топди.

Кўқон хонлигининг машҳур шоирлари:

Увайсий (тахаллуси; исми Жаҳон, 1779 – 1845) — шоира, маърифатпарвар. Увайсий оилада хат – саводини чиқариб, аввал халфа, сўнгра онасининг ёнида мактабдорлик қилган. Акаси Охунжон ҳофиздан шеърият илмини ўрганган, тез орада шоира, отин сифатида танилган. Увайсий, айникса, арузни, муаммо (шеърда фикрни яшириб ифодалаш) санъатини мукаммал эгаллаган. Кўқон адабий муҳити билан яқинлашиб, мушоираларда қатнашган. Саройда Нодира ва бошқа хотин – қизларга шеърият илмидан дарс бериб, устозлик қилган. Дилшод отиннинг маълумот беришича, Увайсий Нодира билан Конибодом, Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Андижон каби шаҳарларга борган. 1842 йилда Бухоро амири Насруллахон Кўқонни эгаллагач, Марғилонга қайтиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган.



Увайсий 4 девон тузганлиги маълум. Лекин бу девонларнинг асл кўлёмалари топилмаган. У мумтоз ўзбек шеъриятининг барча жанрларида ижод қилган. Навоий, Фузулий ва бошқаларнинг асарларига мухаммаслар боғлаган. Шоиранинг адабий меросида 269 ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас, 1 мурабба, чистой, 3 достон, тугалланмаган бир манзума бор. Ижодининг ғоявий мавзу доираси теран ва кўп қиррали.

Увайсий ҳаётлик давридаёқ нафис лирикаси билан машҳур бўлган ва замондошларининг эътиборини қозонган. Лирик шеърларидан ташқари, унинг «Шаҳзода Ҳасан», «Шаҳзода Ҳусан» каби лиро – эпик асарлари ва «Воқеоти Муҳаммад Алихон» каби тарихий достонлари мавжуд. Шоиранинг лиро – эпик достонлари ислом тарихи билан боғлиқ воқеалар асосида яратилган.

➤ **Зиннат** шоир(а), давлат арбоби, додхоҳ. В.П. Наливкин ва М.С. Наливкинлар «*Очерки быта женщин оседлого туземного населения Ферганы*» номли китобида «Кўқонда иккита шоира яшаган, бирининг таҳаллуси Зиннат, иккинчи эса Маҳзуна таҳаллусли. Ишонтиришиб айтишмоқдаларки, улардан бири очиқ юз билан эркакларча кийиниб хон саройига келар экан ва унинг додхоҳ унвони ҳам бўлган. Иккаласининг ҳам ғазаллари Умархонники сингари «Мажмуат уш-шуаро» номли шеърлар тўпламига киритилган» деб ёзганлар.

Кўқон хонлиги тарихида ҳозирча маълум бўлган аёл додхоҳ (жабрланувчилар арзини амирга етказиш ва жавобини олиб беришга масъул шахс)лардан фақат **Қурбонжон додхоҳни** (1811 – 1907) биламиз. Аммо Умархон даврида тузилган «Мажмуат уш-шуаро» номли тўпламга унинг ғазали киритилганлигини эътиборга олсак, у маҳалда Қурбонжон ёш қизча бўлган эди. Зиннат ким бўлишидан қатъий назар, унинг ёзган шеър ва ғазаллари мазмундор ва етук бўлган. Ушбу сатрлар муаллифларидан бирининг шахсий кутубхонасида бир кўлэзма баёз китоб бор. Унга Зиннатнинг «Баҳру одобки...» сўзлари билан бошланган шеъри киритилган. Бунда у инсонни улуғлайди, одоб ҳақида фалсафий фикр юритади, ҳаётда мавжуд бўлган қарама – қаршилиқлар ҳақида гапириб, уларнинг бирор кун бартараф бўлишига умид қилади, халқни эса қуёшга ўхшатади.

➤ **Нодира** (тахаллуси; исми Мохларойим, 1792 – 1842) – шоира, маърифатпарвар ва давлат арбоби. «Комила» ва «Макнуна» тахаллуслари билан ҳам шеърлар ёзган. Отаси Андижон ҳокими Раҳмонқулбий — минг қабиласидан, Фарғона ҳукмдори Олимхоннинг тоғаси. Олимхон укаси Умархонга Марғилон ҳокимлигини беради ва уни 1807 йилда Нодирага уйлантиради. Нодира шу хонадонда шеър ёзишни машқ қилади, шоира Увайсий билан танишади, уни муаллима сифатида саройга таклиф этади. Нодиранинг турмуш йўлдоши Амир Умархон ҳам Амирий тахаллусида ижод қилган.



1822 йилда Умархон вафот этиб, унинг ўғли, 14 ёшли Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) тахтга кўтарилди. Лекин давлатни, асосан, Нодиранинг ўзи идора қилди. У маданият ва санъатни ривожлантиришга интилди.

Нодира бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар қурилишига эътибор берган. Гўристон калон (катта гўристон)даги «Мадрасаи Чалпак», Тақагарлик растасидаги «Мохаройим мадрасаси»ни бино эттирган. Бухоро амири Насрулло 1842 йилда Кўқонга бостириб кириб, Маъдалихонни, укаси Султон Маҳмудхонни, 14 яшар ўғли Муҳаммад Аминхонни ва Нодирани фожиали равишда ўлдиради.

Нодиранинг адабий мероси ўз ғоявий – бадиий аҳамияти нуқтаи назаридан мумтоз шеъриятнинг гўзал намуналаридандир.

Ҳозирда Ўзбекистан ФА Тарих музейи архивида сақланаётган девонда Нодиранинг «Комила» тахаллуси билан ёзган 19 (328 мисра) ғазали борлиги аниқланган. 1962 йилда Наманганда шоиранинг мукамал девони топилди. Девонда шоиранинг «Нодира» тахаллуси билан ёзган 180 шеъри жамланган (шулардан 136 таси ўзбек тилида, 44 таси тожик тилида). Жумладан, 11 мухаммас, 2 мусаддас, 1 мусамман, 1 таржиъбанд, 1 таркиббанд ва 1 фиروقнома ҳам бор. Ўзбекистан ФА Шарқшунослик институти фондида Нодиранинг «Макнуна» тахаллуси билан ёзилган, 333 ғазалдан иборат бир

девони мавжуд (инв. № 7766). Бугунги кунда биз Нодиранинг ўзбек ва форс – тожик тилларида яратган 10 минг мисрага яқин лирик меросига эгамиз.

➤ **Моҳзода Бегим** (XIX аср) – ўзбек шоираси. Унинг яшаган даври ва таржимаи ҳолига оид маълумотлар кам сақланган. Моҳзода Бегимнинг «Жаҳона ҳитоб» деб аталувчи шеъри кўқонлик маърифатпарвар шоир Иброҳим Даврон (1874 – 1922) бостириб чиқарган «Ашъори нисвон» («Аёлларнинг шеърлари», ЎзР ФА Шарқшунослик институти, инв №16704) китобига киритилган. Шоира бу шеърида ўз давридаги хотин – қизларнинг аянчли қисмати, уларнинг ҳуқуқсизлиги ва мудҳиш ҳаётини тасвирлаб, ўзи яшаётган тузумнинг адолатсизлигидан шикоят қилади.

➤ **Дилшод отин**, Барно, Дилшоди Барно (тахаллуслари; асл исм-шарифи Дилшод Раҳимкул сўфи қизи, 1800 – 1905/06) – шоира ва марифатпарвар. Унинг 91 та ўзбекча ва 51 та тожикча шеъри, «Тарихи муҳожирон» («Муҳожирлар тарихи») бадий – тарихий асарининг ўзбекча ва тожикча 3 қўлёзма нусхаси («Тазкираи Барно», «Сабот ул-башар маа тарихи муҳожирон» – «Инсон матонати ва муҳожирлар тарихи», «Мунтахаб ал-ашъори Барно» – «Барнонинг танланган шеърлари») бизгача етиб келган.

➤ **Муштарий** (тахаллуси; исми Саодат, 1810/11 – ?) – шоира. Худоёрхон саройида котибалик, муншийлик қилган. Шеърларида кишиларни яхшилик, камтарлик, поклик ва адолатга чақирган. Ижодида дostonчилик ва қиссанавислик етакчи ўринда туради. Шоира халқ оғзаки дostonларининг ёзма шеърий намунасини яратган. «Маликаи Дилором» дostonи оғзаки адабиётдаги «Орзигул» дostonига мазмунан яқин.

➤ **Маҳзуна** (тахаллуси; асл исм – шарифи Меҳрибон мулла Бошмон қизи, тахм. 1811 – ?) – ўзбек шоираси. Кўқоннинг Қатағон даҳа Мулла Бошмон маҳалласидан бўлиб, отаси маҳалла масжиди имоми Мулла Бошмон Охунддир. Ота – онаси қўлида савод чиқарган, араб, форс тилларини мукамал ўрганган. Навоий, Жомий, Фузулий ва бошқаларнинг ижодидан таъсирланган, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Ҳаёти ва ижоди ҳақида «Мажмуаи шоирон» (Фазлий), «Тазкират уш – шуаро» (Ҳашмат) тазкираларида айрим маълумотлар учрайди. Фазлий тазкирасида Маҳзунанинг оқила ва ҳозиржавоблиги, Кўқонда машхур шоира эканлиги айtilган. Унинг шеърий қобилияти, шахсий фазилатлари ҳақида энг кўп ва илиқ фикрлар ёзиб қолдирган ягона шоир ҳозирча Фазлийдир. Фазлий: «Гарчи ул заифа бўлса ҳам, нутқининг мазмундорлиги жиҳатидан эркаклардан устундир», дейди. Фазлий билан Маҳзунанинг машхур мушоираси, «Ошиқ бўлмишам» (ўзбекча) мухаммаси, «Саҳбо» (форсча) ғазалигина бизгача етиб келган. Девони сақланмаган.

Кўқон адабий муҳитининг самарали таъсири ўлароқ бу юртдан кейинчалик Муқимий (1850 – 1903), Фурқат (1859 – 1909), Завқий (1853 – 1921) ва бошқа етук бадий сўз санъаткорлари етишиб чиқдилар ва ўз халқининг эрки, ҳурлиги ва озодлиги учун хизмат қилдилар.

Умуман олганда, XIX асрнинг ўрталарига келиб, Ўрта Осиё хонликларида адабиёт ва тарихшунослик билан бир қаторда математика, тиббиёт, география, астрономияга оид ҳамда диний асарлар яратилди. Бу хонликларда миниатюра ва хаттотлик санъати ҳам ўз ўрнига эга. Бу даврнинг маданий ҳаётида дорбозлик, аския, кўғирчоқ театри, масхарабозлик, айникса, бастакорлик бирмунча ривожланди.

Бу даврда Хива ва Кўкон хонликлари мусиқа ва кўшиқчилик санъатида пуфлаб ёки уриб чалинадиган, торли мусиқа асбоблари, миллий кўшиқчилик, миллий рақс аҳоли ўртасида кенг тарқалиб борди. Кўшиқчиликда терма, лапар, ялла, мақом жанрлари кенг қўлланиларди. Ҳофизлар, бахши дostonчилар халқ томонидан эъзозланар эди. Тўй ва сайилларда «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Шоҳсанам ва Ғариб», «Тоҳир ва Зухра» каби ўзида ватанпарварлик, мардлик, севги, меҳр, инсоф ва диёнат ғояларини мужассамлашган дostonлар зўр мароқ билан куйланар ва тингланар эди. Шунингдек, халқ орасида ўзбек анъанавий қизиқчилик театри – (айникса, Фарғона водийси ва Тошкентда) масхарабозлик, аскиябозлик, кўғирчоқ ўйини, дорбозлик санъати ҳам кенг тарқалган эди.

Шундай қилиб, XVI – XIX асрларда Ўрта Осиё ўзбек маданияти тарихий – географик ҳудуддаги ижтимоий – сиёсий тузумга мос равишда ривож топди. Феодал тарқоқликлар, ўзаро урушлар, ихтилофлар, табиийки, бунга таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бу даврга келиб, аввал форс – тожик, туркий халқлар оғзаки ижоди ва икки тиллик асосида мавжуд бўлган санъат турларида энди маҳаллий хусусиятлар ажралиб чиқа бошлади.

4. XIX асрнинг биринчи ярмида хонликларнинг геосиёсий ўрни, давлат бошқаруви тизими ва ижтимоий – сиёсий ҳаёт.

Бухоро амирлиги. Бухоро амирлиги ўзбек хонликлари орасида ўзининг ҳудудий ўрни, аҳолиси ва табиий ресурслари жиҳатидан муҳим мавқеига эга эди. XIX асрга келганда, Бухоро амирлигининг ҳудуди қарийб 200 минг км² ни ташкил этарди.

Амирликнинг чегаралари жанубда Амударёнинг сўл қирғоғидан бошланиб, Сирдарёгача чўзилиб, қозоқ жузлари билан чегарадош эди. Амирлик шарқда Помир тоғлари, ғарбда Хива хонлиги чегараларигача бўлган ҳудудни ишғол этарди. Бухоро ва Самарқанд каби йирик шаҳарлар жойлашган Зарафшон водийси амирликнинг марказий қисми ҳисобланарди. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари, ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Вахш, Кафирниҳон, Панж дарёлари водийсида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар, ҳозирги Туркменистон ҳудудидаги Мурғоб дарёси воҳаларидаги ерлар Бухоро амирлигига қарар эди.

Бухоро амирлигининг пойтахти Шарқда энг нуфузли шаҳар сифатида эътироф этилган Бухорои Шариф эди. Йирик шаҳарлардан Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Термиз, Шеробод, Ҳисор, Душанбе, Кўлоб ва бошқалар амирлик тасарруфида эди. Марв ва Чоржўй шаҳарлари учун Бухоро

амирлиги билан Хива хонлиги ўртасида, Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд шаҳарлари учун Бухоро амирлиги билан Қўқон хонлиги ўртасида тез-тез урушлар бўлиб, бу шаҳарлар қўлдан – қўлга ўтиб турарди.



Бухоро амирлигида 27 беклик мавжуд бўлиб, ҳар бир бекликни амир томонидан тайинлаб қўйиладиган ҳокимлар - беклар идора қиларди. Ҳоким ҳузурида юзлаб маҳаллий маъмурлар хизмат қиларди. Манбалар амирликда маҳаллий маъмурлар штати 30 минг кишини ташкил этганлигидан гувоҳлик беради. Ҳоким ва унинг хизматкорларига маош давлат хазинасидан берилмас эди, улар маҳаллий аҳолидан олинган турли – туман солиқ ва тўловлар ҳисобига тирикчилик қилардилар.

№	<i>Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган бекликлар</i>				
1	Кармана	10	Ғузур	19	Дарвоз
2	Хатирчи	11	Бойсун	20	Балжувон
3	Зиёвуддин	12	Шеробод	21	Шўғнон-Рушон
4	Нурота	13	Денов	22	Қўрғонтепа
5	Қарши	14	Карки	23	Қободиён
6	Китоб	15	Чоржуй	24	Калиф
7	Шаҳрисабз	16	Хисор	25	Бўрдалик
8	Чироқчи	17	Кўлоб	26	Қобоқли
9	Яккабоғ	18	Қоратегин	27	Норазм

Бухоро амирлиги монархия типигаги давлат бўлиб, амир чекланмаган ҳокимиятга эга эди. XIX аср бошларига келганда, амирликда хизматкор амалдорлар табақаси шаклланди. Фақат амир саройининг ўзида 300 га яқин амалдор хизмат қиларди. Бу табақа давлат хазинасидан маош олар, амирга батамом қарам бўлиб, уларни амирнинг ўзи тайинлар ёки эгаллаб турган лавозимидан олиб ташлар эди.

№	Амирликдаги энг катта сарой мансаблари ва унвонлари	
1	Қушбеги	Даргоҳ вазири, яъни бош вазир лавозими эди. Давлатнинг барча бошқарув идоралари унга итоат этар эди. Бир сўз билан айтганда, барча ижроия ҳокимият қушбегининг қўлида эди. Вилоят ва туман ҳокимлари ҳам қушбеги тавсиясига биноан тайинланар эди. Қушбеги хон истиқомат қилиб турган арки олийда турар эди
2	Девонбеги	Хонликнинг молия – хазина ишларини бошқарган. Солиқ ва жарималарнинг ундирилиши устидан назоратни ҳам девонбеги амалга оширган. Девонбеги арки олийнинг бир четида яшаган. Девонбеги идораси аркдан пастда жойлашгани учун уни қуйи қушбеги деб ҳам аташган
3	Кўкалдош	«Хон билан бир онадан сут эмган киши». Бутун амирлик ҳудудида амирга ва амирликка нисбатан дўстона ёки душманлик муносабатида бўлувчилар ҳақидаги маълумотларни тўплаб ҳукмдорга етказиб турган. Яъни мамлакат ички хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан шуғулланувчи амалдор
4	Мушриф	Лавозимида ишлаган амалдорлар хонга инъом этилган буюмларни ҳамда ҳарбий анжомларни рўйхатга олиш билан машғул бўлган. Солиқ тушумларини ҳам махсус дафтарга ёзиб борган
5	Миршаб	Тунги қоровуллар бошлиғи вазифасини бажарган
6	Додхоҳ	Фуқароларнинг арз ва шикоятларини тингловчи, ҳал этувчи мансабдор бўлган, буларни керак бўлса хон ёки қушбегига етказиб турган
7	Иноқ	Бу лавозимда ишлаган амалдорларнинг вазифаси амир фармойишларини бек ва бошқа табақадаги маҳаллий мансабдорларга етказишдан иборат бўлган
8	Мироҳўр	Амирнинг овчи қушларини тасарруф қилувчилар устида турган, хон овларини уюштириш ишига мутасадди бўлган
9	Дастурхончи	Амир ҳузурида уюштириладиган зиёфатлар учун

		масъул амалдор
10	Тўқсобо	Амиртуғи соҳиби бўлган ҳарбий мансабдор. У олий ҳукмдор – давлат байроқдори ҳисобланса-да, тантанали маросимларда ишончли шахс сифатида ҳукмдор олдига таом тортиш каби масъулиятли тадбирларни ҳам бажарган. Шу билан бирга унга бирон – бир туман (даромад манбаи сифатида) ҳам бириктириб қўйилган. Аммо XIX асрга келиб эса мазкур лавозим эгаси худди додхоҳ каби ҳарбий вакил даражасига кўтарилган
11	Парвоначи	Бирор шахснинг бирор лавозимга тайинланганлиги ҳақидаги ёрлиқни ўша шахсга етказувчи амалдор
12	Садрлар	Вақф мулкларини бошқарувчи мансабдорлар. Вақф муассасасининг бошлиқлари бўлган мутаваллилар садрларга бўйсунганлар. Садрларнинг вазифа ва ҳуқуқлари вақф ёрлиғи шартларида қайд этиб қўйилган. Садрлар вақф хўжалиги даромадининг маълум қисмини олардилар
13	Шайхулислом	Мусулмон жамоаси бошлиғи. Қозилик ишларида ҳамда кундалик ҳаётда қонунларга риоя этилишини таъминловчи амалдор. Бу лавозим авлоддан – авлодга мерос бўлиб ҳам ўтган. Катта қози (Қози калон) Давлатнинг олий қозиси (судьяси). Амир аралашмайдиган барча қозилик ишларига раҳбарлик қилувчи олий давлат лавозими. Қози калон «Шариат паноҳ» деб аталарди. Қози калон ҳузурида аълам ва 12 муфтийдан иборат девон тузилган. Унинг вазифаси жинсий ишларни ҳар томонлама кўриб чиқишдан иборат бўлган
14	Муфтий	Қози калон мураккаб деб ҳисоблаган турли диний – ҳуқуқий масалалар бўйича, шариат қонунларига асосланиб фатво чиқарган. Бу фатво унинг ёки бир неча муфтийнинг муҳри билан тасдиқлангач, қозига берилар эди. Қози бу фатвога асосланган ҳолда ҳукм чиқарарди
15	Оталиқ	Амалдорларга амир назарига тушган хизматлари учун берилган унвон. Оталиқ асосан Самарқанд ва Бухоро, яъни амирликнинг марказий қисмини суғориш ишлари, сув тақсмоти билан боғлиқ тадбирларга бош – қош бўлган. Хоннинг, унинг ўғилларининг ҳам оталиғи бўлган

Хон йиғинида амалдорларнинг амалига қараб ўрни бўлар эди. Шунга кўра улар хоннинг ўнг ва сўл томонида, унга яқинроқ ва узоқроқ ерда

ўтирардилар. Баъзилари ўтиришар, баъзилари эса тик туришарди.

Амирликда амалдорлардан ташқари диний уламолар ҳам хукмрон мавқега эга эди. Улар ўзларини Муҳаммад пайғамбарнинг авлодларимиз деб ҳисобловчи саййидлар ҳамда чориёр халифалар – Абубакр, Умар, Усмон ва Али авлодлариданмиз дейувчи хўжалардан иборат эди. Улар катта ер – сувга, савдо дўконларига, хунармандчилик устахоналарига эга эдилар. Амирликда жўйбор шайхлари алоҳида мавқега эга бўлиб, XIX асрда улар Бухорода 16 маҳалла бўлиб яшарди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлигида 2 миллион атрофида аҳоли истиқомат қиларди. Аҳолининг катта қисми амирликнинг серсув воҳаларида яшар, жазирама иссиқ, сувсизлик хукмронлик қилувчи Қизилқум саҳролари ва чўллари деярли кимсасиз ястаниб ётарди. Зарафшон водийсида 300 – 350 минг, Қашқадарё воҳасида – 500 минг, Сурхондарё воҳасида – 200 минг, Шарқий Бухорода – 500 минг аҳоли яшар эди. Амирликнинг йирик шаҳарлари – Бухорода – 60 минг, Самарқандда – 50 мингга яқин нуфус истиқомат қиларди.

Аҳоли этник жиҳатдан кўпгина қавм – уруғлардан иборат бўлиб, уларнинг қарийб 57 % ўзбеклар эди. Ўзбеклар бир қанча элатлардан ташкил топган бўлиб, улар орасида манғит, сарой, кўнғирот, жабғу, қарлуқ, қалмоқ, найман, қипчоқ, минг, юз қабилалари кўпчиликни ташкил этарди. Улар асосан Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларидаги шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилар эдилар.

Аҳолининг аксарият қисми деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланган. Суғориладиган ерларда пахта, буғдой, шולי, жўхори экилиб, боғ ва полиз маҳсулотлари ҳам етиштирилган. Чорвачиликда кўйчилик, қорақўл етиштириш; хунармандчиликда гиламдўзлик, ўймакорлик, зардўзлик, тегирмончилик, кўнчилик, тўқувчилик, темирчилик, кулолчилик, бешикчилик, сандиқчилик, этикдўзлик, мойжувозлик, совунгарлик кенг ривожланган.

Хива хонлиги. XVI – XIX асрлар давомида Хива хонлиги худудлари доимо ўзгариб турган. Дастлаб хонлик худуди Хоразм воҳасидагина жойлашган бўлса, кейинчалик унинг чегараси кенгайган. Хонлик жанубда Эрон, Шарқда Бухоро амирлиги, Ғарбда Каспий денгизи, Шимолда қозоқ жузлари билан чегарадош эди. Сувсиз ва поёнсиз Қорақум, Қизилқум саҳролари Хива хонлигини географик жиҳатдан бошқа мамлакатлардан



ажратиб қўйган эди. Руслар босқинидан кейин Амударёнинг чап қирғоғида 62237,2 км² ер майдониغا эга кичик вассал давлатга айланиб қолган.

Амударё соҳилларида жойлашган Хива, Урганч, Кат, Кўхна Урганч, Хазорасп, Қўнғирот, Хўжайли, Курдар (ҳозирги Чимбой шаҳарлари хонлигининг йирик шаҳарлари ҳисобланар эди. Ўрта Осиёнинг энг бой савдо марказларидан бири бўлган Хива шаҳри икки қисм – Ичан қалъа (шаҳарнинг ички қисми – Шаҳристон) ва Дишон қалъа (шаҳарнинг ташқи қисми)дан иборат эди. Ичан қалъада хон қароргоҳи ва ҳарам, 17 та масжид, 22 мадраса,



карвонсарой ва бозор жойлашган. Хиванинг рабод қисми Дишон қалъа 1842 йил Оллоқулихон даврида (1825 – 1842) баланд девор билан ўраб олинган. Дишон қалъада хунармандлар, савдогарлар, мардикорлар, қисман деҳқонлар истиқомат қилганлар.

XVI – XVIII асрларда Хива хонлигининг маъмурий – ҳудудий жиҳатдан бўлиниши вилоят деб аталган бўлса, XVIII асрдан беклик деб атала бошлаган. Дастлаб хонликда 16 та вилоят, 2 та ноиблик бўлган бўлса, кейинчалик хонликда 20 та беклик, иккита ноиблик мавжуд эди. Бекликларни хон томонидан тайинланган беклар, ноибликларни ноиблар идора қилган. Бек ва ноиблар ҳузурида уларга хизмат қилувчи кўпдан – кўп мансабдорлар бўлган. Бу ноиблик ва бекликларни хон тайинлайдиган беклар ва ноиблар бошқарар эди.

Хива шаҳри эса хон ва бош вазир (иноқ)нинг измида бўлган. Хива шаҳри шахсан хоннинг ва қушбегининг измида бўлган. Шаҳар ички тартиблари ва осойишталиги миршаббоши, жинойий ишларни кўриш ва жазо тайинлаш шаҳар қозиси, пойтахтни тасодифий ҳужумлардан ҳимоялаш тўпчибоши ва Ичан – қалъа, Дишон – қалъа кутволи зиммасида бўлган.

№	<i>Хива хонлигида фаолият кўрсатган беклик ва ноибликлар</i>				
1	Хазорасп	7	Ғазовот	13	Урганч
2	Гурлан	8	Қиёт (Кат)	14	Хўжайли
3	Хонқа	9	Шоббоз (Шоҳаббоз)	15	Шуманай

4	Кўхна Урганч	10	Шовот	16	Қўнғирот бекликлари
5	Қўшқўприк	11	Тошҳовуз	17	Бешариқ
6	Питнак	12	Амбар – маноқ	18	Қиёт – Қўнғирот ноибликлари

Хонликда давлат тили ўзбек тили бўлиб, Бухоро ва Қўқондан фарқли ўлароқ барча фармонлар, давлат ҳужжатлари фақат ўзбек тилида ёзилган.

Ўрта Осиёдаги қўшни давлатлар сингари Хива хонлиги ҳам монархия типигадаги давлат эди. Давлат тузуми Бухоро амирлигига ўхшарди. Олий ҳокимият хон қўлида бўлиб, унинг ҳуқуқи чегараланмаган – ҳокими мутлақ эди. Хива хонлиги бошқарув тизими, асосан, Бухоро ва Қўқон хонликларидек бўлиб, фарқи, XIX аср бошларидан хон ҳузурида Кенгаш (Девон) бўлган. Энг юқори амалдорлардан ташкил топган кенгаш ваколати чекланган. Асосий қарорлар хон томонидан қабул қилинган бўлса-да, амалдорларнинг хонлик бошқарувидаги маъқеи баланд эди.

Саройда оталиқ, раис, қозикалон, шайхулислом, мироббоши, миршаббоши, тўпчибоши, ясовулбоши каби мансабдорлар хон хизматида бўлган. Девонбеги хоннинг олий девонини идора қилган. Хазиначи хонликнинг қирим ва чиқим ҳамда сарф-харажатларини юритар, бу ҳақда хон ёки қушбегига ҳисоб бериб турар эди. Саройда мирзабоши, мунший, маҳрамбоши каби мансабдорлар ҳам бўлган.

Мансаб ва унвонлар ҳарбий – маъмурий, ҳарбий ва диний тоифаларга бўлинган. Хонликдаги энг катта мансаб ва унвонлар *иноқ, оталиқ, бий* ҳисобланган. Бундай лавозимга кўтарилганлар хонга энг яқин кишилар бўлиб, улар солиқлардан ҳам озод қилинганлар. Бундай лавозимга тайинланганлар хон фармони орқали эълон қилинган ва уларнинг қўлига ёрлиқлар берилган.

Иноқ, оталиқ, бий, амир ул – умаро, меҳтар, қушбеги, бекларбеги, девонбеги ва бошқа унвон ва мансаблар хонлик иқтисодий, сиёсий, молиявий, ҳарбий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Хонлик суд ишлари, асосан, диний уламолар қўлида бўлиб, уларнинг мамлакат ҳаётида таъсири кучли бўлган.

Аҳолининг кўпчилик қисмини ўзбеклар ташкил қилиб, улардан энг кучли ва кўп сонлилари қўнғирот, найман, қиёт, уйғур, нукуз, қанғли, хитой, қипчоқ қабилалари эди. Ўзбек қабилалари асосан Амударё тармоқ ёйган қисмда, канал бўйларида жойлашган. Аҳолининг анчагина қисмини (тахминан тўртдан бирини) туркманлар ташкил этган. Туркманлар қадимги ўғизларнинг авлодлари бўлиб, форсча сўзлашувчи маҳаллий халқлар ва ўзбеклар билан қоришиб кетган эди.

Қорақалпоқлар яшайдиган Амударёнинг қуйи ҳавзаси ва Орол денгизининг жанубий қирғоқлари ҳам Хива хонлиги тасарруфида эди. Деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, овчилик қорақалпоқларнинг асосий машғулоти эди.

Хива хонлигида кулчилик расмий жиҳатдан ҳамон мавжуд эди. Дишон қалъада кул бозори бўлиб, сотилгунча кулларни ушлаб турувчи махсус бино мавжуд эди. Кул савдоси айрим тоифадаги одамлар учун даромадли эди, кул сотиш билан кўпроқ туркманлар шуғулланарди. Улар Эрон, Афғонистон, Бадахшонга ҳужум қилиб, қишлоқ аҳолисини кул қилар, бозорда сотарди.

Қўқон хонлиги. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлиги ҳудудий жиҳатдан Ўрта Осиёдаги йирик давлат эди. Хонлик шимолда Россия билан (ўртасида Мирзачўл ва Муюнкул чўллари зонаси), шарқда Шарқий Туркистон, ғарбда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан чегарадош бўлган. Қўқон хонлигининг жанубий чегаралари Қоратегин, Кўлоб, Дарвоз, Шўғнон сингари



тоғли ўлкаларни ўз ичига олиб, бу ҳудудлар учун Бухоро амирлиги билан тез – тез тўқнашувлар бўлиб турган.

Қўқон хонлигининг ҳудуди Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан фарқли ўлароқ, серсув дарёлар, сўлим водийлар, серҳосил ерларга бой эди. Хонликнинг маркази Қўқон, Марғилон, Ўзган, Андижон, Наманган каби йирик шаҳарлар жойлашган Фарғона водийси эди. Тошкент, Чимкент, Туркистон, Авлиёта, Пишпак, Сузак, Оқмачит каби йирик шаҳарлар ҳам Қўқон хонлиги тасарруфида эди.

Қўқон хонлиги 15 беклик (ҳарбий округ)га, яъни, **Балиқчи, Новкент, Булоқбоши, Аравон, Косон, Махрам, Сўх, Бободархон, Хўжант, Ўратена, Андижон, Наманган, Туркистон, Тошкент** ва бошқа бекликларига бўлинган. Бекликларнинг ярмидан кўпига хоннинг ўғиллари ёки яқин қариндошлари ҳокимлик қилганлар. Бекликлардаги маҳаллий ҳокимлар чекланмаган ҳуқуқга эга эдилар. Беклар ҳоким ёки парвоначи деб аталган. Қўқон хонлигида беклар **беги** ҳисобланган. Тошкент **беги ёки қуш беги** ҳам дейилган ва у ўз қўли

остидаги ерларган тўлиқ ҳоким бўлиб, ҳатто ҳорижий давлатлар билан дипломатик ва иқтисодий муносабатлар ўрнатиш ҳуқуқига эга бўлган

Кўқон хонлигидаги ҳокимиятни бошқарув тартиблари Бухоро ва Хива хонликларидагидан деярли фарқ қилмаган. Бу ерда ҳам хон чекланмаган ҳуқуққа эга бўлиб, ўзининг хоҳиш – иродасига кўра иш юритган. Вазир хондан кейинги иккинчи шахс ҳисобланиб, муҳим масалалар бўйича ҳукмдор билан келишган ҳолда иш олиб борган. Олий, ўрта ва қуйи маъмурий бошқарувда қуйидаги мансаблар мавжуд эди: *қушбеги, оталиқ, девонбеги, мингбоши, шайхулислом, қозикалон, парвоначи, шиговул, саркор, иноқ, дастурхончи, амин, ясовул, оқсоқол...* *Мингбоши ёки оталиқ* олий ҳарбий унвон ҳисобланган. Сарой қошида махсус кенгаш тузилган бўлиб, унга энг олий мансаб вакиллари киритилган. Хон кенгашнинг раиси ва фаолиятини белгиловчи шахс ҳисобланган. Қўшинда мингбоши, бешюзбоши, юзбоши ва ўнбоши лавозимлари бўлган. Унинг муайян қисми мунтазам хизматни ўтаб, кўпчилиги тинчлик пайтида деҳқончилик, ҳунармандчилик ва бошқа ишлар билан шуғулланган

Кўқон хонлигида мавжуд бўлган ҳарбий унвонлар қуйидагича бўлган: мингбоши – одатда, у вазирлик вазифасини бирга олиб борган. Кейин понсадбоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши, замбаракчи ва бошқалар. Булардан ташқари, бошқа ҳарбий мансаблар ҳам бўлган. Кўқонда яшаган сарбоз ва тўпчилар фақат алоҳида вазифадаги ноиб, додхоҳнинг доимий тасарруфида бўлганлар. Уруш даврида ноиб, додхоҳ ўз қисмига ҳаракатдаги қўшиннинг ҳамма сарбозларини қабул қилган, унга вақтинчалик бошчилик қилишни махсус тайинланган амири лашкар (бош кўмондон)га топширарди.

Кўқон хонлигида аҳоли нисбатан зич жойлашган бўлиб, унда тахминан 3 миллионча киши истиқомат қилган. Хонликнинг пойтахти Кўқонда 80 минг, Тошкент шаҳрида 60 минг аҳоли яшаган. Кўқон хонлиги аҳолисининг кўпчилик қисми ўзбеклар, шунингдек, тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, уйғурлар, қорақалпоқлардан иборат эди. Булар билан ёнма – ён яхудийлар, татарлар, ҳиндлар ва бошқа элатларнинг вакиллари ҳам истиқомат қилганлар. Хонликда тожиклар ва қирғизлар катта мавқега эга эдилар. Хон қўшинларида улар катта куч бўлганлар. 92 ўзбек қабилаларидан бири деб ўзларини ҳисобловчи қипчоқларнинг ўрни ҳам Кўқон хонлигида анча катта бўлган. Улар хонликнинг Шаҳрихон, Балиқчи ҳудудлари, Қорадарё билан Норин дарёси оралиғидаги ерларда яшаганлар. Қирғизлар эса асосан Фарғона атрофидаги тоғларда ва Кетмонтепа, Олой сингари тоғ ҳавзаларида кўчиб юриб чорвачилик билан шуғулланганлар.

5. Ўрта Осиёнинг хонликларга бўлиниб кетиши оқибатлари. XVI – XIX асрларда Ватанимиз ҳудудидаги халқлар ҳудудий тарқоқлик хўжалик ва иқтисодий тушкунлик ҳолатида бўлсаларда фан, маданият тараққиётида бир қатор ижобий ютуқлар ва салмоқли муваффақиятларга эришдилар. Бу билан улар жаҳон маданияти ва цивилизацияси тараққиётига муносиб улушларини

қўшдилар. Бироқ XVII – XIX асрларда Ўрта Осиё ва ундаги давлатлар жаҳон цивилизацияси жараёнидан тобора четлашиб, ривожланиш жиҳатидан илғор давлатлардан орқада қолди.

Маълумки, XVII – XIX асрлар жаҳон тарихига моддий ва маданий юксалиш даври бўлиб кирди. Хусусан, Ғарбий Европадаги бир қатор давлатларда ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсди, завод – фабрикалар қурилиб, янги техник ускуналар билан жиҳозланди, темир йўллар қурилди, денгиз йўллари очилди, меҳнат унумдорлиги ошди, одамларнинг моддий ва маданий турмуш даражаси кўтарилди. Ўрта Осиё хонликлари ана шундай ижобий жараёнлардан четда қолди, қоқликка юз тутди.

Бундай аҳвол юз беришига бир қанча ташқи ва ички омиллар сабаб бўлди:

Биринчидан, асрлар давомида бир бутун бўлиб келган мамлакатнинг, яғона иқтисодий ва маданий маконда яшаб келган халқнинг учга бўлиниб кетиши, хонликлар ўртасидаги тўхтовсиз ўзаро урушлар, талон – торожлар, ҳар бир хонлик ичидаги ижтимоий – иқтисодий инқироз, бошбошдоқлик ва ҳокимият учун ўзаро тинимсиз давом этган ички низо ва урушлар бутун мамлакатни ва халқни қашшоқ, ночор ҳолга олиб келди. Натижада ҳурфикрлиликка путур етказиб, хурофот ва диний мутаасиблик учун қулай шароит яратди. Бу жараён гуруҳбозликни келтириб чиқаради, қабилаларнинг этник аралашувига, бир халқ бўлиб қовушишига, жипслашишига халақит берди. Давлат даражасида ҳам, вилоятлар даражасида ҳам яғона халқ, яғона ватан тушунчасининг қадрини англаб олинмади.

Иккинчидан, Ўрта Осиё давлатларининг асрлар давомида ўзгармай келаётган давлат бошқаруви усули, тизими, тор доирадаги ҳукмдорлар зулми тараққиётга ғов бўлиб келади.

Учинчидан, XV асрнинг охири XVI асрлардаги буюк географик кашфиётлар натижасида XVII – XVIII асрларга келиб дунё савдо йўллари йўналишининг ўзгариши Ўрта Осиёда халқаро савдо алоқаларининг аста – секин сўнишига сабаб бўлди. Бу жараён Шайбонийлар даврида бошланган бўлса, Аштархонийлар ҳукмронлиги даврига келиб, айниқса, Ўрта Осиё давлатлари иқтисодий ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Шунингдек, ўзбек хонликлари ўртасида ички иқтисодий ва савдо бирлиги шаклланмади. Натижада бу давлатлар ҳудудларида яшаган халқлар ўртасида яғона халқ, яғона миллат, яғона ватан ҳис – туйғуси шаклланмади. Аксинча, бундай олижаноб ҳис – туйғуларнинг ривожланиши ва камол топишига тўсқинлик қилинди. Бу XVII – XX асрларда Ўрта Осиёда иқтисодий ва сиёсий ҳаёт турғунлигининг энг асосий сабабларидан бири эди.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигида ерга хусусий мулкчилик қилишдан иборат ишлаб чиқариш муносабатлари сақланиб қолинганлигидир. Ер барча бойликларнинг манбаидир. Унга бўлган мулкчилик шакллари ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантирувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Европа ва дунёдаги бошқа мамлакатларда мавжуд ерга эгалик қилишнинг

хусусий мулк шакли қишлоқ хўжалиги тараққиёти ва дастлабки капитал жамғариш жараёнининг қудратли воситаси бўлди. Осиёда, жумладан, Ўрта Осиё хонликларида эса мулк шакллари ва деҳқончилик шакллари асрлар мобайнида ўзгармади, ерга, хусусий мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари ўзгаришсиз қолаверди. Ернинг асосий эгаси илгаригидек олий ҳукмдорлигича қолди. Хонликларда олий ҳукмдор ернинг бирдан бир эгаси бўлиб, ер ишловчиларга, деҳқонларга ижара тарзида хатлаб бириктирилган эди. Деҳқон ер эгаси эмас, ердан олинадиган ҳосилнинг эгаси эди холос. Шу боис, деҳқон ерни асраб – авайлашга, унинг унумдорлигини оширишга интилмади. Ҳукмдор ерни фойдаланиш учун маҳаллий ер эгалари ва масжидларга улашарди.

Бешинчидан, хонликларда саноат ривожига эътибор кучаймади. Олтингугурт, рангли металллар, мрамар, тошқўмир, нефт каби бойликларга сероб конлар бўлсада, уларни қазиб олиш, тоғ – кон ишларини ривожлантириш, кemasозликни йўлга қўйиш масалалари ҳал қилинмади.

Олтинчидан, товар – пул муносабатлари ривожлантирилмади. Даромад истеъмол ва кўшин харажатларини зўрға қоплаб, капиталга айланмади. Пул, олтин, кумуш хон ва амалдорларнинг хазина тўплаш манбаи бўлиб қолган эди.

Еттинчидан, хонликларнинг савдо муносабатларида ҳамон айирбошлаш усули давом этарди. Ўрта Осиё жаҳон бозоридан ажралиб қолгани устига бу ерда ягона ички бозор ҳам ташкил топмади.

Саккизинчидан, бир неча асрлар давомида сақланиб келган ишлаб чиқариш усули XVI – XVIII асрларга келиб сифат жиҳатидан ўзгармади. У эса иқтисодий ҳаётга, у орқали эса бутун ижтимоий муносабатларга салбий таъсир кўрсатиб, Туркистонни анъанавий турғун муносабатлар ҳукмрон бўлган жамиятга айлантирди.

Тўққизинчидан, XIX аср иккинчи ярмида Ватан истиқболи учун қайғурадиган, одамларни бир ғоя ва бир эзгу мақсад йўлида бирлаштира оладиган ҳамда ортидан эргаштира оладиган йўлбошчи – сардор бўлмади. Бухоро амирлигида ҳам, Қўқон ва Хива хонликларида ҳам шундай арбоб тарих сахнасига чиқмади. Босқинчиларга кўксини қалқон қилиб кўҳна Турон жанговар шавкатини намоиш қила оладиган ва Туркистонни бир умуммиллий макон, уй деб билган юртбоши топилмади.

Хуллас, Ўрта Осиёдаги юқорида тавсифиланган омиллар, бу ердаги иқтисодий ва ҳарбий танг ҳолат ўзига қўшни бўлган мамлакатларни ўз мустамлакасига айланттириш сиёсатини авж олдираётган Россия империясига жуда ҳам қўл келди. Минтақадаги ижтимоий – сиёсий, маданий қолоқлик, парокандалик, ўзаро низо ва урушлар пировард натижада Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши ва мустамлакага айланттирилишига олиб келди.

9 – Мавзу: Россия империясининг Туркистонни босиб олиши. Империя истибдодига қарши Туркистон халқларининг миллий - озодлик кураши. Жаидчилик

Режа:

1. Россия империясининг Туркистонни босиб олиши.
2. Туркистонни бошқаришнинг мустамлака тизими.
3. Империя истибдодига қарши Туркистон халқларининг миллий - озодлик кураши.
4. Туркистонда жаидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва жаидларнинг фаолияти.

Таянч сўз ва иборалар: Россия ҳарбий экспедициялари. Англия – Россия рақобати. Ҳарбий истехкомлар. Оқмасжид қалъаси. Тошкентга ҳужум. Мулла Алимқул. Туркистон генерал – губернаторлиги. Фон Кауфман. Зирабулоқ жанги. Самарқанд кўзғолони. Вассал. Хивага юриш. Гандимиён шартномаси. Кўқон хонлигининг тугатилиши. Пўлатхон кўзғолони. Мустамлака бошқарув тизими. Тошкент кўзғолони. Дукчи эшон. 1916 йилги кўзғолон. Жаидчилик ҳаракати. Янги усул мактаблари. Жаидчилик ҳаракатининг етук сиймолари.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. – Т.: Фафур Фулом, 1993.
4. Алиев А. Маҳмудхўжа Бехбудий. –Т.: Ёзувчи, 1994.
5. Жаидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т.: 1999.
6. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураши. – Т.: Шарқ, 1998. –Б. 360-363.
7. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. –Т.: Шарқ, 2006.
8. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Русия босқини даврида. – Андижон: Мерос, 1995. –Б. 44-61, 90-160.
9. Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси. – Т.: 1992.
10. Усмонов Қ., Содиқов М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I-қисм. –Т.: 2002. –Б. 234-243; 249-254.
11. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 221-343; 259-318; 426-444.
12. Ўзбек давлатчилиги тарихи очерклари. –Т.: Шарқ, 2001. –Б. 128-172.
13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1,2,3 ... жилдлар.

14. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 335-359.
15. Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи (XVI – XX аср бошлари). К.2. –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 184-203; 225-253; 266-302.
16. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспарали. –Т.: 1992.
17. Usmonov Q. Ozbekiston tarixi. – Т.: IQTISOD – MOLIYA, 2006. –В. 218-247.
18. Shamsutdinov R. va boshq. Vatan tarixi. (XVI – XX asr boshlari); К.2 / Mas’ul muharrirlar: О’. Mavlonov, Q. Usmonov. – Т.: Sharq, 2010. – В. 149-344.

1. Россия империясининг Туркистонни босиб олиши. Россия подшолари Туркистон ерларини босиб олиш борасидаги ғаразли мақсадларини ҳали ўлкада шайбонийлар ҳукмронлик қилган даврлардан бошланган. Хусусан, Кавказ, Волгабўйи, Сибир ва Ўрта Осиё устидан ҳукмронлик қилиш рус подшоларининг азалий ва асрий орзуси бўлган. Бу орзуни амалга оширишни «Грозный» («Даҳшатли») лақаби билан аталган Иван IV (1530 – 1584)нинг ўзи бошлаб беради. У 1552 йили Қозон ва 1556 йилда Аштархон (Астрахан) хонликларини босиб олади. Сибирни босиб олиш 1581 йилдан бошланди ва у ҳам забт этилган. Рус давлати Ўрта Осиё минтақасини босиб олишдан олдин, бу ердаги мавжуд хонлиқлар ҳақида кенг кўламда жосуслик маълумотларини тўплашга киришади. Шу мақсадда «Москва савдо компанияси» деб аталган ташкилотнинг вакили Антоний Женкинсон (? – 1611) бошлилигидаги элчиларнинг фаолиятида яққол намоён бўлади. Женкинсон бошлиқ элчилар (Ришард ва Роберт Жонсонлар ҳамроҳлик қилган) 1558 – 1559 йилларда Бухорога юборилиб, жосуслик маълумотлари тўпланган. Россия ҳукумати XVII аср давомида Ўрта Осиёга 9 марта элчи юборган. Масалан, 1620 – 1622 йилларда Бухоро хони Имомқулихон ҳузурига бояр Иван Данилович Хохлов бошчилигида дипломатик миссия юборилган. Ушбу миссиялар асосида Бухоро ва Хива хонликларининг иқтисодий ва ҳарбий аҳволини ўрганади ва жосуслик маълумотлари тўпланади.

Бироқ Туркистонни Россияга қарам қилиш учун тўғридан – тўғри амалий очик ҳаракат Пётр I (1672 – 1725) давридан бошланади. Ҳарбий тарихчи К. Абаза «Завоевание Туркестана» (СПб, 1902) асарида ёзишича, Пётр I Ҳиндистон бойликларига сукулиб қараётган эди. У фақат қулай вазиятни кутарди. Бундай вазиятни 1714 йилда туркман зодагонларининг вакили Хўжа Нафас Петербургга бориб, Амударёда олтинли қумларнинг кўплиги тўғрисида берган маълумоти тезлаштиради. Олтин ва бойлик васвасаси натижасида XVIII асрнинг бошларига келиб Россиянинг Шарққа бўлган қизиқиши ортган ва Пётр I 1714 – 1717 йилларда Александр Бекович – Черкасский бошчилигида Хива хонлигига ҳарбий экспедиция жўнатган. Хива хони Шерғозихон (1714 – 1728) Қайрағоч дарасидаги очик тўқнашувда катта талафотга учрагач, ҳарбий ҳийла ишлатиб, рус қўшинларини 5 та шаҳарга бўлиб юборган ва уларни алоҳида – алоҳида қирғин қилган.

Россия билан Хива хонлиги ўртасида душманлик вазияти кучайди. Пётр I Ўрта Осиё ерларига бўлган ўз тажаввузкорлигидан воз кечмади. У Бухорога элчи сифатида (жосуслик мақсадларида) 1718 йилда италиялик Флорио Беневенини (? – ?) жўнатади. Беневени Кавказ ва Эрон орқали Бухорога 1721 йилнинг 6 ноябрда етиб келган. У бу ерда 3 йилдан ортик туриб, кейин Хивага ҳам ўтган. Бу сафар ҳам муваффақиятсиз чиқади ва Беневенининг ўзи зўрға жон саклаб қолади ва фақат Пётр I ўлимидан сўнг 1725 йилда Россияга қайтади. Беневени саёҳат қилган давлатлари ҳақида географик, этнографик ва тарихий маълумотлар тўплаган. Беневени Пётр I га юборган хабар ва хотира дафтарларида Бухоро ва Хивада бўлган сиёсий воқеаларни таърифлаб берган.

Ўрта Осиёни босиб олишда Россия учун Қозоғистон ҳудудларни эгаллаш ва унда ҳарбий қалъалар ва истеҳкомлар қуриш муҳим стратегик аҳамиятга эга эди. Маълумки, Қозоғистон ҳудуди XVI аср охирларида уч жузга бўлиниб, Катта жуз (Етгисув), Ўрта жуз (Марказий Қозоғистон) ва Кичик жуз (Ғарбий Қозоғистон) деб атала бошлади. XVIII асрнинг бошларида Қозоғистонга Жунғария хонлиги хавф солиб турди (1729 йил жунғарлар Катта жузнинг талай ерларини босиб олди). 1726 йили Абулхайрхон Кичик жуз оқсоқоллари номидан Россия подшосига фуқароликка олишни илтимос қилиб мурожаат қилди. 1731 йил Кичик жуз Россия таркибига кира бошлади. 1731 – 1740 йилларда Ўрта жузнинг айрим хон ва султонлари Россия фуқаролигини қабул қилдилар. 1747 йилда Катта жуз ҳам Россия тобелигига олинди.

Қозоғистон ҳудудларида ҳарбий қалъалар ва истеҳкомлар барпо этиш эса Пётр I замонидаёқ бошланган эди. 1717 йилда Омск, 1718 йилда Семипалатинск, 1720 йилда Уст – Каменогорск, 1742 йилда Оренбург қалъалари қурилади. Фақат XVIII асрнинг ўзида ҳозирги Қозоғистон ҳудудларида ўзбек хонликларига бостириб боришда фойдаланиш учун 46 та катта ва 96 та кичикроқ ҳарбий қалъа ва истеҳкомлар қурдиради, уларга кўшинларини жойлаштиради.

Қозоғистон ҳудудларини забт этилиши подшо Россияси маъмурларининг Туркистон ерларини эгаллаш борасидаги босқинчилик ҳаракатларига қулай шарт – шароитлар яратади. Бироқ XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги рус – турк уруши (1806 – 1812), рус – швед уруши (1808 – 1809), рус – форс уруши (1805 – 1813) ва ниҳоят Наполеонга қарши 1805 – 1812 йиллардаги тўқнашув ва уруш, қолаверса, подшо Россиясининг мустабид ҳокимиятига қарши декабристлар номини олган дворянлар кўзғолони ва уни бостириш Россия ҳукуматининг Туркистонга нисбатан босқинчилик сиёсатини маълум муддатга ортга чўзилишига сабабчи бўлади. Бироқ 1830 йиллардан маълум даражада Европадаги жанжалли воқеалардан кўли бўшаган империя ҳукумати яна ўзининг айғоқчилик ва ёвузлик ниятларини Ўрта Осиё ҳудудларига қаратади.

Шу мақсад йўлида император Николай I (1796 – 1855) нинг 1839 йилда Хива хонлигини босиб олиш ҳақидаги фармони асосида 1839 йил 14 ноябрь – 1840 йил февралда Оренбург ҳарбий губернатори В.А. Перовский (1795 –

1857) катта қўшин (2 та замбарак 40 арава, 5325 аскар, 10 минг туя) билан Хива хонлигига ҳарбий экспедиция уюштиради. Бироқ бу юриш муваффақиятсизлик билан тугади.

Россия империяси ҳукумати XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб ўзбек хонликларининг ерларини босиб олишга астойдил киришади. Бунинг сабаблари:

Биринчидан, ўзбек хонликлари ўзаро мол – дунё, давлат ва ер талашиб бир – бирларининг тинка мадорларини шу даражада қуритган эдиларки, улар ташқи душманга қарши бирлашиб курашиш у ёқда турсин, ҳатто ўзларини бирор бир даражада ҳимоя қилишга ҳам қодир эмас эдилар. Бу ҳол Россия империяси маъмурларига жуда қўл келар эди.

Иккинчидан, Россия империясининг ҳарбий – сиёсий ва иқтисодий аҳволи шуни талаб қилар эдики, ривожланаётган рус капиталистлари учун янги – янги бозорлар, фойда манбалари керак эди. Россиянинг Европа бозорлари билан рақобат қила олмаслиги эътиборга оладиган бўлсак, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун Ўрта Осиё бозорларини эгаллаш зарур эди. Шунингдек, Россия саноат корхоналарига (айниқса унинг енгил саноати учун) эса табиий ер ости бойликлари, ҳом ашё базалари, пахта, ипақ қорақўл, тери ва бошқалар зарур эди. 1861–1862 йиллардаги фуқаролар уруши туфайли Америкадан келадиган пахтанинг камайиб кетиши ўзбек пахтасига бўлган талабни хаддан ташқари ошириб юборди.

Учинчидан, Россияда ўтказилган ер ислохотлари туфайли қашшоқ қолган аҳолини кўчириб келтириш ва уларни ер билан таъминлаш.

Тўртинчидан, Қрим уруши (1853 – 1856) натижасида Қора денгиз бандаргоҳларининг қўлдан кетиши ва унинг ўрнини Ўрта Осиёни эгаллаш орқали тўлдириш. Шу орқали жанубдаги музламайдиган денгизларга чиқиш, Ўрта Осиё орқали Эрон, Афғонистон Хитой, Ҳиндистон каби давлатларда Англиянинг таъсирини йўқотиб, бу давлатлар билан савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатиш. Туркистон – бу, босқинчилик юришларида плацдарм вазифасини ўташи.

Тўртинчидан, Ўрта Осиё масаласида инглиз – рус муносабатларининг кескинлашиб бориши Россия босқинининг тезлашишига сабаб бўлди. Россия ҳукмрон доиралари XIX асрнинг бошиданок инглиз жосусларининг ўзбек хонликларидаги ҳатти – ҳаракатларини зийраклик ва шубҳа билан кузатиб бордилар. Россиянинг Туркистонни босиб олиш режаларидан хабардор бўлган Англия ҳукумати Россия режаларини барбод қилиш ҳаракат қилди. Бунда Англиянинг Ост – Индия (Ост – Ҳиндистон) компанияси (1600 – 1858) фаолияти диққат марказида турган. Ост – Индия компанияси Ўрта Осиё бозорларига кириш ва эгаллаб олиш, бозорларда инглиз товарларининг Россия товарларини сиқиб чиқаришини таъминлашга зўр берди. Бу борада улар ҳинд ва форс савдогарларидан кенг фойдаланди.

Ост – Индия компанияси томонидан жосуслик маълумотлари тўплаш мақсадида Ўрта Осиёга бир неча марта ўз разведкачиларини юборган.

Жумладан, Эрондаги рус элчихонасининг катта маслаҳатчиси А.Ф. Негри (1784 – 1854) раҳбарлигида савдо шартномаси тузиш учун Бухорога юборилган миссия (*Негри миссияси*, 1820) таркибида мазкур компания айғоқчиси полковник Е.К. Мейендорф ҳам Бухорода бўлади, бироқ у қайтиш чоғида йўлда ҳалок бўлади. 1831 – 1833 йилларда мазкур компания лейтенанти Александр Бернс (1805 – 1841) Ҳиндистондан Афғонистонга, ундан Бухорога гўё сайёҳ сифатида келади. 1843 йилда капитан Эббот Хивага юборилди. 1844 йили Англия томонидан Туркия ҳомийлигида Иосиф Вольф Бухорога келган эди. У 1838 йилдан буён Бухоро амири Насруллоҳон зиндонида сақланаётган полковник Стоддарт билан майор Коноллини (булар 1842 йили қатл этилган) тақдирини аниқлаш ниятида келган эди. И. Вольф 1844 – 1845 йиллар давомида Бухорода иш олиб бориб, Лондонга Қўқондаги воқеалар, хонликларнинг ўзаро муносабатлари хусусида муҳим ахборотлар юбориб турган.

Ост – Индия компанияси Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига Россияга қарши иттифоқ тузишни таклиф қилади ва бирлашиб Россия тажовузига қарши курашишни тавсия этади. Лекин бу таклифлар амалга ошмайди. Инглизларнинг Ўрта Осиёни босиб олишдан иборат режасининг амалга ошувига Ҳиндистон билан ўзбек хонликлари ўртасида жойлашган Афғонистон тўсиқ бўлади. Натижада инглизлар билан Афғонистон ўртасида икки марта (1838 – 1842; 1878 – 1880) уруш ҳам келиб чиқади. Аммо инглизлар афғон халқининг қаршилигини бостира олмайдилар.

XIX аср ўрталарида Россия империяси ҳукумати томонидан Ўрта Осиёга жосуслик миссияси ҳам амалга оширди. Масалан, 1841 – 1842 йиллар Бухорога элчи К.Ф. Бутенев раҳбарлигида *Бутенев миссияси* юборилган. Унинг асосий вазифаси Афғонистон ва Эрон орқали Туркистонга киришга интилаётган Англияга тўсқинлик қилиш, Бухоро хонлигида Россиянинг иқтисодий ва сиёсий таъсирини мустаҳкамлаш, Бухоро тупроғининг геологик тузилишини ўрганиш ва ер ости бойликларини текшириш, Бухоро хонлиги билан Россия ўртасида савдо ва элчилик муносабатларини мустаҳкамловчи шартнома тузиш, савдо – сотиққа оид маълумотлар тўплаш, Бухоро ва унга қўшни мамлакатлар тўғрисида маълумот йиғиш кабилардан иборат эди. Бутенев миссияси 1841 йил 15 майда Оренбургдан чиқиб, 1841 йил 5 августда Бухорога етиб келди. Бутенев миссияси Зарафшон водийсида кўпгина геологик текширишлар олиб борди. Бутенев миссиясининг Бухоро хони билан савдо ва дипломатик шартнома тузиш юзасидан олиб борган музокаралари унча натижа бермади. Шунга карамай, Бутенев миссияси аъзолари Бухоро тўғрисида жуда бой географик, этнографик, табиий ва тарихий маълумот тўпладилар.

Подшо Россияси Туркистонни босиб олишдан оддин мукаммал режани ишлаб чиққан. Режада асосий зарбани минтақадаги энг заиф ва ҳудуди жиҳатидан кичик Қўқон хонлигига бериш, айна пайтда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини Қўқон хонлиги билан ўзаро бирлашиб қўшин тузишига, ўзбек

хонликларининг биргаликда ҳаракат қилишига имкон бермаслик мақсадида улар ўртасида турли низолар чиқариш ва мавжуд ихтилофларни кучайтириш йўллари ишлаб чиқишга қаратди. Россия ҳарбий вазирлигида ҳарбий ҳаракатларга кетадиган харажатлар, қўшин миқдори ва тури, уруш ҳаракатларида қатнашувчи қисмлар, куруклик ва сувда ҳаракат қилувчи воситалар, курул – яроғ миқдори ва захиралари аниқланди.

Россия империяси қўшинлари XIX асрнинг 40 – йиллари охиридан бошлаб аниқ режа асосида шиддат билан Туркистон ерларига бостириб кела бошлади.

Туркистонни босиб олиши подшо Александр II (1818 – 1881) ҳукмронлиги даврида ниҳоятда тезлашди. Россия империясининг Туркистонни босиб олиши **тўрт босқичга** бўлинади. **Биринчи босқич** – 1847 йилдан бошланиб 1865 йилга қадар давом этади. Бу босқичда Қўқон хонлигига қаршли ҳудудлар босиб олинади. **Иккинчи босқич** – 1865 йилдан бошланиб 1868 йилга қадар давом этади. Бу даврда Тошкент ва Бухоро амирлиги ҳудудлари босиб олинади. **Учинчи босқич** – 1873 – 1879 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда Хива ва Қўқон хонлиги ҳудудлари чор қўшинлари томонидан забт этилади. **Тўртинчи босқич** – 1880 – 1885 йиллар бу даврда ҳозирги Туркманистон ерлари босиб олинади.

Қўқон хонлигига ҳужум

Россия давлатининг Туркистон ерларини босиб олишининг **биринчи босқичида**, яъни 1847 йили Сирдарё этаги босиб олиниб, Раим қалъаси рус қўшинлари томонидан эгалланди ва бу ерда 1848 йил Казалинск ҳарбий истехкоми қурилган. Оренбургда «Николай» ва «Константин» деган кемалар қурилиб, улар бўлак – бўлак ҳолда келтирилиб Орол денгизига туширилади.

Бу даврда Оқ мачит (Қизил Ўрда), Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Пишпек Тўқмоқ ва бошқа шаҳарларда Қўқон хонлигининг ҳарбий истехкомлари мавжуд эди. 1852 йилда рус қўшинлари Оқ мачитга ҳужум қиладилар, лекин уни қўлга кирита олмадилар. 1853 йилда генерал В.А. Перовский бошчилигида икки минг аскардан ортиқ қўшин Оқ мачитга иккинчи марта ҳужум уюштиради. 22 кунлик қуршов ва жангдан сўнг 1853 йил июлда рус аскарлари истехкомни эгаллаганлар. Қалъа ҳимоячиларидан 74 киши тирик қолган ҳолос. Россия қўшинларидан бор йўғи 25 киши ҳалок бўлган ва 46 киши ярадор қилинган. Истехкомга «Перовский форти» номи берилган. Оқ мачитдаги мағлубият Қўқон хонлигини қаттиқ ташвишлантирди. Тезлик билан Тошкентда куч тўпланиб ҳоким Сабдалхўжа бошчилигида 8 минг аскарлик қўшин ва кўнгиллилар Оқ мачитни қайтариб олиш учун йўлга чиқади. Лекин икки ўртадаги жангда улар енгилдилар.



Генерал В.А. Перовский (1795 – 1857)

Ватан ҳимоячиларидан 192 киши ҳалок бўлади. Қўқон хонлиги қўшинлари ярадорларни 92 туяга ортиб орқага чекинишга мажбур бўладилар.

1853 йилнинг декабрь ойида Ёқуббек бошчилигидаги 13 минг кишилик қўшин Оқ мачитга келиб яна душман билан тўқнашди. Юрт ҳимоячиларидан бу жангда мингга яқин киши ўлдирилди ва ярадор қилинди. Босқинчилар фақат 55 аскарларини йўқотдилар. Бундай кетма – кет мағбулиятлар Ватан ҳимоячилари руҳини туширмади. Улар 1855 йилда яна 1500 кишилик қўшин билан Оқ мачитга отландилар. Аммо Россия қўшинларига янги кучлар келиб қўшилганини эшитиб, орқага қайтдилар.

1854 йил Олмаота қишлоғи ёнида Верний ҳарбий истехкоми (ҳозирги Олмаота шаҳри) нинг қурилиши Туркистонни эгаллашда ҳал қилувчи ўрин тутган истехкомлардан бўлди. 1855 – 1857 йиллардаги Қрим уруши муносабати билан подшо Россияси маъмурлари Ўрта Осиёни забт этиш бўйича катта миқёсдаги ҳарбий ҳаракатларни олиб бормадилар. Қрим урушидаги мағлубият Ўрта Осиёнинг Россия учун сиёсий ва стратегик жиҳатдан қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Қрим уруши туфайли тўхтаб қолган ҳарбий ҳаракатлар 1860 йил ёзида яна жонланди. Полковник Циммерман бошчилигидаги рус қўшинлари 1862 йилда Тўқмоқ, сўнгра Пишпак (ҳозирги Бишкек), қалъасини эгаллади. Авлиёота (ҳозирги Тароз шаҳрининг 1938 йилгача бўлган номи, Қозоғистон Рес., Жамбул вилояти) қалъасини эгаллаш учун 1864 йил 1 майда полковник М.Г. Черняев Верний (Олмаота) истехкомидан йўлга чикқади. Қаттиқ жангдан кейин 1864 йил 4 июнда Авлиёота ҳам босиб олинади. М.Г. Черняев бу қалъани олганлиги учун генерал – майор даражасига кўтарилди.



Полковник М.Г. Черняев (1828 - 1898)

Навбатдаги ҳужум ҳаракатлари Қўқон хонлигининг муҳим ва таянч шаҳарларидан бўлган Туркистон ва Чимкент шаҳарларига қаратилади. Туркистон ва Чимкентни ҳимоя қилиш учун саркарда Қўқон хонлигининг муваққат хони (регенти), мингбошиси, амири лашкари (1863 – 1865) – Алимкул (тўлиқ исми Мулла Алимкул Ҳусайнбой ўғли, 1831/32 – 1865) етиб келди ва шаҳар мудофаасини ташкил қилишга киришди. Аммо полковник Верёвкин генерал М.Г. Черняевдан ёрдам олиб, 1864 йил 12 июлда Туркистон шаҳрини маҳаллий хоинлар ёрдамида босиб олди. Верёвкин Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги ноёб тарихий асори – атиқаларни талон – тарож қилиб, Россияга жўнатиб юборди.

Рус қўшинлари Чимкент шаҳарини эгаллаш учун икки марта ҳарбий юришларни амалга оширди. Дастлабки ҳал қилувчи жанг 1864 йил 14 июнь тонгда бошланган. Уч кун давом этган бу урушда юрт фидойилари ғалабани қўлга киритади. Мағлубиятга учраган штабс – капитан Мейер ва полковник Лерх бошчилигидаги рус қўшинлари Авлиёота ва Туркистон томон чикинади.

Генерал Черняев бу мағлубият оқибатларидан чўчиб, барча кучларини Оқбулоқда жамлади.

Алимқул бошчилигида юрт химоячилари рус кўшинларига қарши урушни давом эттириш мақсадида тайёргарлик кўраётган бир пайтда Бухоро амири Музаффархоннинг Кўқонга хужум қилганлиги тўғрисида хабар олади. Натижада лашкарбоши Алимқул кўшиннинг катта бир қисмини Чимкентда қолдириб, ўзи Кўқонга қайтишга мажбур бўлади. Алимқул Хўжанд ва Ўратепада амир Музаффарнинг кўшинлари билан жанг қилаётган бир пайтда, Черняев 1864 йилнинг 14 сентябрида иккинчи марта Чимкентга юриш бошлади. Ҳарбий – техник устунликка эга бўлган душман 1864 йил 22 сентябрда Чимкентни эгаллашга муваффақ бўлди.

Туркистон ва Чимкент рус кўшинлари томонидан эгаллангандан сўнг Кўқон хонлигининг муҳим стратегик шаҳри Тошкентни эгаллашга киришилади. Шу мақсад йўлида 1864 йил 27 сентябрда генерал Черняев Чимкентдан йўлга чиқди. 1864 йилнинг 1 октябрида у катта ҳарбий кўшинлари билан бирга Тошкентнинг шарқидаги Дарвишак қопқа деган жойга етиб келади. 2 октябрда эрталабдан дастлабки хужум бошланди. Тошкент мудофаачиларининг мардона ҳаракати туфайли Черняев қаттиқ мағлубиятга учради, 72 зобит ва аскарни йўқотди. Чимкентга қайтишга мажбур бўлди.

1865 йилдан Россия империясининг Туркистонни босиб олишининг *иккинчи босқичи* бошланди. Шу йилнинг 28 апрелида Черняев Чирчиқ ёнидаги Ниёзбек қалъасини жанг билан эгаллади. Тошкентлик бир хоиннинг (Абдурахмонбек Шодмон ўғли) маслаҳатига кўра Черняев Кайковус ариғи (Бўзсув канали) тўғонини бузиб, уни Чирчиқ дарёсига буриб юборади. Натижада тошкентликлар сувсиз қолиб, оғир аҳволга тушадилар. Шунга қарамай, аҳоли мудофаани мустаҳкамлашга куч – ғайратини аямайди. Кўп ўтмай рус кўшинлари Тошкентга яқинлашганлиги ҳақида хабар топган Алимқул кўшин билан Кўқондан чиқиб, 1865 йил 7 майда эрталаб Тошкентга етиб келишди. Шу куни Алимқул ва хон қароргоҳи Афросиёб тепалигида жойлашди. Шу куни Мингўрик мавзесида шаҳар химоячилари иштирокида катта машварат ўтказилиб, ғазавот эълон қилинди. 8 майда Салор канали билан Дархон ариғи оралиғи (ҳозирги Пушкин кўчаси)да Алимқул кўшинлари ва шаҳар химоячилари билан рус кўшинлари ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Рус кўшинлари енгилиб, Шўртепага чекинди. 1865 йил 9 майда Алимқул кўмондонлигидаги кўқонлик аскарлар ва шаҳар химоячилари Шўртепадаги рус кўшинларига қарши хужумга ўтди. Ниҳоятда қаттиқ жанг бўлиб, Алимқул оғир яраланди ва ўша куни вафот этди. 1865 йил 10 майда у Тошкентдаги Шайхонтоҳур қабристонига дафн этилди.

Алимқулнинг ҳалок бўлиши билан Тошкентликлар орасида саросима бошланди. Генерал Черняев 14 июнда қаттиқ жанглардан сўнг шаҳарга ёриб киради. 1865 йил 17 июнда қаршилик кўрсатишнинг фойдасизлигини ҳисобга

олгач шаҳар химоячилари шаҳарни топшириш учун музокараларни бошлайди. Шу тариқа Тошкент шаҳри эгалланди.

Россия империяси босиб олинган ҳудудларда 1865 йил 12 февралда Оренбург генерал – губернаторлигига бўйсунувчи Туркистон вилоятини тузган. Туркистон вилояти ҳарбий губернатори этиб М.Г. Черняев тайинланди.

**Бухоро амирлигига қарши
ҳарбий юришлар**

Рус қўшинларининг Тошкентни босиб олиши натижасида Подшо Россияси билан Бухоро амирлиги ўртасида бевосита тўқнашув юзага келган. Россия империяси Бухоро амирлигига қарши уруш ҳаракатларини икки ҳарбий мавсумда – 1866 ва 1868 йилларда ўтказдилар.

1866 йил январида генерал Черняев Жиззахга ҳужум қилади ва мағлубиятга учрайди. Ўзбошимчалиги учун Черняев Санкт – Петербургга чақириб олинади, ўрнига генерал Д. Романовский тайинланади. У Сибир ва Оренбургдан ёрдам олиб Бухоро амирлигига қарши юриш бошлади. Подшо Россияси қўшинлари томонидан Қўқон хонлиги ҳудудлари босиб олинаётган пайтда Бухоро амири томошабин бўлиб турган бўлса, энди Бухоро амирлиги ҳудудларига ҳужум бошланган пайтда Қўқон хони Худоёрхон сукут сақлаб турди. Модомики у амир Музаффар ҳомийлигида Қўқон тахтини учинчи марта эгаллаган эди. 1866 йил 8 май куни Ержарда (ҳозирги Жан. Қозоғистон вилояти ҳудуди) рус қўшинлари билан бўлган жангда амир Музаффар қўшинлари енгилди, амир Жиззахга қочди. Д. Романовский юришни Хўжанд томонга йўналтирди. 1866 йил 24 майда Хўжанд шаҳри ва Нав қалъаси эгалланди. Подшо Россияси қўшинлари томонидан 1866 йил олиб борилган ҳарбий юришлари натижасида Ўратепа (2 октябрь), Жиззах (18 октябрь) босиб олинди. 1867 йил 7 июнда Жиззах ва Самарқанд ўртасида жойлашган Янгиқўрғонда Бухоро қўшини ва халқ кўнгиллилари душман томонидан тор – мор келтирилди.

1867 йил 11 июлда император Александр II Туркистон ҳарбий округини таъсис этди ва Ўрта Осиёда босиб олинган ва салтанат таркибига киритилган ҳудудлар ҳисобидан Туркистон генерал – губернаторлиги ташкил қилди. Ушбу губернаторликнинг маркази Тошкент бўлиб, унинг таркибига Сирдарё ва Етгисув вилоятлари ҳам кирган эди.

Биринчи генерал – губернатор ва округ кўмондони қилиб генерал – адъютант К.П. фон Кауфман (1818 – 1882) тайинланди. Фон Кауфманга рус императори томонидан катта ваколатлар битилган «Олтин ёрлик» берилган. Унга кўра у мустақил равишда уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш ҳарбий – маъмурий, молиявий – иқтисодий, фуқаролик ишларини ҳал қилиш каби ҳуқуқларга эга бўлган. Шунинг учун фон Кауфман халқ ўртасида истехзо билан «ярим подшо» деб аталган.

К.П. фон Кауфман 1868 йил 21 майда



Генерал К.П. фон Кауфман
(1818 – 1882)

Каттакўрғонда Бухоро хонлиги элчиси билан учрашиб, амирдан уруш харажатларини қоплаш учун 125.000 тилла миқдорида товон тўлашни талаб қилади. Бухоро амири Саид Музаффар билан олиб борилган музокаралар натижасиз тугагач, фон Кауфман Самарқанд шаҳрини эгаллаш мақсадида ҳарбий юриш бошлади. 1868 йил 1 май куни шаҳар яқинидаги Чўпонота тепалигида Бухоро амири қўшинлари билан жанг қилиб, уларни осонгина мағлубиятга учратди. Самарқанд 2 май куниёқ деярлик жангсиз душманга таслим бўлди. 18 майда Каттакўрғон ҳам таслим бўлди. Бухоро амири ўз қўшинларини тўплаб душманни даф этиш учун Самарқанд томон юрди. Фон Кауфман бу хабарни эшитиб Бухоро томон юрди. Икки томон қўшинлари Зирабулоқда 1868 йил 2 июнда тўқнашди. Бироқ 2 – 3 июнь кунлари бўлиб ўтган бу жангда амир қўшинлари тор – мор этилди. Амир Қизилқум тарафга қочиб кетади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Зирабулоқ жанги бошланишидан бир кун олдин, яъни 1868 йил 1 июнь куни Самарқандда халқ қўзғолон кўтарди. К.П. фон Кауфман ўзининг эсдаликларида: «... 1 – 8 июнда Самарқанд мудофаси номи билан машхур ҳафта бошланди», деб таъкидлаган. Шаҳар атрофига Қарши, Китоб ва Шаҳрисабз бекликларидан келган мадад кучлари йиғила бошлайди. Бу қўзғолонга амирнинг ўғли Абдулмалик (Катта Тўра, 1848 – 1909), Китоб ҳокими Жўрабек, Шаҳрисабз ҳокими Бобобек ва бошқа ўзбек, тожик, туркман, қорақолпоқ, қозоқ қавмлари бошлиқлари бошчилик қилиб, 8 июнга қадар Самарқанддаги руслар гарнизонига ҳужум қилган.

Самарқанд қамали ҳақида хабар топган фон Кауфман зудлик билан Самарқандга қайтиб, 8 июнда шаҳарни тўплардан ёппасига ўққа тутишга ва шаҳарни батамом ёқиб юборишга буйруқ беради. 9 июнда Самарқандда фожиали қирғин бошланади. Қирғин уч кун давом этади. Юзлаб одамлар ҳеч қандай сўроқсиз, терговсиз отиб ташланади. Муваффақиятсиз тугаган Самарқанд қамали якунларига кўра унинг бошлиқларидан 19 киши ўлимга ва 19 киши Сибирга умрбод сургунга ҳукм қилинади. 500 кишидан иборат душман кучларидан 275 киши ўлдирилди ва ярадор бўлади.

1868 йил 23 июнда амир Саид Музаффарнинг элчилари Самарқандга К.П.Кауфман ҳузурига келиб, сулҳ тузишга розилик билдиради. Россия – Бухоро ўртасида **биринчи сулҳ шартномаси** имзоланди ва унга кўра, Бухоро амирлиги Россиянинг вассалига, яъни хорижий мамлакатлар билан мустақил алоқалар қилаолмайдиган давлатга айлантирилди. Сулҳга биноан Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд, Каттакўрғон Россия империяси таркибига киритилди, амир олтин ҳисобида 125 минг тилла (500 минг рубль) товон тўлаш, рус савдогарлари учун амирликда қулай шароит яратиш мажбуриятини олди. Рус молларидан улар қийматининг атиги 2,5 % миқдорида бож



Генерал А.К. Абрамов

оладиган бўлган. 1868 йилнинг 24 июнида Самарқанд ва Каттакўрғонни ўз ичига олган Зарафшон округи тузилиб, унга генерал – майор А.К. Абрамов бошлиқ этиб тайинланди. 1868 йил Самарқанд эгаллангач, мусулмон дунёсига машхур ҳалифа Усмон Қуръони генерал Абрамов томонидан ўлжа қилиниб, Санкт – Петербургга жўнатилган.

Амир Музаффар томонидан амирлик мустақиллигини амалда йўқотувчи ва катта иқтисодий талофатларга сабаб бўлувчи сулҳга қўл кўйилишидан норози бўлган руҳонийлар, ҳукмрон ҳарбий мулкдор табақа ва фуқаролар амирнинг тўнғич ўғли амирзода Абдулмалик атрофига тўплана бошладилар ва Шаҳрисабзда уни амир деб эълон қилдилар. Натижада амир Музаффар ўғлига қарши кўшин тортди, бироқ Самарқанд яқинидаги Жом қишлоғида содир бўлган жангда мағлубиятга учради.

Абдулмалик ва Жўрабек, Бобобек ҳамда Султон Содик биргаликда озодлик курашини давом эттирдилар. Ватанпарвар кучлар амир Музаффарга қарши урушиб, давлатнинг уч қисмини, жумладан, Қаршини эгаллайдилар. Кармана, Чирокчи ҳам тез орада уларнинг қўлига ўтди.

1868 йилнинг кузида амир Музаффар фон Кауфмандан ёрдам сўради. Бунга жавобан Кауфман генерал Абрамов бошчилигидаги ҳарбий кўшинларни қўзғолонни бостириш учун юборди. Абрамов бошчилигидаги рус кўшинлари 1868 йил 23 октябрда Қаршини Абдулмаликдан тортиб олиб, амир Музаффарга топширди. Абдулмалик атроф - теваракдан куч тўплашга киришган, хусусан Хива хони Муҳаммад Раҳимдан мадад истаб борган, сўнгра Ҳисор вилоятидан ва туркманлардан кўшин тўплаб, Қаршини отасидан тортиб олди. 1870 йилнинг августида генерал Абрамов кўшинлари Абдулмаликнинг кучларини тор – мор келтириб, Шаҳрисабз, Китоб ва Қаршини амир Музаффарга қайта олиб берди. Абдулмалик Афғонистонга, сўнг Қашқарга (1873) ўтди. Қашқар Хитой томонидан босиб олингач, Абдулмалик Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида, сўнг умрининг сўнги кунларигача Пешоварда истикомат қилди. 1909 йилда вафот этди.

1870 йил 14 августда Шаҳрисабз ва Китоб шаҳри рус кўшинлари томонидан босиб олингандан кейин Жўрабек ва Бобобек Қўқон хонлиги орқали Қашқарга қочишга уринади. Бироқ улар Маҳрам остоналаридаги Қўқон сарбозлари томонидан ҳибсга олинади ва Худоёрхон амри билан фон Кауфманга топширилади. Генерал Кауфман эса уларни ўз хизматиغا олиб рус кўшини зобитлари унвонини беради. Султон Содик эса Қизилқум орқали Хива хонлиги ҳудудига ўтиб кетади.



Жўрабек долдох Қаландар ўғли (тахм. 1840 – 1906). 1861 йилдан Китоб ҳокими



Бобобек Ҳакимбек ўғли (1833 – 1898) Шаҳрисабз ҳокими (1865 – 1770)

1873 йил 28 сентябрда Бухоро амирлиги билан Россия империяси ўртасида имзоланган навбатдаги **иккинчи шартнома** натижасида Бухоро амирлиги Россиянинг протекторати деб эълон қилинган. Амирлик ерларининг учдан бир қисми подшо Россияси ихтиёрига ўтди. Хўжанд, Ўратепа, Панжикент, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларидан тортиб Зирабулоққача бўлган ерлар, Шарқий Бухорода эса Шуғнон, Воҳон, Рўшон вилоятлари, айниқса Зарафшон дарёси юқори ҳавзасининг қўлдан кетиши амирликдаги халқларни асосий ҳаёт манбаи – сувдан маҳрум этди, бу ҳол Бухоро амирлигини Россияга иқтисодий жиҳатдан қарамлигини янада оширди. Амударёнинг чап соҳилидаги ерлар эса (Балх, Мозори Шариф, Шибирғон, Қундуз ва бошқалар) Россия ва Буюк Британиянинг талаби билан Афғонистонга берилган. Бухоро амирлигининг хорижий давлатлар билан алоқа юритиши таъқиқланган.


*Хива хонлигига қарши
ҳарбий юришлар*

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Россия империясининг Туркистонни забт этишининг **учинчи босқичи** – 1873 йилдан бошланди. Навбатдаги ҳарбий ҳаракатлар Хива хонлигини забт этишга қаратилди. Маълумки, 1872 йил охирида ҳарбий вазир бошчилигида Петербургда Туркистон, Оренбург генерал – губернаторлари ва Кавказдаги подшо ноиблари иштирокидаги махфий кенгашда Хива хонлигини босиб олишга қарор қилинади. Генераллар режасига кўра Туркистон генерал – губернаторлигига оид кучлар шарқдан, Оренбург губернатори ва Кавказ ноиблигига оид ҳарбий кучлар ғарбдан ва шимолий – ғарб томондан юриши керак эди. Россиянинг тажовузкор нияти Хива хони ва унинг амалдорларига сир бўлмаган. Саид Муҳаммад Раҳимхон II руслар таҳдидига қарши Англиядан мадад сўрагани. Лекин бундай ҳаракатлар натижа бермади. Энди Хива хонлиги ўз кучига таянган ҳолда урушга тайёргарлик кўра бошлади. Хонлик қўшинида 27 эски замбарак, 2 минг отлик, 4 минг навкардан иборат ҳарбий куч бўлиб, улар ҳам, асосан, пойтахтда жамланган эди. Рус қўшинининг умумий сони эса 13 минг кишидан зиёд бўлиб, 56 та тўп бор эди.

1873 йил баҳорида Россия империяси Хива хонлигига қарши қўшин тортди. Россия империяси қўшини 3 йўналишда ҳаракат қилган. Биринчи йўналишдаги рус қўшинлари генерал – адъютант фон Кауфман қўмондонлигидаги Туркистон отряди (22 рота, 1800 казак ва 18 тўп) ва генерал – майор Головачёв қўмондонлиги остида Тошкент тарафдан, иккинчи йўналишдагилар генерал Верёвкин қўмондонлигидаги Оренбург отряди (15 рота, 600 казак, 8 тўп) ва учинчи йўналишдагилар полковник Ломакин қўмондонлигидаги Мангқишлоқ отряди (12 рота, 800 казак, 8 тўп) Каспий денгизи тарафидан Хива хонлигига ҳужум қилган. Уларнинг ихтиёрига Орол флотилияси ҳам берилган.

1873 йил 18 май куни генерал фон Кауфман отрядлари Амударёдан кечиб ўтиб 23 май куни Ҳазорасп қалъасини босиб олади. Верёвкин

кўмондонлигидаги кўшинлар эса Кўнғирот, Хўжайли шаҳарларини эгаллайди. Манғит ва унинг атрофидаги овуллар даҳшатли тарзда қирғин қилинади. 1873 йил 29 майда русларнинг асосий кучлари Хива остоналарида пайдо бўлдилар. Хива хони ортиқча қон тўкилишини истамай, музокаралар бошлаш ҳақида ўз вакилларини фон Кауфман хузурига жўнатди. Бироқ генерал хоннинг таклифини қабул қилмай ҳужумга киришган. Муҳаммад Раҳимхон II



Россия армияси Хива остонасида

Хивани ўз ихтиёридаги кучлар билан мудофаа қилиб бўлмаслигига кўзи етиб, Измиқшўр тарафидаги туркман овулига кетишга мажбур бўлди. Натижада 1873 йил 29 май куни Хива хонлигининг пойтахти Хива шаҳри эгалланди. Шундай қалтис бир пайтда Амир Тўра ва Отахон тўра хон номидан фон Кауфмандан Хива шаҳрини вайрон этмасликни сўради. Аммо Кауфман улардан хонни топишни талаб қилди ва музокараларни фақат у билан олиб бориш мумкинлигини билдирди. Муҳаммад Раҳимхон II Хивага қайтиб келгунча босқинчилар саройни талаб, барча қимматбаҳо буюмларни, 300 та кўлэзма асарни Петербургга жўнатдилар.

Муҳаммад Раҳимхон II тахтни сақлаб қолиш илинжида Хива яқинидаги Гандимиён (Гандумкон) қишлоғида ёзги боғига етиб келган. 1873 йил 12 августда Хива хонлиги билан Россия ўртасида фон Кауфман қўйган шартлар асосида *Гандимиён шартномаси* имзоланди. 18 моддадан иборат бўлган ушбу шартномага кўра, Хива хонлиги Россияга қарам бўлди, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) мустақил равишда ташқи сиёсат юритишдан маҳрум қилинди. Амударёнинг ўнг соҳилидаги хонликка қарашли ҳудудни Россия ўзиники қилиб олди ва у ерда Амударё округи (1883 йилдан Амударё бўлими) ташкил этилиб, у Туркистон генерал – губернаторлиги таркибига киритилди. Бўлим бошлиғига Хива хонининг фаолиятини назорат қилиб бориш топширилди. Хива хонлиги 20 йил давомида Россия империясига олтин ҳисобида 2,2 млн. 200 минг сўм товон тўлашга мажбур этилди. Ундан ҳар йили 5 % ни тўлаб туриш белгиланди. Биринчи тўлов 1873 йил 1 декабрдан

бошланади. Шу асосда биринчи икки йилликда 100.000 сўмдан, кейинги икки йилликда 125.000 сўмдан товон халқдан солиқ олиш ҳисобига Россия хазинасига юборилди. Бундан ташқари туркманларга 310500 сўм ва ёвмудларга махсус 106 минг сўм кумуш ҳисобида товон юклатилади. Рус савдогарлари ва саноатчилари хонлик худудида бож тўламасдан савдо қилиш, ер – мулк сотиб олиш ва саноат корхоналари очиш ҳуқуқини олди.

Қўқон хонлигининг тугатилиши

Маълумки, Россия империяси томонидан Қўқон хонлигига қарши олиб борилган босқини даврида хонликда ўзаро тахт учун курашлар тинчимаган эди.

Қисқа вақт ичида хонлар бир неча марта алмашган: 1852 – 1862 йилларда Шералихоннинг ўғли Маллахон, 1862 – 1863 йилда Шохмуродхон, 1863 йил май – июнда яна Худоёрхон (иккинчи марта), 1863 йил июль – 1865 йилларда Маллахоннинг ўғли Султон Сайидхон хон бўлган. 1865 йил Қўқонда қипчоқ ва қирғизлар Худойқулбекни («Белбоқчихон» деган лақаби ҳам мавжуд) тантанавор равишда хон деб эълон қилдилар. У атиги 14 кунгина хонлик қилади, сўнгра барча хазинани ва қимматбаҳо нарсаларни олиб, Қашқарга қочиб кетган. Бундан фойдаланган Худоёрхон ҳеч қандай қаршиликсиз Қўқон тахтини қайта учинчи мартта эгаллаган (1865 – 1875).

Туркистон генерал – губернатори К.П. фон Кауфман бундай қулай вазиятдан фойдалана олди. У Қўқон хонлигидан босиб олинган ерларнинг Россия таркибига киритилганлигини расмий қонунлаштириб олиш учун Қўқон хони билан шартнома тузишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда полковник Шауфусни Худоёрхон ҳузурига юборди ва хон 1868 йил 13 февраль куни уни қабул қилиб, шартномага муҳр босди. Фон Кауфман билан тузилган ушбу шармандали шартномага кўра хонликнинг истилочилар босиб олган худудлари Россия тасарруфига ўтганлиги эътироф этилган эди. Шунингдек, рус савдогарлари қўқонлик савдогарлар билан бир миқдорда бож тўлайдиган бўлиб, уларга хонлигидаги барча шаҳарлар ва қишлоқларда истаган карвонсаройга эга бўлиш ва қуриш, савдо агентларини тайинлаш ҳуқуқи берилди. Қўқон хонлиги савдогарлари эса фақат Туркистон генерал – губернаторлиги тасарруфидаги шаҳар ва қишлоқлардагина, яъни ўз юртидагина шундай ҳуқуққа эга бўлди, холос. Бу маҳаллий савдогарлар табақасининг норозилигига сабаб бўлди. Худоёрхоннинг рус ҳукуматига ён босиб тузган шартномасидан қониқмаган кенг халқ оммасининг ҳам норозилиги ортиб борди.

Россия империяси босқини ва 1868 йидги шартнома туфайли Қўқон хонлигининг аҳволи оғирлашди. Ташқи оламдан узилган Қўқон хонлиги чегаралари анча қисқариб кетди. Асосан Фарғона водийсидан иборат бўлган хонлик хазинасига тушадиган даромадлар ҳам камайган. Унинг ўрнини



Худоёрхон (1831 – 1884)

тўлдириш учун турли солиқ ва мажбуриятлар жорий этилди. Буларнинг ҳаммаси халқ норозилиги ва кўзғолони учун асосий омил бўлди. Дастлаб 1871 йил Сўхда ғалаён кўтарилди. Бу ғалаён қуролли кўзғолонга айланди. Хон кўзғолонни осонгина тинчитди. Аммо хон бундан ўзига сабоқ чиқармади ва солиқ миқдорини янада оширди. Бунинг оқибатида халқ ғазабининг янада аланга олишига олиб келди ва 1873 йилда Фарғона водийсида Худоёрхонга қарши кўзғолон бошланди. Бунда биринчи бўлиб кўзғолонни тоғда яшовчи кўчманчи аҳоли бошлайди. Бу кўзғолонни тинч йўл билан тўхтатиш учун Абдурахмон Офтобачи (тахм. 1844 – 1884) ҳаракат қилди. Аммо Худоёрхон буни қўллаб – қувватламади. Оқибатда бу ғалаён қуролли кўзғолонга айланди.

Хонликда Худоёрхонни тахтдан маҳрум этиш ҳаракатлари бошланган эди. Бунинг учун хонлар авлодидан номзод керак эди. Шу мақсадда 1872 йилда Шердодхоҳ бошчилигидаги бир гуруҳ қирғизлар Самарқандда истиқомат қилаётган Пўлатбекни (Олимхоннинг невараси) Қўқонга таклиф қилиб, уни хон қилиб кўтаришга ваъда қилишади. Лекин, Пўлатбек бу таклифни рад этади. Шундан сўнг улар Тошкентга келиб, Абдулмўмин оталиқ билан учрашганлар. Мусулмонкул қирғиз, Мулло Абдулмўминнинг маслаҳати кўра, қирғиз Исҳоқ Ҳасан ўғли «Пўлатхон» номи билан кўзғолонга бошчилик қилишга рози бўлган ва Наманганга келиб кўзғолонга раҳбарлик қила бошлаган. 1873 йилда қирғизлар Лоимхоннинг набираси деб «Пўлатхон»ни Қўқон хони деб эълон қилган.

Мулло Исҳоқ Ҳасан ўғли (сохта Пўлатхон) 1844 йилда Марғилон шаҳрига яқин Ўхна деган қишлоғида истиқомат қилувчи Бўстон қабиласига мансуб оилада туғилган. Отаси Марғилондаги Оқмадрасада мударрислик қилган. Мулло Исҳоқ дастлабки маълумотни Қўқондаги Тунқатор мадрасасида, кейин отаси хузурда олган. 1867 йили ўқишни ташлаб, Сўх атрофида кўчманчи қирғизлар орасида икки йил яшаб, сўнгра ўз қишлоғида, кейин Андижондаги масжидлардан бирида имомлик қилган. Савдогарлик билан ҳам шуғулланган. У Тошкентга келиб, Абдулмўмин оталиқ билан танишгач, шу ерда вақтинча яшаб қолади. Сохта Пўлатхон бўлиш таклифини у шу ерда қабул қилади.


Ўрта Осиё тарихида энг узоқ давом этган Пўлатхон кўзғолони Қўқон хонлигида хон ва унинг амалдорлари зулмига ва Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган халқ кўзғолони эди. Қўзғолон гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб, 1873 – 1876 йиллар давомида 3 давр ва 6 босқичда бўлиб ўтади. Қўзғолоннинг барча босқичларида уни ҳаракатлантирувчи куч меҳнаткаш аҳоли бўлди. Умумхалқ тусини олинган бу кўзғолонда йирик бой ва ҳарбийлар, ҳатто Худоёрхоннинг ўғиллари Насриддинбек, Муҳаммад Аминбек, қариндошларидан Абдулкаримбек ва бошқалар ҳам қатнашган. Қўзғолон асосий раҳбари Исҳоқ Ҳасан ўғли бўлса – да, Мусулмонкул қирғиз, Абдурахмон Офтобачи, Қурбонжон додхоҳ ва унинг фарзандлари, айниқса, Абдуллабек ва бошқалар бошчилигида кураш давом эттирилган.

«Пўлатхон кўзғолони»			
№	<u>1 – давр.</u> 1873 йилнинг баҳори – 1875 йилнинг август ойи	<u>2 – давр.</u> 1875 йилнинг август ойи – 1876 йилнинг февраль ойи	<u>3 – давр.</u> 1876 йилнинг март – декабрь ойлари
1	<u>Биринчи босқич:</u> 1873 йилнинг баҳори – 1873 йилнинг сентябрь ойи	<u>Тўртинчи босқич:</u> 1875 йилнинг август ойи – 1875 йилнинг 22 сентябри	<u>Олтинчи босқич:</u> 1876 йилнинг март ойи – 1876 йилнинг декабрь ойи.
2	<u>Иккинчи босқич:</u> 1874 йилнинг март ойи – 1874 йилнинг ноябрь ойи	<u>Бешинчи босқич:</u> 1875 йил сентябрь ойининг охири – 1876 йил март ойининг боши	Учинчи даврининг сиёсий ғояси Фарғона водийси, ҳеч бўлмаса Олойнинг
3	<u>Учинчи босқич:</u> 1875 йилнинг июнь ва август ойлари	Иккинчи даврининг сиёсий ғояси ва мақсади Туркистон генерал – губернаторлиги тимсолида мустамлакачиларни ҳайдаб, Қўқон хонлигининг мустақиллиги ва эски чегараларини тиклашдан иборат эди. Бу халқ озодлик ҳаракати «ғазовот» байроғи остида олиб борилади	мустақиллигини сақлаб қолиш эди. «Пўлатхон» кўзғолони бостирилгандан кейин 1876 йилнинг март – декабрь ойларида Олай воҳасидаги аҳоли «Олай маликаси» сифатида машҳур бўлган Қурбонжон додхоҳ (Қурмонжон Маматқизи, 1811 – 1907) бошчилигида курашни давом эттирди
4	Биринчи даврининг асосий ғояси ва мақсади Худоёрхонни тахтдан ағдариб, кўшимча солиқларни бекор қилиб, янги «яхши, раҳимдил» хонни сайлаш эди		

1875 йилда атрофига 200 дан зиёд кишини тўплаган Пўлатхон Ўзганга келиб, хонга қарши катта хавф туғдирди. Худоёрхон кўзғолонни бостириш учун Исо Авлиё, Абдурахмон Офтобачи ва Саримсоқ эшик оғаси бошчилигида 4000 кишилиқ аскар юборди. Бироқ бу кўшин 1875 йил 17 июлда кўзғолончилар томонига ўтган. Хоннинг ўғли (Андижон ҳокими) Насриддинбек ҳам 18 июлда 5000 кишилиқ кўшини билан кўзғолончилар томонга ўтиб, бирлашди. Бундан олдин Худоёрхоннинг укаси Султон Муродбек ҳам шундай ишни қилган эди. Хонликнинг асосий ҳарбий қисмлари ва лашкарбошилариининг кўзғолончилар томонига ўтиб кетиши Худоёрхон тақдирини ҳал этган омил бўлди. Бу орада кўзғолончилар Ўш, Наманган, Андижон ва Асакани олганлар. Улар Марғилонни ҳам эгаллаб, Олтиарикқа

яқинлашадилар. Қўзғолоннинг бу тарзда ривожланишини кузатиб турган Россия ҳукумати қўзғолонни бостириш учун М.Д. Скобелев бошчилигидаги жазо қўшинини Туркистон ўлкасига жўнатади. У Қўқонга 1875 йил 13 июлда етиб келган.

Худоёрхон қўзғолонни бостириш учун Туркистон генерал – губернаторлигидан ёрдам сўраган. Хон рус ҳарбийларининг химояси остида пойтахтни тарк этишни 1875 йил 22 июлга белгилайди. Худоёрхон дастлаб Хўжандга келиб, бу ерда 10 кун истиқомат қилади. 1875 йил августда уни Туркистон генерал – губернатори Тошкентга чақиртиради. Хон 70 кишилиқ аҳли аёли, 500 га яқин ҳамроҳлари, 40 арава ҳазина билан Тошкентга фон Кауфман ҳузурига паноҳ излаб келади. Кауфман 40 арава халқ бойлигини олиб Худоёрхоннинг ўзини Оренбургга сургун қилган. У бу ердан қочиб Маккага борган. Кейинчалик, Қўқон хонлигининг қолган худудларини ҳам Россия босиб олгандан сўнг Худоёрхон К.П. Кауфманга расман мурожаат қилиб сиёсий ишларга аралашмасликни ваъда қилиб Қўқонга қайтишга рухсат сўраган, аммо рад жавобини олган. Худоёрхон 2 марта мурожаат қилган. Бу ариза сенатда кўриб чиқилиб Худоёрхонга Қўқонга қайтишга рухсат берилган. Аммо бундан хабарсиз Худоёрхон яширин ҳолда Қўқонга қайтмоқчи бўлган. Аммо 1884 йил йўлда вафот этди.



Худоёрхон сургундан қочиб арафасида «Оренбург шаҳри» 1877 йил

Худоёрхон Тошкентга қочгандан кейин Қўқон хонлиги тахтига «Пўлатхон» ва Худоёрхоннинг катта ўғли Насриддинбеклар асосий даъвогарлар эди. Қўзғолончилар 1873 йилдаёқ Пўлатхонни хон деб эълон қилганларига қарамай 1875 йил 28 июлда Абдурахмон Офтобачи бошчилигидаги гуруҳнинг ёрдами билан Насриддинбек хон деб эълон қилиниб, тахтни эгаллади. Шу сабабли «Пўлатхон» Абдурахмон Офтобачи ва Насриддинхонларга қарши курашни бошлаб юборади. Оқибатда, Қўқон хонлигида икки ҳокимиятчилик пайдо бўлади. Бунинг олдини олиб, кучларни бирлаштириш мақсадида Абдурахмон Офтобачи 1875 йил 7 августда Россия империяси мустамлакачиларига қарши ғазавот (арабча, жиҳод) эълон қилади ва халқ озодлик ҳаракатини бошлаб юборади. «Пўлатхон» бу ҳаракатни қўллаб-қувватлайди, аммо қўшинини жангга олиб кирмайди.



Насриддинбек (1850 – 1876)

Эндиликда вазият мураккаб тус олаётганлиги сабабли фон Кауфман Петербургга шошилини хабар йўллаган. Бу хабарда Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Россия империяси ҳукумати ҳарбий вазиридан Қўқон хонлигига қарши чинакамига уруш очишга тўғри келаётганини билдириб, бу урушни моддий ва сиёсий жиҳатдан таъминлашни сўради. Император

Александр II вазир ахборотини кўриб, бу урушга розилигини билдиради ва 100 000 рублни ана шу тадбирга ажратади. Шундай қилиб, 1875 йил 9 августда Кауфманнинг бўйруғи билан уруш бошланиб кетди. Биринчи ҳарбий тўқнашув Ўрғози дарасида юз беради. Бу ерда турган 800 кўзғолончига қарши полковник Егаштин яхши курулланган 100 аскар билан хужум қилади.

Фон Кауфман 1875 йил 13 августда Тошкентдан чиқиб, 18 август куни Хўжандга етиб боради. Бундан аввал полковник Ефимович бошчилигида 200 казак артиллерия дивизиони билан Самарқанддан Хўжандга етиб келган эди. Туркистон генерал – губернаторлигига қарашли ҳарбий кучлар Қўқонга хужум қилиш учун Хўжандда тўпланади. Хўжандда 16 рота пиёда аскар, шу жумладан, битта сапёр ротаси, 20 тўп, 900 отлиқ аскар ва 8 ракета мосламаси жангга шай бўлиб турарди. Қўшин шахсан фон Кауфманнинг умумий кўмондонлиги остида 1875 йил 20 август куни Хўжанддан Қўқон йўли бўйлаб юриш бошлади. 40 чақирим йўл босилгач, Маҳрам қалъаси ёнига келишади ва шу ерда 22 августда руслар билан Абдурахмон Офтобачининг кўшини ўртасида қаттиқ жанг бўлади. Қўқонликлар мағлубиятга учрайди. Шундай бўлса – да, Абдурахмон Офтобачи русларга қарши курашни давом эттирди, лекин кейинги жанглар ҳам мағлубиятлар билан тугади. Хусусан, 1875 йилнинг 8 – 9 сентябрда унинг 5 минг кишилиқ лашкари М.Д. Скобелев кўшини билан Мингтепа қишлоғида жанг қилиб мағлубиятга учраган. Абдурахмон Офтобачи 25 йигити билан Ўзганга қочган. Бу жангларда Пўлатхон Абдурахмон Офтобачига ёрдам бермаган. Абдурахмон Офтобачи ва Пўлатхонларнинг ўзаро рақобатидан фойдаланган рус кўшинлари Қўқон, Марғилон ва Ўшни жангсиз эгаллайди.

1875 йил 26 августда К.П. Кауфман ўз кўшинлари билан Маҳрамдан чиқиб, Қўқон томон юради ва 29 августда шахрига ғолиб сифатида кириб келди. Қўқон аъёнлари Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбек бошчилигида ундан кечирим сўрайдилар. 1875 йил 5 сентябрда эса фон Кауфман Марғилон сари йўл олади. Бу вақтда Марғилон ҳимоячилари орасида Абдурахмон Офтобачи ҳам бор эди. У, душманга қарши туришнинг фойдаси йўқлигини англайди ва Марғилонни ташлаб чиқиб кетади. Кауфман 8 сентябрда Марғилонга етиб келади. Рус кўшини Абдурахмон Офтобачи бошлиқ ватан ҳимоячиларининг изидан бориб, Мингтепага яқинлашадилар. Бу вақтда улар тарқалиб, тоғларга қочишга улгурган эдилар. Рус аскарлари ватан ҳимоячиларининг кетишга улгурмаган охириги қисмлари билан тўқнашадилар.

Кўзғолончилар хавфи биров тугаши билан 1875 йил 22 сентябрда фон Кауфман Марғилон шахрига Насриддинхонни таклиф қилиб, аҳоли учун жуда оғир бўлган таҳқирли ва шармандали битимга имзо чектиради. Битимга кўра, Қўқон хони ўзини Россия вассали деб тан олади, кўшни хонликлар билан ҳеч қандай алоқалар ва муносабатлар ўрнатмасликка ваъда беради. Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги барча ерлар Наманган ва Чуст шаҳарлари билан бирга Россия ихтиёрига ўтади. Қўқон хонлигига қарши олиб борилган урушда рус армияси кўрган 600 минг сўм ҳажмидаги зарарни тўлаш Қўқон хонлиги зиммасига

юклатилади. Айни пайтда шартномада 1876 йил 1 ноябрдан бошлаб Қўқон хонлиги Россия хазинасига ҳар йили 500 минг сўмдан тўлаб туриши шарт қилиб қўйилди. Қўзғолоннинг асосий «айбдори» Абдурахмон Офтобачини қўллаб – қувватлаганликлари учун марғилонликларга 125 минг тилло ҳажмида товон тўлаш мажбурияти белгиланди. Халқнинг оғир аҳволда яшаётганлигини эътиборга олиб, 60 минг тиллони 1875 йил 21 октябргача, қолган 65 мингини эса 1876 йил 21 октябргача тўлашга ижозат берилди.

Насриддинбек билан Кауфман ўртасида тузилган тенгсиз ва ҳақоратли битим халқ оммасининг катта куч билан қайтадан қўзғолон кўтаришига сабаб бўлди. Бу галги қўзғолон маркази Андижон бўлди. 1875 йил 26 сентябрда фон Кауфман Наманганга келган. Бу ерда унга Андижон шаҳрида ва унга яқин бўлган жойларда Пўлатхон ва Абдурахмон Офтобачи бошчилигида катта қўшин тўпланганлиги ҳақидаги хабар етказилган. Қўзғолончилар Насриддинхондан нафратланиб, Андижоннинг Бўтақора қишлоғида Пўлатхонни хон қилиб кўтардилар.

Фон Кауфман Андижонга қўзғолонни бостириш учун генерал Троцкий ва М.Д. Скобелев бошчилигида катта қуролли кучларни юборди. 1875 йил 1 октябрда генерал Троцкий Андижонга ҳужум қилиш ҳақида буйруқ берди. Рус қўшинлари шаҳарга яқинлашганларида Пўлатхоннинг отликлари ҳужумга ўтдилар. Бирок, душман қўли баланд келиб, ватан ҳимоячиларининг ҳужуми қайтарилди. Айрим маълумотларга қараганда, 1 – 2 октябрь кунлари биргина Андижон шаҳрининг ўзига тўплардан 200 дан зиёд снаряд отилган. 1875 йил 3 октябрда генерал Троцкий Андижондан Наманганга кетиш йўлида ватан ҳимоячилари билан тўқнашган. Бундай тўқнашувларда қатнашган, деб қўллаб қишлоқлар ёндирилиб, хонадонлар вайронага айлантирилган. Айрим маълумотларга қараганда, Андижонда шахсан Скобелев бошчилигида 20 минг киши ўлдирилган. Генерал М.Д. Скобелев Андижоннинг кулини қўкка соғуриш билан кифояланмай, андижонликларни товон тўлашга мажбур этиб, 33 минг сўм ундириб ҳам олади.

Бундай фожеалар юз бераётган пайтда Қўқон шаҳрида ҳам қўзғолон бошланади. 1875 йил 7 октябрда қўзғолончилар хон қўшинини тор – мор келтириб, 9 октябрда Қўқонни эгаллайдилар. Қўзғолончилар Ўрдага ҳужум қиладилар. Хоннинг энг яқин кишилари ҳам қўзғолончилар томонига ўтиб кетадилар. Ҳатто, улар қўзғолончиларга Ўрда дарвозасини очиб бердилар. Буни кўриб турган Насриддинхон орқа дарвозадан чиқиб қочади ва уни қўзғолончилар Сирдарёгача қувиб борадилар. Насриддинхон дарё кечувидан ўтиб, Хўжандга, руслар паноҳига қочади. «Пўлатхон» расман Қўқон хони деб эълон қилинади. Абдурахмон Офтобачи ҳам уни тан олади. «Пўлатхон» билан ярашиб ҳарбий кучларини бирлаштиради.



Генерал М.Д. Скобелев (1843–1882)


1875 йил 26 октябрда генерал М.Д. Скобелев Наманган остоналарига қайтиб келиб, 27 октябрда 26 та тўп билан шаҳарни ўққа тутди. Қўзғолончилар тор – мор этиладилар. Расмий маълумотларга қараганда, улардан 3800 киши ҳалок бўлади. Руслардан эса 6 киши ўлиб, 38 таси ярадор бўлади. Аслида ҳалок бўлган қўзғолончилар бундан ҳам кўп эди. Скобелев 1875 йил 30 ноябрда Сирдарёнинг чап соҳилидаги Тўйтепа қишлоғида турган 1500 қўзғолончига қарши ҳужум қилиб, қишлоқни ёқиб юборди. 11 ноябрда Скобелев қўмондонлигидаги рус аскарлари қўзғолончиларни Балиқчи яқинида зарбага учратдилар. 2 декабрда эса Ботир тўраининг отлиқ отрядини Нориндан нарига чекинишга мажбур қилиб, Ўлжабой қишлоғида жойлашган қўзғолончиларнинг бир батальон келадиган одамларини қириб ташлайди.

Генерал Троцкий Наманганга яқинлашганда Пўлатхон лашкарлари билан тўқнашиб, қўзғолончиларни мағлубиятга учратган. Пўлатхон қочиб кетаётганда отдан йиқилиб, оёғи синади. Шунга қарамай, курашни давом эттириб, Асакага келиб бўлажак жангларга ҳозирлик кўради. Бу вақтда унинг қўл остида 12 минг лашкар тўпланган эди. Бу қўшин бирин – кетин бир неча ғалабага эришади. Ўш, Андижон ва Марғилонни эгаллайди

1876 йил 8 январда генерал Скобелев бошчилигидаги қўшин Андижонга ҳужум қилди. Бу жангда ҳам қўзғолончилар яна мағлубиятга учраганлар. Абдурахмон Офтобачи қўзғолончиларнинг катта қисми билан Асакага чекинади. 1876 йил 9 январда Скобелев вайрона ва култепага айланган Андижонга кириб боради. 1876 йил 13 январда эса Асакага ҳужум қилган. Шиддатли жанглардан сўнг 18 январда Абдурахмон Офтобачи бошчилигидаги лашкар Асакада енгилиб, шаҳарни ташлаб чиққан. 19 январда Пўлатхон сулҳ таклиф этиб Хўжандга К.П. Кауфман ҳузурига элчиларини юборган. Бундан Абдурахмон Офтобачини рус айғоқчилари огоҳ этадилар. Абдурахмон Офтобачи ўз ҳаётини сақлаб қолиш ва мавқега эга бўлиш илинжида 1876 йил 20 январда таслим бўлиши ҳақида музокаралар олиб бориш учун ишончли кишиларини жўнатди. 24 январда генерал М.Д. Скобелев билан шахсан учрашганидан сўнг ўз сафдошлари (12 сафдоши ва 700 жангчи) билан таслим бўлган. Абдурахмон Офтобачи ўз тасарруфидаги қўзғолончиларни тарқатиб юборган.

Абдурахмон Офтобачи таслим бўлгач, Насриддинхон 1876 йилнинг 21 январида Кўкон тахтини қайтадан эгаллаш учун Маҳрамдан йўлга чиқади. Найманча қишлоғига келганида унга Пўлатхон тарафдорларидан Кўкон ҳокими ўрнида турган Абдуллобек ўз аскарлари билан ҳужум қилади. Хон урушда 200 кишисини йўқотиб, Маҳрамга чекинади. Аммо 1876 йил 28 январда хон тарафдорлари Абдуллобекни енгиб, Насриддинхонни Кўконга таклиф этадилар ва 29 январда уни тахтга ўтқизадилар.

Рус қўшини Пўлатхоннинг изидан бориб, 1876 йилнинг 28 январида Учқўрғонни қуршаб олади. Бу ерда ҳам қўзғолончилар мағлубиятга учраган. Шундан кейин Пўлатхон бир гуруҳ ишончли кишилари билан Чавай деган жойга қочади ва шу ерда 1876 йил 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси



Кўзғолончиларни жазолаш

боскинчиликка сарфланган харажатларни аҳолидан ундириб олишгача бориб етдилар. Фақат биргина Марғилон беклигига фон Кауфман томонидан Пўлатхоннинг ёнини олганликлари учун 500 минг сўм товон солиғи солинди.




Насриддинбек сургунда.
Владимир шаҳри, 1877 йил

Насриддинхонни ва унинг тарафдорларини Тошкентга жўнатди. Сўнгра у Владимир губерниясига сургун килинди. Шу тарзда Абдурахмон Офтобачи ҳам Россияга жўнатилган.

1876 йилнинг 19 февралда ҳарбий вазир Д.А. Милютин (1816 – 1912) Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнида Фарғона вилояти ҳарбий губернаторлиги ташкил қилинганлигини эълон қилди. Шу куни генерал М.Д. Скобелев император Александр II фармони билан янгидан ташкил этилган Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори этиб тайинланди. 1877 йилнинг 27 апрелида М.Д. Скобелев томонидан вилоят маркази Қўқон шаҳридан Янги Марғилонга кўчирилади. Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона) шаҳри 1907 – 1924 йилларда Скобелев номи билан аталиб, маҳаллий тилда «Искобил» деб юритилди.

хоинлар томонидан ушланиб, рус ҳукумати вакилларига топширилади. Бунда унинг ашаддий душманларидан бири Мирзоқулнинг «хизмати» катта бўлди. 1876 йил 1 март куни Марғилон шаҳрида Пўлатхон (Мулло Исҳок) дорга осиб ўлдирилди. У билан бирга эрк, озодлик ва мустақиллик учун курашган 33 нафар яқин сафдошлари ҳам ўлдирилди. Руслар бу билан чекланмай,



Қурбонжон додхоҳ (1811 – Ўш яқинидаги Модди қишлоғи – 1907.1.2)

Йилнинг март – декабрь ойларида мағлубиятга учраб тарқалиб кетган айрим кўзғолончилар гуруҳлари Олой воҳасидаги аҳоли билан «Олай маликаси» сифатида машҳур бўлган Қурбонжон додхоҳ (Қурмонжон Мамат қизи, 1811 – 1907) бошчилигида курашни давом эттирди. Улар ҳеч бўлмаганда Олойнинг мустақиллигини сақлаб қолишга интилдилар ва имконият бўлиб қолса, Қўқон хонлигини тикламоқчи бўлдилар. Бу кўзғолонда Қурбонжон додхоҳнинг фарзандларидан – Абдуллабек Маҳмудбек, Ҳасанбек, Ботирбек ва Қамчибек ҳам қатнашган. Россия қўшинига қарши курашда Абдуллабекнинг ҳарбий жасорати ниҳоятда муҳим бўлган.

1876 йил март ойида Туркистон генерал – губернатори К.П. Кауфман Олой воҳасига янги ҳудудларни босиб олиш ва кўзғолонни бостириш учун генерал М.Д. Скобелевни юборди. Россия қўшини 1876 йил 21 мартда Ўшга келади. Скобелев айланма йўл орқали хужумга ўтиб, кўзғолончиларни Сўфиқўрғонгача суриб ташлаган. Абдуллабек қолган йигитлари билан Қизилорт довони томонга чекиниб, Помир тоғларига чиқиб кетган. Фон Кауфман буйруғи билан 1876 йил ёзида Олой воҳасига жазо отряди жўнатилган. Скобелев бошчилигидаги қўшин 15 июлда Олойга 3 томонлама — Ўш, Учқўрғон ва Гулчадан йўлга чиқишган. Абдуллабек 2 минг кишилик қўшини билан Ўшдан 40 чақирим наридаги Шоти деган жойда пистирма қўйиб, рус қўшинларини Олойга ўтказмасликка ҳаракат қилган. Икки ўртада аёвсиз жанглар бўлиб ўтган. 31 июлда қирғизларнинг бир неча бийи Скобелевга таслим бўлган. Россия қўшини 1876 йил августда Абдуллабек йигитлари ортидан қувиб, Помирга кириб борган.

1876 йил 8 сентябрь Сўхга яқин Айланма деган жойда ҳам ватан ҳимоячилари ва Россия қўшини ўртасида сўнги тўқнашув бўлиб, унда Абдуллабек бошчилигидаги кўзғолончилар енгилади. Абдуллабек укалари ва сафдошлари билан Қоракўлдан Чўнгсув дарасига ўтиб, сўнгра Туюқсув дараси орқали Қашқар ва Шуғнон тарафга, кейинчалик Афғонистонга ўтиб кетган. Абдуллабек ўша




Фарғона вилоятининг Ўш тумани хокими М.Е. Ионов

йилиёқ Маккага ҳаж сафарига жўнаб, йўлда вафот этган (унинг жасади кейинчалик Гулчага олиб келиниб, дафн этилган).

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори М.Д. Скобелев Ўш тумани ҳокими М.Е. Ионов воситачилигида Қурбонжон додхоҳ билан музокаралар ўтказишга ҳаракат қилган. Аммо М.Е. Ионов қабул қилинмади. Музокараларда шахсан генерал М.Д. Скобелевнинг иштирок этилиши талаб қилинган. Натижада генерал Скобелев билан Қурбонжон додхоҳ Олойда шахсан учрашишган ва ўртада сулҳ тузилиб, Россия империяси ҳукуматига кўрсатаётган қуролли қаршилик тўхтатилган (1876 йил охири). 1876 йилда кўзғолон бостирилгач, Туркистон генерал – губернатори К.П. Кауфман томонидан Қурбонжон додхоҳ авф қилинади. Олой воҳасидаги ички бошқарувда Қурбонжон додхоҳ ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Олай маликасининг доврўғи ҳатто Санкт – Петербургдаги император саройигача етиб борган. Қурбонжон Мамат қизи Олой воҳасида, сўнгра Ўш яқинидаги қишлоғида умрининг охиригача яшаган.

Россия империяси кўшинлари томонидан Олой ҳудудларни босиб олингандан сўнг, асосий диққат – эътибор Туркменистон ҳудудларини истило қилишга қаратилди. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун 1869 йилда Красноводск қалъаси қурилган. Шу даврдан бошлаб туркман ерларини босиб олиш учун фаол ҳаракатлар бошланиб кетади. 1877 йилда Ахалтака воҳасидаги йирик манзилгоҳ Қизил Арват эгалланади. 1879 йили эса Лазерев

ЎРТА ОСИЁНИНГ РОССИЯ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ




кўмондонлигидаги қисмлар Кўктепа (ҳозирги Ашхобод)га ҳужум қилган. Бироқ туркманлар бу зарбани қайтара олган. 1881 йили Скобелев томонидан Кўктепага иккинчи маротаба қилинган ҳужум натижасида у бўйсундирилди. 1881 йил босиб олинган туркман ерларида Каспийорти ҳарбий бўлими тузилди. 1882 йилда эса бу бўлим Каспийорти вилояти сифатида қайта ташкил этилган. Бу вилоят Туркистон генерал – губернаторлиги таркибига киритилди. 1884 йилда рус қўшинлари Марв воҳасида ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар ва шу билан амалда Туркистон ҳудудининг Россия томонидан босиб олиниши асосан якунланди. Бироқ рус қўшинлари 1895 йилга қадар Туркистоннинг жанубий ҳудудларида босқинчилик урушларини олиб бордилар. Бир неча бор Афғонистон қўшинлари билан чегара тўқнашувлари бўлиб ўтди. Фақат 1895 йилда тузилган битимлардан сўнггина можароларга чек қўйилди.

Шундай қилиб, Россия империяси 20 йил давом этган қонли уруш билан бутун Ўрта Осиёни босиб олди. Босиб олинган ўлкада мустақкам ва батамом ўрнашиб олиш мақсадида чет мамлакатлар билан чегараларни аниқлаш чораларини ҳам кўрган.


2. Туркистонни бошқаришнинг мустамлака тизими. Туркистон ўлкасини Россия томонидан босиб олиниши, империя учун табиий ресурсларга ниҳоятда бой бўлган ҳудудга эга бўлиш имкониятини берди. Россия ҳарбий вазири, граф Д.Милютин, подшоҳ маслаҳатчиси В. Гирс 1867 йилда «Туркистон ўлкасини бошқариш тартиби ҳақида Низом» қонун лойиҳасини туздилар, у Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланди ва амалда кучга кирди. Низомга кўра, ўлка ҳокимияти «ҳарбий – халқ бошқаруви» деб номланди. 1898 йилдан кейин эса «маъмурий – полиция бошқаруви» деб аталган бўлса ҳам унинг моҳияти мазмунан ўзгармаган, барча ваколатлар рус маъмурияти қўлида жамланган.

Юқорида таъкидланганидек, 1867 йил 11 июлда Ғарбий Туркистон ҳудудида Туркистон генерал – губернаторлиги таъсис этилади ва унинг бундан кейинги маъмурий ҳудудий тузилиши ҳарбий юришлар натижасида шаклланди. Яъни, дастлаб 2 вилоятдан иборат генерал – губернаторликка 1868 – 1880 йиллар давомида олиб борилган ҳарбий истилолар асосида яна 3 вилоят қўшилди. XIX асрнинг охирларида Туркистон генерал – губернаторлиги Сирдарё, Еттисув, Самарқанд, Фарғона ва Каспийорти каби 5 вилоятдан иборат бўлди. Унинг барча ҳудуди 1.779.618 чақиримга тенг бўлган. Туркистон генерал – губернаторлиги маъмурий ҳудудий тузилишига эътибор берадиган бўлсак, у вилоятлар (область), туман (уезд), бўлислар (волост), жабҳалар (участка) ва оқсоқолликларга бўлинган.

Ўрта Осиё XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида



**Туркистон генерал – губернаторлигининг
маъмурий ҳудудий тузилиши**



Туркистонда мустамлакачилик бошқарув тизими ва идора этиш усуллари эса Россия ҳукуматининг Туркистон учун 1865 – 1916 йиллар давомида ишлаб чиққан ва амалга татбиқ этилган ўн та қонун лойиҳаси (1865, 1867, 1871, 1873, 1882, 1884, 1886, 1908, 1912, 1916)да ўз аксини топган эди. Ушбу қонун лойиҳалари биринчи навбатда Россия манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиши, Туркистонни рус буржуазияси ва дворян – помещиклар мулкига айлантиришга қаратилган эди. Ўлка идораси марказий, вилоят, туман, участка, қишлоқ ва шаҳар бошқаруви шаклида ташкил топди.


Туркистон генерал – губернаторлигида марказий ўлка бошқаруви генерал – губернатор, унинг Кенгаши ва маҳкамасидан иборат бўлган. Ўлкада мутлақ ҳокимият генерал – губернатор кўлида тўпланган. 1867 йилдан 1917 йилгача бўлган давр ичида Туркистонда қўйидаги генерал – губернатор фаолият кўрсатган.

№	1867 йилдан 1917 йилгача Туркистон генерал – губернаторлигини бошқарганлар				
	Исми	Туғилган йили	Вазифа	Ўлими	Туғилган йили
1	К.П. фон Кауфман	(1867 – 1881)	9	Д.И. Субботич	(1905 – 1906)
2	Г.А. Колпаковский	(1881 – 1882)	10	Н.И. Гродеков	(1906 – 1908)
3	М.Г. Черняев	(1882 – 1884)	11	П.И. Мишченко	(1908 – 1909)
4	Н.О. Розенбах	(1884 – 1888)	12	А.В. Самсонов	(1909 – 1913)
5	А.Б. Вревский	(1889 – 1898)	13	И.О. Флуг	(1913 – 1915)
6	С.М. Духовской	(1898 – 1901)	14	А.И. Мартсон	(1915 – 1916)
7	Н.А. Иванов	(1901 – 1904)	15	А.Н. Куропаткин	(1916 – 1917)
8	П.Н. Тевяшов	(1904 – 1905)			

Туркистон ўлкаси марказий бош бошқармаси таркибида генерал – губернаторга бўйсунмайдиган марказ вакиллари – адлия, молия ва давлат мулклари вазирликлари ҳам бўлган.

Қуйида Россия империясининг Туркистонда амалга оширган ҳукмронлик бошқарув тизими махсус жадвалларда берилди.

I. Марказий бошқарув



Генерал – губернатор

Ваколатлари: у ўз қўлида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бирлаштирган. Бир вақтнинг ўзидда у подшо ноиб (ярим подшо; оқ подшо), ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, Еттисув казак қўшинлари қўмондони, бош миршаб, бош прокурор вазифаларини ҳам ўтаган. Генерал – губернатор Бухоро амири фаолиятини Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги (1885 – 1917), Хива хонини эса Амударё бўлими бошлиғи (1873 – 1918) орқали назорат қилиб турган

Генерал – губернатор Кенгашининг таркиби ҳарбий губернатор, суд палатаси раиси, прокурор, округ штаби бошлиғи, генерал – губернатор ёрдамчиси аъзоларидан иборат бўлган

Генерал – губернатор маҳкамаси 4 бўлимдан иборат бўлган


Биринчи бўлими, **маъмурий ва назорат** ишларини бошқарган

Иккинчи бўлим, бош бошқарманинг **молиявий – хўжалик** ишларига қараган


Учинчи бўлим, **солиқлар, шаҳарлар маблағлари** ҳамда бошқарувга доир низомлар лойиҳаларини тайёрлаш билан шғулланган

Тўртинчи бўлим, **махсус бўлим**. 1886 йилгача мустақил иш кўрган бу бўлим ҳарбий ва адлия вазирлари қўрсатмаларидан мустасно равишда суд қарорларини ҳам қайта кўриш ҳуқуқига эга бўлган.


II. Виляят бошқаруви




III. Туман бошқаруви




IV. Шаҳар бошқаруви
а) туман шаҳарлари идораси




б) Тошкент шаҳри идораси



V. Қишлоқ бошқаруви




VI. Шарият қозиси («халқ суди»)



VII. Миршаблик бошқаруви

а) Мустабид идора усулининг миршаблик амалиёти



б) Рус империяси Ички ишлар вазирлиги департаменти органи – Туркистон туман муҳофаза бўлими (махфий сиёсий полиция - охранка) – ТРМБ

1. Шахсий таркиб



2. Туркистон ўлкаси ТРМБ га бўйсунувчи полиция – жандарм бошқармаси бўлими



VIII. Александр II томонидан 1864 йилда суд низомларининг жорий этилишидан сўнгги умумсалтанат суди (XX аср бошлари)



Россия империяси Туркистонда олиб борган маъмурий – бошқарув аппарати тизимида «ҳарбий – халқ бошқаруви»га амал қилиниб, ходимлар масаласига катта эътибор қаратилган. Ўз навбатида ходимларининг асосан руслардан ташкил топганлиги ҳам империя олиб борган сиёсатнинг моҳиятини очик-ойдин кўрсатиб берди. Бунда вилоят ҳарбий губертанорлигига генерал даражасидаги, туман (уезд) бошлиғига асосан майор, ротмистрдан то полковник унвонигача даражасидаги, жабҳа (участка) ларни кичик унвондаги – поручик, штабскапитан ҳарбий даражасидаги зобитлар (участка пристава) тайинланган. Бўлис (волост) ва оқсоқолликларни эса маҳаллий халқ вакиллари бошқарган.

Вилоят ҳокимлари — ҳарбий губернаторлар император томонидан тайинланган. Улар ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини ўз кўлида тутишган. Ҳарбий соҳада улар вилоятлардаги кўшинлар (дивизия ёки корпус) кўмондони, фуқаро ишларида эса губернатор ҳуқуқига эга бўлишган. Барча маъмурий, полиция ва суд ҳокимияти ҳам уларнинг измида бўлган. Ҳарбий губернаторлар қошида вилоят бошқармалари бўлиб, улар губерния бошқармаси ҳуқуқларига эга бўлишган. Вилоят ижтимоий ҳаётининг барча масалалари шу бошқармаларда кўрилган.

Вилоятлар ўз навбатида туман (уезд)ларга бўлинган. Туманлар Туркистон генерал – губернаторлиги маъмурий тузилмасининг ўзагини ташкил этди. Ҳар бир туман ўз таркибидаги шаҳар ва қишлоқлари билан туман ҳокими — туманбошига бўйсунган. Туманбоши вилоят ҳарбий губернатори тавсияси билан бевосита губернатор томонидан тайинланган ва катта ваколатга эга бўлган. Туркистондаги туманбошиларнинг Россиядаги ҳамкасбларидан фарқли томонлари шу эдики, улар маъмурий, полиция, ҳарбий ҳокимиятларни ўзида бирлаштирган, одамларга жарима солиш, 7 кунгача ҳибсда сақлаши мумкин бўлган, шу боисдан уни «ҳоким тўра» деб ҳам аташган.

Туманлар бир неча жабҳа (участка)ларга бўлиниб идора қилинган. Жабҳаларни бошқарувчи ҳарбий зобитлар жабҳа приставлари номи остида «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги низом»да тилга олинади. Император томонидан 1886 йил 12 июнда тасдиқланган бу «Низом»да қасаба приставларига маҳаллий аҳолидан исталган одамга жарима солиш (5 сўмдан 10 сўмгача) ва 3 кунгача ҳибсда сақлаб туриш ҳуқуқи берилган эди. Қасаба приставлари «ҳарбий — халқ бошқаруви»даги ҳарбий бўғиннинг энг қуйиси бўлиб, уларга «маҳаллий ўз – ўзини бошқарув», яъни «халқ бошқаруви» амалдорлари — волост бошқарувчилари, қишлоқ оқсоқоллари, юзбоши ҳамда элликбошилар бўйсунунишган.

Туркистон ўлкасида подшо маъмурияти қишлоқ бошқарувини «ерли» (туземное) ва «рус» каби икки тоифага ажратган. Рус амалдорлари «ерлилар» (туземец) атамаси билан Туркистондаги барча ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, қорақалпоқ, араб, уйғур ва дунганларни тушунган. Турмуш тарзига кўра эса, рус амалдорлари барча аҳолини иккига: «қирғизлар» ва «сартлар»га

бўлишган. Қирғизлар деганда кўчманчи, сартлар деганда ўтроқ аҳоли назарда тутилган.

Россия ҳукумати сиёсий нуқтаи назардан келиб чиқиб, қишлоқ, унинг бошқарувини маҳаллий ва рус бошқаруви сифатида ажратиб, уни аста – секин умумимперия туридаги русча идорага ўтказишни кўзлади. Шу мақсадда Ўрта Осиёга мутлақ ёт бўлган географик ислоҳни бошлаб, волост, қишлоқ йиғини кабиларни жорий қилди. 1867 йилдаги «Туркистон генерал – губернаторлиги вилоятларини бошқариш ҳақидаги Вақтли Низом лойиҳаси» деб аталган қонунлар мажмуасига кўра, кўчманчи аҳолига икки босқичли (волост ва овуллар), ўтроқ аҳолига эса бир босқичли (оқсоқолликлар) бошқарув тарзи жорий қилинди.

Волост (бўлис) асосини 1 мингдан 2 минг хонадонгача, овул жамоаларини эса 100 ўтовдан 200 юз ўтовгача аҳоли ташкил этган. Маҳаллий аҳоли орасидан (хонадон ёки ўтовдан) волост бошқарувчиси (мингбоши), қишлоқ оқсоқоллари (юз боши, эллик боши, ўн боши) ҳамда овул старшинаси (оқсоқоли) уч йилга сайланар, уларнинг номзодлари эса рус маъмурияти томонидан тасдиқдан ўтарган. 1886 йилда кучга кирган янги қонунлар мажмуаси — «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом» ўтроқ аҳолининг бир босқичли бошқарувини икки босқичлига айлантириб, оқсоқолликларни волостларга бирлаштирди. «Низом» аввалгидек аҳолини «қирғизлар ва сартлар» сифатида эмас, балки «ўтроқ ва кўчманчи» деган атама билан ажратди.

Туркистон ўлкасида вилоят ва туман бошқармалари шаҳарларда жойлашган. Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган ва Ашхобод ўлканинг асосий шаҳарлари ҳисобланган. Рус маъмурияти Тошкент шаҳрини Туркистон генерал – губернаторлигининг маъмурий маркази этиб, шаҳар бошқарувига алоҳида эътибор берди. Маълумотларга қараганда, 1870 йилда Тошкентда 80 мингга яқин аҳоли яшаган. XIX аср охирларида Тошкентда 20 та маҳалла, 310 та масжид, 17 та мадраса, 11 та ҳаммом, 15 та карвонсарой, 11 мингта лой сувоқли паҳса уйлар бўлиб, шаҳар аҳолисининг сони тобора ошиб борган. Руслар Тошкентнинг шарқий қисмидан жой танлаб, танланган жойдаги маҳаллий аҳолини кўчириб, Россиядан келганлар яшайдиган уйлар, кўчалар, оромгоҳлар қурдилар. Шаҳарнинг бу қисми Янги шаҳар деб аталди. Шаҳарни ҳоким бошқарган.

Рус ҳукуматининг маъмурияти томонидан Тошкент шаҳрини бошқариш Низоми ишлаб чиқилади ва у 1877 йилда Санкт – Петербургда тасдиқлангач кучга кирди. Низомга кўра Тошкент шаҳар Думаси ва бошқарма сайлаш назарда тутилган. Шаҳарнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари – шаҳар Думаси Тошкентда, сўнгра бошқа шаҳарларда ташкил этилади. 1877 йилда махсус Муваққат комиссия тузилиб, сайловлар, сайловчилар мулкдорлик даражасига қараб уч тоифага ажратилади. 3000 сўмдан ортиқ кўзғалмас мулкка эга бўлганлар биринчи, 1000 сўмдан ортиқлари иккинчи, 500 сўмдан зиёд мулк эгалари учинчи тоифага киритилди.

Мустамлакачилик нуқтаи назаридан янги шаҳар қисмида мулк цензи мулк қийматининг бир фоизи сифатида белгиланди. Шаҳар зиёлилари, ишчилар ва хунармандларнинг қўзғалмас мулкка эга бўлмаганлари сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди. Ҳар бир тоифа шаҳар бошлиғи – ҳоким тўра раислигида сайлов йиғинини тузди. 2400 сайловчи иштирокида ўтган йиғинда шаҳар думаси ва бошқармаси сайланади. Руслар учун ноибларнинг учдан икки қисми миқдорида ўрин ажратилади. Шаҳар думаси фармойиш берувчи, ноиблардан (гласний) сайланувчи бошқарма (управа) эса ижроия ҳокимиятга эга бўлди.

Шаҳар бошқаруви фаолиятини назорат қилувчи вилоят идораси тузилади. Унинг раиси Сирдарё ҳарбий губернатори эди. 1888 йилда рус императори Тошкентни бошқариш ишини маъқуллагани ҳолда уни назорат қилишни генерал – губернаторга топширади. Ички ишлар вазири ҳуқуқи ҳарбий округ қўмондони зиммасига юкланади. Дума оқсоқоли ҳарбий вазир томонидан тайинланади.

Россия империясининг Туркистондаги асосий таянч маъмурий ва мажбур қилувчи ташкилоти - бу полиция идораси эди. У жуда катта ваколатларга эга бўлган. Полиция маъмурияти мустамлакачилик қонун – қоидаларига амал этишни назорат қилар, маҳаллий халқнинг исталган шубҳали шахсни исталган пайтда ҳибсга олар эди. Амалий ҳаётда эса полициянинг ўзи инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузарди.

Подшо ҳукумати полицияга суянган ҳолда Туркистон ўлкаси идорасини энг қуйи бўғинидан олий бўғинигача ўз қўлида тутган. Генерал – губернаторнинг ўзи бош миршаб вазифасини ўтаган. Ҳокими мутлақ генерал – губернатор ўлкадаги истаган одамани, хоҳ ўзбек хоҳ рус бўлишидан қатъи назар, империянинг чеккаларига 5 йил муддатга сургун қилиши ҳуқуқи қонунан мустаҳкамланган эди. У ҳарбий бўлмаган фуқаролар устидан ҳарбий судлар ҳукмини тасдиқлашдек ички ишлар вазири ваколатларини ҳам ўз қўлида жамланган. Вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари, туманбошилар, қасаба приставлари ҳам полиция генераллари ва зобитлари ваколатларига эга бўлганлар. Бундан ташқари, ўлкада ички ишлар вазирлигининг идоралари, унинг вакиллари ҳам шунга мувофиқ иш кўришган.

Туркистон шаҳарларида полицмейстер лавозими жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқлари ҳам туманбошилар ҳуқуқлари билан тенглаштирилади. Тошкентда янги ва эски шаҳар полицмейстерлари иш олиб борган. Уларга полиция приставлари бўйсунган. Маҳаллий маъмурият – волост бошқарувчилари ва оқсоқоллар ҳам қуйи миршаблик зобитлари ваколотларига эга бўлиб, уларга ёлланган миршаблар хизмат қилган.

Мустамлакачилик маъмуриятининг муҳим ҳуқуқий бўғини суд органлари ҳисобланган. 1867 – 1886 йиллар мобайнида ўлкада умумсалтанат рус судлари ва халқ судлари, яъни шариат асосида иш кўрувчи қози судлари фаолият кўрсатар эди.

Рус судлари	Халқ судлари (қози судлари)
Рус судлари худудий бўлинишга кўра, туман судлари, суд палатаси ҳуқуқидаги вилоятлар бошқармалари, мировой судьялар қурултойлари, ҳарбий суд комиссияларидан иборат бўлган	Туркистон ўлкасида уч турдаги « <i>халқ судлари</i> » мавжуд бўлиб, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона ва Еттисув вилоятларининг ўтроқ аҳолиси учун шариат, кўчманчилар учун одат, яъни <i>бий судлари</i> ва Каспийорти вилояти учун улардан фарқли махсус « <i>халқ</i> » судлари фаолият кўрсатган

1886 йилдаги «Низом»га кўра мавжуд суд тартиблари сақланган ҳолда унга айрим ўзгаришлар киритилди. Туман судлари бекор қилинди. Ўлкада вилоят судлари ташкил этилди. Вилоят прокурори ва унинг ёрдамчиси муовини, суд терговчиси лавозимлари жорий этилади. Империя судида мустамлакачилик тузумига қарши мақсадларда содир этилган «жиноят»лар кўрилган. Унинг асосий вазифаси маҳаллий халқ орасидан чиққан ватанпарварларнинг давлат ҳокимиятини ағдариш мақсадида ҳаракат қилган сиёсий «жиноят»чилик ишлари устидан ҳукм чиқариш эди.

Рус империяси Давлат Кенгаши томонидан суд ислохоти тизимлари 1893 йил 2 июнда тасдиқланди. Тошкент шаҳрида суд палатаси, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Еттисув, Каспийорти вилоятларида биттадан округ судлари таъсис қилинади.

1899 йил 14 май Тошкент суд палатасининг тантанали очилиш маросими бўлди. У ўлканинг барча суд органлари фаолиятини бошқарар ва назорат қилар эди.

Россия ҳукуматининг сиёсий тусга эга бўлмаган барча фуқаролик ишлари халқ судларига топширилган эди. Халқ судлари шариат қонунлари асосида маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг фуқаролик ва жиноий ишларини кўришган.

Юқоридаги жадвалда кўрсатилганидек, Туркистон генерал – губернаторлигига Бухоро амири ва Хива хони вассал сифатида бўйундирилган. Россия империясининг Бухоро амирлиги олиб борган босқинчилик сиёсати натижасида 5 марта (1868, 1873, 1885, 1894, 1900) Россия – Бухоро шартномалари имзоланган. Ушбу шартномаларнинг шартларига кўра подшо Россиясига Бухоро амирлиги худудидан ҳар томонлама фойдаланиш имконияти берилган.

1885 йил 25 июль шартномасида Бухоро амирлиги худудидан темир йўл ўтказишга келишилган. Йўл қурилиши учун 6 минг десятина ер ажратилиб, рус маъмурлари ихтиёрига топширилган. Бухоро – Россия сиёсий, иқтисодий муносабатлари жонланиб кетганлиги, бу муносабатларда Россия манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида подшо Александр III нинг 1885 йил 12 ноябрдаги фармони билан 1886 йил 1 январдан бошлаб Бухорода «*Россия*

императорлигининг сиёсий агентлиги» — ваколатхонаси таъсис этилди. 1903 йил 6 майда подшо Николай II ваколатхона ҳуқуқларини кенгайтирди. Мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга хизмат қилган бу муассасага барча сиёсий – иқтисодий, ҳарбий масалалар юзасидан амир ҳукумати билан



Бухоро амири Олимхон (1881 – 1944) мулозимлари ва рус зобитлари даврасида

муносабатда бўлиш, амир ва унинг вазирлари устидан назорат ўрнатиш, Зарафшон дарёсининг сув тақсимоли билан шуғулланиш, Бухоро – Афғонистон чегараларини кузатиб туриш, Бухородаги рус қароргоҳларида газеталар ва театр пьесалари устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқлари берилган. 1917 йил Россиядаги Февраль инқилобидан сўнг агентлик номи ўзгартирилиб — Россия ваколатхонасига айлантирилди. **1894 йил 27 май шартномаси** иқтисодий хусусиятга эга бўлиб, унга кўра ҳар йили 15 ноябридан 10 мартгача Зарафшон дарёсининг суви амирлик ерларига тўлиқ, 10 июндан 15 августгача (деҳқончилик учун сув энг керак пайтда) эса фақат 40% оқизиладиган бўлган. **1900 йил 27 январь шартномасига** кўра, Амударё қирғоғидаги 10514 десятина ер (Термиз ва унинг атрофлари) ҳарбий истехкомлар ва чегара тўсиқлари қурилиши учун ажратилиб, мустамлакачилар қўлига берилди. Янги Термиз шаҳри Россия ихтиёрига ўтди.

1873 йилда Туркистон генерал – губернаторлиги таркибида Амударё округи, 1874 йилдан маркази Петроалександровск (Тўрткўл) бўлган Амударё бўлими тузилаган. Губернатор ваколатига эга бўлган **Амударё бўлими бошлиғи** Хива хонлигида Россия империясининг сиёсий назоратини 1918 йилгача амалга оширилган.

Муҳаммад Раҳимхон II (1865 – 1910) амирдан фарқли ўлароқ мустақил бўлишга интилган. Зукко давлат арбоби ва маърифатпарвар инсон бўлган, халқ ўртасида Феруз шоир сифатида шуҳрат қозонган Муҳаммад Раҳимхон II Афғонистон амири, Туркия ва Англия вакилларини яширин қабул қилган ҳамда музокаралар олиб борган.

Хивада ўтказилган бож ислоҳоти (1885) хонликни рус моллари бозорига айлантиргани, пул ислоҳоти эса (1900 – 1907) иқтисодни мушкул аҳволга солгани хонни ана шундай ҳаракатларга ундаган эди. Россия хонлигининг ички мустақиллигига ҳам раҳна солиб танга зарб этишни ман этгани Муҳаммад Раҳимхонни жиддий ташвишга солган эди.



Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (1845 – 1910) сарой амалдорлари даврасида

XX аср бошларида империя ҳукмрон доираларида Бухоро ва Хиванинг ички мустақиллигини йўқотиб уларни бутунлай Россияга қўшиб олиш масаласи 1909 йилдаги икки кенгашда, 1910 йил 28 январда Бош вазир П. Столипин бошчилигидаги Вазирлар Кенгаши Махсус мажлисида, 1916 йилда император ҳузуридаги махфий кенгашда атрофлича муҳокама этилган эди. Россия империясининг Туркистонда юритган маъмурий – бошқарув тизими ўзбек халқининг давлатчилик борасидаги азалий бой тажрибаларига барҳам бериш ва русча идора услубини қатъий жорий этишга қаратилган бўлиб, Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россия губернияларига айланиши учун барча сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий чоралар кўрилган эди. Шундай қилиб, Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг оқибатларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчидан, маҳаллий халқнинг сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари поймол этилди; **Иккинчидан**, ишлаб чиқариш бир томонлама ривожланиб, иқтисодий мувозанат бузилди ва мустабид давлатга қарамлик кучайди; **Учинчидан**, маҳаллий халқнинг турмуш даражаси пасайиб кетди; **Тўртинчидан**, Ўрта Осиё Россиянинг хомашё базасига айлантирилди; Дастлаб ҳарбий мақсадда кейин эса Россия саноатини арзон хом ашё билан узлуксиз

таъминлаб туриш учун Туркистонга темир йўллар ётқизилади. Хусусан, темир йўллар 1881 йил Қизил Арвот, 1885 йил Ашхобод, 1886 йил Марв, Чоржўй (хоз. Туркманобод), Амударёгача етган. 1887 йил темир йўллар Янги Бухоро (хоз. Когон) ва Самарқандга қадар қурилди. 1899 йилда Фарғона водийси ва Тошкент темир йўл билан ўзаро боғланди. 1906 йилда Тошкент – Оренбург темир йўли қуриб битказилди. 1915 йил Бухоро – Қарши – Термиз, Бухоро – Қарши – Шахрисабз – Китоб темир йўллари қуриб, фойдаланишга топширилди. **Бешинчидан**, мустамлака ҳудуд жаҳон тараққиёти ва маданиятидан четда қолди.

3. Империя истибдодига қарши Туркистон халқларининг миллий - озодлик кураши. Россия империясининг Туркистон халқларига нисбатан юргизган мустамлакачилик, улуғ давлатчилик ва шовинистик сиёсати албатта қонуний суратда маҳаллий аҳолининг ўз миллий озодлиги, эрки ва инсоний ҳақ – ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун муқаддас жангга отлантиради. Империя томонидан асоратга солинган, мустамлака қилинган халқлар дастлабки кунлардан бошлаб ўз миллий мустақилликлари, озодликлари ва эрклари учун муқаддас курашиб келдилар. Қуйидаги жадвалга эътибор беринг:

№	Мустамлакачилик зулмига қарши қўзғолонлар ва ҳаракатлар	Санаси
1	Сирдарёда Жонхўжа Нурмуҳаммад қўзғолони	1856
2	Самарқанд мудофааси ва Бухоро амирлиги Бухоро шаҳри, Шахрисабз беклигидаги ҳаракатлар	1868
3	Манғишлоқ қирғизларининг исёнлари	1870
4	Эшон Эшмуҳаммад бошчилигида Сирдарё вилоятидаги чиқишлар	1871
5	Фарғона (Мингтепа)да Етимхон қўзғолони	1871
6	Чирчиқдаги исёнлар	1872
7	Қўкон хонлигида Мулло Исҳоқ Ҳасан ўғли бошчилигидаги «Пўлатхон қўзғолони»	1873 – 1876
8	Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон	1885 – 1886
9	Тошкент қўзғолони («Вабо исёни» ёки «Тошотар воқеаси»)	1892
10	Муҳаммад Али халфа Собир ўғли – Дукчи Эшон бошчилигидаги Андижон қўзғолони	1898
11	Сирдарё вилоятидаги ҳаракатлар	1899
12	Жиззах қўзғолони	1916

Россия империяси ҳукуматининг олиб борган сиёсатига қарши миллий озодлик курашлари жуда кўп бўлган. Биз юқорида уларнинг баъзиларинингина санаб ўтдик. 1887 –1897 йиллар мобайнида Фарғона, Самарқанд ва Сирдарёда,

мустамлакачилар идораларига қарши 668 марта ҳужум бўлган. 1897 – 1917 йиллар орасида Туркистонда Россия босқинчиларига қарши 4922 марта исён бўлган. Ана шу қўзғолонлар ва миллий озодлик курашларидан баъзиларини эслаш жоиздир.

Тошкент қўзғолони

1892 йилнинг ёзида Туркистон маркази Тошкентда ҳам рус мустамлакачиларини талвасага солган ва тарихга «Вабо исёни» ёки «Тошотар воқеаси» сифатида кирган қўзғолон бошланди. Расмий доиралар бу қўзғолон вабога қарши рус амалдорлари қўллаган тадбирлардан норозилик туфайли келиб чиққан, деб изоҳлашга уриндилар. Шунинг учун ҳам уни «Вабо исёни» деб номлашди. Шунчаки қараганда, чиндан ҳам шундай бўлган. 1892 йилда Афғонистонда тарқаган вабо касали ўша йили Ўрта Осиёга ҳам тарқалди. Ушбу йилнинг май ойида Жиззахда вабо билан оғриган кишилар ҳақидаги хабар бутун ўлкага тарқалди ва Сирдарё вилоятига ўтадиган кечув олдида эҳтиёт юзасидан кузатиш бекати ташкил қилинди. Июнь ойида Тошкентда ҳам вабо тарқалгани маълум бўлди. Янги шаҳарда 417, Эски шаҳарда 1462 бемор аниқланди.

1892 йил 7 июнда Тошкент шаҳар маъмурияти 12 эски қабристонни ёпади ва янги 4 қабристон очилишини, шаҳардан чиқиш чекланганини эълон қилди. Аммо мустамлака маъмурияти тиббиёт нуқтаи назаридан тўғри бўлган бу тадбирларни ўтказишда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормади, мусулмончилик одатлари, маросим қонун – қоидаларини ҳисобга олмади. Вабодан ўлганларни врачнинг рухсатисиз кўммаслик буюрилди ҳамда уларни шаҳар ичидаги мазорларга дафн этиш тақиқланди. Ваъда қилинган 4 та янги қабристон ўрнига фақат биттаси очилди. Эпидемия станцияси рухсатисиз дафн этилган мусулмон майитлар қабрларидан қазиб олиниб бошқа жойга ташиб кетиларди. Шаҳар мурдаларга тўлиб кетганлигидан рухсат олиш учун 3 – 4 кунлаб кутиш керак эди, чунки биттагина станция ишлар ва у ҳам бутун шаҳар бўйлаб кезиб юрарди. Одамлар ноилож ўликни яширинча эски мазорларга кўмиш бошланди. Бундан хабар топган полиция пристави «гуноҳкор» маҳрумлар қариндошларини топиб ҳибсга ола бошлади. Қабрларни очиб, ўлганларнинг руҳи ҳақорат қилинди. Бу мусулмончилик урф – одатига мутлақо тўғри келмас эди. Қўзғолон чиқишига бу ҳол фақат бир баҳона бўлди, холос. Аслида эса бунга маҳаллий меҳнат аҳлининг оғир аҳволи, амалдорларнинг суистеъмолликлари, ҳар хил товламачиликлар ва бошқалар сабаб бўлган эди.

Қўзғолон 1892 йил 24 июнда бошланди. Мингга яқин киши эшонлардан Азизёр, Абулқосим, бозор оқсоқоли Зиё Муҳаммад ва бошқа таниқли кишилар раҳбарлигида шаҳар бошлиғи маҳкамасига бостириб борди. Бу ерда Тошкент ҳокими С.Р. Путинцев ва шаҳарнинг катта оқсоқоли Муҳаммад Ёқубга қарши ҳужум қилдилар. Оқсоқол халққа дағдаға қила бошлагач, унинг бошига тошлар ёғилган. Машҳур «Тошотар воқеаси» бошланган. Оқсоқол ҳокимнинг идорасига яширинган. Халқ Путинцевдан

оқсоқолни тутиб беришни талаб қилган. Путинцев тўппончасини чиқариб дағдаға қилишга ўтган. Сабр косаси тўлган халқ бунга жавобан Путинцев ва унинг миршабларини дўппослаган, маҳкамани вайрон қилган. Шу пайтда Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Н.И. Гродеков бошчилигидаги аскарлар келиши туфайли кўзғолончилар чекинишга мажбур бўлдилар. Рус аскарлар кўзғолончиларнинг орқасидан қува бошлагач, ноилож қолган оломон Анҳор сувига ўзини ташлади. Эртасига Анҳордан 80 кишининг ўлиги топилди.

Кўзғолончиларнинг қолган қисми Эски шаҳарга қочиб борди. Жоме масжиди олдида тўпланган оломон бу ерга кетма – кет етиб келган Гродеков бошчилигидаги аскарларни тошбўрон қилди. Бунга жавобан ўқ узилди ва 10 киши ҳалок бўлди, кўпчилиги яраланди. Шу тариқа кўзғолон бостирилди. Кўзғолончиларнинг бир қисми оқсоқол Муҳаммад Ёқубнинг шаҳар ҳовлисини ва боғини ёқиб юборди.

Мустамлакачи маъмурлар кўзғолончиларни шафқатсиз жазоладилар. Кўзғолон қатнашчиларидан 60 кишини судга бериб, 3 кишини ўлимга ва 20 кишини турли муддатлар билан қамоқ жазосига ҳукм қилди. Кўзғолон содир бўлган бу жой Тошкентда «Жангоб» номи билан машҳур.

Рус мустамлакачилари кўзғолончиларни жазолаш баҳонасида ўзларига ёқмаган маҳаллий зиёлиларни, халқни кўтаришга қодир маърифатпарвар ва миллатпарварларни ҳам қатағон қилди. Хусусан, Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Н.И. Гродеков 1892 йил 1 июлда генерал – губернаторга йўллаган ахборотида кўзғолоннинг тасодифий бўлганини таъкидлаб, унинг асосий ташкилотчиларини ҳибсга олганини ва Туркистонда империянинг мустамлака ҳукмронлиги ўрнатилганини баён этган. Ахборотда 24 июнь воқеаларига олиб келган ҳаракатнинг асосий раҳбари ва ҳақиқий сабабчиси деб шаҳарнинг осиеликлар яшайдиган қисми оқсоқоли Инъомхўжа Умархўжаев (1833 – 1896) ни ва унинг энг яқин кишилари (юзбоши Аҳмадхўжа Абдурашидхўжаев, қудаси Усмонхўжа, Шайховандитохур даҳасининг қозиси Шарифхўжа Пошшоҳхўжаев)ни кўрсатган.

Инъомхўжа Умархўжаев 1892 йилги кўзғолоннинг асосий ташкилотчилари қаторида Туркистон ҳарбий округи суди томонидан шафқатсиз жазога маҳкум этилади. 12 йил муддат каторгага ҳукм қилинган собиқ бош оқсоқолнинг халқ ўртасидаги эътиборидан чўчиган Туркистон генерал – губернатори бу жазони 4 йил қамоқ билан алмаштиради. Олтмишни қоралаб қолган Инъомхўжа Кўкон турмасида вафот этади. Шоир Муқимийнинг «Тарихи фавти ноиби Тошкандий» марсияси унинг хотирасига бағишлаб ёзилган.

Юзбоши Аҳмадхўжа Абдурашидхўжаев ҳам миллатпарвар зиёлилардан бўлиб, мустамлакачиларга нисбатан муҳолиф кишилардан эди. Суд уни осиб ўлдиришга ҳукм қилади, аммо кейинчалик бу жазо 15 йиллик каторга билан алмаштирилади. Жазо муддатини ўташ давомида Аҳмадхўжанинг соғлиги ёмонлашиб Тошкентга қайтади ва 1907 йили вафот этади.

Шариат қозиси Шарифхўжа Пошшоҳўжаев (1814—1904)нинг тақдири ҳам аянчли кечди. Уни подшо маъмурлари 1892 йилги қўзғолоннинг асосий ташкилотчиси сифатида тўрт ўғли билан бирга қамоққа олади. Ҳарбий суд 80 ёшдаги Шарифхўжани 3 йил муддатга Аштархон губерниясига сургун қилади. Аммо шаҳар жамоатчилигининг ариза – илтимослари билан бу жазо муддати бир йилга қисқартирилади.

Бу қўзғолон Тошкент шаҳрининг ўзида юз берган бўлса-да, унинг акс садоси бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб тарқалди.

Андижон қўзғолони

XIX аср охирларида Россиянинг сиёсатига қарши ўлка халқларининг миллий озодлик ҳаракатининг яна бир ёрқин намунаси 1898 йил май ойида Андижонда бўлиб ўтган Дукчи Эшон қўзғолони орқали намоён бўлди. Бу қўзғолонга Андижондаги пойтуғлик Эшон Султонхон Тўранинг муриди, «Дукчи Эшон» номи билан машҳур бўлган 42 яшарлик Муҳаммад Али халфа (Мадали Эшон, 1846 – 1898) бошчилик қилади. Муҳаммад Али 1856 йилда Фарғона шаҳридан 25 чақирим жанубий – ғарбдаги Чимён қишлоғида ўртаҳол деҳқон ва ҳунарманд Муҳаммад Собир оиласида туғилган. Унинг авлодлари асли қашқарлик бўлишган.

Муҳаммад Али жуда ақлли ва одобли бола бўлган. Оиласининг ночор ҳаёти туфайли мактабда ўқий олмаган. Лекин мустақил ўқиб саводхон бўлган. Отаси ёнида юриб бешик, йик тайёрлаш, кейинчалик эса пахса уриш касбларини эгаллаган. Шу боис уни «уста» ҳам дейишган. Оиласи билан 10 ёшида Мингтепадаги Тожик қишлоққа кўчиб кетган. Муҳаммад Али шу атроф яқинда ном чиқарган ва ҳатто Қўқон хонлигида ҳам ҳурмати бўлган машҳур Султонхон тўра хизматига киради ва ўзининг меҳнатсеварлиги, ақли, одоби ва тақводорлиги билан Эшоннинг ўғиллари қаторидан жой олади. Султонхон тўранинг Қорадарёнинг ўнг соҳилида – Пойтуғда ҳам ерлари бўлган. У шу ерга кўчиб бориб 3 – 4 йил яшаганда Муҳаммад Алини ҳам ўзи билан бу ерга олиб келади. 1882 йилда Султонхон тўра вафот этади. Вафоти олдидан у ўз шогирди Муҳаммад Алига «эшонлик» тўғрисида хати иршодни (йўлланма хатни) ёзиб имзо қўйиб муҳрлаб берган эди. 1887 - 1893 йилларда у Маккаю Мадинага бориб ҳаж қилиб, Ҳиндистон ва Россия шаҳарларида бўлиб қайтади. 30 ёшида Муҳаммад Али Маккаи Мукаррамага бориб келгач, ўзини Эшон деб эълон қилади. Унинг мухлислари Мингтепа қишлоғида унга мос ҳовли – жой олиб беришган.

Андижон қўзғолоннинг туб моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, қўзғолон характери ва йўналишига кўра халқ озодлик кураши эди. У диний байроқ остида олиб борилди. Қўзғолон кўтарилишига сабаб ва баҳоналар кўп бўлиб, асосан 1886 йилда тасдиқланган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» туфайли ўлкада янада кучайган мустамлакачилик зулми сиёсатидан норозилик эди. Бу «Низом»га кўра мустамлакачилик сиёсати ва мустамлака режими қонун йўли билан мустаҳкамланган эди. Унинг асосида рус маъмурлари ўлка меҳнаткаш аҳолиси ерларининг анча қисмини мажбуран

тортиб олиб, рус оилаларига бериш учун ер фондини туздилар. Соликлар кўпайтирилди, деҳқонлар даромадининг 10 фоизи ҳажмида ер солиғи ва умумий ўлпонларнинг 35 фоиз ҳажмида земство йиғими жорий этилди. Бундай вазиятда халқнинг аҳволи янада оғирлашди.

Эшоннинг замондоши Фозилбек Отабек ўғли «Дукчи эшон воқеаси» китобида кўзғолон бошланиб кетишининг қуйидаги сабабларини келтиради:

➤ маъмурият оқ подшонинг номини хутбага кўшиб ўқишга мажбурлайди, Куръондан кофирлар тўғрисидаги баъзи оятларни чиқариб ташлашга фармойиш қилади;

➤ приставнинг қаерда бўлмасин ўтганини беихтиёр кўрмай қолиб ўрнидан турмаган мусулмонлар калтакланди, қамалди;

➤ қора қирғизларнинг ерлари тортиб олиниб, рус деҳқонларига берилди, ўзлари эса тоғларга ҳайдаб юборилди;

➤ чўб, оғиз, туёқ пули каби бир қанча жарималар ўйлаб топилиб, меҳнаткашларнинг моллари тортиб олинди ва ҳ.к. (Қаранг: Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси. – Т.: 1992. –Б.30-31.)

Россия империясининг халққа қарши мустамлакачилик, зўрлик ва адолатсиз сиёсатидан эзилган халқ Дукчи Эшонга мурожаат қилиб эрк учун муқаддас курашга фатво беришини ҳамда бу курашга раҳнамолик қилишини сўрайди. 1898 йил 14 май кечқурун Муҳаммад Али (Дукчи Эшон) уйида Фарғона вилоятининг турли бўлисларидан келган вакиллар иштирокида махсус кенгаши бўлади. Шу кенгашда Муҳаммад Али йиғилганларни мустамлакачиларга қарши бош кўтаришга, уларни юртдан ҳайдаб, она Ватан мустақиллигини тиклаш учун курашга чақиради. Кўпчилик бу таклифни маъқуллайди. Кенгашда Муҳаммад Али маълум қилган режага биноан мустабид ҳукуматнинг водийдаги 3 шаҳар — Андижон, Марғилон ва Ўшда жойлашган ҳарбий лагерларига бир кунда хужум қилишга, бу хужум муваффақиятли тугаса, Қўқонда ҳам кўзғолон кўтаришга келишилади. Марғилондаги ҳарбий лагерга Иноятхон Тўра, Ўшдаги ҳарбий лагерга Умарбек додхоҳ, Андижондаги ҳарбий лагерга эса Муҳаммад Али эшон бошчилигида хужум қилиниши керак эди.

16 май куни кечқурун яна Эшон хонадонидида кенгаш бўлиб, унда мингга яқин одам қатнашади. Шу кенгашда Эшоннинг 14 ёшли жияни Абдулазиз (Мусулмонқул) хон қилиб кўтарилажаги келишилди. 17 майда эса тўсатдан Дукчи Эшоннинг ҳовлисида 200 дан ортиқ киши бостириб келади ва ундан дарҳол кўзғолонни бошлаш талаб қилинади. Бутун режалар барбод бўлган. Шу куни жияни Абдулазизни эмас, балки эшонни оқ кигизга ўтказилиб, хон деб кўтарилади. Кўзғолон стихияли равишда бошланиб кетади.

1898 йил 17 май шом номозида Тожиқ қишлоғидаги масжидга жуда кўп одам тўпланган. Намоз пайтида Муҳаммад Али халққа мурожаат қилиб, уларни мустамлакачиларга қарши кўзғолон кўтаришга даъват этади. Кўзғолончилар Муҳаммад Али эшон бошчилигида Мингтепадан Андижон шаҳри томон йўл олишади. Йўл – йўлакай кўзғолончилар сафи тўлиб бориб,

шаҳарга яқинлашганларида уларнинг сони 2000 га етади. Шаҳар яқинида Муҳаммад Али эшон ўз жангчиларини охириги марта кўриқдан ўтказди. У кўзғолончиларни 5 қисмга бўлиб, ҳар қайси қисмга биттадан байроқ беради. Ҳарбий лагерга қилинадиган ҳужум олдидан сўнгги нутқини сўзлайди. У кўзғолончиларни охириги дақиқаларгача ўз қасамёдига содиқ қолишга, Ватан озодлиги учун муқаддас курашга даъват этди. Сўнгра кўзғолончилар Андижон ҳарбий лагерига ҳужум қиладилар. Тўқнашув пайтида ҳарбий гарнизон жангчиларидан 22 киши ўлдирилди, 24 аскар ярадор бўлган. Ярим соат давом этган қаттиқ жангдан сўнг жанговар тайёргарлиги дуруст бўлмаган ва қурол – яроғи ночор кўзғолончилар гуруҳи тўқнашув жойида ўлган 11 нафар ва ярадор бўлган 8 нафар одамларини қолдириб чекинишади.

Марғилон ва Ўш уездларидаги ҳарбий гарнизонларга ҳужум уюштириш режалари эса амалга ошмай қолади, чунки рус амалдорлари бундан хабар топиб, мудофаа учун зарур чораларни кўриб улгурадилар. Ўш уездида мустабид ҳукуматга сотилган хоин — уезд мингбошиси Қорабек Ҳасанов ўз халқига хиёнат қилиб, мустамлакачиларнинг ҳарбий кучларига қарши тайёрланаётган ҳужум ҳақида подполковник Зайцевга хабар етказди. Бу воқеадан хабар топган Умарбек додхоҳ яхши қуролланмаган халқни қуролланган, шай турган ҳарбийларга қарши кўзғолонга бошлашга журъат этмайди.

Марғилон ҳарбий лагерига ҳужум ҳам амалга ошмади. 17 май куни кечқурун белгиланган жойга одам тўпланмади. Бунинг устига шу куни якшанба, яъни дам олиш куни бўлиб, ҳарбий лагерда қандайдир маросим бўлаётганди. Бундай вазиятда ҳужум бошлаш хатарли эди. Шу боис Иноятхон Тўра ўз одамлари билан Андижонга жўнаб кетган кўзғолончиларни қувиб етиб, улар сафига қўшилади.

Кўзғолон ҳақидаги хабарлар Наманган уезди, Еттисув ва Сирдарё вилоятларига ҳам етиб борди ва бу ердаги аҳоли томонидан қўллаб – қувватланди. Бироқ бу ҳаракатлар ҳам бостирилади.

Андижондаги кўзғолондан хабар топган Россия империяси ҳукмдори Николай II кўзғолончиларни шафқатсиз бостириш учун раҳбар қилиб Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори А.И. Корольковни тайинлайди. Натижада кўзғолон ваҳшийлик билан бостирилди. Кўзғолон олиб бориш усулларида беҳабарлик, бирликнинг йўқлиги, уюлмаганлик, қурол – аслаҳа ва моддий базанинг етишмаслиги кўзғолоннинг тезда мағлубиятга учрашига сабаб бўлди, айниқса, кўзғолоннинг келишилган муддатдан олдин бошланиши, ҳаракат мағлубиятининг асосий сабабларидан бири бўлди. Лекин мағлубиятига қарамай кўзғолоннинг акс-садоси бутун Фарғона водийсига таралди. Асака, Кува, Шаҳрихон, Ўш, Марғилон каби шаҳарлар ва қишлоқларда ҳаракатлар кенг ёйилди. Бу ҳаракатлар ҳам рус қўшинлари томонидан шафқатсизлик билан бостирилди. Андижон кўзғолони муносабати билан бутун Фарғона водийсида даҳшатли қатағон уюштирилди. Муҳаммад Али 19 майда кечқурун Арслонбоб қишлоғида қўлга олинади.

Подшо Николай II кўзғолончиларни «намуна» бўладиган даражада қаттиқ жазолаш учун кўрсатма берди. Ана шу кўрсатма асосида кўзғолончилар устидан олиб борилган суд жараёни 3 ой давом этади. Генерал – майор Терентьев раислигида ўтган ҳарбий суд материаллари «Андижанское дело» 20 жилдни ташкил қилган. Дастлаб 447 киши суд қилинади ва 800 га яқин киши гувоҳликка чақирилади. 1898 йил 12 июнда кўзғолон раҳбари бўлган Муҳаммад Али ва унинг яқин маслакдошларидан 5 нафари Андижон шаҳри марказида бутун водий жамоатчилигининг 8 мингга яқин вакили кўз ўнгида осиб ўлдирилди.


Шундан сўнг кўзғолоннинг бошқа қатнашчилари жазоланди. Улардан 18 нафари осиб ўлдиришга ҳукм қилинди. 344 нафари 4 йилдан 20 йилгача муддатга, 3 нафари умрбод қаторгага, 8 нафари турли муддатга қамок жазосига ҳукм қилинди. 18 киши Сибирга сургун қилинди. Жами 388 киши



Муҳаммад Али халфа Собир ўгли
Дукчи Эшон (1848 – 1898)



Кўзғолончилар устидан
чиқарилган ҳукм



Андижон кўзғолони ва унинг
иштирокчилари хақида расмий ахборот

жазоланди. Кўзғолон маркази бўлган Мингтепа, Қашғар, Тожик қишлоқлари 3 кун тўплардан ўққа тутилиб, култепага айлантирилди.

Андижонда кўтарилган кўзғолон подшо ҳукуматини даҳшатга солди. Кўзғолон натижасида Фарғона вилоятида ва бутун Туркистон генерал – губернаторлигида ҳарбий полиция режими кучайтирилди. Ўлкада ҳарбий – сиёсий ва маъмурий тартибларни зўр бериб шафқатсиз равишда амалга оширишга киришилди. Эшон хонақоҳини черков қилишга қарор қилинди. Мингтепанинг номи атайлаб «Марҳамат» деб ўзгартирилди. Рус аҳолиси бу ерларга кўплаб кўчириб олиб келинди. Мажбурий равишда масжид ва мадрасаларда рус тилини ўқитишга киришилди ва уни ўлкада давлат тилига айлантириш йўллари белгиланди.

Жиззах кўзғолони

Жиззах ва унинг атрофи аҳолисининг чор мустамлакачиларига қарши олиб борган миллий озодлик ҳаракатидир. Маълумки, XX аср бошларига келиб Россиядаги ижтимоий,

сиёсий вазият Туркистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ўлка ҳудудида демократик – инқилобий ҳаракатлар авж ола бошлади. Бу ҳаракатларни биз нафақат рус аҳолиси орасида, балки маҳаллий меҳнаткашлар орасида ҳам кузатамиз.

Туркистон ўлкаси ҳудудида темир йўлларнинг қурилиши, завод ва фабрикаларнинг ишга туширилиши Россия марказига кўплаб ўлка бойликларини чиқиб кетишини осонлаштирди. Бу жараён маҳаллий аҳоли аҳволини янада оғирлашувига сабаб бўлди. Туркистон ўлкаси ҳудудида деҳқонлар ғалаёнлари, норозилик чиқишлари ортиб борди.

1914 йили бошлаган биринчи жаҳон урушида Россия Германия ва Туркияга қарши курашга киришди. Ўзининг уқувсизлиги туфайли урушда катта талофатларни кўрди. Рус кўмондонлиги уруш оғирлигини мустамлакалар елкасига ортиб, уларни аёвсиз эзиш сиёсатига ўтди. Натижада маҳаллий халқдан олинадиган солиқлар миқдори ошиб борди. Туркистон ўлкаси ҳудудида ерсиз деҳқонларнинг сони ҳам кўпайди. Шу билан бирга, император Николай II 1916 йил 25 июнда «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолининг ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида» фармон чиқарди. Унга кўра, Туркистон, Сибирь ва Кавказ халқларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни сафарбар қилиш кўзланган эди. Ушбу фармонга мувофиқ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларидан 19 – 43 ёшгача бўлган 250 мингдан зиёд эркак аҳоли фронт ортидаги ишларга (мардикорликка) чақириладиган бўлди. Мардикорликка олиш ҳақидаги фармон 3 июль эълон қилинган.

Туркистон генерал – губернаторига Фармонни тезликда амалга ошириш буюрилиб, Сирдарё вилояти зиммасига 87 минг, Самарқандга 88 минг, Фарғонага 50 минг мардикор юбориш вазифаси юклатидди. Фарғона вилояти бошқаларга қараганда анча енгил мажбурият олди — ҳар беш хонадондан бир мардикор берадиган бўлди. Бундай имтиёзнинг сабаби шунда эдики, водий рус тўқимачилик саноати учун бой хом ашё макони бўлиб, у билан йирик рус саноатчилари манфаати боғлиқ эди. Фарғонадан кўп ишчи кучининг сафарбар қилиниши рус саноатчилари учун зарур пахта толасининг камайиб кетиши ва мустамлакадан олинувчи устама фойданинг пасайиб кетиши мумкин эди. Пахта яккаҳокимлиги ўз кучини 1916 йил 2 июлдаги Тошкентда бўлиб ўтган олий амалдорлар кенгашида ҳам кўрсатди.

Мардикорликка кетадиганлар 3 ойда қайтиб келишлари ва бунгача уларнинг оилалари ҳукумат томонидан таъминланиши ваъда қилинди. Рўйхатга олиш давомида амалдорлар бойлик орттириш пайида бўлишиб, бойларнинг болаларини пул эвазига рўйхатга киритишмади. Бу халқ норозилигининг ортиб боришига сабаб бўлди. 1916 йил июль ойидан маҳаллий аҳолининг кўзғолони бошланди. Биринчи бўлиб 4 июлда Хўжанд халқи кўзғолон кўтарди, айна пайтда, Самарқанд, Жиззах ва Каттакўрғон

туманларида ҳам ғалаёнлар бошланди. 5 июль Самарқанд вилоятида, 9 июль Фарғона вилоятининг Андижон шаҳрида, 10 июль Марғилонда, 11 июль эса Наманган, Самарқанд ва Тошкентда мардикорликка олишга қарши кўзғолонлар бошланди. Мустамлакачилар воқеаларнинг бундай боришидан ташвишга тушиб қолдилар. 1916 йил 17 июлда Николай II нинг фармони билан Туркистон ҳарбий округида ҳарбий ҳолат жорий этилиб, фуқаролик бошқаруви тўла равишда ҳарбий кўмондонлик ихтиёрига топширилди. Генерал – губернаторга ҳам бош кўмондон сифатида катта ваколатлар берилди. 18 июль куни Туркистонда ҳарбий ҳолат эълон қилинади.

Барча вилоятларида авж олган ғалаёнлар кескинлашиб халқ кўзғолонига айланди. Айниқса Самарқанд вилоятининг Жиззах уезида бу воқеалар уюшган ва ошқора тус олди. Маъмурият тақсимотига кўра, Жиззах уези 11 минг мардикор бериши керак эди. Ҳалоқат ёқасига келиб қолган аҳоли 5 июль кунидек дастлабки норозиликлар ва ғалаёнларни амалга оширди. **Жиззахда кўзғолон 1916 йил 13 июлнинг эрта тонгида бошланди.** 8 кун давом этган қонли тўқнашувларда кўзғолонни ҳаракатга келтирган асосий куч деҳқонлар ва хунарманд камбағаллар бўлди. Бу кўзғолон аниқ мақсадлар – Россиядан ажралиб, мустақил бўлиш мақсади остида, уюшган тарзда олиб борилган эди. Назирхўжа Абдусаломов, Абдурахмон жевачи, Мулла Маҳаммад Раҳим, Зиёқори Абдуллаев, Мамашариф Ҳусанов, М. Ўринхўжаев, Мусабек Тўрабеков, Абдулла Очилов каби халқ йўлбошчилари кўзғолонга бошчилик қилди.



1916 йилги миллий – озодлик кўзғолони қатнашчилари

Жиззах шаҳри аҳолиси 13 июль куни сафарбарликка чақирилганлар рўйхатини талаб қилиб оқсоқол ва мингбоши маҳкамасига тўпландилар. Туманбоши подполковник Рукин, бош оқсоқол Йўлдашев, пристав, тилмочлар ўлдирилди. Мингбоши маҳкамасини вайрон қилдилар, рўйхатни топиб олиб ёндириб

ташладилар. Назирхўжа эшон Жиззах беки деб эълон қилинади. Кўзғолонни бостиришга етиб келган подполковник Афанасьевнинг жазо отряди катта зарбага учради. Кўзғолончилар сафи кенгайиб борди. Назир Ҳожи эшон бошчилигида кўзғолончилар янги шаҳарга томон юрдилар. Жазо отряди билан кўзғолончилар ўртасида бўлган тўқнашувда иккала томондан ҳам қурбонлар бўлди. Кўзғолончилар телефон симларини узиб, нефтли бакларни ёндириб, биноларни вайрон қилдилар. Ломакино бекатида темир йўл кўприги, рельслар бузиб ташланди. Обручево, Курапоткино, Ростовцово темир йўл бекатлари ҳам вайрон қилинди, 6 та темир йўл кўприги бузиб ташланди.

Абдурахмон жевачи бошчилигидаги кучларнинг Боғдон волостида ҳам ғалаёнлари бошланиб, Жиззах томон юрадилар.

1916 йил 15 июлда Жиззахга полковник Иванов бошчилигидаги жазо отряди юборилади. Бутун уездга полковник Иванов тайёрлаган эълонлар тарқатилади. Унда барча кўзғолончилар қириб ташланиши, уларнинг мол – мулки хазинага (давлат ихтиёрига) ўтказилиши таъкидланади. 18 июлда Жиззахда кўзғолон шу қадар катта бўлдики, тарихчилар 1916 йилги кўзғолонни Жиззах кўзғолони деб атайдиган бўлиб қолади. Рус кўшинлари билан сўнгги тўқнашув 1916 йил 21 июлда Қилич қишлоғида бўлиб ўтди. Иванов бошчилигидаги катта ҳарбий кучларга эга бўлган жазо отряди кўзғолонни шафқатсизлик билан бостиради. Омон қолган Жиззах аҳолиси жазирама чўлга ҳайдалади. Мингга яқин киши ҳибсга олинди.

Кўзғолон бостирилгач, унинг йўлбошчилари жазога тортилиб, ўлимга маҳкум этилди. Жумладан, Жиззах кўзғолонининг раҳбари Назирхўжа Абдусаломов бошчилигида 76 киши устидан 1916 йил 23 августда Закомольский раислигида ёпиқ ҳарбий суд мажлиси бўлди. Суд иши якунига кўра 32 киши отувга ҳукм қилинди. 1916 йил 10 сентябрда ҳукм ижро этилиб, Назирхўжа Абдусаломов, Жайноқ Абдурахмонов, Зиёқори Абдуллаев, Мухаммадраҳим Абдурахимов ва бошқалар осиб ўлдирилди.

Ушбу кўзғолон Туркистон халқига жуда катта талофатларни олиб келди. Туркия олими Иброҳим Ёрқиннинг ҳисобига кўра 1916 йил 25 июнда Николай II фармойиши билан бошланган «мардикорлар кўзғолони» деб аталмиш кўзғолонда 1917 йил бошига қадар тахминан 1,5 миллион киши қатл қилинди. Айрим маълумотларга қараганда 1916 йилги кўзғолон оқибатида Туркистон аҳолисидан 673 минг киши ўлдирилди, 300 мингдан зиёд аҳоли хорижга чиқиб кетди. 1 миллион кишининг мол – мулки мусодара қилиниб, талон – тарож этилди. Аҳолидаги отларнинг 50 %, сигирларнинг 39 %, туяларнинг 55 %, қўй – эчкиларнинг 50 % ўлган ва мусодара қилинган эди.

1916 йил 23 августда Туркистон генерал – губернатори А. Куропаткин мардикорликка сафарбарлик тадбирлари тўғрисида буйруқ чиқарди. Буйруқда мардикорликка олинадиган одамлар сони аниқ кўрсатилди; Сирдарё вилояти 60 минг, Самарқанд вилояти 32407, Фарғона вилояти 51233, Еттисув вилояти 43 минг ва Каспийорти вилояти 13830 киши. Сафарбарлик 1916 йил 18 сентябрдан то 1917 йил февраль буржуа – демократик инқилоби ғалабасига қадар давом этди.

Хуллас, 1916 йилги кўзғолон бутун мустамлакачилик давомида Туркистондаги энг қудратли ва уюшган кўзғолон эди. Жиззах кўзғолони тарихда «Жиззах фожиаси» деган ном қолдирди. У Фозил Йўлдош ўғлининг «Жиззах кўзғолони» номли достонида ўзининг тўлиқ аксини топган.

4. Туркистонда жаидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва жаидларнинг фаолияти. Жаидчилик XIX аср охири – XX аср бошида Туркистон, Кавказ, Қрим, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган

ижтимоий – сиёсий, маърифий ҳаракатдир. «Жадид» арабча сўз бўлиб, «янги» деган маънони англатади. Жадидчилик дастлаб XIX асрнинг 80 – йилларида Қримда Исмоилбек Гаспринский (1851 – 1914) раҳбарлигида қрим татарлари ўртасида вужудга келди. У 1884 йил мартда Қримдаги Боқчасарой шаҳрида жадид мактабини очади ва у «усули савтия тадрижия» («ривожланувчи товуш усули») мактаби бўлган. Янгича усул – «усули жадид» – савтия (товуш) усули билан 12 бола ўқитилиб, 40 кунда саводини чиқарилган. Исмоилбек 1893 йилда Тошкентга келади ва зиёли уламолар билан учрашади. Самарқандда бўлади. У ердан Бухорога бориб, амир Абдулахадни жадид мактаби очишга кўндиради ва Мўминхўжа Вобкендий ва ғиждувонлик Домла Фозил саъй – ҳаракати билан дастлабки янги усул мактаби очилди. Бу мактабга «Музаффария» деган ном берилган.

Туркистонлик зиёлилар жадидчиликни ёқлаб маорифни ислоҳ қилиш, «усули жадид» мактабларини ташкил этишга киришдилар. Биринчи бўлиб (Хусайнов маблағи ҳисобига) 1893 йили Самарқандда, 1898 йили Қўқонда Салоҳиддин домла томонидан, ўша йили Тўқмоқда (ўзбеклар бу даврда бундай мактабларни «*нўғой мактаб*» деб атаган), 1899 йили эски Тошкентда Маннон Қори, Андижонда Шамсиддин домла томонидан жадид мактаблари очилди. 1900 йили Бухорода Жўрабой қори томонидан янги усулдаги мактаб очилди. 1903 йили М. Беҳбудий ўз маблағи ҳисобидан Жомбойда мактаб очди. Жадид Ҳожи Муин ва Абдулқодир Шакурийлар бу мактабда сабоқ бердилар. 1907 йили Тўрақўрғон (Наманган вилояти)да Исҳоқхон тўра Ибрат томонидан янги усул мактабини очган. 1908 йили бундай мактабларни Мирза Абдулвоҳид ҳам ташкил қилди. Муфтий домулла Икром бу янги усулдаги мактабларни диний жамоат томонидан қабул қилинишига эришди. 1911 йилда жадид мактаблари Туркистонда 63 та бўлиб, уларда 4106 бола ўқиган. Тошкентнинг ўзида 24 та бундай мактабларда 1740 бола ўқиган. 1917 йил бошларида ўлкада 100 га яқин жадид мактабларида 5 мингдан зиёд ўқувчи бўлган.

Жадид мактаблари, яъни янги усул мактабларида диний ва дунёвий таълим – тарбия ҳамда илм ўзаро уйғунлаштирилиб, мактабхонадаги якка ўқитиш усулидан синфда дарс бериш усулига ўтилди, синфларда парталар, география хариталари, глобус ва бошқа кўرғазмали қўлланмалар пайдо бўлган. Уларда хат – савод болаларнинг она тилида товуш усули – усули савтияда ўргатилган. Жадид мактабларида Қуръони – карим, математика, география, она тили, рус, араб тиллари, ашула ва ҳатто жисмоний тарбия ўқитила бошланди.

Мактаблар асосан 1 – 4 синфдан иборат бошланғич мактаблар бўлган. 1913/14 ўқув йилидан айрим жойларда 2 босқичли тизим жорий қилина бошланди. Бу тизимдаги мактаблар намуна мактаблари деб аталиб, уларнинг 1 – босқичи таъзирий (бошланғич) синфлар, 2 – босқичи рушдий (юқори) синфлар дейилган. Хусусан, М. Абдурашидхоновнинг намуна мактаби, А. Шукурийнинг Самарқанддаги ва А. Ибодиевнинг Қўқондаги мактабида рушдий (юқори) синфлар (5 – 6 синф) ҳам иш бошлаган.

Жадид мактаблари пуллик ва пулсиз эди. Ҳар ойига ота – оналар баҳоли кудрат, бир сўмдан бир ярим сўмгача пул тўлади. Бу ўринда ҳар ота – она ўзларининг бойлик ва камбағаллик даражаларини шариат асосида белгилаб пул берадилар. 20 – 35 % гача камбағал ва ночорларнинг болалари текин ўқитилиб, ўқув қуроллари билан ҳам таъминланган. Ўзига тўқ оилалар эса ўз хоҳиши билан уч сўмдан ва ундан ҳам кўп пул берган. Булардан ташқари жадидлар шахсий ва уларнинг ўзлари ташкил этган хайрия жамиятлари ҳам жадид мактабларини маблағ билан таъминлаб турган.

Жадид мактабларининг очилишига рус амалдорлари, мусулмон мутаассиблари қаршилик қиладилар. Жадидлар калта матонат ва фидойилик билан эски мактабларга тегмай намуна сифатида жадид мактабларини ташкил этиб, омма орасида катта обрў қозондилар. Жадид мактаблари қатъий низом ва дастур ва дарсликларга асосланди. Тарихда биринчи бўлиб, жадидлар ўқувчиларга кундалик, чорак ва йиллик баҳолар кўйишни жорий этдилар.

Мактаб очган жадидлар дастур, қўлланма ва дарсликларни ҳам ўзлари яратдилар.

№	Янги усул мактаблари учун яратилган дарслик ва қўлланмалар	
1	Саидрасул Саидазизов (1866 – 1933)	1902 йилда «Устои аввал» дарслиги яратди. Бу дарслик 17 марта нашр этилган
2	Маҳмудхўжа Беҳбудий	«Рисолаи асбоби савод» («Савод чиқариш китоби», 1904), «Рисолаи жуғрофияи умроний» («Аҳоли географиясига кириш», 1905), «Мунтахаби жуғрофияи умумий» («Қисқача умумий география», 1906), «Китобат ул-атфол» («Болалар хати», 1908), «Амалиёти ислом» (1908), «Тарихи ислом» (1909) каби китоблар чоп эттирган
3	Абдуқодир Шакурӣ	«Жомиъ ул-ҳикоят» (1907), «Зубдат ул-ашъор» (1907) каби ўқув қўлланмаларини яратган
4	Мунавварқори Абдурашидхонов	«Алиби аввал» ва «Адиб ус-соний» (1907), «Усули ҳисоб», «Тарихи қавм турк» ва Қуръонни қироат билан ўқиш усулига оид қўлланмаси – «Тажвид» (1911), «Ҳавойижи диния» (Шариат қонунлари тўплами), «Тарихи анбиё», «Тарихи исломия» (1912), «Ер юзи», яъни «Жуғрофия» (1916 – 1917), 4 қисмдан иборат «Ўзбекча тил сабоқлиги» дарсликлари бир неча марта чоп этилган

5	Абдулла Авлоний	«Биринчи муаллим» (1911), «Иккинчи муаллим» (1912), «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (1913) ва бошқа кўлланма ва ўқиш китоблар ёзиб, нашр қилдирган
---	-----------------	---

Жадидчилик ҳаракати Туркистонда XIX асрнинг охирида қуруқ маданий – маърифий ҳаракатнинг, яъни эски мактабларнинг қийин ўқитиш тизимига нисбатан енгил товуч усулига асосланган янги услуб (метод) асосида ўқитишга ўтишдангина иборат эмасди, айтиб ўтиш керакки, турк – ислом ҳуқуқий муносабатларининг миллатга ўргатилиши, миллий – маърифий, тараққиёт ва миллий истиқлол муаммоларини ҳам ўз ичига олган эди. Бу ҳаракатнинг вужудга келишида Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида кенг қулоқ ёйиб ривожланган турли оқимлар ва Туркиядаги «Иттиҳодий ва тараққий», «Ёш турклар» ҳаракатининг таъсири катта бўлди.

Жадидчилик шаклланиб келаётган миллий буржуазия муҳитида вужудга келган. Жадидчилик ҳаракати намояндлари кўпинча ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик жадидлар деб аташган. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Хивада ҳур фикрли ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан очилган маданий – маърифий йўналишдаги жамият ва уюшмалардан жадидчилик ҳаракати шаклланди. У ўша даврда Туркистондаги миллий – озодлик ҳаракатининг мафкураси – Туркистон миллий мустақиллик мафкураси вазифасини бажарди. Жадидчилик ўз тарихида икки босқични ўтган. Биринчиси – маърифатчилик босқичи ва иккинчиси – сиёсий босқич. Аммо жадидларнинг давлатчилик масаласига нисбатан қарашлари биринчи даврданок шаклланган эди.

№	<i>Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари</i>
1	Туркистонни ўрта асрчилик, феодал қолоқлик, хурофотлардан озод қилиш
2	«Усули қадим»ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни замонавий мутараққий йўлга олиб чиқиш
3	Миллий давлат бунёд этиш
4	Конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш
5	Туркий тилларга давлат тили мақомини бериш
6	Миллий пул бирлиги ва миллий қўшин тузиш

Бу ғоя ва мақсадлар 1917 – 1920 йилларда «Туркистон мухторияти», Бухоро ва Хоразм халқ республикалари даврида, қисқа муддатда ва қисман бўлсада амалга оширилди.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатини вужудга келтиришда Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шуқурий (Шақурий), Саидахмад Сиддиқий – Ажзий (Самарқанд), Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев), Тошпўлатбек Норбўтабеков, Тавалло (Тошкент), Фитрат, Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Абдулвоҳид Бурҳонов, Садриддин Айний, Абдуқодир Муҳиддинов (Бухоро), Обиджон Маҳмудов, Исоқхон тўра Ибрат, Ҳамза, Чўлпон, Муқаммадшариф Сўфизода, Ашурали Зоҳирий (Фарғона водийси), Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Бобоохун Салимов (Хоразм) муҳим роль ўйнади. Ушбу сиймоларнинг саъй – ҳаракати билан жадидчилик ҳаракати тараққий этди.



Маҳмудхўжа Бехбудий
(1875.? Самарқанд – 1919.25.3, Қарши)



Абдуқодир Шуқурий Абдушукр ўғли
(Абдушукров, 1875 – 1943)



Мунавварқори Абдурашидхонов
(1878, Тошкент – 1931.23.4, Москва)




Абдулла Авлоний
(1878.12.7 – Тошкент – 1934.24.8)



Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев
(Хўжаев Убайдулла, 1878, Тошкент – 1937)



Тулаган Хўжаміров – Тавалло
(1883 – Тошкент – 1937.10.11)



Абдуруф Абдурахим ўғли Фитрат
(1886, Бухоро – 1938.4.10, Тошкент)



Обиджон Маҳмудов
(1858 – Қўқон – 1936)



Исоқхон Жунайдуллахўжа ўғли Ибрат
(1861, – Наманган вилоят, Тўрақўрган тумани – 1937, Андижон)



Чўлпон – Абдулхамид Судаймон ўғли Юнусов
(1898, Андижон – 1938.4.10, Тошкент)



Ашурали Зоҳирий
(1885 – Қўқон ш. яқинидаги Ойим кншлоги – 1937)



Полвонниёз Ҳожи Юсупов
(1861 – Хива – 1936.14.3)

№	<i>Жадидчиликнинг минтақавий - ҳудудий тарихий шакллари</i>	
1	Худуди	Етакчилар
2	Қрим, Кавказ, Волгабўйи – Булғор ва Жанубий Ўрол	Исмоилбек Гаспринский, Жовид Хусайнзода, Мусо Жоруллоҳ Қозоний, Ризоуддин ибн Фахриддин раҳнамолик қилди
3	Туркистон	Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шакурий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний ва бошқалар
4	Бухоро	«Ёш бухороликлар» ҳукумати, Абдулвоҳид Бурҳонов, Мукамил Бурҳонов, Садриддин Айний, Усмон Хўжа (Пўлатхўжаев Усмон хўжа), Фитрат, Файзулла Хўжаев ва бошқалар
5	Хива	«Ёш хиваликлар» ҳукумати, партиянинг асосчиси Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Жуманиёз Бобониёзов, Бобожон Ёқубов, Жуманиёз Султонмуродов ва бошқалар

Жадидчиликнинг Туркистондаги тадрижоти:

I. 1885 – 1895 йиллар: Г. Исмоилбекнинг «Таржумон» газетаси таъсирида Қўқонда янги – жадид усулидаги мактаблар очиш ҳаракатлари бошланиб, улар аста – секин рус – тузем мактаблари билан рақобатлаша бошлаган.

II. 1896 – 1904 йиллар: Қримдаги Гаспра шаҳридан Г. Исмоилбекнинг Бухоро ва Самарқандга ташрифи, Бухоро амири билан учрашиши натижасида 1895 йилда жадид мактабларини ташкил этиш даври – Бухорода Жўрабой, Самарқандда А. Шакурий, С. Азизий, А. Мунзим, Мулла Қилич, Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов, А. Авлонийлар, Қўқонда Ҳамза, Наманганда И. Ибрат, Сўфизода ва бошқа сиймоларимиз очган жадид мактаблари ўз фаолиятларини олиб бордилар.

III. 1905 – 1914 йиллар: жадидчиликнинг мактаб – маорифдан кенгрок газетчилик, яъни рўзномалар ва жаридалар чоп этиш, матбаа ишларини йўлга қўйиш, илм – фан, адабиёт, маданият – маорифни миллийлаштириш босқичи.

IV. 1914 – 1917 йиллар: жадидчиликнинг ўта ижтимоий – сиёсий йўналиш касб этиши, жадидчилик сиёсий фирқаларининг тузилиши ва уларнинг уч хил турли талаблар қўйиши: 1) Россиядан тўла ажралиб чиқиш; 2) Россия Федерацияси таркибида «миллий – ҳудудий мухторият» тузиш; 3) Россия унитаризми таркибида фақат маънавий – диний мухторият ҳуқуқлари кафолатига эга бўлиш.

V. 1917 йил октябрь – 1918 йил: Қўқонда «Туркистон Мухторияти»нинг тузилиши ва унинг тугатилиши даври.

VI. 1918 – 1924 йиллар: совет тизими таркибида маориф – матбаа ишларида «Чигатой гурунги» ни тузиш билан ажралиб туради. «Чигатой гурунги» – Туркистон жадидлари томонидан ташкил этилган маданий – маърифий ва илмий – адабий ташкилот (1919 – 21). Фитрат бошчилигида Тошкентда тузилган.

VII. 1925 – 1930 йиллар: жадидчиликнинг кейинги тараққиёти «миллий жумхуриятлар» доирасида борди. Жадидчилик асосан маданият – маориф, мактаб ва матбаа ишларида «Чигатой гурунги» ғояларини зимдан амалга оширишга, миллий – озодлик ҳаракатини жонлантиришга уринишда намоён бўлди.

VIII. 1931 йилдан то 1937 – 38 йиллар орқали 50 – йилларнинг биринчи ярмигача қатағон сиёсати орқали жадидчилик ҳаракатига тўла барҳам берилди.

№	<i>Туркистон минтақасидаги жадидчиликнинг шаклланишиги кўра ўзига хос томонлари</i>	
1	Туркистон жадидчилиги (Тошкент, Самарқанд, Фарғона)	Ўлкадаги жадидчиликнинг ижтимоий асосини зиёлилар ташкил қилди. Улар Россия империяси мустамлакачилигига қарши курашнинг олдинги сафларида туриб, империянинг хом ашё манбайига айлантирилган Туркистоннинг дастлаб мухтор, сўнг мустақил давлат бўлишини ёқлаб чиқдилар
2	Бухоро жадидчилиги	Унинг таркиби асосан Бухородаги шаҳар аҳолисининг тараққийпарвар қисми: зиёлилар, муллаваҷчалар, майда дўкондорлар ва маъмурлар, ҳунармандлар, савдогарлар кирган. Жадидларнинг деҳқонлар ва аскарлар ўртасида нуфузи аввалига паст бўлган. Жадидлар иқтисод ва бошқарув соҳасида бир қатор талаблар, чунончи, солиқларни камайтириш талаби билан чиқишди. Улар дастлаб Бухородаги амирлик тузуми доирасида ислохотлар жорий қилмоқчи бўлишди. XX аср бошларида Бухоро жамияти 2 гуруҳга: Икром домла раҳбарлигидаги тараққийпарварлар ва Мулла Абдураззоқ бошчилигидаги қадимийларга бўлинган эди. Жадидчилик Бухоро ва Туркистонда бир вақтда бошланган бўлса ҳам, амирликдаги оғир муҳит унинг тараққиётини тезлаштирди. 1910 йилдан бошлаб Бухорода жадидчилик ҳаракати ташкилий тус олди ва «Гарбия атфол» махфий жамияти асосида «Ёш бухороликлар» (1910 – 1920) партияси ташкил топди
3	Хива жадидчилиги	XX аср бошларида Хивада шаклланган жадидчилик бир қадар бошқачароқ тарихий шарт – шароитда вужудга

келди. У бу ерда асосан иккита оқимдан иборат эди. Унинг **ўнг оқими** хонликда ривожланаётган савдо – саноат корхоналари эгалари ҳамда йирик бойларнинг вакилларини ўзига бирлаштирган эди. Бу оқимга Хива хони Асфандиёрхоннинг бош вазири Исломхўжа бошчилик қилган. Жадидчиликнинг ўнг оқими ўз олдида мамлакатда хон ҳокимиятини сақлаб қолган ҳолда ижтимоий – иқтисодий ислохотлар ўтказиш орқали эркин бозор муносабатларининг ривожланишига кенг йўл очиб беришни мақсад қилиб қўйган эди. Хивада жадидчиликнинг **сўл оқими** эса майда сармоядорлар, ҳунармандлар ва халқнинг турли табақа вакиллари бирлаштирган бўлиб, қозикалон Бобоохун Салимов унинг раҳбари эди. Улар Хива хонлигида янги усул мактаблари ташкил қилиш орқали халқ оммасининг сиёсий фаоллигини ўстириш мақсадини қўйишган эди. Хива жадидлари маърифий ишлар билан кифояланиб қолмасдан, хон тузумига қарши кураш ҳам олиб бордилар. Биринчи жаҳон урушигача Хива жадидларининг ягона маркази ва дастурий ҳужжатлари бўлмаган. Бироқ жадидчилик ҳаракати Хива хонлигида катта ижтимоий – сиёсий кучга айланиб, 1914 йил августда жадидчилик «**Ёш хиваликлар**» партия шаклини олган. У ўз фаолиятини 1921 йилда якунлади

Ҳар қандай ҳаракатда бўлгани каби бу ҳаракат ҳам ўз иқтисодий асосига эга. Акс ҳолда у, бу даражада ривожланмаган бўлур эди. Жадидлар ҳар хил хайрия ва бошқа маданий – маърифий жамиятларини ташкил этиш, бой ва



Мирқомилбой Мирмўминбоев ва тижорагчи дўсти Ёқубжон Эшон Яҳёхўжа Эшон билан

бадавлат кишиларнинг ортиқча маблағларини миллат ва Ватан манфаати йўлида сарфлашга ҳам катта эътибор бердилар. Тошкентлик Сайидкарим Сайидазимбой ўғли, туркистонлик Саидносир Миржалилов (таниқли ёзувчи Ойбекнинг қайнотаси, 1884 – 1937), андижонлик Мирқомил Мирмўминбоев (1882 – 1918) ва бошқа бойлар жадидчилик ҳаракати ривожланишига катта иқтисодий ҳисса қўшдилар.

Жадидлар хайрия жамғармалари орқали истеъдодли ёшларни хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш, усули жадид мактабларини ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш, бу мактаблар учун ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратиш, хориждаги талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш ишлари билан шуғулланган.

1904 йил Хивада «**Жамияти хайрия**» тузилиб, унинг кўмаги билан 1904 йил 10 ноябрда Хива шаҳрида дастлабки янги усул мактаби очилди. 1908 йил «*Бухорои шариф ширкати*» тузилиб, дарсликлар нашр этиш ва китоб савдоси билан шуғулланди. Шу йили жадидлар томонидан Бухорода маърифий жамият – «**Тарбияи атфол**» («Болалар тарбияси») ташкил этган. Бу жамиятнинг асосчилари Абдувоҳид Бурҳонов, Мукамил Бурҳонов, Ҳамидхўжа Мекрий, Аҳмаджон Абдусаидов ва бошқалар. Жамият аъзолари сони 100 га яқин бўлиб, уларни Муҳиддин Мансуров, Садр Зиё моддий жиҳатдан қўллаб – қувватлаган. Жамиятнинг саъй – ҳаракати ва ёрдами билан 1908 йилда 14 та, 1911 йилда 15 та, 1912 йилда 30 та бухоролик ва туркистонлик ёшлар Истанбулда таҳсил олган. «Тарбияи атфол»нинг кўмаги асосида Фитратнинг «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи баёноти» ва «Сайҳа» асарлари, шунингдек, С. Айний, А. Бурҳонов, Икром домла ва бошқаларнинг китоблари Туркияда нашр этилиб, Туркистонда тарқатилган.

1909 йилда хайрия жамғармаларини ташкил этиш фаоллашди. Абдулла Авлоний ҳам «*Жамияти хайрия*» тузиб, етим болаларни ўқитган. 1909 йили Тошкентда Мунавварқори томонидан «*Жамияти Имдодия*» тузган. У ҳам мискин ва ожиз талабаларга ёрдам берар, ёшларни чет элга ўқишга юборишга ёрдамлашган. «*Кўмак*» хайрия жамияти ҳам Тошкентда 1909 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг таъсисчилари Мунавварқори Абдурашидхонов, Низомқори Ҳасанов, Абдулла Авлоний, Башарулла Асадуллахўжаев ва Тошхўжа Туёқбоевлар бўлди. «Кўмак» жадид мактабларига катта ёрдам кўрсатади ва истедодли ёшларни хорижга ўқишга юборишга кўмаклашган. Хориждаги таълим ёшлар дунёқарашида тубдан бурилиш ясади.

Жадидчилик ҳаркатида фаол иш олиб борганларнинг аксарияти шоиру ёзувчилар эди. Улар ўз асарлари билан тарихан янги миллий адабиёт яратдилар. Адабиётда маърифат ва озодлик ғоялари марказий мавзуга айланиб, давр воқеалари ўз аксини топди. Адабиётга «миллат» ва «ватан» тушунчалари кириб келди. Миллий шеърларга эътибор ва рағбат кучайди. Янги замонавий дostonчилик майдонга келди, публицистика (Бехбудий, Фитрат, Мунавварқори, Мирмуҳсин) ривожланди, реалистик проза шаклланди.

Жадид адабиётида драматургия яъни жадид драмаси энг сермахсул ва оммабоп жанр сифатида алоҳида кўзга ташланади. Жадид ғояларининг халққа ёйилиши, сингиши ва амалий натижалар беришида драматургия ва театр санъатининг таъсир кўрсатиши кучли бўлди. Шунинг учун ҳам жадид адибларининг аксарият йирик номаёндалари ўз ижодий – амалий фаолиятини драма ёзиш ва театр билан боғлиқ ҳолда олиб бордилар.

Жадидлар ўзбек халқи ҳаётига том маънодаги миллий театрни олиб кирди. Ўзбек миллий театрини шакллантиришда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг хизматлари ниҳоятда каттадир. 1912 йилда ёзилиб, 1913 йилда босилган «Падаркуш» драмаси Бехбудийга жуда катта шуҳрат келтирди. Гарчи биринчи ўзбек драмаси («Маҳрамлар») хронологияга кўра бир йилча олдин Наманганда Абдулрауф Шаҳидий томонидан эълон қилинган бўлсада, бу соҳада ҳам

карвонбоши бўлиб Бехбудий тарихга киради. Асар 1914 йилнинг 15 январиди Самарқанд ҳаваскорлари томонидан сахнага қўйилади.

Мунавварқори Абдурашидхонов ҳомийлигида 1913 йил Тошкентда муслмон драма санъати ҳаваскорлари жамияти – «Турон» номли биринчи театр труппаси очилган. Труппанинг бадиий раҳбари Абдулла Авлоний эди. Труппа ўз фаолиятини 1914 йил 27 февалида Тошкентдаги «Колизей» театри биноси (2000 томошабинли)да «Падаркуш» (М. Бехбудий) спектакли билан бошлаган. Тадқиқотчиларнинг маълумотига қараганда, «Падаркуш» пьесасидан кейин 1917 йилгача ўзбек драмаларининг сони 40 га етган. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон шаҳарларида турли труппалар вужудга



«Турон» труппаси аъзолари

келган. Шундай қилиб, миллий жаид адабиёти драматургияси ва театри пайдо бўлди.

Жаидлар хорижга қилган сафарлари асосида олинган билимлари таъсирида, ўзбек анъанавий мусиқа услубларини ҳам ислоҳ қилишга, яъни Европа кўп – овозли мусиқа санъатининг ютуқларидан унумли фойдаланишга даъват этишган. 1919 йилда Тошкентнинг Эски шаҳар қисми (ҳозирги «Турон» кутубхонаси ёнидаги бино)да жаидлар ташаббуси билан Туркистон халқ консерваториясининг миллий (эски шаҳар) бўлими ташкил этилди. Шу тарзда жаидлар санъат воситаси билан миллат қадрини кўтариш, санъатнинг деярли барча турларини юксалтиришга интилдилар.

Жаидчилик ҳаракатининг яна бир муҳим томони бу миллий матбуот ва журналистикасига асос солиниши эди. Туркистон жаидлари рус демократик ва инқилобий ҳаракатининг ютуқларидан ҳам самарали фойдаландилар. Император Николай II инқилобий – демократик ҳаракат босими остида 1905 йил 17 октябрда махсус манифестга имзо чекиб, демократия, матбуот ва сўз, ҳар хил йиғинлар ўтказиш эркинлигини жорий қилишга мажбур бўлди. Буни жаидлар катта қувонч билан кутиб олдилар. Мана шундан сўнг жаидлар миллат ҳимояси учун жанговар қалқон ва муаззам минбар бўлган газета ва журналларни ташкил этиш учун жуда шахдам курашадилар.

Жадидчилар фаолияти асосида шаклланган матбуот

№	Тошкент	
1	1906 йил 14(27) июнь	«Тараққий» гезетаси – муҳаррири Исмоил Обилий. «Тараққий» том маънодаги илк миллий нашр ҳисобланади. 19 сони чиққанидан сўнг «Тараққий» ёпиб қўйилган. Муҳаррири қамокқа олиниб, нашриётнинг мол – мулки мусодара қилинган. «Тараққий»нинг илк сони чиққан 27 июнь 1993 йилдан буён мамлакатимизда «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» сифатида нишонланади
2	1906 йил 7 сентябрь	«Хуршид» («Қуёш») – илк ўзбек газеталаридан бири. Муҳаррири Мунавварқори Абдурашидхонов. Ҳафтада 1 марта нашр этилган
3	1907 йил 1 декабрь	«Шухрат» гезетаси. Ҳафтада 2 марта чиқарила бошланган бу газетада расмий муҳаррир Абдулла Авлоний деб ёзилса-да, аммо амалда унга Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлик қилган
4	1908 йил 9 апрель	«Осиё» газетаси – муҳаррири Аҳмаджон Бектемиров. Жами 5 сони чиққан, мустамлакачи маъмурлар томонидан ёпилган
5	1914 йил 4 апрель – 1915 йил 10 апрель	«Садои Туркистон» («Туркистон овози») – газетаси муҳаррири Асадуллаҳўжаев Убайдуллаҳўжа
6	1915 – 1918 йилларда	«Ал – ислоҳ» – туркистонлик жадидлар ва сўл уламолар журнали. Муҳаррири Абдурахмон Содик ўғли (Сайёҳ). Ислом динини ислоҳ қилишга уринилган. 5 сони чиққач, фаолияти тўхтатилган
7	1917 йил февраль	«Нажот» газетаси – муҳаррири Мунавварқори Абдурашидхонов. Жами 20 сони чиққан
8	1917 йил июнь – сентябрь	«Кенгаш» газетаси. Туркистон мусулмонлари Марказий шўросининг наشري. «Нажот» газетасининг (1917 йил март – июнь) ўрнига чоп этилган. Газетага дастлаб тарихчи олим Аҳмад Закий Валидий, кейинчалик Мунавварқори Абдурашидхонов муҳаррирлик қилган. «Кенгаш» Туркистон мухторияти ғоясини кенг тарғиб қилган. Жами 16 сони чиққан. 1917 йил октябрда «Турон» газетаси билан бирлашиб, «Турк эли» номи билан нашр этилган

9	1917 йил	« Турон » газетаси – муҳаррирлари А. Авлоний ва М. Афандизода. Ҳафтасига 3 марта чоп этилган. 1917 йилнинг июлида нашр ишлари тўхтатилган бўлса-да, яна бир қанча муддат нашр этилган
10	1917 йил 25 апрель	« Улуғ Туркистон » газетаси – муҳаррирлари Содик Абдусатторов, Кабир Бакиров, П. Домогатский. Газета дастлаб (41 сонига қадар) «Туркестанские ведомости» матбаасида, кейинчалик «Умид» матбаасида чоп этилган (жами 155 сони чиққан). 137 – сонидан бошлаб газетанинг охириги саҳифаси кирил имлоси (русча)да берилган.
11	1917 йил 16 май	« Шўрои ислом » газета. «Шўрои исломия» жамиятининг наشري. Ҳафтада 2 – 3 марта чоп этилган. Муҳаррири А. Баттол. Газета 1917 йил июнда моддий муаммолар туфайли ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган
12	1917 йил сентябрь	« Турк эли » газетаси. «Туркистон Муслмон Марказият шўроси» ва «Турк Адам Марказият фиркаси»нинг нашр органи сифатида чиқа бошлаган. Сиёсий тузум ўзгариши билан газета фаолияти тез орада тўхтатилган
13	1918 йил май	« Турк сўзи » гезетаси – муҳаррири Темурбек Худоёрхонов. Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур даҳасида Саидалихужа Эшонхўжа ўғли болохонасида чоп қилинган. Ҳафтада 2 марта чиққан. Газета «Бирлашган турк ўртоқлиги» жамияти наشري ҳисобланган
№	Бухоро	
1	1912 йил 11 март – 1913 йил 12 январь	« Бухоройи шариф » газетаси – муҳаррири Мирзо Жалол Юсуфзода. Гезета Когон шаҳрида 1913 йилнинг 2 январигача тожик тилида чиққан. Дастлаб ҳафтасига 6 марта, кейин 3 марта нашр этилган. Жами 153 сони чиққан. « Бухоройи шариф » Россия бош сиёсий бошқармаси томонидан тақиқланган
2	1912 йил 14 июлдан 1913 йил 2 январигача	« Турон » газетаси – муҳаррири бухоролик Ғиёс махсум Ҳусайний. Янги Бухоро (ҳоз. Когон) шаҳрида нашр этилган мазкур газета ўзбек тилида дастлаб ҳафтасига 2 марта, сўнгра 3 марта нашр қилинган. Жами 49 сони нашр этилган

№	Самарқанд	
1	1913 йил 15 апрель	«Самарқанд» газетаси – муҳаррири М. Бехбудий. Ҳафтада 2 марта ўзбек, форс ва рус тилларида чиққан. 1913 йил 17 сентябрда 45 – сони чиққач, моддий қийинчилик сабабли тўхтаган
2	1913 йил 20 августда 1 – сони чиққан	«Ойна» – ўзбек тилидаги тўнғич журнали муҳаррири М. Бехбудий. 2 тилда – ўзбек ва форс тилларида чоп этилган. Журнал аввалига ҳафтада 1 марта 24 саҳифада, кейинроқ 15 кунда 1 марта 35 саҳифада чиқарилган. «Ойна» 1915 йилнинг 15 июнига қадар нашр қилинган. Жами 68 та сони чиққан
3	1917 йил 16 апрель	«Хуррият» газетаси – муҳаррирлари Ақобир Шомансуров, Мардонкул Шомухаммедов, Абдурауф Фитрат, Ҳожи Муин Шукрулло. Ҳафтада 2 марта чиқиб турган. Газета миллий ишлар комиссарлиги томонидан 1918 йил апрелда тўхтатилди
№	Қўқон	
1	1914 йил 3 апрель 1915 йил 26 май	«Садон Фарғона» («Фарғона овози») газетаси – муҳаррири қўқонлик Обиджон Маҳмудов (тахаллуси Обид Чаток). Газета асосан ўзбек тилида нашр қилинган. 1914 йилнинг 17 июлдан «Ферганское эхо» номи билан ҳафтада 3 марта рус тилида ҳам чиққан. Жами 122 сони чиқиб, сўнг тўхтатилган
2	1917 йил 8 сентябрь	«Эл байроғи» миллий газетаси – муҳаррири дастлаб Булат Солиев, кейинроқ Ашурали Зоҳирий. Қўқон шаҳрида «Ғайрат» кутубхонаси томонидан нашр этила бошлаган. 1917 йил 13 декабрдан кейин Туркистон мухториятининг расмий газетасига айланган. 20 сони чиқиб тўхтаган.
3	1917 йил	«Кенгаш» тараққийпарвар адабий журнали – муҳаррири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, кейинчалик М. Ризоий. Журнал 2 ҳафтада 1 марта чиққан. Жами 6 сони нашр этилган
4	1917 йил	«Юрт» журнали – муҳаррири Ашурали Зоҳирий

Миллий матбаанинг вужудга келиши билан китоб босиш иши йўлга қўйила бошланди. Тошкентда Мунавварқори, Абдулла Авлоний ва бошқалар 1911 йилда ташкил этган кўп тармоқли «Турон» номли жамият совет ҳокимиятининг дастлабки йилларигача самарали фаолият юритади. Унинг қошида юқорида таъкидланган театр труппаси «Турон» номли кутубхона ва нашриёт (1913) ҳам ташкил этилади. Булар бутун Туркистон бўйлаб

маърифат ва зиё, илм – фан тарқалиши, китоб чоп этиш ва босмахона ишлари ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Қўконда «Ғайрат» (1913), Самарқандда «Зарафшон», Тўрақўрғонда (Наманган вилояти) «Кутубхонайи Исҳоқия» (1908) номли кутубхоналар ташкил топади. Шунингдек, жаҳид босмахонаси ва китоб дўконлари анча кенг тармоқ отди.

Туркистон жаҳидлари, айниқса, биринчи жаҳон уруши даврида ўз фаолиятини кучайтирди. Тараққийпарвар ўзбек зиёлиларининг етакчиси А. Убайдуллахўжа 1913 йил Андижонда «Тараққийпарвар» деб ном олган зиёлиларнинг фирқасини тузади ва 1914 йилдан нашр этилган «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» газеталари фирқанинг асосий тарғибот кучи эди.

Жаҳидларнинг 1916 йил мардикорликка олиш воқеасига муносабати ғоятда эътиборга моликдир. Мардикорликка жўнатиш ҳақидаги оқ подшо фармони (1916 йил 25 июнь)ни бекор қилдириш учун Асадуллахўжаев Убайдуллахўжа рус революционер – демократи В.А. Чайкин билан бирга маҳаллий миллатпарвар бой Миркомил Мирмўминбоевнинг маблағи, хомийлигида Петербургга борди.

Давлат думасининг 1916 йил декабрдаги мажлисида фармон Россия империясининг қонунчилигида кўрсатилган ҳолларга зид равишда қабул қилингани исботлаб берилди. Фармон Думада муҳокама қилингунга қадар июнь – август ойида жаҳидлар ҳаракати орқали бир неча эшелон тўхтатиб қолинди. Жаҳидларнинг мардикорларни қайтаришга уринишлари 1917 йил февраль инқилоби бошланиши билан тўла амалга ошди. Бу ҳодиса эл орасида уларнинг обрўсини кўтарди. Мазкур ҳолат жаҳидлар маърифатпарварликдан сиёсий курашга аллақачон ўтганликларини билдирар эди. 1917 йилдан жаҳидчилик ҳаракати ўзининг янги босқичига қадам қўйган эди. Шундай қилиб, жаҳидлар халқ миллий – озодлик ҳаракатига ғоявий – мафкуравий ва ташкилий раҳбарлик қилишга муваффақ бўлади. Бу эса жаҳидчилик, бу даврга келиб Туркистонда катта таъсирчан ижтимоий – сиёсий кучга айланганлигидан далолат беради.

10 – мавзу: Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракат

Режа:

- 1. 1917 йил февраль инқилобининг Туркистон ижтимоий – сиёсий ҳаётига таъсири.**
- 2. Октябрь тўнтариши. Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.**
- 3. Миллий ҳукумат – Туркистон Мухторияти ва советлар андозасидаги автономия – Туркистон АССР.**
- 4. Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг тугатилиши. Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикаларининг тузилиши.**
- 5. Туркистон минтақасида совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат.**

Таянч сўз ва иборалар: 1917 йил февраль инқилоби, Шўрои Исломия, Шўрои Уламо, Иттифоқи муслимин. Октябрь тўнтариши, Туркистон Мухторияти, Туркистон АССР, «Ёш хиваликлар», Хива хонлигининг ағдарилиши, «Хоразм халқ совет республикаси (ХХСР)», «Ёш бухороликлар», Бухоро амирлигининг ағдарилиши, «Бухоро халқ совет республикаси (БХСР)». Истиқлолчилик ҳаракати, Фарғона, Бухоро ва Хоразм кўрбошилари.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон халқи ўз йўлидан қайтмайди. Асарлар, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 302-320.
2. Агзамхўжаев С. История Туркестанской автономии: (Туркистон мухторияти). – Т.: Тошкент ислом университети, 2006.
3. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. – Т.: Маънавият, 2000.
4. Иброҳим Карим. Мадаминбек. – Т.: Ёзувчи, 1993.
5. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. – Т.: Университет, 2002.
6. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Т.: Шарқ, 2000. –С. 80-112.
7. Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). – Т.: Шарқ, 2001.
8. Хўжаев Мансурхўжа. Кўрбоши Шермухаммадбек / Р. Шамсуддинов, Қ. Ражабовлар таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2008.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. –Б. 51-102.
10. Ўзбек давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарқ, 2001. –Б.172-185.
11. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 381-426.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1, 2, 3 ... жилдлар.

13. Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий – сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи чораги) / Масъул муҳар. Қ. Ражабов. –Т.: 2007.
14. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. К.3. – Андижон: 2004. –Б. 59-101, 134-205.
15. Usmonov Q. Ozbekiston tarixi. – Т.: IQTISOD – MOLIYA, 2006. –В. 218-247.
16. Shamsutdinov R. va boshq. Vatan tarixi. (XVI – XX asr boshlari); К.2 / Mas’ul muharrirlar: O’. Mavlonov, Q. Usmonov. – Т.: Sharq, 2010. – В.10-185.

1. 1917 йил февраль инқилобининг Туркистон ижтимоий – сиёсий ҳаётига таъсири. Россия империясининг Антанта таркибида туриб биринчи жаҳон уруши (1914 – 1918)да иштирок этиши мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий инқирозларга олиб келди. Бу уруш 1917 йил 27 февраль инқилобининг асосий сабабларидан бири бўлди. Мазкур инқилоб натижасида император Николай II тахтдан ағдарилди ва у 2 (15) мартда тахтдан воз кечди. Бу билан Россиядаги Романовлар сулоласининг уч юз йиллик монархистик ҳокимияти барҳам топади. Монархия сиёсий тузумининг барҳам топиши Россия империяси ва унинг турли ҳудудларида ҳам ижтимоий – сиёсий вазиятнинг кескин ўзгаришига олиб келди. Бунинг натижасида Россияда икки ҳокимиятчилик вужудга келди:

➤ Биринчиси, князь Г.Е. Львов бошчилигида буржуа – помещиклар вакилларида иборат – Муваққат ҳукумат. Давлат думаси бу ҳукуматга мамлакатни бошқариш ва Таъсис мажлисини чақириб ҳокимият масаласини узил – кесил ҳал қилиш вазифасини топширади. Муваққат ҳукумат 1917 йил 2(15) мартдан 25 октябрь (7 ноябрь) гача фаолият юритган.

➤ Иккинчиси, Ишчи, аскар, деҳқон депутатлари Советлари. Бу ҳукумат ишчи ва деҳқонларнинг демократик диктатура органи бўлган, унга меншевиклар, кадетлар ва эсерлар бошчилик қилдилар.

Агар буржуазия Муваққат ҳукумати мамлакатни юқоридан туриб бошқарадиган орган сифатида фаолият юритиб, аста - секинлик билан ҳокимият муруватларини ўз қўлига олиб борган бўлса, ишчи, аскар, деҳқон депутатлари советлари эса ҳокимиятни қўйдан бошқаришда қатнашиб бордилар. Уларнинг ҳокимият органи – Петроград Совети худди шу йўналишда фаолият юритди.

Подшо Николай II нинг тахтдан кетганлиги тўғрисидаги хабар Тошкентга 28 февралда кечаси етиб келди. Аммо Туркистон генерал – губернатори Куропаткин монархиянинг қайта тикланишидан умидвор бўлиб бу хабарни халққа билдиришни истамади. 3 мартда февраль инқилобининг ғалабаси тўғрисидаги телеграмма матбуотда босилгач, унинг сири фош бўлди. Бу инқилобга нисбатан мамлакатимиз жадиждилари ҳам хайрихоҳлик ҳисси билан қараб баҳо берадилар. Жумладан, Абдулхамид Чўлпон февраль инқилобини 1789 – 1793 йиллардаги буюк француз республикасига ўхшатган эди.

1917 йил февраль инқилоби ўлка туб ерли халқлари учун хуррият, мустақиллик ва миллий мухториятга йўл очди. Унинг таъсири остида Туркистон ўлкасида оммавий миллий озодлик ҳаракатлари авж олиб кетди. Туркистоннинг йирик шаҳарлари ҳисобланган Тошкент, Самарқанд, Скобелев (Фарғона), Андижон, Когон (Бухоро), Наманган, Қўқон, Петро – Александровск (Тўрткўл) ва бошқа жойларда кўп минг кишилик митинг ва намойишлар бўлди. Масалан, 5 март Самарқанд шаҳрида кўп минг кишилик митинг уюштирилди. Когондаги намойишчилар сони 6 минг кишига етди. 7 март Петро – Александровскда бўлган оммавий митингга Амударё гарнизони аскарлари ҳам қатнашдилар.

Ушбу митинг ва намойишларнинг ташаббускорлари ва қатнашчилари асосан Россиядан Туркистонга келган ўзга миллатларнинг вакиллари бўлса-да, туб ерли маҳаллий халқлар ҳам бундай митинг ва намойишларни уюштирганлар. Туркистон ўлкасининг бир қатор уезд ва шаҳарларида жадиждлар ва уламолар раҳбарлигида туб ерли аҳоли қатнашган митинг ва намойишлар бўлиб ўтди. Жумладан, 6, 9 ва 13 март кунларида Тошкентнинг Эски Жува, Шайхонтоҳур ва бошқа мавзеларида жадиждлар ташаббуси билан мусулмон аҳлининг кўп минг кишилик митинг ва намойишлари уюштирилди. Демократик инқилоб ва унинг мақсад – вазифаларига катта умидворлик билан қараган жадиждлар, меҳнаткашлар оммасини миллий истиқлол, эрк ва озодлик учун миллий бирлик, жипслик ва аҳилликка чақирдилар. Ана шундай митинглардан бири 1917 йилнинг 9 мартда Тошкентнинг Чорсу майдонида бўлиб ўтди. Жоме масжиди олдида тўпланган 20 минг кишилик митингни жадиждларнинг «Турон» жамияти уюштирди ва унга Мунавварқори Абдурашидхонов, Исломбек Худоёрхонов ва бошқа жадиждлар раҳнамолик қилдилар. Ана шундай митинг Андижонда, Жоме масжиди олдида бўлди. Унда «Тараққийпарвар»чи 27 ёшли Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев нутқ сўзлаб феврал инқилоби моҳиятини тушунтириб берди.



Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев
(1891 – Тошкент – 1938.4.10)

Инқилобнинг таъсири остида Туркистонда янги сиёсий кучларнинг ҳокимият тузилмаларини барпо қилиш юзасидан рақобат жараёни бошланиб кетди.

1917 йил 31 мартда Туркистон генерал – губернаторлиги ағдариб ташлангандан сўнг унинг ўрнида асосий бошқарув 7 апрелда Петрограддаги Муваққат ҳукумат қарори билан тасдиқланган Туркистон қўмитаси (комитети) қўлида жамланган эди. Туркистон қўмитаси билан бир қаторда ҳамма жойда Муваққат ҳукуматнинг маҳаллий органлари – ижроия қўмиталар, жамоат хавфсизлиги қўмиталари ҳам тузилган. Муваққат ҳукуматнинг вилоят ва уезд комиссарлари эса ижроия қўмиталарга таяниб иш олиб борган. Кадет Н.Н. Шчепкин раислигида Туркистон қўмитаси Фарғона, Самарқанд, Сирдарё,

Каспийорти ва Етгисув вилоятлари, шунингдек Хива ва Бухоро доирасида ваколатга эга бўлиб, унга «мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва Туркистон ўлкасини тузиш» вазифаси юкланди. Қўмита таркибига 9 киши кирган бўлиб, уларнинг 4 нафари Алиҳон Букейхонов, М. Тинишбоев, Садри Мақсудов, А. Давлетшинлар туркий халқлар вакиллари эди. Кейинчалик Туркистон қўмитанинг таркиби ўзгартирилди.

1917 йил баҳоридан Москва ва Петроград ишчи ва аскар депутатлари советининг даъватига мувофиқ, бутун Туркистонда ишчи ва аскар депутатлари Советлари тузила бошланди. Туркистонда ишчи депутатларининг биринчи совети Тошкентда 2 мартда Ўрта Осиё темир йўли бош устахонасида рус ишчилари ташаббуси билан ташкил этилади. Шу куни бўлиб ўтган митингда совет таркибига 12 киши сайланди. 3 мартда Тошкент ишчи депутатлари совети, 4 мартда эса Тошкент горнизони аскарларининг депутатлари совети ташкил топди. 28 мартда бўлиб ўтган мажлисда улар ишчи ва аскар депутатлари ягона Тошкент Советига бирлашдилар. Ана шу советнинг чақириғи билан Туркистон ўлкасининг Тошкент, Самарқанд, Скобелев, Асхобод, Чимкент, Қўқон каби йирик шаҳарлари ва ишчи посёлкаларида ана шундай советлар тузила бошлади. 1917 йил мартининг охирига бориб, ўлка худудида ишчи ва аскар депутатларининг 75 совети бор эди. Лекин советларнинг сайланган депутатлари асосан европалик миллатлар вакилларини ташкил этарди. Советларда дастлаб эсерлар, кадетлар ва меньшевиклар партиялари аъзолари кўпчиликни ташкил қилган бўлса, кейинчалик сўл сиёсий экстремистик кучлар: большевиклар ва сўл эсерлар етакчи мавқени эгаллай бошлади. 1917 йил апрель – октябрь ойларида Туркистон ишчи ва аскар депутатлари Советларининг 2 та ўлка съезди (биринчиси, 7 – 15 апрелда, иккинчиси, 30 сентябрь – 10 октябрь кунлари) Тошкентда бўлиб ўтган.

Туркистонда ишчи ва аскар депутатлари Советларидан ташқари деҳқон депутатлари Совети ҳам тузилган. 1917 йил 16 ноябрь ишчи ва аскар депутатлари советларнинг III ўлка съездида деҳқон депутатлари Совети қўшилди ва ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Советлари номини олган.

Маҳаллий туб ерли аҳоли тили, дини, урф – одати, мақсад – муддаоси бошқа бўлган бундай советларга эргашмади, уларга ишонмади ва кофирлар дея бегонасираб қаради. Маҳаллий аҳоли асосан мусулмон уламолари ва жадидлар ташаббуси ва раҳбарлигида ташкил этилган мусулмонлар ишчи, деҳқон депутатлари советларига эргашдилар ва уларни қўллаб – қувватладилар. Бундай советлар Тошкентнинг Эски шаҳарида, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Андижон ва бошқа вилоятларда ташкил топди. Мусулмон ишчи – деҳқон советлари ўз мажлисларида ҳаракат бирлигини таъминлаш ва омманинг сиёсий курашига бошчилик қилиш мақсадида сиёсий ташкилот тузишга киришдилар. Ана шундай ташкилотлардан дастлабкиси «*Шўроу Исломия*» («*Ислом кенгаши*») эди. Ушбу ташкилот (жамият) 1917 йил 14 март Тошкентда халқ вакиллариининг биринчи мажлисида тузилган. Мажлисида

ташкilot фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи 15 кишидан иборат раёсат ҳам сайланди. Раёсатни жадиждларнинг раҳбарларидан бири Мунавварқори Абдурашидхонов бошқарди.

1918 йил баҳоригача фаолият олиб борган «Шўрои Исломия»га дастлаб Абдулвоҳидқори Абдурауфқори ўғли, кейинчалик Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев раис қилиб сайланган. Ташкilot фаолиятида Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мустафо Чўқай, Аҳмад Закий Валидий, Ислон Султон Шоаҳмедов, Тошпўлат Норбўтабеков каби маърифатпарварлар фаол қатнашган. 1917 йил апрель ойидаёқ ташкilotнинг Самарқанд, Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон, Скобелев (Фарғона), Марв, Туркистон, Ўш ва бошқа шаҳарларда шўьбалари (бўлим) тузилиб, улар аҳоли орасида қизғин фаолият юритдилар. 1917 йил 16 майдан ташкilotнинг «Шўрои ислом» номли газетаси ҳам чиқарилган. «Шўрои Исломия» таъсирида жойларда турли номларда ташкilotлар тузилди. Улар:

- Тошкентда — «Турон», «Иттиҳоди тараққий»;
- Андижонда — «Озод халқ», «Хуррият», «Маърифат», «Муфтахул маориф»;
- Самарқандда — «Мирваж-ул Ислон», «Клуб Исломия», «Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи»;
- Каттақўрғонда — «Равнақ-ул Ислон», «Гулистон»;
- Хўжандда — «Муайин ат-толбин» каби ташкilot ва тўғараклар.

М. Бехбудийнинг «Хақ олинур, берилмас», Мунавварқорининг «Хуррият берилмас, олинур» шиорлари уларнинг чинакам кураш байроғига айланган эди.

Жадиждлар, миллий зиёлилар ва ислом уламоларининг етакчилари, айниқса «Шўрои Исломия» ташкilotи саъйи – ҳаракати билан 1917 йилнинг ўзида 4 марта Бутунтуркистон мусулмонлари қурултойи (съезд) ўтказилди. «Шўрои Исломия»нинг ташаббуси билан **Бутунтуркистон мусулмонларининг I – қурултойи** 1917 йил 16 – 23 апрелда бўлиб ўтди. Унда Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолиси вакилларида 150 киши иштирок этди. Қурултой хайъати таркибида Мустафо Чўқаев, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Шерали Ляпин, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Собиржон Юсупов, Аҳмад Заки Валидий, Содик Саттаров, Ислон Шоаҳмедов, Серикбой Акаев, Аҳмадбек Қўйбоқаров, Абдурахмон Ўразаев, Мулла Абдулжаббор Маҳмудовлар аъзо эди. Қурултой ишида муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси раҳбари Н. Шчепкин ва қўмита аъзолари А.Давлетшин, С. Мақсудий, М. Тинишбоевлар ҳам иштирок этдилар. Қурултойнинг кун тартибига 16 масала қўйилган.

Қурултой Россияда бошқаришнинг бўлажак шакли ва Туркистон мусулмонларининг ташкилий



Ахмадзхан Ахметшайев Валидий
Муҳажирликда – Ахмад Закий Валидий Тўгон (1890.10.12,
Уфа губернияс, Бошқардистон – 1970.26.7, Истанбул, Туркия)

бирдамлиги масаласига алоҳида аҳамият берди. Аҳмад Заки Валидий «Давлатни бошқариш ва уни ташкил этиш ҳақида»ги маърузаси билан катнашиб, федерация ғоясини илгари сурди. Бу ғояни таниқли жадиидчилар Маҳмудхўжа Бехбудий, Обиджон Маҳмудов, Муҳаммаджон Тинишпаев ва Вадим Чайкинлар қўлладилар. Аммо бундан кейинги сўз олган жадиид Садри Мақсудий, Кабир Бакир ва бошқалар эса федерацияга қарши сўзлаб, «Демократик Россия Республикаси» деган жумлани ишлатишни илгари сурдилар. Бу ғояни Мунавварқори Абдурашидхонов ва Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевлар қувватлаган бўлсаларда кейин улар ўз ғоявий муносабатларини ўзгартириб, федералистлар қаторига ўтган.

Курултой Туркистоннинг бўлажак давлат қурилиши масаласига катта эътибор берди. Мунавварқори Абдурашидхонов, Мустафо Чўқаев ва Садри Мақсудийлар миллий – худудий бошқариш ғояси талабига қарши чиқдилар. Уларнинг фикрича, мусулмонлар ер – сув ишларини бошқаришни ўзлари уддалай олмайдилар. Шу боис ҳозирча маданий – маърифий масалалардагина мухториятга эришишнинг ўзи етарлидир. Умуман ушбу масалада яқдиллик бўлмади: Туркистон, Қирғизистон, Кавказ ва Қрим мусулмонлари вакиллари курултойда федератив жумхурият тарафдорлари бўлдилар. Шу боисдан улар ўзларини «федералистлар» деб атадилар. Волгабўйи мусулмонлари вакиллари эса унитар, яъни ягона, бир бутун қўшма республика тарафдори бўлганликларидан улар тарихда «унитаристлар» номини олдилар.

Курултой катнашчилари демократик ва федератив тамойиллар асосида тайёрланадиган Россиянинг бўлажак конституциясида мусулмонлар учун тенг ҳуқуқлилик таъминланишини талаб этдилар. Мазкур конституцияда барча вилоятлар қаторида Туркистон ўлкасига ҳам кенг мухторият ҳуқуқини берадиган Россия Федератив Демократик Республикаси асосланишини илгари сурдилар.

Бутунтуркистон мусулмонлари I курултойининг сўнгги мажлисида марказий раҳбар орган — **Туркистон ўлка мусулмонлар совети (Краймуссовет)**ни тузиш тўғрисида ғоятда муҳим қарор қабул қилинди. Туркистон ўлка мусулмонлар советининг биринчи йиғилишида унинг марказий органи – **Марказий Совет** (баъзи адабиётларда **Миллий марказ**) тузилди. Мустафо Чўқаев Марказ раиси, Мунавварқори Абдурашидхонов раис муовини, Аҳмад Заки Валидий Тўғон котиб, Маҳмудхўжа Бехбудий, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва бошқалар аъзо этиб сайландилар. Марказий Совет зиммасига ўлкадаги барча тарқоқ, бири – бири билан боғланмаган, низом ва дастурга эга бўлмаган жамият ва ташкилотларни бирлаштириш вазифаси юкланди. Заки Валидий Тўғон маълумотиغا кўра, фақат Тошкент шаҳрининг ўзида 20 га яқин жамият ва ташкилотлар бўлган. Андижонда шундай жамиятлар сони 47 тага етган. Бу тарқоқ жамият ва ташкилотларни бирлаштириб, бошини қовуштиришда курултой қарорига асосан Марказий Советнинг жойларда шўъба (бўлим)ларининг ташкил этилиши ғоят муҳим ўрин тутди. Самарқанд шўъбасини Маҳмудхўжа

Бехбудий, Фарғона шўъбасини Носирхон Тўра, Тошкент шўъбасини Мунавварқори Абдурашидхонов бошқарди.

1917 йил 12 июнда Туркистон ўлка мусулмонлар советининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳукумат Низоми қабул қилинди. Мазкур низомга кўра барча шаҳар, уезд, волост, мусулмон советлари ва «Шўрои Исломия», «Равнакул ислом», «Мирваж ул-ислом», «Муаллимлар жамияти», «Талабалар жамияти» каби мусулмон жамият ва ташкилотлари миллий ва синфий тафовудларига қарамасдан мусулмон депутатлари волост, уезд ва шаҳар Советларига бирлашашлари, уларининг ҳаммаси биргаликда мусулмон депутатлари Туркистон Марказий Советига бўйсунилари лозим эди. Марказий Советнинг органи сифатида «Нажот» (муҳаррири – Мунавварқори), кейинчалик «Кенгаш» (муҳаррири – Валидий) газеталари чиқа бошлади. Шунингдек, 1917 йилда нашр қилинган «Улуғ Туркистон», «Турон» газеталарида мухториятчилик ғояси билан суғорилган мақолалар чоп қилинди.

Шундай қилиб, 1917 йил баҳорида Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги томон муҳим қадам ташланди. Афсуски, бирлашиш жараёнлари ҳар доим ҳам бир текис ривожланмади. «Шўрои Исломия» атрофида уюшган ватанпарвар жадиждиларнинг бир қисми «Қадимчилар» эди. Тараққийпарвар зиёлилар (жадидлар) билан эскилик тарафдорлари бўлган айрим уламолар (қадимчилар) ўртасидаги келишмовчиликлар «Шўрои Исломия» ташкилоти сафида тарафкашлик юз беришига олиб келди. 1917 йил июнь ойида Мунавварқори бошчилигидаги «Шўрои Исломия» ташкилотидан **«Шўрои Уламо» («Уламолар кенгаши»)** ажратиб чиқди. Шерали Лапин унинг Тошкент шўъбасига асос солди. 1917 йил 28 августда Қўқон шаҳридаги Жомеъ мадрасасида «Шўрои Уламо» жамиятининг йиғини бўлди. «Шўрои Уламо» ташкилоти аъзоларининг 1917 йил 1 сентябрда қабул қилинган баённомасига асосан Қўқонда ҳам «Шўрои Уламо» жамияти тузилди (раиси Мулла Муҳиддинхон Мулла Улуғхон Тўраев, котиби Имом Назар Эрназар Мирзаев). 1918 йил 13 майгача иш олиб борган бу жамият дастури ва низомига кўра, ички сиёсий тузилмада шариат қонунларига қатъий риоя қилиш, миллий – диний қадриятларни юксалтиришга даъват этилган ва мадрасаларни иқтисодий қўллаб – қувватлаш айтилган. Бироқ дастурда маиший турмуш ва аёллар масаласида консерватив қарашлар устунлик қилган. Уламочиларнинг орасида ҳам ҳокимият масаласида турли қарашлар мавжуд бўлган. Жамиятнинг дастурида ислом динининг анъанавий асослари бўйича иш кўриш белгиланган бўлса-да, аммо Ш. Лапин бошчилигидаги Тошкент уламочилари аввал рус монархияси, сўнгра болшевиизм ғоялари билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришга беҳуда уриндилар. Тошкентлик уламочилардан фарқли равишда Қўқондаги «Шўрои Уламо» аъзолари болшевикларга қарши чиққан ва Туркистон мухторияти ҳукуматини қўллаб – қувватлаган. Жамиятнинг «ал-Изоҳ» (муҳаррир Абдумалик Ҳожи Абдунабиев; 1917 йил июнь – 1918 йил май), «ал-Ислоҳ» (муҳаррир Абдурахмон Сайёҳ; 1917 – 1918) журналлари

нашр этилган. Уларда даврнинг долзарб муаммолари: диний, ахлоқий, илмий, иқтисодий, ижтимоий масалалар ёритиб борилди.

1917 йил 12 – 14 июлда Скобелев (ҳозирги Фарғона) шахрида вилоят мусулмон ташкилотларининг қурултойи бўлиб ўтган. Унда дастурий масалалар ҳам кўриб чиқилиб, унда «**Турк адами марказияти (Туркистон федералистлари)**» фирқаси (партия) тузилганлиги эълон қилинди ва фирқанинг Дастури (маромномаси) ва 22 моддадан иборат Низоми қабул қилинган. Дастур ва Низомда Россия таркибида мусулмонлар ижтимоий ҳаётининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда Туркистонда миллий – ҳудудий мухторият принциплари негизида демократик республика тузиш ғояси чуқур асосланган эди.

1917 йил 10 (7) – 11 сентябрь **Бутунтуркистон мусулмонларининг II қурултойи** бўлган. «Шўрои Исломия» ташаббуси билан қурултой очилди. Унда қуйидаги мазмунда қарор қабул қилинди: «Қурултой (съезд) ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Советларига ҳокимиятни беришга қарши чиқадилар. Ҳокимият коалициявий бўлмоғи ва мамалакатнинг барча кучларига таянмоғи, яъни умумхалқники бўлмоғи лозим».

1917 йил 17 – 20 сентябрь кунлари «Шўрои уламо» ташаббуси билан Тошкентда Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойи ўз ишини олиб борди. Унда 500 нафар халқ вакиллари қатнашдилар. Қурултойда давлат ҳокимиятнинг номиллий ишчи, аскар ва деҳқон советлари қўлига ўтишига қатъий норозилик билдириб, барча миллат, идора, табақа вакилларидан иборат мухтор ҳукумат тузилиши ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарорда Россия демократик республикаси таркибида Туркистон Федератив Республикасини ташкил этиш белгиланиб, унинг таркиби 12 кишилик Туркистон ўлка қўмитаси, 5 йиллик муддатга сайланувчи 24 кишилик «Маҳкамаи Шария» (Парламент) ҳамда ҳамда «Шайхул ислом» (Бош прокурор) тузиш ва улар Россия Конституциясига мувофиқлаштирилган шариат қонунлари асосида фаолият юритиши кўрсатилди.

Қурултойда «Шўрои исломия», «Шўрои уламо», «Турон» ва бошқа сиёсий ташкилотлар бирлаштирилиб, Туркистон ва Қозоғистон учун умумий бўлган «**Иттифоқи муслимин**» деган сиёсий партия тузилди. Уламочилар ва шўрои исломчилар ўзаро бирлаштирилган бўлса ҳам, аслида том маънодаги бирлашув бўлмаган. Октябрь тўнтаришидан сўнг «Шўрои Исломия» ўз қароргоҳини Тошкентдан Қўқонга кўчиришга мажбур бўлган (1917 йил ноябрь).

Мазкур қурултойда сиёсий масалалар билан бир қаторда иқтисодий муаммолар ҳам ҳал қилинади. Жумладан, аҳоли ўртасида кучайиб бораётган очарчилик балосини олдини олиш учун Туркистон ўлкасида пахта экишни тўхтатиб, фақат буғдой ва бошқа бошоқли экинлар экишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Шу тариқа, Туркистонда Россиядаги каби икки ҳокимиятчилик эмас, балки қуйидаги уч ҳокимиятчилик пайдо бўлди:

➤ Биринчиси, Россия Муваққат ҳукуматининг вақтли Туркистон кўмитаси;

➤ Иккинчиси, Туркистондаги ишчи ва аскар (кейинроқ деҳқон) депутатларининг маҳаллий ва марказий Советлари.

➤ Учинчиси, жаҳидларнинг «Шўрои исломия» ташкилоти (жамияти) ва унинг жойлардаги шўбалари, Тошкентда Туркистон ўлка мусулмонлари совети (Краймуссовет) – Марказий Совет (баъзи адабиётларда Миллий марказ);

Туркистон жаҳидлари ва зиёлилари ўз фаолиятида бошқа минтақалардаги мусулмонлар оммаси ва уларнинг илғор вакиллари билан ҳам яқиндан ҳамжиҳат бўлишга интилдилар. Бунда Бутунроссия мусулмонлари қурултойлари муҳим аҳамият касб этди. 1917 йил 1 – 2 май кунлари Москвада Бутунроссия мусулмонлари I қурултойи бўлиб ўтган. Унда Туркистон, Бухоро ва Хивадан ҳам делегатлар қатнашди. Кўрилган асосий масалалардан бири — мустамлака бўлган мусулмон ўлкаларнинг давлат тузилиши ва бошқаруви қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги масала бўлди. Унда мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилувчи давлат қурилиши шаклан миллий – худудий, федерация асосидаги демократик республика бўлиши таъкидланди. **Қурултойда Бутунроссия Мусулмонлари Совети**, унинг **Ижроия Кўмитаси** таъсис этилди. Ижроия Кўмигага Туркистон вакилларида У. Асадуллаҳўжаев ва И. Шоаҳмедовлар аъзо этиб сайландилар.

Бутунроссия мусулмонларининг II қурултойи 260 делегат иштирокида 1917 йил 21 – 31 июль кунлари Қозон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Туркистон, Қозоғистон, Кавказ ва Қримда давлат бошқарувини маҳаллий халқларнинг ўзи ҳал этиши, мусулмон ҳарбий кўшинларини ташкил этиш учун **Бутунроссия Марказий Ҳарбий Советини** таъсис этиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Бу қурултойлар Россия кўли остидаги барча мусулмон ўлкалари, жумладан, Туркистонда миллий мухтор ҳукумат тузилишига катта ёрдам берди. Шунингдек, умуммусулмон ижтимоий – сиёсий, миллий истиқлол ва жаҳидчилик ҳаракати бирлиги, ўзаро ҳамкорлиги янада ривожланди.

2. Октябрь тўнтариши. Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Россия Муваққат ҳукумати февраль инқилобидан кейин ўзининг мамлакатдаги таъсирини кучайтириш борасида кўплаб тадбирларни амалга оширди. Бироқ Россиянинг урушда иштирок этишини тўхтатиш ўрнига уни ғалабагача давом эттириш борасидаги қарори, шунингдек, деҳқонларга ерни, ишчиларга завод – фабрикаларни бериш талаблари ва миллий масалаларни ҳал қилишдаги сусткашлиги ва катъиятсизлиги умуммиллий инқирозни авж олди. Бундай вазиятдан большевиклар устамонлик билан фойдаландилар. 1917 йил 24 октябрда қурол кучига таянган В.И. Ленин бошчилигидаги большевиклар (коммунистлар) Петроградда давлат тўнтарилишини амалга оширишга киришди. 25 октябрда (янги сана билан 7 ноябрда) большевиклар партияси зўравонлик йўли билан Муваққат ҳукуматни ағдариб ташлади.

Худди шу куни кечкурун большевиклар томонидан Петроградда Бутунроссия Советларининг II съезди (курултойи) чакирилди. Унда ер ва сулх тўғрисида декретлар қабул қилиб, Ленин бошлиқ Совет ҳукумати – Халқ Комиссарлар Совети тузилди ва Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси сайланди. Совет ҳукумати нафақат Марказда, балки шу билан бирга собиқ Россия империяси тасарруфидаги барча ҳудудларда ҳам ўз ҳокимиятини қарор топтиришга интилдилар.

1917 йил кузида Туркистонда ҳокимиятнинг Советлар кўлига ўтиши учун объектив шарт – шароитлар йўқ эди, Негаки, бу замин аҳолиси большевиклар партияси дастурида назарда тутилган социалистик ўзгаришлар орқали ҳамма нарсани умумлаштириш ва миллийлаштиришни ёқтирмасди. Маҳаллий халқ ўзининг тарихан таркиб топган, асрлар давомида шаклланган ўзига хос турмуш тарзини, яшаш шароитини, хўжалик юритиш, идора қилиш тартиб – қоидаларини бир лаҳзада тубдан ўзгартиришни хоҳламасди. Бу нарса унинг онги, тафаккурига, миллий ўзлиги ва маънавий қиёфасига мос келмасди. Айниқса большевикларнинг атеистик руҳдаги мафқураси, унинг ҳужумкор йўналиши ислом кадриятлари доимо эъзозланиб келинган бу юрт одамларининг руҳияти ва дунё қараши билан сингиша олмасди. Бир сўз билан айтганда, маҳаллий туб ерли аҳоли табиий равишда октябрь ғояларини қабул қилмади ва унга мойиллик кўрсатмади. Туркистонда асосий сиёсий кучлар эсерлар ва миллий партиялар эди. Октябрь тўнтариши ҳақидаги хабар 27 октябрда Тошкентга етиб келган. Бу хабарни Бутунроссия Советларининг II курултойида Туркистон номидан вакил бўлиб қатнашган А. Фролов ва Д. Деканов (Самарқанд) телеграф орқали юборган эди. Бундай хабар Ф. Колесов орқали ҳам ўлкага узатилган эди. Бу хабарнинг етиб келиши билан большевиклар ва сўл эсерлар ҳокимиятни зўравонлик йўли билан эгаллаш учун кураш бошладилар.

Тошкентда фаолият кўрсатаётган, асосий таркиби европалик аҳоли вакилларидан иборат ҳарбий қисмлар, ишчи отрядлари маҳаллий большевистик ташкилотлар бошчилигида қуролли кўзғолон йўли билан совет ҳокимиятини қарор топтиришга киришдилар. Большевик В.С. Ляпин бошчилигида инқилобий қўмита тузилди ва кўзғолон бошланди. 1917 йил 28 октябрь куни эрталаб Тошкентда европалик қуролланган ишчилардан иборат бир неча минг киши иштирокида кўзғолон бошланган. Тўрт кунлик жанглардан сўнг 1 ноябрга келиб Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Қўмитаси ағдарилди. Генерал Коровиченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Қўмитаси аъзолари қамоққа олинди. Тошкентнинг янги шаҳар қисмида совет ҳокимияти ўрнатилди. Бироқ қуролли тўқнашувда маҳаллий аҳоли иштирок этмади. Ҳокимиятнинг советлар томонидан босиб олиншини тараққийпарвар кучлар (Фитрат, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Мунавварқори, Мустафо Чўқай, Шерали Лапин ва б.) кескин қоралашган. Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятини ўрнатиш жараёни қонли, фожиали воқеалар билан боғлиқ ҳолда кечди. Жумладан, Фарғона вилоятида совет ҳокимиятини ўрнатиш жараёнида,

Марғилонда 7 минг, Андижонда 6 минг, Наманганда 2 минг бегуноҳ кишилар киргин қилинди.

Шу тариха бирин-кетин Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти ўрнатилди. Хусусан, 1917 йил 1 ноябрда Термиз ва Каттакўрғонда, 8 ноябрда Сирдарё вилоятида, 25 ноябрда Янги Бухоро (Когон)да, 28 ноябрда Самарқандда, 30 ноябрда Жиззахда, 13 декабрда Самарқанд вилоятида, декабрь ойи давомида Каспийорти вилоятида, Фарғона вилоятида эса декабрь ойи охири 1918 йил январь ойининг бошларида советлар ҳокимияти қарор топади.

1917 йил 12 – 15 ноябрда Тошкент шаҳрида «Шўрои Уламо» ташкилотининг етакчиси Шерали Лапин раислигида «Турли мусулмон гуруҳларининг бирлашган кенгаши» ўтказилган. Кенгашда кўзда тутилганидан кўп иштирокчилар катнашгани учун унга **III ўлка мусулмонларининг қурултойи** мақомини бериш зарур деб топилди. Қурултойнинг асосий вазифаси *«Туркистон ҳокимиятини ташкил этиш тўғрисида»*ги масалани кўриб чиқиш эди. Бу масалани ҳал қилиш чоғида биринчи ўринга маҳаллий аҳоли манфаатларини қўйди ва айни вақтда ўлкадаги «европалик» аҳоли манфаатларини ҳам камситмади. Мусулмонларнинг III ўлка қурултойи миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилашлари ва уларнинг умуминсоний тараққиётга эришишлари Қуръони Каримда айтилганидек ва шариатда кўрсатилганидек бўлмоғи кераклигини қайд этади. У Туркистонда ҳокимиятини ташкил этиш бўйича резолюция қабул қилган. Резолюцияда кўрсатилишича, ўлкада ҳокимият 12 кишидан иборат вакиллардан ташкил топган «Туркистон ҳукумати қўмитаси (Туркистон Ижроия Комитети)»га топширилиб, унинг органи бўлган «Туркистон ўлка кенгаши»ни назорат қилиши лозим эди. Туркистон ҳукумати таркибига ишчи ва солдат депутатлари Советлари съездидан 3 та, шаҳар ўз – ўзини бошқариш ташкилотларидан 3 та вакил ва мусулмонлар қурултойидан 6 вакил киритилиши кўзда тутилган эди. Туркистон ўлка кенгаши эса мусулмонлар қурултойининг 10 вакили ва советлар ҳамда шаҳар ўз – ўзини бошқариш ташкилотларининг 5 тадан вакилидан иборат бўлиши лозим эди. Ўлка ҳокимият органларидаги жойларнинг мазкур тақсимоли маҳаллий миллат вакилларининг бирмунча кўпчиликини ташкил қилганлиги маҳаллий аҳолининг ўлкада кўпчилик эканлигини ҳисобга олинганида эди. Мазкур резолюция мазмунини мусулмон ташкилотлари қурултойи советларнинг III съезди делегатлари эътиборига етказиш мақсадида Шерали Лапин бошчилигида комиссия тузилди.

Туркистон ўлка мусулмонлари ишчи, аскар ва дехқон депутатлари Советларининг III ўлка қурултойида ҳал қилувчи овоз билан қатнашиш ҳуқуқини талаб қиладилар.

1917 йил 15 – 22 ноябрь кунлари Тошкентда ишчи ва аскар депутатлари Советларининг III ўлка съезди фаолият кўрсатди. Съезд асосий эътиборини Туркистонда совет ҳокимиятини ташкил этиш ва белгилаш масаласига

қаратди. Унда Шерали Лапин («Шўрои Уламо» етакчиси) бошлиқ тўрт кишилиқ махсус комиссия иштирок этиб, 18 ноябрда мусулмон ташкилотлари қурултойининг резолюциясини эълон қилди. Резолюцияда коалицион ҳукумат тузиш (яъни ўлкани бошқаришда мусулмонларга жойларнинг $\frac{3}{4}$ қисми тегиши) кўрсатилган эди. Лекин бу съезд ўлкани идора қилишни ташкил қилиш бўйича бундай таклифини бутунлай инкор этди. Съезд 1917 йил 19 ноябрда 97 овоз билан большевиклар ва максималистлар фракциясининг ҳокимият тўғрисидаги резолюцияси қабул қилинди. Ушбу резолюцияга кўра, ишчи солдат ва деҳқон депутатларининг ўлка Совети Туркистон ўлкасининг олий ҳокимият органи деб ҳисобланган. Бу орган қайта номланиб, Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) деб номланди. 1917 йил 20 ноябрда ХКС тузилган бўлиб, у ўлка Советларининг съезди олдида жавобгар бўлиб, ҳар 2 ойда чақирилиши белгиланган. ХКС нинг таркиби 15 кишидан (8 сўл эсерлар ва 5 большевик ҳамда 2 максималист) иборат бўлиб, унга маҳаллий аҳолининг вакиллари киритилмади. Туркистон ўлкаси ХКС раиси лавозимини большевик Ф.И. Колесов эгаллади. Биринчи ўлка совет ҳокимиятининг фарқ қилувчи хусусиятларидан бири шу эдики, мазкур съездда қонун чиқарувчи орган – Марказий Ижроия Кўмити (МИК) сайланмади. 1917 йилнинг 22 ноябрида бўлиб ўтган съезднинг охириги мажлисида жойларда ҳокимиятни ташкил этиш масаласи муҳокама қилиниб, жойларда бутун ҳокимият ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларига берилишини кўрсатиб ўтади. ХКС ўз фаолиятида 1917 йил 23 ноябрдан бошлаб, минтақадаги демократик ва миллий кучларга қарши аёвсиз курашди.

3. Миллий ҳукумат – Туркистон Мухторияти ва советлар андозасидаги автономия – Туркистон АССР. Туркистон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Советларининг III қурултойи қарорлари асосида номиллий мустамлакачи ҳукуматнинг тузилиши нафақат мусулмонлар ўртасида, балки бошқа номусулмон аҳоли орасида ҳам жиддий норозиликка сабаб бўлди. Натижада туб ерли мусулмон аҳоли вакиллари Туркистон тараққийпарварлари бошчилигида Туркистондаги большевикларнинг шовинистик сиёсатида жавобан миллий истиқлол муаммоси – мухторият масаласини ҳал қилишга киришдилар. Бунда Совет Россиясидаги марказий ҳокимият раҳбари В.И. Ленин эълон қилган «Россия халқлари ҳукуклари декларацияси» (1917 йил 2 ноябрь), «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатнома (1917 йил 20 ноябрь) каби расмий ҳужжатларида баён қилинган фикрлар мухториятнинг тузилишига қўшимча асос бўлди. Бутунтуркистон мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи чақирилди. Қурултой 1917 йил 26 – 28 ноябрь (9 – 11 декабрь)да Кўкон шаҳрида фаолият олиб борди. Унда Туркистоннинг барча вилоятлари ва Бухоро амирлигидан келган 250 делегат қатнашди. Унинг кун тартибига қуйидаги масалалар қўйилди: 1. Ўлкани бошқариш шакли; 2. Туркистоннинг «Казак аскарлари, Казак тоғликлари ва эркин чўл одамларининг Жанубий – Шарқий Иттифоқи (ЮВС)»га кириш

масаласи; 3. Ижроия кўмитани сайлаш, унга бериладиган топширик (наказ)лар; 4. Туркистон Марказий мусулмонлар советини қайта сайлаш; 5. Бугунги аҳвол; 6. Туркистон таъсис мажлиси; 7. Милиция; 8. Молия ва бошқа масалалар.

Курултой 27 ноябрь куни кечки соат 12 да 2 киши қарши бўлиб қабул қилган қарориди Туркистон ўлкасини Россия Федератив Республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилди. 28 ноябрда (янги ҳисоб билан 11 декабрь) таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи аниқланиб, «**Туркистон Мухторияти**» деб аталадиган бўлди. Курултой ўша куни йиғилишда Бутунроссия Таъсис Мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимият **Туркистон Муваққат Кенгаши** ва **Туркистон Халқ (Миллат) Мажлиси** (парламент) қўлида бўлиши керак, деб қарор қабул қилади. Мухториятнинг маркази – Қўқон шаҳри деб белгиланди.

Туркистон Муваққат Кенгаши таркиби 12 кишидан иборат Туркистон мухторияти ҳукумати тузилди. Дастлабки Муваққат Кенгаши таркибига қуйидаги 8 номзодлар сайланди:

1. Муҳаммадjon Тинишбоев — Бош вазир ва ички ишлар вазири, 2 - чақирик Давлат Думасининг аъзоси, Муваққат ҳукумат Туркистон кўмитасининг аъзоси, темир йўл муҳандиси.

2. Ислom Султон ўғли Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов) — Бош вазир ўринбосари, Бутунроссия мусулмонлари кенгаши Марказий кўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.


3. Мустафо Чўқайев — ташқи ишлар вазири, Муваққат Ҳукумат Туркистон Комитетининг аъзоси, Туркистон Мусулмонлари кенгаши Марказий кўмитасининг раиси, ҳуқуқшунос.

4. Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев — ҳарбий вазир, Бутунроссия мусулмонлар кенгаши Марказий кўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.

5. Ҳидоятбек Юрғули (Юрали) Агаев — ер ва сув бойликлари вазири, агроном.

6. Обиджон Маҳмудов — озиқ – овқат вазири, Қўқон шаҳар думасининг раис ўринбосари, жамоат арбоби, тоғ – кон саноати мутахассиси.

7. Абдурахмон Ўразаев — ички ишлар вазирининг ўринбосари, ҳуқуқшунос.



Туркистон Мухторияти ташкил топганлиги тўғрисидаги баённома

8. Соломон Абрамович Герцфельд — молия вазири, ҳуқуқшунос.



Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзолари. Қўқон шаҳри.
1917 йил ноябрь – 1918 йил февраль

Муваққат Кенгашнинг таркибига 12 аъзо ўрнига 8 киши сайланганлигининг сабаби яна 4 киши — европалик аҳоли вакиллари ичидан номзодлар кўрсатилгач, қайд этилиши кўзда тутилган эди.

Кейинчалик унинг таркибида айрим ўзгаришлар юз берди. М. Тинишбоев Алаш Ўрда Мухторияти фаолиятида қатнашиш учун Оренбургга жўнаб кетгач (1917 йил декабрь) Мустафо

Чўқай Бош вазир лавозимини бажаришга киришди. И. Шоаҳмедов молия вазири (С. Герцфельд ўрнига), Потеляхов озиқ - овқат вазири (О. Маҳмудов ўрнига), О. Маҳмудов адлия вазири, Носирхон Тўра Комолхонтўра ўғли маориф вазири, Саидносир Миржалилов ҳукумат хазиначиси лавозимларини эгаллашди.

Туркистон Миллат Мажлиси 54 нафар (36 мусулмон, 18 европалик) аъзодан иборат бўлиши кераклиги белгиланди. Қурултой жараёнида 32 кишидан иборат Миллат Мажлиси сайланиб, унинг раиси лавозимига «Шўрои Уламо» раҳбари Шерали Лапин сайланган. Аммо у бу таклифни рад этган. Миллий Мажлис таркибига Муваққат Кенгаш аъзоларидан ташқари ўша даврнинг атоқли арбоблари: Т. Норбўтабеков, С. Шарифхўжаев, Ж. Қорабеков, М. Бехбудий, Алимхонтўра Шокирхонтўра ўғли, Собиржон Юсупов, Одилжон Умаров ва бошқа юрт пешволари ҳам сайланган эдилар.

Қурултой иқтисодий масалаларга ҳам катта эътибор берди. Мухтор жумҳурият Англия ҳукуматидан ҳарбий ёрдам билан бир қаторда иқтисодий ёрдам олиши ҳам таъкидланди. Бу ҳолни Туркистонда юз берган очлик тақозо этар эди. Нон маҳсулотларини пахта ва жунга алмаштириш масаласида бир фикрга келинди. Шу муносабат билан қурултой ўлкани «Жанубий – Шарқий Иттифок»қа кириш масаласига нисбатан ўзининг муносабатини билдириб, бўлғуси давлатнинг иқтисодий ҳолати эътиборга олинган ҳолда Иттифокқа кириш ҳақида қарор қабул қилинди. Чунки ўлка Шимолий Кавказ ва Оренбургдан ғалла маҳсулотлари оларди. Айни чоғда Туркистон ўз пахтасини уларга сотиши ҳам мумкин эди. Қолаверса, «Жанубий – Шарқий Иттифок» худуди аҳолисининг катта қисми мусулмонлардан иборат эди.

Орадан кўп ўтмай Туркистон Миллат Мажлиси томонидан тасдиқланган қонунлар эълон қилинди, шунингдек, янги ҳукумат мамлакат Конституциясини тайёрлаш учун таниқли ҳуқуқшуносларни жалб қилди. «Эл

байроғи», «Бирлик туғи», «Свободный Туркестан», «Известия Временного Правительства Автономного Туркестана» каби ҳукумат газеталари ўзбек, қозоқ, рус тилларида нашр қилина бошланди. Аввал чиқаётган «Улуғ Туркистон» ва «Хуррият» газеталари ҳам ўз саҳифаларида мухторият ҳукумати фаолиятига алоҳида ўрин ажрата бошлади. Нашр ишларини яхшилаш учун О. Маҳмудовнинг босмаҳонаси ҳукумат ихтиёрига ўтди.

Ҳукуматни иқтисодий жиҳатдан мустақамлаш мақсадида мухтор ҳукумат шошилини равишда 30 миллион сўмлик заём чиқаради. Туркистон Мухторияти миллий қўшинни ташкил қилишга ҳам киришилди. Аввал бошда ҳукумат ихтиёрида 60 ёлланма аскар бўлган бўлса, 1918 йил бошида уларнинг сони 2000 аскарга етди. Миллий армияда хориждан чақирилган ҳарбий кишилар, аксарият ҳолда турк зобитлари йўриқчилик ишларини олиб бордилар. Айни вақтда милиция қисмларини тузишга ҳам киришилди. Бу борада Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев бош бўлган ички ишлар вазирлиги халқ милициясининг ташкил бўлиши катта воқеа бўлди. 1917 йил 26 декабрда Туркистон Мухториятининг Миллий байроғи қабул қилинди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати мустақил ички сиёсат юритиш билан бир қаторда ташқи сиёсатда қўшни давлатлар билан ҳамкорлик қилишга интилган. Хусусан, Қозоғистонда фаолият кўрсатган Алаш Ўрда мухтор ҳукумати (у 1917 йил 13 декабрда ташкил топган) билан Туркистон мухторияти ўртасида алоқалар мавжуд бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Туркистон Мухториятини эълон қилиниши ўлка халқларини руҳлантириб юборди. Ўлканинг миллионлаб фуқаролари мухториятни қўллаб – қувватлаб митинглар, йиғинлар уюштирган. Жумладан, 1917 йил 1 декабрда Наманган уездида 100 мингга қадар киши иштирокида намойиш бўлиб ўтди. 6 декабрда Жалолобод волостида қарашли Хонобод қишлоғида мухторият эълон этилиши муносабати билан намойиш ўтказилди. Шу кун Тошкент шаҳридаги Жомеъ масжидида ўтказилган митингда жами 60 минг киши қатнашган эди. 7 декабрда Кўкон шаҳрининг 42 жамоат ташкилотлари номидан йиғилган вакилларнинг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда қабул қилинган қарорда кўп миллионли Туркистон халқига табриклар йўлланди. Самарқандда бўлиб ўтган вилоят Совети съездида йиғилганлар Туркистон Мухториятига қўшилишга қарор қилдилар ва Халқ Мажлиси таркибига 5 вакил сайладилар. Каспийорти вилоятида ҳам съезд чақирилиб, унда Туркистон Мухториятига қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Миллий матбуотда Туркистоннинг таниқли маърифатчилари, сиёсий ва жамоат арбоблари ўз мақолаларида мухториятни табрикладилар. Улар орасида Маҳмудхўжа Бехбудий, Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғли, Абдулҳамид Чўлпон, Ислон Шоаҳмедов, Мунаввар Қори ва бошқалар бор эди.

Туркистон халқининг мухторият учун олиб борган курашида 1917 йил 13 декабрда бўлиб ўтган фожеали воқеалар муҳим ўрин тутди. Муваққат Кенгаш 13 декабрни «Туркистон Мухториятининг миллий жамғармасига пул

йиғиш куни» деб эълон қилди ҳамда бу маблағ мустақиллик ва озоддикни мустаҳкамлашга хизмат қилишини билдирди. Ушбу кунда Тошкентнинг эски шаҳар аҳолиси «Мухтор Туркистон учун» шиори остида тинч байрам намойишини ўтказдилар. Аммо, Тошкент советидаги болшевиклар шаҳарда қуролли куч билан «тартиб» ўрнатишга буйруқ берадилар. Оқибатда тинч намойиш қатнашчилари пулемётдан ўққа тутилди, эски шаҳарлик 16 киши ана шу тўқнашув қурбони бўлди. Бу мухториятга нисбатан уюштирилган дастлабки суиқасд эди.

Туркистон Мухториятини ҳимоя қилишда 25 декабрь куни Қўқонда ўз ишини бошлаган мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг I фавкулудда қурултойи (съезди) қабул қилган қарорларининг аҳамияти катта бўлди. Унда 200 га яқин вакил қатнашди. Қурултой мухториятни ҳар томонлама қувватлаш, унга моддий ва маънавий мадад кўрсатиш шиори остида ўтди. Унда Туркистон Муваққат Кенгаши таркибига мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари қурултойи вакиллари киритишга қарор қилди. Қурултой ўзининг сўнгги иш куни – 27 декабрда Петроград Халқ Комиссарлари Советига телеграмма йўллади. Унда Туркистон мухториятини эътироф этиш, Тошкент Халқ Комиссарлари Советига ҳокимиятни Туркистон Мухторияти Муваққат Кенгашига топшириш тўғрисида фармойиш бериш сўралган эди.

Бутунроссия мусулмонлари Миллий Совети ҳам мухториятчиларнинг бу адолатли талабларини қўллаб – қувватлади. Лекин марказий совет ҳукумати миллатлар ишлари бўйича комиссари И.В. Сталин 1918 йил 5 январда бу талаб хатига юборган жавобда: «Тошкентдаги Совет комиссариатини йўқ этиш ҳақида Петроградга мурожаат қилишнинг эҳтиёжи йўқ, агар комиссариатни истамасангиз, уни куч билан йўқота биласиз», деб ёзди. Сталин Туркистон Мухториятининг қўлида куч йўқдигини яхши биларди.

Тошкентдаги совет ҳукумати Туркистон Мухториятини ўзи учун хавфли деб билди ва қандай бўлмасин уни йўқотишга киришди. Бу борадаги амалий ҳаракатлар советларининг IV съездида Туркистон Мухторияти масаласини муҳокама қилиш жараёнида яққол намоён бўлди. Ишчи ва солдат депутатлари Советлари IV (фавкулудда) ўлка съезди 1918 йил 19 – 26 январь кунлари Тошкентда бўлиб ўтди. Съезд бошланишидан олдин ишчи ва солдат депутатлари Советлари билан деҳқон депутатлари Советларини қўшиб юбориш масаласи муҳокама қилинган эди. Лекин мандат комиссияси кўплаб деҳқон депутатлари мандатларини ҳақиқий эмас деб топиши натижасида улар съездни тарк этадилар. Туркистон ХКС нинг раиси Ф.И. Колесов съезднинг биринчи мажлисида қилган маърузасида Қўқонда тузилган «мухторият ҳукумати»ни дарҳол тугатиш ва Совет автономиясини тузиш заруратини таклиф этади. Съезд Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолатда деб топди ва ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқарди.

1918 йил 30 январда ўлка ХКС Туркистон Мухториятини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Тошкентдаги большевиклар бунинг учун ҳарбий ҳаракатларга қизил аскарлар отрядларидан ташқари арманларнинг «Дашноқцутюн» (арман партияси ҳисобланиб, 1890 йилда ташкил топган) партияси аъзоларидан тузилган қуролли дружиналарини жалб этилиши натижасида вазият янада мураккаблашди. Миллий матбуотнинг ёзишича, 31 январь (янги ҳисоб билан 13 февраль)да жанглар бошланди. Туркистон ўлкаси ХКС 1918 йил 14 февралда (янги ҳисоб билан) Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилди.

Дастлабки жангда мухториятнинг миллий қўшинидан ташқари қўқонлик тинч аҳоли вакиллари ҳам қатнашди. Уларнинг сони 10.000 кишига етди. Шунга қарамай, қуролсиз бу кишилар қизил аскарларнинг Қўқон шаҳрига қилган ҳужумини уч кун давомида мардонавор қайтардилар. Шу орада мухториятчилар сафида парокандалик юз берди. 18 февралда «Уламо» жамияти ташаббуси билан Мухториятда тўнтариш юз беради. Мустафо Чўқайев бошчилигидаги ҳукумат маҳкамаси ағдарилади. Айрим вазирлар (Ҳ. Агаев ва б.) жангда ҳалок бўлди. Большевиклар томонидан Носирхон Тўра Наманганда, О. Маҳмудов Бухорода, С. Герцфельд Самарқандда, кейинчалик У. Асадуллаҳўжаев, И. Шоаҳмедовлар ҳам қўлга олинди.

Қўқон шаҳри кўрбоши миршаблари (милиция) бошлиғи Кичик Эргаш 18 февралдан бошлаб амалда Туркистон Мухторияти ҳукуматининг раҳбарига айланди. 19 февралга ўтар кечаси Тошкентдан Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Е. Перфильев бошчилигидаги пиёда, отлик ва артиллерия қисмларидан иборат 11 эшелон қўшин етиб келди. 19 февралдан бошлаб 3 кун давомида қизил аскарлар шаҳар устига тўплардан ёндирувчи снарядлар отган. Шаҳар бутунлай вайрон қилинади. Қўқоннинг ўзида 3 кун давомида 10 мингдан зиёд киши ўлдирилди. Мухторият қўшинининг тирик қолган қисми Кичик Эргаш бошчилигида (200 – 300 йигит) Қўқон яқинидаги Бачқир қишлоғига чекинди ва мудофаа истехкомларини куриб, душман ҳужумини қайтарди. Қизил гвардиячилар Қўқон ва унинг атрофларидаги тинч аҳолини талаш ва ўлдиришни авж олдиришди. Совет режими Туркистон Мухторияти ҳукуматини 19 февралда қурол кучи билан ағдариб ташлади.

1918 йил 22 февралда Қўқон шаҳридаги Рус – Осиё банки биносидан большевиклар томонидан тайёрланган «тинчлик шартномаси» имзоланди. Шартноманинг биринчи моддасида: «Аҳоли Халқ комиссарлари советининг ҳокимияти ва маҳаллий совет муассасаларини тан олади», дейилган эди. Шу билан Туркистон минтақасидаги дастлабки демократик ҳукумат – Туркистон Мухторияти тугатилади. У атиги 72 кун фаолият кўрсатган бўлишига қарамасдан ўзбек халқининг миллий мустақиллик ва истиқлол йўлида амалга оширган муҳим қадамларидан бири сифатида Ўзбекистон тарихининг унутилмас саҳифаларидан ўрин олди. Бу ҳукуматнинг ағдарилиши туркистонликлар томонидан совет Россиясининг Туркистонга нисбатан тажовузкор режалари мавжудлигининг яна бир далили сифатида қабул

қилинди. Туркистонликлар тинч йўл билан миллий давлатчиликни қайта тиклаш мумкин эмаслигини тушуниб, 1918 йил февраль ойининг охирида қўлларига қурол олган ҳолатда Туркистонда совет режими ва большевикларга қарши қуролли ҳаракатни бошлаб юбордилар. Совет тузуми даврида Туркистон Мухториятининг моҳияти сохталаштирилиб, у тор маънодаги Қўқон мухторияти билан алмаштирилди.



Туркистон Мухторияти қизил аскарлар томонидан тор – мор қилингандан сўнг Қўқон шаҳрининг кўриниши. 1918 йил февраль.

Совет ҳукумати Туркистон Мухторияти тажрибасидан муҳим хулоса чиқариб, бу Туркистон ҳудудида ўзига хос советлар андозасидаги автономия (мухторият)ни ташкил этишга киришган эди. Бундан кўзда тутилган бош мақсад – Туркистоннинг келажакда мустақил, суверен давлат бўлиб, ажралиб чиқиб кетишига изн бермаслик эди. Большевиклар 1918 йил январь ойидаёқ Туркистон автономиясини тузиш масаласини кўтаришган эди. Бу муаммо фақат Туркистон Советларининг V съездида ҳал қилинди. Съезд 1918 йил 20 апрел Тошкентдаги очилди. Унинг иш фаолияти 1 майгача давом этди. Советларнинг IV ўлка съездидан фарқ қилиб, у биринчи марта яқка тартибда фаолият кўрсатаётган деҳқон депутатлари Советлари, мусулмон депутатлари Советлари ҳамда ишчи ва солдат депутатлари Советларини бирлаштирди. Унда 263 мандатга эга бўлган вакиллар қатнашди. Шулардан 86 большевик, 70 сўл эсер, 87 партиясиз эди. Съездда туб ерли маҳаллий халқ вакиллари 50 киши қатнашди.

27 апрелда съезд «Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги декларацияни қабул қилди. Бу ҳужжатда Туркистон Россия Федерациясининг таркибий қисми бўлиб қолиши кўрсатилган эди.

30 апрелда эса съезд делегатлари «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси ҳақида Низом»ни қабул қилди. Мазкур низомда Туркистон ўлкаси ҳудуди Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси (қисқача ТССР номи билан ташкил топган) деб эълон

қилинди ҳамда Туркистон Совет Федератив Республикаси автономия (мухторият) сифатида идора этилиши таъкидлаб ўтилган. Янги ташкил топган бу республика автоном тарзида бошқарилиб, совет социалистик республикаси сифатида фаолият кўрсатганлиги учун тарихий адабиётларда Туркистон АССР – деб кўрсатилади. Шу билан бирга ушбу хужжатга кўра (декабрь ойининг биринчи кунидан чақириладиган) ишчи, солдат, крестьян ва мусулмон – деҳқон депутатлари Советлари съезди Туркистон АССРнинг - олий қонун чиқарувчи органи ҳисобланди. У йилда икки марта ҳамда муҳим деб белгиланганда фавқулодда чақирилиши мумкин эди. 1918 йил 30 апрелдан Тошкент Туркистон АССРнинг пойтахти деб эълон қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Советларнинг III ва IV ўлка съездлари орасида (1917 йилдан 1918 йил апрелгача) Туркистон Халқ Комиссарлар Совети олий қонун чиқарувчи ва ижроия органи ҳисобланган ва Марказий Ижроия Кўмитаси тузилмаган. Бутун Туркистон Советларининг V съездида эса Туркистон АССР нинг доимий олий қонун чиқарувчи органи – Марказий Ижроия Кўмитаси (МИК) ва ижроия органи – Халқ Комиссарлари Совети сайланди. МИК таркиби 36 кишидан (улардан 7 киши маҳаллий аҳоли вакили) ташкил топди. У ишчи, солдат, крестьян ва мусулмон – деҳқон депутатлари ўлка Советлари съезди олдида жавобгар бўлиб, уларини чақириш ва съездлар оралиғида олий қонун чиқарувчи орган ҳисобланган. МИК нинг раиси этиб большевик П.А. Казаков, иккинчи раиси этиб большевик А.Ф. Солькин сайланди. Халқ Комиссарлари Совети 16 киши (4 киши маҳаллий аҳоли вакили)дан иборат бўлиб, у 9 большевик, 7 сўл эсерни ташкил этган. ХКС нинг раис этиб большевик Ф.И. Колесов тайилланди. Съезд қарорига кўра Советлар ва уларнинг ижроия кўмиталари – жойлардаги ҳокимият деб эълон қилинди.

Туркистон Совет Республикаси маъмурий жихатдан Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Еттисув, Каспийорти, кейинчалик Амударё (Туркман) вилоятларига бўлинган. Республика ҳудуди БХСР, ХХСР, Козоғистон АССР, Афғонистон, Эрон, Хитой давлатлари билан чегарадош бўлган. 1918 йилнинг 5 – 14 октябрь кунлари Тошкентда Туркистон АССР Советларининг Фавқулодда VI съезди иш олиб борган. 14 октябрда съезд РСФСР Конституцияси андозаси асосида Туркистон Совет Республикаси биринчи Конституциясини қабул қилди.


Туркистонда совет ҳокимиятининг тобора кучайиши, унинг яккахукмронлигининг ортиб бориши, ўлка ҳаётининг ҳамма жабҳаларининг қаттиқ марказлаштирилиши натижасида советларга қарши сиёсий муҳолифатчи кучларини юзага келтирди. Бундай сиёсий кучларга Туркистон АССР ҳарбий комиссари К. Осипов бошчилик қилди. 1918 йил охирида унинг раҳбарлигида советлар режимига қарши фаолият кўрсатувчи Муваққат комитет тузилган. К. Осиповнинг бош мақсади Туркистонда ҳарбий диктатурани ўрнатишдан иборат эди. У ўлкада бутун ҳокимиятни ўз қўлига олиш мақсадида 1919 йил 18 январь куни Тошкентда исён кўтарди. 19 январга

ўтар кечаси К. Осипов буйруғи билан Туркистон АССР МИК раиси В. Вотинцев, Туркистон АССР ХКС раиси В. Фигельский, ЧК (фавкулодда комиссия) раиси И. Фоменко, Тошкент Совети раиси Н. Шумилов ва бошқа, жами 14 комиссарлар отиб ташланган. Тошкент шаҳри деярли тўлик исёнчилар қўлига ўтган. Бу ҳарбий можароларга маҳаллий аҳоли қатнашмади. Бироқ, тез орада коммунистлар Қўқон, Самарқанд, Перовскдан қизил аскар отрядларини чақириб, 21 январда бу исённи бостиришган. К. Осипов аввал Фарғона водийсига (Мадамминбек хузурига), сўнгра Бухоро амирлигига қочиб кетди. Совет режими Осипов исённи бостириш баҳонасида совет тузумидан норози бўлган кўплаб кишиларни террор ва қатағон қилган. Партия ва совет идораларида тозалашлар ўтказилган. Болшевиклар 1919 йил март ойи бошида сўл эсерларни ҳукуматдан сиқиб чиқариб, якка ўзлари ҳукмрон бўлиб олдилар.

Бу даврга келиб большевиклар ҳукумати Туркистонда комфирқа (коммунистик партияси)нинг якка диктатурасини ўрнатиш ва кучайтириш, уни ҳар томонлама ўзига қарам қилиш йўлидан борди. Шу мақсадда 1919 йил 8 февралда Бутун Россия МИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссия (Турккомиссия) ташкил этилди. Турккомиссия таркиби Ш.З. Элиава (раис), В.В. Куйбишев (раис муовини), М.В. Фрунзе, Г.И. Бокий, Ф.И. Голошчекин, Я.Э. Рудзутакдан иборат бўлди. 1919 йилнинг 4 ноябрида Турккомиссиянинг асосий таркиби Тошкентга етиб келди. Бу комиссия амалда минтақадаги барча партия, совет, хўжалик ва ҳарбий ташкилотларга раҳбарлик қилиб, марказдаги большевистик сиёсатни қатъий равишда амалга оширишга киришди. ТАССР ҳаётида кечаётган барча ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар билан боғлиқ энг асосий масалаларнинг бирортаси ҳам Турккомиссия аъзоларининг измисиз ҳал этилмас эди.

1920 йил 24 сентябрда Туркистон АССР Советларининг IX съезди Туркистон АССРнинг янги Конституциясини қабул қилди, шунингдек, «Туркистон Совет Республикаси»нинг номи «Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР)» деб ўзгартирилди. 1921 йил 11 апрелда Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси «Туркистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги тўғрисида» декрет қабул қилди. Бу ҳужжатда Туркистон ССР нинг маъмурий ҳудудий тузилиши ва сиёсий давлат бошқаруви масалалари белгиланди.

Совет ҳукумати Туркистонда ҳокимият органларини янги кадрлар билан тўлдиришда жуда ҳам эҳтиёткорлик билан иш олиб борган. 1920 йилгача



Турар Рискулов бошчилигидаги Туркистон Автоном Республикаси ҳукумати. Тошкент, 1923 йил

республика олий раҳбарлик лавозимларига маҳаллий миллат вакиллари киритилмади. Лекин кейинчалик улар ҳам олий раҳбарият таркибига жалб этилади. Масалан, Т. Рискулов, Н. Тўрақулов, Қ. Отабоев, А. Раҳимбоев, И. Хидиралиев, Р. Исломов, Н. Айтоқов ТССР раҳбарлари бўлишган.

1924 йил ноябрь ойининг охирида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий – худудий чегараланиш натижасида Туркистон АССР тугатилиб, унинг худуди янги тузилган республикалар таркибига киритилган.

4. Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг тугатилиши. Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари. 1917 йилда юз берган февраль инқилоби натижасида юз берган ўзгаришлар Россия империясининг ярим мустамлака вассаллари ҳисобланган Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ҳам ўзининг акс – садосини бермай қолмади. Ижтимоий -сиёсий жараёнларда ўзгаришларнинг содир бўлиши жадиличлик ҳаракатига ҳам таъсир қилди. Ҳар икки давлатда ўсиб бораётган халқ курашининг мафкуравий асосини ҳам жадиличлик ҳаракати ташкил этди. Бу даврга келиб улар очик сиёсий кураш майдонига чиқиб, хон ва амир ҳокимиятига муҳолифатда бўлди.

Худудий жиҳатдан ягона бўлган Ўрта Осиёда жадиличлик ҳаракати бир вақтда пайдо бўлган бўлса – да, ўз олдига қўйган кураш мақсадлари жиҳатидан икки хил йўналиш касб этган. Жумладан, Туркистон жадиждлари ўз олдиларига бош мақсад қилиб Туркистон ўлкасини Россия мустамлакачиларидан озод қилиш ва миллий мустақил давлат тузишни қўйган бўлсалар, Бухоро ва Хива жадиждлари ҳокими мутлоқ, ўз монархлари бўлган амир ва хон зулмига қарши курашни бош мақсад деб белгилади.

Бухоро ва Хива халқлари мустамлакачилик зулмини ўз бошидан тўлиқ кечирмадилар. Чунки Россияга ярим мустамлака, қарам бўлса-да, Бухоро билан Хива ўз ички мустақиллигини сақлаб қолган эди. Бу ерда маҳаллий бойлар ва амалдорлар зулми кучли эди. Улар амир ва хон ҳимоясида турган. Шу билан бирга, кўп ҳолларда амир ва хон зулми ҳаммасидан ҳам ошиб тушар эди. Меҳнаткаш халқнинг арз-додини эшитадиган бир кимса йўқ эди. Халқ оммаси ҳокими мутлоқ монарх — амир ва хон ўрнига инсофлироқ ва адолатлироқ ҳукмдорга эга бўлишни хоҳлар эди. Халқнинг бу интилиши ва қизиқишини Бухоро ва Хива жадиждлари идрок этдилар ва уни ёқлаб чиқдилар. Улар шу боисдан ҳам амир ва хонга қарши курашни бош мақсад деб билдилар.

Туркияда юзага келган «Ёш турклар» фаолияти Бухоро ва Хива жадиждлари фаолияти учун намуна ва ўлчов мезони бўлди. Шунинг учун улар «Ёш турклар»га тақлид этиб ўзларини «Ёш бухороликлар» ва «Ёш хиваликлар» деб атаётган бўшладилар. Ёш бухороликлар ва ёш хиваликларнинг пировард мақсадлари мавжуд сиёсий тузуми доирасида демократик ислохотлар ўтказиш йўли билан хонликларнинг капитализм ва ижтимоий тараққиёт йўлида ривожланишини таъминлаш, конституциявий монархия ўрнатиш орқали хон ва амирнинг мутлақ ҳокимлигини чеклаб қўйишнинг тарафдори бўлди.

Ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар ижтимоий – иқтисодий тараққиёт даражаси тақозосига кўра халқ оммаси ўртасида мустаҳкам таянч базага эга эмас эдилар. Улар ўзларига иттифоқчиларни четдан изладилар ва Россия тимсолида амир ва хон зулмидан озод бўлиш мумкин, деган фикрга бориб катта сиёсий хатога йўл қўйдилар.

*Хива хонлигининг
туғилиши*

1917 йилда Петроградда Февраль инқилоби бўлиб, подшо тахтдан ағдарилган вақтда Асфандиёрхон Ялтада дам олаётган эди. Бу хабарни эшитиб, у Тошкентга, ундан Чоржўй орқали генерал Мирбадалов ҳамроҳлигида Хивага қайтиб келди. Уни кутиб олишга чиққанлар орасида бўлган Полвонниёз Ҳожи Юсупов «Вақт» газетасидан подшонинг тахтдан ағдарилганлиги ва Муваққат ҳукумат тузулганлиги ҳақидаги хабарини билиб олди. Хива гарнизонидаги солдатлар ҳам худди Россиядаги каби ўз советларини ташкил қилишган эдилар. Ана шу советларнинг фаолларидан Шокир Тенисов, Абдушукур Латипов ва бошқаларнинг ташвиқотлари билан Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошлиқ ёш хиваликлар 1917 йил 4 апрелда рус аскарлари Муваққат ҳукуматга касамёд қилгани тўпланган пайтда гарнизонга мингга яқин одамлар билан боришади. Шокир Тенисов ёш хиваликларга талабнома нима эканлигини тушунтириб, ўзи ёш хиваликлар номидан талабнома ёзади. Гарнизон бошлиғи полковник Мерзляков уларнинг нима мақсадда келганлигини эшитгач, агар хонга дахл қилмай фақат идораи маршрута қилсаларингиз, у вақтда аскарлардан ёрдам бўлади, дейди. Ёш хиваликлар агар рози бўлмасалар хоннинг таъқибига учрашларини ҳис қилиб, бу таклифга рози бўладилар.



Полвонниёз Ҳожи Юсупов
(1861 – 1936)

1917 йил 5 апрелда Ҳусайнбек Матмуродов бошлиқ ёш хиваликлар делегацияси Нурулабой саройига келади. Бу ерда шошилинич тарзда ёш хиваликларнинг талаблари манифест лойиҳаси сифатида ёзилиб, Хива хонига топширилади. Манифестни Асфандиёрхон ва урта қози – домулла Иброҳим охун алам, қози-ул-қузот домулла Ҳикматулла Хўжа охун, қози-ул-қузот домулла Худойберган охунлар имзолади.

***Манифест 7 – моддадан иборат бўлиб, унинг мазмуни
қуйидагилардан иборат бўлди:***

«Ҳижрий 1335 йил 25 – жумад–ус–соний ёки Исо туғилишининг 1917 йил 5 апрелида, мен – Хива хони Саид Асфандиёр Баҳодирхон қуйидаги хоҳишимни эълон қиламан:

1. Мен ўз фуқароларимга конституциявий бошқарувни шунинг учун бердимки, улар давлатни ўз хоҳишлари, муқаддас шариат қонунлари ва замон талаби билан умумхалқ кенгаши орқали сайланган ва давлат ишларини бошқаришга тайинланган адолатпарвар ва лойиқ кишилар бошқарсинлар.

2. Менинг фуқароларим давлатни бошқариш ишида муқаддас шариат билан келишилган ҳолда адолатли ҳаракат қилишлари шарт.

3. Мен фуқароларимга бирлик, тинчлик ва озодликни шунинг учун бердимки, улар бир – бирлари билан ака – ука бўлиб, тинч яшасинлар.

4. Хива давлатида вазирлик ва амалдорлик вазифаларини аҳоли томонидан сайланган ва тайинланган виждонли ва адолатпарвар кишилар бажарсинлар. Халқ хоҳламаган вазир, амалдор ва ҳокимлар ишдан олиниб, жинояти исботланса муқаддас шариат қонунлари асосида жазога тортилсин.

5. Барча амалдор ва вазирларга, давлат хизматчиларига вазифаларига яраша хазинадан маош ажратилсин.

6. Хива давлатининг молия ишлари учун хазиначи жорий қилиб, кириш – чиқимларни назорат қилиш топширилсин.

7. Вазирлар ва амалдорларни назорат қилиш ҳамда менинг юқоридаги буйруғимни бажариш учун аҳоли ўз вакилларини сайлагунга қадар 30 кишидан иборат вақтли кўмита тайинлансин. Хива фуқаролари тинчликни сақлаб, ўз ишларини амалга оширсинлар ва бошқа маданиятли халқлар қаторидан ўрин олиш учун бор кучларини сарфласинлар»...

(Кўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий – сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи чораги) / Масъул муҳар. Қ. Ражабов. –Т.: 2007. –Б. 287-288)



Бобоқун Салимов (1874 – 1929)

Ушбу манифестда хон ҳокимияти чекланган эди. Хонликда ислохотлар амалга оширилишини назорат қилиш учун 30 вакилдан иборат Идораи маршрутга (Муваққат кўмита) ташкил топди. 8 апрелда мамлакатни бошқариш учун Хивада хон ҳузурида **Мажлис** (раиси Бобоқун Салимов) ва **Нозирлар кенгаши** (Бош вазир Ҳусайнбек девонбеги Матмуродов) тузилди. Лекин бу ғалаба узоққа чўзилмади. 1917 йил июнь ойининг биринчи ярмида Муваққат ҳукуматнинг Хивадаги вакили, генерал Мирбадаловнинг ёрдамига таянган Асфандиёрхон Мажлисни тарқатиб юборди. Хон ўзига маъқул кишилардан янги таркибдаги Мажлис (раиси – Ортик Охун) ва Нозирлар Кенгаши (раиси – Исҳоқхўжа Хўжаев)ни тайинлади. Ҳ. Матмуродов бошлиқ собиқ Мажлиснинг 17 аъзоси ҳибсга олинди ва ёш хиваликлар партиясининг барча аъзоларини диндан қайтган, деб эълон қилиб, уларга қарши қатағон бошлади. Хоннинг ёш хиваликлар устидан ғалабасини мустаҳкамлаш, хонликда мавжуд бўлган тузумга қарши янги чиқишларга барҳам бериш учун Муваққат ҳукумат 25 июлда Хивада комиссар лавозимини таъсис қилди. Бу комиссарга Хива хонлигини бошқаришни ташкил этиш қоидаларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Айни вақтда Муваққат ҳукумат томонидан хонликка Россия империяси кўшинларининг янги қисмлари, асосан казак кўшинлари юборилди. Октябрь тўнтаришидан сўнг хонликда вазият кескинлашди. 1918 йил январ ойида Зайцев бошчилигидаги

рус кўшинлари Хива хонлиги худудидан чиқиб кетди. Натижада хон ўзининг асосий ҳарбий таянчидан маҳрум бўлди. Шундай бўлса-да, хонликда казак отрядлари қолишган. Асфандиёрхон казаклар ёрдамида 1917 йил ноябрь охирида Мажлисни бутунлай тугатди. Ёш хиваликлар хонлик худудидан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. 1918 йил бошларида Тошкентда Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошчилигида ёш хиваликлар кўмитаси тузилган. Ёш хиваликлар тактик мақсадларни кўзлаб, большевиклар билан яқинлашди.

Бу пайтда совет Россияси ва унинг ҳарбий кучлари ҳисобланган қизил армиянинг Хива хонлигига нисбатан таҳдиди ортиб борди. Мамлакатда хонга қарши норозиликлар ортиб борди. Бундай қалтис вазиятда давлатни бошқара олмай қолган Асфандиёрхон 1918 йил 10 январда туркманлар сардори Жунаидхон Қурбон Мамедни Хивага таклиф қилди. 22 январда эса хонни юқори мартабали амалдорлар ва дин аҳллари иштирокида давлатни бирга бошқариш ҳамда большевикларга қарши курашиш учун Жунаидхон билан Хивада музокара олиб борди. Жунаидхон ва унинг тарафдорлари хоннинг олий амалдорлари олдида эски қабила ва уруғчилик асосларидаги адоватларини унутиб, сидқидилдан хизмат қилишга қасам ичдилар. Шундан сўнг Асфандиёрхон Жунаидхонни «сардори карим» (кўшинлар кўмондони) қилиб тайинлади. Шу билан ўзи Жунаидхон кўлидаги кўғирчоқ хонга айланиб қолди.



Жунаидхон Қурбон Мамед (Мухаммад)
(1857 – 1938)

1918 йил баҳорида Тошкентга етиб келган Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошлиқ Ёш хиваликлар совет ҳокимиятининг фаолларидан бири бўлган Юсуф Ибрагимовнинг (фавқулодда комиссар) маслаҳати билан ўзлари тўрт киши бўлишига қарамасдан Ёш хиваликлар партиясининг Марказий Кўмитасини ташкил қилдилар.

Хонликдаги ҳокимият эса тўла равишда Жунаидхон кўлига ўтган бўлишига қарамасдан, 1918 йил 30 сентябрда хон саройига катта ўғли Эшши раҳбарлигида ҳарбий кўшинни юборади. 1 октябрь куни қабул маросими вақтида Асфандиёрхон ўлдирилади, унинг ўрнига тахтга хоннинг тоғаси, иродасиз Саид Абдуллахон (1918 йил октябрь – 1920 йил 2 февраль) чиқарилган. Абдуллахон ҳам номигагина хон эди, 1918 йилдан бошлаб бутун ҳокимият тўлалигича Жунаидхон кўлига ўтди. 1918 йил ёзида Жунаидхон ўзига қарши бўлган Шоммикал бошчилигидаги кучларни жангда енгди, Шоммикал 1918 йил июль ойи охирларидаги жангда ҳалок бўлди. Қуроли чикишлар қисман бостирилди. Жунаидхон ўз якка ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун каттикқўллик ва зўравонлик билан олиб борган сиёсати, аксинча, у хоҳламаган ҳолда муҳолифатнинг – ёш хиваликлар партиясининг мавқеини кучайтирди.

Жунаидхон Хива хонлиги ҳудудида большевиклардан мустақил бўлган давлатни сақлаб қолишга интилни. 1918 йил ноябрь ойида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларда ташкил қилинган совет ҳукуматига қарши Жунаидхон бир неча марта муваффақиятсиз уруш олиб борди. Жунаидхон вақтдан фойдаланиш учун 1919 йилнинг апрелида совет ҳукуматига сулҳ тузиш тўғрисида таклиф киритди. 9 апрелда Жунаидхон Хива яқинидаги Тахта қалъасида жойлашган қароргоҳида РСФСР билан Хива хонлиги ўртасида яраш битим – шартномасини имзолади. Бу битимни тузиш учун келган совет хайъати аъзолари Луценко, Голубь, Христофоров, Федько ва Туркия капитани Муҳаммад Козимбекдан иборат эди. Шартномага биноан, хонликдаги халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тан олинди, иккала томон ҳар қандай ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш, бир-бирларига вакиллар юборишни йўлга қўйиш, иккала мамлакат фуқароларининг сув ва қуруқликдаги барча йўлларда эркин ва хавф – хатарсиз ҳаракат қилишини, ўз ҳудудларида тижорат мақсадларида алоқа ўрнатишларини кафолатлаш мажбуриятини олган. Бирок шартнома шартлари амалда бажарилмади.

Тўрткўлдаги ёш хиваликлардан Жуманиёз Султонмуродов бошчилигида 10 – 15 кишидан иборат бир гуруҳ инқилобчилар билан ажралиб, Тўрткўл кўмитаси (комитети) тузилган. Бу ёш хиваликлар 1919 йил бошида коммунистик гуруҳ (фракция) тузганлигини эълон қилди. Большевиклар мана шу ёш хиваликларнинг талаблари ва Жунаидхонга қарши бўлган туркман уруғлари орасида Қўшмамедхон ва Ғуломалихон каби уруғ сардорларининг рақобатидан унумли фойдаланган. Г.Б. Скалов буйруғи билан совет қўшинлари 1919 йил 25 декабрда мустақил давлат – Хива хонлиги ҳудудида бостириб кирдилар. Қизил армиянинг катта кучлари Н. Шайдаков ва Н. Шчербаков қўмондонлигида Хива хонлигининг шимолий ва жанубий чегараларидан ҳужум қилиб, 1920 йил бошларида шаҳар ва қишлоқларни босиб олган. Жунаидхон қўшинлари Ғозовот туманида мағлубиятга учради ва Қорақум чўлига чекинди. 1 февралда хонлик пойтахти Хива жангсиз ишғол қилинган. Бу пайтда Саид Абдуллахон ва унинг амалдорлари бирон қаршилик кўрсатмадилар.

1920 йил 1 февралда Саид Абдуллахон қизил аскарлар ва ёш хиваликлар талаби билан тахтдан воз кечганлиги тўғрисидаги манифестни имзолади. 2 февралда манифест халққа ўқиб эшиттирилди ва мажлис чақирилгунга қадар ҳокимият **Муваққат инқилобий ҳукумат (кўмита)** қўлига ўтганлиги эълон қилинди. Янги Муваққат ҳукумат таркиби куйидаги таркибда тузилди:

1. Жуманиёз Султонмуродов – Ёш хиваликлар фирқаси Тўрткўл кўмитасининг раиси, завод эгаси бўлган, Муваққат инқилобий ҳукумат раиси.

2. Матпанобой Мадраҳимов – шаҳар халқи ва савдогарлар номидан аъзо, Ёш хиваликлар партияси аъзоси.

3. Одамохун Ортиқов – уламолар томонидан аъзо.

4. Мулла Уроз Хўжамуҳаммедов – Қўшмамедхон Сапиев (Туркман қабила сардори) томонидан аъзо.

5. Мулла Наврўз Рўзибоев – Ғулом Алихон Баходир (Туркман қабила сардори) томонидан аъзо.

Муваққат инқилобий ҳукумат ҳар ҳафтада камида иккитадан мажлис чакириб, энг муҳим масалаларни кўриб, муҳокама қилиб борди. Бу қўмита 2 ой давомида ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро қилувчи ҳокимият вазифасини расмий равишда бажарди. 1920 йил 9 апрель куни муваққат инқилобий ҳукумат ишини яхшилаш мақсадида унинг таркибида 10 кишидан иборат дастлабки халқ ҳукумати – Нозирлар Совети ташкил қилинди.

1920 йил 8 январда Тошкентдаги «Известия» газетасида «Хива инқилобчилар партиясининг яқин вазифалари» номи билан ёш хиваликларнинг 1918 йил июль ойида ишлаб чиқилган дастури нашр этилди. Бунда улар ўзларини Хива инқилобий партияси, деб атаганлар.

«Манифест» тарзидаги бу дастур 12 моддадан иборат эди:

1. Хон ва унинг ҳукумати томонидан мамлакатдаги якка бошқарувни бутунлай тугатиш.

2. Хива хони, тўралар, беклар ва вазирларнинг бойлиги, ҳар хил кўринишдаги мол – мулкларини халқ бойлиги деб эълон қилиш.

3. Йирик ер эгалари мулкларидан камбағаллар ҳаётини яхшилашда фойдаланиш.

4. Шариат ҳукми билан вақфларнинг барча даромадини фақат халқ маорифи учун сарфлаш.

5. Хивадаги янги ерларни ўзлаштириш учун Амударёдан ариқлар чиқариш.

6. Болаларни бепул ўқитиш учун Хивада мактаблар очиш.

7. Хивадаги шаҳар ва қишлоқларда бепул даволовчи касалхона ва даволаш муассасаларини очиш.

8. Хива хони томонидан камбағал аҳолидан мажбуран тортиб олинган ер ва бошқа бойликларни ўз эгаларига қайтариш.

9. Асфандиёрхон ҳукмронлиги даврида хазинага тушган халқ бойлигининг нимага сарфланганлигини аниқлаштириш.

10. Кўприклар ва алоқа йўлларини яхшилашга киришиш.

11. Беклар томонидан камбағал аҳолидан мажбуран тортиб олинган ер ва мулкларни ўз эгаларига қайтариш.

12. Мажбурий текин меҳнат (бегор)ни бутунлай тугатиш ва бошқа вазифалар белгиланган.

**Хоразм Халқ Совет
Республикаси**

Хонликда амал қилган монархия тузуми ўрнига давлатчиликнинг демократик тамойилларини шакллантиришда Бутун Хоразм халқ вакилларининг қурултойлари ўзига хос ўринни эгаллади. Биринчи қурултой 1920 йил 26 – 30 апрель кунлари Хива шаҳрида бўлиб ўтади. Унда 200 га яқин делегат

қатнашган. Қурултойда Хоразм Халқ Совет Республикаси – ХХСР тузилганлиги тантанали равишда эълон қилиниб, 15 кишидан иборат ХХСР ҳукумати – Халқ Нозирлар Кенгаши (раис Полвонниёз Ҳожи Юсупов) тузилди.



Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошчилигида тузилган Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳукумати – Халқ Нозирлар Кенгаши аъзолари. Хива, 1920 йил

1920 йил 30 апрель курултойнинг охири мажлисида ХХСРнинг муваққат конституцияси (кириш сўзи, 13 боб, 37 – моддадан иборат бўлган) қабул қилинади. Конституция Хоразм тарихидаги биринчи конституция бўлиб, унда илк маротаба кенг халқ оммасининг сиёсий ҳуқуқлари тенглаштирилди. Республикада демократик эркинликлар қонуний тус олди.

Совет Россияси айна пайтда янги тузилган ХХСРни ўз таъсир доирасига олиш мақсадида 1920 йил 13 сентябрда ХХСР билан иттифоқ шартномасини тузади. Бу шартнома билан бирга иккала республика ўртасида имзоланган ҳарбий – сиёсий ва иқтисодий келишувлар асосида Хоразм Халқ Совет Республикасига совет Россияси томонидан тегишли ҳарбий, иқтисодий ва маданий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган эди. Лекин бундай ёрдам замирида Хоразм Халқ Совет Республикасининг ички ишларига аралашиб, унинг сиёсатини ўз манфаатларига бўйсундириш мақсадлари ётарди.

Совет давлатининг турли ифвогарлик ва ҳарбий хуружларига қарамай ёш хиваликлар ҳукумати бир йилча фаолият кўрсатди. 1921 йил 6 мартда қизил аскарлар Хива шаҳрида намоиш уюштириб, давлат тўнтаришини ясади. Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошлиқ ёш хиваликлар ҳукумати ағдариб ташланди ва инқилобий қўмита тузилди. Большевиклар халқ нозирларини қамоққа олиб, кўпчилигини отиб ташлади. Умуман олганда, ХХСР мавжуд бўлган қарийб 5 йил давомида большевиклар томонидан ХХСР МИҚ раислари ва ҳукумат бошлиқлари бир неча мартадан ўзгартирилди. Хоразмда ўтказилган бундай давлат тўнтаришлари оқибатида ўзбек халқининг кўплаб асл фарзандлари катагон қилинди.

Бутун Хоразм халқ вакилларининг IV курултойи эса 1923 йил 17 – 20 октябрда Хива шаҳрида ўтказилди. Унга хал қилиш овози билан 234 делегат келади. Ушбу IV курултой ХХСРни Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. 20 октябрда ХССРнинг 5 бўлим, 12 боб, 46 моддадан иборат



янги Конституцияси қабул қилди. Бу ҳолат республиканинг қонун йўли билан социалистик қурилиш йўлига ўтишини мустаҳкамлади. Унга кўра ернинг хусусий мулк эканлиги бекор қилинди, вақф ерлар бутунлай тугатилди. Мавжуд ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилиниши натижасида барча вақф мулклари маориф нозирлиги ихтиёрига ўтди. Қозихоналар фаолияти тақиқланиб, совет судлари ташкил этилди. Шу тарзда 1923 йил октябрь ойидан бошлаб совет ҳукуматининг тазйиқи остида мамлакатдаги демократик ўзгаришларга чек қўйилди. Хоразмни советлаштириш жараёни ўзининг янги босқичига кўтарилди. 1924 йил 29 октябрь – 2 ноябрда Бутун Хоразм халқ вакилларининг V қурултойи Хива шаҳрида ўтказилди. Унда Ўрта Осиё миллий ҳудудий чегараланиши ўтказилиши муносабати билан ХССР тугатилиши эълон қилинди.

**Бухоро амирлигининг
ағдарлиши**

Бухоро амирлигида ҳам ижтимоий – сиёсий вазият Хива хонлигидагига ўхшаш тарзда кечди. Амирлик ҳам Россияга тобе ярим мустамлака сифатида вассал давлат эди. Ички сиёсатда мустақил бўлган амирнинг мутлақ ҳокимияти ҳукм суриб, бундан оддий халқ оммаси беҳад зулм тортиб келарди. XX аср бошларида бу ерда ҳам амирлик тузумига қарши демократик ҳаракатлар шакллана бошлади. Бу даврда Бухорода жадидчилик ҳаракати ва зимдан ўсиб чиққан ёш бухороликлар партиясининг фаолияти кучайди. Ёш бухороликлар ҳаракати 1908 йилда тузилган «Тарбияи атфол» махфий жамияти асосида 1910 йилдан бошлаб ташкилий тус олиб партиёга айланган эди. Абдулвоҳид Бурҳонов, Мукомил Бурҳонов, Садриддин Айний, Усмонхўжа Пўлатхўжаев (Усмон Хўжа), Отаулла Хўжаев ва бошқалар ёш бухороликларнинг дастлабки ташкилотчилари эди. Кейинчалик унинг фаолиятида Фитрат, Файзулла Хўжаев ва Муҳиддин Мансуров катта роль ўйнашди. Улар бошида мавжуд амирлик тузуми доирасида демократик ислохотлар ўтказиш, конституциявий монархия ўрнатиш орқали амирнинг мутлақ ҳокимлигини чеклаб қўйиш тарафдори бўлган.



«Ёш бухороликлар» фиркаси аъзоларидан бир гуруҳи. Ўртада ўтирган Файзулла Хўжаев

1917 йил февраль инқилоби ёш бухороликлар ичида кучлар нисбатининг қайта гуруҳланишини тезлаштирди. Аста – секин ислох қилиш тарафдорлари бўлган жадидларга Абдулвоҳид Бурҳонов, ислохот соҳасида фаол ҳаракатларни қўлловчи, нисбатан оз сонли ёш жадидларга Фитрат етакчилик қилди. Ёш бухороликлар Петрограддаги Муваққат ҳукуматга амирликда демократик ислохотлар ўтказишни сўраб, 2 марта телеграмма юборди, Фитрат

ва У. Пўлатхўжаев Петроградга жўнатилди. Улар Россиядан махсус комиссия келаётгани сабабли Оренбургдан Бухорога қайтишди. Россиянинг Бухородаги регенти А.Я. Миллер Бухорода У. Пўлатхўжаев, А. Бурҳонов ва бошқалар билан учрашиб, ёш бухороликлар талаблари билан танишди. Улар янги усул мактаблари очиш, матбуотга эркинлик бериш, халқ ҳукумати тузиш талабларини илгари сурди. Муҳокамалардан сўнг А.Я. Миллер ва унинг ёрдамчиси Шульга томонидан амирликда ўтказиладиган ислохотлар лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бухоро амири Сайд Олимхон бу манифест матнини айрим тузатишлар билан фармони олий тарзида 1917 йил 7 апрелда эълон қилди.

Манифестда кўйидаги талаблар ваъда қилинган:

1. Нуфузли кишилардан иборат Мажлис ташкил қилиш.
2. Давлат хазинасини таъсис этиш ва мамлакат бюджетини белгилаш.
3. Пойтахтда босмахона очиш.
4. Саноат ва савдони ривожлантириш.
5. Солиқларни тартибга солиш.
6. Амалдорлар устидан назорат ўрнатиш.
7. Маориф, тиббиёт, суд тизимларини яхшилаш.
8. Маъмурий бошқариш ишларини такомиллаштириш.



Бухоро амири Олимхон (1881 – 1944)
ҳукмронлик даври 1910 -1920 йиллар

Ёш бухороликларнинг Фитрат, Файзулла Хўжаев ва Усмон Хўжаев бошчилигидаги сўл қаноти 8 апрелда амирнинг эълон қилган ислохотларни қўллаб – қувватлаш учун Бухоро шаҳрида катта намойиш уюштирди. Бу манифестнинг эълон қилиниши демократик ҳамда консерватив кайфиятдаги намойишчиларнинг кўчага чиқишига сабаб бўлди. Демократик намойишчилар Регистонда митинг ўтказди. Демократик доиралар амир манифести мамлакатда тинч йўл билан ижобий ўзгаришларни амалга ошириш учун дастлабки қадам, деб қарадилар. Шу куни консерваторлар ва мутаассиб гуруҳлар эса Регистонда тўпланиб ислохотга, янгиликларга қарши жангарилик ва мурасасизлик кайфиятларини кўрсатдилар. Икки ўртадаги муносабатлар кескинлашди. Юзага келиши мумкин бўлган тўқнашувнинг олдини олиш мақсадида демократик намойишчилар бошлиқлари Регистонга бориш ниятидан қайтдилар, намойишчиларни тарқалиб кетишга даъват қилдилар. Бу тадбир охиригача етказилмаган бўлсада, у Бухоро амирлиги демократик ўзгаришлар, ислохотлар учун вақт етилганлигини яққол кўрсатди. 8 апрель воқеаларининг якуни шу бўлдики, ҳукуматда консерватив кучлар яна устунликка эришдилар. Бу воқеалардан сўнг амир қозикалон Шарифжон Махдумни лавозимидан бўшатди, ғазабланган мутаассиблар раис Абдусамадхўжани оломон қилиб ўлдирдилар, кушбеги Насруллобек буйруғи билан шоир С. Айний, ёш бухороликлар Мирбобо, Мирзо Назрулло 75 – 150

калтак уриб жазоландилар. Ислохотчилик ҳаракатининг бу босқичи шундай нохуш якунланди.

Амир Олимхон 1917 йил 14 апрелда ўз фармонини бекор қилиб, ёш бухороликларни ёппасига таъқиб эта бошлади. Улар амирнинг зулмидан қочиб хорижга кетишга мажбур бўлдилар. Ёш бухороликлар энди амир ҳокимиятига қарши яширин кураш йўлига ўтди.

Октябрь тўнтаришидан кейин совет Россияси билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. Туркистон республикасининг большевиклардан иборат раҳбарияти Бухоро амирлигининг давлат мустақиллигини расмий равишда тан олишига қарамай, амалда унинг ички ишларига доимий равишда аралашиб турди. Хусусан, 1918 йил мартда **«Колесов воқеаси»** номи билан тарихга кирган қонли воқеадан кейин бу муносабатлар ўта ёмонлашди. Ф. Хўжаев бошчилигидаги ёш бухоролик жадиждарнинг бир қисми, Бухорода демократик тартиботларни ўрнатиш учун инқилобий кураш йўлини танлади. Улар амирликни ағдариш учун 1917 йилнинг декабрида Туркистон ХКС раиси Ф.И. Колесов (1891 – 1940)дан ҳарбий ёрдам сўрайдилар. У ҳарбий ёрдам кўрсатишга ваъда берди, лекин Бухоро амирлигига ҳужум қилишга шошилмаган. Дастлаб Туркистон Мухторияти ҳукумати тор – мор этилгач, бу ишга киришди.

Ёш бухороликларнинг марказий қўмитаси (1917 йил тузилган) ҳужумга тайёрланиб, Ф. Хўжаев раислигида 7 кишилик **Инқилобий қўмита** тузилди. 1918 йил 1 мартда Янги Бухорога Ф. Колесов бошчилигидаги 3500 кишилик кизил аскарлар отряди замбарак ва пулемётлар билан қуролланган ҳолатда етиб келди. Колесов билан инқилобий қўмита аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, амир Саид Олимхон номига талабнома матни тайёрланди. Колесов ва Ф. Хўжаев имзолари билан Олимхонга жўнатилган талабнома жавобидан қаноатланмаган Колесов ҳарбий ҳаракатларни бошлашга буйруқ берди. 2 мартда Бухорога ҳужум бошланди. Ҳарбий ҳаракатлар 1918 йил 25 мартда совет Туркистони билан Бухоро амирлиги ўртасида **Қизилтепа битими** имзоланиши билан якун топди. Бухоро Россия вассаллигидан чиқади. 9 банддан иборат битим шартига кўра, мустақиллигини ҳимоя қилган Бухоро амирлиги ўз ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатлар учун жавобгар деб ҳисобланди ва товон тўлаши лозимлиги белгиланди. Амир ўз сарбозлари миқдорини 12000 кишидан оширмаслик мажбуриятини олди. Қизил аскарлар амирлик ҳудудидан чақириб олинди. Ф.Колесовнинг Бухорога қарши ҳарбий хуружи барбод бўлса ҳам, Бухородаги сиёсий тузумни ўзгартириш учун ҳаракатлар тўхтамади. Афсуски, Амир Олимхон мамлакат тақдири ҳал қилинаётган ушбу фурсатда муҳолифатдаги ёш бухороликларни йўқотиш йўлини тутди. У амирлик ҳудудидаги 3 минг кишини жадиждиликда ноҳақ айблаб, уларни қатл қилдирди ва мол – мулкини



Файзулла Хўжаев (1896 – 1938)

мусодара эттирди. Файзулла Хўжаев ва Фитрат бошчилигидаги кўплаб ёш бухороликлар мамлакатни тарк этишга мажбур бўлдилар. Мухожирликнинг дастлабки даврида (1918 йил март – июнь) Ф. Хўжаев ўзининг сафдошларини ишга жойлаштириш ва моддий жиҳатдан таъминлаш билан фаол шуғулланди.

Бу даврда совет мутасаддилари Бухорода сунъий инқилоб тайёрлаш, бунинг учун Туркистондан паноҳ топган кўп сонли бухоролик мухожирларни



Амир Саид Олимхон ва Насурулло қушбеги,
Ўрганжилар сарой мулозимлари ва чет эллик харбийлар. 1920 йил август

ишга солиш, улардан кўплаб инқилобчи кучлар етиштириш ва уларни ташкиллаштириш ҳаракатида бўлдилар. Натижада ёш бухороликлар ҳаракати янада ташкилий тус олди. Тошкентда 1918 йил апрель – май ойларида Усмон Хўжа бошчилигида Ёш бухороликларнинг *сўл эсерлар гуруҳи* тузилган. Самарқанддаги шундай гуруҳга Усмон Хўжанинг укаси Отаулла Хўжаев бошчилик қилган (бу гуруҳ 1918 йил 25 сентябргача ишлади). 1918 йил сентябрида Тошкентда Бухоро мухожирлари томонидан Бухоро компартияси ва унинг Марказий Қўмитаси тузилади (унинг раиси А. Ёқубов, ўринбосари М. Қулмуҳаммедов). Файзулла Хўжаев эса Туркистон Республикасининг РСФСР ҳукумати ҳузуридаги мухтор ваколатхонасида Москвада 1918 йил октябрда Ёш бухороликлар партиясининг бўлимини ташкил қилган. 1920 йил январда Тошкентда Ф. Хўжаев бошчилигида Ёш бухороликлар партиясининг **Туркистон Марказий бюроси** ташкил этилган. Ушбу ташкилотлар совет Россиясининг харбий кучларига таянган ҳолда Бухорода амирлик тузумини ағдариш учун курашга жиддий киришди. Большевиклар ҳам стратегик мақсадларни кўзлаган ҳолда ёш бухороликлардан амирлик ҳокимиятини ағдаришда фойдаланди.

1920 йил ёзида Бухоро амирлигида сиёсий вазият жуда ҳам кескинлашди. Москва ва Тошкентда ишлаб чиқилган режага асосан қизил армиянинг Бухоро хонлигини тугатиш ва унинг ҳудудида советлар ҳокимиятини барпо этиш мақсадида «Бухоро операцияси» яъни Бухоро босқинини амалга оширишга киришди. 1920 йил 23 августда Бешим Сардор бошчилигидаги ёлланма туркман отлиқлар исён кўтариб, Чоржўй яқинидаги Сақор бозорни ишғол қилишди ва кейин Эски Чоржўйни босиб олади. Юздан ортиқ амалдорлар қамокқа олинган. Чоржўй беклиги хазинаси қўлга



киритилди, шундан сўнг Бешим Сардор бошчилигида Чоржўй инқилобий кўмитаси (ревкоми) ташкил қилинди. Олдиндан келишилганидек бу кўмита ўша куниёқ совет ҳукуматиға ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Туркистон fronti кўмондони М.В. Фрунзе «ёрдам» тўғрисидаги мурожаатни олгандан сўнг кўшинларини 4 та зарбдор гуруҳ (Самарқанд, Каттакўрғон, Чоржўй ва Когон)ға бўлиб, 1920 йил 28 августдан 29 августға ўтар кечаси Бухороға қарши уруш ҳаракатларини бошлади.

Большевиклар режимининг ҳарбий жиҳатдан анча устун кўшинлари Қарши, Китоб, Шахрисабзни босиб олиб, амирлик пойтахтиға яқинлашиб қолдилар. Лекин бу ерда босқинчилар амир кўшинларининг қатъий қаршилигига дуч келдилар. Амир кўшинлари билан елкама – елка тинч аҳоли ҳам шаҳарни ҳимоя қилишға отланди. Туркфронт кўмондонлиги буйруғи билан Эски Бухоро самолётлардан бомбардимон қилинди, тўплар ва бронепоездлардан туриб қаттиқ ўққа тутилди. Ҳал қилувчи жанглар Бухоро дарвозалари яқинида рўй бериб, қонли жанг 4 кеча – кундуз давом этди. 1920 йил 2 сентябрда босқинчиларнинг тўхтовсиз зарбалари остида амирликнинг сўнгги таянчи – Арк мағлуб бўлди. Шундан кейин Бухоро шаҳри эгалланди. Амирлик тузуми ағдариб ташланди. Бухородан сўнг қизиллар амирлик

таркибидаги 27 бекликни ҳам бирин – кетин эгаллашган ва бу билан Бухоро амирлигига барҳам берилди.

1920 йил 14 сентябрда бўлган йиғилишда 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий кўмитаси (раиси Абдулқодир Муҳитдинов) ва 11 кишидан иборат республика ҳукумати – Халқ Нозирлар Кенгаши (Совети) тузилди. Бутун Бухоро Инқилобий кўмитаси (Марказий Ревком) таркибига А. Муҳитдинов, А. Абдусаидов, А. Орипов, М. Бурҳонов, С. Юсупов, М. Аминов, О. Окчуринов, Ҳ. Иброҳимов, Ф. Хўжаев ва М. Қулмуҳаммедов кирган. Бухоро Халқ Нозирлар Кенгаши таркиби куйидагича эди: раис ва хорижий – ташқи ишлар (нозир – Ф. Хўжаев), маориф (Қори Йўлдош Пўлатов), ички (доҳилия) ишлар (М. Саиджонов), молия (У. Пўлатхўжаев), давлат назорати (Н. Хусаинов), фавқулодда комиссия (раиси – Иброҳимов), адлия (М. Бурҳонов), ҳарбий (Шаҳобуддинов), савдо ва саноат (М. Мансуров) нозирликлари.



Саиджонов Мусожон Йўлдошевич (1893 – 1937)

1920 йил 6 октябрида Бухоро амирининг ёзги саройи Ситораи Моҳи Хосада Бутун Бухоро халқ вакилларининг I қурултойи иш бошлади ва унда 1960 та делегат қатнашган. Қурултой Бухорони Халқ Совет Республикаси (БХСР) деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик ҳокимияти эди. Қурултойнинг охириги иш куни, яъни 8 октябрида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи бўлган Бухоро Инқилобий кўмитаси ва Халқ Нозирлари Кенгашининг таркиби тасдиқланди. Уларнинг ваколат муддати II қурултойгача узайтирилди.

1920 йилнинг октябрь - ноябрь ойларида БХСР билан РСФСР ўртасида муваққат ҳарбий – сиёсий аҳдлашув ва шартнома тузилди. 1921 йил 4 мартда ҳар икки давлат ўртасида Иттифоқ шартномаси имзоланди. Мазкур шартномалар мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган ёш Бухоро давлати арбоблари фаолиятини муайян даражада чеклашга олиб келди. Иттифоқ шартномаси мустақил Бухоро давлати ҳудудида совет кўшинлари туришини «қонуний» асослаб бердики, мазкур ҳол БХСР ички ишларига Россиянинг тўғридан – тўғри ҳарбий жиҳатдан қуролли аралашувидан бошқа нарса эмас эди. Бу шартномадан ташқари икки давлат ўртасида 1922 йил 9 августда иқтисодий битим, 1923 йил 31 майда божхона битими каби шартномалар ҳам имзоланган.



Бутун Бухоро халқ вакилларининг II курултойи 1921 йилнинг 18 – 23 сентябрида бўлиб ўтди. Ушбу курултойда Бухоро Халқ Совет Республикасининг биринчи Конституцияси (1921 йил 21 сентябрь) қабул қилинди (4. 270-варак). Демократик руҳда қабул қилинган бу конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустаҳкамлаб, хусусий мулк шакли сақланиб қолинди. Конституцияга кўра, БХСРнинг олий ҳокимият органи - Бутун Бухоро халқ вакиллари курултойи (Бутун Бухоро халқ депутатларининг Совет съездлари) ҳисобланган.

Курултой 1921 йил 23 сентябрда 85 кишидан иборат бўлган Бутун Бухоро Марказий Ижроия Кўмитасини (раиси – Усмонхўжа Пўлатхўжаев)



Файзулла Хўжаев бошчилигида тузилган Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати – Халқ Нозирлар Кенгаши аъзолари. Бухоро, 1923 йил

сайлади. Конституцияга бинноан, Халқ Нозирлар Кенгаши давлат ҳокимиятини ижро қилувчи ва бошқарувчи олий органи сифатидаги ўз вазифасини сақлаб қолди. Ҳукумат 10 нозирликдан иборат бўлиши кўрсатилган.

1923 йил 11 – 17 октябрь кунлари Бутун Бухоро халқ вакилларининг IV курултойи Эски Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. Бу курултойда БХСР

Конституциясига ўзгартириш киритиш

тўғрисидаги қарор тасдиқланди. Унга кўра, барча савдогар, мулк эгалари ва собиқ амалдорлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Ишчи, деҳқон ва бошқаларнинг сайлов ҳуқуқи кенгайтирилди. Шунингдек, курултойда «Совет қурилиши тўғрисида» махсус қарор қабул қилинди. Бу эса жамиятдаги ижтимоий беқарорликни кучайтирди. Сиёсий жараёнлар кенг авж олиб борди. Бухорода олиб борилаётган демократик ислохотлар чеклана бошлади. Яъни, БХСР демократия йўлидан тобора узоқлашиб, марказнинг сунъий равишда киритаётган социалистик қайта қуришларни амалга ошира бошлади.

1924 йил 18 – 20 сентябрь кунлари Бутун Бухоро халқ вакилларининг V курултойи Эски Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. Курултой 19 сентябрда БХСРни Бухоро Совет Социалистик Республикасига (БССР) айлантириш ҳақидаги қарорни қабул қилди. БССРнинг тузилиши Бухоро тараққиётида демократия тамойилларини тугатилганлигини ва унинг ўрнига расмий равишда социализм йўли эгаллаганлигини англатар эди. 1924 йил 18 ноябрь Бухоро ССР Туркистон АССР ва Хоразм ССР МИКлари билан биргаликдаги кўшма қарори асосида ўз ваколатларини (Ф. Хўжаев раис) Ўзбекистон ССР Муваққат

Инқилобий Комитетига топширдилар. Шу тариқа, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий ҳудудий чегараланиш натижасида Бухоро ССР тугатилди ва унинг ҳудуди янги ташкил этилган республикаларнинг таркибига мажбуран киритилди.

5. Туркистон минтақасида совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат. Ҳозирги кунда тарихчилар томонидан Туркистон ўлкаси халқларининг совет ҳокимияти ва большевикларнинг режимига қарши олиб борилган курашига гоҳ истиқлолчилик, гоҳ қуролли ҳаракат сифатида таъриф берилмоқда. Шундай бўлса-да, бу курашнинг заминида мустақиллик ва миллий озодлик ғоясининг туришини эсан чикармаслик лозим.

Тарихий манбаларда Туркистон минтақасида советлар босқинига қарши олиб борган қуролли ҳаракатнинг бошланиш ва уни даврлаштириш бўйича ҳар хил фикр - хулосалар илгари сурилди. Жумладан, советлар тарихшунослигида Туркистон халқларининг озодлик ва миллий мустақиллик учун кураши даврини кўр – кўрона граждандар уруши даври деб қаралди, Россиядаги фуқаролар уруши давридан андозалар айнан кўчириб олинди ва 1918 – 1920 йиллар билан белгиланди. Ҳолбуки, бу тарихий ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди, чунки, мазкур ҳаракат 1918 йил феврал ойининг охирида бошланиб, 1935 йилгача давом этган эди.

Совет мустабид тузуми мафқураси ҳукмронлиги йилларида миллий озодлик учун олиб борилган қуролли ҳаракатнинг моҳияти бузиб, сохталаштирилиб «босмачилик» деб аталди ва сабаблари бир ёқлама ёки жуда торайтирилиб кўрсатилди. Ушбу «босмачилик» атамасига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 2 – жилдида унга қуйидаги таъриф берилган: «**Босмачилик** – Туркистонда совет ҳокимияти ва босқинчи қизил армияга қарши олиб борилган қуролли ҳаракатга совет ҳукумати даврида берилган расмий ном. «Босмачи» сўзи аслида туркий «босмоқ» (ҳужум қилмоқ) феълидан ясалган. Халқ ўртасида «босмачи» деб ҳарбий бирликка алоқаси бўлмаган жиноятчи унсурлар, ўғри ва безорилар тушуниланган. Шунингдек, бировларнинг юртини босиб олган босқинчиларни ҳам «босмачилар» дейиш мантқан тўғри келади. 1918 йилнинг бошидан 1919 йил ўрталаригача бўлган архив ҳужжатларида «босмачи» сўзи учрамасдан, унинг ўрнига «қароқчи», «босқинчи» иборалари қўлланилган. 1919 йилнинг ўрталаридан бошлаб аввал вақтли матбуотда, сўнгра расмий ҳужжатларда «босмачи» ва «босмачилик» иборалари кенг ишлатилган. Бу иборалар миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини сохталаштириш, аждодларимизнинг совет режими ва большевиклар ҳукмронлиги ҳамда қизил армиянинг босқинчилик сиёсатига қарши олиб борган миллий курашларини ниқоблаш учун буюк давлат шовинистлари томонидан ўйлаб топилган ҳамда «бандитлик», «қароқчилик» деган сўзлар билан асосиз равишда бир қаторга қўйилган ...».

Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат деярли барча тарихчиларнинг асарларида «Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тор – мор

қилиниши билан бошланганлиги» эътироф этилади. Аммо бу ҳаракатнинг туб моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, Қўқонда фаолият кўрсатаётган Туркистон мухторияти ҳукуматининг советлар томонидан йўқ қилиниши ҳам ёки бу ҳукумат ҳатто мутлақо бўлмаганида ҳам бу ҳаракатининг вужудга келиши табиий бир ҳол эди. Зеро, бу даврда Туркистонда вужудга келган ижтимоий – сиёсий вазият қуролли ҳаракатнинг бошланишини муқаррар қилиб қўйган эди. Чунки Туркистонда қуролли ҳаракатнинг бошланиши учун мухториятнинг тор – мор қилиниши билан бирга бошқа бир қатор жиддий сабаблар ҳам мавжуд эди.

Биринчидан, 1917 йилда содир бўлган октябрь тўнтариши ва бунинг натижасида ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар томонидан илгари сурилган коммунистик мафкура Туркистон халқлари учун мутлақо ёт тушунча эди. Маҳаллий аҳоли бу ғояни аввал бошданок ўзига сингдира олмади ва унга қарши турди.

Иккинчидан, совет ҳукумати ўрнатилган дастлабки кунданок маҳаллий халқ вакиллари ҳокимиятни бошқаришга жалб қилинмади, уларнинг миллий ғурури ва ҳақ – ҳуқуқи инкор қилинди. Туркистонда ўрнатилган большевиклар тузуми Россия империяси мустамлакачилигининг янги шакли эканлиги ўша дастлабки кунларданок ошкор бўлган эди.

Учинчидан, янги тузум ўрнатилган кунданок маҳаллий халқнинг асрлар давомида шаклланган урф – одатлари, миллий қадриятлари топталди. Қози судлови бекор қилинди, вақф ерлари тортиб олинди, мулкчиликнинг барча шаклига чек қўйилди. Туркистон Мухториятининг тугатилиши қуролли ҳаракатнинг бутун Фарғона водийсида оммавий равишда бошланишига бир туртки вазифасини ўтади, холос. Россия империясининг мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган фарғоналиклар Туркистонда биринчи бўлиб большевиклар режимига қарши қуролли курашга отландилар. Шу тариқа, Туркистонда совет ҳокимияти ва большевикча режимга қарши қуролли ҳаракат 1918 йил феврал ойининг охирларида бошланган эди. Бу ҳаракатнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деҳқонлар, чорикорлар, мардикорлар, хунармандлар ва косиблар эди.

Туркистон минтақасидаги қуролли кураш ўз ҳудудий доирасига кўра 3 га бўлинади: Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР ҳудудлари. У кейинчалик Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон АССР, Қирғизистон АССР, Қозоғистон АССРда ҳам давом этди.

Туркистон минтақасида совет ҳокимияти ва большевиклар режимига қарши қуролли ҳаракат ўз ривожланиш жараёнига кўра 2 катта даврни босиб ўтди. Ҳар бир давр ҳаракат қатнашчиларининг миқдори, қўрбошилар, кураш тактикаси ва жанглар амалиётига кура, шунингдек, алоҳида хусусиятлари билан бир – биридан ўзаро фарқланувчи мустақил бир нечта босқичларга ҳам бўлинади.

<i>Туркистон минтақасида совет ҳокимияти ва большевиклар режимга қарши қуролли ҳаракат</i>		
№	1918 – 1924 йиллар	1925 – 1935 йиллар
1	1918 йил февраль – 1918 йилнинг кузи	10 йил давомида олиб борилган. Бироқ оммавий жанг ҳаракатлари бўлмаган
2	1918 йилнинг кеч кузи – 1920 йилнинг эрта баҳори	
3	1920 йилнинг баҳори – 1922 йил охири	
4	1923 – 1924 йиллар	

Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатнинг биринчи даврининг *1 – босқичда* совет режимига қарши қуролли ҳаракат дастлаб Фарғона водийсида бошланди ва у қисқа муддат ичида ташкилий ва ҳарбий жиҳатдан шаклланди. Ҳаракатнинг вужудга келишида Кичик Эргаш (тахм. 1885 – 1918) ва Катта Эргаш (тахм. 1882 – 1921) кўрбошиларнинг катта ташкилотчилик қобилияти муҳим роль уйнаган бўлса, унинг кейинги тараққиёти ва ривожланишида Марғилон милициясининг собиқ бошлиғи Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли – Мадаминбек (1892 – 1920) нинг хизматлари кўп бўлди. У 1918 йилнинг эрта баҳоридан қуролли ҳаракат иштирокчиларининг сафига кирди.



Мадаминбек
(Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли, 1892 – 1920)

Бу босқичнинг ўзига хос томони шуки, советлар режимига қарши қуролли ҳаракат иштирокчиларининг сони ортиб борди ва ташкилий жиҳатдан уюштириш бошланди. Масалан, 1918 йил март ойига келиб Фарғона водийсида бир – бирдан мустақил равишда 40 дан ортиқ кўрбоши гуруҳи фаолият кўрсатарди. Мадаминбек Скобелев уездда, Шермуҳаммадбек (1893 – 1970) ва Нурмуҳаммадбек Марғилон атрофларида, Омон Паҳлавон, Қобул, Сотиболди қози ва Раҳмонкул Наманган уездда, Парпи кўрбоши Андижон шаҳри атрофида, Эшмат кўрбоши Қўқоннинг Бувайда қишлоғида, Умар – Чоли Урганжи қишлоғида, Жонибек қози Ўзган томонда, Муҳиддинбек Новқатда ҳаракат қилмоқда эди.

Бу тарқоқ ҳолда бўлган қуролли ҳаракатни ягона кўмондонликка бўйсундириш ва биргаликда ҳаракат қилиш мақсадида «Шўрои Ислому» ва «Шўрои Уламу» ташкилотлари аъзоларининг ташаббуси билан 1918 йил март ойининг охирида Бачқир қишлоғида Фарғонадаги бутун кўрбошиларнинг биринчи қурултойи чақирилди. Унда 40 дан ортиқ йирик кўрбошилар қатнашди. Фарғона водийсидаги қуролли ҳаракатнинг бошлиғи қилиб Катта Мулла Эргаш сайланди ва унга бутун мусулмон кўшинларининг олий бош кўмондони – «Амир ал-муслимин» унвони берилди. Эргаш кўрбошининг ўринбосарлари қилиб Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек тайинланди. Умуман олганда, Фарғона водийсида 1918 йилнинг ўрталарига келиб, тахминан юзга

яқин кўрбоши ўз дасталари билан қизил армия қисмларига қарши кураш олиб бормоқда эди.

Бироқ шуни тан олиш керакки, барча кўрбоши дасталари ҳам миллий мустақиллик учун курашдилар деб бўлмайди. Баъзи гуруҳлар ўз манфаатлари йўлида тўнтаришдан кейинги тартибсизликлар ва бошбошдоқликдан фойдаланиб халқни талаш, бойлик орттириш мақсадида ҳаракат қилиб аҳоли орасида обрўсизландилар. Булар кичик – кичик гуруҳлар бўлиб, улар умумий истиқлолчилик ҳаракатига қўшилмас, ўзлари мустақил ҳаракат қилар эдилар. Совет ҳукумати эса бундан усталик билан фойдаланиб, Туркистон халқлари ўртасида ҳақиқий истиқлолчиларни обрўсизлантиришга, уларга «босмачилар» деб тамға осигна ҳаракат қилар эди.

2 – босқичда (1918 йилнинг кеч кузи – 1920 йилнинг эрта баҳори) қуролли муҳолифат ҳаракати шиддат билан ривожланди. Бу даврда кураш кўлами аллақачон Фарғона водийси худудидан чиқиб, асосан, Самарқанд вилояти, қисман Сирдарё ва Амударё вилоятларини ҳам қамраб олган эди. Бу босқичда Фарғона водийсида совет ҳокимияти, асосан, тугатилди. У фақат йирик шаҳарларнинг бир қисми ва темир йўл бекатларида сақланиб қолди. Бу босқичнинг энг муҳим ютуғи Мадаминбек бошчилигида **«Фарғона Муваққат Мухторият ҳукумати»**нинг тузилиши эди. Бу ҳукумат 1919 йил 22 октябрда Эргаштом (Иркештам)да бўлиб ўтган анжуманида ташкил топган. Унинг таркибига 24 киши кирган (16 мусулмон ва 8 рус). Мадаминбек ҳукумат бошлиғи бўлиши билан бир қаторда бош кўмондан қилиб ҳам тайинланди.

Орадан сал ўтмай, яъни 1919 йил октябр ойининг сўнгги кунларида Фарғона водийсидаги барча йирик кўрбошилар Ойимқишлоқда тўпланди. Тарихий ҳужжатларнинг далолат беришича, бу ҳаракат тарихида энг йириги бўлган бу қурултойда, Фарғона водийсида ҳаракат қилаётган 150 тача кўрбоши гуруҳи тўртта йирик лашкарбоши: Мадаминбек, Эргаш, Шермуҳаммадбек, Холхўжа Эшон кўмондонлиги остида бирлаштирилди. Қурултойда ислом кўшинларининг олий бош кўмондони — «Амир ал-муслимин» қилиб Мадаминбек сайланди. Аммо бу бирлашув кутилган натижани бермади. Қурултойдан кейиноқ Холхўжа Эшон бош кўмондон Мадаминбекка бўйсунмаслигини айтиб, мустақил ҳаракат бошлади. У ўзининг таъсир доирасидаги худудларда ислом шариати асосида қаттиқ – қўллик билан тартиб – қоида ўрнатди. Бу даврда «Мадаминбек кўл остида 30 мингга яқин, Шермуҳаммадбекда 20.000, Эргаш кўрбошида эса 8.000 йигит бўлиб», айнан шу учта лашкарбоши водийдаги жанговар ҳаракатларни бошқариб турган эди.

3 – босқич (1920 йилнинг баҳори – 1922 йил охири) энг шиддатли ва кескин босқич бўлиб, у бутун минтақани ўзига қамраб олди ва узоқ давом этди. Фарғона водийсида ака – ука Шермуҳаммадбек ва



Иброхимбек (1889–1932)

Нурмухаммадбек, Самарқандда Очилбек, Баҳромбек, Хоразмда Жунаидхон, Шарқий ва Ғарбий Бухорда эса «бутун Шарқий Бухородаги марказий сиймо», деб тан олинган Иброҳимбек (1889 – 1932), Давлатмандбек, Мулла Абдулқаҳҳор (1884 – 1924) етакчилик қилган бу босқичда муҳолифат Бухоро Республикаси ва Фарғона водийсида катта ғалабаларни кўлга киритди. Аҳмад Закий Валидий бошчилигида тузилган «Туркистон миллий бирлиги» ташкилоти, Иброҳимбек, Жунаидхон ва бошқа куролли муҳолифат ҳаракатини ягона кўмондонликка бирлаштириш учун қилган саъй – ҳаракатлари, улар ташкил қилган ҳукуматлар ўзининг муайян самарасини кўрсатди.

Аммо бу босқич дастлабки даврида катта йўқотишлар ҳам бўлди. Хусусан, 1920 йил февраль ойида Мадаминбек ва Шермухаммадбек бошчилигидаги куролли ҳаракатга қарши совет кўшинлари ҳужумга ўтди. Қизил аскарларнинг ҳужумини ўнлаб самолёт, бронепоезд, бронемашиналар, тўп ва пулемётлар кўллаб туришди. Натижада февраль ойининг охирида Шермухаммадбек Олой воҳасига чекинишга мажбур бўлди. Мадаминбек ва Холхўжа Эшон кўшинлари ҳам катта мағлубиятга учради. Февраль ойининг охирида Гарбобони қизил армия жангчилари ишғол қилдилар.

Албатта, ватанпарвар кучларга берилган сурункали, шиддатли бундай зарбалар жангчиларнинг рухий ҳолатига салбий таъсир кўрсатди. Мадаминбек вужудга келган объектив ва субъектив вазиятни оқилона ҳисобга олиб, ўз йигитлари ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида 2 – Туркистон дивизиясининг кўмондонлиги билан яраш битими музокараларини бошлашга қарор қилди. Натижада Мадаминбек билан 2 – Туркистон ўқчи дивизиясининг бошлиғи Веревкин – Рахальский ўртасида 1920 йил 6 мартда Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида яраш битими имзоланди. Мадаминбек билан бирга совет ҳокимияти томонига унинг ўнлаб кўрбошилари ва 3500 йигитлари ўтган эди.

Заключение мирного соглашения с Мадаминьом.

Текст соглашения военного командования 2-й Туркестанской стрелковой дивизии и командующего мушкетёрской армией Мадаминьом.

№18

6-го марта 1920 года. Гор. Фергана.

Мы, нижеподписавшиеся: с одной стороны — начальник 2-й Туркестанской стрелковой дивизии Веревкин-Рахальский и военно-политический комиссар дивизии Сидяченко, добровольно на основании приказа Революционного Военного Совета Туркестанского фронта и с другой стороны: — командующий мушкетёрской армией Мухамед Аминьом-Бек Ахмет Бекон заключили настоящие соглашение, в следующем:

1) Советская власть при организации гражданской жизни Туркестана сохранила основы мирных, взаимных интересов трудового населения, предоставила права самоуправления населению по этому Шариату, то есть признание и выполнение условий и обещаний мушкетёрского населения.

2) Источ постоянной оплаты косяки отряда назначаются гор. Памиран.

3) Защищать по северу Советскую Власть от ее врагов, внутренних и внешних, я обязуюсь временно в пределах Ферганы, не выезжая на другие фронты.

4) Все русские, служащие в моих отрядах, получают полную амнистию и по их желанию, остаются на службе в моем отряде.

5) Не позже 13 марта с. г. обязуюсь выехать со своим предопределенным в Ташкент для рассмотрения вопроса перед Революционным Военным Советом Туркестана и Туркестанской центральной властью своей преданности Советской Власть.

Начальник 2-й Туркестанской стрелковой дивизии Веревкин-Рахальский.
Военно-политический комиссар Сидяченко.
Командующий мушкетёрской армией Мадаминьом-Бек.

Гор. Фергана, Типография Турк. Ротиска. Советск. Федер. Респуб.

Мадаминьом ва Веревкин – Рахальский ўртасида имзоланган 1920 йил 6 мартда яраш битими

Бу битимнинг мазмуни қуйидагидан иборат:

«Мен Муҳаммад Аминьом ўз кўшимини ҳамда ўзларининг батамом розилиklarини шахсан менга изҳор қилган кўрбоши ва аъзоларим билан биргаликда тантанали қасамёд қиламанки, эндиликда совет ҳокимиятини тан

оламан, содиқ хизматкор бўлишга сўз бераман, унинг барча буйруқ ва топшириқларига қуйидаги шарт – шароитларда амал қиламан:

1) Совет ҳукумати Туркистон фуқаролари ҳаётини йўлга қўйишда шариат асосларини сақлаб қолиб, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя этиб, аҳли исломга мавжуд шариат, яъни мусулмонларнинг маҳаллий шарт – шароити ва урф – одатларига ҳуқуқ берганида;

2) Отрядимнинг доимий қароргоҳи Наманган шаҳри этиб тайинланганида;

3) Мен, бошқа фронтларга чиқмасдан, вақтинча Фарғона тасарруфида, совет ҳокимиятини ҳар томонлама ҳам ички, ҳам ташқи душманлардан ҳимоя қилишга ваъда бераман;

4) Отрядимда хизмат қилаётган барча руслар тўла озод этилади ва хоҳишларига биноан отрядимда хизматда қолишлари мумкин;

5) Шу йилнинг 13 мартдан кечикмай ўз вакилларим билан Туркфронт Ҳарбий Инқилобий Кенгаши ва Туркистон Марказий ҳокимиятига содиқ эканимни билдириш учун Тошкентга боришга сўз бераман.

2 – Туркистон ўқчи дивизиясининг бошлиғи Верёвкин – Рахалский,
«Ҳарбий сиёсий комиссари Слепченко.

Ислом қўшинининг қўмондони Мадаминбек» (*«Шарқ юлдузи», 1991, 3 - сони*)

Советлар тарафига ўтган Мадаминбек қизил аскарларнинг катта кучга эга эканлигини, қуролли ҳаракатнинг иштирокчилари бу кучга бардош бера олмасликларини ўша даврдаёқ яхши тушунган эди. Қўрбошиларга ишониб ўз ҳаётларини озодликка тиккан йигитлар беҳуда қурбон бўлиб кетишини истамаган Мадаминбек уларнинг қуролини ташлаб, тинч ҳаётга қайтишга ундаш учун советлар томонида туриб ҳаракат қилди. Лекин Мадаминбекнинг дипломатик тадбирлари самарасиз тугади. Советлар томонидан музокаралар ўтказиш учун қўрбошилар орасига юборилган Мадаминбек қизилларга сотилган Сойиб қори ва Лутфулло Маҳдумлар томонидан 1920 йил 14 майда Қоровул қишлоғида ўлдирилди. Унинг қабри ҳозирги Қирғизистон Республикаси ҳудуди – Олай водийсидаги Шиғай қишлоғида.

1920 йилнинг май ойидан бошлаб қураш байроғини водийда Мадаминбек ўрнига энди Шермуҳаммадбек кўтарди. Фарғона водийсидаги бутун қўрбошилар ва тинч аҳоли вакиллари Олтиариқ туманидаги Ғайбота қишлоғида ўзларининг навбатдаги қурултойларига тўпландилар. Қурултой 1920 йил 3 майда **«Туркистон – турк мустақил ислом жумҳурияти»**, яъни Туркистон муваққат ҳукуматини тузди. Мазкур қурултойда Шермуҳаммадбек ҳукумат раиси ва ислом қўшинларининг олий бош қўмондони – «Амир ал-муслимин» қилиб сайланди. Бу ҳукумат 1922 йилнинг декабригача фаолият олиб борган.

Совет ҳукумати қуролли ҳаракатларни тўхтатиш мақсадида истиқлолчиларга ва биринчи ўринда Шермухаммадбек қўрбошига мурожаат қилиб, улардан таслим бўлишни талаб қилди. Хусусан, Фарғона вилояти инқилобий қўмитаси (ревкоми) ўзининг 1921 йил 9 мартдаги қарори билан «1 апрелдан 1 майгача бир ойлик муддат ичида босмачиларни қуроллари билан



Шермухаммадбек совет ҳукумати вакиллари билан музокара ўтказмоқда. Фарғона шаҳри, 1921 йил

келиб, ихтиёрий таслим бўлиш»га чақирди. Натижада қўрбошилар билан совет ҳокимияти вакиллари ўртасида музокаралар бошланди. Музокараларда Шермухаммадбекнинг энг обрўли қўрбошиларидан бири Алиёрбек истиқлолчилар номидан қўйидаги шартларни ўртага қўйди: «1. Шариатига риоя қилиш; 2. Мустақил қозилар сайлаш; 3. Озиқ – овқат тақсимотини бекор қилиш». Табиийки, совет қўмондонлиги бу таклифларни рад этди.

4 – босқичга (1923 – 1924 йиллар) келиб, Туркистон минтақасидаги ҳарбий ва сиёсий вазият кучлар нисбатини большевиклар фойдасига ўзгартириб юборди. Совет Россияси марказидан мунтазам равишда юборилган СССРнинг қуролли кучлари муҳолифатчиларга қарши оммавий ҳужумга ўтиб, уларга кучли зарбалар беришга муваффақ бўлди. Бу даврда Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятидаги муҳолифатчилар йирик жангларда мағлубиятга учраган бўлсалар, Бухоро, хусусан, Хоразмда улар айрим ютуқларни қўлга киритишди. Айниқса, 1923 йил охири – 1924 йил бошларида Хоразм воҳасида кўтарилган катта кўзғолон, Жунаидхон қўшини томонидан пойтахт Хиванинг камал қилиниши, ҳатто бир қисмининг эгалланиши (1922 йил март ойида Мулла Абдулқаҳҳор қўшини Бухоро шаҳрининг бир қисмини қизил аскарлардан озод қилган эди) бу босқичдаги муҳим воқеалар сирасига киради. Лекин, айнан, 4 – босқичнинг якуни – 1924 йил охирига келиб Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат, асосан, мағлубиятга учради.

Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат минтақа халқларининг ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаётига ҳам кучли таъсир кўрсатган ва турли оқибатларни келтириб чиқарган. Уруш ҳаракатлари натижасида иқтисодиёт издан чиққан, туб халқларнинг турмуш даражаси оғирлашган.

Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг мағлубиятга учрашининг ички ва ташқи омиллари, кўплаб сабаблари бўлган. Бу сабаблар, энг аввало, қуролли муҳолифат ҳаракатининг ҳамма пайт ҳам ягона ҳарбий куч сифатида уюша олмаганлигида, кураш жараёнида баъзи кўрбошилар ўртасида мавжуд бўлган ўзаро низолар ва келишмовчиликларда кўринади. Кизил армиянинг ҳарбий жиҳатдан устунлиги, пировардида, кураш тақдирини ҳал қилган.

Большевиклар муҳолифатчилар устидан йирик ғалабаларга эришгач, ниҳоят, 1924 йил охирида Туркистон минтақасини парчалаб ташлашга, яъни Ўрта Осиёда миллий –ҳудудий чегараланишни ўтказишга муваффақ бўлди. Туб халқлар номи билан аталувчи 6 та миллий республика тузилиб, улар СССР ёхуд РСФСР таркибига киритилди. Лекин бу республикалар совет андозаси асосида тузилганлиги ва СССР таркибида бўлганлиги учун ҳам миллий давлат вазифасини ўтай олмаслиги равшан эди. Шунинг учун совет режимига қарши қуролли ҳаракат 1925 йил ва ундан кейинги йилларда ҳам давом этди. Ҳаракатнинг иккинчи даври 1925 – 1935 йилларни ўз ичига олиб, у ҳам ўз навбатида турли босқичларга бўлинади. Курашнинг 2-даври 10 йил давом этиб, ўзининг хусусияти ва кучлар нисбати бўйича биринчи даврга нисбатан анча фарқ қилади. Лекин курашнинг биринчи давридан фарқли равишда бу йилларда оммавий жанг ҳаракатлари деярли юз бермади. Кураш кўлами ва хусусияти ҳам бу даврда анча ўзгарган эди.

11 – мавзу: Совет тузумининг Ўзбекистонда юритган қатағонлик сиёсати ва унинг салбий оқибатлари

Режа:

- 1. Собиқ Иттифокда маъмурий – буйруқбозлик тизими ва тоталитар тузумнинг қарор топиши. Миллий республикалар ҳуқуқларининг чекланиши.**
- 2. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда юритган қатағонлик сиёсати (XX асрнинг 20 – 30 йиллари).**
- 3. Ўзбекистонда «Қатта террор» ёки «Қулоқлар операцияси» ва унинг оқибатлари.**
- 4. Урушдан кейинги йилларда миллий зиёлиларни қатағон қилишнинг янги тўлқини.**
- 5. Мустамлакачилик даври қурбонлари – шаҳидлар хотирасига авлодлар эхтироми.**

Таянч сўз ва иборалар: Маъмурий – буйруқбозлик, тоталитар тизим. Репрессия. Қатағон, «18 лар гуруҳи». «Иноғомовчилар». «Қосимовчилар». Зиёлилар қатағонлиги. Диний таъқиблар. Қатағонликнинг янги тўлқини. Фан ва маданиятга босим.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов Ислам. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони (ПФ – 2837– сонли), 2001 йил 1 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойиллар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори, 1999 йил 22 июль.
5. Репрессия: 1937 – 1938 гг. Документи и материалы. Вип.,1. – Т.: Шарк, 2005.
6. Репрессия: 1937 – 1938 гг. Документи и материалы. Вип.,4. / Сост: Р.Т. Шамсутдинов, М. Абдуллаев, Э. Дўсматов, Х. Курбанов. –Т.: Шарк, 2008.
7. Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Документи и материалы. Сост: Р.Т. Шамсутдинов, Э.Ю. Юсупов, С. Хошимов, Э.П. Дусматов. – Андижан: 2007.
8. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссилка, 1929-1955 гг.: Документы и материалы. Т.І-ІІІ / Сост: Р.Т. Шамсутдинов, Б.М. Расулов; Под. ред. Д.А. Алимовой; –Т.: Шарк, 2006.
9. Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). –Т.: Шарк, 2001.

10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 312-325.
11. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий тахрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 464-471; 516-528.
12. Шамсутдинов Рустамбек. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар / Маъсул муҳаррир: И. Каримов. –Т.: Шарқ, 2001.
13. Шамсутдинов Р. Катта террор айбдорлари ҳақида янгича талқинлар. – Андижон: 2007.
14. Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август – 5 ноябрь) / Маъсул муҳаррир Н. Каримов. –Т.: Шарқ, 2007.
15. Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. –Т.: Шарқ, 2009.
16. Usmonov Q. O'zbekiston tarixi. –Т.: IQTISOD - MOLIYA, 2006. –Б. 337-343.
17. Shamsutdinov R. va boshq. Vatan tarixi. (Uchinchi kitob); R. Shamsutdinov, Sh. Karimov – Т.: Sharq, 2010. –Б.310-335.
18. <http://www.uzmeros.uz/meros.php>

1. Собиқ Иттифоқда маъмурий – буйруқбозлик тизими ва тоталитар тузумнинг қарор топиши. Миллий республикалар ҳуқуқларининг чекланиши. Маълумки, 1918 йилнинг ўрталаридан совет ҳукумати бутун Россияда бўлгани сингари Туркистон республикасида ҳам ҳарбий чора – тадбирлар билан бир қаторда фавқулодда иқтисодий чора – тадбирларни ҳам белгилади. Яъни иқтисодий соҳада «озик – овқат жаримаси (развёрсткаси)» жорий қилинди. Бу тарихда «ҳарбий коммунизм» сиёсати деб номланди. Ушбу сиёсатнинг амалга оширилиши собиқ Иттифоқда маъмурий – буйруқбозлик тизимининг дастлабки кўриниши эди. Бу сиёсат ўз моҳиятига кўра халққа қарши қаратилган бўлиб, унга кўра товар – пул муносабатларига барҳам бериш, большевиклар ҳукумати кўлида барча ресурсларни марказлаштириш асосида бутун Россия каби Туркистондаги деҳқонлар кўлидаги «ортиқча» ғалла бойликларини давлат ихтиёрига тортиб олиш, йирик саноат билан бир қаторда ўрта ва майда корхоналарни ҳам давлат кўлида умумлаштириш, 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган барча эркак ва аёллар учун умумий меҳнат мажбуриятини жорий этиш сингари чора-тадбирлар белгиланган. Аммо бу сиёсат нафақат ўзининг самарасизлигини кўрсатди, балки оғир оқибатларга ҳам олиб келди. Шунинг учун РКП(б) нинг X съездида (1921 йил март) **янги иқтисодий сиёсатга**, бошқача айтганда, пул – товар муносабатларига ўтишга мажбур бўлинди. Озик – овқат жаримаси озик – овқат солиғи билан алмаштирилди. Тез кунда янги иқтисодий сиёсат ўзининг натижаларини бера бошлади. Иттифоқ миқёсида, хусусан Ўзбекистонда ҳам саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарор ўсиб борди. Совет ҳукумати бу сиёсатни узоқ чўзмади. 1920 йилларнинг охирларидан янги иқтисодий сиёсатга барҳам берилди ва коммунистик партия ўз сиёсатини тубдан ўзгартирди. Маъмурий – бошқарув тизимининг ўзагини коммунистик партия, аниқроғи, унинг унча

катта бўлмаган сиёсий бюроси ва бошқарув аппарати ташкил қилди. Бошқарув аппарати эса бир шахсинг, яъни партия бош котибининг иродасига бўйсундирилди. Маъмурий буйруқбозлик тизимига хос бўлган яна бир хусусият – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг (Сталин даврида улар кўпроқ жазоловчи, қатағон қилувчи орган сифатида намоён бўлди) ҳаттоки партия ташкилотларидан ҳам холи қилиниб, бевосита партия бош котибига бўйсундирилиб қўйилганлигидир. Маъмурий – буйруқбозлик тизими ўз фаолияти давомида фақат марказнинг манфаатларини инобатга олганлиги учун иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини поймол қилди, уларнинг эҳтиёжлари билан ҳисоблашмади. Натижада республикаларнинг ривожланишида номуносивлик ва бир томонламалик авж олди.

Хуллас, 1930 – 1940 йилларда шаклланган маъмурий – буйруқбозлик тизими айрим жузъий ўзгаришларни назарга олмаганда, то СССР тарқалиб кетгунга қадар сақланиб қолди. Шу асосда иттифоқда маъмурий – буйруқбозлик тизими қарор топа бошлади ва тоталитар тузумнинг мустаҳкамланишига замин тайёрлади. Айни чоғда тоталитар тузум тушунчасига тўхталадиган бўлсак, у давлат бошқарув шаклларида бири (тоталитар давлат) бўлиб, **тоталитаризм** (лот. *totalis* – яхлит, тўлиқ) таянч атамасидан келиб чиқади. Тоталитар бошқарув жорий қилинган давлатда жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан давлатнинг ялпи, тўла (тотал) назорати ўрнатилади, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар тугатилади, бир шахс, ижтимоий гуруҳнинг (масалан, ҳарбийларнинг ёки бир партиянинг) яккаҳокимлигига сўзсиз бўйсунилади, муҳолифат ва ўзгача фикрловчилар эса қатағон қилинади.

XX асрнинг 20 – йиллари иккинчи яримларига келиб собиқ Иттифоқнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётида, айниқса, ҳокимият бошқарув – идора тизимида кескин ўзгаришлар юз бериб борди. 1925 йил декабрдан Бутуниттифоқ коммунистик (большевиклар) партияси – ВКП(б) деб номланган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси – КПСС (1952 йилдан октябрдан) бу пайтга келиб, жамиятнинг барча жабҳаларида ўзининг ҳуқумронлигини ўрнатишга киришди. Бунда И.В. Сталин (1879 – 1953)нинг хизматлари катта бўлди.

И.В. Сталин 1922 йилдан РКП(б) Марказий Қўмитасининг (МК) Бош котиби лавозимини эгаллаб, аста – секинлик билан ўзининг якка ҳокимлигини бутун чоралар билан қарор топтириш ҳаракатида бўлди. Шу мақсадга эришиш йўлида у ўз атрофига бир гуруҳ раҳбар кадрларни тўплаб, уларни ишга солиб, партиянинг кўплаб тажрибали, инқилобий курашлар жараёнида ғоявий ва сиёсий жиҳатдан катта тажрибага эга бўлган нуфузли арбобларини обрўсизлантиришга интилди. Ўз даврида компартия ва совет ҳокимияти раҳбариятининг ўзак – негизини ташкил этган Л.Д. Троцкий, Н.И. Бухарин, Л.Б. Каменев, Г.Е. Зиновьев, А.И. Рыков кабилар шундай муҳолифатчи гуруҳ вакиллари эди.

20 – йилларда атайин авж олдирилиб, одатий тусга кирган «партиявий тозалашлар» баҳонасида мамлакат ҳаётининг у ёки бу муҳим масаласида

соғлом, холис фикр билдирган кадрларни эгаллаб турган юқори вазифаларидан четлаттириб борилди. Россияда юз бераётган барча ўзгаришлар, янгиланишлар И.В. Сталин номига нисбат берилди. Ҳукмрон компартия мафкураси бу номни зўр бериб кўкларга кўтариб макташ, мадҳ қилишга йўналтирилди. 20 – йиллар охирларига келиб И.В. Сталин томонидан янги назарий қараш сифатида илгари сурилган «Социализм мустаҳкамланиб борган сари синфий душман қаршилиги ҳам шунчалик кучайиб боради», деган сохта ғоя бутун мамлакат учун ҳалоқатли оқибатларга олиб келди. Бу «ғоя»ни иттифоқдош республика партия ташкилотлари ўзларига дастуриламал қилиб олишга мажбур эдилар, акс ҳолда, синфий душманнинг борлигини инкор қилганларнинг ўзлари социализмнинг душманига айланиб қолишлари аниқ эди. Сталин ва унинг яқинлари мамлакат ва партия ҳаётига оид ҳар бир масалада ўз иродаси, ҳукмини бошқаларга мажбур этиб бордилар.

20 – йилларнинг охири – 30 – йилларнинг бошида И.В. Сталин гуруҳи партиянинг Троцкий ва Зиновьев, Бухарин ва Риков сингари бошқа раҳбарлари устидан кескин курашларда ғалаба қозониши оқибатида собиқ Иттифоқда бир партиялик тизими мустаҳкамланди. Бунинг натижасида большевиклардан тузилган комунистлар партияси И.В. Сталин бошчилигида давлат тоталитар режимининг таянчи бўлиб қолди.

Шу тариқа, собиқ Иттифоқда 1917 йилдан бошлаб шаклланана бошлаган тоталитар сиёсий режим 20 – йилларнинг охири 30 – йилларнинг бошларида тўлиқ қарор топди.

Тоталитар режимнинг мазмун – моҳияти, белгилари қуйидагилардан иборат:

➤ кўппартиявийлик тугатилади, битта партия (ВКП(б)) бутун мамлакатда ягона ҳукмрон партияга айланади, унинг қарорлари, кўрсатмалари барча ҳокимият органлари томонидан сўзсиз бажарилиши мажбурий бўлади;

➤ давлат бошқаруви марказдан, диктатор томонидан маъмурий – буйруқбозлик тарзида амалга оширилади, маҳаллий ҳокимият органлари амалда кўғирчоқ бўлиб қолади;

➤ ижтимоий муносабатлар сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, жисмоний зўронлик асосда тартибга солинади, хусусий мулкни миллийлаштириш орқали шахснинг иқтисодий эркинлиги тугатилади, режали иқтисодиёт қарор топади;

➤ ошкоралик, турли хил фикр билдириш, муҳолифатчилик ҳаракатлари қатъиян ман этилади;

➤ оммавий ахборот воситалари, таълим тизими, ижодий уюшмалар орқали тарғибот – ташвиқот ишлари кучайтирилиб, аҳоли расмий (коммунистик) мафкура нуқтаи назардан қайта ишланади, улар онгига мафкуравий ақидалар сингдирилади;

➤ сиёсий қатағонлик шахсинг онги ва хатти – ҳаракатларини назорат остига олиш, мавжуд тузумга нисбатан хайрихоҳлик, содиқлик, қўллаб – қувватлаш туйғусини сингдиришнинг асосий воситасига айланади;

➤ расмий мафкурага мос бўлмаган барча нашрий маҳсулотларни йўқ қилишга, интеллектуал ва ижодий фаолиятни бўғишга йўналтирилган цензура органи фаолият юритади;

1922 йил 30 декабрда ташкил топган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) – унитар давлат бўлиб, унда расмий федерация субъектлари суверен ҳуқуқлар ва реал мустақилликдан маҳрум бўлиб, унинг таркибидан чиқиб кета олмасдилар. Ўзбекистон суверенитети тан олинсада, аммо у ҳам фақат номигагина СССРнинг таркибидаги суверен республика ҳисобланди. Аслида эса иттифокдош республикалар сингари мамлкатимиз ҳам собиқ иттифокга ҳар томонлама қарам эди. Унинг маҳаллий раҳбарияти республиканинг иқтисодий, ҳўжалик, маданий – маънавий ҳаётига оид бирор бир масала, муаммони мустақил ҳал этишга ҳақли, ҳуқуқли эмас эди. Бунинг учун аввало Марказнинг розилигини олиш талаб этиларди. Ўзбекистон мустақиллигининг нечоғлик расмий, юзаки мазмунда бўлганлиги факти унинг юксак қонуний ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган эди. Жумладан, 1927 йил 22 – 31 март кунлар бўлиб ўтган ЎзССР Советларининг II съезди 30 мартда Конституция лойиҳасини бир овоздан тасдиқлади ва Марказий Ижроия Қўмитети Президиумига уни узил – кесил таҳрир қилиб, эълон қилишни топширди. 1927 йил 11 июлда МИҚ Президиуми Конституцияни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилган. Номигагина амалда бўлган бу конституцияга бир неча марта ўзгартиришлар киритилди. 1937 йил ноябрда қабул қилинган ЎзССРнинг Янги Конституцияси ҳам моҳият эътибори билан асосан 1936 йил 5 декабрдан кучга кирган СССР Конституциясининг айнан нусхаси эди. Унда республиканинг мустақиллиги, фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари қанчалик мадҳ этилмасин, бироқ улар амалиётда нечоғлик сохта, қуруқ сафсаталар бўлиб чиққанлигини ҳаётнинг ўзи исботлади.

2. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда юритган қатағонлик сиёсати.

Ўзбекистон тарихининг аянчли, ҳасратли, фожеали ва армонли саҳифаларидан бири Советларнинг Ўзбекистонда олиб борган қатағон сиёсати ва унинг фожеали оқибатларидир. Туркистонда советлар ҳокимиятининг ўрнатилишидан бошлаб то собиқ Иттифокнинг парчаланиб кетгунига қадар советларнинг репрессия – қатағон сиёсати амалга оширилиб келинган.

Репрессия атамасига тўхталадиган бўлсак, бу сўз лотинча *repressio* - босим, тазйиқ маъносини англатади. Бу сўзнинг ўзбекча маъноси қатағон тушунчасига тўғри келади. Репрессия, қатағон – бу партия, давлат ва унинг куч ишлатиш органлари қўллайдиган жазо чорасидир. Қатағон мустабид тоталитар, мустамлакачи давлат томонидан халққа нисбатан қўлланиладиган жазолаш, қатли ом, қатли нуфус, оммавий тарзда зулм ўтказиш тушунчаларини ўзида мужассам этади. Қатағон оммавий жазолаш, қийноққа солиш чоралари мустабид давлатларнинг халқни асоратда, тутқунликда ушлаб туриш, қўрқитиш, босим, тазйиқ ўтказиш куралидир.

Советлар ҳукумронлигининг дастлабки кунларидан бошлаб ўзбек халқининг миллатпарвар зиёлилари, атоқли давлат арбоблари ва етук миллий кадрларини қатағон қилиш мустамлакачилик тартибларини мустаҳкам сақлаб туришнинг энг маккорона, тарих синовидан ўтган йўлларида бири сифатида қатағон сиёсатини қўллади. Бу сиёсат айрим шахсларгагина эмас, балки ҳурфикрликка, миллийликка, инсон фаровонлигига, қолаверса, демократияга, жамиятдаги бирқанча тоифа ва синфларга қарши қаратилганлигини тан олиш керак бўлади. Қатағон қилиш миллий кадрларни йўқ қилишга, халқларнинг миллий онги ва диний қадриятлари, миллий ўзлигини англаб етиши ва миллий ғурурини ўсишига йўл бермасликка қаратилган давлат сиёсати эди. Совет ҳокимияти қатағонликнинг энг даҳшатли йўлларида ихтиро қилди ва изга солди. Россия империяси даврида кўпинча айрим «хавфли шахслар» тазйиқ остига олинган, сургун қилинган бўлса, советлар замонида бутун – бутун халқлар ўз юртларидан бадарға қилинди.

20 – йилларнинг иккичи ярмида Ўзбекистонда мавжуд тузумга муҳолифатда турганлар ва унга қаршилик билдирганлар таъқиб остига олинди. Натижада оммавий қатағонлар ва бедодликнинг дастлабки кучли тўлқини Ўзбекистон бўйлаб юз берди. Айни шу пайтда **«18 лар гуруҳи»**, **«иноғомовчилик»**, **«қосимовчилик»**, **«бадриддиновчилик»** каби сиёсий ишлар тўқиб чиқарилган эди. Совет режими 30 – йиллардан бошлаб ўз халқига нисбатан оммавий террор қўллади.

«18 лар гуруҳи». 1925 йил 19 ноябрда Самарқандда чақирилган Ўзбекистон КП (б) МҚнинг пленуми йиғилиши бир кун эмас, тўрт кун давом этади. Бунинг асосий сабаби, республикадаги юқори масъулиятли вазифаларни эгаллаб турган 18 шахснинг ўз лавозимларидан кетиши ҳақидаги аризаси бўлди. Улар ўз истеъфолари сабабини хусусий мулкни йўқотиш ҳисобига ўтказилган ер – сув ислоҳоти усулларига норозилик сифатида изоҳлашади. Шунингдек, бу гуруҳни эски ходимларга нотўғри муносабатда бўлинаётгани, раҳбарларни танлаш фақат синфий нуқтаи назардан амалга оширилаётгани қониқтирмайди. Улар ҳукумрон Марказнинг улуғ давлатчилик ва шовинистик сиёсатига, миллий кадрларга нисбатан беписандлик, лоқайдликка қарши чиқиб, адолат ва ҳаққонийлик тамойилларини ҳимоя қилганлар. **«18 лар гуруҳи»** га Мухтор Саиджонов (Зарафшон вилоят ижроия қўмитаси котиби), Раҳмат Рафиқов (Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари),

Иномжон Хидиралиев (Ўзбекистон ер – сув ишлари халқ комиссари), М. Ўринхўжаев, У. Ашуров, Р. Раҳимбобоев, Эшонов, Музаффаров, Махсумов ва бошқа Ўзбекистон ССР нинг 18 та таниқли миллий раҳбар ходимлари кирган. Уларга «ер – сув ислоҳотига қарши чиққан, бой – кулоқ ва ер эгаларининг манфаатини ҳимоя қилиб чиққанлар, маҳаллийчилик ва миллатчилик ғояларини илгари сурган» деган сохта айбнома қўйилди. Шу боис, расмий партия органлари томонидан мазкур гуруҳ кескин қораланади, эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирилади.

Ер – сув ислоҳотини ўтказиш даврида (1925 – 1929) «18 лар гуруҳи» ушбу жараён ва МҚ га қарши фаолият юритишда айбланишган бўлса, орадан икки йил ўтгач эса, Ўрта Осиё бюросининг пленумида (1927 йил октябрь) уларга бой – кулоқларнинг манфаатини ҳимоя қилган, ер – сув ислоҳоти ҳамда аёлларнинг озодликка чиқишига қарши бўлган, савдогар ва хунармандлардан олинадиган солиқларни камайтириш ва давлат аппаратини миллийлаштириш тарафдори бўлган деган, сохта айбномалар қўйилади.

«Иноғомовчилик» – Совет давлатининг жазо органлари томонидан атайлаб тўқиб чиқарилган ва 1926 – 1931 йилларда бир қатор миллий раҳбар кадрлар ва зиёлиларни айбсиз қатағон қилинишига сабаб бўлган большевиклар режимининг бўҳтонидир. «Иноғомовчилик»нинг сабабчиси Ўз КП(б) МҚ Ижроия бюроси аъзолигига номзод, Ўз КП(б) МҚ Матбуот бўлими мудир ва ЎзССР Маориф халқ комиссари Иноғомов Раҳим Охунжонович (1902 йилда туғилган) эди.

Р. Иноғомов 1926 йил охирида «Ўзбекистон зиёлилари» рисоласини матбуотда эълон қилади. Унда «Октябрдаги ўзгариш ўзбек халқи учун кутилмаган воқеа бўлди ва унга ўзбек меҳнаткашлари тайёр эмас эди». Октябргача бўлган даврда «...рус истибдодига қарши мустақиллик ҳаракатида тарихий ролни зиёлилар ўйнаган», деган фикрни илгари суради. Шунингдек, Р.Иноғомов ўзининг бир қатор нутқларида Ўзбекистон компартиясини Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашмаётганликда, Марказнинг Средазбюро, СредазЭКОСО каби «назоратчи» органларини зўравонликда айблайди. Республиканинг бир қатор масъул ходимларидан Н. Мавлонбеков, И. Исамуҳаммедов, М. Алиев, Бобоназаров сингари ҳаммаслақлар Иноғомов қарашларини қўллаб – қувватлаб чиққандилар. Бундай муҳолифатчи чиқишлар ҳукмрон партия мутасаддиларининг қаҳрига учрамасдан қолмасди, албатта. Шу боис Ўзбекистон Компартиясининг III съезди (1927 йил ноябрь) Р.Иноғомов «ғоявий жиҳатдан» тор – мор қилинди деб ҳисоблаб, уни Қашқадарё округининг энг чекка қишлоғига ишлаш учун жўнатади. 1930 йил 30 майда «Правда Востока» газетасида Иноғомовнинг «очик хати» уюштирилиб, у тавба – тазарру қилдирилади.

Р. Иноғомов 1937 йил 25 августда қамоққа олинди ва совет режими томонидан 1938 йил 5 октябрда Тошкентда отиб ташланди.

«Қосимовчилик» – 1929 – 1930 йилларда советлар режими томонидан миллий кадрларни, зиёлиларни қатағон қилиш мақсадида атайлаб

уюштирилган навбатдаги уйдирма эди. 1929 йилнинг иккинчи ярмида ЎзССР Олий судининг раиси Қосимов Саъдулла Рашидович (1901 – 1930) қамалади. Большевиклар ҳукуматининг жазо органлари томонидан «тўқиб чиқарилган» айблов асосида бу ишга атайлаб сиёсий тус берилади. С. Қосимов билан бирга тарих ўқитувчиси Олимов, суд идораси ходимлари Мусабоев ва Спиридонов ҳам қамалади.

Самарқанд (1930 йил март – июнь)да бўлиб ўтган суд жараёнида (суд раиси М.И. Васильев – Южин, қораловчи Р.П. Катанян) С. Қосимов ва унинг тарафдорлари (7 киши) «буржуа миллатчилари» сифатида, «босмачилар»ни қўллаб-қувватлаганликда айбланган. Уларга «қосимовчилик» тамғаси босилган. Большевиклар режимининг «одил суди» сохта айблов ва сохта гувоҳлар берган кўрсатмага асосланиб С.Қосимов, Шарипов, Олимов, Мусабеков ва Спиридоновларни отишга, қолганларини эса 10 йилдан қамок жазосига ҳукм қилади.

Орадан кўп ўтмай навбатдаги иш — «бадриддиновчилик» ўйлаб топилди. 1932 йил 5 май – 15 июнда Тошкент шаҳрида СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси Шамсутдин Бадриддинов ва унинг 5 тарафдори устидан суд жараёнини ўтказди. Ш. Бадриддинов 1929 йилда Фарғона округи прокурори, кейинчалик Ўзбекистон ССР Олий судининг прокурори лавозимларида ишлаган бўлиб, у ва тарафдорлари 1931 йилда қамокқа олинган эди. Ш. Бадриддиновга «Миллий Иттиҳод» ташкилоти аъзолари ва «босмачилар» билан алоқа боғлаган, Мунаввар Қори ва С. Қосимовнинг яқин дўсти ва ҳамфикри бўлган, деган айблар қўйилди. Бу суд жараёнида ҳам прокурор Р. Катанян эди. Ш. Бадриддинов аввал отишга ҳукм қилиниб, сўнгра ўлим ҳукми 10 йил қамок муддати билан алмаштирилади. Унинг М. Хўжаев, А. Раҳмонов, М. Аҳмаджонов, М. Садихонов, И. Мусахоновлардан иборат 5 та тарафдори ҳам узоқ муддат қамок жазосига ҳукм қилинади.

Совет режими суд органларидаги миллий раҳбар ходимларни қатағон қилиш билан биргаликда жазо қиличини маориф жабҳасидаги зиёлиларга ҳам қарши кўтарган эди. 1929 йил 5 ноябрда Тошкентда атоқли жаҳидчи маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигидаги 38 киши қамокқа олинади. Орадан кўп ўтмай қамокқа олинганларнинг миқдори 87 кишига етди. Уларга «Миллий Иттиҳод» ва «Миллий Истиқлол» ташкилотларининг аъзоси деган айб қўйилди. Тергов жараёни кейинчалик Москвага кўчирилди. Бу ҳолат совет режимини ўзбек зиёлиларининг «миллатчилиги»ни фош қилишга жон – жаҳди билан киришганлигидан далолат беради.

1931 йил апрелда Москвада бўлиб ўтган суд мажлисида Мунавварқори Абдурашидхонов ва бошқа 15 миллат фидойиси – «Миллий Истиқлол» аъзолари отишга, қолган 72 киши эса узоқ муддатли қамок жазосига ҳукм қилинди. Лекин қамокдан деярли ҳеч ким қайтиб келмаган. 1930 йил август ойида Ўзбекистон халқ маориф комиссарлигидаги бир гуруҳ раҳбар ходимлар

ҳибсга олинади. Улар ичида маориф комиссари Маннон Рамзий (Абдуллаев, 1896 – 1938), унинг ўринбосари Боту – Маҳмуд Ҳодиев (1904 – 1938), шунингдек, Олтой – Боис Қориев (1903 – 1976), Носир Саидий ва бошқалар бор эди. Улар маориф тизимини «миллатчилик оғуси» билан захарлаганликда айбланиб, бу ҳолат «маориф frontiда қосимовчиликнинг намоён бўлиши» деб қораланди. Боту ва унинг тарафдорлари 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

1930 йили Давлат банки аппаратида «тозалаш» ўтказилиб, кўплаб раҳбар ходимлар қамалди. Бошқа суд ишлари ҳам ўтказилди. Бу ишларнинг ҳаммаси Ўзбекистондаги етук миллий раҳбар ходимлар ва зиёлиларни тугатишга, халқимизни тоталитар режим асорати остида тутиб туришга қаратилган эди.

Қатағон балоси фақат зиёлиларнигина ўз қомига тортмади, истибдоднинг оловида барча баравар ёнди. 20 – йиллар охири – 30 – йиллар бошларида деҳқонларга нисбатан ҳам мисли кўрилмаган қатағонлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида Ўзбекистонда 40 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги «қулоқ» қилиниб, улардан 31,7 минги қатағон қилинган эди

Қатағонлик сиёсатининг яна бир мудҳиш кўринишларидан бири динга, руҳонийларга ва, умуман, ҳар қандай инсоннинг диний эътиқодига қаратилган тажовуз бўлди. Коммунистик партиянинг ислом динига муносабати Ўзбекистон Компартиясининг 1927 йилда бўлиб ўтган VI пленуми қабул қилган «Мусулмон руҳонийлари ва мактаб тўғрисида»ги қарорида қайд қилинган. Унинг моҳиятини қуйидаги кўрсатмалар ифодалайди:

➤ ислом ўзга динлар каби маданият, пролетариат ғояларини ривожлантириш ва социализм қурилишини тараққиётга эриштириш йўлидаги тўсиқдир;

➤ руҳонийларнинг тинч ислоҳотчи ёки тараққийчи деб аталмиш қисми ўзга гуруҳлар каби партия ва совет ҳокимиятининг асосий тадбирларини амалга оширишга қаршилик қиладиган антисовет кучдир;

➤ руҳонийлар ислом динини ва унинг ташкилотларини йўқсиллар диктатурасига қарши қуролга айлантириш, уларни мавжуд шароитга мослаштириш учун барча чораларни кўряптилар;

➤ коммунизм ва дин бир – бирига бутунлай қарама – қарши эканлигини ва уларни ҳеч қачон бирлаштириш мумкин эмаслигини коммунистлар, айниқса, фаоллар тушуниб етишлари керак.

Ушбу кўрсатма жойлардаги партия ва совет ташкилотларининг динни тугатиш борасида аниқ чора – тадбирларни амалга оширишлари учун асос бўлди. 30 – йилларнинг боши диндор ва эътиқодли кишиларга нисбатан зўравонлик сиёсий қатағонликнинг чўққиси бўлди. Жуда катта миқдордаги ислом, христиан, будда динига тааллуқли асарлар йўқ қилинди. Бу даврда Ўзбекистондаги диндорлар, уламоларнинг асосий қисми қамоқ лагерларига жўнатилди. Ўтмишда нафақат диний русумлар адо этадиган, балки маданият, фан, тарбия, санъат марказлари, халқнинг кўп асрлик меросини сақловчиси

бўлган масжид ва мадрасаларнинг деярли барчаси ёпиб қўйилди, айримлари бузиб ташланди. Баъзи маълумотларга қараганда, 1917 йилгача Самарқандда – 150, Тошкентда – 387 та масжид ва мадраса бўлган бўлса, 30-йилларнинг ўрталарига келиб улар деярли қолмади.

3. Ўзбекистонда «Катта террор» ёки «Қулоқлар операцияси» ва унинг оқибатлари. Ижтимоий адолатсизликнинг бузилиши 1937 – 1938 йилларда энг юқори чўққига чиқди. Бу даврга келиб собиқ Иттифок республикалари сингари Ўзбекистон ҳам сиёсий қатағоннинг энг юқори босқичи – мудҳиш «Катта террор» фожеаларини ўз бошидан кечирди. Республика жамиятнинг ҳамма табақаларига ёйилган ҳибсга олиш тўлқини остида қолди. Олимлар, муҳандислар, шоиру – ёзувчилар, маорифчилар, санъаткорлар, журналистлар, ҳаттоки ишчи ва деҳқонлар ҳам таъқиб остига олинди ва қатағон қилинди. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг ички турмаси ва бошқа қамоқхоналарида маҳбуслар жисмоний жазоларга маҳкум қилиндилар. Маҳбусларнинг кўплари бу ҳолатдан чиқиш, қутулишнинг ягона йўли ўз жонига қасд қилиш деб билдилар. Айримлари эса қилмаган жиноятларини бўйнига олишга мажбур бўлганлар.

Маълумки, 1937 йилнинг май – июнь, айниқса сўнгги бир ярим ойи даврида, «ҳарбий – фашистик исёнчилар» отилганидан сўнг бўлажак оммавий қатағон кампаниясини интенсификация режалаштириш амалга оширилади. Июль ойининг бошларида бўлажак террорнинг юз минглаб қурбонлари тақдирини аниқловчи қарорлар қабул қилинган. Улардан энг муҳими — Сиёсий бюронинг 2 июлдаги «Советларга қарши унсурлар тўғрисида»ги қарори бўлиб у «катта террор» даврининг энг қўламли қатағон операциясини ўтказиш учун ўзига хос старт эди. Ана шу қарор асосида 1937 йил 30 июлда СССР Ички ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД)нинг «Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа советларга қарши унсурларни қатағон қилиш операцияси тўғрисида»ги мутлақо махфий 00447- сонли тезкор буйруғига («Қулоқлар тўғрисидаги буйруқ» деб аталган) СССР Ички ишлар Халқ Комиссари, «темир нарком» номини олган Н.И. Ежов қўл қўяди.

Мазкур буйруғда антисовет уюшмаларни тергов қилиш материалларида аввалида қатағон қилинган, қатағон бўлишдан яшириниб юрган, лагерлардан, сургунлардан ва меҳнат посёлкаларидан қочиб келган собиқ қулоқларнинг катта қисми қишлоқларда ўрнашиб қолгани қайд этилган.



Ежов Николай Иванович (1895 – 1940)

Буйруқда операцияни ўтказиш бўйича 7 пунктдан иборат йўриқнома ва тартиблари ҳам белгилаб берилган. Барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда собиқ қулоқлар, фаол антисовет элементлар ва жиноятчиларни қатағон қилиш бўйича операция ўтказиш 1937 йил 5 августдан бошлаш ва тўрт ой муддатда яқунлаш кўрсатиб ўтилган. Бу операция Ўзбекистон,

Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРда 1937 йил 10 августдан бошланиши белгиланди. Шарқий Сибир вилоятида, Красноярск, Узоқ Шарқ ўлкаларида эса 15 августдан бошлаш кўрсатилган.

Ўрта Осиё республикалари Ички ишлар халқ комиссарликларининг СССР НКВДга оғзаки берган маълумотлари бўйича қатағон (репрессия) қилинадиганлар миқдори қуйидагича белгилаб берилган:

№	Республикалар	1 – тоифа	2 – тоифа	Жами
1	Қирғизистон ССР	250	500	750
2	Тожикистон ССР	500	1300	1800
3	Туркманистон ССР	500	1500	2000
4	Ўзбекистон ССР	750	4000	4750

Шу ўринда республикаларда «Катта террор»нинг амалга оширишда «учлик» фаолиятига тўхталадиган бўлсак, совет жамиятида сиёсий қатағонлар энг авжига чиққан даврларда «номақбул шахсларни» «антисовет» ҳаракатлари учун жавобгарликка тортиш жараёнини тезлаштириш мақсадида жаҳон юридик амалиётида умуман учрамаган янги усул жорий қилинди, яъни «учлик» ташкил қилинди. «Учлик»нинг террорни амалга оширишда Москвадан жўнатилган Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари Д.З. Апресян, унинг ўринбосари Л.И. Леонов – Немировский, Тожикистон ички ишлар халқ комиссари Н.А. Загвоздин, чекистлар Триғулов, Акжигитов машъум роль ўйнади.

Ўзбекистон ССР бўйича «учлик» Н.А. Загвоздин (республика Ички ишлар халқ комиссари), А. Икромов (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби), Жўрабек Тўрабеков (Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари)лардан иборат тасдиқланган. Унинг йиғилишларида Ўзбекистон ССР прокурори Шейндлин, котиб сифатида эса ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси 8 – бўлим бошлиғи, лейтенант Яковлев иштирок этган.



Акмал Икромов (1898 - 1938)

Совет режими ўзининг бу гумашталарини ҳам ўша йиллари отиб ташлади. Уларнинг қанчалик жадаллик билан иш олиб борганлигини қуйидаги мисолда кўрсатиш мумкин. Ушбу органда котиблик вазифасини бажарган шахснинг кейинчалик тан олишича, «учлик» ҳар соатда 100 га яқин ишни кўрган. «Учлик» қамоқдаги маҳбуснинг ижтимоий хавфлилиги даражасига қараб 2 тоифа бўйича қатағон қилган. 1 – тоифага олий жазо – отиб ўлдириш ва 2 – тоифа ёзишма олиб бориш чекланган ҳолда, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш бўлган. Қарор чиққанидан сўнг, ҳукм дарҳол ижро этилган. «Учлик»да аксарият вақтда Ички ишлар халқ

комиссарлиги вакилининг фикри катта аҳамиятга эга бўлган. Ана шу органнинг ташаббуси билан олимларнинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистонда 1937 – 1939 йилларнинг ўзида 41 минг нафар шахс қамалган, улардан 37 минги жазога ҳукм қилинган, 6 минг 920 киши отиб ташланган.

«Катта террор» даврида, яъни 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича фақат собиқ «қулоқлар»дан 5924 киши, жиноятчилардан 1679 киши, «советларга қарши унсурлар»дан 3097 киши, жами 10700 киши қамоққа олинган. Улардан 3613 киши 1 – тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2 – тоифа бўйича 8 – 10 йил муддат билан қамоқ жазосига, меҳнат, тузатув лагерига ҳукм қилинган. 1 – тоифа бўйича отувга ҳукм қилинганларнинг 1376 нафари собиқ қулоқлар, 952 нафари жиноятчилар ва 1285 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган. 2 – тоифа бўйича ҳукм қилинганларнинг 4548 нафари собиқ қулоқлар, 727 нафари жиноятчилар, 1812 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган.

Қатағонлик сиёсатидан энг катта заҳмат чекканлар қаторига зиёлиларни киритиш лозим. 1936 – 1937 йилларда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан илм – фан, адабиёт, журналистика, маориф ва бошқа соҳанинг зиёлилари ҳибсга олиниб қатағон қилинганлар. Хусусан, бугун ҳаммага маълум бўлган Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), Абдулла Қодирий (Жулқинбой) 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган.

1937 йилдан «антисовет», «халқ душманлари»ни қидириб топиш ва жазолаш кенг тус олди. Хусусан, давлат сиёсий бошқарув ташкилотининг (Организация Государственного политического управления – ОГПУ) фаолияти асосан ана шундай «тамға» олган шахсларни қидириш ва текшириш билан боғлиқ бўлди. Масалан, Ф. Хўжаев (1938.15.3), А. Икромов (1938.13.3), Д. Манжара, А. Каримов каби партия ва давлат раҳбарлари ҳибсга олиндилар ва отиб ташландилар.

4. Урушдан кейинги йилларда маъмурий – буйруқбозлик тизими ва миллий зиёлиларни қатағон қилишнинг янги тўлқини. Урушдан кейин мамлакатда раҳбарлик қилиш усуллари нормал ҳолатга ўтади, тинч қурилишга мослаштирилади, ижтимоий – сиёсий ҳаёт демократлаштирилади, деган орзу – ниятлар рўёбга чиқмади. Аксинча иқтисодиётда, ижтимоий – сиёсий ва маънавий ҳаётда маъмуриятчилик кучайди. Мамлакатни бошқариш партия – давлат аппаратида раҳбарлик лавозимларини эгаллаган тор доирадаги ходимлар томонидан тайёрланадиган, шахсан Сталин имзоси билан матбуотда эълон қилинадиган фармон ва қарорлар орқали амалга ошириладиган бўлиб қолди. Ҳаммани, хусусан жойлардаги раҳбарларни назорат остига олган тоталитар тузум Кремлда ўтирганларга мамлакатни фармон ва қарорлар билан бошқариш имкониятини берарди.

Республикаларнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш ҳуқуқлари янада чекланиб борди. Сталиннинг ғалабани таъминлашда рус халқи асосий роль ўйнади, деган

машъум ғояси бутун малакатни руслаштириш сиёсатига айланди. Оммавий ахборот воситалари, Компартия ва комсомол ташкилотлари русларни «катта», «улуғ оғамиз» деб баралла тарғиб қила бошлади.

Марказ мутасаддилари, мафкурачилари раҳнамолигида ўтган асрларнинг 50 – йиллари бошларида Ўзбекистонда бошланиб кетган илғор зиёлилар, илм – фан, адабиёт, санъат, маърифат намоядаларини қувғин ва таъқиб қилишлар, улар ижодидан кир излаш, айб топишга уринишлар, шубҳасиз, республика маънавий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмасдан қолмади. У кўплаб олиму ижодкорлар, шоиру адиблар, истеъдод соҳиблари ҳаётини таҳликали ҳолатга дучор этди. Ўзбекистон Компартияси МҚ нинг 1949 йил 25 июндаги «Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзининг иши тўғрисида»ги қарорида А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романи танқид қилинди. Ёзувчилардан Ойбек, Миртемир, Ғ. Ғулум, Ў. Рашидов, М. Шайхзода, М. Бобоев, А. Қаюмов ва бошқалар бадном қилинди. «Шарқ юлдузи», «Звезда востока» журналларининг таҳририятларига бир қатор «ярамас» асарларни чоп этишга йўл қўйган, деган жиддий айблар қўйилди.

1948 – 1949 йилларда 20 дан ортиқ йирик талантили олимлар, ёзувчи ва шоирлар қамоққа олиниб, ёпиқ равишда сўроқ қилиниб, миллатчиликда айбланиб, 15 – 25 йилга озодликдан маҳрум этилади ва сургун қилинади. Ўзбекистон Компартияси МҚнинг 1950 йил 1 сентябрда қабул қилган «Ўзбекистон Фанлар Академиясининг иши тўғрисида»ги қарорида бир қатор иқтисодиёт, тил ва адабиёт соҳасидаги олимлар миллатчиликда айбланди.

Ўзбекистон Компартияси МҚнинг 1951 йил 8 апрелдаги «Ўзбекистон ССРда мусика санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonлари, «Тоҳир ва Зухра», «Алпомиш» халқ дostonларининг афсонавий фольклор сюжетларига асосланган опера, балет ва мусикали драма спектакллари яратиш ва сахналарда кўрсатиш «зарарли» иш деб баҳоланди. Бундай спектакллари сахналаштирган ижодий ходимлар қаттиқ танқид остига олинди. Шунингдек, кўпгина концерт ташкилотлари ва мусикали театр ходимлари «Эски, архаик мусикани ва жуда ғамгин, мунгли мақом намуналари»ни тарқатганлиги учун қораланди. Қарорда «Ўзбекистоннинг мусика санъати ҳаётдан орқада қолмоқда, ўзбек халқини коммунистик руҳда тарбиялаш мақсад ва вазифаларига тўла – тўқис хизмат қилмаётир», деб таъкидланди.

1951 йил 10 августда республика матбуотида «Баъзи шоирларнинг ижодидаги мафкуравий бузғунликлар тўғрисида» деган мақола эълон қилинди. Унда Туроб Тўла, Камтар Отабоев, Миртемир, А. Бобожонов, Собир Абдулла, Ҳабибийларнинг асарлари коммунистик мафкурага, халқлар дўстлигига зид ғояларни илгари сурувчи асарлар сифатида танқид қилинди, улар миллатчиликда айбланди.

1951 йил 24 августда матбуотда эълон қилинган «Ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда» номли мақолада Ойбек, Х. Зарипов, Х. Ёқубов, И. Султонов ва бошқа адиблар мафкуравий оғишларда қораланди. М.Шайхзода, Шукрулло Юсупов, Ғулом Алимов (Шухрат)лар 1951 йилда «советларга қарши миллатчилик фаолияти»да айланиб қамоққа олинди ва кейинчалик 25 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

1952 йил февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси МҚнинг Х Пленуми илмий ва ижодий зиёлиларни қувғин, таъқиб остига олишда яна бир туртки бўлди. Пленумда «Республикада мафкуравий ишларнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди ва тегишли қарор қабул қилинди. Пленумда файласуф В.Зоҳидовнинг илмий ишларига буржуа – миллатчилик хатолари юкланди. Тарихчи А. Бобоҳўжаев ва иқтисодчи О.Аминов пантуркизмни тарғиб қилишда айбланди. Улар «сиёсий ва ишчанлик сифатлари жиҳатидан эгаллаб турган лавозимларига тўғри келмайдиган шахслардир», деб ҳисобланди ва ишдан бўшатилади. Т. Тўла ва М. Шайхзодаларнинг шеър ва кўшиқлари «ғоясиз ва ахлоқсиз» асарлар, деб баҳоланди.

Ўзбек халқининг маънавий мероси, миллий қадриятлари яна бир бор оёқ ости қилинди, бу соҳада фаолият юритган ижодкорлар қатағон қилинди. Тарихий ўтмиш ҳам, замонавий ҳаёт ҳам коммунистик мафкура, синфийлик нуқтаи назардан туриб кўпол равишда бузиб баҳоланди. Натижада маънавий ҳаётга, фалсафий ва бадиий тафаккурга, маданиятга катта зарар етди.

Сталин вафотидан кейин бутун СССРда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш тадбирлари кўрилди. 1956 йил КПСС нинг XX съездида Н.С. Хрущёв бошлиқ партия раҳбарлигининг бир қисми Сталин шахсига сиғинишни, ноҳақ қатағонлар ва раҳбарликнинг авторитар усуллари фаш қилиб чиқди. Қатағон қилинганлар ишини қайтадан кўриб чиқишга киришилди. Кўпгина жиноий ишлар тўқиб чиқарилгани, минглаб одамлар ноҳақ қамалиб, озодликдан маҳрум этилгани аниқланди ва улар оқланди. А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа кўплаб ёзувчи ва шоирлар оқланди. Минглаб партия, совет, комсомол ходимлари номлари покланди. 50 – йилларнинг бошларида шубҳа остига олинган, ҳар бир қадами назорат қилинаётган 60 нафардан зиёд йирик олимлар, адиблардан «миллатчи, советларнинг душмани» деган ёрлиқлар олиб ташланди, тухматлардан ҳалос бўлди.

Афсуски, жамият маънавий ҳаётида унутилмас воқеа бўлган бу бир қадар илиқлик муҳити унча узоқ давом этмади. Одамлар хоҳиши, эркини бўғиб, ихтиёрини ўзига бўйсундириб, ҳамма нарсани ҳукмрон тузум манфаатларига хизмат қилдириб келган коммунистик мафкура ва унинг маддоҳлари кўп ўтмай ўз зулмкорлигини қайтадан кучайтиришга киришди. Унинг тиғи аввало ижодкорларга нисбатан қўлланила бошланди. Бунинг натижасида республиканинг илм – фани, маданиятига салмоқли ҳисса қўшган

таниқли алломалар, истеъдодли ижодкорлар кўпроқ азият чекканлиги, тақдирнинг қутилмаган зарбаларига учраганлиги айна ҳақиқатдир.

Умуман, 1939 – 1953 йилларда 61 минг 799 киши қамалди. Шулардан 56 минг 112 киши турли муддатларга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, 7 минг 100 киши эса отиб ташланган. Ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилганлар орасида олимларни ҳам, ҳарбийларни ҳам, зиёлилардан тортиб оддий ишчилару деҳқонларни, хатто касб – ҳунармандларни ҳам истаганча топиш мумкин эди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда амалга оширилган қатағонлик сиёсатининг туб мақсади ва асосий сабаблари қуйидагилар эди:

➤ унчалик катта бўлмаган муайян гуруҳга кирган шахсларнинг ҳокимиятни ўз шахсий манфаатига хизмат қилдириш учун яратилган маъмурий – буйруқбозлик тизимини мустаҳкамлаш;


➤ жамиятни бошқаришда йўл қўйилган камчилик ва хатоларни ўзга шахс ва гуруҳларнинг зиммасига юклаш;

➤ жамият аъзоларини кўрқувда, тобеликда сақлаш, уларни манқуртга айлантириш.

5. Мустамлакачилик даври қурбонлари – шаҳидлар хотирасига авлодлар эҳтироми. Асоссиз қатағон қилинганларни оқлаш аслида Сталин вафотидан сўнг – 50 – йиллар ўрталарида бошланган эди. Натижада ўшанда Ўзбекистон бўйича қатағон қилинганлардан 40000 киши оқланди. 80 – йилларнинг охирида яна бир гуруҳ кишилар оқланди. Лекин уларни оқлаш коммунистик мафкура талаблари остида амалга оширилиб, бу жараён охирига етказилмади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин қатағон қилинганларнинг кўпчилиги ҳуқуқий жиҳатдан оқланди. Уларнинг порлоқ номлари тикланди. Бунда Президентимиз Ислон Қаримов ва ҳукуматимизнинг хизматлари муҳим ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майда эълон қилинган фармойиши ва 22 июлда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «**Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида**»ги қарорида совет тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид кетган зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий – ижодий меросини ўрганиш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.



Мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 2000 йил 12 майда Тошкент шаҳридаги Юнусобод мавзесида – Бўзсув бўйида «**Шаҳидлар хотираси**» ёдгорлик мажмуи очилди. У мустабид совет режими даврида қатағон қилинган шаҳидлар хотирасига бағишлаб ўрнатилган бўлиб, миллат фидойиларининг аксарияти шу ерда отиб ташланган эди.



Совет тузуми даврида қатағон этилган фидойи ватандошларимизни аниқлаш, номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида 1999 йил 21 сентябрда «**Шаҳидлар хотираси**» хайрия жамғармаси тузилди. 2001 йил 1 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида**»ги фармойиши ҳам қатағон қурбонлари тақдирини ўрганиш

учун катта имкониятлар уфқини очиб берди.

2001 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ҳар йили 31 август – Мустақиллик эълон қилинган кун қатағон қурбонлари хотираси куни сифатида нишонланадиган бўлди. Бу – миннатдор авлодларнинг ўз аجدодлари хотирасига эҳтиромидир. 2002 йил 31 августда мамлакатимиз пойтахти Тошкентдаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «**Қатағон қурбонлари хотираси музейи**» бунёд этилди.



Мамлакатимизда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва бу борадаги амалий ишларни ривожлантиришда ушбу кўлланма муаллифларидан бири, профессор Р.Т. Шамсутдинов раҳбарлигидаги «**Мерос**» халқаро илмий – амалий хайрия жамғармасининг фаолияти эътиборга лойиқдир. 2001 йилдан буён мазкур жамғарма профессор Р.Т. Шамсутдиновнинг бевосита бошчилигида республикамиз вилоятлари, кўшни республикалар ва бошқа МДХ давлатларига илмий экспедиция уюштириб келмоқда. Илмий сафарлар давомида коллективлаштириш, кулоқ қилиш, қатағон сиёсати каби масалаларга доир кенг кўламдаги ноёб архив ҳужжатлари, эсдаликлар, хотираномалар, расмлар ва бошқа материаллар жамланди. Жамланган ушбу материаллар асосида Р.Т. Шамсутдиновнинг коллективлаштириш, кулоқ қилиш, қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари манзарасини ёритувчи ўнлаб илмий мақолалари, монография ва фундаментал тадқиқотлари эълон қилинди.

12 - мавзу: Советлар даврида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий қарамлиги ва унинг оқибатлари

Режа:

1. Ўрта Осиёда миллий – ҳудудий чегараланиш. Ўзбекистон ССРнинг тузилиши.
2. XX асрнинг 20 – 30 йилларида Ўзбекистонда ўтказилган саноатлаштириш ва деҳқон хўжаликларини коллективлаштириш сиёсати ва унинг асоратли оқибатлари.
3. XX асрнинг 46 – 85 йилларда Ўзбекистон иқтисодий ҳаёти.
4. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият»нинг оқибатлари.
5. Экологик қабоҳат. Орол фожеаси.

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон ССР. Ер – сув ислоҳоти. Саноатлаштириш (индустрлаштириш) сиёсати. Коллективлаштириш (жамоалаштириш) сиёсати. Халқ хўжалигини қайта тиклаш. Пахта яккаҳоқимлиги. Саноат. Транспорт. Ижтимоий ҳаёт. Орол фожиаси.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Асарлар, 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 36-86.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). – Т.: Шарқ, 2001.
4. Хўжамбердиев Ё. Ўзбеклар иши. – Т.: Ёзувчи, 1990.
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. –Б. 339-358; 501-562.
6. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 427-463; 502-515.
7. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001.
8. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. К.3. – Андижон: 2004. –Б. 348-421, 509-581.
9. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: Шарқ, 2003.
10. Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2009.
11. Usmonov Q. O'zbekiston tarixi. –Т.: IQTISOD – MOLIYA, 2006. –В. 292-328; 335-345.
12. Shamsutdinov R. va boshq. Vatan tarixi. (Uchinchi kitob); R. Shamsutdinov, Sh. Karimov – Т.: Sharq, 2010. –В. 258-282; 379-459.

1. Ўрта Осиёда миллий – ҳудудий чегараланиш. Ўзбекистон ССРнинг тузилиши. Ўрта Осиёни «миллий белгиларга қараб» бўлиб ташлаш ғояси 1924 йилда кўтарилган эмас. Бу ғоя 1920 йилнинг бошидаёқ Турккомиссия раиси Я.Э. Рудзутак (1887 – 1938) ташаббуси билан эълон қилинган тезисларда Туркистон АССРни миллий белгиларга қараб, бўлиб ташлаш ва мухтор (автоном) республикалар тузиш таклиф қилинган эди. Мазкур тезислар ўша йилнинг июнь ойида РКП(б) МҚсининг партиянинг Туркистондаги вазифалари ҳақида деб номланган қарори лойиҳасига киритилди. В.И. Ленин 1920 йил 13 июнда Турккомиссия қарори лойиҳасини шахсан кўриб чиқди ва ўша пайтдаёқ Туркистонни «Ўзбекия», «Киргизия», «Туркмения» ва бошқа этник гуруҳларга бўлиб парчалаб ташлашни, уларнинг харитасини тузиш зарурлигини кўрсатган эди. У кейинчалик 1920 йил 22 июнда устамонлик билан оқибатини ўйлаб «...республикани 3 қисмга бўлиш олдиндан ҳал қилинмасин» деб огоҳлантириб ҳам қўйди.

1922 – 1923 йилларда ерли миллатларнинг бир қатор раҳбар ходимлари совет ҳокимиятининг Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида олиб борилаётган миллий сиёсатига очиқдан – очиқ норозилик билдира бошладилар. Аммо уларнинг фикр – қарашлари нотўғри топилиб, ўзлари фаол сиёсий ҳаётдан четлатиб борилди. РКП(б) МҚ, унинг Ўрта Осиё Бюроси Туркистон, Бухоро ва Хоразм Компартиялари фаолиятига тазйиқ ўтказиб, миллий – ҳудудий чегаралаш ўтказиш сиёсатини маъқуллаб, қарор қабул қилишларига эришиб борди. Туркистонни миллий жиҳатдан қайта чегаралаш марказ ва РКП(б) Ўрта Осиё бюроси томонидан ишлаб чиқилди ва 1924 йилда қатъийлик билан амалга оширилди.

1924 йилнинг 31 январида РКП(б) МҚнинг Ташкилий бюроси Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг миллий – ҳудудий чегараланиши масаласини кўриб чиқди ва Я.Э. Рудзутакка мазкур республикаларнинг масъул ходимлари билан биргаликда бу ғояни амалда қандай рўёбга чиқариш мумкинлигини олдиндан муҳокама қилишни топширди. 1924 йилнинг февралда эса Файзулла Хўжаевнинг миллий чегараланиш масаласи бўйича тезисларида марказнинг туркий халқларнинг илдизи бирлигини ҳисобга олмаётганлиги, чегаралаш ғоялари ўтмиш истилочилари сиёсатидан фарқ қилмаётганлиги айтилган эди.

Миллий – ҳудудий чегараланиш масаласи 1924 йил 5 апрелда РКП(б) МҚ Сиёсий Бюросида, 11 майда РКП(б) МҚ Ўрта Осиё Бюросида кўриб чиқилди. Унда Ўрта Осиё республикаларида миллий чегараланиш лойиҳасини тайёрловчи махсус комиссия тузилди. Лойиҳа РКП(б) Ўрта Осиё Бюросининг 1924 йил 2 июндаги йиғилишида муҳокама этилиб, асосан маъқулланди.

Бундан норози бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари, хусусан Хоразм республикасининг бир гуруҳ масъул ходимлари, чунончи, ХКП МҚ котиби Одинаев, ички ишлар нозири Абдусаломов, Туркистон ва Бухоро вакиллари: С. Хўжанов, С. Асфандиёров ва бошқалар ягона Туркистонни бўлиб ташлаш мақсадга мувофиқ эмас, деб эътироз билдирган. Шунингдек, 1924 йил 8 майда

РКП(б) Марказий Қўмитасига «Хоразмда миллий масалани ҳал этиш тўғрисида хат» келиб тушди. Бу хатда ҳам Хоразм республикасини бўлиб юбориш мақсадга мувофиқ эмас, дейилган эди. Ҳа, ўлка халқлари миллий чегараланиш сиёсатига қатъиян қарши эдилар, бироқ маҳаллий халқларнинг талаб ва таклифлари инобатга олинмади. Ақсинча, 1924 йил 12 июлда РКП(б) МҚ Сиёсий Бюроси «**Ўрта Осиё республикаларида миллий чегараланиш тўғрисида**»ги масалага яна қайтиб, уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.


1924 йил 25 сентябрда РКП(б) МҚ Сиёсий Бюроси, 9 ва 11 октябрда РКП(б) Марказий Қўмитаси бу масалани кўриб чиқиб, миллий чегараланишни расмийлаштиришни мақсадга мувофиқ деб топади. Бу қарор 14 октябрда СССР Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан ҳам маъқулланади. Шу тариқа, Совет ҳукумати, РКП(б) МҚ ва унинг жойлардаги маҳаллий ташкилотларининг 1920 – 1924 йиллар давомида Ўрта Осиёда олиб борган, халққа катта ваъдалар беришни кўзда тутган «ленинча миллий сиёсат»ни ҳаётга тадбиқ этиш бобидаги амалий ишлари яқун топди. Ниҳоят, **1924 йилнинг 27 октябрида** бўлиб ўтган СССР Марказий Ижроия Қўмитаси II – сессиясида Ўрта Осиёда миллий – ҳудудий чегараланиши ўтказиш тадбирлари тўла маъқулланди. Шундай қилиб, ҳукмрон Марказ саъй – ҳаракатлари орқасида Ўрта Осиёнинг сиёсий географияси сунъий равишда ўзгартирилди. Ўрта Осиё ҳудудидаги Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм республикалари ўрнида олтига миллий давлат бирлашмалари ташкил этилди.

- Ўзбекистон ССР;
- Туркменистон ССР;
- Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР (1929 йилгача);
- Қирғизлар яшаган ҳудудлар РСФСР таркибида Қорақирғиз (Қирғизистон) мухтор вилояти;
- Қозоқлар яшайдиган туманлар РСФСР таркибида Қозоғистон АССР;
- Қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудлар Қозоғистон АССР таркибида Қорақалпоқ мухтор вилояти. Кейинчалик Қорақалпоғистон АССР, 1936 йилдан ЎзССР таркибига кирган.


Шу тариқа, 1924 йилнинг кузида миллий – ҳудудий чегараланиш ҳукумат қарорлари билан қонуний тарзда расмийлаштирилди.

Ўрта Осиёда миллий – ҳудудий чегараланишнинг ўтказилиши натижасида ЎзССР ва бошқа республикалар вужудга кела бошлаган. Дастлаб, ЎзССРнинг олий ҳокимият органи сифатида 1924 йил 18 ноябрда Файзулла Хўжаев раислигида Ўзбекистон ССРнинг Инқилобий Комитети (Революцион Комитет) тузилади. У ЎзССР Советларининг I Таъсис съезди очилгунгача бўлган давр ичида республиканинг ички ва ташқи сиёсатини ҳал этган. 1924 йил 5 декабрда ЎзССРнинг Инқилобий Комитети Ўзбекистон ССР тошқил топганини эълон қилган.

ЎзССР Советларининг I Таъсис съезди 1925 йил 13 февраль Бухородаги «Халқ уйи»да очилган. Съезд 17 февралда «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топгани тўғрисидаги декларация»ни қабул қилди.



Ўрта Осиё республикалари миллий - ҳудудий чегараланишга қадар




Миллий - ҳудудий чегараланишдан сўнг Ўрта Осиё республикалари

Декларация ЎзССР ташкил топганлигини қонуний расмийлаштирди ва Ўзбекистон ССРнинг «ихтиёрий» равишда СССРнинг таркибига кирганлигини эълон қилди. 1925 йил 13 майда эса ЎзССР Бутуниттифоқ советларининг III – съездида СССР таркибига киритилган. Шу тариқа, Ўзбекистон ССРнинг қонунан расмийлаштириш жараёни тугалланди. Унинг таркибига қуйидаги худудлар киритилди:

- собиқ Туркистон АССР дан 9 та уезд, 133 туман ва 7 қишлоқ округи;
- собиқ Бухоро республикасининг 9 та тумани;
- собиқ Хоразм республикасининг 23 та тумани.

Ўзбекистон ССР ташкил этилган пайтда унинг худуди 312394 км². Кейинчалик унинг майдони 447 400 км² ташкил этган. 1926 йилда республиканинг аҳолиси 5 млн.дан ортиқ эди. Пойтахти 1925 йил февралдан то май ойигача Бухоро, 1925 йил майдан то 1930 йил декабргача Самарқанд, 1930 йил охиридан Тошкент шаҳри.



Йўлдош Охунбобоев (1885 – 1943)

1925 йил февралда Ўзбекистон ССР Советлари МИҚ Раиси лавозимиға фарғоналик деҳқон, «Қўшчи» уюшмаси раҳбарларидан бири Йўлдош Охунбобоев (1885 – 1943) сайланди. Ўзбекистон ССР ҳукумати – Халқ Комиссарлари Кенгаши Раиси лавозимиға Файзулла Хўжаев тасдиқланди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари				
1	Ф. Хўжаев (1925 – 1937)	А. Каримов (1937)	С. Сегизбоев (1937 – 1938)	А. Абдурахмонов (1938 – 1946)
Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раислари				
1	А. Абдурахмонов (1946 – 1950)	А. Мавлонов (1950 – 1951)	Н. Мухитдинов (1951–1953; 1954– 1955)	У. Юсупов (1953 – 1954)
2	С. Камолов (1955 – 1957)	М. Мирзааҳмедов (1957 – 1959)	О. Алимов (1959 – 1961)	Р. Қурбонов (1961 – 1971)
3	Н. Худойбердиев (1971 – 1984)	Ғ. Қодиров (1984 – 1989)	М. Мирқосимов (1989 – 1990)	
Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг раиси:				
1	И.А. Каримов 1990 йил 1 ноябрдан			

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиблари				
1	В. Иванов (1925 – 1927)	Н. Гикало (1927 – 1929)	А. Икромов (1929 – 1937)	У. Юсупов (1937 – 1950)
2	А. Ниёзов (1950 – 1955)	Н. Муҳитдинов (1955 – 1957)	С. Камолов (1957 – 1959)	Ш. Рашидов (1959 – 1983)
3	И. Усмонхўжаев (1983 – 1988)	Р. Нишонов (1988 – 1989)	И.А. Каримов (1989 – 1991)	
Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Кўмитаси раиси				
1	Й. Охунбобоев (1925 – 1937)			
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раислари				
1	Й. Охунбобоев (1937 – 1943)	А. Мўминов (1943 – 1947)	А. Ниёзов (1947 – 1950)	Ш. Рашидов (1950 – 1959)
2	Ё. Насриддинова (1959 – 1970)	Н. Матчонов (1970 – 1978)	И. Усмонхўжаев (1978 – 1983)	О. Салимов (1983 – 1986)
3	Р. Нишонов (1986 – 1988)	П. Ҳабибуллаев (1988 – 1989)	М. Иброҳимов (1989 – 1991)	
Ўзбекистон ССР Олий Совети раиси				
1	Ш.Йўлдошев (1991 йил 12 июндан)			

2. XX асрнинг 20 – 30 йилларида Ўзбекистонда ўтказилган саноатлаштириш ва деҳқон хўжаликларини коллективлаштириш сиёсати ва унинг асоратли оқибатлари. XX асрнинг 20 – йиллари ўрталарига келиб Совет давлатида халқ хўжалигини тиклаш асосан тугалланди. Янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш иқтисодиётнинг аксарият соҳаларида ижобий ўзгаришларга олиб келди. XX асрнинг 20 – йилларидан бошлаб Ўзбекистонда саноатлаштириш 1 – жаҳон уруши ва фуқаролар уруши натижасида инқирозга учраган майда, кустарь корхоналарни тиклаш асосида ривожлана бошлади. Пахта тозалаш заводлари, пиллакашлик, йигирув – тўқув, тикувчилик, пойабзал фабрикалари қурила бошлади.

Саноатлаштириш сиёсати

Тиклаш даврининг муваффақиятли тугалланиши кун тартибига саноат қурилиши кўламини жиддий равишда кенгайтиришдан иборат янги вазифани қўйди. Чунки СССР кўпроқ аграр мамлакат бўлиб қолаётган эди. Ҳар қандай миллий мустақил давлатнинг асосий яшаш шарти ўзининг замонавий ривожланган саноатига, оғир индустрияга эга бўлишига боғлиқ. Буни яхши тушунган большевиклар етакчиси Сталин советлар Россиясини саноати ривож топган илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқиш вазифасини қўйди. Аммо

Ўзбекистон сингари мустамлака мамлакатларга нисбатан бу сиёсат мутлако бошқача мақсадларда амалга оширилди.

1925 йил декабрда ВКП(б) XIV съезди «социалистик индустриалаштириш (саноатлаштириш)» йўлини авж олдиришни эълон қилди. Шу асосда советлар ҳукумати томонидан **саноатлаштириш сиёсати Ўзбекистонда 1925 – 1940 йилларда** амалга оширилди. Бу сиёсат советлар ҳукумати ва компартиянинг шовинистик, мустамлакачилик сиёсатининг таркибий, ажралмас қисми эди.

Саноатлаштириш сиёсати қишлоқ ҳисобидан амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархлари пасайтирилди. Натижада деҳқонлар қашшоқлашди. Мамлакатда озик – овқат муаммоси кескинлашди. 1928 йил кузигача қишлоқ хўжалиги бир йиллик режалар асосида бошқариб келинди. Ҳама йилдан бошлаб хўжаликни бошқаришнинг **беш йиллик режалари** жорий бўлди. Бундай сиёсатни оқлаш мақсадида «СССР ягона хўжалик комплекси» ғояси илгари сурилди. Ушбу ғоядан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда халқ хўжалигининг қайси тармоғини ривожлантириш масаласини Москва – марказ ҳал қилди. Бундай сиёсатни оқлаш мақсадида СССРда ягона хўжалик комплекси ғояси илгари сурилди. Советлар ҳукумати «ихтисослаштириш» баҳонасида Россиянинг ўзида Украина, Белоруссия ва бошқа асосан славян республикаларида оғир саноат корхоналарини қуришга асосий диққат – эътиборни қаратдилар.

Ўзбекистонда эса асосан кўпроқ хомашёни қайта ишлайдиган саноат корхоналари, тоғ – кон саноатини ривожлантиришга асосий урғу берилганди. Негаки, бу ҳудуд Марказ учун кўпроқ хомашё маҳсулотлари етказиб беришга ихтисослаштирилиши керак эди. Шу боис ҳам муҳим эътибор пахтачиликнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган саноат тармоқлари, аҳолининг яшashi ва турмуш кечириши билан бевосита алоқадор бўлган озик – овқат, кийим – кечак ва ҳоказолар ишлаб чиқарадиган енгил саноат корхоналари бунёд этилди. 1925 – 1940 йилларда қурилиб ишга туширилган бундай корхоналар жумласига Бўзсув ГЭСи, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Термиз, Асака шаҳарларидаги иссиқлик электростанциялари, Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Бухородаги тўқимачилик фабрикалари, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Фарғона консерва, Хилково цемент заводлари, Тошкент «Ўртоқ» тамаки фабрикаси, Самарқанд, Бухоро ва Марғилон ипак йигирув фабрикалари, «Чимён» ва «Санто» нефть конлари базасида ташкил этилган нефть заводлари, «Тоштрам», «Қизил Шарқ» ва «Биринчи май» устахоналари, кўплаб пахта тозалаш, сут – ёғ тайёрлаш, совун пишириш каби заводларни киритиш мумкин.

Саноатлаштириш Ўзбекистонда дастлаб секинлик билан амалга оширилди. Ҳама давр расмий маълумотларига кўра, Ўзбекистонда биринчи беш йиллик (1928 – 1932)да 289 та ва иккинчи беш йиллик (1933 – 1937) даврида 189 та саноат корхоналари барпо этилган. Уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йил сайин ортиб борди. Чирчиқ, Олмалик, Бекобод, Ангрен, Янгийўл, Қувасой каби саноат шаҳарлари вужудга келди.

Саноатнинг ривожлантирилиши энергетика базасини кенгайтиришни талаб қиларди. Янги электр станциялари Фарғона, Самарқанд, Тошкент ва бошқа жойларда қурилди. 1932 йилда барча электр станцияларининг (ГЭСлар) сони 1928 йилдаги 16 та ўрнига 49 тага етди, электр қуввати ишлаб чиқариш эса 7 баравардан зиёдроқ ошди. Тошкент – Ангрен темир йўли, Тошкент – Термиз катта автомобиль йўли қурилди.

Иккинчи жаҳон урушига қадар Ўзбекистоннинг саноат салоҳияти 1445 та йирик ва ўртача саноат корхоналари ва 19 мингга яқин майда корхоналарни ўз ичига оларди. Гарчанд саноат қурилиши анча кўзга кўринарли тарзда ривожланиб, муайян ютуқларга эришган бўлса-да, бироқ бу соҳада кўплаб жиддий муаммолар, нуқсонлар мавжуд эди. Аввало, юқоридан тазйиқ қилиш амалиёти, раҳбарликнинг маъмурий – буйруқбозлик усуллари Ўзбекистон саноати тармоқларида чуқур илдиз отган эди. Жумладан, республика метрополиянинг рангли ва нодир металллар, олтингугурт, вольфрам, молибден, пахта толаси, хом ипак билан таъминловчи минтақасига айлантирилди.

Марказ амри билан республиканинг хомашё, табиий ресурслари аёвсиз эксплуатация қилинган ҳолда унинг ўзига хос иқтисодий манфаатдорлиги ҳеч қандай назар – писанд қилинмасди. Ўзбекистонда қурилган саноат корхоналарининг талай қисми тўлиғича иттифоқ ихтиёрига бўйсунарди. Бинобарин, уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва ундан келадиغان тушумлар ҳам Марказ хазинасини бойитишга хизмат қиларди.

Республикада саноатлаштиришнинг муҳим бир характерли томони шундаки, бу жараён давомида малакали ишчи кучи етишмаганлигидан, хусусан РСФСР ҳудудидан бу ерга жуда кўплаб одамлар оқими кириб келди. Улар ҳисобига республиканинг ишчилар синфи сафлари тўлдирилиб борилди. Натижада республикада ишчилар сони кўпайиб борди. **Жумладан, 1926 йилдан то 1940 йилга қадар Ўзбекистон аҳолиси янги келганлар ҳисобига 750 минг кишига ёки 10% дан ортиқроққа кўпайди.** Саноатни саноатлаштириш режасига мувофиқ малакали ишчилар ва техник ходимлар тайёрлайдиган ҳунар – техника таълими ва фабрика, завод мактаблари ташкил қилинди. Бироқ саноат корхоналарига малакали ходимлар ва тажрибали ишчилар РСФСРнинг марказий шаҳарларидан олиб келинадиган бўлди. Марказнинг бу усули Ўзбекистоннинг бутун совет даври тарихида муттасил равишда давом эттирилди.

Хуллас, 1925 – 1940 йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган саноатлаштириш сиёсатининг бош мақсади республикани истиқболда мустақил тараққиёт йўлидан боришини таъминлайдиган иқтисодий пойдевордан маҳрум қилиш ва уни советлар хўжалик механизмининг бир ячейкасига айлантиришдан иборат эди.

Ер – сув ислоҳоти

Ер – сув ислоҳоти — совет ҳокимияти томонидан хусусий мулкни тугатиш мақсадида Ўрта Осиё ва

Қозоғистон республикаларида амалга оширилган ижтимоий – иқтисодий тадбирлар (1921 – 1929) дан бири ҳисобланади. Ўрта Осиёда амалга оширилган ер – сув ислоҳоти тарихиги бир назар ташлайдиган бўлсак, бу ислоҳот 2 босқичда: *Биринчиси*, 1921 – 1922 йилларда Туркистон АССР ва Қозоғистон АССРда; *Иккинчиси*, 1925 – 1929 йилларда Ўзбекистон ССРда амалга оширилди.

Дастлабки, ер – сув ислоҳотининг характери 1920 йил сентябрда бўлиб ўтган Туркистон Советлари IX – курултойининг қарорларида акс этди. Ислоҳотни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш 1921 йил баҳорида бошланиб, дастлаб у Еттисув, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Қозоғистон АССРнинг Окмўла, Урал, Семипалатинск губерняларида амалга оширилди. Ислоҳотни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад – маҳаллий ҳамда Туркистондаги бой рус деҳқонларининг ер ва сувга бўлган ҳуқуқларини тенглаштириш эди. Чунки ўз вақтида мустамлакачи маъмурлар томонидан рус деҳқонларига энг яхши ва ҳосилдор ерлар ажратилган эди. Ушбу ислоҳотнинг асосида меҳнат билан шуғулланмайдиган бой – кулоқ хўжаликларини тугатиш ва кўчманчиларни ўтроқ ҳаётга ўтказиш, ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан таъминлаш ва энг асосийси рус келгиндиларининг ортиқча ерларини мусодара қилиш орқали Россия империяси мустамлакачилик сарқитларини енгиш ётар эди. Лекин вақт ўтиши билан кўчириб келтирилган руслардан ерларни мусодара қилиш билан бир қаторда вақф ерлари тортиб олинди, бойлар, савдогарлар, диний хизматчилар ва қишлоқ ҳамда овулларнинг меҳнат билан шуғулланмайдиган юқори табақалари деган бошқа вакилларининг ерлари камайтирилди. Ер ва сувни тақсимлаш жараёни бир томондан ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан таъминлаган бўлса, иккинчи томондан қишлоқдаги сиёсий вазиятни ўта кескинлаштириб, синфий зиддиятларни кучайтирди. Шунингдек, ислоҳот давомида Еттисув ва Жалолобод туманларининг кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолисини ўтроқ ҳаётга ўтказиш сиёсати салбий оқибатларга олиб келди. Зеро, кўчманчиликдан ўтроқчиликка ўтиш, нафақат хўжалик фаолияти шакллари ўзгартирибгина қолмай, балки асрлар давомида шаклланиб келган ушбу ижтимоий гуруҳнинг турмуш тарзи ҳамда касб – ҳунарининг тамомила ўзгартириб юбориши муқаррар эди. Ислоҳотни ўтказишнинг инқилобий – зўравонлик усуллари Туркистон қишлоқларида ижтимоий ва миллатлараро тангликни вужудга келтирди.

Ўрта Осиёда миллий – ҳудудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг **1925 – 29 йилларда навбатдаги иккинчи ер – сув ислоҳоти** амалга оширилди. 1925 йил ноябрда Ўзбекистон Компартиясининг II – съездида «Аграр инқилоб»нинг стратегия ва тактикаси тасдиқланди. 1925 йил 2 декабрда эса ЎзССР МИКнинг «Сув ва сувни национализация қилиш тўғрисида» ва «Ер – сув ислоҳоти тўғрисида» декретлари ва бошқа қарорлар билан ислоҳотнинг 2 – босқичи бошланди.

Мазкур ислоҳот жойларда шарт – шароитлар ва тайёргарлик даражасига қараб 3 босқичда амалга оширилган. Биринчи босқич, 1925 – 1926 йилларда

Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларида бўлди. Иккинчи босқичда 1927 йил Зарафшон вилояти (Бухоро ва Ўрта Зарафшон округлари)да ер – сув ислоҳоти ўтказилди. Учинчи босқич, 1928 – 1929 йилларда Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм округларида ислоҳот амалга оширилди.

Жами бўлиб бутун Ўзбекистон бўйича ўтказилган «ер – сув ислоҳоти» натижасида 4801 та хўжалик қулоқ хўжалиги сифатида тутатилди, 23036 хўжаликнинг ортиқча ерлари тортиб олинди, ер жамғармасига 474393 десятина ер кўшилди. Бойлар, йирик савдогарлар, уламолар ва бошқа мулкдорларнинг ерлари билан бирга от – улов ва асбоб – ускуналари ҳам мусодара қилинган эди. Ислоҳотнинг 2 – босқичи биринчисидан фарқли ўлароқ катта ер эгаллиги ва ўзига тўқ деҳқон хўжаликларини (расмий хужжатларда қулоқлар — «муштумзўр»лар) бутунлай чеклаш ва уларни синф сифатида тугатиш сиёсатини олиб борган. Ер-сув ислоҳоти яқунлангач, оммавий коллективлаштириш авж олди.

Коллективлаштириш сиёсати

Коллективлаштириш — «ленинча социализм қуриш режаси»нинг таркибий қисмидир. Таниқли олима Раҳима Аминова бу мудҳиш коллективлаштиришга баҳо бериб шундай деган эди: «Коллективлаштириш — ишлаб чиқаришга давлат монополияси ўрнатилишининг нақ ўзгинасидир. Партиявий – ғоявий сиёсат ҳукмронлиги туфайли юзага келган коллективлаштириш назарияси ва тажрибаси бугунга келиб чилпарчин бўлди. Кишининг ишлаб чиқаришдаги меҳнатига ҳақ тўлов ўзаро тенглик асосига қурилганидан бу сиёсат ўзини оқламади. Табиийки, моддий манфаатдорлик бўлмаган жойда ташаббуслар ҳам сўнади. Ташаббус, изланиш бўлмаган жойда эса иш орқага кетади. Бунинг устига ҳаётнинг ўзи коллективлаштириш муаммосини кўтариб чиқмаган эди. Назариячилар асрлар оша шаклланиб келган ишлаб чиқариш усулларига беписанд қарадилар. Зўравонлик билан ўтказилган сиёсат кўплаб ишбилармон, тадбиркор одамларнинг ишга, ерга бўлган муносабатини совитди. Эътироф этмоқ жоизки, бугунги дастурхонимизнинг ғариблиги ҳам кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш «самарасидир».

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш собиқ Иттифокда бўлгани сингари 1927 йил 2 – 19 декабрда бўлиб ўтган ВКП(б) XV қурултойидан сўнг расмий тус олди. Коллективлаштиришни оммавий ялпи равишда сунъий тезлаштириш 1929 йилдан эътиборан бошланди. Бунга И. Сталиннинг 1929 йил 7 ноябрида «Правда» газетасида эълон қилинган «Буюк бурилиш йили» мақоласида жадал коллективлаштиришни «назарий» жиҳатдан асослаб бериши ўзига хос бир туртки бўлди. Мақолада, кенг қишлоқ оммаси колхозларга кириш учун етилди, деб айтилган эди. ВКП(б) МҚнинг 1929 йилги ноябрь пленуми Сталин фикрини партия директивасига айлантирди. Пленум коллективлаштириш суръатларини ҳаддан ташқари кучайтириш, унга оммавий тус беришдан иборат аниқ вазифани қўйди.

Ҳокимият органлари Сталиннинг кўрсатмасини бажариш учун жадал коллективлаштиришнинг бошида туриб асосан зўравонлик усулларига эътиборни кучайтирдилар. Қишлоқда анъанавий иқтисодий муносабатларни ёппасига бузиш авж олдирилди. Давлат қишлоқ меҳнаткашларига қанча ва нима экишни, етиштирилган маҳсулотни қандай нарх билан топширишни айтиб турадиган бўлди. Қишлоқ аҳолисининг бадавлат қатламларига қарши мислсиз қувғинлар уюштирилди, қишлоқ аҳлини зўрлик билан колхозларга киритиш бошланди.

Ёппасига коллективлаштириш, шу асосда кулоқларни синф сифатида тугатиш ва уларни коллективлаштириш ҳудудларидан сургун ва қатағон қилишлар асосан 1930 йилнинг бошларидан бошланган. Коллективлаштиришни сунъий тезлаштириш ва бу борада «социалистик мусобақа»ни авж олдиришда айниқса ВКП(б) МҚнинг 1930 йил 5 январдаги «Коллективлаштириш суръати ва жамоа қурилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам ҳал қилувчи ўрин тутди. Мазкур қарорда собиқ СССР ҳудуди уч гуруҳ туманларга бўлинди ва қайси ҳудуд қачон коллективлаштиришни тугаллаши режалаштирилди. Ўзбекистон учинчи гуруҳга киритилди ва у коллективлаштиришни 1933 йил баҳорида тугаллаши керак эди. Бироқ ВКП(б) МҚнинг Сиёсий Бюроси мамлакатда коллективлаштириш тажрибасини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистонда коллективлаштириш жуда секин ривожланиб бораётганлигини танқид қилган эди.

СССР Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети 1930 йил 4 февралда кулоқ хўжаликларни сургун қилиш ва жойлаштириш тўғрисида махфий йўриқнома қабул қилиб, уни жойларга қўллаш учун юборади. Марказнинг «танқидий хулосалари» асосида совет ҳукумати ва комфирқаси республикада коллективлаштиришни юқори суръатларда ва «сафарбарлик» асосида олиб борди. Натижада 1932 йилда бутун Ўзбекистондаги бой ва ўрта ҳол ҳамда совет даврида ер олган деҳқонларнинг 91,7 фоизи коллективлаштирилди — коллектив ва давлат хўжаликларига бирлаштирилди.

Бутуниттифоқ комфирқа Марказий Қўмитаси қарори билан коллективлаштиришга ёрдам кўрсатиш учун қишлоқ хўжалиги ишидан беҳабар «25 мингчилар» номини олган ишчилар, шунингдек, техник ходимлар қишлоқларга юборилди. Шу «ёрдам» баҳонасида Ўзбекистон қишлоқларига ҳам Россиядан 433 та, Ўзбекистоннинг ўзидан 250 та рус ишчиси юборилди. Улар фирқа кўрсатмаси билан раҳбар лавозимларга тайинландилар. Уларга Марказ сиёсатини амалга ошириш



Мажбурий ташкил қилинган жамоа хўжаликларида ер ҳайдаш.
Хива, 1930 йил

учун катта ҳуқуқ ва имкониятлар берилди. Уларга қарши бўлган кўпгина маҳаллий раҳбарлар ишдан олиниб, жавобгарликка тортилди.

Қулоқлаштириш

Коллективлаштириш билан паралель равишда қулоқлаштириш олиб борилди. Шу ўринда «қулоқ»лар, қулоқлаштириш атамасига изоҳ берадиган бўлсак қулоқлаштириш – «қулоқлар» (рус. кулачество — муштумзўр) — мустабид совет режимининг бадавлат ва ўрта ҳол деҳқонларни қишлоқ буржуазияси сифатида тугатиш сиёсати (1929 – 1933) дир. Ўрта Осиёда ер – сув ислоҳоти ўтказилиши жараёнида қишлоқлардаги бадавлат хонадонларни «муштумзўр» («қулоқ») сифатида бадарға қилиш бошланган. Бу ислоҳот давридаёқ 28 минг йирик ва ўрта мулкдорларнинг хўжаликлари тугатилган ва уларнинг ерлари мусодара қилинган эди. Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш давридан бошлаб қулоқларни синф сифатида тугатишга жиддий тайёргарлик кўрган. ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 28 январда қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилади.

Коллективлашни жадаллаштириш «қулоқ» деб аталган ўзига тўқ хўжаликларни тугатиш, уларнинг мулкларини мусодара қилиш ишига айланиб қолди. «Қулоқ» хўжаликларини тугатиш ишлари остида ҳатто ўртаҳол ва камбағал хўжаликлар ҳам мусодара қилинар эди. Натижада Ўзбекистонда биргина 1930 йил 2648 та хўжаликлар тугатилди. Бу ҳол деҳқонларда хавотирлик ўйғотди. Кўпчилик одамлар ўз хўжаликларини ташлаб қочдилар, чорваларини сўйиб сотиб юбордилар. Жадал коллективлаштириш, ўрта ҳол деҳқонларга нисбатан зўрлик сиёсати ўтказиш республикадаги сиёсий вазиятни кескинлаштирди.

Қулоқ ва ўртаҳол деҳқонларга нисбатан зўрлик қилиш республикадаги сиёсий вазиятни кескинлаштирди. Деҳқонларнинг норозилиги кучайиб, Фарғона ва Зарафшон водийлари, бошқа ҳудудларда оммавий норозилик намоишлари, совет тузумига қарши исёнлар ва қуроли чикишлар юз берди. Баъзи исёнлар қуроли кўзғолон даражасига кўтарилган. Фақат Қашқадарё округида 1930 йил бошларида деҳқонларнинг 14 та норозилик чикишлари юз бериб, уларда 3700 киши иштирок этган. 1930 йил март ойида ЎзССРда 240 та, СССРда 2 мингдан ортиқ қуроли чикишлар қайд этилган.

«Қулоқлар» сифатида рўйхатга олинган бадавлат хўжаликларнинг мол – мулки тўлиқ мусодара қилиниб, уларнинг оилалари ўзга юртлар (Украина, Шимолий Кавказ, Сибирь, Қозоғистон, Узоқ Шарқ ва х.к.) га сургун қилинган. Шунингдек, республиканинг ўзида қулоқлар учун мажбурий меҳнат посёлкалари (17 та) ташкил қилинган. Совет ҳокимиятига қаршилик қилган «қулоқлар» эса қамоққа олинган ва отиб ташланган. Қулоқларга қарши кураш ЎзССРда кун сайин кенгайиб борган. 1931 йил августда 3828 та «қулоқ» хўжаликлари тугатилган, 6 минг хўжалик «қулоқ оиласи» сифатида Украина ва Шимолий Кавказга сургун қилинган. Расмий маълумотларда

кўрсатилишича, 1933 йилда Ўзбекистонда сургун қилинган «қулоқ» хўжаликлари сони 5500 тага етган.

Ўрта Осиё республикаларидаги мажбурий меҳнат кўчкиндиларининг сони 1934 йил 1 январь ҳолатида 29559 киши бўлса, орадан бир йил ўтгач, уларнинг сони 12039 кишига тушиб қолган (камайиш, асосан, вафот этганлар ва қочиб кетганлар ҳисобидан).

1933 йилда қулоқлаштириш сиёсати, асосан, амалга ошириб бўлинган. Бироқ 1934 – 1937 йилларда ҳам кўплаб бадавлат деҳқон хўжаликлари «қулоқ» қилинган. Совет режими қишлоқда ўз ҳокимиятини тўла ўрнатиб, коллективлаштиришни амалга ошириб бўлгач, сургун қилинган «қулоқ» хўжаликларига нисбатан ўз сиёсатини бироз «юмшатган». Масалан, СССР МИҚ 1934 йил 27 майда «Собиқ қулоқларнинг гражданлик ҳуқуқларини тиклаш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилиб, унда «қулоқлар»нинг сайлов ҳуқуқлари тикланган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида мажбурий меҳнат кўчкиндилари таркибида катта ўзгаришлар юз берган. Урушгача ва урушнинг дастлабки даврида «қулоқлар» ва уларнинг чақириқ ёшидаги фарзандларини меҳнат сурғунидан озод қилиш бошланган эди. Уруш бошлангач, бу жараён ҳам тўхтатилди. 1942 йилда СССР ҳудудида меҳнат сурғунида бўлган 100 минг киши (ЎЗССРда 1152 киши) — «қулоқлар» ҳаракатдаги армия сафига чақирилиб, фронтга жўнатилган. Совет тузуми даврида қулоқликка тортилиб, сургун қилинганлардан тирик қолганларининг эркин фуқаролик мақомини олиб, ўз юртига қайтиш жараёни жуда оғир кечиби, у тахминан 20 йилдан кўпроқ вақт (1934 – 1956)ни ўз ичига олади.

3. 1946 – 1985 йилларда Ўзбекистон иқтисодий ҳаёти. 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида Ўзбекистонга 90 та саноат корхонаси кўчириб келтирилди, уларнинг кўпи машинасозлик, асбобсозлик корхоналари эди. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда саноатни тиклаш ва ривожлантириш ҳукмрон Марказ олий манфаатларидан келиб чиқилиб, унинг «социализм ва коммунизм жамияти» куришдан иборат бош стратегик вазифалари, дастурий режаларига асосланиб ҳамда Ўзбекистоннинг бой хомашё ва минерал ресурсларидан максимум фойда олишни кўзлаб бу соҳага эътибор қаратиб борилган.

1946 – 1985 йиллар Ўзбекистон тарихидаги мураккаб даврлардан биридир. Бир томондан, Ўзбекистон халқининг фидокорона, бунёдкорлик меҳнати туфайли республика иқтисодиёти анчагина ривожланди. Иккинчи томондан, собиқ Иттифокда ҳуқумрон бўлган тоталитар тузум, маъмурий – буйруқбозликнинг кучайиши натижасида ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда бир қатор муаммолар, ноҳуш ҳолатлар тўпланиб бориб, пировардида инқирозли вазиятни келтириб чиқарди.

Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг муҳим бўғини саналган саноати урушдан кейинги 1946 – 1950 йилларда тикланди ва ривожланиб борди. Бу

даврдан 150 дан зиёд янги саноат корхоналари қурилиб ишга туширилди. Хусусан, республикада кўпгина корхоналар қурилиши натижасида машинасозлик тармоқлари кўпайди, самолётсозлик, асбобсозлик, моторсозлик, электроаппарат, электр двигател, экскаватор, компрессор заводлари қурилди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда *энергетика ва ёқилги саноатини* ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Қувватига кўра СССРда учинчи ўринда турувчи Фарход ГЭСнинг 1 – гидроагрегати 1948 йилдан ишга туширилган. 1949 йил июнь ойидан ўрнатилган умумий қуввати 126 МВт бўлган 4 та гидроагрегатли станция тўла қувват билан ишлай бошлади, 1951 йилда саноат фойдаланишига қабул қилинди. 50 – 80 йиллар электр энергияси тармоғи кенгайтирилди. 7 – Шахрихон ГЭСи, иккита Наманган ГЭСлари, иккита Бўзсув ГЭСлари, Чорвоқ ГЭСи, Хожикент ГЭСи қурилиб ишга туширилди. Газ билан ишлайдиган Ангрен, Тахиатош, Навоий, Сирдарё, 2 – Ангрен ГРЭСлари қурилиб ишга туширилди. Газ билан ишлайдиган Ангрен, Тахиатош, Навоий, Сирдарё, 2 – Ангрен ГРЭСлари қурилиб ишга туширилди.

Шунингдек, *ёқилги саноати* тикланди ва ривожланди. 50 – йилларда Сурхондарё вилоятидаги Шарғун тошкўмир кони ўзлаштирилди ва юқори сифатли кўнғир кўмир қазиб чиқарила бошланди. 60 – йилларда Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги Газли, Жарқоқ, Шўртепа, Шўрчи нефть конлари ўзлаштирилди. 1959 йили қурилиб фойдаланишга топширилган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи анча кенгайтирилди. Заводда техника мойлари, бензин, дизель ёқилғиси, парафин ва бошқа 35 хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 70 – йилларда Фарғона водийсида янги нефть конлари очилиб фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистонда *газ саноати* Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида йирик газ конларининг излаб топилиши ва ўзлаштирилиши билан боғлиқ равишда юксалиб борди. 1956 йили (Бухорода) Газли газ – нефть кони очилди. Шунингдек, геологик – қидирув ишлари натижасида Муборак, Ўртабулоқ, Қултоғ, Шапатти, Учқир, Жарқоқ, Қоравулбозор, жами 100 дан ортиқ нефть ва газ конлари топилди. 1959 йили Бухорода нефть ва газ қазиб олишни йўлга қўйиш мақсадида «Бухоронегтегаз» бошқармаси тузилди.

1962 йилга келиб *Газли газ – нефть конининг* очилиши билан Ўзбекистонда улкан магистрал газ қувурлари яратишга асос солинди (Жарқоқ – Бухоро – Самарқанд – Тошкент газопроводи, 1960; Бухоро – Урал газопроводи, 1963; Бухоро – Тошкент – Бишкек – Олмаота газопроводи, 1965; Ўрта Осиё – Марказ газопроводи, 1967 ва бошқалар).

Ўзбекистон ҳудудида кўплаб бой табиий газ конлари топилиб, ўзлаштирилган бўлса – да, лекин ўзбек халқи бу бойликларга хўжайин эмас эди. Улардан қандай фойдаланишни Марказий ҳокимият хал қилган. Марказий ҳокимият Ўзбекистон газидан, аввало, Уралдаги, СССРнинг Европа қисмидаги шахар ва посёлкаларни, корхона ва хонадонларни газлаштиришда фойдаланишга киришди.

Кимё саноатини ривожлантиришда газ, нефть, олтингугурт, озокрит, оштузи, оҳак, графит, рангли металлургия чикиндилари, пахта ва каноппи қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чикиндилар бой хомашё бўлиб хизмат қилди. 50 – йилларда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи Самарқанд суперфосфат заводи, 1962 йилда Фарғона азот ўғити заводи, 1965 йилда Навоий кимё комбинати, 1969 йилда Олмалик кимё заводи қурилиб ишга туширилди. 1985 йилда республика кимё корхоналарида 7,8 млн тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқарилди, бу 1960 йилдагидан 7 марта, 1950 йилдагига нисбатан 15 марта ортиқ эди. Республика қишлоқ хўжалиги минерал ўғитлар билан таъминланди ва бошқа республика, вилоятларга ўғитлар чиқарилди. 1946 – 1950 йилларда Тошкент, Олмалик, Чирчиқ, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Янгийўл, Наманган, Шўрсув ва бошқа шаҳарлар кимё индустрияси марказига айланди.

Аммо бу соҳада катта ютуқларга эришилган бўлишига қарамасдан, Марказий ҳокимият томонидан захарли кимё воситалари ишлаб чиқариш республикага тикиштирилди. 1985 йилда 47,9 минг тонна турли захарли химикатлар ишлаб чиқарилди. Захарли воситаларининг республика пахта майдонларида ҳаддан ташқари кенг қўлланилиши натижасида атроф – муҳит, экологик вазият бузилди, одамлар турли – туман касалликларга чалинди. Одамлар соғлиғи ҳисобига пахта хом ашёсига кўрсатилган «ғамхўрлик» халққа қимматга тушди.

Ўзбекистонда **металлургия саноати** ҳам ривожланди. Масалан, Бекобод, Чирчиқ, Тошкент шаҳарларида қора металлургия, Навоий, Зарафшон, Олмалик, Учкудуқ шаҳарлари рангли металлургия марказлари сифатида ривожланди. 1962 йилда «Ўзбекистон металлургия комбинати»да узлуксиз пўлат қуюв қурилмаси ишга туширилди. 50 – йилларда Олмалик – Ангрен тоғ саноати районида мис, кўрғошин, рух, вольфрам, молибден ва бошқа нодир металллар кони топилди, уларни ўзлаштириш жараёнида йирик Олмалик кон – металлургия комбинати бунёд этилди. Комбинатда ишлаб чиқариш объектларини ривожлантириш 80 – йилларда ҳам фаол давом эттирилди.

Ўзбекистонда 60 – йилларда **олтин қазиб олиш саноати** бунёд этилди. Мурунгов, Чодак, Конбулоқ олтин конлари, Фарғона водийсидаги дарё ўзанларидан сочма олтин, Нурота, Қурама, Зарафшон, Ҳисор, Помир тоғларида олтин таркибли кварц томирлари ва рудалар мавжудлиги аниқланди. Республика ҳудудида 30 та олтин кони аниқланди. Олтин қазиб олувчи Мурунгов тоғ бойитиш комбинати, Маржонбулоқ комбинати қурилди. «Ўзбеколтин» бирлашмаси тузилгач, унинг таркибида Чодак бойитиш комбинати (1965), Ангренда олтин саралаш фабрикаси қурилиб ишга туширилди.

Ўзбекистон ҳукумати республика ҳудудидаги рангли металл конларига, шунингдек, олтин конларига, улардан ноёб ва нодир металллар қазиб олишга мустақил равишда эгалик қилмасди, улар фақат Иттифоқ ҳукумати ихтиёрига топширилган эди.

Ўзбекистон машинасозлик саноати 50 – 80 - йилларда кўп тармоқли соҳага айланди. 1985 йилда республика саноатида фаолият кўрсатган 1549 та ишлаб чиқариш бирлашмалари, комбинатлари ва корхоналарининг 100 дан ортиғи машинасозлик тармоғига тегишли бўлиб, уларда тайёрланган машиналар салмоғи бутун саноат маҳсулотининг 16 %ни ташкил этарди. Бироқ республикада бу соҳа асосан пахтачиликка, яъни биринчи навбатда, пахтачиликка хизмат қилувчи машинасозлик тармоғини ривожлантириш тадбирлари амалга оширилди. Масалан, «Тошсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш», Самарқандаги «Красний двигатель» ва бошқа заводлар пахтачилик билан боғлиқ машиналар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйдилар. 1950 йилда 4803 та чигит сеялкалари, 7784 та трактор культиваторлари тайёрланди. 1950 йилда 4641 та СХ – 40 пахта териш машиналари тайёрланди. Пахта тозаловчи машиналар ишлаб чиқариш 1946 йилда 363 та бўлган бўлса, 1950 йилга келиб уларнинг сони 1251 тага етди.

50 – 80 - йилларда Ўзбекистонда **қурилиш материаллари саноати** ривожланди. 1985 йилда қурилиш материаллари саноатининг 1851 корхонаси, 11та йирик панелли уйсозлик комбинатларида турли хил қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди.

Бу даврда Ўзбекистонда **енгил саноат** бир томонлама ривожланишга йўналтирилди. Асосий эътибор пахта қабул қилиш, пахта тозалаш, пиллакашлик, қорақўл терига ва каноп толасига дастлабки ишлов бериш, жун ювиш тармоқларини ривожлантиришга қаратилди. Ўзбекистон бундай хомашёлардан тайёр маҳсулотлар тайёрлаш имкониятига ҳам, ҳуқуқига ҳам эга эмас эди. Бу масалани марказий ҳокимият ҳал қиларди. Тайёр хомашё Иттифокнинг бошқа шаҳарларига олиб кетиларди ва тайёр маҳсулотга айлантириларди, ортиб қолган хомашё бошқа мамлакатларга сотиларди ва ундан катта даромад олинарди.

Ўзбекистонда 80 – йилларда 107 та пахта тозалаш заводи, кўпчилиги қуриши тозалаш цехларига эга бўлган 490 пахта манзиллари ишлади. 70 – 80 йилларнинг бошларида республика тўқимачилик саноати корхоналари – Бухоро тўқимачилик комбинати (1973), Андижон ип газлама комбинати (1979), Нукус ип газлама комбинати (1983), Жиззах пахта йигирув фабрикаси, йирик тўқмачилик комбинатларининг Қўрғонтепа, Марҳамат, Янгикўғон, Бешариқ, Риштон, Вобкент, Ғиждувон филиаллари қурилди. Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатлари таркибидаги бир қатор фабрикалар қайта жиҳозланди. Ип – газлама ишлаб чиқариш 1960 йилдаги 234,7 миллион метрдан 1985 йилда 395,7 миллион метрга кўпайди. Ўзбекистонда йилига 1,5 миллион тонна пахта толаси етиштириб бериларди. Республика тўқимачилик саноати етиштирилган пахта толасининг атиги 10 %ни қабул қилиш ва тайёр маҳсулотларга айлантириш имкониятига эга эди. 90 фоизи эса олиб кетиларди.

Хуллас, XX асрининг 46 – 85 - йилларда Ўзбекистонда кўплаб саноат корхоналари қурилди. Шундай бўлса-да, аммо ишлаб чиқариш бир томонлама ривожланишга йўналтирилиб, мустақил равишда тайёр маҳсулот ишлаб

чиқариш имкониятидан маҳрум бўлди. Йирик саноат корхоналарининг вужудга келиши билан Республиканинг Иттифоққа боғланиши яна ҳам кучайди. Президент И.А. Каримов: «... у пайтда Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга – Марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган ярим мустамлака мамлакат қаторига кирган эди», дейди.

Ишлаб чиқаришда миқдор кўрсаткичлари муҳим бўлиб, сифат жиҳатидан халқаро рақобатга бардош бўлган талаб иккинчи даражада эди. Республикамиздаги корхоналари асосан бутловчи характердаги корхоналарга айлантирилди. Мавжуд корхоналарда тайёрланадиган машиналар, асбоб – ускуналар учун зарур бўлган бутловчи қисмлар четдан келтирилар эди. Ўзбекистон корхоналари собиқ Иттифоқнинг ғарбий республикаларидаги корхоналарга қарам эди. 70 – йилларга келиб чуқур турғунлик ҳолатига маҳкум бўлган Ўзбекистон иқтисодиётининг таҳлили шундан далолат берадики, бунда саноат ишлаб чиқаришини режалаштиришда илмий аниқлик, реал ёндашув, мантиқий изчилликнинг йўқлиги асосий сабаблардан бири бўлганлиги шубҳасиздир.

Совет ҳокимияти белгилаган 8, 9, 10, 11, 12 – беш йилликлар режаларининг нореаллиги, ноизчиллиги, етарли илмий асосланмаганлиги, конкрет ҳаёт амалиёти билан боғланмаганлиги охир – оқибатда уларнинг олдиндан барбод бўлишига олиб келди. Бунинг оқибатида хўжалик тармоқларида зўриқиш, узилиш ҳолатлари юз берди, ишлаб чиқариш қувватлари тўла ишга солинмади, меҳнат унумдорлиги муттасил камайиб борди, миллий даромад салмоғи 3 – 4 бараварга камайиб кетди.

80 – йилларга келиб Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти кескин пасайди. Бунинг натижасида республиканинг экспорт балансида саноат маҳсулотининг салмоғи атиги 11 % ни ташкил этарди, холос. Республика саноат ишлаб чиқаришидаги бундай турғунлик, номутоносиблик ҳолатларининг юзага келиши, ишлаб чиқариш қувватларининг қисқариб, унинг салоҳият даражасининг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон иқтисодиётининг умумий ҳолатига, аҳоли кенг ижтимоий қатламларининг турмуш даражасига салбий таъсир этмасдан қолмади.

1985 йилнинг баҳорида қишлоқ хўжалигини бошқарув тизимига ўзгартириш киритилиб, меҳнатни ташкил этишнинг бригада ёки оила пудрати, ижара сингари янги шакллари жорий этилди. Лекин марказда маъмурий буйруқбозлик бошқарув тартиби сақланган ҳолда кўрилган тадбирлар, қайта қуришлар натижа бермади. Жамиятда, хусусан иқтисодиётда инқирозли ҳолатлар кучая борди. Қайта қуриш деб бошланган қуруқ компания Президент И. Каримов таъбири билан айтганда, «ҳамма ёқни бузиб, бақир – чақир, ўғрилиқ, қотилликни кучайтирди».

Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволидаги нохуш ҳолатларнинг ижтимоий оқибатлари ниҳоятда оғир бўлди. Ўлканинг ўзига хос демографик ҳолати ҳисобга олинмасдан давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағ қолдиқ принципига асосланиб йилдан – йилга қисқариб борди. Таълим

– тарбия, соғлиқни сақлаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш масалаларида миқдорий ўсишлар кўзга ташланганлиги билан, аслида булар инсон талабини қондирмас эди. Республика бу соҳалардаги кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги 15 республика ўртасида 13 – 14 ўринларда турди.

80 – йилларда фан, маданият ва халқ таълимига ажратилган харажатлар давлат бюджетининг атиги 2,7 фоизини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1989 йили Европа мамлакатларида 5,5 фоизни, Африка мамлакатларида 5,4 фоизни ташкил қилган. Болалар ўлими, ошқозон – ичак ва юқумли касалликлар бўйича Ўзбекистон Республикаси СССР да биринчилар қаторини эгаллади. Аҳолининг ўртача ёши 1970 йил 72 ёш бўлса, 1980 йили бу кўрсаткич 67,7 ёшни ташкил қилди. Бунга асосий сабаб экологик вазиятнинг кескинлашуви бўлди. Жафокаш ўзбек халқининг турмуш даражаси ачинарли аҳволда бўлиб, бошқа республикалар билан қиёслаганда охириги ўринларда эди. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди.

4. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият»нинг оқибатлари. Тоталитар тизим жараёнида ўлкадаги маданий – маърифий ишлар эътибордан четда қолмади. 20 – 30 - йилларда саводсизликни тугатиш, таълим – тарбия ишлари астойдил қўлга олинди. 1941 йили Ўзбекистонда 5.504 мактаб бўлиб, уларда 42.000 ўқитувчилар дарс берди, 1 млн. 315 минг ўқувчи таълим олди. Саноат ишлаб чиқаришининг ишчи кадрларга талабини қондириш учун фабрика, заводлар қошида махсус ўқув юртлари очилди.

Ўрта Осиёда олий таълимнинг бешиги, ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети бир қанча олий ўқув юртларига асос бўлди, 1940 йили республикада 30 та олий, 100га яқин ўрта махсус ўқув юртлари ишлаб турди.

1943 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар Академияси (Ўз ФА) республикада илм – фаннинг маркази бўлиб қолди. 1945 – 1985 йилларда кўплаб янги илмий – тадқиқот институтлари, лабораториялар, илмий марказлар ташкил этилди. Ўзбекистон Фанлар Академияси ва унинг илмий текшириш институтларида фаннинг турли соҳалари: айниқса кимё, физика, электроника, тарих, археология ва бошқа фанлар ривожланди. 80 – йилларнинг бошларига келиб академия таркибида Қорақалпоғистон АССР филиали ва 35 илмий тадқиқот муассасалари фаолият кўрсатди. 38 минг илмий ходим, шу жумладан, 1215 фан доктори, 15664 фан номзоди фаннинг турли соҳаларида тадқиқот ишлари олиб борди.

Республикада маданий – оқартув муассасаларининг сони 20 – 30 - йилларда ортиб борди. Ачинарлиси шундаки, республикада таълим – тарбия, маданий – маърифий ишлар «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» шиори остида олиб борилдики, асл мақсад «байналмилалчилик» ниқоби билан пардаланиб, ўлкага рус маданиятини, уларнинг турмуш тарзини тарқатишдан иборат бўлди. 1938 йил 19 мартда Ўзбекистон раҳбарияти миллий мактабларда мажбуран рус тилини ўқитиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўқишлар ва идораларда иш юритишлар 1929 йилдан бошлаб лотин, 1940 йилдан бошлаб

кирилл алифбосида олиб бориладиган бўлди. Буларнинг оқибатида кўп асрлар давомида араб алифбосида яратилган тарихимиз, маданиятимизни ўрганишдан республиканинг туб аҳолиси махрум бўлди. 1927 йили ўтказилган «Хужум» ҳаракати оқибатида ўзбек хотин – қизлари жаҳон тараққиётига тортилган ҳолда, иккинчи томондан, улар индустриалаштириш гирдобига кенг жалб қилиниб, ўзларининг табиий бурчларини бажариш ҳамда Шарқона фазилатларидан махрум бўлдилар.

Маданий – маърифий муассасалар компартиянинг ғояларини, социалистик мафқурани омма ўртасида кенг тарқатиш юзасидан фаол ишлар олиб борди.

Фашизмга қарши уруш йиллари издан чиққан таълим – тарбия ишлари, маданий – оқартув муассасалари урушдан кейинги йилларда қайта тикланди ва кенгайтирилди. 1970 йили республикада 2977 та клуб муассасалари, 5822 та кутубхоналар, 26 та музей, 3988 та киноқурилмалар ишлаб турди. Лекин, амалда бу муассасаларнинг бир қисми статистик ахборотларда ошириб кўрсатилган, бошқа қисми ҳар хил сабабларга кўра қониқарсиз бўлиб, молиявий ёрдамга муҳтож, айниқса, қишлоқ жойларда ташландиқ аҳволда эди. Қандай бўлмасин бу муассасалар марксизм – ленинизм сохта ғояларини, социалистик қурилиш амалиётини ташвиқот – тарғибот қилишнинг қуроли бўлиб хизмат қилди.

Урушдан кейин мажбурий 7 йиллик, 1959 йилдан 8 йиллик, 1970 йилдан бошлаб 10 йиллик таълим амалга оширила бошланади. 1980 йилларда ўрта ва олий таълим тармоқлари кенгайиб борди. 1990 йил Ўзбекистонда мактаблар сони 9.000 га етди, лекин улардан 1.700 таси аянчли аҳволда бўлиб, мукамал таъмирлашни талаб қилар эди. 1978 – 1979 - ўқув йилида республикада 43 та олий ўқув юрти бўлиб, буларнинг кундузги, сиртки, кечки бўлимларида 26.000 талабалар ўқиди. Республика Фанлар Академиясида илмий – тадқиқот институтларининг сафи кенгайиб, уларда йирик олимлар илмий изланиш ишларини олиб бордилар.

Талабалар, олий маълумотли мутахассислар, илмий ходимларнинг сони жиҳатдан 10.000 кишига ҳисоблаганда, Ўзбекистон илғор мамлакатлар қаторида турса ҳам кадрлар тайёрлаш тизимида кўпол нуқсонлар бор эди. Олий ўқув юр்தларига вилоятлардан қатъиян режа асосида қабул қилиш: қандай ўқимасин, уларни битиртириб чиқариш натижасида кўпинча малакаси етарли бўлмаган мутахассисларга диплом беришга тўғри келди.

Таълим – тарбия, илмий – тадқиқот ишларининг миқдорий кўрсаткичлари қанчалик юқори бўлмасин, улар Марказга қарамлиги сабабли ўзларининг иш фаолиятида компартия мафқуравий тазйиқидан четга чиқолмадилар. Ўқув дастурлари, айниқса ижтимоий фанлар ҳаддан ташқари сиёсатлаштирилди. Ўтмишда дунёга машҳур бўлган, жаҳон фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган аждодларимиз номи эсга олинмади, миллатимизнинг бой тарихи ва адабиёти ўқитилмади. Чунки, мактаб, олий таълим тизимининг асл мақсади Ўзбекистон мисолида бутун жаҳонга совет

давлати миллий сиёсатининг тантанасини кўрсатишдан бошқа ҳеч нарса эмас эди. Бу тизим республиканинг Марказга қарамлигини яна ҳам кучайтирди.

Марказнинг байналминалчилик сиёсати аслида мамлакатда истиқомат қилувчи 120 дан ортиқ миллатлар ва элатлардан ягона совет халқини шакллантириш сиёсатини рўёбга чиқариш учун жадал ишларни олиб борди. Шу мақсадда рус тилини ҳаётга киритиш фаоллашди. 1969 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг барча болалар боғчаларида рус тилини ўргатиш бошландики, бутун ҳаракат ягона байналминал тил яратишга қаратилди. Бундай сиёсатнинг оқибатида ўзбек тилининг жамиятдаги ўрни, миллий, диний қадриятлари йўқола борди.

Совет ҳукумати дастлабки кунлардан бошлаб динга, диний ташкилотларга қарши кенг миқёсда кураш олиб бориб, атеистик жамият қуриш томон йўл тутган эди. Масжид ва мадрасаларни ёпиб, уларнинг биноларидан бошқа мақсадларда фойдаланилди. Наврўз каби умумхалқ байрами, диний маросимлар бекор қилинди. Хаж сафарига борадиган мусулмонларнинг сони ҳар йили бутун Ўзбекистонда 2 – 3 кишидан ошмасди. Рухонийларнинг кўпчилиги ҳар хил баҳоналар билан қамоққа олинди, сургун қилиндилар. Дин ва диний ташкилотларни таъқиб қилиб, диндорларга нисбатан кўр-кўрона муносабат қанчалик фаол олиб борилмасин, уларнинг эътиқодини деярли ўзгартира олмади.

XX асрнинг 20 – 30 - йиллари *ўзбек адабиёти ва санъати*да изланишлар, уйғониш ва йўқотиш йиллари бўлди. 20 – йилларда маърифатчилик ҳаракатининг самарали йиллари бўлиб, А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбек, С. Айний, сўнграқ янги ёш ижодкорлар Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор каби ўзбек адабиётининг йирик намояндлари фаолият кўрсатди. 50 – 80 - йилларда адабиётда роман ва повесть жанрлари ривожланди. Уруш воқеалари, меҳнаткашларнинг фронт орқасидаги меҳнати Ойбекнинг «Нур қидириб» ва «Қуёш қораймас», Ш.Рашидовнинг «Қудратли тўлқин», Шухратнинг «Шинелли йиллар», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», О.Ёқубовнинг «Эл бошига иш тушса», Ҳ.Ғуломнинг «Тошкентликлар» романларида акс эттирилди.

XX асрнинг 50 – 80 йилларида Ўзбекистонда *театр ва муסיқа санъати* бир мунча ўсди. Ҳамза номидаги театр жамоаси Шекспирнинг «Отелло» ва «Юлий Цезарь», Уйғуннинг «Навбахор», Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», Н. Ҳикматнинг «Севги афсонаси», Уйғун ва И.Султоннинг «Алишер Навоий» асарларини сахналаштирди. Ўзбек давлат филармониясининг муסיкий жамоалари самарали фаолият кўрсатди. Фақат Т. Жалилов номидаги Ўзбек давлат оркестри репертуаридан 1300га яқин асарлар ўрин олди. «Лазги», «Шодлик», «Гўзал» хореографик ансамбллари ҳам ўзбек ва бошқа қардош халқлар ашула ва рақсларини намойиш этдилар. «Баҳор» халқ рақс ансамбли, «Ялла» вокал чолғу ансамбли жамоаларининг концертлари халққа манзур бўлди.

XX асрнинг 30 – йилларида сахна санъатида *опера ва балет соҳасида* дастлабки ютуқларга эришилди. Кино санъати ҳам қарор топди. 1946 – 1985 йиллар Ўзбекистон кино санъатининг юксалиш йиллари бўлди. Н. Ғаниев яратган «Тоҳир ва Зухра» (1945), «Хўжа Насриддиннинг саргузаштлари», «Фарғона қизи» каби кинофилмлар халқ олқишига сазовор бўлди. Айни шу даврда адабиёт ва санъатда социалистик реализм деб аталмиш йўналиш ҳукмрон бўла бошлади ва республикада маданий ҳаёт коммунистик мафкурага бўйсундирилди.

Урушдан кейинги 50 – 60 - йилларда республика ижодий зиёлиларининг янги авлоди шаклланди. Шахсга сиғинишнинг фош этилиши билан юзага келган илиқлик шамоли билан бадиий адабиётда кўпгина салмоқли асарлар яратилди, бир қанча янги ўзбек театр ва концерт санъатининг донгини таратган жамоалар ташкил этилди. Жамиятда инқирозли ҳолатлар кучайиши билан маданий ҳаётдаги зиддиятлар ҳам кескинлашди. Чириб бораётган социализм ғояларисиз тарихий, бадиий асарлар ёруғлик кўрмайдиган бўлди. Фақат 80 – йилларнинг иккинчи ярмидан янгича фикрлаш даврида социализм ғоялари ва амалиётининг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги мудҳиш оқибатларини фош қиладиган асарлар яратилди.

Кечаю – кундуз кишилар онгига мажбуран сингдирилган коммунистик мафкура одамларни маънавий қашшоқликка олиб келди. «Ижтимоий тенглик» тўғрисидаги социализм ғояси кишиларни ишёқмас, боқиманда қилган бўлса «давлат мулки», «умумхалқ мулки» деган ақидаси инсонни мулкдорлик, эгалик туйғуларидан бегона қилди. «Давлат мулкига» «эгасиз мулк» деб қараш натижасида ташимачилик оммавий тус олди.

Ўзбек халқи учун энг даҳшатлиси миллий, диний, тарихий қадриятлардан жудо бўлганлигида эди. «Ягона совет халқи», «интернационал тил» тўғрисидаги уйдирма назариялар адабиёт ва санъатдаги «шаклан миллий, мазмунан социалистик» асарларнинг яратилиши халқимизни азалий қадриятларидан маҳрум этди.

5. Экологик қабоҳат. Орол фожеаси. Советлар ҳукуматининг Ўзбекистонда 70 йилдан кўпроқ олиб борган қабоҳатли мустамлакачилик сиёсати, унинг Ўзбекистон ва Ўрта Осиё минтақасидаги бошқа республикаларнинг табиий хом ашё ресурсларидан ўйламай – нетмай фойдаланиши, ишлаб чиқаришнинг экстенсив йўлдан ривожлантирилиши, пахта яккаҳоқимлигининг изчиллик билан жорий этилиши, турли хилдаги кимёвий захарли моддаларнинг ишлаб чиқарилиши ва уларнинг қишлоқ хўжалигида ҳаддан зиёд ишлатилиши бу ерда кўп асрлар мобайнида вужудга келган ва мавжуд бўлган табиий мувозанатни издан чиқарди. Мамлакатимизда айниқса, 80 – йилларда ҳалоқатли тус олган жуда мураккаб экологик муаммоларни вужудга келтирди, шулар сабабли Орол муаммоси ҳалоқатли тус олди.

Урбанизация жараёни кучайиб суғорма қишлоқ хўжалик экинлари майдонлари кенгайди, коммуникациялар ўтказилди, ўрмонлар кесиб юборилди, сув ресурсларидан оқилона фойдаланилмади, ер ости қазилма бойликлари очик усулда қазиб олинди. Бу ишлар амалда табиатга нисбатан шафқатсизлик, зуғум эди. Ўзбекистон шаҳарларининг деярли ҳаммасида хавонинг ифлосланиш даражаси санитария талаблари даражасидан анча ошиб кетган эди. Бу, айниқса, Ўзбекистоннинг саноат марказларида хавфли тус олди. 1990 йилда республика аҳолисининг ҳар бирига ҳисоблаганда захарли моддалар чиқити 203 км ни ташкил этди. Улар таркибида 100 хиддан ортик захарли моддалар мавжуд эди.

Захарланиш фақат шаҳарларгагина хос бўлмасдан Ўзбекистон қишлоқларида ҳам хавфли тус олди. Айниқса қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган захарли химикатлар табиатни хароб қилди. Аҳвол шу даражада фожеали тус олдики, ғўзаларни дефолиация қилиш баҳонасида минг – минг тонналаб захарли химикатлар одамлар боши узра самолётларда сепилди. Бу ҳар қандай хавф – хатардан ҳам даҳшатлироқ фожеа эди.

Ўзбекистон экологияси бузилишининг *иккинчи сабаби* – сувга бўлган муносабат билан боғлиқдир. Советлар ҳукуматининг Амударё, Сирдарё, Чирчиқ, Зарафшон дарёлари сувларидан ҳисоб – китобсиз фойдаланиш охир – оқибатда Орол фожеасини келтириб чиқарди.

Орол денгизи — Ўрта Осиёдаги энг катта берк шўр кўл бўлиб, унинг пайдо бўлиши – Амударё ва Сирдарё туфайли бундан 2 – 2,5 млн. йил муқаддам рўй берган. Маъмурий жиҳатдан Орол денгизнинг ярмидан кўпроқ жанубий – ғарбий қисми Ўзбекистон (Қорақалпоғистон), шимолий – шарқий қисми Қозоғистон ҳудудида жойлашган. Ўтган асрнинг 60 – йилларигача Орол денгизи майдони ороллари билан ўртача 68,0 минг км² ни ташкил этган.

1960 йилдан бошлаб Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида янги ерларни ўзлаштириш соҳасида кенг миқёсли ишлар бошлаб юборилди, булар учун дарё сувини қўшимча равишда тортиб олиш талаб қилинарди. Натижада, Қорақалпоғистонда пахтачилик билан бир қаторда шолчилик ҳам юксак суръатлар билан ривожланди. Бироқ ерларни ўзлаштириш илмий асосда олиб борилмади. Дехқончиликни ривожлантириш ҳам экстенсив усулда амалга оширилганлиги сабабли, сув ресурсларининг асоссиз равишда ҳаддан ортик даражада исроф қилинишига олиб келди. Оролга эса унинг «улуши» бериб турилмади, бу эса денгизнинг куриб боришига сабаб бўлди. 80 – йиллар ўрталарига келиб Орол денгизининг сатҳи 13,8 метр пасайиб кетди, сув ҳажми 390 млн. куб. метр, майдони 40 минг кв. м. камайди. Натижада Орол ва Оролбўйи муаммоси жиддий равишда пайдо бўлди. Ҳавога, ерга сочилган тонналаб кум – тузлар Оролбўйи атрофида ҳам жонли, ҳам жонсиз табиатни ҳалоқат ёқасига келтириб қўйди. Аҳоли денгиз атрофидаги ўз маконларини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Эндиликда юзага келган ана шу экологик ва иқтисодий муаммолар фақат Оролбўйи учун эмас, балки бутун Марказий Осиё ва унинг атрофидаги мамлакатлар учун ҳам яққол кўзга ташланиб турган муаммо бўлиб қолди.

Орол денгизининг қуриб бориши бир қатор салбий ҳодисаларга олиб келди:

Биринчидан, сувдан фойдаланишда ва ерларни ўзлаштиришда илмий асосларнинг мавжуд эмаслиги, сувнинг талон-торож қилинишига, қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши экин майдонларининг шўрланишига, бу майдонлар бир қисмининг қишлоқ хўжалик оборотидан бутунлай тушиб қолишига сабаб бўлди. Масалан, Ўзбекистондаги бутун экин майдонларининг 60%, Туркменистондаги экин майдонларининг 80%и ўртача ва кучли даражада шўрланган.

Иккинчидан, денгиз сувининг шиддат билан пасайиб бориши натижасида 3 млн. гадан ортиқ қуриган денгиз тубини қумли сахрога айлантирди. Кучли бўронлар пайдо бўлиб, тузли қумларни 4 км юқорига ва 200 км кенгликка тарқата бошлади. Бундай бўронлар ҳар йили 6 – 9 марта, кейинги вақтларда эса 15 мартагача бўлмоқда. Жанубий Оролбўйидаги тузли чанглар эса 500 км гача бўлган масофага ёйилмоқда. Бу тузли чанг бўронлари шарққа томон 800 км.гача, яъни деярли Тошкент шаҳригача етиб келиши мумкин.

Учинчидан, Орол денгизининг қуриб бориши сахро майдонларининг ортиб, тўқайзорларнинг, кўпгина ўсимлик турлари, қушлар ва ҳайвонларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлди.

Тўртинчидан, денгиз суви сатҳининг мунтазам пасайиб бориши минтақанинг иқлим шароитларининг ўзгаришига олиб келди. Оролбўйининг иқлими янада кескин континенталроқ бўлиб қолди. Совуқ бўлмайдиган кунлар сони ортиб кетди, ёзда эса ҳаво ҳарорати 2 даража иссиқроқ бўлиб, қишда 2 даража совуқроқ бўлиб турибди, атмосферанинг қурғоқ бўлиши кучайди. Баҳор чўзилиб кетадиган бўлиб қолди. Натижада кейинги йилларда Қорақалпоғистонда пахтанинг пишиши қийинлашди.

Бешинчидан, Амударё ва Сирдарё хавзаларида дарёларга фойдаланилган коллектор сувларининг ташланиши натижасида сувнинг таркиби ёмонлашиб борди.

Олтинчидан, ерларнинг кучли шўрланиши тарихий – маданий муҳитга ва унинг таркибий қисми бўлган маданият ёдгорликларига тузатиб бўлмас даражада зарар етказмоқда. Масалан, Хоразмшоҳларнинг қадимги қароргоҳи бўлган Тупроққалъа (милодий I – IV асрлар) ҳам ҳалоқат ёқасида турибди. Худди шундай аҳволни Хоразм ва Тошхөвүз вилоятларида ҳам кўриш мумкин.

Экологик қабоҳатнинг ***учинчи сабаби*** — тупроқ таркибининг ўзгариши бўлди. Ўзбекистонда 1990 йилга келиб ўртача ва кучли шўрланган ерлар 853 минг гектарни ташкил этди. Тупроқ таркибининг ўзгаришига ҳисоб – китобсиз ишлатилган минерал ўғитларнинг ҳалоқатли таъсири ҳам катта бўлди. Чунки

мутахассис олимларнинг хулосаларига кўра фосфор ўғити билан биргаликда тупроққа фтор, уран, торий, оғир металл тузлар ҳам ўтар экан.

Экология бузилишининг **тўртинчи сабаби**, бу республика ҳайвонот ва ўсимлик оламининг ўзгариши бўлди. Ўзбекистонда ёввойи ҳайвонларнинг – 99, паррандаларнинг – 410, балиқларнинг – 79 тури мавжуд. 1990 йилга келиб 32 ҳайвон, 31 парранда, 5 балиқ тури республика «Қизил китоби»га киритилган. «Қизил китоб»га киритилган ўсимликларнинг сони эса 163 тага етди.

Мамлакатдаги экологик қабоҳат аҳоли ўртасида ҳар хил касалликларнинг кўпайишига олиб келди ва катта фожеаларга сабаб бўлди.

Хуллас, мамлакат бошига тушган экологик қабоҳат узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Вужудга келган оғир вазият яхлит ижтимоий адолатли экологик сиёсат юритишни талаб қилаётган эди.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан Орол денгизи муаммосини ҳал этишга катта эътибор қаратилмоқда. 1993 йилнинг майида Тошкентда Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича дастлабки Халқаро тадқиқотлар лойиҳаси имзоланди. 1997 йил 18 июнда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси тузилди.



Орол денгизининг ҳозирги кўриниши

13 - мавзу: Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг тарихий аҳамияти

Режа:

1. Собиқ Иттифокда турғунлик ҳолати. XX асрнинг 80 – 90 - йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий – сиёсий ҳаёти.
2. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш томон йўл тутиши.
3. Совет империясининг таназзулга юз тутиши.
4. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти.
5. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари ва Конституциясининг қабул қилиниши.

Таянч сўз ва иборалар: «Қайта қуриш». «Пахта иши». Мустақиллик декларацияси. Президент сайловлари. Мустақиллик. Давлат рамзлари. Ўзбекистон Конституцияси. «Ўзбек модели».

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А.Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992, 2009.
6. Бобобеков Ҳ. Фарғона фожиалари кундалиги // «Фан ва турмуш».1990, № 4-5.
7. Мустақиллик: Изоҳли илмий – оммабоп луғат // Р. Рўзиев ва Қ. Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри. –Т.: Шарқ, 1996.
8. Салимов О., Усмонов Қ., Ғаниев Д. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. – Т.: Шарқ, 1999. –Б. 9-20, 40-46.
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1, 2, 3 ...12 жилдлар.
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. –Б. 624-676.
11. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 7-4, 773.
12. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 529-554.

13. Jo'raev N. O'zbekistonning yangi tarixi. Uchinchi kitob. Mustaqil O'zbekiston tarixi. – To'ldirilgan, qayta nashr. –T.: G'afur G'ulom, 2009. –B. 8-87.

14. Usmonov Q. O'zbekiston tarixi. –T.: IQTISOD – MOLIYA, 2006. –B. 374-400.

15. Shamsutdinov R. va boshq. Vatan tarixi. (Uchinchi kitob); R. Shamsutdinov, Sh. Karimov – T.: Sharq, 2010. –B. 440-472.

<http://www.gov.uz>

<http://www.press-service.uz/#ru/gallery/list/fotoalbom/>

1. Собик Иттифоқда турғунлик ҳолати. XX асрнинг 80 – 90 йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий – сиёсий ҳаёти. XX асрнинг 70 – 80 йилларида СССРда иқтисодиётнинг ривожланиш сураёти тобора пасайиб, сарф – харажатлари ортиб борди. Мавжуд имкониятларни ҳисобга олмасдан ишлаб чиқилган ижтимоий, озиқ – овқат, аграр, энергетика, экология ва бошқа соҳалардаги дастурлар самара бермади, иқтисодий зиддиятларни чуқурлаштириб юборди.

Собик Иттифоқда юзага келган *турғунлик ҳолати* сабабларига қуйидагиларни айтиш мумкин. Хусусан, XX аср иккинчи ярмидан дунёда илмий – техникавий янгиликлар содир бўлди. Бундан жаҳоннинг тараққий топган давлатлари самарали фойдалана бошлади. Машина – фабрика ишлаб чиқаришидан автоматлаштирилган комплекс ишлаб чиқаришга ўтиб борилди. Ишлаб чиқаришга ҳисоб – китоблар, ечимлар, назорат ва бошқариш вазифаларини бажарадиган электрон – ҳисоблаш аппаратлари, ахборот техникаси, роботлар кириб келди ва кенг қўлланила бошланди. Одамлар бажариб келган оддий техник, механик, оғир жисмоний ишларни техника воситалари бажарадиган бўлди. Фан ишлаб чиқариш кучига айланди. Натижада илғор мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг самараси ошиб, интенсив тараққиёт йўлига кирди. Моддий ишлаб чиқаришда ишловчилар сони қисқариб, хизмат кўрсатиш соҳасида, тиббиёт, таълим, илмий фаолиятда банд бўлганлар сони ошиб борди. Ахборот техникаси тиббиёт, фан, таълим ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг қўлланила борди. Инсон техник, механик ва оғир жисмоний ишларни бажаришдан озод бўлиб, ўзини мазмунли, ижодий ишларга бағишлади. Пировардида турмуш савияси тобора яхшиланиб борди.

Бу даврда совет давлатида эса илмий – техника инқилобидан фойдаланиш етарли даражада йўлга қўйилмади. Мамлакат катта табиий ресурсларга эга бўлсада, хўжаликлар уларнинг етишмовчилигига дуч келди. Кўпгина мамлакатлар фан – техника инқилоби туфайли халқ турмушида жиддий ижобий бурилишга эришган бир пайтда СССР бу жараёндан орқада қолиб кетди.

Ишлаб чиқариш технологияси эскирган, маҳсулотларнинг сифати паст, улар сотилмасдан омборларда тўпланиб қолаётган эди. Маъмурий – буйруқбозлик тизими, иқтисодиётга партиявий раҳбарлик ва унинг мафқуралаштирилиши иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлидаги уринишларни

йўққа чиқарар эди. Ижтимоий эҳтиёжларга маблағ ажратишда қолдик принципи ва тақсимотда текисчилик ҳукмрон эди. Булар аҳолининг меҳнатга қизиқиши ва фаоллигини сусайтирди, боқимандалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, чайқовчилик, порахўрлик каби ярамас иллатларни келтириб чиқарди.

Буйруқбозлик бошқарув усули, мамлакатда кенг тарқалган қоғозбозлик, мажлисбозлик иллатлари иқтисодиётнинг ўз қонунлари ва воситалари асосида ривожланишига тўсқинлик қилмоқда эди. Одамлар мулкдан бегоналаштирилган, шу туфайли лоқайдлик юзага келди.

«Қайта қуриш» сиёсати ва унинг барбод бўлиши

«Қайта қуриш» – XX асрнинг 80 – йиллари ўрталарида кенг истеъмолга кирган тушунча. Қайта қуриш КПСС МК Бош қотиби Михаил Сергеевич Горбачев ва КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил 25 апрель пленуми билан бевосита боғлиқдир. Бу сиёсат СССРда тоталитар тизимни ислоҳ йўли билан ўзгартиришга қаратилган ҳаракатни англатган. Қайта қуриш сиёсатининг мақсади ва вазифаси мамлакатда тўпланиб қолган ижтимоий – сиёсий, иқтисодий, маданий ва мафкуравий соҳалардаги муаммоларни «қайта қуриш» йўли билан ҳал этишдан иборат бўлган.

Қайта қуриш 1985 – 1990 йилларни ўз ичига олиб, икки босқичга бўлинади. **Биринчи босқич (1985 – 1987)** маъмурий – ташкилий тадбирларнинг анъанавий усулларда олиб борилиши билан изоҳланди. Ушбу босқичда асосий вазифалар илмий – техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жалб этиш асосида жамиятда туб иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва унинг асносида инсон омилини фаоллаштиришга қаратилган эди.

Қайта қуришнинг дастлабки даврларида асосий эътибор мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилди. Бироқ бундай жараённинг ривожи ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришни талаб қилди. Шунинг учун 1986 йилда қайта қуриш ва ижтимоий муносабатлар масаласига алоҳида эътибор берилди. Бундай сиёсатнинг марказида эса жамиятни демократлаштириш, маъмурий – буйруқбозлик ва бюрократизмга, қонунсизликка қарши кураш турар эди. Натижада жамият ижтимоий – сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида маълум ўзгаришлар рўй бера бошлади, кишиларнинг ижтимоий фаоллиги ошди, демократия сари қадам ташланди, миллий ўзликни англаш жараёни юз берди. Аммо туб ўзгаришларни, барча соҳаларда ҳақиқий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги уринишлар муваффақият қозонмади. 1986 йилдан бошлаб мамлакат иқтисодий аҳволи баттар ёмонлаша бошлади, 1987 йил январидан ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасая борди, иқтисодиётда инқирозли ҳолат юзага келди. Қайта қуришнинг биринчи босқичи шу тарзда мағлубият билан якун топди.

1987 – 1990 йиллар эса қайта қуришнинг иккинчи босқичи бўлиб, энликда жамиятнинг барча жабҳаларини комплекс тарзда ислоҳ қилишни кун

тартибига қўйди. Жумлдан, бу даврда совет жамиятини демократлаштириш масаласи асосий вазифа, деб таъкидланди. Демократлаштириш жараёни жамиятни маълум даражада уйғотди, ижтимоий фаоллик ортди. Сайловларнинг муқобил номзодлар иштирокида, алтернатив асосда олиб борилиши ижобий ҳолат эди, бундан ташқари СССРда сайлов тизимини ўзгартириш тўғрисидаги Қонун (1988 йил декабри) нинг қабул қилиниши ҳам жамият аъзолари ижтимоий фаоллигини оширишда маълум аҳамият касб этди. Бироқ Иттифоқда туб демократик ўзгаришларни амалга ошириш, бошланган ислохотларни охирига етказиш мумкин бўлмади. Бу икки сабаб билан изоҳланади. Биринчидан, қайта қуришнинг аниқ, изчил, илмий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган дастури йўқ эди. Иккинчидан, партия раҳбарлари бундан манфаатдор эмасдилар.

Хуллас, М.С. Горбачев бошчилигида КПСС раҳбариятининг бир қисми томонидан бошланган қайта қуриш сиёсати мамлакат ҳаёти ва умуман жаҳонда маълум ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди (ошкоралик, сиёсий плюрализм, «совуқ уруш»нинг тугаши ва ҳ.к.). Қайта қуришни амалга оширишдаги қарама – қаршилик ва ноизчилликлар натижасида 80 – йилларнинг охири – 90 – йилларнинг бошидан мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида бўҳронлар кучайиб кетди. Қайта қуриш собиқ СССРда тўпланиб қолган муаммоларни тўла ҳал этишга хизмат қилмади. Мустақиллик, демократия ва эркинлик ғояларига тўғри келмаганлиги туфайли ҳам амалий самара бермади. Охир оқибатда КПСС нинг ҳалоқати ва СССР нинг тугашига муайян туртки бўлди.

**«Пахта иши» ва унинг
оқибатлари**

XX асрнинг 80 – 90 – йилларда совет ҳокимияти томонидан мавжуд турғунлик ҳолатидан чиқиш, шунингдек, собиқ иттифоқдош республикаларнинг мустақиллик йўлидаги ҳаракатларини бартараф этиш, собиқ СССРда юзага келган инқирозли ҳаракатлар сабабларини иттифоқдош республикалардан қидириш, уларни айблаш учун турли найранглар, «сиёсий ўйинлар» ўйлаб чиқдилар.

1983 йилнинг охирида Ўзбекистонда жуда оғир вазият вужудга келган эди. Республикада жиноятчиликка қарши курашиш ниқоби остида СССР Бош прокурори хузурида алоҳида муҳим ишлар бўйича махсус 12 кишилиқ терговчилар гуруҳи тузилиб, ЎзССРга юборилади. Улар ЎзССРда пахта тайёрлаш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнлардаги «қўшиб ёзиш», «ўғирлик», «кўзбўямачилик», «порахўрлик»ни (аслида бундай молиявий жиноятлар ва қинғирликлар бутун СССР ҳудудидаги иқтисодиётда чуқур илдиз отиб келган эди) тергов қилиш билан шуғулландилар. Бунинг натижасида «пахта иши» пайдо бўлди. Терговлар жараёнида Москвадан юборилган Т.Х. Гдлян ва Н.В. Иванов гуруҳининг фаолияти натижасида республикадаги жамоа хўжаликлари раислари ва совхоз директорларининг 60%, қишлоқ хўжалиги етакчи мутахассисларининг 45%, пахтачилик бригада

бошлиқларининг 35%, шунингдек, кўплаб раҳбарлар, вилоятлар ва туманлар партия комитети котиблари, республика миқёсидаги партия, совет ва хўжалик раҳбарлари ўз вазифаларидан олиб ташланди ва уларга нисбатан жиноий иш кўзғатилди.

ЎзССРнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётида 1984 йил 23 июнда бўлган Ўзбекистон Компартияси МК XVI – пленуми машъум роль ўйнаган. Москва ташаббуси ва кўрсатмаси билан ташкил қилинган бу пленумда қабул қилинган ҳужжатлар ЎзССРда ўзбек халқини асоссиз бадном этиш компаниясини бошлаб берди. Марказнинг тазйиқи остида 1984 йилдан Ўзбекистондаги раҳбарлик лавозимларига собиқ иттифоқнинг ҳар хил жойларидан «кадрлар десанти» кела бошлади. Биргина 1984 – 1987 йилларда Москва, Ленинград ва Россиянинг бошқа шаҳарларидан 400 дан ортиқ киши Ўзбекистоннинг партия, совет, маъмурий – хўжалик органларига ишга юборилган. Кадрларни алмаштириш сиёсати аянчли тус олди. Марказий матбуотда эълон қилинган мақолаларда ўзбек халқи бадном этилиб, «пахта иши»га атайлаб сиёсий тус берилди ва у кейинроқ атай «ўзбек иши»га айлантирилиб, халқимизнинг нафсониятини топташ йўлига ўтилди. 1983 – 1990 йилларда ЎзССРда «пахта иши» деган уйдирма бўйича жами 40 минг киши тергов қилинди, уларнинг аксарияти тергов изоляторларида прокурор санкциясиз ўтирди, 5 минг киши эса сохта айблар билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Бу даврда Марказ томонидан тоталитар тузумнинг барча кирдикорлари вафот этиб кетган партия ва давлат арбобларига юкланиб, 80 – йиллар қатағонида ноҳақ қораланди. Энг аввало қатағон қиличи Шароф Рашидовга қарши кўтарилиб, унинг номи ҳам бадном қилинди. 1959 – 1983 йилларда Ш.Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи котиби бўлиб ишлаган ва раҳбарлик йилларда қатор бунёдкорлик ишлари билан бирга қишлоқ хўжалиги ерларидан экстенсив фойдаланиш оқибатида экологик вазиятнинг бузилиши, пахта яккаҳоқимлигининг қарор топиши каби нохуш ҳолатлар ҳам юз берди. Албатта, бундай ҳолатларни унинг фаолияти натижасида юзага келган деб бўлмайди, балки совет ҳокимиятининг ижтимоий – сиёсий тузуми келтириб чиқарган эди.

«Пахта иши» оқибатда бутун мамлакатимизда парокандалик, лоқайдлик, умидсизлик ва ишончсизлик кайфияти чуқурлашди. Ўзбекистон фуқаролари ўз ҳақ – ҳуқуқларини ҳимоя қилишларини сўраб туман, вилоят ва республика партия ва совет органларига мурожаат қилдилар. 1986 – 1987 йилларда фақат Ўзбекистон Компартияси МКга фуқаролардан 50 мингдан ортиқ хат ва шикоятлар тушди. 20 мингдан ортиқ киши Марказқўм котиблари ва бўлим бошлиқлари қабулида бўлиб, ўзларининг талабларини билдирдилар.



Рашидов Шароф Рашидович
(1917. 6.11 – 1983.31.10)

Норозилик айниқса хотин – кизлар орасида кўпайди. 1986 – 1987 йилларда республикада 270 аёл ўзини – ўзи ёндириб юборди. Бу ҳолат уларнинг шаъни, кадр –қийматининг топталашини, ҳақ – ҳуқуқларининг бузилишига нисбатан кўрсатилган норозилик эди. Ҳақиқат, адолат Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари бўлгач рўёбга чиқди. Ислом Каримов ташаббуси билан «Пахта иши»ни кўриб чиқиш учун махсус комиссия тузилди. 3,5 мингдан кўпроқ киши оқланди. Қолганларнинг жазо муддатлари камайтирилиб, бир қисми авф этилди.

Фарғона фожиаси

Қайта қуриш миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувида ҳам ўз аксини топди. Узок йиллар давомида тўпланиб, шаклланган ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, маданий соҳадаги муаммоларнинг миллатлараро муносабатларга таъсир этмаслиги мумкин эмас эди.

1989 йил май – июнь ойларида Фарғона, Тошкент вилоятларида ва Андижон шаҳрида миллатлараро можаролар рўй бердики, у республикада ва бутун мамлакатда ғоят даражада катта шов – шувга сабаб бўлди ҳамда республикада сиёсий вазиятнинг кескин тус олишига олиб келди. Маълумки, иккинчи жаҳон уруши йилларида мустабид тузум томонидан депортация қилинган бир қатор халқлар қаторида месхети турклари ҳам бўлиб, улар асосан аҳоли зич яшайдиган Фарғона вилоятига, бир қисми Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларига жойлаштирилган, бунинг оқибатида эса ижтимоий – иқтисодий ва миллатлараро муносабатларда қўшимча муаммолар юзага келган эди. Бу муаммога совет давлати ўз вақтида эътибор бермади. Аксинча, «ривожланган социализм» даврига келиб СССРда «миллий масала бутунлай ҳал қилинди» деб «тантана» қилинди.

Аммо 1989 йил 24 майда Қувасой шаҳрида ёшлар ўртасида (Ўзбекистон компартиясининг биринчи котиби Рафиқ Нишоннинг таърифича, «бир банка қулпиной» учун) бўлган безорилик миллатлараро (маҳаллий ёшлар билан месхети турклар ўртасида) тўқнашувни келтириб чиқарди ва бу можаро Фарғона водийсида оммавий тус олди. Республиканинг сиёсий раҳбарияти юзага келган бу мураккаб вазиятни тўғри баҳолай олмади. Натижада, оддий можаро Фарғона, Марғилон, Тошлоқ, Қўқон, Андижон, Наманган, Тошкентда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг оммавий чиқишларига, миллатлараро тўқнашувларга сабаб бўлди.

Фарғона фожиалари ҳақида республика матбуотида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида тўғри маълумот берилмаганлиги, бу можароларнинг келиб чиқишида асосан «маҳаллий аҳоли айбдор» деб бир томонлама ва ноҳолис баҳоланиши вазиятни янада кескинлаштирди. 11 июнда Тошкент шаҳрида ишлаётган ва ўқиётган фарғоналик ёшлардан 100 га яқини «қизил майдонда» намоийш уюштириб, Фарғона воқеалари ҳақида «нотўғри» маълумот беришларга қарши фикр билдирдилар ва бошқа бир қатор талаблар кўйдилар. Бундай оммавий чиқишларга, коммунистик мафкура тартибига

қарши боришларга «кўникмаган» мустабид тузум сиёсий раҳбарияти намоёнчиларга қарши ҳарбий қисм ташлади. 1989 йил 8 июнда Қўқонда тинч намоёнчилар ана шу ҳарбий қисм аскарлари томонидан ўққа тутилди, натижада 50 дан зиёд намоёнчида қатнашган аҳоли ҳалок бўлди (уларнинг кўпчилиги ёшлар эди), 200 дан ортиғи эса ярадор қилинди. Умуман, 3 – 12 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлган миллатлараро тўқнашувлар ва уларни ҳарбийлар томонидан ўққа тутилиши оқибатида 103 киши ҳалок бўлган, 1009 киши жароҳатланган ва 650 хонадонга ўт кўйилиб, вайрон қилинган.

Фарғона фожиаларига тааллуқли маълумотларнинг таҳдили шуни кўрсатадики, меҳсети турклари учун бу можаро мустабид тузум айби билан уруш даврида мажбуран ташлаб чиқилган она ватанларига қайтиб боришлари учун баҳона сифатида керак бўлган. Маҳаллий аҳоли эса бу можарога табиий равишда қўшилиб кетган. Воқеаларнинг кенг миқёс ва фожиали тус олганлиги сабабли совет ва маъмурий органлар меҳсети туркларини Фарғонадаги ҳарбий қисм полигонидаги лагерга ҳамда Тожикистоннинг Ленинобод вилояти Ашт туманидаги Новгарзон посёлкасига шошилишч кўчирилади. Минглаб одамларни бундай лагерларда узоқ сақлаб бўлмас эди. Шунинг учун 16.282 киши Фарғона вилоятдан Россиянинг Смоленск, Орловск, Курск, Белгород ва Воронеж вилоятларига кўчириб олиб бориб жойлаштирилди.

Фарғонада уюштирилган сиёсий ифвогарлик Тбилиси, Тоғли Қорабоғ, Бокуда ташкил этилган ифвогарликлардан бири эди. Кейинчалик 1990 йил февраль – март ойларида Бўка ва Паркент, 1990 йил июнда Ўш ва Ўзганда ҳам шундай уринишлар бўлди. Ёвуз кучлар ўз мақсадига эриша олмадилар. Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти томонидан кўрилган чора – тадбирлар натижасида кескинлик бартараф қилинди.

2. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш томон йўл тутиши. XX аср 90 – йилларига келиб жаҳон ва собиқ иттифоқдаги ўзгаришлар ҳамда юзага келган вазият ўзбек халқининг мустақиллик учун бўлган курашини тезлаштириб юборди. Бу ўринда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1989 йил 23 июндаги пленуми ва унда Ислом Каримовнинг биринчи котиб этиб сайланиши жуда катта аҳамият касб этди. Ушбу анжуманда И. Каримов Ўзбекистоннинг собиқ Иттифоқда тутган ўрни ва ролини аниқ – равшан белгилаб берди, маданий меросни ва тарих ҳақиқатини тиклаш, миллий урф – одатлар ва анъаналарни ривожлантириш объектив зарурат эканлигини исботлади.

Ўзбекистоннинг янги ҳукумати Марказ билан бўладиган муносабатларни ўзгартирмай туриб, ижобий силжишларга эришиб бўлмаслигини ва бунинг учун республиканинг тўлиқ мустақиллигини таъминлаш зарурлигини тушуниб етди. И.А. Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1989 йил 15 августда «Колхозчилар, совхоз ишчилари, фуқаролар, шахсий томорқа хўжаликлари ва индивидуал уй – жой

қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилинди. Гарчи бу ғоя иттифоқ раҳбарларига ёкмаган бўлса ҳам, И.А. Каримов ўз фикридан қайтмай, уни жасорат билан амалга ошира борди. Натижада ўша йилнинг 4 ойида аҳоли кўшимча 90,7 минг гектар ер олди.

XX асрнинг 80 – йиллари ўрталарига келиб СССРнинг парчаланиши реал обектив ҳақиқатга айланиб қолди. Бу жараёни ўзбек тилига давлат мақоми берилиши айниқса тезлатиб юборди. 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Олий Советининг XI сессияси «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги Қонунни қабул қилди. Ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. Иш юритиш секин – аста ўзбек тилига ўтказила бошланди, уни ўрганишни яхшилаш юзасидан аниқ чора – тадбирлар белгиланди. Айни вақтда рус тилини ва республикада яшовчи бошқа халқларнинг тилларини ўрганиш учун шарт – шароитлар яратилиши лозим эди, тилни ўрганишнинг ихтиёрийлиги ва уни танлаш ҳуқуқи қонунда белгилаб қўйилди. Бу қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқи, шу халқ миллий ўз – ўзини англашининг ўсиши, республикада миллатлараро ҳамжихатликнинг сақланиб қолиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинганидан сўнг миллий ўзликни англаш, миллий давлатчиликни тиклаш йўлида республикада яна бир тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий кадам қўйилди.

1990 йил 23 мартда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида республика сиёсий тизими тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Унда Ўзбекистонда ҳокимиятнинг **Президентлик бошқаруви** шаклига ўтиши республика суверенитети ва давлатчилигида моҳиятан янги босқич эканлиги таъкидланди.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг XII чақириқ 1 – сессияси СССР доирасида биринчи бўлган сиёсий ҳужжатни — **«Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви таъсис этиш тўғрисида»**ги қарорни қабул қилди ва Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди. Шу тариқа, Ўзбекистон — СССР республикалари ичида биринчи бўлиб ўзининг миллий ҳуқуқий ва демократик давлатига мустақам замин яратди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида қўйилган навбатдаги муҳим қадамлардан бири бу – 1990 йил 20 июнда республика Олий Совети томонидан **«Мустақиллик Декларацияси»**ни қабул қилиниши эди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон қонунларининг Иттифоқ қонунларидан устуворлигини таъминлади. Шу билан бирга, «Мустақиллик Декларацияси» Ўзбекистоннинг 1991 йил 31 августга қадар мавжуд бўлган бошқарув, ҳуқуқий фаолиятини таъминлади, барча соҳада мустақил сиёсат олиб бориш имконини берди. Декларацияда ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан келиб чиққан ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларига ва демократия тамойилларига асосланиб Ўзбекистон ССРнинг давлат суверенитети эълон қилинди. Мустақиллик Декларацияси 12 моддадан иборат бўлиб, қуйидагилар баён этилган:

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети: ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсади ҳақи, ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад билган ҳолда, Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилади.

1. Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир.

2. Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб ўзгартирилиши мумкин эмас.

3. Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти унинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига тааллуқлидир.

4. СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқлангандан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади.

5. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради.

6. Ўзбекистон ССР халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олади ва ҳурмат қилади.

7. Ўзбекистон ССР иттифокдош республикалар ва бошқа давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амалга оширади.

8. Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади.

9. Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси мустақиллигини Мухтор Республика Конституцияси таъмин этади. Ўзбекистон ССР унинг Асосий Қонуни ва Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида Қорақалпоғистон МССР манфаатларини ҳимоя қилади.

10. Ўзбекистон ССРнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти Ўзбекистон ССР давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари таркибини ва қурилишини белгилайди.

11. Ўзбекистон ССР Олий Совети умумхалқ муҳокамаси асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилганини билдиради, Ўзбекистон ССРда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тиллари ривожлантирилишига кафиллик беради.

12. Ушбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асосдир.

Декларациянинг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда республиканинг иктисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина бошланди.

Шундай бир тарихий шароитда собиқ СССРдаги сиёсий вазият кескинлашиб борди. XX асрининг 90 – йиллари бошларида Иттифоқ таркибидаги кўпчилик республикалар мавжуд вазиятни ўзгартиришни талаб қилиша бошлади. 1990 йил баҳорида Совет Социалистик Республикалари ҳисобланган Болтиқбўйидаги Литва (11 март), Латвия (4 майда), Эстония (8 май), кейинроқ Грузия (октябрь) ва Озарбайжон (1991 йил февраль) Иттифоқ таркибидан чиққанлигини эълон қилди. Бу ҳолат СССРнинг давлат бутунлигига жиддий таъсир кўрсатди. Москва 1990 йил кузида Марказ билан республикалар ўртасидаги муносабатларни янгилаш юзасидан музокаралар жараёнини бошлаб юборди. Шу асосда марказий ҳокимият жамоатчиликнинг талаблари остида Иттифоқ шартномасини янгилаш заруратини эътироф этишга мажбур бўлди.

СССР Олий Совети Иттифоқ шартномасини ўзгартириш, СССРни тенг ҳуқуқли суверен республикалар Федерацияси сифатида янгилаш хусусида халқнинг фикрини билиш мақсадида 1991 йил 17 март куни Бутуниттифоқ референдумини ўтказишга қарор қилди. 1991 йил 20 февралда Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раёсати референдум ўтказишни маъқуллади ва СССР Олий Совети томонидан тайёрланган бюллетень билан бирга яна битта қўшимча бюллетенни овозга қўйишга қарор қилди.

Қўшимча бюллетенга **«Сиз Ўзбекистоннинг мустақил, тенг ҳуқуқли республика сифатида янгиланган Иттифоқ (Федерация) таркибида қолишига розимисиз?»** деган савол қўйилди. Овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 93 % бу саволга **«Ҳа»** деб жавоб бердилар. Демак, ўзбекистонликлар ўз мамлакатини мустақил давлат сифатида федератив иттифоқда бўлишини, Ўзбекистоннинг суверен республика сифатида ривожланишини ёқлаб овоз берган эдилар.

1991 йил апрелда Киевда Украина, Россия, Белорус, Ўзбекистон, Қозоғистон республикалари раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашувда мустақил республикалар манфаатларига мос келадиган Иттифоқ шартномасини тузишга ёндашиш йўллари ишлаб чиқилди ва тегишли баёнот имзоланди. Бу ҳужжатни Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон Республикалари ҳам имзолашга розилик билдирди. Марказ ён беришга мажбур бўлди.

1991 йилга келиб Ўзбекистонда республиканинг давлат мустақиллигига доир мутлақо янги давлат рамзлари тайёрлаш ва қабул қилиш борасида дадил ишлар қилина бошланди. 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Олий Кенгаши **«Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида»** махсус қарор қабул қилди.

Ўзбекистоннинг ўз суверенитети учун кураши, аввало, республикада қабул қилинган ҳар бир қонуннинг мазмуни ва моҳияти жиҳатидан собиқ Иттифоқ қонунларидан тубдан фарқ қилишида, бундан ташқари, ҳар бир қонун аввалгидек Иттифоқ қонунига мослаштириб эмас, балки республика манфаати ифода этилганлиги билан ажралиб тура бошлади. Хусусан, 1991 йилнинг 22 июлида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиумининг *«Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Иттифоққа бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтказиш»* тўғрисида қабул қилган қарори ҳам Ўзбекистон ССР Президенти И.А. Каримов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва ҳукумати Ўзбекистоннинг сиёсий – иқтисодий мустақиллиги, унинг миллий суверенитети учун дадил қадамлар ташлаганлигининг исботидир.

3. Совет империясининг таназзулга юз тутиши. 1991 йилнинг апрель ойига келиб, Марказ ўзининг таъсир доирасини сақлаб қолиш мақсадида мустақил давлатлар иттифоқини тузишга интилди. 1991 йил апрелда Ново – Огорёвода СССР Президенти М.С. Горбачевнинг 9 республика раҳбарлари билан учрашуви бўлди. Иштирокчилар томонидан *«Мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир кечиктириб бўлмайдиган чоралар тўғрисида»* кўшма Баёнот имзоланди. Бу ҳужжат *«9 + 1»* (9 республика + Марказ) деган номни олди. Унинг мазмуни марказнинг ён берганини, Киевда билдирилган фикр – мулоҳазаларга рози бўлганини кўрсатади.

1991 йил 3 июнда Ново – Огорёвода СССР Олий Совети вакиллари билан Республика раҳбарлари ўртасида учрашув бўлди. Учрашувда Мустақил давлатлар иттифоқи (МДИ) тузиш масаласи муҳокама қилинди. Мулк, тил ва янги шартномани тасдиқлаш тартиби тўғрисида кескин мунозара бўлди. Учрашувда иштирокчиларнинг фикр – мулоҳазалари асосан инобатга олинган *«Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисида шартнома»* лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа барча Республикалар Олий Советларига муҳокама учун жўнатилди.

Мазкур шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Олий Советида 1991 йил 14 июнда муҳокама қилинди. Кенгаш Федерация тамойиллари асосида Мустақил Давлатлар Иттифоқини тузиш тарафдори эканлигини билдирди. Шу билан бирга у Республикалар ваколатларини янада кенгайтиришга доир таклифларни илгари сурди.

1991 йил июль ойининг охирларида Ново – Огорёвода янги шартнома лойиҳасини узил – кесил таёрлаш учун Марказ вакиллари ва Республика раҳбарларининг учрашуви бўлди. Марказни ҳам, Республикалар раҳбарларини ҳам қаноатлантирадиган *«Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисида шартнома»* лойиҳаси тайёрланди. Аммо ҳамма рози бўлгани ҳолда *«Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома»*ни имзолаш

1991 йил 20 август кунига қолдирилди. СССР Президенти М.С. Горбачев Форос (Крим)га дам олиш учун жўнаб кетди.

Бироқ иттифокнинг компартия ва марказий давлат аппаратидаги бир неча нуфузли раҳбарлар марказнинг якка ҳокимлигини чеклайдиган ва камида олти республикани Иттифокдан четда қолдирадиган бу шартномага қўшила олмади. Бу раҳбарлар олий ҳокимият маҳкамаларидаги асосий лавозимларни эгаллаб турар эди. Президент М. Горбачев дам олишга кетганидан фойдаланиб, улар 1991 йил 18 август кунини тайёрланган ва 19 августда матбуотда эълон қилинган «Совет раҳбариятининг Баёноти»да М.С. Горбачевнинг саломатлиги ёмонлашди, шу сабабли унинг СССР Президенти вазифаларини ижро этиш имконияти йўқ, деган сохта ахборот билан чиқдилар. Баёнотда Президент ваколатлари вице – президент Г.И. Янаевга ўтказилганлиги эълон қилинди. Аслида эса Президент М.С. Горбачёв соғ – саломат эди, аммо ўзини ҳимоя қила олмади. Фитначилар ноқонуний равишда уни ўз вазифасидан четлаштирди ва мамлакатдан, халқдан, дунёдан ажратиб, барча алоқа воситаларини узиб, 72 соат қамал қилиб қўйган эди. Фитначилар томонидан мамлакатни идора қилиш учун СССРда Фавқулодда ҳолат давлат кўмитаси (ГКЧП) тузилди.

1991 йил 18 августда мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Фавқулодда ҳолат давлат кўмитаси фаолиятига қарши Б.Н. Ельцин бошчилик қилди. Унинг фармони билан 1991 йил 22 августда КПСС фаолияти тўхтатилади, кейинчалик тақиқлаб қўйилади. Аммо КПСС Марказий Кўмитаси жойлардаги партия кўмиталаридан тўнтаришни қўллаб – қувватлашни талаб қилди. Москва ва бошқа бир неча йирик шаҳар кўчаларига қўшинлар, шу жумладан танклар киритилди, деярли барча марказий газеталар таъқиқлаб қўйилди, марказий телевидениянинг биринчи каналдан бошқа барча каналлари, деярли барча радиостанциялар иши тўхтатилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакат аҳолисининг кўпчилиги Фавқулодда ҳолат давлат кўмитасидан юз ўгирди, армия пайт пойлаш позициясида турди. 20 августдаёқ қаршилиқ марказига айланган РСФСР Олий Кенгаши биноси атрофида баррикадалар пайдо бўлди, уларда ўн минглаб кишилар ҳимояда турди. Ҳарбий бўлинмаларнинг бир қисми мудофаачилар тарафига ўтди. 21 августда фитначилар мағлубиятга учради, 22 августда эса Фавқулодда ҳолат давлат кўмитаси (ГКЧП) аъзолари қамоққа олинди. Шундан сўнг тўнтаришни қўллаб – қувватлаган КПСС раҳбарияти бу партиянинг обрўсини узил – кесил ерга урди. Фавқулодда ҳолат давлат кўмитасининг мағлубиятидан сўнг мамлакатда коммунизмга қарши оммавий намоишлар бўлиб ўтди. КПССнинг фаолияти тўхтатиб қўйилгач, партиянинг қарийб 15 миллион аъзосидан биронтаси бу қарорга қарши норозилик билдириш учун кўчага чиқмади. Бу, мазкур партия 1991 йил ёзидаги қиёфасида умри туганидан далолат берувчи рамзий ҳолат эди.

Москвада фожиали ходисалар рўй берган пайтда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов расмий сафар билан Ҳиндистонда эди.

Президентимиз 1991 йил 19 августда сафардан қайтиб келди ва шу куни кечкурун Тошкент шахрининг фаоллари билан учрашиб, қатъий тарзда Ўзбекистон нуқтаи назарини маълум қилди. Республика раҳбарияти Марказдан бериладиган қонунга хилоф бўлган ҳар қандай кўрсатмаларни бажаришни ман этди. 20 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида кўшма мажлиси бўлди. Унда фитна муносабати билан вужудга келган вазият муҳокама қилиниб, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўли ўзгармаслиги ҳақида Баёнот қабул қилинди.

1991 йил 21 август куни Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг Фармони билан Фавқулодда ҳолат давлат қўмитасининг Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган қарорлари ва фармонлари ноқонуний деб эълон қилинди.

Ислом Каримов Фавқулодда ҳолат Давлат Қўмитаси фаолиятига ўз муносабатини билдирмаган, кўрқоқ ва принципсиз мавқеда турган КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий Бюроси ва Котибияти юз минглаб коммунистларнинг шаъни ва қадр – қимматини зарба остига қўйганини қоралади. Бунинг устига республика коммунистларини чалғитишга ва давлат тўнтаришини қўллаб – қувватлашга мажбур қилишга уриниш бўлганини ошқора айтди. И. Каримов бундан буён КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий Бюросининг таркибида қола олмаслиги тўғрисида баёнот берди. Мазкур баёнотни Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюроси ва Марказий назорат комиссияси раёсати маъқуллади.

Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 25 августдаги Фармонида биноан Республика ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси қонуний равишда Ўзбекистон тасарруфига олинди. Республика ҳудудида жойлашган СССР ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди. Республика ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси, прокуратураси, адлия органлари, ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан бутунлай холи қилинди.

Собиқ Иттифоқнинг расмий жиҳатдан тугатилишида 1991 йил 8 декабрда Белоруссиянинг Белаёвск пушчасида Россия, Украина ва Белоруссия раҳбарлари томонидан имзоланган ўзаро битим муҳим аҳамият касб этди. Битимда 1922 йил 30 декабрда ташкил топган СССР тугатилганлиги ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкил этилганлигини расман эълон қилдилар. 1991 йил 25 декабрда СССР халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топди ва М.С. Горбачев Бош котиб ва Президент лавозимларидан истеъфога чиқди.

4. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти. Марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатлар

тобора таранглашиб, марказ бошқарув қобилятини йўқотган, ҳар бир минтақа, ҳар бир республика ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир шароитда тарихий вазиятни тўғри баҳолай билиш қобилятига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Қаримов Олий Кенгаш сессиясини чақириш ва унда Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилишни талаб қилди.

**Ўзбекистон – мустақил
давлат**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 26 август куни Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳамда 31 августда Олий Кенгаш сессиясини чақиришга қарор қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Марказий назорат қўмитасининг 28 августда бўлган қўшма Пленуми Республика Компартиясининг КПСС МҚ билан ҳар қандай алоқасини тўхтатишга, КПССнинг барча ташкилотларидан чиқишга, унинг Марказий органларидаги ўз вакиллари чақириб олишга қарор қилди.

Ана шундай вазиятда Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақирик навбатдан ташқари VI сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади. Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида»** ҳамда **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»**ги масалалар кун тартибига қўйилиб, қизғин муҳокама қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов нутқ сўзлаб, собиқ Иттифокда сўнги пайтларда юз берган ижтимоий – сиёсий воқеаларни, давлат тўнтаришига уриниш оқибатларини таҳлил қилиб, улар Ўзбекистон тақдирига, халқимиз тарихига бевосита дахлдор эканлигини ҳар томонлама асослаб берди. Вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди ва уни мустақиллик тўғрисидаги қонун билан мустаҳкамлашни таклиф қилди.

Олий Кенгаш депутатлари моддама – модда муҳокамадан сўнг **«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»**ги қонунни қабул қилдилар.

Сўнгра **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти»** қабул қилинди. Баёнотда бундай дейилган эди: ... **«Мустақиллик декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади»**.

Олий Кенгаш сессиясида **«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»** қарор қабул қилинди. Мазкур қарорда:

1) Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш баёноти тасдиқлансин ва республика бундан буён Ўзбекистон Республикаси деб аталсин;

2) 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни, деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин, деб қатъий белгилаб қўйилди.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, бу қонун асосида Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ҳолати тубдан ўзгарди. Ўз моҳиятига кўра бу ҳужжат республика учун вақтинча конституция ролини ҳам ўйнайдиган бўлди. 17 моддадан иборат ушбу қонун суверен Ўзбекистон Республикасининг асосий белгаларини аниқлаб берди. Қонунининг биринчи моддасида: **«Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, мустақил, демократик давлатдир»**, – деб қонунлаштириб қўйилди.

Бундай Қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда маънавий – ахлоқий муносабатлар натижаси сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мазкур Қонунга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган VII сессиясида қабул қилинган қарори билан Конституциявий Қонун мақоми берилди. Жумладан, унда шундай дейилади:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» 1991 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонунига конституциявий мақом берилсин».

Шу тариқа, халқимизнинг асрий орзуси, умидлари ушалди, рўёбга чиқди. Узоқ йиллар давом этган кураш натижасида мамлакатимиз, халқимиз сиёсий мутелиқдан, асоратдан қутилди. Дунё харитасида яна битта мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Ўзбекистон тарихида янги давр – миллий истиқлол даври бошланди. Ўзбекистон учун мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш, халқимиз учун ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзлари учун муносиб турмуш яратиш имконияти вужудга келди.

Умумхалқ референдуми

Ўзбекистон эришган истиқлолни мустаҳкамлаш учун, аввало, халқнинг фикрини билиш, мустақилликка муносабатини аниқлаш зарур эди. Шу мақсадда 1991 йилнинг 18 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессияси **«Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида»** қарор қабул қилди. Қарорда қуйидагилар белгиланди:

1. 1991 йил 29 декабрь, якшанба куни Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилсин.

2. Референдумда овоз бериш бюллетенига масала қуйидаги таърифда киритилсин: **«Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?»**

Референдумга катта тайёргарлик кўрилди. Референдумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси, 13 округ, 7 минг участка сайлов комиссиялари тузилди. 1991 йил 29 декабрь куни бўлиб ўтган референдумда 9 миллион 898 минг 707 киши ёки сайлов рўйхатига киритилганларнинг 94,1 % қатнашди. Уларнинг 98,2 % референдумда қўйилган саволни маъқуллаб овоз берди. Демак, Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан яқдиллик билан маъқулланди. Шунинг таъкидлаш лозимки, референдум бутун республика ҳудудида қонун асосида ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик, фуқароларнинг юксак сиёсий фаоллиги билан ўтди. Буни референдумда АҚШ, Туркия, Малайзия ва бошқа мамлакатлардан келган мустақил кузатувчилар ҳам тасдиқладилар.

*Ислом Каримов –
Ўзбекистоннинг биринчи
Президенти*

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими – Президентлик республика бошқаруви шаклини ривожлантиришга киришилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябридаги VIII сессиясида умумхалқ референдумини ўтказиш қарори билан бирга **«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»**ги Қонуни, шунингдек, **«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида»**ги қарор қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 1991 йил 29 декабрь, яшанба кунига белгиланди. Сайловга жиддий тайёргарлик кўрилиб, 13 та округ ва қарийб 7 мингта участка сайлов комиссиялари тузилди. Олий лавозимга икки номзод – Ўзбекистон ХДП ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси номзоди И.А. Каримов ва «Эрк» Демократик партияси вакили Салой Мадаминов (Мухаммад Солих) номзоди қўйилди.

1991 йил 29 декабрда бўлиб ўтган сайловлар якунига кўра 8 миллион 514 минг 136 овоз ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи Ислом Каримов номзодини, 1 миллион 220 минг 474 сайловчи (12,3 %) Салой Мадаминов номзодини ёқлаб овоз берди.

1991 йил 30 декабрда Марказий сайлов комиссияси округ комиссиялари мажлис баёнларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 35 – моддасига асосан Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб - ҳисоблашга қарор қилди. Шундай қилиб, мамлакатимизда биринчи марта яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан – тўғри умумий ва альтернатив асосдаги сайловда И.А. Каримов 5 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 4 январда бўлган навбатдан ташқари IX сессиясида Президент Ислом Каримов қасамёд қилди.

1995 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласи бўйича умумхалқ референдуми

бўлиб ўтди. Унда 11 млн. 245 028 киши ёки овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 99,3 % иштирок этди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга сиз розимисиз» деган саволга 11 млн. 199 минг 415 киши, ёки овоз беришда қатнашганларнинг 99,6 % ижобий жавоб берди.

Шундай қилиб, мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ваколат муддатини 2000 йилгача узайтиришни маъқулладилар ва референдум натижалари Марказий сайлов комиссияси қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли қарори билан мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 19 – 20 август кунлари бўлиб ўтган XV сессияси И.А. Каримовнинг Президентлик ваколоти муддати 1999 йил охирларида тугашини эътиборга олиб, 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишга қарор қилди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси номзоди Ислом Абдуғаниевич Каримовни ҳамда Ўзбекистон халқ демократик партиясидан кўрсатилган Абдулҳафиз Жалоловни Президентликка номзод этиб рўйхатга олди, яширин овоз бериш бюллетенига киритди.

2000 йил 9 январда муқобиллик ва демократик тамойиллар асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Сайловда рўйхатга олинган сайловчиларнинг 95,10 фоизи, 12 млн. 123 минг 199 сайловчи қатнашди. Сайловда қатнашганларнинг 91,90 фоизи Ислом Каримов учун, 4,17 фоизи А. Жалолов учун овоз берди. 3,93 фоиз бюллетен ҳақиқий эмас деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилди. И.А. Каримов иккинчи бор Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Маълумки, 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига кўра Ўзбекистон Республикаси Конституцияга ўзгаришлар киритилди. Бу ўзгаришларга мувофиқ равишда И.А. Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

2007 йил 23 декабрида муқобиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра, И.А. Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

5. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари ва Конституциясининг қабул қилиниши. Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга дадиллик билан киришди. Биринчи бўлиб, давлат рамзлари белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрь VIII сессиясида 13 моддадан иборат бўлган «*Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида*»ги Қонуни қабул қилинди. Давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республиканинг табиатига хос бўлган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ҳам акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи юртимизнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажакнинг ёрқин рамзи бўлиб қолди.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 8 моддадан иборат бўлган «*Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида*»ги Қонуни қабул қилинди. Давлат гербидаги ҳар бир белги чуқур маънога эга. Герб рангли тасвирда бўлиб, Хумо қуши қумуш рангда, кўёш, бошоқлар, пахта чаноғи ва «Ўзбекистон» деган ёзувлар тилла рангда, ғўза шохлари, барглари ва водийлар яшил рангда, тоғлар ҳаво рангида, чанокдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвирланган лента тўрт хил рангда берилган.

1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида «*Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида*»ги (12 моддадан иборат) Қонун қабул қилинди. Давлат мадҳиясининг матни Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, мусиқаси Ўзбекистон халқ бастакори Мутал Бурҳонов томонидан тайёрланган.

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси

Ҳар бир мустақил давлатнинг асосий белгиси, асл пойдевори – миллий валютасидир. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиб ўзининг миллий валютасини муомалага киритишга киришди. Бироқ, бу жараён учун маълум вақт, тажриба керак эди. Шу боисдан Ўзбекистон 1991 – 1993 йилларда собиқ иттифоқдан мерос қолган рубль зонасида бўлиб турди. Аммо советлардан кейинги маконда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши натижасида рублнинг қадри ҳам шунга мос равишда тушиб борди.

Ўзбекистон муомалага янги миллий валюта киритиш ишига жиддий киришди. 1992 йилдаёқ муомалага чиқаришга мўлжалланган сўм – купон нусхалари тайёрланади. Ниҳоят, 1993 йил 1 ноябрда Ўзбекистонда сўм – купон муомалага киритилди, унинг курси олдин муомалада бўлиб келган рублга тенглаштирилган эди. Ўзбекистон раҳбарияти сўм – купонлар асосида зарур тажриба орттирди, ҳақиқий миллий валютани жорий қилиш тадбирларини кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июнда эълон қилинган «*Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида*»ги Фармониға мувофиқ 1994 йил 1 июлидан бошлаб

республика худудида ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси сифатида миллий валютаси – Сўм муомалага чиқарилган.

Муомалага 1994 йилда 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўмлик, 1997 йил 1 мартдан 200 сўмлик, 2000 йил 1 июлдан 500 сўмлик, 2001 йил 1 сентябрдан 1000 сўмлик банкнотлар чиқарилган. Кейинчалик, 1, 5, 10, 25, 50 сўм қийматидаги тангалар муомалага киритилган.

**Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси**

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, табиий равишда давлат мустақиллиги ва суверенитетини Конституция асосида мустаҳкамлаш зарурати юзага

келди.

Ўзбекистоннинг янги Конституциясини тайёрлаш ғояси дастлаб И.А. Каримов томонидан 1990 йилнинг март ойида илгари сурилди. 1990 йил 20 июнь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Кенгашининг II сессиясида янги Конституция ишлаб чиқиш лозим, деган хулосага келинди. Сессия Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бошчилигида 64 кишидан иборат Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Комиссия таркибига Олий Кенгаш депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар вакиллари, давлат, жамоат ташкилотлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар киритилди.

Конституциявий комиссия Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқиш устида 2,5 йил ишлади. Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишда конституциявий ривожланишнинг жаҳон тажрибаси ўрганилди, инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунчилик соҳасида жаҳонда қўлга киритилган ютуқлар ҳисобига олинди. Миллий давлатчилигимизнинг тажрибаси, Амир Темур ва бошқа алломаларимизнинг давлатни идора қилиш соҳасидаги ғоялари янги Конституцияга асос қилиб олинди.

Лойиҳанинг дастлабки варианты 1991 йил октябрь – ноябригача тайёрлаб бўлинди. У муқаддима, олти бўлимга бўлинган 158 моддадан иборат эди. Бу лойиҳа ҳали муқаммаллик даражасидан анча йироқ эди. Унинг устида янада жиддийроқ ва талабчанлик билан ишлаш зарур эди. 1992 йил баҳорида эса лойиҳанинг 149 – моддадан иборат иккинчи варианты ишлаб чиқилди. 1992 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Муҳокама 2 ойча давом этди. Муҳокама жараёнида билдирилган таклифлар асосида тузатишлар киритилган лойиҳа 1992 йил 26 ноябрда матбуотда иккинчи марта эълон қилинди. Умумхалқ муҳокамаси даврида 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди, улар инобатга олинди. Президент И.А. Каримов Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилди ва ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси бўлди. Унда мамалакатнинг Асосий Қонунини

қабул қилиш масаласини муҳокама қилди. Сессияда депутатлар лойихага 80 га яқин ўзгартириш, қўшимча ва аниқликлар киритдилар. Шундай қилиб, шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси «*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида*», «*Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кунни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида*» ва «*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида*»ги Қонунларни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 6 бўлим, 128 моддадан иборат. У «Мустақиллик Декларацияси», «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунда мустақамланган тамойиллар ва ғояларни ўзида тўла мужассамлаштирди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш жараёнида унинг моҳиятини очиб беравчи қуйидаги асосий тамойилларини билиб олишга аҳамият бериш зарур:

Ўзбекистон Конституциясининг биринчи тамойили — давлат суверенитетидир. 1 – 6 — моддаларда Ўзбекистон — суверен демократик республика, давлат халқ манфаатларига хизмат қилади, мустақил ички ва ташқи сиёсат юритади, ўзбек тили давлат тилидир, деб белгилаб қўйилган. Конституцияда давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади, деб белгилаб қўйилган.

Иккинчи Конституциявий тамойил — халқ ҳокимиятчилигидир. 7 – 14 — моддаларда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар унинг фуқаролари ташкил этади, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширади, деб кўрсатилган.

Учинчи Конституциявий тамойил — давлат ҳокимиятининг уч тармоққа бўлинишидир. Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши қонунлаштирилди.

Тўртинчи Конституциявий тамойил — бу демократияга содиқликдир. Конституцияда демократия ва ижтимоий адолатга садоқат эълон қилинади ҳамда инсонпарвар демократик – ҳуқуқий давлат барпо этиш назарда тутилади.

Бешинчи Конституциявий тамойил — Конституция ва қонунларнинг устуворлигидир. Конституциянинг 15 – моддасида «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар», деб белгилаб қўйилган.

Олтинчи Конституциявий тамойил — халқаро андозалар даражасида ифодаланган фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларининг тенглиги ва дахлсизлигидир. Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари муҳим

халқаро ҳужжатлар — «Инсон ҳуқуқлари бутун жаҳон Декларацияси», «Иқтисодий, социал ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро акт», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро акт» ва бошқалар асосида баён этилган.

Конституциянинг 18 – 52 — моддалари инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Ўзбекистон давлати томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий кадрият сифатида тан олинган ва улар ҳимоя қилинади. Конституция бўйича ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши кафолатланади.

Еттинчи Конституциявий тамойил — қонунийликдир. Қонунийлик жамиятнинг бир маромда ҳаёт кечиришини, давлат органларининг маромли фаолият кўрсатишини таъминлайди. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўргандагина жамиятда барқарорлик ва тараққиёт бўлади.

Саккизинчи Конституциявий тамойил — Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий қоидаларини аниқ белгилаб қўйилганлигидадир. Асосий Қонуннинг 17 – моддасида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати акс этган.

Конституцияда давлат халқнинг манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқа давлатлар билан иттифоқ ва дўстона алоқалар ўрнатиши ҳамда давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкинлиги қонунлаштирилган.

Тўққизинчи Конституциявий тамойил — маҳаллий ўзини – ўзи бошқаришдир. Ўзбекистонда ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда маҳаллий ҳокимият бошлиғи бўлган ҳоким институти жорий этилди. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимиятнинг вакиллик органлари халқ депутатлари кенгашлари бўлиб, уларга вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошчилик қиладилар. Конституциянинг 99 – 104 – моддаларида маҳаллий давлат ҳокимияти асослари, ҳокимларни тайинлаш ва тасдиқлаш тартиблари, уларнинг вазифалари белгилаб берилган.

Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш – ислохотлар эҳтиёжи

Ўзбекистон Конституциясининг барқарорлигини ва узоқ муддат амал қилишини таъминлаш мақсадида унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Бу жараён табиий ва ўтиш даврига хос ҳодисадир. Мамлакатимизда ислохотлар чуқурлашиб, жамиятни модернизациялаш, бутун ижтимоий ҳаётни янгилаш жараёни кўлами ва миқёси кенгайгани сайин, улар бутун салмоғи билан Конституцияда ўз ифодасини топиши ва ҳуқуқий асосга эга бўлиши лозим.

Маълумки, 2002 йил 27 январда умумхалқ референдуми ўтказилди. Референдум Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламентини сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини 5 йилдан 7 йиллик қилиб ўзгартиш тўғрисидаги масалаларга бағишланган эди. Референдум қарорларига кўра, «Референдум яқунлари ҳамда

давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос бўлиб ҳисобланди.

Референдум яқунларига кўра 2003 йил 24 апрелда иккинчи чақирик Олий Мажлисининг XI сессияси «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилди. Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси), XIX (Ўзбекистон Республикасининг Президенти), XX (Вазирлар Маҳкамаси), XXIII (Сайлов тизими) бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 89 – моддасига, 93 – моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган.

<i>№</i>	<i>Дастлаб шакли (2003 йил 24 апрель)</i>	<i>Тузатилган шакли (2007 йил 11 апрель)</i>
89 – модда	Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир	Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди
93 – модданинг 15 банди	15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг тасдиғига киритади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр – қимматига доғ туширадиган хатти – ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли	15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр – қимматига доғ туширадиган хатти – ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли

<p>102 – модданинг 2 қисми</p>	<p>... Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади</p>	<p>... Вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади</p>
---	---	---

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77 – моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш киритилган.

<i>№</i>	<i>Дастлаб шакли (2007 йил 11 апрель)</i>	<i>Тузатилган шакли (2008 йил 25 апрель)</i>
<p>77 – модданинг 1 қисми</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат</p>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган бу ўзгартиришлар ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, ҳукуматнинг масъулиятини кучайтиришга, жамият сиёсий ҳаётининг фаоллашувига, сайлов тизимининг янада такомиллашувига хизмат қилмоқда.

14 - мавзу: Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши

Режа:

- 1. Ўзбекистонда миллий давлат бошқаруви тизимининг барпо этилиши.**
- 2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши. Демократик сайлов тизимининг яратилиши.**
- 3. Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши.**

Таянч сўз ва иборалар: Сиёсий ислохотлар. Ҳуқуқий давлат қурилиши. Фуқаролик жамияти. Олий Мажлис. Сенат ва Қонунчилик палатаси. Вазирлар Маҳкамаси. Суд ҳокимияти. Маҳаллий бошқарув. Сиёсий партиялар. Жамоат бирлашмалари. «Тўртинчи ҳокимият».

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. И.А. Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Асарлар, 14–жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2006.
5. Каримов. И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов. И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
7. Каримов. И.А. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992, 2009.
9. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. – Нукус: Қорақалпоғистон, 1998.
10. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун // Халқ сўзи, 2003 йил 21 май.
11. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2002. №12.
12. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2002. №12.

13. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун (1993 йил 2 сентябрь). // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 9-сон. – Т.: Адолат, 1995.
14. «Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун. (1993 йил 2 сентябрь). // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 21-сон. – Т.: Адолат, 1999.
15. Лебедева С.В. Формирование Сената. – Т.: ТГЮИ. 2004.
16. Мустақиллик: Изоҳли илмий – оммабоп луғат // Р. Рўзиев ва Қ. Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри. –Т.: Шарқ, 2006.
17. Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. –Т.: Ғ. Гулом номидаги нашр., 2004.
18. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1, 2, 3 ...12 жилдлар.
19. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Т.: Шарқ, 2000. –Б.76-118.
20. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 547-575.
21. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) / Қ. Ражабов [ва бошқ.]; масъул муҳаррир: И. Саидов. – 3-тўлдирилган ва тузатилган нашри. –Т.: O'zbekiston, 2010.
22. Jo'raev N. O'zbekistonning yangi tarixi. Uchinchi kitob. Mustaqil O'zbekiston tarixi. – To'ldirilgan, qayta nashr. –Т.: G'afur G'ulom, 2009. –В. 88-133; 163-242.
23. Usmonov Q. O'zbekiston tarixi. –Т.: IQTISOD – MOLIYA, 2006. –В. 401-417. www.gov.uz; www.parliament.gov.uz; www.senat.gov.uz; <http://eco.uz>

1. Ўзбекистонда миллий давлат бошқаруви тизимининг барпо этилиши. Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, келажагини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Ўтиш даврида Ўзбекистон ўзининг мустақил сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий тараққиёт йўлини белгилаб олди. Демократик тамойиллар асосида Ўзбекистонда амалга оширилган туб ислохотлар натижасида давлат ҳокимиятининг турли тузилмаларида ўзгаришлар юз берди. Сиёсий соҳада, хусусан миллий давлат ҳокимияти органларини барпо этиш ва шакллантириш борасида катта ютуқларга эришди.

Ўтиш даврининг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон сиёсий мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган чуқур сиёсий ислохотлар ўтказиш йўлидан борилмоқда.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг кафолати – Ўзбекистон Конституциясидир. Хусусан, республикада давлат ҳокимияти ташкил этишнинг муҳим демократик тамойиллари Конституцияда қайд қилинган бўлиб, унда ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларидан иборат деб кўрсатилган. Уч ҳокимиятдан ҳар бири фаолиятда мустақил бўлиб, айна вақтда бир – бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Президент Ислам Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилишини қуйидагича таърифлайди: «Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бўлади» (Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.16).

Ўзбекистонда **қонун чиқарувчи ҳокимият** — Олий Мажлис, **ижро этувчи ҳокимият** — Вазирлар Маҳкамаси, **суд ҳокимияти** — Конституциявий Суд, Ўзбекистон Республикасининг Олий Суди ва Олий хўжалик Суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий Суди ва Олий хўжалик Суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар судлари ва хўжалик судларидан иборат.

Олий Мажлис

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини куриш жараёнида давлат ҳокимияти органлари ичида қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи – Олий Мажлиснинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Ўтиш даврининг машаққатли босқичларида республика сиёсий ҳаётини янгилаш ва демократлаштириш жараёнида Олий Мажлис ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Миллий парламентаризмнинг энг янги тарихи умум эътироф этилган учта асосий даврга бўлинади. Биринчи давр: 1991 – 1994 йиллар, иккинчи давр: 1995 – 2004 йиллар ва учинчи давр: 2005 йилдан ҳозирги пайтгача.

Биринчи давр: Ўзбекистон мустақиллиги эълон қаланган пайтда 1990 йил 18 феввалида сайланган қонун чиқарувчи ҳокимият органи – Олий Кенгаш фаолият кўрсатмоқда эди. Ўзбекистон демократик ислохотларни босқичма – босқич амалга ошириш йўлидан бориб, бирданига Олий Кенгашни тарқатиб юбормади. У 1990 – 1994 йилларда қонун чиқарувчи ҳокимият органи сифатида фаолият кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўз фаолиятини бошлаган пайтда собиқ Иттифоқ тузумининг қонунлари амалда бўлган. Мустақил Ўзбекистоннинг мустақал тараққиёти дастлаб ана шу қонунлар доирасида бошланди. Шундай бўлса-да, Олий Кенгаш Ўзбекистоннинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган янги қонунчилик тизимини вужудга келтириш йўлидан борди ва уни қадам – бақадам шакллантира бошлади. 1990 – 1994 йилларда Олий Кенгаш 200 га яқин қонун, 500 дан зиёд қарор қабул қилди, мамлакатимиз тарихида биринчи бор мамлакат Президентини сайлади, Мустақаллик Декларациясини қабул қилиб, ёш давлатимизнинг суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган тарихий қонунларни, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияни қабул қилганлиги ҳам юртимиз тарихидаги улкан ҳодисалар ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида қонунлар қабул қилиш жараёни



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биноси

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида демократик тамойилларга асосланган янги парламентни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Унинг 76 – моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади», — деб белгилаб қўйилган. Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида бир палатали парламент — Олий Мажлисни шакллантиришга киришилди.

1993 йил 28 декабрда бўлиб ўтган Республика Олий Кенгашининг XIV сессиясида «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида**» ва 1994 йил 22 сентябрда бўлиб ўтган XVI сессияда «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида**» қонунлар

қабул қилинди. Булар қонунлар Олий Мажлиснинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 250 нафар депутатдан (Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилдаги Конституциясига биноан ўн иккинчи чақриқ Республика Олий Совети депутатларининг сони 500 кишидан иборат эди) иборат бўлади, деб белгилаб қўйилди. Айни пайтда мазкур қонунларда Олий Кенгаш – Олий Мажлис деб номлаш асосида туб ислохотларни қонунчилик соҳасида амалга ошириш зарурияти кун тартибига қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил сентябрда бўлиб ўтган XVI сессияси 1994 йил 25 декабрь куни Олий Мажлисга, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайловлар ўтказишга қарор қилди. 1994 йил 25 декабрь ҳамма жойда сайловлар қонун талабларига мувофиқ умумий, тенг, тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтди. Номзодлардан биронтаси ҳам етарли овоз ололмаган сайлов округларида 1995 йил 8 ва 25 январь кунлари такрорий сайловлар бўлди. Уч босқичда бўлиб ўтган сайлов яқунларига биноан 250 нафар депутатдан иборат таркибдаги парламент шакллантирилди. Сайлов кўп партиявийлик асосида ўтказилди. Шу тариқа, мамлакатимизда илк бор янги парламентга бўлган сайловлар муваффақиятли яқунланди. Олий Мажлисни демократик йўл билан шакллантиришнинг мамлакатимиз тарихидаги илк тажрибаси бўлди.

1995 йил 23 – 24 февраль кунлари янги сайланган биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессияси бўлиб ўтди. Сессияда И.А. Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» тўғрисида кенг қамровли маъруза қилди: **«Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг жаҳондаги энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Ўзбекистон Парламенти — Олий Мажлис илк марта кўппартиявийлик асосида сайланди»**, — деди Президент Ислом Каримов.

Ушбу сессияда парламентчиликнинг демократик асосларини янада ривожлантиришга эътибор берилиб, раҳбарият кенгайтирилиб раис ва тўрт кишидан иборат раис ўринбосарлари сайланди. Э.Х. Халилов яқдиллик билан Олий Мажлис раиси, Б.И. Бугров, Б.А. Шодиева, А.Қ. Қосимовлар ҳам бир овоздан раис ўринбосарлари қилиб сайландилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84 – моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси вакили – Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков ҳам яқдиллик билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари қилиб сайланди. Қонунларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Мандат Комиссияси тузилди. Қонунларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлисининг қуйидаги 12 та қўмитаси ташкил этилди:

- Бюджет, банк ва молиявий масалалар қўмитаси;
- Иқтисодий ислохотлар ва ишбилармонликни ривожлантириш қўмитаси;
- Қонунчилик ва суд – ҳуқуқ масалалари қўмитаси;
- Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси;
- Фан, таълим, маданият ва спорт қўмитаси;
- Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитаси;
- Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ – овқат қўмитаси;
- Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитаси;
- Атроф – муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси;
- Қурилиш ва уй – жой хўжалиги қўмитаси;
- Матбуот ва ахборот қўмитаси;
- Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси.

Олий Мажлисининг мазкур биринчи сессиясида **«Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»**ги Қонун қабул қилинди, Олий Мажлис Раиси раҳбарлигида **«Олий Мажлис Қўмиталари ва Комиссиялари тўғрисидаги Низом»** қабул қилинди. Парламентнинг ишини ташкил этиш учун Олий Мажлис Раиси раҳбарлигида Олий Мажлис Кенгаши тузилиб, унинг таркибига Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, қўмиталарнинг

раислари, Мандат комиссияси раиси, парламентдаги депутатлар блоки ва фракцияларнинг раҳбарлари киритилди.

Ўзбекистон парламентининг биринчи сессиясида «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)» институти таъсис этилди.

Ўтган давр шуни кўрсатдики, Олий Мажлис қабул қилаётган қонунлар сифатини оширишда уларнинг лойиҳаларини олдиндан матбуотда чоп этиб, умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш ижобий самара берди. Қонунлар лойиҳаларини депутатларга олдиндан юбориш тартиби жорий қилинди ҳамда уларнинг таклифлари ва фикр – мулоҳазалари ҳар бир қонунни узил – кесил ишлаб чиқиш чоғида албатта эътиборга олинган бўлди. Қонунлар лойиҳаларини назарий ва амалий жиҳатдан янада теранроқ, пухтароқ ишлаб чиқиш мақсадида улар тегишли вазирликлар ва идоралар, концернлар, уюшмалар ва меҳнат жамоаларига юборилган бўлди. Халқаро ташкилотларнинг экспертизасидан ўтказиш йўлга қўйилди. 1995 – 1997 йилларда Олий Мажлис 100 га яқин қонун ва 120 дан ортиқ қарорлар қабул қилди.

Мустақиллик йилларида Олий Мажлиснинг халқаро парламент ташкилотлари билан алоқалари кенгайди ва чуқурлашди. Ўзбекистон Миллий парламент гуруҳи тузилди, республиканинг Парламентлараро Иттифоқдаги, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Парламент Ассамблеясидаги ва Европарламент билан алоқалар бўйича парламент гуруҳларининг раҳбарлари тасдиқланди. Олий Мажлис хайъатлари Парламентлараро Иттифоқ 93 ва 94 – конференцияларида иштирок этди. Бундай тадбирлар ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 – 1999 йилларда 15 та сессия ўтказди. Сессияларда 10 та кодекс, 2 та Миллий дастур, 145 қонун, 452 қарор қабул қилинди. Амалдаги қонунларга жами 216 та қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Шунингдек, Олий Мажлис 70 та халқаро шартномани ратификация (тасдиқлади) қилди, халқаро конвенцияларга қўшилиш тўғрисида 58 та қарор қабул қилди.

Юқорида қайд этилган рақамлардан кўриниб турибдики, республика парламенти бир палатали бўлса – да, қонун чиқариш жараёни анча жадаллик билан борди. Биринчи навбатда ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг керакли қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Натижада, мустақиллик муносабати билан дастлабки пайтда вужудга келган ҳуқуқий вакуум тезроқ тўлдирилди.

1999 йил 19 – 20 август кунлари бўлиб ўтган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида Президент Ислон Каримов маъруза қилиб, унинг фаолиятига юксак баҳо берди: «Энг муҳими, биринчи чақириқ асосида ташкил топган парламентимиз фаолиятининг асосий мезони шундан иборатки, ўтган давр мобайнида кўппартиявийлик шаклланган, турли ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари сиёсат майдонига чиққан, турли ижтимоий тоифа ва табақалар вужудга кела бошлаган мураккаб бир шароитда, Олий Мажлис ҳокимиятнинг бошқа

таррмоқлари билан ҳамкорликда жамиятимизда сиёсий мувозанатни, тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда ишончли омил бўлди» (*Каримов И.А. Ватан озодлиги – олий саодат. Асарлар, 8-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б.60*).

Мазкур Олий Мажлисининг якунловчи XV сессияси иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини 1999 йил 5 декабрь кунига белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Сайлов бюллетенларига 5 та сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан 1010 нафар номзод киритилди. 66 та сайлов округида 19 декабрь кунини такрорий сайловлар бўлиб ўтди. Қизғин сиёсий кураш асосида ўтган сайловларда 250 нафар депутат сайланди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессиясининг биринчи мажлиси 2000 йил 22 январь кунини бўлиб ўтди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлис таркибида сиёсий партияларнинг фракциялари ва депутатлар блокларидан ташқари 13 та кўмита ҳам фаолият кўрсатди. Бу кўмиталар таркибига юқорида айтиб ўтилган кўмиталар билан бирга янги тузилган *Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси* ва *Ёшлар ишлари комиссияси* (мазкур комиссия иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 30 – 31 август кунлари бўлган учинчи сессияси қарори билан «*Ёшлар ишлари кўмитаси*» шаклида қайта тузилди) кирган.

Парламентда, шунингдек 3 та доимий комиссия ишлаган: Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси; Оила ва аёллар муаммолари комиссияси; Норматив – ҳуқуқий атамалар комиссияси.

Шуни алоҳида таъкидлаши лозимки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳам бир палатали парламент сифатида шакллантирилди. Мамлакатимизда бир палатали парламентининг 2000 – 2004 йилларда бўлиб ўтган 16 сессиясида 101 та қонун, 300 дан ортиқ қарор қабул қилинди, 55 та халқаро шартнома ва битимлар ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 329 та қонун ҳужжатиغا 1357 та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши

Халқаро ҳуқуқий тамойиллар ва ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда давр талаби билан сиёсий ислохотлар кенгайтирилиб, Ўзбекистонда бир палатали парламент тизимидан икки палатали парламент тизимига ўтиш йўлга қўйилди. Лекин бу жараён муайян даврни ташкил этди.

2000 йил 25 май кунини иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида **икки палатали парламент тузиш ғояси** илгари сурилди. Бунда Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзгариш ва янгиликлар - ҳаёт талаби» номли маърузасида икки палатали парламент тузиш ғоясини илгари сурди. «Бизнинг жамиятимиз, – деган эди Ислом Каримов ўшанда, – тез суръатлар билан ўзгаришти. Одамлар маънавий улғайиш йўлида

илдам қадам ташлаяпти. Бу – узокни кузлаган сиёсатимиз, эзгу мақсад йўлидаги интилишларимиз натижасидир... Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини қиритмокчиман» (*Каримов И.А. Асарлар, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б.482-483*).

Бу демократик ислохотларни босқичма – босқич амалга ошириш тамойилига мос равишда республика парламентини икки палатали асосда янада такомиллаштиришни назарда тутган гоёдир.

2001 йил 6 – 7 декабрь кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида икки палатали парламент тузиш масаласи муҳокама қилинди. Сессия икки палатали профессионал парламент фаолияти учун энг зарур бўлган омил – юқори малакали сиёсатшунослар, юристлар, иқтисодчилар корпуси шаклланиб етилганлигини, жамиятимизда ҳуқуқий маданият даражасининг ортганлигини инобатга олди ва парламентни икки палатали қилиб тузиш зарур, деган хулосага келди.

Икки палатали парламентни шакллантириш масаласи ҳаётнинг ўзидан, ҳокимият тармоқларини аниқ ажратиш асосида миллий давлатчилик институтларини янада мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиқади. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, демократик мамлакатларнинг аксариятида парламент икки палаталидир. XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида икки палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди. Агар XX асрнинг 70-йилларида икки палатали парламентлар 45 та давлатда бўлган бу сон 70 тага чиқди. Ҳозирда яна ўн та давлатда икки палатали парламент ташкил қилишга тайёргарлик кўрилаяпти. Бу кўрсаткичлар икки палатали парламентнинг аҳамияти ошиб бораётганлигидан далолат беради.

2002 йил 27 январь куни *«Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?»* деган масалада референдум бўлиб ўтди. Референдумда катнашганларнинг 93,65 % рози эканлигини билдириб овоз бердилар.

2002 йил 4 – 5 апрель кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида *«Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»*ги Конститутивий қонун қабул қилинди. Бу қонунда республика парламентининг номи Олий Мажлис дейилади, у икки палатали – қуйи ва юқори палаталардан иборат этиб ташкил этилади, деб белгилаб қўйилди. Қуйи палата – Қонунчилик палатаси, юқори палата – Сенат деб аталади, уларнинг ваколат муддати – 5 йил деб белгиланган.

VIII сессияси Олий Мажлисининг *«2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»*ги қарорини ҳам қабул қилди.

Хуллас, бу ҳужжатлар икки палатали парламент тузиш ишларини бошлашга ҳукукий асос бўлиб хизмат қилди.

2002 йил 12 – 13 декабрь кунлари Олий Мажлиснинг X сессияси бўлиб ўтди. Унда халқимизнинг хоҳиш – иродаси билан «*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида*» ва «*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида*»ги Конституциявий қонунларни ҳамда уларни амалга киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилди.

Қонунчилик палатаси 120 нафар депутатдан, Сенат 100 нафар сенатордан иборат этиб шакллантирилди. Бу ўзгаришлар 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*»ги Қонунда ҳам ўз ифодасини топди. 2003 йил 29 августда «*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида*»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, мазкур қонун янги таҳрирда қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати

Шу тариқа икки палатали профессионал парламентни шакллантиришнинг конституциявий – ҳукукий асослари яратилди. 2004 йил декабрь – 2005 йил январь ойларида мамлакатимизда илк бор икки палатали парламентга сайловлар ўтказилди. Жумладан, 2004 йил 26 декабрь ва 2005 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. 2005 йил 17 – 20 январь кунлари эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенатига сайловлар бўлиб ўтди.

2005 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2 палата: Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат қилиб шакллантирилди. Қонунчилик

палатасига 120 нафар депутат сайланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери қилиб Эркин Халилов сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига республиканинг ҳар бир худудидан 6 нафардан, жами 84 сенатор сайланди. Конституциянинг 77 – моддасига мувофиқ, Сенатнинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб

чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан жами бўлиб, Сенат 100 та сенатордан иборат бўлади. Сенатининг Раиси қилиб Мурод Шарифхўжаев сайланди.

Миллий парламентаризм ривож топишининг учинчи даври Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги кўшма мажлисидан бошланиб, бунда янги икки палатали Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари амалда ўз ишларига киришдилар. Мамлакатимиз қонун чиқарувчиларининг ана шу тарихий анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир», – деган дастурий маъруза қилиб, унда жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилашнинг аниқ ва теран асослантилган концепциясини, шунингдек мамлакатимизни 2005 йилда ва узоқ муддатли истиқболда ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишнинг асосий вазифаларини илгари сурди.

2009 йил 27 декабрь ва 2010 йил 10 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

2010 йилнинг 20 – 22 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари сайланди. Шу йилнинг 22 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери қилиб Дилором Ғофуржонова Тошмухамедова сайланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари қилиб Бахтиёр Ёқубов (Ўзбекистон Либерал – демократик партияси фракциясининг раҳбари), Улуғбек Вафоев (Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг раҳбари), Улуғбек Муҳаммадиев (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг раҳбари), Исмоил Саифназаров (Ўзбекистон «Адолат» социал – демократик партияси фракциясининг раҳбари), Борий Алихонов (Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи раҳбари) сайланди.

**Ўзбекистон
экологик ҳаракати**

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда атроф – муҳит муҳофазаси, экологик ҳолатни соғломлаштириш ва экологик барқарорликни таъминлаш долзарб масалага айланди. Республикада фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон экологик ҳаракатини юридик жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш муҳим аҳамият касб этди. Шу мақсадда 2008 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг **«Сайлов тўғрисидаги қонун хужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонунда кўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланди:

3 – модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги 990–ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 518–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 132-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 1 – модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата) (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.

Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан – тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади»;

2) 4 – модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати фуқаролар томонидан бевосита сайланади»;

4) 7 – модданинг биринчи қисмидаги «бир юз йигирмата» деган сўзлар «бир юз ўттиз бешта» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади»; ...

Ушбу Қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77 – моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш киритилиб, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги депутатларининг сони 150 депутатдан иборат бўлди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳақида тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон экологик ҳаракати 2008 йилнинг 2 августида ташкил топган. 2008 йилнинг 20 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган.



Бу ҳаракатнинг раҳбар органлари: Марказий кенгаш, унинг Ижроия қўмитаси, Марказий назорат – тафтиш комиссиясидир.

Ўзбекистон экологик ҳаракати ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳозирги ва келгуси авлоди қулай атроф – муҳит шароитида яшаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини ҳамда уларга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга қаратган.

Истиклол йилларида давлат бошқарув ҳокимияти тубдан ислоҳ қилинди. Аввало, собиқ Иттифок даврида фаолият юритиб келган Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг ижро қилувчи ва бошқарувчи олий органи – Министрлар Советининг мақоми тубдан ўзгартирилди. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистонда президентлик лавозими таъсис этилгандан кейин ҳаётнинг ўзи ижро этувчи ҳокимият мақомини ўзгартиришни талаб қилди. 1990 йил 15 ноябрда Ўзбекистон Президентининг **«Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида»** Фармони чиқди. Унга мувофиқ равишда Ўзбекистон Президенти ҳузурида Вазирлар Маҳкамаси тузилди, Президент унинг Раиси бўлди. Республикада вице – Президент лавозими таъсис этилиб, унинг зиммасига Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилиш ва унинг ишини уюштириш вазифаси юкланди.

1992 йил 4 январда Вице – Президент лавозими тугатилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бош вазири лавозими таъсис этилди. Бош вазир зиммасига Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилиш, унинг ишини ташкил этиш вазифаси юкланди.

Ўзбекистонда давлат ижроия ҳокимиятини такомиллаштиришда 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муҳим омил бўлди. Конституциясининг XX – бобида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий – ҳуқуқий мақоми, унинг ташкил этилиши, фаолиятининг асосий йўналишлари ва ваколатлари белгилаб қўйилди. Конституциянинг 89 – моддасига мувофиқ **«Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади»**, – деб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган № 818-ХII сонли **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги (янги таҳрири 2003 йил 29 август) Қонуни асосида олиб боради.

Мазкур қонуннинг 1 – моддасининг биринчи бандига кўра «Вазирлар Маҳкамаси – Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати – иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади».

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Регламентида янада ривожлантирилган ва мазмунан бойитилган.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Унга кўра Вазирлар Маҳкамасининг иши чораклик режаларга мувофиқ олиб борилади. Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида 1 марта ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида Бош вазир (2003 йил 11 декабрдан Шавкат Миромонович Мирзиёев) ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати фаолият кўрсатади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг таркиби тобора такомиллашиб, қисқартириб борилди. Агар 1990 йил 30 мартда Республика ижроия ҳокимияти 41 кишидан иборат этиб тузилган бўлса, 1995 йил 5 майда Вазирлар Маҳкамаси 35 кишидан иборат этиб тузилди. 2000 йил 11 февралда бўлган иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Президент тавсиясига кўра Вазирлар Маҳкамаси таркибини 34 кишидан — Бош вазир, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, 8 нафар Бош вазир ўринбосарлари, 15 нафар вазир ва 9 нафар Давлат кўмиталари раисларидан иборат этиб тасдиқлади.

2003 йил 24 – 25 апрель кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Қонунга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг таркиби, уни тузиш ва тасдиқлаш тартиби ўзгартирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 89 – моддасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади» дейилган 2 – қисми олиб ташланди. Вазирлар маҳкамаси таркибида Раис лавозими бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари номзодларини аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг бошқа аъзолари эса Бош вазирнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Бу ҳолат мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида куйидаги асосий конституциявий тамойилларга асосланади:

- коллегиялик;
- демократия;
- қонунийлик;
- Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш.

Ҳозирда Вазирлар Маҳкамасининг таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлари, давлат кўмиталарининг раислари, (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98 – моддасига мувофиқ) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси киради. 2003 йил 11 декабрдан

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимини – Мирзиёев Шавкат Миромонович эгаллаб келмоқда.

№	Вазирликлар	Манзил
1	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45А. Телефон: +998 (71) 232 – 6320
2	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси, 100008, Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5. Телефон: +998 (71) 233 – 7073
3	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси, 100004, Тошкент шаҳар, Навоий кўчас, 4. Телефон: +998 (71) 241 – 0042
4	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси, 100100, Тошкент шаҳар, Авлоний кўчаси, 20 – А. Телефон: +998 (71) 239 – 4121
5	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси, 100095, Тошкент шаҳар, 2 – Чимбой кўчаси, 96. Телефон: +998 (71) 246 – 0195
6	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси, 100078, Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5. Телефон: +998 (71) 239 – 1735
7	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 12. Телефон: +998 (71) 239 – 4808
8	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси, 100029, Тошкент шаҳар, Ю. Ражабий кўчаси, 1. Телефон: +998 (71) 231 – 3445
9	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Академик Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 100. Телефон: +998 (71) 269 – 8243
10	Ўзбекистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси,

	Фавкулудда вазиятлар вазирлиги	100084, Тошкент шаҳар, Кичик халқа йўли – 4. Телефон: +998 (71) 239 – 1685
11	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси, 100029, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 9. Телефон: +998 (71) 233 – 6475
12	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси, 100029, Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 1. Телефон: +998 (71) 239 – 1751
13	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5 Телефон: +998 (71) 233 – 1305
14	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси, 100017 Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони 5. Телефон: +998 (71) 239 – 4611
Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари		
1	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси	
2	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	
3	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси	
4	Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси	
5	Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси	
6	Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	
7	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси	
8	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси	
9	Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	

**Ўзбекистонда
суд ҳокимияти**

Суд ҳокимияти – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **XXII боб, 106 – моддасига** кўра Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Ўтиш даврида суд соҳасида ҳам ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 1993 йил 2 сентябрь Олий

Кенгашнинг XI сессиясида қабул қилинган «*Судлар тўғрисида*»ги Қонуни (янги тахрирда 2000 йил 14 декабрь) суд ислохотларининг ҳуқуқий асосидир. Ўзбекистон Президентининг фармонлари ҳам бу соҳани ислох қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2005 йил 1 августдаги «*Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида*»ги (2008 йил 1 январь – Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилинди) ҳамда 2005 йил 8 августдаги «*Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида*»ги фармонлари ҳар бир судья зиммасига алоҳида масъулият юклаши таъкидланиб, бу борада судья кадрларни тайёрлаш ва ягона суд амалиётини шакллантириш механизмини барпо этиш бўйича чора – тадбирлар белгилаб чиқилди.

Суд тизимига кирган барча судлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107 – моддасида ва «Судлар тўғрисида»ги қонунда кўрсатилган. Бунга кўра Ўзбекистон Республикаси суд тизимига беш йил муддатга сайланадиган қуйидаги судлар киради:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди,
- Ўзбекистон Республикасининг Олий суди,
- Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди,
- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари,
- Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди,
- фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари,
- фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари,
- вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг хўжалик судлари,
- ҳарбий судлар.

Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига қараб судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Умумий юрисдикция судларига

- 1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди.**
- 2. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди.**
- 3. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар суди. Жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди.**
- 4. Ҳарбий судлар**

Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик суди ҳўжалик судлови доирасининг олий судлов ҳокимияти органидир.

**Маҳаллий давлат
ҳокимияти органлари**

Ўзбекистонда демократик ҳукуқий давлат барпо этиш жараёнида кўплаб вазифаларни белгилаган эди. Энг муҳим вазифаларидан бири бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этишга қаратилган бўлса, иккинчиси республикада давлат ҳокимиятининг вакиллик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини янги шароитларга мос келадиган тизимини яратиш эди. **«Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг»**, деган тамойилга амал қилиб, амалда мавжуд бўлган вакиллик органларининг вилоят, туман ва шаҳар бўғинлари сақланиб қолинди. Ҳозирги амалда бўлган маҳаллий вакиллик органлари янги органлар бўлмасдан, халқ депутатлари Советлари негизида ташкил қилинган. Маълумки, собиқ советлар даврида амалда бўлган халқ депутатлари маҳаллий Советлари аниқ бир ҳокимиятга эга бўлмай, улар ҳукуқсизлигининг бош сабаби партия органлари тўғридан – тўғри уларнинг ишига аралашар ва уларга сайланадиган депутатлар партия органлари томонидан танланар эди.

1990 – 1992 йиллари Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қомуси – Конституциясининг қабул қилингунича бўлган даврда маҳаллий ҳокимият органлари тизимини шакллантириш мақсадида бир неча Қонунлар қабул қилинди. Бунга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

➤ **«Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»**ги Қонун, 1990 йил 31 октябрь.

➤ **«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»**ги Қонун, 1991 йил 31 август.

➤ **«Ўзбекистон Республикаси Ижроия ҳокимияти – бошқарма идораларини тузилишини такомиллаштириш тўғрисида»**ги Қонун, 1990 йил 3 ноябрь.

➤ Ўзбекистон Республикаси **«Тошкент шаҳар ҳокимини сайлаш тартиби тўғрисида»** муваққат Низомни тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Риёсатининг Қарори, 1991 йил 25 ноябрь ва бошқалар.

1992 йил 4 январда **«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»**ги Қонун қабул қилинди. Бу қонун мамлакатимизда маҳаллий ҳокимиятнинг икки мустақил органи – **вакиллик** ва **ижро органлари** тизимига бошчилик қиладиган ҳокимлик ва ҳокимлар лавозими жорий этилди. 1992 йил 14 январда ушбу Қонунга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Конституциявий қонун мақомини берди. 1992 йилда Тошкент шаҳрида ва 12 та вилоятда, 163 та

қишлоқ тумани ва 18 та шаҳар туманида ҳамда 120 та шаҳарда ҳокимлар тайинланди ва тасдиқланди, уларнинг аппарати — ҳокимиятлар тузилди.

1992 йилдан Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият органлари тизимини шакллантириш соҳасида қатор норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш борасида амалий ишлар бошланди. Бу ҳужжатлар орасида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган *«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»*ги ва *«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»*ги Қонунлар, 1994 йил 5 майда қабул қилинган *«Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»*ги Қонун ва бошқалар муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» деб номланиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тизими, мавқеи, вазифалари, тузилиш тартиби конституциявий даражада мустаҳкамланди.

Конституцияга кўра аввалги маҳаллий вакиллик органларининг номини Кенгашлар деб ўзгартирди. Уларнинг самарали ишлашини таъминлаш учун вилоят, туман ва шаҳар Халқ депутатлари Кенгашлари вужудга келтирилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, амалдаги Ўзбекистон Конституцияси қабул қилингунча маҳаллий вакиллик органларининг уч бўғинли тизими мавжуд бўлиб, улар:

- 1) вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари (Советлари) — юқори бўғин ҳисобланарди.
- 2) туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари — ўрта бўғин;
- 3) қишлоқ, посёлка, овул халқ депутатлари Кенгашлари — қуйи бўғин;



Конституция маҳаллий вакиллик органларининг икки бўғинли тизимини мустаҳкамлади, яъни қуйи бўғин олиб ташланди. Улар ўрнига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузиладиган бўлди. Бу қоида «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳокимият органлари икки мустақил органларга – **вакиллик** ва **ижроия** ҳокимиятига бўлинди.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, **маҳаллий вакиллик органларига** – халқ депутатлари Кенгашлари киради. Улар ўз фаолиятини жамоавий (коллегиал) асосда олиб боради. Халқ депутатлари Кенгашлари ишининг асосий ташкилий – ҳуқуқий шакли сессия ҳисобланади.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» ги Қонунда вакиллик органларига 21 ёшга тўлган фуқаролар сайланади. Сайловлар кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтади. Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 60 тадан кўп бўлмаган, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 30 тадан кўп бўлмаган депутатлар 5 йил муддатга сайланади.

Ижроия ҳокимиятига – ҳоким ва унинг ижроия аппарати киради. Ҳоким тегишли ҳудудда олий мансабдор шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 101 – моддасига кўра ҳокимларнинг ваколат муддати – беш йил. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102 – моддасига кўра, вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади».

Вакиллик органлари тузилмайдиган шаҳар таркибидаги туманларда ва туманга бўйсунувчи шаҳарларда ҳам ҳокимиятлар таъсис этилди, уларнинг аппарати — ҳокимият ташкил этилди. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Президентининг шу жойлардаги вакили ҳисобланади. Тошкент шаҳар туманлари ҳокимлари эса Тошкент шаҳар ҳокимининг вакиллари ҳисобланади.



Маҳаллий давлат ҳокимият органларининг фаолияти мураккаб тузилишга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бу органлар суд ҳокимияти органлари, прокуратура, назорат инспекцияси, ички ишлар органлари, адлия сингари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боради.

Мазкур давлат органларини иккн тоифага бўлиш мумкин:

1) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсунувчи органлар: ички ишлар, назорат инспекцияси ва адлия органлари.

2) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсунмайдиган суд, прокуратура органлари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бу соҳада ўз ваколатларини амалга ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир хил муносабатда фаолият кўрсатиши билан бирга уларнинг ишларини мувофиқлаштириб туради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлига киргач, миллий давлатчилик анъаналарига, қадриятларига мос келувчи ва халқ хоҳиш – иродасини тўла акс эттирувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини барпо этишни асосий мақсад қилиб қўйди. Бунда хорижий

мамлакатларнинг эътиборли тажрибалари чуқур ўрганилди ва юртимиз шароити эътиборга олинди. Натижада Ўзбекистонга хос ва мос фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вужудга келди. Хусусан, ҳозирда деярли жаҳоннинг барча мамлакатларида (Франция, Германия, Россия, Туркманистон ва бошқа) бу институт маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деб аталса, Ўзбекистонда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимининг ҳуқуқий замини мустаҳкамланди. Конституциянинг 105 – моддасига кўра, «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари – ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди».



Шундай қилиб, фуқаролар йиғини маълум муддатда тўпланиб иш юритадиган ўзини ўзи бошқариш воситаси бўлса, раис, унинг маслаҳатчилари доимий фаолият кўрсатувчи тузилмадир.

1993 йил 2 сентябрда «*Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида*»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ учинчи сессиясида қабул қилинган. Ушбу қонун бу органлар фаолиятига бағишланган илк норматив – ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифаси, ваколатлари, фуқаролар йиғини ва раис (оқсоқол)нинг ваколатлари, уларнинг давлат ҳокимияти органлари билан муносабат асослари белгилаб берилди. Бу қонун юртимиз маҳаллалари тараққиётига катта ҳисса қўшди.

1995 йил 21 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида алоҳида модда киритилган бўлиб (78 – модда), унда қайд этилганидек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс сифатида фуқаролик – ҳуқуқий муносабатларнинг катнашчиларидир».

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Уй – жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари

тўғрисида»ги қонунларда ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақидаги қоидалар мавжуд.


Ўзбекистонда босқичма – босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва миллий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб ушбу қонун ҳужжатлари мунтазам равишда такомиллаштириб бориляпти. Хусусан, 1999 йил 14 апрелда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Янги таҳриридаги Қонунда қарийб ўнта моддага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Муҳим ўзгаришлардан бири – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мақомининг янада аниқлаштирилганлигидир. Қонуннинг 7 – моддаси Конституциянинг 105 – моддасига мослаштирилди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчаси қуйидагича конкретлаштирилди: «Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир».

Худди шу модданинг иккинчи бандида белгиланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади. Фуқаролар йиғини ўзининг органларига эга. Улар сирасига фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, тафтиш комиссияси, шунингдек айрим ўринларда маъмурий комиссиялар киради. Гап шундаки, илгари бу кенгаш ва барча комиссиялар ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деб юритиларди. Эндиликда эса бундай мақом фақат фуқаролар йиғинига хос саналади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси маъмурий – ҳудудий бўлинининг энг қуйи поғонасида давлат органлари ўрнига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил қилинди. Шунингдек, шаҳарлардаги маҳалла ва мавзеларда ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилди. Бу органлар зиммасига аввал давлат органлари амалга ошириб келган кўпгина вазифалар юклатилди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳукуматимиз томонидан илгари сурилаётган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурининг бош йўналишларидан бири давлатнинг бир қанча ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма – босқич топшириш чора – тадбирлари ҳаётга тадбиқ этилмоқда.



2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши. Демократик сайлов тизимининг яратилиши. Демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири – бу инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинлиги масаласи бўлиб, у давлат ва жамиятнинг қай даражада ривожланганини кўрсатувчи мезондир. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга қиритгандан сўнг ўтган қисқа давр ичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида миллий қонунчилик тизимини шакллантиришга киришди.

Бунда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий нормаларни тан олиши ва уларга қўшилиши муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларни тан олди ва уларга садоқат билан амал қилинмоқда. Бунга қуйидагиларни айтиш мумкин:

➤ 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган *«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»*га 1991 йил 30 сентябрда қўшилган. Ушбу Декларация мустақил Ўзбекистон Республикаси имзолаган биринчи халқаро ҳужжатдир.

➤ 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган *«Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Пактлар»*га 1995 йил 31 августда қўшилган. «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Пактлар», 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган *«Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт»* ва *«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт»*дан иборат. Бу халқаро ҳужжатлар ҳам Ўзбекистон томонидан тан олинди.

Ўзбекистон БМТ котибиятининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир 21 та декларация, пакт ва конвенцияларига қўшилди. Шунингдек, Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти ҳужжатларини тан олди ва унинг демократик институт ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 – моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр – қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади», – деб белгилаб кўйилди.

Ўзбекистон Республикасида ягона фуқаролик қабул қилинган, аynи вақтда Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади.

Конституциянинг «**Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар**» деб номланган VII бобида республика фуқароларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари қуйидагича таърифлаб берилган:

- яшаш ҳуқуқи;
- эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи;
- айбсизлик презумпция (лот. praesumptio – гумон, тахмин)си;
- шахсий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш ва уй – жой дахлсизлиги ҳуқуқи;
- бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи;
- фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги;
- фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи;
- виждон эркинлиги.

Мазкур ҳуқуқ ва эркинликларга ҳар бир шахс эга бўлади, ҳамда ўзи томонидан мустақил амалга оширилиб, давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «**Фуқаролик кодекси**» (1995 йил 21 декабрь), «**Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида**» (1994 йил 6 май), «**Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида**» (2000 йил 26 май), «**Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида**» (1998 йил 1 май кuni янги таҳрирда қабул қилинган) ва бошқа қонунлар билан кафолатланган.

1997 йил — «**Инсон манфаатлари йили**» деб эълон қилинди.

**Сиёсий ҳуқуқлар,
уларнинг кафолатлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳам мустақамланган. Улар қуйидагилардан иборат:

- давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашиш;
- ўз ижтимоий фаолликларини митинглар, намойишлар ва йиғилишлар шаклида амалга ошириш;

- касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш;
- ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муносабат қилиш.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари Конституция, «Жамоат ташкилотлари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида» ва бошқа қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида республика фуқароларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари мустақамланиб қўйилган:

- уй – жойга эга бўлиш;
- мулкдор бўлиш ва ундан эркин фойдаланиш;
- меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ишсизликдан ҳимояланиш;
- ёлланиб ишлаганда дам олиш;
- қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш;
- малакали тиббий хизматдан фойдаланиш;
- билим олиш;
- илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш.

Фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги қонунлари билан кафолатланган. Кафолат деганда, фуқароларга белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишни таъминлайдиган воситалар, усуллар ва шарт – шароитлар тушунилади. Зарур бўлган ҳолларда инсон ҳуқуқлари судда ҳимоя қилинади ёки тикланади. 1995 йил 30 август қабул қилинган **«Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти – ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»**ги Қонун ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг бурчлари ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мавжуд қонунлари асосида республика фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат томонидан мамлакат ичида ва унинг ташқарисида ҳимоя қилиб, уларга ҳомийлик қилади.

Ўз навбатида барча фуқаролар ҳам давлат, жамият ва бошқа фуқаролар олдида муайян бурчлар ва мажбуриятларни ҳам ўтайди. Фуқароларнинг бурчлари, мажбуриятлари Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг бурчлари:

- Конституция ва қонунларга риоя этиш;
- Ватанни ҳимоя қилиш;
- ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ.
- бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш;
- Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий мерос объектларини авайлаб – асраш;
- қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш;
- табиат ва атроф – муҳитни сақлаш, табиий бойликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (50 – , 54 – , 55 – ва 100 – моддаларида) шунингдек, «*Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида*» (1992 йил 9 декабрь), «*Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида*» (1993 йил 6 май), «*Ер ости бойликлари тўғрисида*» (1994 йил 23 сентябрь; 2002 йил 12 декабрда янги тахрирдаги), «*Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида*» (1996 йил 27 декабрь), «*Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида*» ва «*Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида*» (1997 йил 26 декабрь) ва бошқа қонунларида фуқароларнинг табиат билан бўладиган мулоқотидаги мажбуриятлари белгилаб берилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институтларнинг таъсис этилиши

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тизимга Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ киради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 1995 йил 23 февралда биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) лавозими таъсис этилади ва бу лавозимга Рашидова Сайёра сайланди. Дастлаб омбудсман (*шведча, ombudsman* – бирон киши манфаатларининг вакили) халқаро амалиётни ўрганиш асосида ишлаб чиқилган ва Олий Мажлис Раёсати томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият олиб борди.



Рашидова Сайёра Шарофна (1943.2.8, Жиззах)

Ўзбекистонда омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асослари 1997 йил 24 апрелда Олий Мажлиснинг VIII сессиясида қабул қилинган «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилди. Мазкур қонунга кўра, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) — мансабдор шахс бўлиб, унга Ўзбекистонда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар

томонидан инсон ҳуқукдари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган. Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради. Вакил БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича маркази, ЕХХТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ҳозирда 1995 йилда Олий Мажлис вакили ҳузурида тузилган Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича махсус комиссияси фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча республика аҳолисининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида 1996 йил 31 октябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг **«Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида»**ги Фармони эълон қилинди. Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ташкил этилди.

Марказ давлатга қарашли, таҳлил, маслаҳат, идоралараро ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади. **Асосий вазифалари:** инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш; шу соҳага оид миллий маърузалар тайёрлаш; тегишли ўқув – услубий адабиётлар нашр этиш, тадқиқотлар ўтказиш.

Республикамизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрларга мувофиқлигини, халқаро ҳуқуқий меъёрларини мамлакатимизнинг амалдаги қонун ҳужжатларига жорий этилишини таъминлашда 1996 йил декабрда ташкил этилган Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳам ижобий тадбирларни амалга оширмоқда.

Сайлов тизими

Ўзбекистонда демократик жамиятга хос сайлов тизими барпо этилишида халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларига, илғор чет эл тажрибасига мос сайлов қонунчилиги яратилиши муҳим аҳамият касб этди.

Дастлаб сайлов тизимини йўлга қўйиш мақсадида **«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»** ва **«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»** (1991 йил 18 ноябрь) Қонунлари қабул қилинди. Сайловлар ҳақида, сайлов ўтказиш тартиблари тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан, **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»** ги (1993 йил 28 декабрь), **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»**ги

(1994 йил 5 май) ва «*Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида*»ги (1994 йил 5 май) Қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида 18 ёшга тўлган фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқига эга эканлиги, Ўзбекистон Президенти сайлови, Олий Мажлис сайлови, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови умумий, тенг, тўғридан – тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши мустаҳкамлаб қўйилган.



Ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга. 35 ёшдан кам бўлмаган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти, 25 ёшга тўлганлар Олий Мажлисга, 21 ёшга тўлганлар вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутат этиб сайланиш ҳуқуқига эга. Фуқаро бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

3. Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари вужудга келиши ва фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилди. Республика парламенти томонидан қабул қилинган «*Жамоат ташкилотлари тўғрисида*», «*Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида*» (1998 йил 28 апрель), «*Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисида*» (1992 йил 2 июль), «*Сиёсий партиялар тўғрисида*»ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Жамоат бирлашмалари ҳақидаги қонун – қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XIII бобида ва «**Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида**»ги (1991 йил 15 февраль) Қонунда белгилаб берилган.

Жамоат бирлашмалари тушунчасига тўхталадиган бўлсак – бу фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бирлашмалари ҳисобланади.

Конституциянинг 56 – моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин – қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоа бирлашмаси сифатида эътироф этилган.

«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4 –, 9 – моддаларида жамоат бирлашмаларига шундай таъриф берилади: «Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш – иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин – қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий – техникавий, маданий – маърифий, физкультура – спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади».

«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 6 – моддасида жамоат бирлашмасининг турлари тўғрисида нормалар бўлиб, уни ҳудудий тузилишига кўра белгиланганлигини кўриш мумкин:

биринчидан, фаолияти бутун республика ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари «**республика жамоат бирлашмаси**» эканлиги;

иккинчидан, вилоят, туман, шаҳар, поселка ва қишлоқ жамоат бирлашмалари «**маҳаллий жамоат бирлашмаси**» эканлиги белгиланган.

Бундан ташқари, амалдаги қонуннинг 24 – моддасида халқаро жамоат бирлашмалари тўғрисида ҳам норма мавжуд. Демак, жамоат бирлашмаларини уч турга яъни, **халқаро** миқёсидаги жамоат бирлашмалари, **республика** миқёсидаги жамоат бирлашмалари, **маҳаллий** миқёсидаги жамоат бирлашмалари.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар натижасида жамоат бирлашмаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Улар сонининг ошиб бораётгани бунинг исботидир. Масалан, статистик маълумотларга кўра 2000 йилда республика ва

халқаро аҳамиятга молик, давлат рўйхатидан ўтган жамоат бирлашмалари сони 1500 тани ташкил қилган бўлса, 2005 йилда эса уларнинг сони 5277 тани ташкил этган. Шулардан 60 таси халқаро ва 336 таси Республика аҳамиятидаги жамоат ташкилотлари эди. Ҳозирда бу жамоат бирлашмаларининг сони янада ошиб бормоқда. Бунга республикада фаолият кўрсатаётган турли жамоат бирлашмалари, яъни жамиятлар, ассоциациялар, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, жамғармалар, федерациялар, марказлар, уюшмалар ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар (2010)		
№	Умумий сони	5000 дан ортиқ
1	Жамғармалар	48 та
2	Жамиятлар	78 та
3	Сиёсий партиялар	4 та
4	Федерациялар	42 та
5	Касаба уюшмалар	16 та
6	Ҳаракатлар	2 та
7	Марказлар	20 та
8	Ассоциациялар	48 та
9	Уюшмалар	20 та
10	Қўмиталар	5 та

Сиёсий партиялар

Мустақилик шарофати билан Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг шаклланиши учун зарур шарт – шароитлар яратилди. Кўп партиявийлик принципи асосида партиялар тизими шакллантирилди.

Партия сўзи – лот. *partio* — бўламан, ажратаман деган маънони англатади. Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикасининг «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги (1996 йил 25 декабрь) Қонунида сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари янада ривожлантирилди ва мустаҳкамланди.

Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;
- қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;

- партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифок (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳуқуқларга ҳам эга.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик жамиятнинг қонуний белгиси бўлган кўп партиявийлик тизими шаклланди, жамоат ташкилотлари тубдан янгиланди. Ҳозирда Ўзбекистонда 4 та сиёсий партия, 2 та ижтимоий ҳаракат фаолият кўрсатиб келмоқда.

1. 1991 йил 14 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг охириги фавқулодда XXIII съезди бўлиб, унда КПСС таркибидан чиқиш ва сифат жиҳатидан янги сиёсий ташкилот — «**Ўзбекистон Халқ демократик партияси (Ўзбекистон ХДП)**»ни тузиш ҳақидаги Баёнот қабул қилинди. 1991 йил 1 ноябрь Тошкентда бўлиб ўтган I таъсис қурултойида **Ўзбекистон ХДП** га асос солинган. Бу қурултойида партиянинг Дастури ва Низоми қабул қилинди.



Ўзбекистон ХДПсининг «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали нашр этилмоқда.

2. «**Ватан тараққиёти**» партияси (ВТП) — 1992 йил 24 майда Тошкентда бўлиб ўтган I таъсис қурултойида тузилган. Ушбу Қурултойда унинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1992 йил 10 июлда Ватан тараққиёти партиясини рўйхатга олган.

Ўзбекистон Ватан тараққиёти партиясининг нашри «Ватан» газетаси эга эди. ВТП 2000 йил 14 апрелда Фидокорлар миллий – демократик партияси билан бирлашиб Фидокорлар миллий демократик партияси номини олди.

3. **Ўзбекистон «Адолат» социал – демократик партияси («Адолат» СДП)** — 1995 йил 18 февралда Тошкентда бўлган I таъсис қурултойида тузилди, унинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. Адлия вазирлиги 1995 йил 18 февралда «Адолат» СДПни рўйхатга олган.



Партиянинг «Адолат» номли ижтимоий – сиёсий ҳафталик газетаси нашр этилмоқда.

4. **Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (ЎзМТДП)** — 1995 йил 3 июнда Тошкентда бўлиб ўтган I таъсис қурултойида

тузилди ва партиянинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1995 йил 9 июнда ЎзМТДП ни рўйхатга олган.

Ўзбекистон МТДПсининг «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси нашр этилмоқда.



5. Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий – демократик партияси (ФМДП) — 1998 йил 28 декабрда бўлиб ўтган I таъсис қурултойида тузилди. Қурултойида партиянинг Дастури ва Низоми тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1999 йил 4 январда ЎзМТДП ни рўйхатга олган.



Партиянинг «Фидокорлар» номли газетаси нашр этилган. 2008 йил 20 июнь Тошкентда Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» партиясининг бирлашув қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партиясини бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Марказий кенгаш, Марказий назорат – тафтиш комиссияси аъзолари сайланди, бирлашган партиянинг босма органи тасдиқланди.

6. Ўзбекистон Либерал – демократик партияси (ЎзЛиДеП) — 2003 йил 15 ноябрда бўлиб ўтган I таъсис қурултойида тузилди. Унда партия Низоми ва Дастури ҳам тасдиқланди.



Партиянинг асосий мақсади тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатини ҳимоя қилишдан иборат. ЎзЛДП нинг «**XXI аср**» ҳафтalik газетаси нашр этилмоқда.

*Ўзбекистонда
«Халқ бирлиги» ва
«Камолот» ёшлар
ижтимоий ҳаракати*

Ўзбекистонда 1995 йил май ойида жамоатчиликнинг ташаббуси билан Ўзбекистон «**Халқ бирлиги**» ҳаракати ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Адлия вазирлиги мазкур ҳаракатни 1995 йил 9 июнда рўйхатга олган.

Ҳаракатнинг асосий мақсади кўп миллатли мамлакатда халқлар бирлигини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини тўла – тўқис амалга ошириш ва фуқаролик, ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракатининг олий органи Қурултой бўлиб, у 4 йилда бир марта чақирилади. Унда раҳбар органлар сайланади. 1995 йилдан Ҳаракат раиси академик Т. Н. Долимовдир.

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати таркибида вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, 165 та бошланғич ташкилотлар иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракатининг «Бирлик» ва «Единство» ҳафталик газеталари нашр этилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 1996 йил 17 апрелдаги фармонида мувофиқ республика ёшларининг **«Камолот»** жамғармаси нодавлат хайрия — жамоат бирлашмаси сифатида ташкил топган эди. Бу жамғармасининг вазифаси ёшларнинг манфаат ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларни қондириш юзасидан дастурлар тузиш ва давлат кўмагида ҳаётга татбиқ этишдан иборат эди. Аммо «Камолот» ёшлар жамғармаси бундай вазифаларни бажара олмади, ёшларнинг ҳақиқий маънодаги етакчисига айлана олмади.

Президент Ислам Каримов 2001 йил 24 январь куни Тошкентда ёшлар масаласига бағишланган йиғилишда ёшларнинг чинакам суянчи бўла оладиган янги ташкилот тузиш ғоясини илгари сурди. 2001 йил 25 апрель куни Тошкентда бўлган ёшлар қурултойида ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат, нотижорат ташкилот — Ўзбекистон Республикаси **«Камолот»** ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилди ва унинг Дастури, Низоми тасдиқланди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий мақсади ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрнини эгаллашга кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит — қизларнинг ўз ақл заковати, куч — ғайратини тўла намоён этиши учун зарур шарт — шароит яратиш бериш, ёш авлоднинг таянчи ва суянчи бўлишдан иборатдир. Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар бўлимлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, ҳуқуқ — тартибот органларида бошланғич ташкилотлари тузилди. Улар 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқароларини ўз сафларида ихтиёрий равишда бирлаштирган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.



**Оммавий ахборот
воситалари**

Оммавий ахборот воситалари халққа илмий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий — маърифий билимлар, маълумотлар тарқатувчи манбадир. Улар таркибига газета ва журналлар, радио ва телевидение ҳамда бошқа ахборот тарқатувчи воситалар киради.

Оммавий ахборот воситаларини **«Тўртинчи ҳокимият»** ҳам дейишади. «Тўртинчи ҳокимият» ҳокимиятнинг учта асосий тармоғи — Қонун чиқарувчи, Ижро қилувчи ва Суд тизими ҳокимиятларидан фарқи ўларок, милиция, прокуратура, миллий хавфсизлик хизматига ўхшаш ўз фикри — қарорини мажбуран амалга оширадиган органларга эга эмас.

Шундай бўлса — да, у жамиятнинг турли соҳалари фаолиятини таҳлил этади, назорат қилади, бошқарув органларидаги камчиликлар ва хатоларга омманинг, ҳокимият тармоқларининг эътиборини жалб қилади, мамлакат раҳбариятига ички ва ташқи сиёсат соҳасида тўғри қарорлар қабул қилиш учун замин тайёрлайди.

Ислоҳотлар даврида оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш тадбирлари амалга оширилди. Ўзбекистон

Конституциясининг 67 – моддасига кўра, оммавий ахборот воситалари эркин ва қонунга мувофиқ ишлайди. 29 – моддасида эса ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги Конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустасно, деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида 1997 йил 24 апрелда *«Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»* ва *«Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»*, 1997 йил 26 декабрда *«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»* Қонунлар қабул қилинди. Давлат органлари, муассасалар, ташкилотларнинг мансабдор шахслари цензурани амалга оширганлик, журналистга тазйиқ ўтказганлик, унинг профессионал фаолиятига аралашганлик учун жавобгар бўлишлари қонунан мустақамлаб қўйилди. Оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида тузилган Ахборот маркази, Миллий матбуот клуби оммавий ахборот воситаларига моддий жиҳатдан кўмаклашмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, 1996 йил август ойида оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб – қувватлаш билан шуғулланувчи ижтимоий – сиёсий жамғарма ташкил этилди. Республика Президентининг 1997 йил 7 майдаги *«Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида»*ги Фармонида кўра Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш кўмитаси Ўзбекистон телерадиокомпаниясига айлантирилди ва унинг жойларда ҳудудий бўлинмалари тузилди. Бу тадбир Ўзтелерадиокомпаниясининг аҳоли ва жамиятнинг холисона, ҳаққоний ахборотларга эҳтиёжини ўрганиш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва ўзгаришлар тўғрисида аҳолини, чет эл жамоатчилигини кенг хабардор қилиш соҳасидаги фаолиятини демократлаштириш ва ривожлантиришга салмоқли туртки берди.

Мустақиллик йилларида республика оммавий ахборот воситаларининг сони кўпайди, сифати яхшиланди. 1990 йилда 376 номда газета ва журналлар чоп этилган бўлса, 2008 йилда 870 дан зиёд номда газета, ва журнал чоп этилди, 4 та ахборот агентлиги, 55 та нашриёт, 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостудиялари ва унинг ҳудудий бўлинмалари, 100 дан ортиқ электрон ахборот воситалари фаолият кўрсатди. Кўп миллатли Ўзбекистон Республикасида газеталар, журналлар, телерадиостудияси 12 тилда — ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ ва бошқа тилларда чоп этилади, кўрсатилади ва эшиттирилади. 6 та газета ва 8 та журналда ўзбек тили билан бирга инглиз, араб, турк, урду, форсий, ҳинд тилларидан фойдаланилади. Оммавий ахборот воситалари, уларнинг муассислари, мазмуни ва йўналишига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади. Булар, давлат томонидан нашр этиладиган; сиёсий партия ва жамоат ташкилотлари муассислигидаги ҳамда тижорат ва хусусий газета ва журналлардир. Шунингдек, диний ташкилотларнинг газета ва

журналлари, адабий – бадиий, ихтисосликка йўналтирилган ижтимоий – сиёсий, иқтисодий, маънавий – маданий нашрлар мавжуд. 1996 йилда республикада жойлашган компьютер тизими «Интернет» билан боғланди ва жаҳон янгиликларини қабул қилиб олиш ва ахборотлар узатиш йўлга қўйилди.

15 - мавзу: Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти

Режа:

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистонга хос йўли.
2. Мустақил Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлашуви ва тараққиёти.

Таянч сўз ва иборалар: Иқтисодий ислохотлар. Стратегик мақсадлар. Хусусийлаштириш. Кичик ва ўрта бизнес. Аграр ислохотлар. Бозор инфратузилмаси. Машинасозлик саноати. Ёқилғи мустақиллиги. Ғалла мустақиллиги.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1994.
4. Каримов И. А. Янги фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд, –Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992, 2009.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1, 2, 3 ...12 жилдлар.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 47-56; 298-238, 298-364.
10. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 575-592.
11. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) / Қ. Ражабов [ва бошқ.]; масъул муҳаррир: И. Саидов. – 3-тўлдирилган ва тузатилган наشري. –Т.: O'zbekiston, 2010.
12. Jo'raev N. O'zbekistonning yangi tarixi. Uchinchi kitob. Mustaqil O'zbekiston tarixi. – To'ldirilgan, qayta nashr. –Т.: G'afur G'ulom, 2009. –В.150-158; 332-410.
13. Usmonov Q. O'zbekiston tarixi. –Т.: IQTISOD - MOLIYA, 2006. –В. 418-432.

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистонга хос йўли. Истиқлол йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотлар юз берди. Бу ўзгаришлар иқтисодий ҳаётимизни ҳам қамраб олди. Республиканинг бой

имкониятлари, геосийсий шароитидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнидаги энг муҳим вазифаларидан бири бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш масаласи дастлабки кунларнинг энг муҳим вазифаси сифатида белгиланди.

**Бозор иқтисодиётига
ўтишнинг зарурати**

Ўтиш даврида бозор иқтисодиёти тушунчаси, унга ўтиш зарурати, бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбекистон йўли» каби масалаларнинг туб моҳиятини англаш энг долзарб масалаларидан бири эди.

Маълумки, ҳозирда ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Япония, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия)нинг деярли барчаси бозор иқтисодиёти йўлини танлаган бўлиб, шу асосда иқтисодий тараққиётини белгилаб келмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш XX асрга хос бўлган умумжаҳон воқелиқдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш кишиларнинг хошиш – иродаси эмас, балки объектив заруратдир.

Бозор иқтисодиёти деганда, товар – пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иқтисодий қонунлар, яъни бозор муносабатлари тамойиллари асосида бошқариладиган иқтисод тушунилади. Бозор иқтисодиёти азалдан мавжуд. У бир неча минг йиллардан бери ривожланиб, турли иқтисодий – ижтимоий тизимлар доирасида сақланиб келади. Бозор иқтисодиётига ўтиш – бу шунчаки мақсад эмас, балки иқтисодда бозор муносабатларини шакллантириш, жамиятни янгилаш йўлидир, яъни иқтисодий фаолият эркинлигига, мулчиликнинг хилма – хиллигига, нарх эркинлигига, рақобат қурашига, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг қарор топишига, даромаднинг чекланмаганлигига эришиш демақдир. Фақат бозор муносабатлари замонидагина ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш, кўплаб сифатли маҳсулотлар яратиш, уларга бўлган талабни қондириш, тежамли хўжалик юритиш, тўқинчилик яратиш, халқнинг фаровон турмушини таъминлаш, ҳалол ва самарали меҳнатни қадрлаш, адолат ўрнатиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти — жамият тараққаётини тезлаштирувчи иқтисодий алоқалар мажмуидир. Тарихан, бозор иқтисодиётига ўтиш энг сўнгги навбатда «социалистик» мамлакатлар ўтмоқда. Халқаро тажрибада бозор иқтисодиётига ўтишнинг бир қанча моделлари мавжуд бўлиб, уларни умумлаштириб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг уч турга ёки моделга бўлишимиз мумкин:

1. Ғарбий Европа мамлакатлари ва бошқа ривожланган мамлакатлар йўли.
2. Мустамлакачиликдан озод бўлиб, мустақил тараққиёт йўлига кириб ривожланаётган Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларининг йўли.
3. Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги мамлакатлари, бошқача айтганда, «социалистик» ривожланиш йўлидан борган ва ҳозирда бозор иқтисодиёти йўлини танлаган мамлакатлар йўли.

Собиқ социалистик мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда давлатлаштирилган, ўта марказлаштирилган ва ягона бир марказдан

бошқарилувчи иқтисодиётдан — бозор иқтисодиётига ўтиш зарурлиги қуйидаги босқичларни амалга оширишни тақозо этди:

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, яъни уни таъминловчи юридик қонунлар тизимини яратиш.

2. Бозор инфратузилмасини шакллантириш. Бунда бозор иқтисодиётига хос алоқаларни ўрнатишга кўмак берувчи, яъни бозорга хизмат кўрсатувчи соҳаларни, ташкилот, корхона ва муассасаларни яратиш.

3. Мулкчилик ва хўжалик юритиш усулларини приватизациялаш.

4. Нарх – навони либераллаштириш, нархларни эркин қўйиб юбориш, нарх устидан давлат назоратини минимал даражага келтириш.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумийлиги, масалан, хусусий мулкчилик, иқтисодий жараёнларни бошқариш ва такомиллаштиришда талаб, таклиф қоидаларининг бир хил бўлиши билан бир қаторда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқувчи йўли мавжуддир. Бунда унинг хўжалик тузилиши ва шарт – шароитлари, жойлашган ери, табиати ва иқлими, миллий келиб чиқиши, расм – русумлари, анъана ва миллий характери ҳамда бошқа омиллар сабаб бўлади.

*Миллий тараққиётнинг
«Ўзбек модели»*

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, дунёдаги ҳамма мамлакатлар учун мақбул бўлган бир хил тараққиёт йўли, бир хил андоза бўлиши мумкин эмас. Ҳозирда бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари мавжуд бўлиб, улар барча мамлакатларни битта манзилга — эркин бозор иқтисодиёти тизимига олиб келади. Аммо, бозор муносабатлари шаклланишининг социал – иқтисодий, тарихий, миллий ва халқаро шароити ҳар хил бўлганлиги туфайли, унга ўтишнинг миллий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлади. Шу нуқтаи назардан бирор мамлакатнинг тараққиёт йўлини ёки тараққиёт моделини борлигича қабул қилиб бўлмайди. Натижада ўзига хос йўлни танлаш муҳим ҳисобланади.

Собиқ тузумда амал қилган ва марказлашган маъмурий бошқариш тизимига асосланган иқтисодиёт ўзининг ҳаётий эмаслигини, аҳолининг ўсиб борувчи эҳтиёжларини таъминлай олмаслигини аниқ кўрсатди. Натижада мустақиллик йилларида мамлакат тараққиёти учун Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини ишлаб чиқиш ва бу йўлда туб ислоҳотларни белгилаш зарурати юзага келди. Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини ишлаб чиқишга Президентимиз И.А. Каримов бошчилик қилди.

Ислом Каримов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 1992 йил 4 январдаги IX сессиясида сўзлаган дастурий нутқида ҳамда 1992 йил август ойида нашр этилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини ҳар томонлама пухта белгилаб берди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли Ислом Каримовнинг кейинги асарлари, маъруза ва нутқларида янги маъно – мазмун билан тўлдирилиб, аниқлаштирилиб борилди. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган эркин

бозор иқтисодиётига ўтиш модели Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Беш тамойилини ўз ичига олган бу моделнинг мазмуни ва моҳияти Президентнинг 1993 йилда нашр этилган «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли асарида асослаб берилди. Бу йўл халқимиз томонидан ҳам, халқаро майдонда ҳам тараққиётнинг «*ўзбек модели*» деб қабул қилинди. Ўзбек моделини ишлаб чиқишда, биринчидан, халқаро тажриба асос қилиб олинди. Иккинчидан, хўжалик имкониятлари, шарт – шароитлари, эски тузумдан мерос бўлиб қолган муаммолар ҳисобга олинди.

Қуйидаги келтирилган жадвал орқали беш тамойилнинг моҳиятини кўришимиз мумкин:

№	Асосий тамойиллар	Асосий тамойилларнинг моҳияти
1	Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги	Иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш зарур
2	Давлат бош ислохотчи, иқтисодий ўзгартиришларнинг ташаббускори	Давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт
3	Қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги	Қонун ва қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган Янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим
4	Кучли ижтимоий сиёсат юргизиш	Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади

5	Бозор иқтисодиётига босқичма – босқич ўтиб бориш	Бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар»сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма – босқич амалга оширилиши керак
----------	---	---

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли назарий ва амалий жиҳатдан пухта белгилаб олинди. Бу барча тамойиллар демократик ва иқтисодий қайта ўзгартишлар жараёнларини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, ҳаёт синовидан ўтди. Амалий ислохотлар жараёнида, хусусан ХХІ аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизни жадаллаштириш мақсадида бу тамойиллар Олий Мажлиснинг XIV сессиясида (1999 йил 14 апрель) куйидаги олтита устувор йўналиш билан тўлдирилди:

1. Мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.
2. Жамият маънавиятини янада юксалтириш.
3. Кадрлар масаласи.
4. Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш.
5. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш.
6. Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз яхлитлигини таъминлаш.

(Каримов И. А. Ўзбекистан ХХІ асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 15-19)

***Ислохотларнинг
стратегик мақсадлари***

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти Ўзбекистон давлат суверенитетининг иқтисодий асоси бўлиб қолди. Бу йўлни шакллантириш учун иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Аввало, иқтисодий ислохотларнинг кўйидаги стратегик мақсадлари белгилаб олинди:

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини босқичма – босқич шакллантириш, миллий бойликларнинг ўсишини, кишилар турмуши ва фаолияти учун муносиб шароитни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб боровчи иқтисодий тизим яратиш;
- кўп укладли иқтисодиётни яратиш, кишининг мулкдан бегоналашувини бартараф этиш, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар тарафлама ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

➤ корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик ишларига давлатнинг тўғридан – тўғри аралашувидан воз кечиш, иқтисодни бошқарувнинг маъмурий – буйруқбозлик усулларини йўқ қилиш, иқтисодий воситалар ва рағбатлантиришларни кенг қўллаш;

➤ моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни, рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жаҳон иқтисодиёт тизимига кириб боришини таъминлайдиган чуқур иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш;

➤ иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

➤ жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш;

➤ кишиларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини қўллаш соҳалари ва шакллари ўзи мустақил белгилаб олиши учун имконият яратиш.

Стратегик мақсадлар асосида иқтисодий – ислохотларнинг асосий ва муҳим томонлари аниқ белгилаб олинди. Энг аввало, бирмунча ўткир ижтимоий – иқтисодий муаммоларни яқин вақтлар ичида ҳал этишга ёрдам берадиган асосий тармоқларни ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- мулкӣ ислохотлар;
- институтчионал ва молия – кредит ислохотлари;
- аграр ислохотлар;
- ташқи иқтисодий фаолият ислохотлари;
- ижтимоий соҳадаги ислохотлар.

Ислохотларнинг ҳуқуқий асослари

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий омилларидан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Шу боисдан ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир». Шу нуқтаи назардан дастлабки вақтнинг ўзида иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 100 га яқин асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бу қонунларни мазмун – моҳияти жиҳатидан қуйидаги йўналишга бўлиш мумкин:

1. Ўзбекистоннинг давлат ва унинг иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқарув қоидаларини тартибга солувчи қонунлар. Ана шу йўналишда «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида», «Маҳаллий

давлат ҳокимияти тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

2. Мулкчилик муносабатлари ва кўп укладли иқтисодий шакллантирувчи қонунлар. Бу йўналиш доирасида мулкчилик тўғрисида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ер тўғрисида, ижара тўғрисида, давлат уй – жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

3. Хўжалик юриштириш тартибга солувчи қонунлар, яъни хусусийлаштириш, мулкчилик, тадбиркорлик, корхоналар, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, ширкат хўжалиги тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Бозор инфратузилмасини яратувчи ва унинг фаолиятини тартибга солиб турувчи банклар ва банк фаолияти, пул тизими, тадбиркорлик, суғурта, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Корхона билан давлат ўртасидаги, корхоналар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўювчи қонунлар, Солиқ кодекси, Божхона кодекси, монополистик фаолиятни чеклаш, корхоналарнинг банкрот бўлиши ҳақида қонунлар қабул қилинди, Хўжалик – процессуал кодекси ишлаб чиқилди, хўжалик суди тузилди.

4. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар яратилди. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида қабул қилинган қонунлар, халқаро пакт ва битимлар, уларнинг Ўзбекистон томонидан имзоланиши мамлакатимиз ташқи алоқаларининг ривожланиши тарихида янги саҳифа очди.

Республика иқтисодийнинг ҳуқуқий асослари Президент фармонларида, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда янада такомиллаштириб борилди.

Бозор инфратузилмасининг яратилиши

Бозор иқтисодиётига босқичма – босқич ўтиш бозорнинг кўп бўғинли инфратузилмасини яратишни талаб қилади. Чунки муайян инфратузилмага эга бўлмасдан бозор механизмлари тўлиқ ишлай олмайди. Ўтиш даврида бозор инфратузилмаси шакллантириш ва кенгайтириш борасида кўплаб амалий тадбирлар амалга оширилди.

Бозор инфратузилмаси деганда бозор муносабатларини шакллантириш ва уларни самарали юриштиришга хизмат қилувчи муассаса, ташкилот ва корхоналар мажмуаси тушунилади.

№	Инфратузилма турлари	Инфратузилма тармоқлари
1	Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфратузилма	<ul style="list-style-type: none"> ➤ транспорт ➤ алоқа ➤ омбор хўжалиги

		<ul style="list-style-type: none"> ➤ йўл хўжалиги ➤ сув ва энергетика таъминоти ва бошқалар
2	Товар ва хомашё бозорида хизмат қилувчи инфратузилма	<ul style="list-style-type: none"> ➤ биржалар ➤ савдо уйлари ➤ аукционлар ➤ тижоратчилик идоралари ➤ реклама фирмалари ➤ савдо – сотиқ ва уларни назорат қилувчи давлат муассасалари
3	Молия – кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфратузилма	<ul style="list-style-type: none"> ➤ банклар ➤ ўзини ўзи кредитлаш идоралари ➤ суғурта компаниялари ➤ молия компаниялари ➤ солиқ ундириш идоралари ➤ пул жамғармалари
4	Аҳолига хизмат қилувчи (ижтимоий) инфратузилма	<ul style="list-style-type: none"> ➤ уй – жой ва коммунал хизмати ➤ маданият ➤ соғлиқни сақлаш ➤ аҳолини ишга жойлаштириш хизмати (меҳнат биржалари)
5	Ахборот инфратузилмаси	<ul style="list-style-type: none"> ➤ иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ахборотлар, хабарлар ва маълумотларни тўпловчи, умумлаштирувчи воситалар ➤ сотиш билан шуғулланувчи компаниялар, фирмалар, маслаҳат идоралари, давлат муассасалари

Ислоҳолар даврида республикамызда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи инфратузилманинг асосий бўғинлари — турли муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар мажмуаси вужудга келди. Авваломбор, **ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи** — транспорт, алоқа, сув ва энергетика таъминоти, йўл ва омбор хўжалиги тузилмалари яратилди.

Товар ва хомашё бозорида хизмат қилувчи — товарлар ва хомашё биржалари, бизнес инкубатор, аудиторлик ва консалтинг фирмалари, кўплаб савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фирмалари, савдо – сотиқ ва уларни назорат қилувчи давлат муассасалари ташкил этилди. Бу соҳадаги дастлабки кадам — маҳсулот етказиб беришга мажбурий давлат буюртмасининг тугатилиши бўлди. Давлат буюртмаси тугатилгач, товар ресурсларини марказлашган тартибда тақсимлашга мутасадди таъминот ташкилотлари ҳам тугатилди. Уларнинг ўрнига товарлар бозорини шакллантирувчи биржалар тизими ташкил этилди. Ўзбекистонда 1991 йилнинг

августидан «Ўзбекистон» республика универсал агросаноат биржаси, «Ўзулгуржибиржасавдо» — Ўзбекистонда улгуржи ва биржа савдоси бўйича Республика давлат – акциядорлик уюшмаси (1994 йил март), «Тошкент» Республика товар – хом ашё биржаси (1994 йил 8 апрель) ва бошқа биржалар фаолият кўрсатмоқда. 1992 йил 12 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида» қарор қабул қилди.

Бозор муносабатларини ривожлантиришда **ахборот инфратузилмаси** алоҳида аҳамиятга эга. Шу боисдан иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ахборотлар, хабарлар ва маълумотларни тўпловчи, умумлаштирувчи воситалар, фирмалар вужудга келди.

Хўжалик юритувчи субъектларни **молия – кредит муносабатларига хизмат қилувчи** инфратузилма — янги банк тизими, ўз – ўзини кредитлаш идоралари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш идоралари, пул жамғармалари яратилди.

Республикамизда тадбиркорлар ва аҳолини эҳтимоли бўлган турли зарарлардан ҳимоя қилувчи суғурта бозори вужудга келди. Давлат иштирокида бозор муносабатларига хизмат қилувчи «Ўзбекинвест» (1994 йил 13 апрель), «Ўзагросуғурта» (1997 йил 25 февраль), «Кафолат» (1997 йил 14 март) каби учта йирик суғурта компанияси ташкил этилди. Кўплаб хусусий суғурта компаниялари, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлайдиган қўшма суғурта компаниялари ҳам вужудга келди. 2002 йилда суғурта компанияларининг сони 28 тага етди, улар молия бозорида мамлакатимиз фуқаролари ва ташкилотларига 150 турдан ортиқ йўналиш бўйича суғурта хизмати кўрсатмоқдалар. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши (2002 йил 5 апрель), Президент фармони билан 2002 йил 1 февралдан бошлаб суғурта ташкилотларининг 3 йил муддатга даромад солиғидан озод қилиниши мамлакатимизда суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда. 2006 йил 1 январдаги ҳолатига кўра Ўзбекистон суғурта бозорида 25 та суғурталовчи компания ва 1 та суғурта брокери фаолият кўрсатади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида **иш билан бандлик** масаласи жиддий муаммога айланади. Негаки, иқтисодий тизим ўзгараётган пайтда малакасиз кишиларгагина эмас, маълум ихтисосга эга бўлган ходимларга ҳам талаб чекланади, ишсизлар тоифаси кенгаяди. Бундай шароитда ишсизлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик тадбирлари кўрилди. 1993 йилдан Ўзбекистонда Меҳнат биржалари пайдо бўлди. Республика «Меҳнат биржаси» ва жойлардаги 225 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тармок барпо этилди. Ҳар бир туманда меҳнат биржаси ташкил этилди. Ишсизларни рўйхатга олиш, уларни касбини ўзгартириш механизми яратилди, ишсизлик бўйича нафақа тўлаш йўлга қўйилди. Янги иш ўринларини ташкил этишга эътибор берилди. 1993 йилда Республикада тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 185,1 минг янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, 1998 йилда бу

кўрсаткич 345,9 мингга ташкил этди ёки 1,8 марта кўп янги иш ўринлари яратилди. 2000 йилда фақат кичик ва хусусий бизнес ривожига 192,5 минг янги иш ўринлари яратилган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йилда 425 мингдан ошди. 2003 йил 1 январда иқтисодий соҳасида банд бўлганларнинг 76,6 % нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келди.

Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичидаёқ нархлар эркинлаштирилди. Бу жараён ижтимоий ларзаларсиз ўтди. Негаки, давлат турли компенсация жамғармалари тузди, болалар учун нафақалар жорий этди, энг кам иш ҳақи, пенсия, нафақалар ва стипендиялар мунтазам суратда ошириб борилди.

Нархни эркинлаштириш иқтисодийда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш билан бевосита боғлиқ. 1992 йил 8 августда Ўзбекистон Республикасининг «*Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида*»ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонун асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Молия вазирлиги тизимида тузилган антимонопол ва нарх – наво сиёсатини ўтказиш бош бошқармаси монопол давлатдаги корхоналарни белгилаб, уларнинг маҳсулотлари бўйича нархларни ва рентабелликни тартибга солиб турибди.

Иқтисодий ислохотлар борасида қўйилган яна бир муҳим қадам – 1994 йил 1 июлдан миллий валютага – сўмнинг муомалага киритилиши бўлди. Бу тадбир катта сиёсий аҳамиятга, эътиборга моликдир, чунки ўз миллий валютасига эга бўлмаган давлат чинакам мустақил бўла олмайди. Республика ҳукумати миллий валюта қадрини мустаҳкамлаш, унинг эркин айланишини таъминлаш чораларини амалга ошириб борди. 2003 йил 15 октябрдан бошлаб сўм қисман конвертацияланадиган валюта мақомига кўтарилди.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида бозор иқтисодиёти асослари шаклланди. Кўп укладли иқтисодиётни, мулкдорлар табақасини шакллантиришдан иборат стратегик вазифа амалда рўёбга чиқди. 2004 йил бошларида республикамизда мулкчиликнинг нодавлат сектори (хусусий мулк эгалари, фермер, ширкат ва деҳқон хўжаликлари, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, кооперативлар, жамоа мулки, масъулияти чекланган жамиятлар, жамоат ташкилотлари)нинг улуши 90,2 %га етди. Давлат тасарруфидаги корхоналар улуши эса 9,2 %га тушди.

Хусусийлаштириш

Бозор иқтисодиёти, аввало, турли хил мулк шаклларига, кўп укладли иқтисодиётга асосланади. Шу боисдан Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулкдорлар табақасини шакллантириш иқтисодий ислохотларда биринчи ўринда турди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида иқтисодиёт хилма – хил мулк шаклларида иборат бўлиши, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли

эканлиги, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқли эканлиги белгилаб қўйилган. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистонда чек (ваучер) асосида хусусийлаштиришга йўл қўйилмади. Давлат мулкни сотиш орқали хусусийлаштириш йўли тутилди. Шу билан бирга хусусийлаштириш чоғида имтиёзлар тизими яратилди. Хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоасининг ходимларига акцияларни имтиёзли шартлар билан сотиб олиш имконияти берилди. Эскирган асосий фондлар, ижтимоий инфратузилма объектлари янги мулкдорга текинга топширилди. Қишлоқ хўжалиги давлат хўжаликларининг мол – мулки, фермалар, боғлар ва узумзорлар имтиёзли шартлар асосида хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштиришга давлат бошчилик қилди. Бу жараёни ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш учун 1992 йил 10 февралда **Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси (Давлат мулк қўмитаси)** тузилди, 1994 йилда унинг функциялари кенгайтирилиб, **Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш давлат қўмитаси** сифатида қайта ташкил этилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган мулкни **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»** ги ва **«Давлат уй – жой»** фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги (1993 йил 7 май) қонунлар ва 20 дан ортиқ махсус давлат дастурлари асосида амалга оширилди.

Хусусийлаштириш савдо, хизмат кўрсатиш ва маҳаллий саноат корхоналарини, уй – жой фондини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи хўжаликларни давлат тасарруфидан чиқаришдан бошланди. Бу кичик хусусийлаштириш деб ном олди.


1993 – 1994 йилларда давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартира ёки давлат уй – жой фондининг 95 %дан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди. Бунда ҳар 3 квартиранинг биттаси эгаларига имтиёзли шартлар билан бепул берилди. Уруш фахрийлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, илмий ходимлар ва ижодий зиёлиларга квартиралар бепул берилди. 2002 йилга қадар Республика уй – жой фондининг 98 %га яқини хусусийлаштирилди.

1994 йил 21 январда эълон қилинган **«Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»** ги ва 1994 йил 16 мартда эълон қилинган **«Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»** ги Президент фармонлари хусусийлаштириш жараёнида янги туртки бўлди.

1992 – 1994 йилларда 54 мингга яқин савдо, хизмат кўрсатиш, автомобил транспорти, қурилиш, қишлоқ хўжалик корхона ва объектлари давлат

тасарруфидан чиқарилди. Шуларнинг 18,4 мингтаси хусусий мулкка, 26,1 мингтаси акциядорлик, 8,7 мингтаси жамоа, 661 таси ижара корхоналарига айланди. Қишлоқ хўжалигида боғларнинг ярми, узумзорларнинг 40 % хусусий фойдаланиш учун берилди. 14 мингдан ортиқроқ фермер хўжаликлари ташкил топди, уларга 193 минг гектар ер ажратиб берилди. Хусусий тадбиркор субъектларининг сони 300 мингга етди, уларнинг 250 мингтасини патент асосида яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган кишилар ташкил этди. 1994 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг деярли ярми иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторида ишлаб чиқилди, бу секторда 4 миллионга яқин киши иш билан банд бўлди.

Мулк шаклининг 2007 йилги улуши, фоиз ҳисобида



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар табақасини пайдо бўлиши демакдир. Кичик бизнес, тадбиркорлик бозорни зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитишга ҳамда даромад ва фойда олишга қаратилган фаолиятдир. Бу – янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, аҳоли даромадларининг асосий манбаидир.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда кичик бизнесни, тадбиркорликни ривожлантиришга иқтисодий ислохотларнинг ҳал қилувчи, стратегик аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилди.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси корхоналар ва ташкилотлар тузиш, сотиб олиш, сотиш, қайта қуриш йўли билан тадбиркорлик фаолияти юритиш ҳуқуқига эга. Тадбиркор иш юритиш учун бошқа юридик ва жисмоний

шахсларнинг мулки, пул маблағларини ихтиёрийлик асосида жалб қилиш, мустақил равишда ишчилар ёллаш ва бўшатишга ҳақлидир, тадбиркорлик даромадларидан солиқ тўлаб туради.

Кичик бизнесни кўйидагилар ташкил этади:

1. Мулк шаклидан қатъий назар, йилига саноат корхоналарида ўрта ҳисобда 10 нафаргача, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 5 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган микрофирмалар;

2. Ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда 40 нафаргача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 20 нафаргача, илм – фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 10 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган кичик корхоналар киради.

Тадбиркорлик шакллари:

1. Хусусий (шахсий) тадбиркорлик;
2. Ёлланма меҳнатни жалб қилиб амалга ошириладиган тадбиркорлик;
3. Бир неча фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган жамоа ёки қўшма тадбиркорлик.

1995 йил 5 январда эълон қилинган *«Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»*ги Президент фармони мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, мулкдорлар табақасини шакллантиришга янги туртки берди. Фармонга биноан давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушаётган маблағларнинг 50 % кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилди.

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг *«Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида»*ги Қонуни иқтисодиётнинг мазкур секторига давлат ва минтақавий даражада рағбатлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Давлат даражасида хусусий тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий – норматив асослар, зарур инфратузилма ва шарт – шароитлар яратилди. Минтақавий (вилоят, шаҳар, туман) даражасида эса тадбиркорларга маҳаллий солиқ ва йиғимлар солишда енгилликлар берилди, бу секторни ривожлантириш учун ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга ошириш тадбирлари кўрилди.


Кичик бизнесга кўмаклашиш мақсадида республика ва ҳудудий миқёсда фаолият олиб боровчи – Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб – қувватлаш фонди (Бизнес – фонд, 1995 йил июль), «Мадад» суғурта агентлиги (1995 йил 26 июнь), Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси (1996 йил мартда) уларнинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Ўрта ва кичик бизнеснинг ривожланишига **Дехқон ва фермер хўжаликлари ассоциацияси, «Хунарманд» ассоциацияси, Тадбиркор аёллар ассоциацияси** ҳам кўмаклашмоқда.

Кичик бизнесни ривожлантиришга чет эллик инвесторларнинг ва дунёдаги нуфузли банкларнинг, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Германия тикланиш банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг кредит ресурслари жалб этилмоқда. Тадбиркорлар ва бизнесменларга маслаҳатлар билан кўмаклашиш мақсадида немис техникавий кўмаклашув жамияти Ўзбекистонда кичик бизнесни кўллаб – қувватлаш марказини, Европа ҳамжамияти комиссияси эса амалий алоқалар марказини очдилар. Марказий Осиёдаги Америка тадбиркорлик фонди ва Марказий Осиёдаги Буюк Британия инвестиция фонди ўзбекистонлик тадбиркорларга зарур маслаҳатлар билан кўмаклашдилар.

1998 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. 2001 йил 22 августда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «*Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида*» қарор қабул қилди. Қарорга биноан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожтиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига Республика товар – хомашё биржаси, Агросаноат биржаси, «Ўзулгуржисавдо» орқали моддий – техника ресурслари сотилди.

Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик субъектларида «**Текширишларни рўйхатга олиш**

Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони, минг бирлик



дафтари» жорий этилди. Кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти эркинлаштирилди, улар ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотларни нақд хорижий валютага экспорт қилишга руҳсат берилди.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз

томонидан кичик ва ўрта бизнесни кўллаб – қувватлаш борасида кўрилган тадбирлар натижасида уларнинг сони йилдан йилга кўпайиб борди.

2010 йил 7 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2011 йилни – мамлакатимизда *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик* йили деб номлашни таклиф қилди.

2. Мустақил Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлашуви ва таракқиёти. Давлат мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонга собиқ тузумдан барбод бўлган иқтисодий ва молиявий тизим, издан чиққан иқтисодий бошқарув механизми ва иқтисодий муносабатлар мерос бўлиб қолган эди. Республика корхоналари собиқ Иттифоқнинг бошқа минтақаларидаги корхоналар билан боғланган бўлиб, Иттифоқ парчалангач, улар ўртасидаги алоқалар узилди. Мустақил Республикалардаги ислохотлар жараёнида корхоналар хусусийлаштирилди, мулк эгаллиги, маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишлари ўзгарди. Натижада корхоналарнинг бир – бирига хомашё, асбоб – ускуналар етказиб бериш жараёни тўхтаб қолди. Бу барча республикалар, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистоннинг саноат корхоналарида хомашё ва асбоб – ускуналар тақчиллиги вужудга келиб, хўжалик юритиш мураккаблашиб қолди. Масалан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари, тўқимачилик ва кимё саноати корхоналари, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш кескин пасайди. Ўзбекистон олдида иқтисодиётдаги танглик ҳолатларини олдини олиш, инқирозга йўл қўймаслик, макроиқтисодиётни барқарорлаштириш вазифаси кўндаланг бўлиб турди. Шунинг учун иқтисодий соҳада Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегияси асосан энг муҳим уч вазифани ҳал этишга йўналтирилди:

1. Ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш;
2. Иқтисодий юксалишнинг асоси сифатида макроиқтисодий барқарорликка эришиш;
3. Барқарор иқтисодий ривожланиш учун шарт – шароит яратиш.

Ўзбекистонда ислохотлар эндигина бошланган 1992 йилдаёқ Президент Ислом Каримов Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгаришлар барқарорлик вазиятида ўтиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

Макроиқтисодиётни барқарорлаштириш учун Ўзбекистон иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга қодир корхоналар қуриш ва бунинг учун зарур инвестициялар ажратиш йўллари борди.

Ўзбекистонда ислохотларнинг дастлабки йиллариданоқ иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш чора – тадбирлари кўрилади:

- ўзак тармоқларни — нефт ва газ саноатини, энергетикани, олтин қазиб олиш, рангли металлургия тармоқларини модернизациялаш, янгилаш;
- транспорт ва алоқа тизимини, муҳандислик коммуникацияларини ва ишлаб чиқариш инфратузилма тизимини янгилаш;
- қора металл ва металл маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Бекобод металлургия комбинатини тубдан таъмирлаш;

- қишлоқ хўжалик машинасозлигини, пахтачилик учун чигит экиш, ғўзага ишлов бериш ва пахта териш машиналари ишлаб чиқарувчи корхоналарни таркибан қайта қуриш ва янгилаш;
- самолётсозлик, радиоэлектроника, электротехника соҳасини ривожлантириш;
- Ўзбекистон учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноатини барпо этиш;
- кимё саноати комплексини қайта қуриш;
- қишлоқ хўжалигида ва умуман агросаноат комплексида чуқур таркибий ўзгаришлар ва прогрессив силжишларга эришиш;
- пахта, пилла, мева ва сабзавот, узумни қайта ишловчи тармоқларни янги техника билан қайта қурулантириш, ип йигириш ва тўқимачилик саноатида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги корхоналар қуриш ва бошқалар.

Иқтисодиётга сармоя ажратилиш ва чет эл инвестициясини жалб этиш

Иқтисодиёт таркибини қайта қуриш, янги корхоналар барпо этиш катта маблағларни талаб қилиши табиийдир.

Шу боисдан ислохот йилларида иқтисодиётга маблағ – сармоя жалб қилишнинг турли манбалари ишга солинди. Улар қуйидагилардан иборат:

- давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- республика банкларидан олинадиган кредитлар;
- корхоналарнинг ўз сармоялари;
- аҳоли сармоялари;
- қарз берувчи мамлакатлардан олинадиган давлат қарзлари;
- халқаро иқтисодий ташкилотлардан олинадиган молия – кредит ресурслари;
- чет эл фирмалари ва компанияларининг киритаётган бевосита инвестициялари.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва ривожлантириш учун барча маблағлар ҳисобига сармоя солиш йилдан-йилга ўсиб борди. Ўзбекистонда хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, имтиёзли инвестиция муҳити яратилди. Натижада мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиётга 100 млрд доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 млрд долларидан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маблағлари ташкил этади. Бу маблағлар юксак технологиялар билан ишлайдиган янги корхоналар қуришга, ишлаб чиқариш тармоқларини замонавий технологиялар ва асбоб – ускуналар билан жиҳозлашга, социал соҳаларни ривожлантиришга сарфланди.

Халқ хўжалиги таркибини қайта қуриш мақсадида чет эл инвестициясини жалб қилиш чоралари кўрилди. 1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, **«Чет эллик инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида»**ги

Қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар чет эллик инвесторларнинг республикамизда яратиладиган мулкларининг дахлсизлиги ва эркин фаолияти учун ҳуқуқий заминларни мустаҳкамлаб берди. Чет эллик тадбиркорларга Ўзбекистонда қўшма корхоналар барпо этиш, ўз компания ва фирмаларининг бўлинмалари, шўьбаларини очиш имконияти яратилди. Уларга солиқ ва божхона тўловлари юзасидан имтиёзлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, 1995 йилда Президент фармони билан ташкил этилган хорижий сармоялар бўйича агентлик республика тадбиркорларига хорижий ҳамкорлар излаб топиш, қўшма корхоналар барпо этиш, инвестиция лойиҳаларини тузиш ва амалга ошириш ишларига кўмаклашмоқда. Чет эл инвестицияларини сиёсий хавф – хатарлардан суғурталаш бўйича «Ўзбекинвест Интернейшнл» қўшма компанияси ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Чет эл инвестициясини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш бевосита инвестициялар тарзида, давлат қарзлари, халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, қарз берувчи мамлакатларнинг инвестиция ёки молиявий кредит ресурслари шаклида амалга оширилди. Республикамизда яратилган қулай вазият ва рағбатлантириш тадбирлари натижасида иқтисодиётга киритилаётган хорижий инвестиция салмоғи йилдан йилга ўсиб бормоқда. Ўзбекистонга энг кўп сармоя киритаётган мамлакатлар қаторига Россия, Япония, Англия, Германия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларни киритиш мумкин.

Дастлаб чет эл инвестициялари давлатга қарашли ёки давлат иштирокидаги оғир саноат корхоналарига жалб қилинди. Иқтисодий ислохотларнинг кейинги босқичларида чет эл инвестициялари кичик ва ўрта бизнесга, хусусий секторга кенг жалб этилди. Чет эл инвестициялари иштирокида барпо этилган ва фаолият юритаётган қўшма корхоналар сони 2002 йил бошларида 2087 тага етди. Уларнинг иш ва хизмат ҳажми 2002 йилда 1044 млрд сўмни ташкил этди.

Ислохот йилларида киритилган инвестициялар республиканинг энергетика, металлургия, машинасозлик, қурилиш материаллари ва бошқа саноат тармоқларининг тангликдан чиқиб ўзини ўнглаб олишига, халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш суратларини изчил ўсишига кўмаклашди.

Ёқилги мустақиллиги

Мустақилликнинг давтлабки йилларидан бошлаб иқтисодиётнинг ҳаётий муҳим тармоқларини ривожлантириш билан бир қатарда мамлакатнинг ёқилги мустақиллигига эришишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон ҳудудида 2 триллион кубометрга яқин газ захиралари, 160 дан ортиқ нефть кони мавжуд. Бирок мамлакат нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қарам бўлган. Хусусан, XX асрнинг 90 – йиллари бошларида четдан 6 миллион тоннага яқин нефть

маҳсулотлари келтирилар, 600 минг тонна пахта толаси Россия ва бошқа мамлакатларга нефть маҳсулотлари учун бериларди. Шу боисдан мамлакатимизда нефть мустақиллиги учун кураш бошланди.



Ўзбекистоннинг нефть мустақиллигини таъминлаш асосий вазифалардан бири сифатида илгари сурилди. Республикада тарқоқ ҳолда фаолият юритаётган нефт ҳамда газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари 1992 йилда ташкил этилган «Ўзбекнефтгаз» концернига бирлаштирилди. 1998 йилда эса у «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига айлантирилди. Мазкур

компания ривожланган давлатлардаги компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатиб, 1995 – 2000 йилларда тармоққа 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдориди хориж сармоясини жалб этди. Натижада республикамизнинг Устюрт, Бухоро – Хива, жануби – ғарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона минтақаларида газ, нефть ва газ конденсати қазиб олувчи 92 та корхона кенгайтирилди, янги техник ускуналар билан жиҳозланди.

Япониянинг «Mitsui» фирмаси билан ҳамкорликда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жаҳон андозалари даражасида таъмирланди. Мазкур корхонанинг дизел ёқилғиси ускунасини замонавий қисмлар билан жиҳозлашга 178 млн. АҚШ доллари сарфланди. Бу корхонада 50 дан ортиқ турдаги ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Нефт мустақиллигига эришишда АҚШнинг «Dresser» ва «M.Y.Kollogg» ҳамда Япониянинг «Nisho Ivali» компаниялари иштирокида 1997 йилда барпо этилган, йилига 2,5 млрд. кубометр газ ҳайдаш қувватига эга бўлган Кўк – думалоқ компрессор станцияси, Бухоро вилоятидаги Қоровул – бозор шаҳрида барпо

Ўзбекистонда нефть ва газ ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши, минг тонна



этилган нефтни қайта ишлаш заводининг ўрни катта бўлди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини бунёд этишда Франциянинг «Texnip» компанияси ҳамда «Kredi Kommersial de Frans» ва «Pariba» банклари, Япониянинг «Marubeni» ва «Jey-Ji-Si» компаниялари ва

«Экспорт – импорт банки», АҚШнинг «Cheyz Manxetten» банки, Туркиянинг «Gama» компанияси ўз сармоялари, техник асбоб – ускуналари, мутахассис – қурувчилари билан фаол қатнашди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 1997 йил 22 август куни ишга туширилди ва бензин, авиакеросин, суюлтирилган газ, дизел ёқилғиси каби маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади.

Завод қурилиши жараёнида 262 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди. Завод қурилишига «Ўзбекнефтгаз», «Ўзмонтажмахсусқурилиш», «Нефтгаз-қурилиш» ва бошқа саноат, транспорт корхоналари, тегишли вазирликлар улкан ҳисса қўшдилар.

Республикада нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, четдан нефт маҳсулотлари сотиб олиш тўхтилди. Ўзбекистон нефт мустақиллигига эришди, нефт маҳсулотларини четдан сотиб оладиган мамлакатдан уни четга сотадиган давлатга айланди. Табиий газ ишлаб чиқариш ҳам ўсиб борди.

Кимё саноати

Ўзбекистонда нефт ва газ ишлаб чиқариш билан бир қаторда кимё саноати ҳам ривожланди. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Чирчиқ, Навоий, Олмалик каби шаҳарлардаги кимё саноати корхоналари қайта таъмирланди. Қизилқум фосфорит комбинати, Қўнғирот сода заводи, Қўқон ва Янгийўл биокимёвий заводлари барпо этилди. Республика кимё саноати қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар, экинларни зараркунандалардан сақловчи кимёвий моддалар, сунъий толалар, бўёқлар, полиетилен, аҳолининг кундалик турмушида керак бўладиган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Шўртан газ – кимё мажмуаси Ўзбекистон кимё саноатининг фахри ҳисобланади. 1995 йил октябрда Ўзбекистон билан АҚШнинг «**ABB Lummus Global**» компанияси ўртасида Шўртан газ – кимё мажмуасини қуриш бўйича битим тузилган эди. Тезда қурилиш – монтаж ишлари лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1997 – 2001 йилларда АҚШ, Германия, Япония, Италия ва бошқа давлатларнинг нуфузли компаниялари иштирокида қурилиш ишлари амалга оширилди.

Шўртан газ – кимё мажмуаси қурилишида 1 млрд. АҚШ доллари ҳажмида инвестиция ўзлаштирилди. 2001 йил 21 декабрь Шўртан газ – кимё мажмуаси (Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида) ишга туширилди. Мажмуа йилига 125 минг тонна полиетилен, 137 минг тонна суюлтирилган газ ва 126 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган дунёдаги энг йирик корхоналардан биридир.

Машинасозлик саноати

Мустақиллик йилларида машинасозлик саноати жадал ривожланди. Республикадаги мавжуд бўлган бир неча ўнлаб машинасозлик корхоналарини таркибий жиҳатдан қайта қуриш мақсадида 1993 йилда Ўзбекистон давлат машинасозлик корхоналари уюшмаси —«Ўзмашсаноат», 1996 йилда «Ўзқишлоқхўжаликмаш – холдинг», 1998 йилда «Ўзнефтгазмаш» корпорацияси, «Ўзбектўқимачимаш» бирлашмаси ташкил этилди.

Ислоҳолар даврида «Ўзмашсаноат» уюшмаси тасарруфидаги 35 та корхонанинг 26 таси таъмирланиб, янги техник ускуналар билан қайта қурилди. Тошкентдаги экскаватор, подёмник, зенит, компрессор, асбобсозлик, агрегат ва абразив заводлари, Андижондаги «Андижонирмаш» ва Топоз,

Самарқанддаги Киноп, Сино ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларда экскаваторлар, кўтарма кранлар, компрессорлар, пахтани қайта ишлаш агрегатлари, тўқимачилик дастгоҳлари, автоматика воситалари, музлатгичлар, мебелга ишлов бериш ускуналари, уй – рўзғор буюмлари ва бошқа техник жиҳозлар ишлаб чиқарилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб машинасозлик саноатини ривожлантириш мақсадида хорижий давлатларнинг нуфузли компаниялари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. 1998 йилда Ўзбекистон «**Америка мобил групп**» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона барпо этиб, Ўзбекистон – Хитой лойиҳаси асосида 22 ва 23 от кучига эга бўлган икки турдаги минитракторлар ва уларга ускуналар комплектларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу ихчам тракторлар фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида кенг қўлланилмоқда.

1994 йилда «УзЛзмаш» Ўзбекистон – Исроил қўшма корхонаси барпо этилиб пахта териш машиналарининг горизонтал шпинделли янги авлоди яратилди. Бу машиналар тик шпинделли машиналарга нисбатан пахта теришга қулай ва самарадор, таннархи арзон бўлиб, жаҳон машинасозлигининг энг янги ютуғи бўлди. Қишлоқ хўжалик машиналарини «Кейс» русумидаги трактор ва ғалла ўриш комбайнлари билан тўлдириш мақсадида АҚШ «Кейс Нью – Холланд» компанияси сармоялари иштирокида «ЎзКейсмаш» ва «ЎзКейстрактор» қўшма корхоналари барпо этилди. Уларда замонавий тракторлар ва комбайнлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Ўзқишлоқхўжаликмаш – холдинг» компанияси 2001 йилда 48,2 млрд. сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

Авиация ишлаб чиқариш давлат акциядорлик жамиятига бирлашган корхоналар ҳам ривожланмоқда. Унинг бош корхонаси В. Чкалов номидаги Тошкент авиация заводида 4 та русумдаги юк ва йўловчи ташийдиган Ил – 114», «Ил – 114Т», «ИЛ – 76МФ», «Ил – 76ТФ» самолётларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юк ташиш бўйича дунёда энг қулай деб эътироф этилган «Ил – 76» русумли 900 та самолёт ишлаб чиқарилди.

Мустақиллик йилларида металлургия, олтин қазиб олиш саноати илдам қадамлар билан ўсди. Олмалиқ кон – металлургия комбинати, Бекободдаги металлургия заводи, Зарафшондаги 2 – гидрометаллургия заводи, Чирчиқдаги қийин эрувчан ва ўтга чидамли металл комбинати қайта таъмирланди. Бекобод металлургия комбинатида йилига 100 минг тонна пўлат шар ва металл прокат тайёрловчи янги қувватлар ишга туширилди. Учкудукда 3 – гидрометаллургия заводи барпо этилди. Американинг «Нюмонт майнинг» компанияси иштирокида Навоий тоғ – металлургия комбинати чиқитларидан олтин ажратиш бўйича «**Зарафшон – Нюмонт**» қўшма корхонаси қурилиб, 1995 йил 25 майда ишга туширилди. 1991 – 2001 йилларда республикада олтин қазиб олиш ҳажми 1,7 баравар ўсди. Биргина «Зарафшон – Нюмонт» қўшма корхонаси 1995 – 2003 йилларда 113 миллион тонна рудани қайта ишлаб, 110 тонна юқори сифатли олтин ишлаб чиқарди. Корхонанинг

Ўзбекистон иқтисодиётига берган самараси 500 млн АҚШ долларини ташкил этди. Электроэнергетика саноати анча ривожланди. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси мустақиллик йилларида иссиқлик ва гидравлик электр станцияларини таъмирлаш ва улар таркибида янги блоклар барпо этиш ишларини амалга оширди. Сирдарё, Янги Ангрен, Тошкент, Навоий ГРЭСлари энергетика блокларида технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари ишга туширилди.

Германиянинг «**Siemens**» фирмаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ажратган кредит ҳисобидан Сирдарё ГРЭСининг 8 та блоки таъмирланди. 2001 йилда 37 та иссиқлик ва гидравлик электр станцияларидан иборат Ўзбекистон энергетика тизими 55 млрд киловатт – соат ёки 1992 йилга нисбатан 10 % кўп электр энергия ишлаб чиқарди. Ўзбекистон энергетика тизими республика халқ хўжалиги ва аҳолисини электр энергияга бўлган эҳтиёжини тўла – тўқис таъминламоқда, иқтисодиётни янада ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон электр энергияси Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистонга ҳам узатилмоқда.

Автомобилсозлик саноати

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда автомобил ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш мақсадида Жанубий Корея Республикасининг «**DAEWOO**» корпорацияси раиси Ким У Жунг билан музокаралар олиб борилди. 1992 йил 24 августда Тошкентда Жанубий Кореянинг «**DAEWOO Motors**» корпорацияси ва Ўзбекистоннинг «**Автоқишхўжмаш**» давлат концерни Ўртасида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида йилига 180 минг автомобил ишлаб чиқарадиган «**О'zDAEWOOavto**» қўшма корхонасини куриш тўғрисида шартнома имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 5 ноябрда Асака шаҳрида «**О'zDAEWOOavto**» корхонаси ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унинг таъсисчилари этиб «**DAEWOO Motors**» корпорацияси ва «**Ўзавтосаноат**» уюшмаси, ҳар икки тарафнинг қўшма корхонадаги улуши тенг миқдорда 50% дан иборат қилиб белгиланди. 1993 йил март ойида «**О'zDAEWOOavto**» қўшма корхонаси рўйхатга олинди ва умумий миқдори 658 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги қурилиш ишлари бошланди. Корхона қурилишига илғор технологиялар, тажрибали муҳандислар, ўзбекистонлик ёшлар жалб қилинди. 1000 дан ортиқ Ўзбекистонлик ёшлар Жанубий Кореяга бориб «**DAEWOO**» компаниясида ишлаб, автомобил ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиб қайтиб келдилар. «**О'zDAEWOOavto**» қўшма корхонасининг биринчи навбати 1996 йил март ойида ишга туширилди. 1996 йил март ойида «**Damas**», июнь ойида «**Tico**», июль ойида «**Neksiya**» русумли автомобиллар ишлаб чиқариш бошланди. 1996 йил 19 июлда корхонанинг расмий очилиш маросими бўлди, унда Президент Ислом Каримов катнашди ва



«O'zDAEWOOavto» қўшма корхонаси қурилишида фаол қатнашганларга миннатдорчилик билдирди.



«O'zDAEWOO» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган янги автомашиналар

Ўзбекистон ҳукумати «O'zDAEWOOavto» қўшма корхонасига бутловчи қисмлар тайёрловчи корхоналар қуриш тадбирларини амалга оширди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 30 майда қабул қилинган *«Автомобиллар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон – Корея қўшма корхоналарини ташкил этиш тўғрисида»*ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорга мувофиқ «O'zDAEWOOavto» учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган корхоналар тизимини яратишни маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди ва қурилиш ишлари бошланди. 1996 – 2006 йилларда лак – бўёқлар, автомобил ўриндиқлари, ички жиҳозлари, электр кабеллари, шиналар, дисклар, тобланган ойналар, товуш пасайтиргичлари, ёқилғи баки, бамперлар ва бошқа бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи «O'z – Dong Ko», «Yan Ko», «O'z – Sem Yun Ko», «O'z – Dong Von Ko», «O'z – Tong Xong Ko», «O'z – Karam Ko», «Elektromash», «Meridian» каби 75 та янги қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди.

1999 йил октябрда Жанубий Кореядаги йирик «Eksimbank» билан «O'zDAEWOOavto» заводини молиявий жиҳатдан қўллаб – қувватлаш бўйича



битим тузилди ва «**DAEWOOmotors**» компанияси билан ҳамкорликда «O'zDAEWOOavto» заводида «**Matiz**» ва «**Neksiya – 2**» русумли автомобиллар ишлаб чиқаришга киришилди. «O'zDAEWOOavto» заводини 2000 йил январда «**ISO - 9001**» сертификати берилди.



«**Lasetti**»

2001 йил августда «O'zDAEWOOavto» заводида янги линия барпо этилиб, халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама қулай, илғор дизайн ва техник афзалликлари билан ажралиб турадиган «**Matiz**» русумли янги автомобил ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2003 йилда яна бир линия барпо этилиб, «**Lasetti**» автомобили ишлаб чиқариш бошланди. 2004 йилда 70070 донга автомобил ишлаб чиқарилди. 2007 йил октябрь ойида «O'zDAEWOO» авто негизида «**General Motors**» корпорацияси билан ҳамкорликда «**GM**



«**Captiva**»



«**Epika**»



«**Takuma**»

«**O'zbekiston**» қўшма корхонаси ташкил этилди. Натижада Асакада дунёда машҳур «**Shevrале**» автомобиллари — «**Captiva**», «**Epika**», «**Takuma**» русумли энгил автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда.



«**Spark**»

2010 йилда «**Shevrале**» автомобили — «**Spark**» русумли янги автомобил ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шундай қилиб, «O'zDAEWOOavto» қўшма корхонасининг мустақкам пойдевори яратилди. «O'zDAEWOOavto» заводи МДХ мамлакатларидаги энгил автомашина ишлаб чиқарувчилар орасида Халқаро сифат тизимидан

фойдаланувчи биринчи корхона бўлди.

Самарқанд шаҳрида яна бир автомобил заводини қуришга киришилди. 1995 йилда «**Ўзавтосаноат**» уюшмаси билан Туркиянинг «**Kochholding**» компанияси ўртасида автобус ва юк машиналари ишлаб чиқарувчи «**SamKochavto**» қўшма корхонасини барпо этиш ҳақида битим тузилди. 1996 йилда «**SamKochavto**» қўшма корхонаси рўйхатга олинди ва қурилиш ишлари бошланди. Машиналар лойиҳасини ишлаб чиқишда халқ хўжалигининг барча соҳаларида фойдаланиш учун қулай бўлишини таъминлаш мақсадида Италия — Испания қўшма корхонаси «**Iveko**»нинг ихчам конструкциялари асос қилиб

олинди ва «Kochholding» компанияси аъзоси — «Отайўл» заводида Ўзбекистон шароитига мослаб такомиллаштирилди.



1999 йил март ойида «SamKochavto» қўшма корхонаси ишга туширилди. Ўша йили фойдаланишга қулай, ихчам 163 та автобус ва 302 та юк автомобили, 2000 йилда эса 483

автобус ва 102 та юк автомобили ишлаб чиқарилди. Республика аҳолиси учун «Отайўл» русумли автобуслар асосий транспорт воситасига айланди.

2001 йилда Ўзбекистон автомобилсозлик саноатида банд бўлган ишчи ва хизматчилар сони 14 мингга етди. Энг муҳими, ўзбек автомобилсозларининг бутун бир авлоди шаклланди.

Енгил саноат

1991 йил майдан Тошкент, Фарғона, Бухоро тўқимачилик комбинатлари, Андижон ва Нукус ип – газлама комбинатлари, улар тасарруфидаги кичик ва ўрта корхоналарни бирлаштирган «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси ташкил этилди. БУ уюшма, бир томондан, мавжуд корхоналарни акциядорлик жамиятлари сифатида қайта ташкил этди, уларни таъмирлаш, янги техник жиҳозлар билан қайта қуриш орқали маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирларини амалга оширди. Масалан: «Бухоротекс» акциядорлик жамияти 1994 йилда ўз маблағлари ҳисобидан Швейцариянинг «Ритер» фирмасидан 2592 та йигирув ғалтаги қувватига эга бўлган ускуналар сотиб олди. 1996 йилда эса Швейцариядан жалб этилган 5 млн. швед франкига иккинчи йигирув мажмуи сотиб олиб корхонани жиҳозлади. Натижада 1997 йилдаёқ 1000 тонна калава ип ишлаб чиқаришга эришди.

Иккинчидан, давлат уюшмаси томонидан республикамиздаги бой хомашёларни, биринчи навбатда пахта толасини қайта ишлаб тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги корхоналар барпо этиш ҳар томонлама қўллаб – қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил апрель ойида «Маҳаллий ва енгил саноатни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ тармоқ бўйича 35 та инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди ва уларни амалга ошириш жараёнида 152 млрд сўм, шу жумладан, 644,4 млн АҚШ доллари ҳажмида чет эл сармоялари ўзлаштирилди. Натижада 1996 – 2001 йилларда Жанубий Корея иштирокида «Kobul – Uzbek Ko» қўшма корхонасига бирлашган Тўйтепа ва Тошкент шахрининг Кўкча мавзесида 2 та йирик қўшма корхона, «Kobul – Farg'ona Ko» қўшма корхоналари қурилиб ишга туширилди. Туркия тўқимачилик компаниялари иштирокида Нукус шаҳрида «Kateks»

тўқимачилик мажмуаси, Наманган вилоятида «**Аснамтекстил**», «**Тар – fen**», «**Косонсой-Текмен**», «**Atlas – Men**», Қашқадарё вилоятида «**Қаштекс**», «**Оксарой – тўқимачи**» кўшма корхоналари барпо этилди. Германия сармоядорлари билан ҳамкорликда 1998 йилда Андижонда «**Антекс**», Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида «**Pfaff-Zinger**» кўшма корхоналари қурилди. 1999 йилда Хўжабод туманида тикув ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқарадиган «**Tyan-Din-Du**» Ўзбекистон – Хитой кўшма корхонаси, 2000 йилда йилига 3800 тонна калава ип ишлаб чиқарадиган «**Қоракўлтекс**» Ўзбекистон – Америка кўшма корхонаси барпо этилди. 2002 йилда Республика тўқимачилик саноатида 17 та кўшма корхона фаолият кўрсатди. Тармоқ бўйича 32 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. 2004 йилда 17 та тўқимачилик корхоналари, жумладан «**Беруний текс**», «**Балиқчитекс**», «**Бурсел – Тошкент**» каби йирик кўшма корхоналар қурилиб фойдаланишга топширилди.

2002 йил бошларида «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмасига бирлашган 15 та кичик ва 102 та йирик корхоналар пахта толасини қайта ишлаб йилига 130 минг тонна йигирилган ип, 50 млн квадрат метр газлама, 2,5 млн квадрат метр гилам, 62 млн дона трикотаж маҳсулотлари, 32 млн жуфт пайпоқ, турли хил тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

Агар 1991 йилда республикамизда пахта толасини қайта ишлаш 12 %ни ташкил этган боиса, 2005 йилда бу рақам 30 %га етди. Чет элларга калава ип, пахта ва шойи газламалар экспорт қилишга эришилди.

Республикамизда қоғоз танқислиги муаммосини ҳал қилишга қаратилган заводлар қурилди. Наманганда барпо этилган «**Наманган қоғози**», Янгийўлда қурилган «**Ўзбек қоғози**» кўшма корхоналари шулар жумласидандар. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 20 июндаги «Республика қоғоз саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан «**Ўзбекқоғозсаноат**» уюшмаси ташкил этилди. Унинг таркибига «**Саноатқалинқоғозсавдо**», «**Ўзбек қоғози**» очик акциядорлик жамиятлари, Янгийўл селлулоза – қоғоз фабрикаси, «**Наманганқоғоз**» кўшма корхонаси ва бошқалар киради. «**Ўзбек қоғози**» корхонаси йилига 11 минг тонна қоғоз, 3,5 минг тонна картон, 7,5 млн дона умумий ва 65 миллионта ўқув дафтари ишлаб чиқармоқда. Янгийўл селлулоза – қоғоз фабрикаси йилига 20 минг тонна пахта селлулозаси, 12 минг тонна юқори сифатли ёзув қоғози ишлаб чиқармоқда.

Мамлакатимизда пойабзал маҳсулотлари ва чинни идишлар, турли халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда. Қурилиш материаллари саноати базаси мустаҳкамланиб, баланд бинолар, уй – жой қурилиши кенгайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда транспорт тизими – темирўли, автомобил йўли, ҳаво, кувур ва сув транспорти ривож топди.

**Қишлоқ хўжалиги.
Дон мустақиллиги**

Ўзбекистонда пахтачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Марказий Осиё мамлакатларида йилига 2 млн тонна пахта толаси етиштирилса, унинг 1,4 млн. тоннаси ўзбек пахтаси толасидир. Ўзбекистон пахта толаси етиштириш бўйича дунёда тўртинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради.

Республикамызда пахта ҳосилдорлиги ва сифатини яхшилашга катта


Ўзбекистон иқтисидиёти етакчи тармоқларидаги ўсиш суръатлари



эътибор берилмоқда. Шу мақсадда қатор сув омборлари ва сунъий каналлар қурилмоқда, ернинг мелеоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари амалга оширилди. Сув танқислиги ҳисобга олиниб, 1998 йилдан бошлаб пахтачиликда Исроил технологиялари асосида томчилатиб суғориш усулидан фойдаланилмоқда.

Анджонлик пахтакорлар ташаббуси билан чигитни плёнка остига экиш технологияси жорий этилди. Бу усул пахтани эрта экиш, қисқа муддатларда

Ғалла етиштириш ҳажмининг ўсиб бориши, минг тонна



ундириб олиш, юқори ҳосил етиштиришга мустаҳкам замин яратди. Пахта экиладиган ерлар қисқартирилишига қарамасдан республикамызда йилига 3,5 млн. тоннадан ортиқ пахта хом – ашёси тайёрланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон каноп, тамаки етиштириш соҳасида ҳам дунёда етакчи ўринларда туради.

Мустақиллик йилларида дон мустақиллигига эришиш

вазифаси кўйилди. Экин экиладиган майдонларда таркибий ўзгаришлар қилиниб, хўжаликлар қандай экин экиш соҳасида мустақил бўлдилар. Суғориладиган ерларда ғалла экиш кенгайди. Умумий экин майдонларида донли экинлар салмоғи 1991 йилда 18,8 %ни ташкил этган бўлса, 1998 йилда 36 %га ўсди, натижада ғалла етиштириш сезиларли даражада ошди. Агар 1991 йилда 1,9 млн тонна дон, шу жумладан 600 минг тонна буғдой етиштирилган бўлса, 2002 йилда 5,4 млн тоннага яқин дон, шу жумладан 5,0 млн тоннадан ортиқ буғдой, 2007 йилда 6,25 млн тонна ғалла етиштирилди. Суғориладиган ерларда ўртача ҳосилдорлик гектарига 48,0 центнерни ташкил этди. Андижон вилоятида эса рекорд натижага эришилди — ҳар гектардан 75 центнердан ортиқ хирмон кўтарилди.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида амалга оширилган тадбир туфайли том маънода мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигига эришилди, мамлакатимиз ва халқимизни ўз ғалламиз, ўзимизнинг нонимиз билан таъминлашдек тарихий вазифа бажарилди. Бу ютуқ қишлоқ ҳаётини янгилаш, амалга оширилаётган аграр ислоҳотларнинг натижасидир.

Республикамизда ун ва ун маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари, шакар ва қанд маҳсулотлари ишлаб чиқариш изчил ўсиб бормоқда. Шунингдек, сабзавот, мева, узум етиштириш бўйича ҳам катта ютуқларга эришилмоқда. Йилига 5 млн. тоннага яқин сабзавот – мева маҳсулотлари етиштирилади.

Ўзбекистан Республикаси мустақилликка эришгач, қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида давлат хўжаликлари жамоа, ширкат хўжаликларига айлантирилди, чорвачилик, аксарият хўжаликларнинг қорамолчилик фермалари хусусийлаштирилди, деҳқон ва чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ташкил этила бошлади.

Чорвачилик соҳасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартда **«Республика чорвачилигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»**ги, 1994 йил 23 февралда «Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида», 1995 йил 24 мартдаги **«Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш чора – тадбирлари тўғрисида»** қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларга кўра, 1995 йилда жамоа хўжаликларининг зарар билан ишлаётган 1499 қорамолчилик фермалари хусусийлаштирилди. Натижада республикада ишлаб чиқарилаётган гўшт ва сутнинг 75% ни хусусий сектор бера бошлади.

Чорвачилик соҳаси билан бир қаторда асаларичилик, пиллачилик ҳам ривожланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг ишлаб чиқарилиши

Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	Ўсиш суръати, %да
Сабзаотлар	минг тонна	4669,9	5217,4	111,7
Картошка	минг тонна	1188,1	1398,7	117,7
Полиз маҳсулотлари	минг тонна	840,0	981,2	116,8
Мевалар	минг тонна	1269,1	1402,8	110,5
Узум	минг тонна	880,3	791,0	89,9
Гўшт	минг тонна	1208,6	1287,9	106,6
Сут	минг тонна	5097,4	5426,3	106,5
Тухум	млн. дона	2214,7	2429,0	109,7

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг бошқарув тизими тубдан ўзгартирилди, хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига мос янги тизими яратилди. Бозор инфратузилмаси асослари барпо қилинди. Мамлакатимиз иқтисодий таназзул давридан ўтиб олди. 1995 йилга келиб макроиқтисодиётда барқарорликка эришилди ва 1996 йилдан бошлаб барқарор ўсиш таъминланмоқда. Мамлакатда ўтказилган туб ислохотлар натижасида иқтисодий ўсишни таъминловчи зарур шарт – шароитлар вужудга келди. Хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида кўп укладли иқтисодиёт шаклланди. Энг муҳими, одамларимизнинг тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда. Турмуш даражаси, оиласининг фаровонлиги ўзига боғлиқ эканлигини тушуниб етаётган одамлар тобора кўпайиб бормоқда. Шундай қилиб, иқтисодиёт таркибидаги туб ўзгаришлар, янги корхонларнинг бунёд этилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида самарали натижалар берди.

16 - мавзу: Ўзбекистоннинг маънавий ва маданий тараққиёти

Режа:

1. Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт.
2. Мустақиллик йилларида фан ва маданиятнинг ривожланиши.
3. Миллий истиқлол ғояси.

Таянч сўз ва иборалар: Маънавий ислохотлар. Маънавий мероснинг тикланиши. Диний кадрлар. Маданият равнақи. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Миллий истиқлол ғояси.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлар. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
5. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир: «FIDOKOR» газетаси муҳбири саволларига жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992, 2009.
9. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1998.
10. Баркамол авлод орзуси. –Т.: ЎМЭ, 2000.
11. Жамиятни ислох қилиш йўлида. – Т.: Шарқ, 1998.
12. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: 2001.
13. Миллий ғояси: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. –Т.: Akademiya, 2007.
14. Мустақиллик: Изоҳли илмий – оммабоп луғат // Р. Рўзиев ва Қ. Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри. –Т.: Шарқ, 2006.
15. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1, 2, 3 ... 12 жилдлар.
17. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Т.: Шарқ, 2000. –Б.366-495.
18. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 593-613.
19. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) / Қ. Ражабов [ва бошқ.]; масъул муҳаррир: И. Саидов. – 3-тўлдирилган ва тuzатилган нашри. –Т.: O'zbekiston, 2010.

20. Jo'raev N. O'zbekistonning yangi tarixi. Uchinchi kitob. Mustaqil O'zbekiston tarixi. – To'ldirilgan, qayta nashr. –T.: G'afur G'ulom, 2009. –B. 411-580.
21. Usmonov Q. O'zbekiston tarixi. –T.: IQTISOD – MOLIYA, 2006. –B. 432-452.

1. Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий, сиёсий ислохотларни амалга ошириш билан бир вақтда маънавий меросимизни, маданий қадриятларимизни тиклаш ва уларни халқимизга етказиш борасида кенг кўламда фаолият олиб борилмоқда. Ўтиш даври машаққатли ва синовли йиллар бўлиб, барча соҳаларда ислохотлар олиб борилди ва давом этмоқда. Айниқса, маънавий ҳаётимизда асрларга баробар улкан эзгулик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, *«Энг буюк жасорат нима деган саволга, ҳеч – иккиланмасдан маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, адашмаган бўламиз»*, – деди Ислом Каримов. *«Жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганани кўриши мумкин» (Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. –Б.159).*

Жамият маънавияти мамлакат барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шарт ва кафолатидир. Тарихдан маълумки, мамлакатимиз бир неча бор ажнабий босқинчилар ҳужумига дучор бўлган, қарамлик ва зулм остида қолган. Бунинг оқибатида халқимизнинг бой маънавий мероси, урф – одатлари қадрсизланишга маҳкум бўлган. Айниқса, Россия империяси ва советлар тузуми даврида миллий қадриятларимиз, урф – одатларимиз оёқ ости қилинди. Она тилимиз, бой маънавий меросимиз қадрсизлантирилди, кўплаб масжиду – мадрасалар, миллий мактаблар, тарихий ёдгорликлар бузилди, қаровсиз қолди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб мамлакатимизда бой маънавий меросимизни тиклаш ва ривожлантириш, жамият маънавиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жамият маънавиятини тиклаш ва юксалтиришни таъминловчи маънавий – маърифий ислохотларнинг йўналишлари белгилаб олинди.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, *«Моддий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислохотлар — қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота – боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда» (Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Асарлар, 1-жилд, -Б. 202).*

Шу ўринда «маънавий мерос» ҳақида тўхталиш муҳимдир. «Маънавий мерос» – қадим замонлардан бери аجدодларимиз, ота – боболаримиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар — сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва

диний қарашлар, ахлоқ – одоб меъёрлари, илм – фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлари мажмуидир. Маънавий қадриятлар, бойликлар инқилобий йўл билан ҳосил қилинадиган ҳодиса эмас, у жамият тараққиётининг барча босқичларида унинг эҳтиёжлари туфайли юзага келади ва ўша давр ҳаётини акс эттиради, у жамият ўзгариши билан йўқолиб кетмайди, кейинги авлодлар учун маънавий мерос бўлиб қолади. Ҳар бир авлод маънавиятни янгидан яратмайди, мавжуд маънавий меросга таянади, бироқ уни қандай бўлса шундайлигича, кўр – кўрона қабул қилавермайди, тараққийпарварлик, инсонпарварлик, адолат нуқтаи назаридан қабул қилади ва ривожлантиради.

Истиқлол туфайли миллий маданиятимиз, жаҳон цивилизацияси тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк бобокалонларимизнинг маънавий мероси қайтадан ўрганилди ва тикланди. Халқимиз улардан баҳраманд бўлишга муяссар бўлди. Мустақиллик йилларида халқимиз маънавиятининг юлдузлари бўлган буюк алломаларимизнинг таваллуд топган саналари БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти – ЮНЕСКО билан ҳамкорликда мамлакатимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланди. Масалан:

- 1991 йил (28 сентябрь) — Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги;
- 1992 йил — Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги;
- 1993 йил (18 декабрь) — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги;
- 1994 йил — Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги;
- 1996 йил — Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги;
- 1997 йил (28 ноябрь) — Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги;
- 1998 йил (24 октябрь) — Аҳмад ал – Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги;
- 1999 йил (6 ноябрь) — «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги (Термизда миллий эпос қаҳрамони Алпомиш хотирасини абадийлаштирувчи ёдгорлик мажмуи барпо этилди);
- 2000 йил (16 ноябрь) — Бурҳониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллиги;
- 2000 йил — Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги;
- 2001 йил (3 ноябрь) — «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллик юбилейига бағишлаб тантанали маросим ўтказилди ва ёдгорлик мажмуи бунёд этилди.

Республика миқёсида ҳам бундай тадбирлар амалга оширилди. Масалан:

- 1993 йил 16 сентябрь – Бухорода буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги;
- 1994 йил 24 – 25 сентябрь — Хоразмда давлат арбоби ва шоир Феруз таваллудининг 150 йиллиги;

➤ 1995 йил — улуғ шайх, тасаввуфнинг таниқли вакилларида бири Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги;

➤ 1998 йил 23 октябрь — Фарғона шаҳрида буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги;

➤ 1998 йил 23 октябрь — Самарқандда улуғ ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги (мазкур маросимда дунёнинг 40 та мамлакатидан меҳмонлар иштирок этди. Шу куни Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди);

➤ 1999 йил январь — Хоразм вилоятида шоир ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмуднинг 750 йиллиги;

➤ 1999 йил 17 декабрь — Хоразмда ўзбек шоири, тарихчи Огаҳийнинг 190 йиллиги;

➤ 2000 йил 17 ноябрь — Самарқандда буюк фикҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллиги (ушбу юбилей муносабати билан Самарқанд шаҳрида Мотуридий ёдгорлик мажмуи очилди. Тошкент ва Самарқандда Мотуридий таълимоти ва унинг ислом оламида тутган мавқеига бағишланган халқаро илмий анжуманлар ўтказилди);

➤ 2003 йил 10 май — таниқли ўзбек шоири Ғафур Ғулум таваллудининг 100 йиллиги (юбилей муносабати билан Тошкент шаҳри марказидаги маданият ва истироҳат боғига Ғафур Ғулум номи берилди ва боғда шоир ҳайкали очилди);

➤ 2003 йил 27 ноябрь — Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларида тасаввуф илмининг йирик намояндаси Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги тантанали равишда иншонланди.

Юртимизнинг буюк алломалари ва давлат арбобиларининг номларини улуғлаш мақсадида йилларга уларнинг номи берилди. Масалан:

➤ 1991 йил — Алишер Навоий йили деб эълон қилинди;

➤ 1993 йил — Аҳмад Яссавий йили деб эълон қилинди;

➤ 1994 йил — Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилинди;

➤ 1995 йил — «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» шиори эълон қилинди;

➤ 1996 йил — Амир Темур йили деб эълон қилинди.

Бундан кейинги йиллар ижтимоий – иқтисодий соҳаларга қаратилди.

➤ 1997 йил — «Инсон манфаатлари йили»;

➤ 1998 йил — «Оила йили»;

➤ 1999 йил — «Аёллар йили»;

➤ 2000 йил — «Соғлом авлод йили»;

➤ 2001 йил — «Оналар ва болалар йили»;

➤ 2002 йил — «Қарияларни қадрлаш йили»;

➤ 2003 йил — «Обод маҳалла йили»;

➤ 2004 йил — «Меҳр ва мурувват йили»;


- 2005 йил — «Сихат – саломатлик йили»;
- 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»;
- 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»;
- 2008 йил — «Ёшлар йили»;
- 2009 йил — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»;
- 2010 йил — «Баркамол авлод йили»;
- 2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди.

Буюк алломаларимиз, мутафаккирларимиз юбилейлари муносабати билан уларнинг ўнлаб нодир ва ноёб асарлари ўзбек, инглиз, француз, немис, япон ва бошқа тилларда нашр этилди, ҳайкаллар ўрнатилди, зиёратгоҳ майдонлари, боғлар яратилди.

1991 йилда буюк бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланди. Шу йили Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилди, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Юбилей йилида «Лисон ут-тайр», «Сабъайи сайёр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳайрат-ул Аброр» асарлари нашр қилинди, кинофилмлар ва сахна асарлари яратилди 1991 йил 28 сентябрь куни Тошкент шаҳрида барпо этилган Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳайкали ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғининг очилиш маросими бўлиб ўтди. 2001 йил август Навоий шаҳрида «Алишер Навоий ёдгорлик мажмуи» очилди.



Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти Фахрий нишони



Тошкент. Алишер Навоий ҳайкали

1993 йил 31 август – Тошкентда Амир Темури ҳайкали очилди. 1 сентябрда эса Тошкентда Улуғбек ҳайкали очилди. 1994 йил 13 – 15 октябрь – Тошкент ва Самарқандда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилейи тантаналари бўлиб ўтди. Тошкентда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600



Тошкент. Амир Темури ҳайкали



Мирзо Улуғбек ҳайкали

йиллигига бағишланган «Мирзо Улуғбек ва унинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси» мавзuida халқаро илмий конференция ўтказилди.

Улуғбек мадрасаси, Улуғбек яшаган даврдаги астрономик асбоблар, Тошкентдаги Улуғбек ҳайкали акс этирилган почта маркалари муомалага чиқарилди. Шу йил 24 октябрда Парижда ЮНЕСКОнинг мажлислар залида «Улуғбек ва темурийлар даври» мавзусида Халқаро конференция ҳамда «Улуғбек ва анъанавий санъат» кўргазмаси бўлиб ўтди. Бу тадбирлар Мирзо

Улуғбек қолдирган илмий мероснинг умуминсоний қадриятга айланишига кўмаклашди.

Ҳозирда мамлакатимизнинг турли шаҳар ва вилоятларида буюк алломаларимиз номида истироҳат боғлари ва кинотеатрлар, ўқув даргоҳлари ва кутубхоналар, кўчалар ва хўжаликлар фаолият кўрсатмоқда.

*Тарихий хотиранинг тикланиши
ва миллий ўзликни англаш*

Ўтиш даврида Ўзбекистоннинг узоқ ва яқин ўтмиши ҳамда мустақиллик йиллари тарихини ўрганиш, тадқиқ этиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Тарих хотираси халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди.

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда» **(Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.140).**

Истиқлол йиллари Ватанимиз тарихи ва унинг миллий давлатчилиги пойдеворини ўрганиш борасида пухта ва жиддий иш олиб борилди. 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарих маркази» ташкил этилди.

1998 йил июн ойида Президент И. А. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар билан бўлган суҳбатида ўзбек халқи ва ўзбек давлатчилиги тарихини, тарихимизнинг бошқа саҳифаларини холисона илмий асосда ёритиш вазифалари белгилаб берилди.

1998 йил 27 июлда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилин. Мазкур қарорда Республика тарихчилари олдига ўзбек халқининг ўзлигини англаш билан боғлиқ бўлган муҳим тарихий муаммолар, хусусан, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи, ўзбек давлатчилиги тарихи каби бошқа кўплаб масалаларни илмий асосланган ҳолда халққа етказиш вазифаси кўйилди.

Ўтмиш меросимизни пухта ўрганиш, очилмаган қирраларини излаб топиш, мавжуд манбалар асосида тарих саҳифаларини рўй – рост ёритиш тарихшунослигимизнинг долзарб масаласига айланди. Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини ёритиш ва ўрганиш масалалари партиявийлик, синфийлик ёндашувларидан, ҳукмрон коммунистик мафкурага хизматкор бўлишдан халос этилди. Неча ўн йиллар давомида бузиб кўрсатилган ёки сўз

очилмай келган тарихий воқеаларни холислик, тарихийлик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида ёритилган қатор илмий асарлар, дарсликлар ва ўқув адабиётлари яратилди.

Миллий давлатчилигимиз тажрибаси, Амир Темур тузуклари, Форобий, Алишер Навоийларнинг одил давлат қуриш ҳақидаги доно фикр – мулоҳазалари мустақиллик даврида демократик ҳуқуқий давлат қурилишида катта мадад берди.


1995 йилда Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди. Юқорида таъкидланганидек, Президент Фармони билан 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Шу йили Соҳибқирон 660 йиллигига бағишланган юбилей мамлакатимизда ва ЮНЕСКО қарори билан жаҳон миқёсида нишонланди. ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Амир Темурга бағишланган маданият ҳафталиги (1996 йил 20 – 26 апрель), «Темурийлар



Самарқанд. Амир Темур ҳайкали



Шаҳрисабз. Амир Темур ҳайкали



Темурийлар тарихи давлат музейи

даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб – яшнаши» мавзуида илмий конференция ва кўрғазма бўлиб ўтди. Амир Темурнинг шахси бутун маърифий инсониятнинг бойлиги эканлиги тан олинди.

Амир Темур юбилеи муносабати билан ўнлаб тарихий обидалар таъмирланиб, қайта тикланди, янги иншоотлар қурилди, боғлар яратилди. 1996 йил 18 октябрда Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари марказида кўркам Амир Темур майдони барпо этилди ва улуғвор ҳайкал ўрнатилди. 28 августда ҳар икки шаҳарга «Амир Темур» ордени топширилди. 1996 йил 18 октябрь – Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи тантанали равишда очилди.

1996 йил 23 – 26 октябрь Тошкент шаҳрида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. 2001 йил 18 май – Шаҳрисабзда Амир Темур номидаги маданият музейида рамзий Тинчлик устунининг ўрнатилишига бағишланган маросим бўлди. 2002 йил 12 – 13 август – Темурийлар тарихи давлат музейида «Марказий Осиё тарих кўзгусида: энг қадимдан ҳозиргача» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда 10 дан ортиқ хорижий мамлакатлардан келган таниқли олимлар иштирок этди.

1999 йил 5 ноябрда ватанпарвар сиймо, халқ қахрамони Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги нишонланди. Шу куни Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди хотирасини абадийлаштирувчи ёдгорлик мажмуи барпо этилди.

Истиқлол йилларида ўзбек халқи ва ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим аҳамият касб этган қадимий шаҳарларнинг юбилейлари ҳам республика миқёсда кенг нишонланди. Масалан:

➤ 1993 йил 11 декабрь – ЮНЕСКОнинг қарори билан Бухоронинг тарихий маркази Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. 1997 йил 18 – 19 октябрь кунлари Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтказилди. «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси - учинчи минг йилликка» мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

➤ 1997 йил 20 октябрь – Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

➤ 2002 йил 2 апрель – Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

➤ 2002 йил 1 ноябрь – Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлди.

➤ 2003 йил 12 сентябрь – Нукус шаҳрининг 70 йиллиги нишонланди ва шаҳар «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

➤ 2006 йил 27 октябрь – Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлди.

➤ 2006 йил 2 ноябрь – Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги Хивада тантанали нишонланди.

➤ 2007 йил 24 – 26 май – Самарқанднинг 2750 йиллигига бағишланган «Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий симпозиум ўтказилди.

➤ 2007 йил 25 август – Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Бу маросим Самарқандда 1997 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивалига уланиб кетди.

➤ 2007 йил 7 сентябрь – Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

➤ 2009 йил 26 – 27 май – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган «Ўзбекистон пойтахти Тошкент – 2200 ёшда» мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилди.

➤ 2009 йил 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Бу маросим Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллик тантаналарига уланиб кетди.



Урганч. Жалолиддин Мангуберди хайкали

Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бошқа халқ жигарбандларининг номи, иззат – икромии, хурмати ўз жойига қўйилди, асарлари нашр этилди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда мустамлакичилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида 2000 йил 12 майда Тошкентнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув бўйида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилди. 2001 йил 31 август – қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида Ўзбекистонда илк бор ўтказилди. 2002 йил 31 август – Тошкентнинг «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи бунёд этилди. 2008 йил 31 августда музейнинг қўшимча биноси ва янги экспозицияси ҳам очилди.

Юртимизда давлат томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш ва бу уруш йилларида фашизмга қарши жангларда жон фидо этган халқимизнинг фарзандлари хотирасини тикланиши, абадийлаштириш масаласига ҳам катта эътибор берилмоқда. 1999 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «9 майни Хотира ва кадрлаш куни, деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармоннинг ижроси сифатида 1999 йил 9 майда Ўзбекистон Республикасида биринчи бор 9 май – Хотира ва кадрлаш куни сифатида нишонланди. Шу йилда Тошкентда Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши Ватан озодлиги учун жон фидо этган халқимизнинг фарзандлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Хотира ва кадрлаш майдони» мажмуаси барпо этилди ва 9 май куни унинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

1996 йил 4 декабрда ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг «Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан жангларда ҳалок бўлган 400 мингга



Тошкент. Мотамсаро она монументи

яқин ватандошларимиз ҳақида 34 жилдлик «Хотира» китоби тайёрланди ва нашр этилди.

Мазкур тадбирлар халқимизда миллий онгни юксалтиришга, тарихий хотиранинг тикланишига, ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

**Миллий ва диний
қадриятларнинг тикланиши**

Ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий қадриятлари мавжуд. Шу жумладан ўзбек халқи ҳам ўзига хос бетақдор миллий қадриятларига эгадир. Миллий қадриятлар деганда – миллат учун муҳим ва зарур бўлган жаҳатлар, хусусиятлар, моддий ва маънавий бойликларга айтилади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши туфайли миллий қадриятларга эътибор кучайди. Негаки, миллий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан биридир. Халқимизнинг асрлардан – асрларга мерос қолиб келаётган миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Уларни ўтмиши 3 минг йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштирган Ўрта Осиё цивилизацияси яратди. Бизнинг миллий қадриятларимиз ана шу цивилизацияга хос жиҳатлар билан, яъни туғилган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё, андиша кабиларнинг устуворлиги билан ҳам характерланади. Миллий қадриятларимизда жаҳоннинг бошқа халқларига ўхшамайдиган урф – одатлар, расм – русумлар, маросимлар ва анъаналар ҳам мавжуд.

Ўзбек халқига хос қуйидаги жиҳатлар унинг миллий қадриятлари сифатида бошқа халқлар томонидан эътироф этилган:

- туғилган макон ва она юртига эҳтиром;
- авлодлар хотирасига садоқат;
- катталарга ҳурмат, кичикларга иззат;
- меҳмондўзлик;
- болажонлик;
- маънавият – ахлоқ – одоб – маърифат;
- муомалада мулозамат, ҳаё, андишалилик;

➤ оғир кунларда вазминлик, сабр – тоқат ва ҳоказо. Мустақиллик йилларида халқимизнинг миллий қадриятларини тиклаш, янги маъно – мазмун билан бойитиш йўлида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди.



«Наврўз» байрами

Халқимизнинг азалий қадриятларидан бири «Наврўз» байрамидир. Наврўз қадимдан Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг қадимий анъанавий байрами сифатида нишонланиб келинган. Бироқ, собиқ совет тузуми даврида (XX асрнинг 80 – йиллари ўрталаридан) асоссиз равишда Наврўз диний байрам ва маросимлар қаторида ман қилинди. 1990 йилдан бошлаб Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан 21 Март Наврўз миллий халқ байрами куни сифатида белгиланиб, дам олиш куни деб эълон қилинди. 1992 йилда эса Наврўз байрамига расмий мақом берилиб, у тикланди. Ҳозир Ўзбекистонда Наврўз умумхалқ байрамларидан бири сифатида нишонланади. Ҳар йили шу куни республиканинг барча вилоятларидаги хиёбон ва майдонларда байрам сайллари ташкил қилинади. Бир неча кун мобайнида маҳаллаларда Наврўзга бағишланган тадбирлар ўтказилади, сумалак, ҳалим ва бошқа тансиқ таомлар пиширилади. Наврўз кунлари ҳокимликлар, маҳаллаларнинг фаоллари, хайр – эҳсон ташкилотлари – меҳрибонлик уйлари болалари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳузурига ташриф буюриб, уларни қутлаб, совға – саломлар улашади.

Ўзбекистонда ўзбек халқининг маънавий – маданий меросини тиклаш ва бу соҳадаги муҳим тадбирларни амалга ошириш мақсадида 1994 йил 23 апрелда «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Бу марказ ўзбек халқининг маънавий – маданий меросини тиклаш, миллат келажагини белгилайдиган ғояларни юзага чиқариш, юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий – ижодий салоҳиятини Ватан равнақи сари йўналтиришга қаратилган муҳим тадбирлар, анжуманлар, кўргазмалар ташкил этишни йўлга қўйди. Марказ томонидан аҳоли орасида ўтказилган социологик тадқиқотлар, сўровлар асосида ишлаб чиқилган маънавий – маърифий ишларни ташкил этиш бўйича тавсиялар жамоат бирлашмалари, илмий – ижодий муассаса ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг маънавий – тарбиявий фаолияти савиясини яхшилашда муҳим аҳамият касб этди. 1996 йил 9 сентябрда қабул қилинган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ишини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони жамият маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

1996 йил январда Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳузурида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилди. 1996 йил 27 сентябрда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Олтин мерос» хайрия жамғармасини қўллаб – қувватлаш тўғрисида»ги қарорига биноан мазкур жамғарма давлат томонидан моддий жиҳатдан қўллаб – қувватланди. Бу қарорида ўтмиш миллий маданиятимизни янада тараққий эттириш, буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий – маърифий меросини кўз қорачиғидай асраб – аввайлаш, келгуси авлодларга ёдгорлик қилиб қолдириш, халқимизнинг умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган улкан хиссасини бутун дунёга қайта танитиш, уни кенг тарғиб этиш,

кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига миллий ғурур, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириб бориш кераклиги ҳақида аниқ кўрсатмалар берилади.

«Олтин мерос» хайрия жамғармаси «Халқ мероси дурдоналари» илмий анжуманларини, хориждан излаб топилган кўлёмалар, тарихий хужжатлар, халқ хунармандчилиги амалий санъат намунаари, ёдгорликларини таҳлил қилиш, кўрик-танловлар ўтказиш билан шуғулланмоқда. 1996 – 2002 йилларда «Олтин мерос» жамғармаси саъй – ҳаракатлари натижасида буюк алломаларимиз яратган кўплаб маданий – маънавий мерос намуналари мамлакатимиздан ва хорижий давлатлардан излаб топилди, жамланди ҳамда кутубхона ва музейларга жойлаштирилди. Шунингдек, у халқимизнинг расм – русумларини, урф – одатларини, маросимларини ўрганиш, тиклаш, халқимизга қайтариш, уларнинг маъно – моҳиятини, ҳозирги кундаги аҳамиятини кенг оммага тушунтириш ишига катта ҳисса қўшмоқда.

2006 йил 25 август – Республика «**Маънавият ва маърифат**» маркази Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий – амалий марказига айлантирилди.

Ҳозирда мамлакатимизда Ўзбекистон кутубхоначилик педагоглари ассоциацияси, «**Шахидлар хотираси**» хайрия жамғармаси, «**Олтин мерос**» халқаро хайрия жамғармаси, Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси, Бобур номидаги халқаро жамғарма, «**Ижтимоий фикр**» жамоатчилик маркази, Ўзбекистон маърифатпарварлар жамияти, бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси ва бошқа маънавий – маърифий ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистонда диний кадрятлар, диний эътиқод қайта тикланди. Халқимиз маънавий жиҳатдан кўпгина афзалликларга эга бўлган ислом динини кадрлайди. Барчамизга маълумки, она диёримизда ислом цивилизацияси ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган исломшунос алломалар яшаб ўтган. Масалан, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ислом дини таълимотида Қуръони Каримдан кейинги асосий манба ҳисобланувчи «Ал – Жомий ас – саҳиҳ» («Ишончли тўплам») деб номланган («Саҳиҳи Бухорий» номи билан ҳам аталади) 4 жилд (жуз) дан иборат ҳадислар тўпамини яратиб, ислом динини бойитди. Бобокалонларимиз Имом Абу Мансур ал – Мотуридий, шайхулислов Бурҳониддин ал-Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ат-Термизий, Хўжа Аҳмад Яссавийлар инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматларнинг ижодкоридирлар.

Аммо советлар ҳокимияти даврида жамиятни батамом миллий ва дин кадрятлардан узоқлаштиришга ҳаракат қилинди. Динга қарши кенг миқёсда ташвиқот – тарғибот ишлари олиб борилди. Кўп асрлик маънавий кадрятлардан воз кечиш йўлидан борилди. Масжид ва мадрасаларни ёпиб, бинолардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш ёки атайлаб қаровсиз қолдирилди. Руҳонийлар қатағон қилинди. 1927, 1936 – 37, 1949 йилларда уч

карра «катта тозалашлар» ўтказилди. Бунинг оқибатида маънавият ва маърифатга талафотлар етказилди. Бу, фуқароларнинг эътиқод эркинлиги ҳуқуқига қилинган ошқора тажовуз эди. 1990 йилларда динга бўлган муносабат анча эркинлашди. Хусусан, 1990 йил 14 – 17 сентябрь кунлари Тошкентда ислом дини арбобларидан Муҳаммад Исо Термизийнинг туғилганига 1200 йил тўлишига бағишланган Бутунжаҳон ислом конференцияси бўлиб ўтди.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда диний қадриятлар тўла тиклана бошлади. Қарамлик даврида таҳқирланган диний қадриятларимиз мустақиллик нури билан қайта тикланди, исломшунос алломаларимизнинг улуғ номи ва илмий мероси тикланди.

1993 йил сентябрда Бухорода машҳур шайх Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тантаналари бўлиб ўтди. Юбилей муносабати билан Бухородаги Нақшбанд номи билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар қайтадан тикланди, унинг ижодига бағишланган қатор рисоалар чоп этилди.

1998 йил 23 октябрда Самарқандда буюк мутафаккир Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий – қамарий тақвим бўйича 1225 йиллиги нишонланди. Шу куни Хартанг қишлоғида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи очилди. 2002 йил 5 июнь – Имом Бухорий ёдгорлик мажмуида «Ислом ва дунёвий – маърифий давлат» мавзуида халқаро илмий – назарий анжуман очилди.

2000 йил 16 – 17 ноябрь кунлари Марғилонда ислом ҳуқуқининг асосчиларидан бири Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги, Самарқандда исломшунос олим Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги нишонланди ва улар хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуалари очилди (2000 йил). Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг ислом ҳуқуқига бағишланган «Ҳидоя» китоби нашр этилди. Шунингдек, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, Абдуҳолик Ғиждувонийнинг 900 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Хожа Аҳрори Валий таваллудининг 600 йиллиги кенг кўламда нишонланди.

Мустақиллик шарофати боис мўтабар Қуръони Карим ва ҳадисларни чоп этиш имконияти кўлга киритилди. Жумладан, 1991 йилда Қуръони Карим илк бор ўзбек тилида Алоуддин Мансур таржимаси ва Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» – 4 жилдди ҳадислари тўплами ўзбек тилига таржима қилиниб, унинг 1-жилди илк бор нашр этилган эди (2-жилди – 1996, 3-жилди – 1994, 4-жилди – 1992 йилда чикди; китобнинг иккинчи наشري 1997 йилда чоп этилди).



2001 йилда Қуръони Каримнинг Абдулазиз Мансур таржимаси, 2004 йилда эса илмий – тарихий изоҳлари билан (Муталлиб Усмон ва бошқалар таржимаси) чоп этилди. Ҳозирги кунда Мўйи муборак мадрасада Ўзбекистон

Мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган XII асрга оид «Усмони Қуръон» нусхафи ва нодир қўлёзмалар сақланмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда давлат органлари ва диний ташкилотлар раҳбарлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва хайрихоҳлик муносабатлари қарор топди. 1991 йил 14 июлда Ўзбекистон ҳуқуқий тажрибасида биринчи бор «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингач виждон эркинлиги, давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар конституцион тамойиллар асосида тартибга солинда. 1998 йил 1 майда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

1992 йил 27 март Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайитининг биринчи кунларини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони имзоланди. Ўзбекистон Президентининг 1990 йил 2 июндаги «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига Ҳаж қилиши тўғрисида»ги фармониға биноан Ўзбекистон халқи тарихида биринчи марта бевосита ҳукумат ҳомийлигида ҳар йили Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятларига эга бўлдилар. Мустақиллик йилларида 32 мингдан ортиқ ўзбекистонликлар Макка ва Мадинада Ҳаж сафарида бўлдилар. Юзлаб масжидлар мусулмонларға қайтарилди, янгилари барпо этилди. «Ислом нури» газетаси чиқмоқда. Бу тадбирлар фақат диндорлар учун қилинган марҳаматгина эмас, улар аслида халқимизнинг қадимий расм – русум ва удумларининг, кадриятларининг тикланиши, аждодлар руҳининг қайта уйғонишидир.

Президент Ислом Каримовнинг 1992 йил 7 мартдаги фармони билан Ислом дини омилидан, унинг маънавий имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилди. Унинг тасарруфида Халқаро ислом – тадқиқот институти ва 10 та мадраса фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1000 дан ортиқ талаба – ёшлар таълим олмақдалар.

Ислом таълимоти ва фалсафасини кенг ўрганиш, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур илмий тадқиқ этиш, юқори малакали диншунос, ҳуқуқшунос ва иқтисодчиларни тайёрлаш мақсадида 1999 йил 7 апрелда Тошкент ислом университети ташкил этилди.

2007 йил – Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муасассаси – ISESCO (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳри Триполи (Ливия), Фес (Марокаш), Дакар (Сенегал) шаҳарлари қаторида Ислом маданиятининг 2007 йилдаги пойтахти деб эълон қилинди.

2007 йил 14 – 15 август – Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Тошкент шаҳрининг 2007 йилдаги Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишиға бағишланган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро конференция ўтказилиб, унда 30 дан ортиқ давлатлардан келган олимлар катнашди.

Бугунги кунда республикада 17 диний конфессия рўйхатға олинган ва

расман фаолият кўрамоқда. 170 дан ортиқ диний ташкилотлар ишлаб турибди ва уларда Ўзбекистонда яшовчи 130 миллат ва элат вакиллари ўзларининг диний эҳтиёжларини қондирмоқдалар. 1,7 мингдан ортиқ масжидлар, христиан ибодатхоналари ва бошқа диний марказлар таъмирланди ва янгидан қурилди.

2. Мустақиллик йилларида фан ва маданиятнинг ривожланиши.

Мустақиллик йилларида ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий қайта қуришлар қаторида маданият соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Бу аввало илм – фан, адабиёт, театр санъати, миллий мусиқа, меъморчилик соҳаларида яққол кўзга ташланади.

Таълим равнақи

Маънавий – маърифий соҳадаги ютуқларимиз таълим тизимидаги туб ўзгаришларда яққол намаён бўлмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан таълимни тубдан ислоҳ қилиш йўллари ишлаб чиқилди.

1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда 1991 – 1996 йилларда эълон қилинган 30 дан зиёд Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида таълим соҳасида қатор ўзгаришлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда таълим тизимлари фаолияти бевосита бошқарувини икки вазирлик - Халқ Таълими Вазирлиги (ХТВ) ҳамда Олий ва Ўрта Махсус



Таълим Вазирлиги (ОЎМТВ) - амалга оширади.

Мустақиллик йилларида халқ таълимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини мустақамлаш соҳасида муҳим чора – тадбирлар амалга оширилди. Янги олий ўқув юртлари ташкил этилиб, билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2004 йил 21 май – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Олий таълим тизимидаги 16 университетнинг 12 таси мустақиллик йилларида ташкил этилди. Масалан, 1992 йил 15 мартда вилоятлардаги педагогика институтлари негизида Андижон Давлат университети, Бухоро

Давлат университети, Термиз Давлат университети, Урганч Давлат университети, Қарши Давлат университети ташкил қилинди.

Мустақиллик йилларида энг зарур замонавий мутахассисликлар бўйича ўнлаб янги олий ўқув юртлири – Мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги қошида Ички ишлар академияси, Банк – молия академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент авиация институти, Навоий тоғ – кончилик институти, Тошкент Молия институти ва бошқалар ташкил этилди.

1997 йил 29 – 30 август кунлари Тошкентда биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX – сессиясида бўлиб ўтди. 27 августда «Таълим тўғрисида»ги Қонун (янги тахрирда) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Уларда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг қуйидаги асосий принциплари белгилаб берилди:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий – ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб – ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб – ҳунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб – ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилиши белгиланди:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб – ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.



Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдан иборатдир.

Миллий дастурда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида босқичма – босқич амалга оширилаётган ислоҳотларга монанд равишда, таълим ислоҳотларини уч босқичда амалга ошириш назарда тутилган.

Биринчи босқич (1997 – 2001 йиллар)да мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида Ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий – услубий, молиявий – моддий шарт – шароитлар яратиш вазифалари рўёбга чиқарилади.

Иккинчи босқич (2001 – 2005 йиллар)да Миллий дастур тўлиқ рўёбга чиқади, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий – иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритилади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар)да тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилади ва ривожлантирилади.

Фан раънақи

Бугунги кунда Ўзбекистон олимлари ота – боболари яратиб кетган илмий меросни чуқурроқ ўрганиб янада бойитмоқдалар. Улар ўз миллий асарлари ва кашфиётлари билан жаҳон илм – фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 июлдаги «Илм – фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармоннинг ижросини таъминлашга йўналтирилган қарори илм – фан тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Республика Фанлар академияси қошида Илмий ишланмаларни ички ва ташқи бозорда тарғиб этувчи ва тарқатувчи инновация тижорат маркази ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий Аттестация комиссияси ташкил этилиши муносабати билан Фанлар Академиясининг мавқеи ортди. 1997 йилда Президент фармони билан Хоразм Фанлар академияси қайта тикланди.

Республикада илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг фаолияти янада такомиллаштирилди, шунингдек, Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Банк – молия Академияси, Нукус ва Самарқандда Ўзбекистон Республикаси ФАнинг бўлимлари очилган. Илмий-тадқиқот ишлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатадиган илмий-тадқиқот институтлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий марказлари, шунингдек, университетлар ва бошқа олий ўқув юртларида ҳам олиб борилади. Илмий кадрлар Фанлар Академияси тизимида ҳам, олий ўқув юртлари, халқ таълим тизимида ҳам тайёрланмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатда илм – фанга алоҳида эътибор берилди. Халқ хўжалиги ва маданий ҳаётнинг тобора ортиб

бораётган талабларидан орқада қолаётган илмий-тадқиқот институтлари тугатилди. Турмуш тақозо этган янги институтлар очилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 апрелидаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янги Низоми тасдиқланди.

Ўзбек олимларининг фан – техника соҳасидаги ютуқлари нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам тан олина бошланди ва кўпчилик олимларимиз давлатимиз мукофотларига сазовор бўлдилар ва хорижий давлатлар академияларига ҳам ҳақиқий, ҳам фахрий аъзоликка сайландилар. Юртимизда илм – фан соҳасини ривожлантиришга ўзининг хиссасини қўшган олимларини тақдирлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фанлар Академияси ал-Хоразмий номидаги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги олтин медаллари ҳам таъсис этилди.

Ҳозирда Республика илмий – тадқиқот мажмуаси 362 та академик, олий ўқув юртли ва тармоқ муассасаларидан иборат. Уларнинг 101 таси илмий – тадқиқот институти, 55 таси олий ўқув юртли тасарруфидаги илмий – тадқиқот лаборатория ва бўлимлари, 32 таси илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва экспериментал корхоналари, 30 таси ахборот – ҳисоблаш марказларидир. Фан соҳасида 46 мингга яқин киши, жумладан, 2,8 минг фан доктори ва 16,1 минг фан номзоди тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда.

Юртбошимиз айтганларидек, XXI асрда қуроли, кўшини бўлган давлатгина эмас, балки турли соҳалар бўйича кучли мутахассислари бўлган давлатгина қудратли давлат ҳисобланади. Зероки, ҳар бир халқ фан соҳасида катта ютуқларни қўлга киритган машҳур фарзандлари билан буюқдир.

Бадиий адабиёт

Мустақиллик йилларида бадиий адабиётда миллийлик, минг йиллик тарихий ижодий анъаналар, умуминсоний қадриятлар, эркин фикр юритиш тамойиллари тикланди. Бадиий адабиёт синфийлик, партиявийлик, коммунистик мафкуравийлик каби ақидалар ҳукмронлиги иллатларидан озод бўлди.

Ижодий фаолиятда мустақилликни асраб – авайлаш, демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш, ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялаш, миллий ўзликни англаш, юртдошларимиз онгида миллий истиқлол ғояларини шакллантириш каби масалалар бош мавзу сифатида ўрин эгаллади.

Бадиий адабиётда мустақилликни асраб – авайлаш, озод ва обод Ватан қуриш, баркамол инсонни тарбиялаш, миллий ўзликни англаш каби масалалар бош мавзу бўлиб қолди. Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Примкул Қодиров, Хуршид Даврон каби ижодкорларнинг тарихий роман, пьеса ва қиссаларида улуғ бобоқалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, З.М. Бобур ва бошқаларнинг сиймолари умуминсоний ва миллий қадриятларга мос тарзда янги талқинда ёритилди.

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиёти, адабиётшунослик фани тараққиётида ҳам янги саҳифалар очилди. Асарлари зарарли, ўзлари миллатчи деб ноҳақ баҳоланган Чўлпон, Отажон Ҳошим, Вадуд Маҳмуд, Мунавварқори

сингари миллатпарвар ёзувчи, маърифатпарварлар ижоди холисона ўрганилиб, уларнинг асарлари чоп этилди, театр сахналарида ўз ўрнини эгалладилар. Маърифатпарварлар фаолиятининг асл моҳиятини, адабий, маданий, сиёсий ҳаётдаги ўрнини рўйи – рост кўрсатиш бошланди. Ўтмишда диний ва сарой адабиёти вакили деб тамға босилган буюк шоир ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, асарлари халққа қайтарилди.

Мустақиллик даври адабиётининг байроқлари Ўзбекистон қахрамонлари Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ шоирлари Муҳаммад Юсуф, Ҳабиб Саъдуллаевлар ижодий фаолияти билан бутун халқимиз фахрланади.

Миллий истиқлол давридаги ўзбек адабиётшунослиги олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда Озод Шарофиддинов, Бегали Қосимов, Найим Каримов, Эркин Каримов, Аҳмад Алиев, Нажмиддин Комиловларнинг асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Т.Маликнинг романлари, О. Матжон, О. Ҳожиёва, Х. Султонов, А. Суюн, Й. Эшбек, Ҳ. Дўстмуҳаммад, Ш. Салимова сингари шоир ва адибларнинг бадиий баркамол, ғоявий етук асарлари ўзбек миллий истиқлол адабиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Teamp

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган маънавий – маърифий ислохотлар жараёнида театр санъати ҳам ривожланди. 1991 – 1994 йилларда бир қатор вилоят марказларида янги театрлар ишга туширилди.

1993 йил август ойида Тошкент шаҳрида иш бошлаган «Туркистон» саройи нафақат меъморчиликнинг ёрқин намунаси, балки сахна гуруҳлари ва атоқли артистларнинг чиқишлари бўладиган даргоҳга айланди. Андижонда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган ёшлар театри, Аббос Бакиров номли ёшлар ва болалар театрига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1995 йил 20 октябрдаги «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб – қувватлаш ва рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармонлари асосида театрлар давлат бюджети ҳисобига қўллаб – қувватланди. Фармонга биноан Маданият ишлари вазирлиги тизимида ва театр ижодий ходимлари уюшмаси қошида 1998 йилда «Ўзбектеатр» ижодий – ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Бирлашма театр жамоаларига халқимизнинг бой маънавий оламини, унинг маданий мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотувчи спектакллар яратишда, истеъдодли ёшларни театрга жалб қилишда, театрларнинг моддий – техникавий базасини мустаҳкамлашда, ижодий ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишда кўмаклашди. Алишер Навоий номли Давлат академик катта опера ва балет театри Япония томонидан 1995 йилда бепул ажратилган 47 млн. иен (1500 минг АҚШ доллари) қийматига тенг янги ускуналар билан жиҳозланди. Республикамизда 41 та профессионал

театр фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир вилоятда қўғирчоқ театрлари болаларга хизмат қиляпти.

2001 йилда республика театр санъатида муҳим тарихий воқеа содир бўлди. Ҳамза номидаги Ўзбек академик драма театри биноси мухташам кошона шаклида қайта қурилди, замонавий театр ускуналари ва мебеллар билан жиҳозланди. Президент фармони билан унга Миллий театр мақоми берилди.

Республика театрлари Ватан тарихини сахна асарлари орқали ёритишга алоҳида эътибор беряптилар. Миллий академик драма театри ва Қашқадарё мусикали драма театри жамоалари «Соҳибқирон», Хоразм вилояти мусикали драма ва комедия театри «Жалололдин Мангуберди», Аброр Ҳидоятлов номли ўзбек давлат театри «Буюк ипак йўли» каби тарихий драмаларни сахнага қўйдилар.

Театрларнинг 90 – йиллар иккинчи ярмидаги репертуарларида тарихий пьессалар кенг ўрин олди. 1996 йили Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан 10 та янги спектакл сахналаштирилди. «Наврўз – 97» театр фестивали муносабати билан Соҳибқирон образини ифодаловчи 14 спектакл намойиш этилди. 1998 йили ал-Фарғоний, ал-Бухорийларни юбилейларига бағишланган пьессалар яратилди. Мамлакатимизнинг бой тарихини намойиш этувчи спектакллар Тошкентнинг етакчи театрларидагина эмас, барча вилоятларнинг театр сахналарида қўйилди. 1995 – 1997 йиллари Республика театрлари томонидан 313 янги спектакллар қўйилди.

Мухтасар айтганда, республикада театр санъати халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини бойитиш, улар онгига Миллий истиқлол ғоясини сингдира бориш, ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришда ахлоқий, эстетик тарбия мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Мусиқа ва рақс санъати

Ўзбекистонда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантириш мақсадида 1996 йилда «Ўзбекнаво» гастрол – концерт бирлашмаси (2001 йилдан «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси номини олган) ташкил этилди. Унда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб – қувватлаш масалалари кўзда тутилди. Санъатни барча соҳалари, маданий – маърифий муассасалари учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш Республика Президентининг доимо эътибор марказида бўлиб келди. Хусусан, Президент И. Каримовнинг 1996 йил 31 декабрдаги «Мусиқа таҳсилини яхшилаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, ўқув юртларига 6,5 минг дона мусиқа анжомлари ажратилди.

Ислохотлар даврида советлар давридаги маданият ўқув ишлари қайта тузилиб, кўплаб янги ўқув масканлари ташкил этилди. 90 – йиллар охирида мамлакатда 27 та махсус ўқув юрти фаолият кўрсатди. Шундан биттаси олий ўқув юрти, 20 таси ўрта махсус билим юртлари, 2 мактаб – интернат.

Мустақиллик йилларида миллий кўшиқчилик санъати ҳам ривожланди. Республика маданият ишлари вазирлиги, 1992 йилда ташкил этилган «Халқ

ижоди ва маданий – маърифий ишлар республика Маркази», унинг вилоятлардаги бўлимлари мусиқа ва кўшиқчилик санъатини, ҳаваскорлик ва фольклор жамоалари фаолиятини ривожлантириш, унутилган халқ оҳанглари тиклаш мақсадида турли хил кўрик танловлар, фестиваллар ташкил этдилар. 1992 йилда Тошкентда «Асрларга тенгдош наволар» ва «Боқий овозлар», Хоразм вилоятида фольклор жамоалари, Андижонда аския, қизиқчи ва масхарабозларнинг, Қўқонда катта ашула, лапар ва ялла ижрочиларининг кўрик – танловлари ўтказилди. 1994 йил май ойида Парижда бўлиб ўтган «Шарқ мусиқаси» фестивалида Муножот Йўлчиева ва Шавкат Мирзаевлар иштирок этиб, ўзбек миллий кўшиқчилик санъатини жаҳонга намоиш этдилар.

Республика Президентининг 1996 йил 27 августдаги «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқлар байрами тўғрисидаги фармони кўшиқчилик санъатини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди. 1996 йилда барча вилоят, шаҳар ва туманларда ўтказилган «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқ танловида 54 мингдан зиёд кўшиқчилар қатнашди. Бундай кўрик танлов ҳар йили август ойида ўтказиладиган бўлди ва август ойининг учинчи якшанба куни «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқ байрами куни деб белгиланди. Бу танлов жараёнида Ватан, мустақилликни эъзозловчи юзлаб янги кўшиқлар яратилди. «Ўзбекистон – Ватаним маним», «Мен сени севаман, Ўзбекистон», «Ватан ягонадир», «Мустақиллик гуллари», «Она юртим», «Ўзбекистон аскарлари» кўшиқлари шулар жумласидандир.

1997 йил 11 мартда қабул қилинган Республика ҳукуматининг ««Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори мусиқа санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, ривожлантиришда дастурамал бўлиб хизмат қилди. 1997 йил 25 август – 2 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» биринчи Халқаро фестивалида дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан ижрочилар, санъатшунослар, жамоат арбоблари иштирок этди, фестивалда янграган ўзбек оҳанглари, куй – кўшиқлари жаҳон узра таралди. Ҳар икки йилда Самарқандда «Шарқ тароналари» Халқаро фестивалини ўтказиш анъана тусини олди.

Ўзбекистонда мусиқа, рақс ва кўшиқчилик санъатини ривожига ҳар йили 31 август ва 21 март кунлари ўтказилаётган Мустақиллик ва Наврўз кунларига бағишланган байрам тантаналари ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Музей

Миллатимизнинг ўзлигини англашда миллий, тарихий қадриятларимизни тиклашда музейлар алоҳида ўрин тутди. Моддий маданиятимизнинг асосий соҳаларидан биттаси музейлар ҳисобланади. Музейлар тарихий ёдгорликлар маскани, адабиёт, санъат, урф – одатлар, ҳаёт образларимизнинг моддий ва маънавий жиҳатдан бир кўриниши, кузгуси, тасвири. Музейлар қадимий санъат, маданият асарларининг йиғиндиси, асраб сақланадиган гўзал саройидир. Музейлар орқали ўтмишни, тарихни куриш, эслаш, сезиш, ўрганиш мумкин. Музей ҳозирги кунимизни

ҳам, келажак режамизни ҳам тасвирлайди. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида мавжуд музейларни таъмирлаш, уларни янги экспонатлар билан бойитиш, янги музейлар барпо этишга алоҳида эътибор берилди.

1992 йилда Наманганда улуғ ўзбек шоири Бобораҳим Машраб музейи, Хоразмда ҳофиз Ҳожихон Болтаев номли мақомчилар музейи, Урганчда Хоразм халқ амалий санъати ва тарихи музейи, Бухорода темирчилик музейи, Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида халқ бахшиси Ислом шоир Назар ўғлининг уй – музейи, 1993 йилда Тошкентда ўзбек аёллари орасидан чиққан биринчи ҳуқуқшунос олима Ҳадича Сулаймонова музейи, Ўзбек раққосаси Мукаррама Турғунбоева музейи, Навоий вилоятининг Томди туманида машҳур чўпон, икки марта Мехнат Қаҳрамони Жабой Башманов музейи, 1994 йилда Тошкентда халқ рассоми Уста Муҳиддин Раҳимов музейи, 1996 йилда Ўзбекистон Гидрометеорология музейи, 1997 йилда Бухорода машҳур зарб қилувчи Салим Ҳамидов музейи, шунингдек олий таълим муассасаларида кўплаб музейлар очилди.

1996 йил 1 сентябрь куни Тошкентда Осиёда ягона бўлган Олимпия шон – шуҳрат музейи очилди. Бу музей ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро мусобақаларидаги муваффақиятларини намойиш этадиган, мамлакатимизда спорт ҳаракатининг ривожини рағбатлантирадиган марказ бўлиб қолди.

Ўзбекистон Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ва унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган республика ҳукуматининг «Музейлар фаолиятини қўллаб – қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда музей ишини ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди. Маданият ишлари вазирлиги, «Олтин мерос» жамғармаси, Бадиий академия, Молия вазирлиги, Мехнат вазирлиги музейлар раҳбарияти билан ҳамкорликда музейларнинг ривожланиши ва молиявий таъминоти бўйича дастур ишлаб чиқилди. Музейлар давлат муҳофазасига олинди, уларни таъмирлаш, музей экспонатларини бойитиш давлат бюджети ҳисобидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, илмий – услубий ёрдам кўрсатиш, моддий жиҳатдан қўллаб – қувватлаш мақсадида 1998 йилда «Ўзбекмузей» Республика жамғармаси тузилди. Аҳолининг музейшунослик маданиятини оширишга кўмаклашувчи «Мозийдан садо» журнали таъсис этилди ва у 1999 йилдан бошлаб ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этила бошланди. 1999 йилда давлат қарамоғидаги музейлар 81 тани ташкил қилиб, шулардан 15 таси тарих музейлари, 23 та ўлкашунослик, 10 та бадиий санъат қошонаси, 20 та мемориал муассаса, 8 та адабиёт, 4 та тиббиёт музейларидир. Шунингдек, мамлакатнинг шаҳарлари ва туманларида 510 музей фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг меъморий ёдгорликларга бой 10 та шаҳри тарихий шаҳарлар рўйхатига киритилган. 2500 та меъморий обида, 2700 та археологик ёдгорлик, 1800 монументал санъат асари давлат муҳофазасига олинган. Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларидаги 3 та музей – қўриқхоналарида

бутун дунёдаги энг нодир тарихий ёдгорликлар, меъморий обидалар, монументал санъат асарлари сақланиб қолган, давлат муҳофазасида янгидан чирой очаётган музейлар сифатида эътироф этилган. Маълумотларга кўра, 2000 йил бошларида Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги жами музейлар 1.350 минг экспонантларга эга бўлган. Ҳозирда уларнинг сони яна бойитиб борилмоқда.

Меъморчилик ва амалий санъат

Мустақиллик йилларида шаҳарсозлик ва архитектура қурилиши мисли кўрилмаган даражада авж олди. Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрининг қиёфаси тубдан ўзгарди, юзлаб замонавий, кўркам, осмонўпар бинолар бунёд этилди. Олий Мажлис, Президент қароргоҳи — Оқсарой, Темурийлар тарихи давлат музейи, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Туркистон саройи, Республика биржа маркази, Бизнес марказ, Марказий банк, Миллий банк, Банклараро молиявий



Замонавий меъморчилик намуналари

хизматлар маркази, Халқаро савдо – кўрғазма хизматлар мажмуаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Тата, Интерконтинентал ва Тошкент – Шератон меҳмонхоналари шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидаги тарихий биноларни тиклаш ишлари жадаллик билан олиб борилди. Бунга Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива шаҳарларида қайта тикланган ўнлаб бинолар, обидалар мисол бўла олади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида юзлаб академик лицей ва касб – ҳунар коллежлари учун маҳобатли бинолар бунёд этилди.

Ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати, тасвирий анъатларида ҳам анъанавий ва замонавий усуллар уйғунлашиб етук асарлар яратилди ва яратилмоқда. Ўзбекистонда қадимдан амалий санъат ўзига хос тарзда ривожланиб келган.

Мустақиллик йилларида бадий кулолчилик, пичоқчилик, заргарлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик, безакчилик каби амалий санъат турлари тикланди ва янги маъно – мазмун билан ривожланиб бормоқда. Мустақиллик шарофати билан дизайн санъати ҳам жадал ривожланмоқда. Тасвирий санъат, рассомчилик санъатининг ривожидида 1997 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Бадий академияси ва «Тасвирий ойина» республика ижодий уюшмаси муҳим роль ўйнади. Ўзбекистон халқ рассомлари Малик Набиев, Баҳодир Жалолов ва бошқалар халқимиз онгида миллий ғурур, Ватанга садоқат туйғуларини уйғотувчи қатор санъат асарлари яратдилар. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо портретлари шулар жумласидандир. Тасвирий ва миниатура санъати янги маъно – мазмун билан бойиди. Шаҳар кўчаларига бугунги ҳаётимизни тасвирловчи расмлар ўрнатилди, биноларнинг деворлари одамларга ҳузур – ҳаловат, завқ бағишлайдиган нақшлар билан безатилди.

Хулоса, Ўзбекистон ўзининг мустақиллик йиллари давомида иқтисодий – ижтимоий борадаги ютуқлари билан бир қаторда; мафкуравий – маънавий, маданий ишларга ҳам эътиборни кучайтириб, жаҳоннинг ривожланган давлатлари орасида ўз нуфузи ва обрўсини юқори кўтармоқда.

3. Миллий истиқлол ғояси. Жамият маънавиятини юксалтириш соҳасидаги энг асосий вазифа миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва одамлар онгига сингдиришдан иборатдир.

1993 йил 23 апрель куни Президент Ислон Каримов бир гуруҳ адиблар билан суҳбат қилиб, миллий истиқлол ғоясини ишлаб чиқиш заруратини асослаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида 1993 йил 7 май куни нутқ сўзлаб, Президент Ислон Каримов кўйидагиларни таъкидлади:

➤ Миллий истиқлол ғояси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр – оқибат, инсоф, сабр – тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

➤ Шу билан бирга бу ғоя халқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги тараққий топган давлатлар орасида тенг ҳуқуқли асосда муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак.

«Тафаккур» журналининг 1998 йил 2 сонидида журнал бош муҳаррирининг саволларига Президент И. Каримовнинг жавоблари эълон қилинди. Мазкур жавобларда миллий ғоямизнинг назарий ва амалий жиҳатлари янада чуқурроқ ёритилди. Бугунги кунда собиқ Иттифоқ замонида ҳукмронлик қилган, одамларни куллик, мутелик ҳолатига солган, манқуртга айлантирган коммунистик мафқуранинг танқид қилиш, таъқиқ қилиш, маъмурий чоралар кўриш йўли билан енгиб бўлмайдиган. «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин», — деган ҳақ фикрни илгари сурди Ислон Каримов.

Миллий истиқлол ғоясидан кутилган мақсад нима?

«Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлига бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғулар — ифтихорини, керак бўлса, кудратини, орзу — интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир... Токи бу мақсад халқни — халқ, миллатни — миллат қила билсин, кўлимизда енгилмас бир кучга айлансин» **(И.А. Каримов. «Тафаккур» журнали. 1998 йил, 2 сони).**

И.А. Каримов «Жамият мафкурасини қандай тушунасиз?» деган саволга куйидагича жавоб берди:

«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ — равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан» **(И.А. Каримов. «Тафаккур» журнали. 1998 йил, 2 сони).**

Миллий мафкуранинг шаклланишида кимнинг манфаатлари ва қарашлари юзага чиқиши керак?

«Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш, оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг беҳатар, тинч — омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч — ғайрат манбаи бўлиши лозим». **(И.А. Каримов. «Тафаккур» журнали. 1998 йил, 2 сони).**

Президент И. А. Каримов суҳбатда «Хўш, миллий ғоя, миллий мафкура нималарни ўзида мужассамлаштириши ва қандай талабларга жавоб бериши керак?» деган саволни қўяди ва унга жавоб берар экан, куйидаги дастурий аҳамиятга молик фикр — мулоҳазаларни, вазифаларни илгари суради:

➤ Миллий мафкура, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт;

➤ иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма — хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл — юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя — мафкура бўлиши керак;

➤ учинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва

халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишида пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор;

➤ тўртинчидан, миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл – юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олийжаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур;

➤ бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак.

Жамият маънавиятини янгилаш ва янада юксалтириш бугунги кунда ҳам мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб турибди. Юртбошимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» маърузаларида ислохотларнинг янги босқичида маънавият соҳасидаги вазифаларни асослаб берди.

Юртбошимиз ҳозирги замонда инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун мафкуравий кураш бўлаётганлиги, кўп нарсаларни мафкура майдонларида бўлаётган курашлар ҳал қилиш мумкинлиги, Ўзбекистонда ҳам баъзи ёшларни йўлдан чалғитадиган диний экстремизм ҳафви мавжудлиги ҳақида огоҳлантирилмоқда. 80 – йилларнинг охирида мамлакатимизга ўзини «дўст», «диндош», «миллатдош» қилиб кўрсатиб, гўё ислом динининг софлиги учун курашишга «даъват» этувчи айрим кимсалар кириб келганлиги маълум. Улар муқаддас ислом динимизни асл моҳиятини билмайдиган оддий одамларни, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бизга бегона бўлган диний ақидаларни ёйишга уринди, айрим ёшларни ўзига маҳлиё қилишга, жаҳолат ва жинойт ботқоғига тортишга улгуришди ҳам. 1991 йил 8 декабрда Наманган шаҳрида ва 1999 йил 16 февраль Тошкент шаҳрида содир этилган қонли воқеалардан кейингина бу кучларнинг нияти ҳокимият учун кураш бўлиб, улар дин ниқоби остида ҳаракат қиладиган халқаро террорчилик ҳаракатининг Ўзбекистондаги бир тўдаси экани ошкор бўлди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида эски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшлиқ вазиятида бегона ғояларнинг Ўзбекистонга хуружи кучайди.

Бундай мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?

«Бунинг йўли — одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон – эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш... Фарзандларимиз юрагида она – Ватанга, бой тарихимизга, ота – боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур» (И.А. Каримов.

«Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман». «Фидокор» газетаси. 2000 йил 8 июнь).

Шундай қилиб, Ислон Каримов Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғоясини яратиш ташаббускори ва ижодкори бўлди. **Миллий истиқлол ғоясининг** маъно – мазмуни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағри кенгликни таъминлаш каби инсонпарвар тамойилларни ўзида уйғунлаштирган ҳолда шаклланди. **Миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсади:** озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш!, – деб белгиланди.

Мамлакатимизда миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва санъат, маҳаллалар ва меҳнат жамоалари томонидан одамлар онги ва қалбига сингдирилмоқда. Барча таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитиш жорий этилди.

17 - мавзу: Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти

Режа:

1. XXI аср бўсағасида халқаро вазият. Мустақил Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши.
2. Ўзбекистон ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги.
3. Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари.
4. Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқалари.
5. Ўзбекистоннинг АҚШ ва Европа мамлакатлари билан ҳамкорлиги.

Таянч сўз ва иборалар: Халқаро аҳвол. Тинчликка хавф солувчи таҳдидлар. Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни. Ташқи сиёсат тамойиллари. Ўзбекистон ва БМТ. Ўзбекистон ва ЕХХТ. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи. Ўзбекистон ва МДҲ. МОИҲ. МОҲ. Ўзбекистон ва Осиё мамлакатлари. Ўзбекистон ва АҚШ. Ўзбекистон ва Европа мамлакатлари ҳамкорлиги.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
6. Мустақиллик: Изоҳли илмий – оммабоп луғат // Р. Рўзиев ва Қ. Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри. –Т.: Шарқ, 2006.
7. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ: Дарслик. –Т.: Адолат, 2001. –Б. 283-304.
8. Салимов О., Усмонов Қ., Ғаниев Д. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. –Т.: Шарқ, 1999. –Б.180-217.
9. Юнусова М., Мўминов Х. Ўзбекистонда геосиёсат ва геосиёсий вазият асослари. – Андижон: 2007.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1, 2, 3 ...12 жилдлар.
11. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 496-551.
12. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.593-613.
13. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) / Қ. Ражабов [ва бошқ.]; масъул муҳаррир: И. Саидов. – 3-тўлдирилган ва тузатилган нашри. –Т.: O'zbekiston, 2010.

14. Ҳақимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. –Т.: Гафур Фулом, 2001.

15. Jo'raev N. O'zbekistonning yangi tarixi. Uchinchi kitob. Mustaqil O'zbekiston tarixi. – То'ldirilgan, qayta nashr. –Т.: G'afur G'ulom, 2009. –В.581-655.

16. Usmonov Q. O'zbekiston tarixi. –Т.: IQTISOD – MOLIYA, 2006. –В. 453-496.

<http://www.gov.uz>;

<http://www.ursu.uz/ursulib/taqdimot/khiva/Viza/uz/embassy.htm>

www.mfa.uz; www.mfer.uz; <http://www.sectsc.org/>; <http://www.cis.minsk.by>

1. XXI аср бўсағасида халқаро вазият. Мустақил Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати ва жаҳон ҳамжамиятига кўшилиши. XX асрнинг 90 йилларига қадар дунё икки қутбли бўлиб, бир – бирига қарама – қарши бўлган кучлар нисбати икки жойда – СССР ва АҚШ етакчилик қилган икки ижтимоий – сиёсий тузум, икки ҳарбий – сиёсий кучларнинг қўлида эди. Халқаро вазиятнинг тинчлиги ва хавфсизлик тизими шу икки томоннинг ўзаро муҳолифлик мувозанатига асосланган эди. Дунёда «совуқ уруш» сиёсати ҳукмронлик қиларди. Бутун инсоният ядро уруши хавфи остида яшарди. Бирок собиқ Иттифоқнинг парчаланиши натижасида унинг таркибидаги 15 та мустақил давлат, жумладан мустақил Ўзбекистон давлати вужудга келди. «Совуқ уруш» сиёсати барҳам топди. XXI аср бўсағасида халқаро вазиятнинг ўзгариши жаҳон тараққиётининг ҳолатини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Энди дунё кўп қутбли бўлиб қолди. Дунёнинг геосиёсий ҳолати янги паллага кўтарилди.

Дунё янгилалини жараёнида ҳар бир давлат ўз тараққиёт кўлами билан жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун ҳаракат бошлади. Шулар қатори Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишга киришди.

**Ўзбекистоннинг геосиёсий
илмқониятлари**

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёдаги йирик сув йўллари бўлган Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган. Мамлакат майдони 447,4 минг км² ташкил қилади. Бу Буюк Британия, Белгия, Дания, Австрия ва Швейцария ҳудудларини кўшиб ҳисоблаганда улардан кўпдир. Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутган Ўзбекистон қадимда ҳам, ҳозир ва келажакда ҳам Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб орасидаги алоқаларни бир – бири билан боғловчи мамлакатдир. 2005 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистон ўзининг маъмурий – ҳудудий тузилиши жиҳатдан 12 вилоят, 164 та туман, вилоят ва республикага бўйсунувчи 51 шаҳар, туманга бўйсунувчи 91 та шаҳар, 108 та шаҳарчалар, 1451 тадан ошиқ бўлган қишлоқ ва овулларга эга.

Ўзбекистон Республикаси ўзига хос географик тузилиши билан Ўрта Осиё минтақасидаги давлатлар орасида алоҳида ажралиб туради. Бундай географик жойлашувнинг қулай ва ноқулай томонлари мавжуд бўлиб, улар

республиканинг геосиёсий вазияти ва геостратегик манфаатлари ҳамда унинг ички ва ташқи сиёсатини танлаш ва белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақил Ўзбекистоннинг қулай геосиёсий имкониятлари қуйидагича:

➤ Узоқ ўтмишдан Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қадимги савдо – сотиқ, тижорат, маданий – илмий ва дипломатик алоқалар йўли бўлган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон ҳудудидан ўтган. Ҳозирда ҳам Европа ва Яқин Шарқдан Осиё – Тинч океани минтақасига олиб борадиган йўллар Ўрта Осиёдан, унинг ўртасида жойлашган Ўзбекистондан ўтади;



➤ Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон ўзининг геосиёсий ҳолатидан келиб чиқиб, мазкур минтақада кучлар нисбати ва мувозанатини сақлаш, иқтисодий интеграция жараёнини ривожлантириш, барқарорликни таъминлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятига эга. Ўзбекистон бугунги кунда қўшни давлатлар – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон ўртасида боғловчи халқа вазифасини ўтаб келмоқда. Минтақа доирасида манфаатли муносабатлар ўрнатиш имконияти Ўзбекистон орқали очилади. Ўрта Осиё минтақасида тинчлик, барқарорликни ва кучлар мувозанатини таъминлаш жараёнида Ўзбекистон сезиларли роль ўйнаш учун ҳамма имкониятларга эга;

➤ Ўзбекистон ўзининг жойлашувига кўра Ўрта Осиёнинг транспорт, энергетика, коммуникация, сув тизими марказида жойлашган. Республиканинг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори. Мустаҳкам меҳнат салоҳияти, илмий – техникавий ва бошқа имкониятлари жиҳатидан минтақадаги бошқа давлатлардан маълум даражада устун туради;

➤ табиий – иқлим шароити қулай, улкан минерал – хом ашё захиралари ва стратегик материалларга эга, деҳқончилик маданияти ривожланган, озиқ – овқат билан ўзини таъминлашга қодир. Ўзбекистонда саноатининг базавий ва

замонавий тармоқлари мавжуд. Ўзини нефть, газ, рангли металллар билан таъминлабгина қолмай, уларни экспорт қилиш имкониятига эга. Бу кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикасининг ер остида амалдаги Менделеев даврий тизимининг барча элементлар мавжуд. Ҳозирга қадар давлатимиз ҳудудида 2700 дан ортиқ кон ва фойдали қазилмаларининг истиқболли руда ҳосиллари топилган. Улар 100 га яқин минерал – хом ашё турларини ўз ичига олади. Шулардан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. Топилган ва ишлов беришга тайёрланган 900 та кондаги минерал – хом ашёнинг захиралари 970 миллиарддан ортиқ АҚШ доллари билан, мамлакатнинг умумий минерал – хом ашё салоҳияти 3,3 триллион АҚШ доллари билан баҳоланади. Ўзбекистон олтин захираси бўйича дунёда 4 – ўринда, уни қазиб чиқариш бўйича 7 – ўринда, мис захираси бўйича 10 – 11 - ўринда, уран захираси бўйича 7 – 8 - ўринда туради. Марказий Қизилқумда жойлашган Муронтовдаги ноёб кон Евроосиё қитъасида маълум бўлган конларнинг энг каттаси бўлиб, аср кашфиёти деб аталган. Ҳозир йилига миллионлаб куб метр тоғ жинси чиқарилиб, ундан «тўртта – тўққизлик» софлигидаги олтин олинаётган Муронтов очик кони олтин қазиб чиқариш саноатида беқиёсдир. Республикада мраммарнинг 20 та конлари аниқланган бўлиб, уларга ишлов бериш йўлга қўйилган. Мамлакатимизда 160 дан ортиқ газ, нефть, кўмир конлари қидириб топилган ва очилган, уларнинг кўпи ишлатишга топширилган. Ўзбекистонда Марказий Осиёдаги ягона Ангрен каолин-кўмир кони жойлашаган бўлиб, ундан каолион тупроғи қазиб олинади. Ўта муҳим стратегик манбалар деб ҳисобланган қимматбаҳо металллар бўйича – 40 дан ортиқ, рангли, нодир ва радиоактив металллар бўйича - 40, кончилик – кимё хом ашёси бўйича 15 та кон қидириб топилган. Мамлакатимиз катта гидроэнергия салоҳиятига эга. Чирчиқ, Ғазалкент, Фарҳод ГЭСлари, жами 28 та гидроэлектростанциялари ишламоқда;

➤ Ўзбекистон инсоният цивилизациясида салмоқли ўринга эга. Юртимизнинг дунёга машҳур бой маънавий ва тарихий мероси бор, шу туфайли у дунёнинг маънавий ва сиёсий жараёнларига таъсир ўтказиб келган.

Мазкур имкониятлар орқали Ўзбекистон геосиёсий жойлашувининг ноқулайликлардан мустасно деб бўлмайди, бундай камчиликлар барча жойда мавжуд. Геосиёсий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасига қийинчиликлар туғдирувчи қуйидаги омиллар ҳам мавжуд:

➤ Ўзбекистон ўзининг геосиёсий ҳолати жиҳатидан коллектив хавфсизлик тизимини ўрнатишга интилаётган, лекин бу жараён ҳали изчил йўлга қўйилмаган Ўрта Осиё минтақасида жойлашган. Республикамиз Форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзаси ва Тарим ҳавзасининг нефть ва газга жуда бой конлари жойлашган ярим ҳалқанинг стратегик марказида жойлашган. Шунинг учун бу ҳудудда бутун дунёда энергия тақчиллиги шароитида кўпгина давлатларнинг бир – бирига мос келмайдиган манфаатлари ўзаро тўқнашмоқда. Дунёдаги кучли давлатлар мазкур минтақада ўз манфаатларини изламоқда;

➤ Ўрта Осиёда жойлашган давлатларнинг имкониятлари бир хил бўлмай, уларнинг ривожланиш ҳолати ҳам ҳар хил. Яъни Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган республикалар қуршаб турибди. Шу билан бирга Ўзбекистон минтақадаги этник мурасасизлик, нарқобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантирилиб келинаётган, ички можаролар хали ҳам тугатилмаган Афғонистон каби давлат билан чегарадошдир. Бу ерда 2001 йилнинг октябрь ойидан АҚШ томонидан диний экстремизм ва терроризмга қарши қалтис ҳарбий ҳаракатлар олиб борилиши натижасида Афғонистондаги вазият қисман ўзгарди;

➤ собиқ совет ҳукумати даврида Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда коммуникациялар номақбул равишда шакллантирилди. Жанубий йўналишда транспорт коммуникациялари амалда ривож топмади. Собиқ Иттифок парчалангач, коммуникациялар муаммоси Ўзбекистон учун янада кескинлашди. Ўзбекистон бевосита денгизга чиқа олмайдиган, бунинг устига денгиз портларидан энг узокда жойлашган мамлакат ҳисобланади. Қора денгиз, Болтиқ денгизи, Япон денгизи ва Шимолий денгизларга олиб чиқувчи энг қисқа темир йўли қарийб 3 минг километрни ташкил этади. Бу масофани кесиб ўтиш учун эса бир неча давлатлар ҳудудидан ўтиш лозим. Мазкур ҳолат катта сарф – ҳаражат талаб қилиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий алоқаларини чеклайди, юк ташишини қимматлаштириб, маҳсулотларни рақобатга бардош беролмайдиган қилиб қўяди;

➤ Мустақил Ўзбекистоннинг умуман ҳамма дарёлари ҳамда республика ҳудудини кесиб ўтадиган, узунлиги 150 ва ундан кўп километрли дарёлар 50 тадан ошган бўлишига қарамасдан, унинг сув ресурслари чекланган ва экологик муаммолари ҳам бор. Орол фожияси ҳам мамлакатимиз учун ноқулайлик омилидир. Уни сақлаб қолиш борасида амалий тадбирлар ўтказилган бўлишига қарамасдан, сўнгги йилларда Орол денгизининг сатҳи 12 – 15 метр пасайиб кетди. Унинг майдони анча қисқариб, қирғоғи ўнлаб километр қочиб кетган.

Ўтиш даврида бу кийинчиликларни бартараф этиш, юртимизнинг геосиёсий имкониятларини ривожлантириш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Ўзбекистон ташқи
сиёсати ва дипломатияси**

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қўлга киритиши унинг халқининг асрий орзу мақсадларини тўла маънода рўёбга чиқариш томон кенг уфқлар очибгина қолмай, айна пайтда мустақил ёш давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун ҳам имконият яратди. Шу боисдан мамлакатимиз раҳбарияти истиқлолнинг илк кунларидан эътиборан Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган пухта ташқи сиёсий йўлни белгилаш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, хорижий давлатлар билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий, илмий – техникавий, маданий алоқалар

ўрнатиш масалалари долзарб вазифа сифатида кўндаланг бўлиб турарди. Юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиёти кўп жихатдан ана шу вазифаларнинг ҳал этилишига боғлиқ бўлиб қолган эди.

Маълумки, 130 йил давом этган истибдод даврида мамлакатимиз тўла мустақил равишда ташқи сиёсат ва дипломатик фаолият юритиш, хорижий давлатлар ва халқаро нуфузли ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш каби ҳуқуқларидан маҳрум этилган эди.

Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш – давлат фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан биридир. Яккаҳоқимлик тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан – тўғри ва очик чиқиш имкониятидан маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига, етарлича дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларига эга эмас эди» (*Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 24.*).

Собиқ совет даврида, Иттифоқ конституциясига мувофиқ Ўзбекистон тенг ҳуқуқли суверен давлат ҳисобланиб, мустақил ташқи сиёсат юргизиш, хорижий мамлакатлар билан шартномалар тузиш ва дипломатик ваколатларини айирбошлаш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлган суверен республика ҳисобланарди. Аммо реал ҳаётда эса буни аксини кўриш мумкин эди. Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига, етарлича дипломатик вакилларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларига эга эмас эди. Ўзбекистонда Марказ кўрсатмаси билан 1944 йил 27 сентябрда Ташқи ишлар вазирлиги очилган. Бироқ у кичиккина бир идорача бўлиб, ҳеч қандай ваколатларга эга эмас эди. Бу вазирлик марказнинг кўрсатмаларини бажарар, чет эллардан келган меҳмонларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан чекланарди. Ташқи ишлар ва дипломатик соҳа Марказий Осиё минтақаси маҳаллий миллатлари, шу жумладан ўзбек миллати, энг камситилган тармоқлардан бири эди. Собиқ СССР Ташқи ишлар вазирлиги тизимида расмий равишда ишлайдиганларнинг 92 % бир миллатнинг вакиллари эди. Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнгги 45 йил ичида (1945 – 1990 йиллар) Ўзбекистоннинг фақат 7 вакили СССРнинг чет элдаги фавқулодда ва мухтор элчиси бўлиб ишлаш имкониятига эга бўлди (А. Абдуллаев, Баҳодир Абдураззоқов, Сарвар Азимов, Латиф Мақсудов, Нуриддин Муҳиддинов, Рафиқ Нишонов ва Анвар Қўчқоров). Шулардан фақат учтаси (А.Абдуллаев, Б.Абдураззоқов ва Л. Мақсудов) махсус дипломатик олий маълумотга эга эдилар холос. Марказий Осиё республикалари вакиллари жаҳоннинг етакчи давлатларига масъул лавозимларда белгиланмас, уларни одатда, «ўртача» давлатларга ишга белгилар эдилар (Сомали, Покистон, Ливан, Шри Ланка, Габон, Сурия ва бошқалар). Оқибатда ўзбек миллатининг фарзандлари халқаро муносабатларнинг ҳал қилувчи йўналишларидан четлатилган эдилар. Ҳолбуки, улар жиддий аҳамиятга эга қатор таклифларни

киритиб, ташқи ишлар ва муносабатларда асосли ва мустақил фикрларни олға сурганлар.

Бу ҳолатга собиқ СССРнинг парчаланиши билан барҳам берилди. Тарихан ўта қисқа давр ичида ўтмишдан қолган «камчиликлар»ни бартараф этиш борасида муҳим ислохотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» ва бошқа асарларида мустақил ташқи сиёсат юритиш қоидаларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берди. Ўзбекистон Республикасининг мустақил ташқи сиёсий фаолиятининг ҳуқуқий асослари, принциплари, мазмуни, мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IV боб, 17-моддасида ўзининг қонуний аксини топди. Конституция 17 – моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин».

Конституциянинг бошқа бўлимларида эса ҳукумат идоралари ва давлат бошлиғининг (93-моддасида) ташқи сиёсий ваколати белгиланган.

Мустақилликнинг зафарли ўн йиллиги ичида юртимизда ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасида кўплаб ишлар амалга оширилди ва давр талаби билан конституция асосида бу соҳага оид бир неча ҳужжатлар қабул қилинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги Қарори, 1992 йил 25 май.

2. «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Қонун, 1992 йил 2 июнь.

3. «Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида»ги Қонун, 1992 йил 3 июль.

4. Президент И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 1994 йил 25 февраль.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, 1994 йил 16 март.

6. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қонун, 1995 йил 6 январь.

7. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонун, 1995 йил 22 декабрь.

8. «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик Уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун, 1996 йил 29 август.

9. «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонун, 1996 йил 26 декабрь ва бошқа қонунлар ана шулар жумласидандир.

Ушбу қонунлар мустақил Ўзбекистоннинг хорижий давлат ва халқаро ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли асосда муносабат ўрнатишида муҳим аҳамият касб этди. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички қонунлардан устунлиги республика қонунчилиқ фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан дипломатик алоқаларни амалга ошириб, икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларни тузиб, бевосита давлатлараро муносабатларда қатнашмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини таъминлаб берувчи давлат органлари шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси **Ташқи ишлар** вазирлигининг функциялари ва фаолиятининг йўналишлари тубдан ўзгартирилди. 1991 йил 7 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонида биноан *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки* ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида 1990 йил 12 июлда ташкил этилган Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий алоқалар давлат қўмитаси 1992 йил 12 февралда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига айлантирилди. 1992 йил 21 февралда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «*Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида*»ги Фармони қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 октябрдаги «Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида асосан бу вазирлик *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги* этиб қайта ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 июлдаги «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида асосан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги* этиб қайта ташкил қилинди.

Ўзбекистонда ташқи савдо билан шуғулланувчи фирмаларнинг махсус тизими ҳам шакллантирилди. Республикада дипломатик ишлар учун, халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий алоқаларда фаолият юритадиган мутахассислар

тайёрлашга катта эътибор берилди. Шу мақсадда 1992 йил 23 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Тошкентда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва бошқа университетларда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолият соҳаси учун мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий омилларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши муҳимдир. Мамлакатимиз мана шу муҳим соҳани ўзлаштира бориб, ўз мустақиллигини унинг энг жиддий йўналиши бўлган иқтисодиётида мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, унинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар – Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳам кўмаклашмоқдалар. Халқаро савдо маркази (UNCTAD), Тарифлар ва савдо Бош битими (ГАТТ) билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб ташқи алоқалар муассасалари томонидан хорижий давлатлар билан халқаро алоқаларнинг умум эътироф этилган қоида ва нормалари асосида республиканинг дипломатик фаолияти турли йўналишларда олиб борилди. Бу **биринчидан**, сиёсий муносабат ва иқтисодий алоқалар; **иккинчидан**, илмий – техникавий алоқалар; **учинчидан**, маданий алоқалар, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги халқаро алоқалардир. Республика ташқи сиёсатига тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамоиллари қуйидагилардан иборат:

- мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;
- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш;
- ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устиворлиги;
- давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажралиб чиқиш;
- тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;
- давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

➤ ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик.

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати, уни жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда тан олинишини таъминлади. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини 165 та давлат тан олди. 1991 йил 26 сентябрда республикада биринчи дипломатик алоқалари йўлга қўйилди. Мазкур санада мустақил Ўзбекистон билан Австралия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатия соҳасидаги фаолияти янада кенгайиб бирин – кетин Хитой, Япония, Англия, АҚШ, Франция, Туркия, Германия сингари жаҳоннинг ривожланган етакчи давлатлари билан дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалар йўлга қўйилди. Ушбу давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларимиз ҳозирда юқори даражага кўтарилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 142 давлати билан дипломатик алоқаларни ўрнатди. Тошкентда 43 мамлакатнинг элчихоналари, 3 та савдо ваколатхонаси (Венгрия, Белгия, АҚШ савдо палатаси), 10 та халқаро ташкилотнинг ваколатхонаси ишлаб турибди. Мамлакатимизда 7 та фахрий консуллар ишлаб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналарининг сони эса 30 тани ташкил этади. Шунингдек, 11 та бош консулхонаси мавжуд. Республикада 88 та хорижий мамлакат ваколатхоналари аккредитация қилинган. Ўзбекистон 41 та нуфузли халқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг тенг ҳуқуқли аъзоси. Ҳозирда улардан бештасининг ваколатхонаси республикада фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг чет мамлакатлардаги элчихоналари			
<u>Австрия</u>	<u>Греция</u>	<u>Корея</u>	<u>Тожикистон</u>
<u>Озарбайжон</u>	<u>Ҳиндистон</u>	<u>Қирғизистон</u>	<u>Туркия</u>
<u>Бельгия</u>	<u>Индонезия</u>	<u>Латвия</u>	<u>Туркменистон</u>
<u>Хитой</u>	<u>Эрон</u>	<u>Нидерландия</u>	<u>Украина</u>
<u>Миср</u>	<u>Исроил</u>	<u>Покистон</u>	<u>Бирлашган Араб</u>
<u>Франция</u>	<u>Италия</u>	<u>Россия</u>	<u>Амирлиги</u>
<u>Германия</u>	<u>Япония</u>	<u>Саудия</u>	<u>Америка Қўшма</u>
<u>Буюк</u>	<u>Қозоғистон</u>	<u>Арабистон</u>	<u>Штатлари</u>
<u>Британия</u>		<u>Тайланд</u>	
Ўзбекистондаги чет мамлакатлар элчихоналари			
<u>Афғонистон</u>	<u>Германия</u>	<u>Жанубий Корея</u>	<u>Словакия</u>
<u>Алжазоир</u>	<u>Буюк Британия</u>	<u>Қирғизистон</u>	<u>Швейцария</u>
<u>Озарбайжон</u>	<u>Ҳиндистон</u>	<u>Латвия</u>	<u>Тожикистон</u>
<u>Бангладеш</u>	<u>Индонезия</u>	<u>Малайзия</u>	<u>Туркия</u>
<u>Болгария</u>	<u>Эрон</u>	<u>Молдова</u>	<u>Туркменистон</u>
<u>Белоруссия</u>	<u>Исроил</u>	<u>Покистон</u>	<u>Украина</u>
<u>Хитой</u>	<u>Италия</u>	<u>Фаластин</u>	<u>Америка Қўшма</u>

<u>Чечня</u> <u>Миср</u> <u>Франция</u> <u>Грузия</u>	<u>Япония</u> <u>Иордания</u> <u>Қозоғистон</u> <u>Шимолий</u> <u>Корея</u>	<u>Польша</u> <u>Руминия</u> <u>Россия</u> <u>Саудия Арабисон</u>	<u>Штатлари</u> <u>Вьетнам</u> <u>Ватикан</u> <u>Югославия</u>
--	---	--	---

**Ўзбекистоннинг
БМТга аъзо бўлиши**

Ўзбекистон Республиканинг мустақил давлат сифатида халқаро ҳамжамияти доирасида муносиб ўрин олишида халқаро нуфузли ташкилотларга аъзо бўлиши ва улар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши катта аҳамиятга эга эди. 1992 йил 29 январда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши ўзининг 737-сонли Қарорини овозга қўймасдан қабул қилди ва Бош Ассамблеяга Ўзбекистон Республикасини БМТга қабул қилишни тавсия этди.

1992 йил 2 мартда БМТ Бош Ассамблеясининг 46 – сессиясида Ўзбекистон Республикаси овозга қўйилмасдан, яқдиллик билан маъқуллаш асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Шу куни БМТ Бош Ассамблеяси бинотида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилди. 1993 йил 24 августда БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси очилди. БМТда Ўзбекистон Республикаси ваколатхонаси иш бошлади.



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг байроғи

Ўзбекистон БМТнинг тўлақонли аъзоси сифатида бу ташкилотнинг йиғилишларида иштирок этиши билан ўзининг халқаро ҳамжамиятга кириш жараёнини давом эттирди. Ўзбекистон раҳбариятининг дунёдаги глобал муаммоларга жаҳон миқёсида эътиборини қаратиши Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатда тутган аниқ ўрнини белгилаб берди. Чунончи, 1993 йил 28 сентябрда Президент Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48 – сессиясида БМТ минбаридан туриб сўзлаган нутқида бир қатор аниқ тақлифлар киритди:

- Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинари чақирилишини;
- БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида юзага келаётган можароларни таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш бўйича махсус гуруҳ тузиш;
- Марказий Осиё ядросиз зона деб эълон қилиш;
- Марказий Осиё минтақасида кимёвий ҳамда бактериологик қуролини тақиқлаш бўйича халқаро назорат ўрнатиш;
- Ядровий қуролни тарқатмаслик;
- Марказий Осиёда нарқобизнесга қарши ҳамкорликда курашиш учун БМТнинг минтақавий комиссиясини тузиш;
- Орол муаммоси бўйича БМТнинг махсус комиссиясини тузиш;

➤ Хавфсизлик Кенгаши ҳозирги дунёнинг ижтимоий – иқтисодий, этник – маданий, диний, маънавий жиҳатдан ғоят хилма – хиллигини баб – баравар тарзда акс эттирсин.

1995 йилнинг 24 октябрь Нью – Йоркда БМТ нинг 50 йилиги муносабати билан бўлиб ўтган Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида Президент И.А. Каримов нутқ сўзлаб, Афғонистондаги уруш афғон халқи бошига мислсиз кулфатлар солганлигини қайд этиб, уни бартараф этишга доир қуйидаги таклифларни илгари сурди:

➤ Афғонистондаги кескинликни ҳал этиш калити энг аввало ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этиш;

➤ БМТ хавфсизлик Кенгашига ким томонидан бўлмасин Афғонистонга қуроли олиб киришни таъқиқлаб қўйиш;

➤ Афғонистон уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик объекти бўлиши лозим деган таклифни киритди.

Мазкур тантанали йиғилишида Президенти Ислом Каримов БМТ тузилмаларини ислоҳ қилиш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида тўхталиб қуйидаги таклифларини зарур деб қайд этди:

➤ **биринчидан**, Хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтириш, унга мисол учун бугунги кунда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган Германия ва Япония сингари давлатларни доимий аъзо сифатида киритиш лозим;

➤ **иккинчидан**, БМТ қабул қилган қарорларни тезкорлик билан амалга ошириш учун БМТ Бош Котиби ваколатларини кучайтириш лозим;

➤ **учинчидан**, зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш манфаатларини кўзлаб, БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини кучайтириш зарурлиги ҳам, бу ташкилотнинг ўзига қарши минтақавий тузилмаларини янада ривожлантириш зарурлиги ҳам тобора аён бўлиб қолмоқда.

2000 йил 8 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 55 – сессияси бўлиб ўтди. Мазкур «Минг йиллик саммити» муҳим глобал чақириқларга эътиборни қаратиш учун 189 мамлакат раҳбарларини тўплади. Улар ушбу дунёни бутун инсоният учун яхшироқ қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. Давлатлар қашшоқликка қарши курашиш, асосий хизматлардан, асосий турларидан баҳраманд бўлишни яхшилаш, касалликлар тарқалишини камайтириш ва атроф муҳитни ҳимоялаш учун куч – ғайратни бирлаштириш борасида ноёб имкониятга эга бўлдилар. Президент Ислом Каримов БМТ минбаридан туриб нутқ сўзлаб, қуйидаги таклифларни илгари сурди:

Экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликка кўмак бериш, халқаро тузилмалар ва донор давлатларнинг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида БМТнинг атроф – муҳит бўйича дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгашини тузишни таклиф қилди.

БМТни ислоҳ қилиш, унинг минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш бўйича чора – тадбирлар дастури қабул қилиниши жиҳатдан қуйидагиларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди:

➤ **биринчидан**, БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма – босқич ислох қилиш даркор. Унинг доимий аъзолари таркиби нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтирилиши лозим. Хавфсизлик Кенгашининг ҳам доимий, ҳам муваққат аъзолари сонини ошириш мақсадга мувофиқ.

Биринчи қадам сифатида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига жаҳон сиёсатида муҳим роль ўйнаётган Германия ва Японияни киритишни таклиф қиламан. Ушбу давлатлар бугунги кунда БМТ фаолиятини, шунингдек, инсонпарварлик ва хайрия йўналишидаги бошқа кўплаб лойиҳа ва дастурларни молияловчи асосий ҳомийлар ҳисобланади;

➤ **иккинчидан**, глобал ва минтақавий таҳдидларга муносабат билдиришда тезкорликни ошириш учун Бош Котиб ваколатларини кенгайтириш зарур;

➤ **учинчидан**, Хавфсизлик Кенгашининг қуролли можароларнинг оддини олиш, зиддиятлар ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари ҳамда механизмларидан, шу жумладан, узоқ вақт давом этаётган можароларни бартараф этишда «тинчликка мажбур қилиш» деб аталувчи механизмдан самарали фойдаланиш масалаларидаги ўрни ва масъулиятини кучайтириш лозим.

2000 йил 8 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «Мингйиллик Декларацияси» қабул қилинди. Бу декларация 21 асрга мўлжалланган Глобал кун тартибини белгилаб берди ҳамда Мингйиллик Ривожланиш Мақсадлари (МРМ) сифатида маълум бўлган саккизта конкрет мақсадга эришишга қаратилган вазифаларни қўйди. Шундай қилиб, «Мингйиллик Декларацияси» жаҳон етакчиларининг азму қарорларини акс эттиради, 2015 йилгача бўлган даврда ривожланишнинг «йўл харитаси» ҳисобланади.

2010 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 65 – сессияси бўлиб ўтди. Ушбу сессия мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, қуйидаги глобал муаммолар кўтарилди:

➤ 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафоқаш Афғонистон муаммоси ва бу муаммони ҳал этишни ҳарбий йўл билан эмас, балки унинг муқобил йўллари топиш масаласи;

➤ 2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга жиддий хавф солмоқда. Буни олдини олиш учун ҳолис ва мустақил халқаро текширувларни ўз вақтида ўтказиш, халқаро ҳамжамятнинг бу борадаги қатъий принципиал позицияси Қирғизистон жанубида қирғиз ва ва камсонли ўзбекларнинг муросага келиши ва тотувлигини таъминлаш учун йўл очиб бериши мумкин;

➤ Марказий Осиёда экологик мувозанатни бузилишига олиб келаётган Орол муаммоси. Орол бўйи ҳудуди иккита асосий манба – Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг

камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. «Қуриб бораётган Орол муаммоси – ушбу минтақада яшаётган БМТ дек нуфузли ташкилотларга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир»;

➤ Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширилишининг таҳлили.

Президент Ислон Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 65 – сессиясида сўзлаган нутқи жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини яна бир бор Марказий Осиёдаги мураккаб муаммоларни ҳал этиш йўлларига қаратди. Ўзбекистонда жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози даврида Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишга доир муҳим кўрсаткичларини таҳлил этиб берди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилди. Ўзбекистон раҳбарияти ва БМТ раҳбарларининг саъй – ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон БМТнинг Халқаро телекоммуникация уюшмаси, Халқаро тараққиёт ассоциацияси, Қочоқлар иши бўйича олий кўмитаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти, Халқаро атом энергияси агентлиги, Аҳоли жойлашиш жамғармаси, Наркотик моддаларни назорат қилиш дастури, Саноат тараққиёти ташкилоти, Озиқ – овқат қишлоқ хўжалиги ташкилоти сингари ихтисослашган муассасаларга аъзо бўлди.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йил 15 – 16 сентябрь кунлари Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент кенгаш – семинари бўлиб ўтди. Халқаро кенгашда иштирок этган 31 давлат ва 6 халқаро ташкилотдан келган мухтор вакиллар минтақа хавфсизлигининг, можароларнинг олдини олиш, интеграция жараёнларини чуқурлаштарининг ишончли тизимини барпо этиш масалалари юзасидан ўз фикрларини, таклифларини айтдилар. Кенгаш яқунлари юзасидан қабул қилинган Баёнот жаҳон халқларини, хусусан Марказий Осиё халқларини, турли сиёсий кучларни минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва экологик ҳамкорлик тизимларини барпо этишга чақирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудуд мақомини олишида ҳам БМТ билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этди. Бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш йўлида жаҳон ҳамжамиятини бирлаштиришга интилаётган БМТ бу хайрли ғояни кенг қўллаб – қувватлади.

1997 йил 15 – 16 сентябрь кунлари Тошкентда «Марказий Осиё – ядро қуролидан холи зона» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди. Ушбу масала юзасидан Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар

вазирликларининг Баёноти имзоланди. Марказий Осиё минтақасининг ядро қуролидан холи зонага айланиши мазкур минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлайди.

2000 йил октябрь ойида Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, гиёҳванд моддалар тижорати, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2001 йилда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг терроризмга қарши кураш бўйича махсус кўмитаси таъсис этилди. 2002 йил 18 – 20 октябрь кунлари БМТнинг ўша вақтдаги Бош котиби Кофи Аннан Ўзбекистонга келди.

2010 йилнинг апрель ойида амалдаги Бош котиб Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида БМТ Бош котиби илк бор Оролбўйида бўлди ва у ердаги бутун дунёга таъсир кўрсатаётган экологик бўҳрон билан бевосита танишди. Бу Марказий Осиёдаги глобал экологик муаммога жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.


Ҳозирги кунда Ўзбекистон БМТ доирасидаги ихтисослашган муассасалар – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Халқаро почта иттифоқи, Электр алоқаси бўйича халқаро иттифоқ, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро Олимпиада кўмитаси, Халқаро автомобилчилар иттифоқи ва бошқа ташкилотларнинг аъзоси, улар билан ҳамкорлик қилмоқда.

*Ўзбекистоннинг
ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги*

Ўзбекистоннинг БМТ ҳомийлигидаги таълим, фан ва маданият билан шуғулланувчи халқаро ташкилот – ЮНЕСКО билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКО нинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилиш маросими бўлди. Ўша куни Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКО дастурига киритилди. 1994 йил октябрида Парижда Улуғбек ҳафталиги тантана билан ўтди. Хива ва Бухоро ЮНЕСКО нинг жаҳон маданий қадриятлар рўйхатида киритилди. Бу рўйхатда 411 та объект бор.

1994 йил декабрда республикамызда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ташкил этилди, у идоралараро орган бўлиб, таркибига таълим, фан, маданият ва ахборот соҳасидаги вазирликлар ва идоралардан 49 киши аъзо бўлди.

ЮНЕСКО Марказий Осиё тараққиётини ўрганиш, тиклаш ва оммалаштиришга катта аҳамият бермоқда. «Ипак йўли – мулоқот йўли» деб номланган йирик тадқиқотда Марказий Осиёга биринчи даражали аҳамият берилди. 1995 йил



ЮНЕСКО байроғи

июль ойида ЮНЕСКО қарорига биноан Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этилди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг Ўзбекистондаги расмий ташрифи чоғида 1995 йил июль ойида мазкур институт очилди.

ЮНЕСКО Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини халқаро миқёсда нишонлашга қарор қилди ва 1996 йил октябрда Парижда Амир Темурга бағишланган бир ҳафталик халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Амир Темур таваллуд топган Шаҳрисабз шаҳри ЮНЕСКОнинг маданий қадриятлар рўйхатига киритилди.

1997 йилда жаҳон маданиятнинг дурдоналаридан ҳисобланган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик муборак саналари Парижда кенг нишонланди, халқаро анжуман ва кўргазмалар ўтказилди. Бу Ўзбекистон билан БМТнинг нуфузли халқаро ташкилоти ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. 1997 йил 19 – 20 октябрь кунлари Ватанимизда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган улкан тантаналарда БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг элчилари ва вакиллари, бир қатор меҳмонлар иштирок этдилар.

ЕХХТ билан ҳамкорлик

Ўзбекистон БМТга аъзо қилиниш арафасида, яъни 1992 йил 30 январда Прагада Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти – (ОБСЕ)нинг катта мансабдор ходимлари қўмитасининг мажлисида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (СНГ) таркибига кирувчи давлатларни, жумладан Ўзбекистонни ЕХХТ нинг тенг ҳуқуқли аъзолари қилиб қабул қилишни Хельсинки процессида иштирок этувчи мамлакатларнинг Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши (СМИД)га тавсия қилишга қарор қилинди. Шу тариқа Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 30 январда ЕХХТга қабул қилинди. 1992 йил 26 февралда эса Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг яқунловчи ҳужжатида мустақил Ўзбекистон ҳам имзо чекди.



Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти

Ўзбекистоннинг ЕХХТга аъзо бўлиши билан республикамизнинг Европа давлатлари, шунингдек, АҚШ, Канада билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишига янги йўл очилди. Президент И.А. Каримовнинг 1992 йил 9 – 10 июлда бўлган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мажлисида иштирок этиши, унда нутқ сўзлаши ва Кенгашнинг 10 июлда бўлган мажлисига раислик қилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётганлигининг далилидир. Ислом Каримов ўз нутқида у ёки бу минтақада тинчлик ва барқарорликни бузиши мумкин бўлган можаролар яқинлашувининг олдини олиш, можароларга йўл қўймаслик муаммолари билан шуғулланувчи механизмни вужудга келтириш, ташкилот қабул қилаётган ҳужжатларнинг таъсирчанлигини ошириш, ҳужжатлар можароларни

олдини олиш, йўл қўймаслик руҳида бўлишини таъминлаш таклифларини илгари сурди.

1994 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Вильгельм Хоинкни ҳамда ушбу ташкилот катта мансабдор шахслари Қўмитаси ижрочи раиси Пауло Брунини қабул қилди. 28 – 30 сентябрь кунлари эса ЕХХТнинг умумий муаммоларига бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда ташкилот фаолиятининг барча қирраларига оид масалалар кўриб чиқилди. ЕХХТ Тошкентда ва Урганчда атроф муҳитни қайта тиклаш бўйича семинарлар ўтказди, Орол муаммосини ҳал қилишга кўмаклашмоқда. 1995 йил июлда Тошкентда ЕХХТнинг Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар бўйича минтақавий бюроси очилди ва фаолият кўрсатмоқда.

1996 йилнинг 2 – 3 декабрь кунлари Лиссабонда ЕХХТнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Саммитида ХХІ аср арафасида ялпи хавфсизлик моделини яратиш хусусида мунозара бўлди. Ўзбекистоннинг можаролар юз бериб турган ҳудудларга яширинча қурол – яроғ етказиб беришни тўхтатиш, ЕХХТнинг Марказий Осиё фаолиятини кучайтиришга оид таклифлари маъқулланди ва Лиссабон декларациясида хужжатлаштирилди.

1999 йил 18 – 19 ноябрь Истамбулда ЕХХТга аъзо 54 давлат бошлиқларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси катнашди. Ушбу саммитида Президентимиз терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш ҳақида таклиф билан чиқди. Истамбул саммитида Европа Хавфсизлик Хартияси, Истамбул Декларацияси, Европада оддий қуроллар тўғрисидаги янгиланган Шартнома, ЕХХТга аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича чора – тадбирлар тўғрисидаги Вена хужжати имзоланди.

Ўзбекистон ЕХХТ раҳнамолигидаги кўплаб анжуманларга мезбонлик қилиб келмоқда. Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан ҳамкорлиги мустаҳкамланиб, ўсиб бораётганлигига 2002 йил 6 – 7 апрель кунлари ЕХХТ Бош котиби Й. Кубишнинг мамлакатимизга ташрифи ҳам яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон ва халқаро ташкилотлар

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида минтақаларо хавфсизликни таъминлашда халқаро ташкилотлар фаолиятдан, уларнинг дастурларидан ҳам кенг фойдаланиши истиқболли натижаларни кўрсатди. Кўпгина минтақавий ташкилотлар, чунончи, НАТО (НАТО – инг. North Atlantic Treaty Organization — Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти сўзларининг қисқартмаси), ЭКО, Ислон конференцияси, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорликлар йўлга қўйилди.

Ўзбекистон 1992 йил 10 мартда Шимолий Атлантика ҳамкорлиги кенгаши (1991 йил тузилган)га аъзо бўлиб кирди. 1994 йил июль ойида

Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» Дастурига қўшилди. Бу дастурига қўшилиш тўғрисидаги хужжатнинг Ўзбекистон томонидан имзоланиши 1994 йил республиканинг халқаро тузилмаларга интеграциялашуви жараёнида янги босқични бошлаб берди. 1995 йил 16 августда Ўзбекистон НАТО билан хавфсизлик тўғрисидаги битимни имзолади.

НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурга кўра, Ўзбекистон ҳарбий қисмлари Шимолий Королина (АҚШ)даги Кемп Лежюп денгиз пиёдалари полигоида ўтказилган ҳарбий машқларда, Ўзбекистон ҳудудида америкаликлар билан ўтказилган десантчиларнинг «Ултрабаланс – 96» ҳарбий машқларида қатнашдилар. Шунингдек Республика ҳарбий билим юрти талабалари 1997 йил Норвегияда ўтказилган «Кооператив банкерс – 97» машқларида ҳам қатнашдилар. Бу каби ҳамкорликлар жангчиларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби, тажриба бўлиб, уларнинг жанговарлик қобилиятини оширишларига ёрдам берди. 1999 йил 23 – 25 апрель кунлари И.А. Каримов Шимолий Атлантика Иттифоқи қошидаги «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг аъзоси сифатида НАТОнинг 50 йиллик юбилей тантаналарида қатнашди. Ўзбекистоннинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» Дастурида иштироки Марказий Осиё минтақасида коллектив хавфсизлик ва барқарорликнинг кенг тизимини вужудга келтиришни режалаштиришда Ўзбекистоннинг иштирокини кафолатлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, «НАТО билан ҳамкорлик қилиш ҳарбий – сиёсий воқеалардан хабардор бўлиб туриш, бу уюшма доирасида амалга оширилаётган тадқиқотлар ва ишланмалардан баҳраманд бўлиш учун имкон берар эди». НАТО Бош қотиби Х. Солана ва АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили Р. Хантернинг Ўзбекистонга ташрифлари Ўзбекистон ва мазкур ташкилот ўртасидаги тинчлик йўлидаги сиёсатининг ҳамоҳанг эканлигини ҳам кўрсатди. Ҳозирда Ўзбекистоннинг НАТО билан ўзаро алоқалари ҳар йили иккала томондан тасдиқланадиган **Индивидуал ҳамкорлик дастури** орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Қўшилмаслик ҳаракати, Ислом конференцияси ташкилоти (1996 йил 2 октябрда аъзо бўлган) каби минтақавий ташкилотлар билан ҳам самарали алоқалар ўрнатди. Булар орасида, айниқса, юздан ортиқ аъзога эга Иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган Қўшилмаслик ҳаракати томонидан олиб борилаётган сиёсат Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойилларига, халқаро келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш, турли ҳарбий – сиёсий блоклар фаолиятида қатнашмаслик, тинчликсеварлик каби йўналишларга тўла мос келади. 1992 йил 1 сентябрда Ўзбекистон бу ташкилотнинг 105 – аъзоси бўлиб кирди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида **Европа Иттифоқи** билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этди. Мазкур иттифоқ билан ҳамкорлик учун тузиладиган битим бўйича ишлар республикада 1995 йилдан бошланган бўлиб, бу музокаралар 1996 йилга қадар давом этди. Бу музокараларнинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи

ўртасида «Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги битим 1996 йил 21 июнда Италиянинг Флоренция шаҳрининг «Фортецца де бассо» қалъасида Европа Иттифоқига кирувчи олти давлатлар раҳбарларининг йиғилишида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов томонидан имзоланди. Мазкур битим 1999 йил 1 июлда ратификация қилиниб кучга кирди. Бу битим Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлган 15 та мамлакат билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий негизи бўлиб, сиёсий, иқтисодий, илмий – техникавий, маданий алоқалар учун кенг имкониятлар очди. Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Европа Иттифоқи ТАСИС дастури доирасида Ўзбекистонга техникавий ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида сайёрамиз озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенциясига, озон қатламини камайтирадиган моддалар ҳақидаги Монреал Протоколига, атроф – муҳитга таъсир этувчи воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида қўллашни тақиқловчи Конвенцияга, Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага кўшилган.

Ушбу халқаро ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги сиёсий мавқеига, кенг ҳамкорликлар йўлидан илгарилаб боришига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатди. Бу халқаро ташкилотларнинг кўплаб вакиллик органларининг пойтахтимиз Тошкентда муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлиги ҳам шундан далолат беради.

**Ўзбекистон ва Шанхай
Ҳамкорлик Ташкилоти**

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти – субминтақавий халқаро ташкилот бўлиб, унинг таркибига дастлаб асосчилар сифатида 6 та давлат (Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон) кирди. ШХТ таркибига кирган давлатларнинг ҳудуди Евроосиё ҳудудининг 61% ни эгаллайди. Унинг иқтисодий имкониятлари АҚШ ва Хитойдан кейинги ўринда. ШХТнинг расмий тили рус ва хитой тили, рамзи эса оқ байроқ бўлиб, унинг марказида ташкилотнинг герби жойлашган. Ташкилотнинг штаб – квартираси Пекинда жойлашган.

1996 йил Шанхайда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Саммитда чегара ҳудудлари бўйича ҳарбий соҳада ўзаро ишончни мустаҳкамлаш билан боғлиқ шартномани (1996 йил 26 апрель) имзоланиши натижасида **Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти** вужудга келди. Лекин у «**Шанхай бешлиги**» номи билан шаклланди. 1997 йил Москвада юқорида номлари кўрсатилган беш давлат раҳбарларининг иштирокида саммит бўлиб ўтган. Саммитда чегара ҳудудларида қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида Битим (1997 йил 24 апрель) имзоланади. Алмати (1998), Бишкек (1999)да бўлиб ўтган саммитларда «Шанхай бешлиги»нинг ҳолати янада мустаҳкамланиб, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилди. 2000 йил 5 июнь

Душанбеда «Шанхай бешлиги» давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлган. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси биринчи марта кузатувчи сифатида иштирок этган. Шунини айтиш лозимки, «Шанхай бешлиги» Душанбеда **«Шанхай форуми»**га айлантирилади.

2001 йил 14 – 15 июнь кунлари Хитойда навбатдаги Шанхай саммити бўлиб ўтади. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этади ва Ўзбекистоннинг ««Шанхай форуми»га тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисида» Баёноти имзоланади. Ўзбекистон «Шанхай форуми»га кириши муносабати билан унинг номи **«Шанхай Ҳамкорлик Ташиқоти – ШХТ»**, деб ўзгартирилди. Ўзбекистон унинг асосчиларидан бирига айланди. Саммит якунида **«ШХТни тузиш тўғрисида»ги Декларация** ҳамда «Террорчилик, айримчилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида Шанхай конвенцияси» имзоланган.

Ҳозирга кунга қадар ШХТ доирасида кўплаб амалий тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, давлат ва ҳукумат, ташқи ишлар ва муҳофаа вазирлари, ҳуқуқ – тартибот, хавфсизлик органлари раҳбарлари ва экспертларининг учрашувлари, муҳокамалари ва маслаҳатлашувлари мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Ҳамкорлик фаолиятини мустақамлаш, тегишли органларнинг баҳамжиҳат ҳаракатини таъминлаш мақсадида аъзо давлатларнинг **«Миллий мувофиқлаштирувчилар Кенгаши (ММК)»** ташкил этилган. ММК 2001 йилнинг июнь ойидан Ташқи ишлар вазирлари имзолаган Низом асосида фаолият юритмоқда.

2002 йилнинг 6 – 7 июнида ШХТга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг навбатдаги Санкт – Петербург саммити бўлиб ўтди. Музокаралар якунига кўра учта ҳужжат: **ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси, ШХТ Хартияси, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида Минтақавий антитеррор тузилмаси (МАТТ)** ҳақидаги Битим имзоланган. Минтақавий антитеррор тузилмаси ШХТ доимий равишда ишлайдиган органи бўлган ушбу тузилма ҳуқуқ – тартибот идоралари ва махсус хизматларнинг терроризмга қарши курашдаги фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутди.

2003 йил 28 – 29 май кунлари Москвада бўлиб ўтган саммитда ШХТ олий органлари: Давлат бошлиқлари Кенгаши, Ҳукумат бошлиқлари Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши, Миллий мувофиқлаштирувчилар Кенгаши, вазирлик ва (ёки) идоралар раҳбарлари Йиғилиши, Котибият, шунингдек, МАТТ ҳамда ШХТ котибияти қошидаги аъзо давлатларнинг доимий вакиллари ҳақидаги Низомлар тасдиқланди. Шу билан бирга ташкилотнинг герби ва байроғи қабул қилинади. ШХТнинг биринчи ижро этувчи котиби Хитой Халқ Республикасининг Россиядаги элчиси Чжан Дэгуан сайланган.


2003 йил сентябрь ойида ШХТнинг Пекин саммити бўлиб ўтган. Унда **«ШХТга аъзо давлатларнинг 20 йилга мўлжалланган савдо – иқтисодий ҳамкорлик дастури»** қабул қилиниб, махсулот, сармоя, технология ва хизматлар эркин айланиши шартлари белгилаб олинади, ташкилотнинг молиявий бюджети кўрилади.

2004 йил 17 июнда ШХТнинг Тошкент саммити ташкилот фаолиятидаги муҳим босқич бўлди. ШХТнинг Тошкент саммитида савдо – иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Саммитда иқтисодий ҳамкорликнинг қуйидаги йўналишларини рағбатлантиришга келишиб олинди:

- транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;
- табиий минерал хомашё захираларини ўзлаштириш;
- сув – энергетика захираларидан унумли фойдаланиш;
- экологияга оид масалалар, хусусан, ичимлик суви муаммоларини ҳал қилиш;
- фан – техника ва юқори технология, энергетика соҳаларида интеграциялашиш;
- инвестициялар хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий пойдевор яратиш, бу соҳадаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш.

Саммит якунида Тошкент Декларацияси, ШХТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, «Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида»ги Битим, ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир ҳужжатлар – жами ўнта ҳужжат имзоланди.

2005 йил 5 июль ШХТнинг Остона саммитида **Эрон, Покистон, Ҳиндистон** ва **Мўғилистон** кузатувчи мақомга эга бўлиб ташкилот таркибига кирди. Олий даражадаги бу учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, унинг иқтисодий инфратузилмасини биргаликда тиклаш юзасидан фикр алмашилган.




Кўк рангдаги давлатлар – аъзо давлатлар
Яшил рангдаги давлатлар – кузатувчи давлатлар



Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти
ЭМБЛЕМАСИ

2007 йил 1 январгача ШХТнинг ижро этувчи котиби лавозимида Хитой Халқ Республикаси вакили Чжан Дэгуан турди. 2007 йил 1 январидан ШХТнинг бош котиби лавозими жорий этилди. Бу лавозимни Қозоғистон Республикаси вакили Булат Нургалиев эгаллади.



Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг асосий мақсад ва вазифалари:

- аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш;
- минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, янги демократик, адолатли ва оқилона сиёсий ҳамда иқтисодий халқаро тартибни шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида турли йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш;
- терроризм, сепаратизм ва экстремизмнинг барча кўринишларига қарши биргаликда кураш олиб бориш, гиёҳванд моддалар ва қурол – яроғнинг ноқонуний савдоси ҳамда трансмиллий жиноий фаолиятнинг бошқа турлари, жумладан, ноқонуний миграцияга қарши курашиш;
- сиёсий, савдо – иқтисодий, мудофаа, ҳуқуқ – тартиботни сақлаш, табиатни муҳофаза этиш, маданий, илмий – техникавий таълим, энергетик, транспорт, молия – кредит ва бошқа соҳаларда самарали минтақавий ҳамкорликни қўллаб – қувватлаш;
- аъзо давлатлар халқлари турмуш даражаси ва шароитларини узлуксиз яхшилаш мақсадида тенг шерикчилик асосида минтақада ҳар томонлама ва барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий ҳамда маданий тараққиётга кўмаклашиш;

- жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувда ёндашувларни мувофиқлаштириш;
- аъзо давлатларнинг халқаро мажбуриятлари ҳамда миллий қонунчилигига мос равишда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга кўмаклашиш;
- бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;
- халқаро низоларни олдини олиш ҳамда уларни тинч йўл билан ҳал этилишида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш;
- XXI асрда вужудга келадиган муаммоларнинг ечимини биргаликда излаб топиш.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари:

- минтақада тинчликни сақлаш, хавфсизлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш;
- барча аъзо давлатлар умумий манфаатлари мос бўлган ташқи сиёсий масалалар юзасидан халқаро ташкилот ва халқаро форумларда яхлит нуқтаи назарини излаб топиш;
- терроризм, сепаратизм ва экстремизм, гиёҳванд моддалар ва қурол – яроғнинг ноқонуний савдоси ҳамда трансмиллий жиноий фаолиятнинг бошқа турлари, жумладан, ноқонуний миграцияга қарши биргаликда курашиш чора – тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- қуролсизланиш ва қурол – яроғ устидан назорат қилиш масалаларида саъй – ҳаракатларни мувофиқлаштириш;
- минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг турли шакллари кўллаб – қувватлаш ва рағбатлантириш, маҳсулот, капитал, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракат қилишини таъминлайдиган савдо ҳамда инвестициялар учун қулай шарт – шароит яратилишига кўмаклашиш;
- транспорт ва коммуникация соҳасидаги инфратузилмадан самарали фойдаланиш, аъзо давлатлар транзит имкониятларини такомиллаштириш, энергетика тизимини ривожлантириш;
- табиатдан, хусусан, минтақа сув захираларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, табиатни муҳофаза этиш борасида махсус дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш;
- табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этишда ўзаро ёрдам кўрсатиш;
- ШХТ доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган ҳуқуқий маълумотлар билан алмашиш;
- фан, техника, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳаларида ўзаро муносабатларни кенгайтириш.

Ҳозирда тинчлик, барқарорлик ва минтақавий ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти роли ва аҳамияти йилдан йилга ошмоқда. Бевосита бу ташкилотга аъзо бўлган давлатларнинг сони ҳам ошди. Уларнинг сони 10 тага етди. Ўзбекистон Республикаси ушбу ташкилот доирасида мустақил ҳаракат қилиб, ШХТнинг фаолиятида фаол катнашиб келмоқда

ГУУАМ ташкилоти

ГУУАМ — минтақавий ташкилот (атама ташкилотга аъзо бўлган давлатлар русча номлари бош ҳарфларини билдиради). Унга 1996 йилда Австриянинг Вена шаҳрида Грузия, Украина, Озарбайжон ва Молдова давлат раҳбарлари томонидан асос солинган. 1999 йил апрель ойида Ўзбекистон ҳам унга қўшилди ва бу ташкилот уюшган давлатларнинг номидан олинган бош ҳарфлар асосида ГУУАМ деб юритилади.

Тузилманинг асосий мақсади 1993 йилда Брюсселда асос солинган **Осиё – Кавказ – Европа** транспорт йўлагини барпо этишни кўзда тутувчи ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдир. ТРАСЕКА дастурининг амалга ошиши халқаро юк ташишнинг глобал тизимини шакллантириш, Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғловчи Буюк ипак йўлини тиклаш, мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон мазкур тузилма таркибига кириши туфайли Туркманбоши (Туркманистон) портидан Каспий денгизи орқали Бокуга, ундан темир йўллар воситасида Грузия ғарбий портларига чиқиш ва ниҳоят, Қора денгиз орқали Болгария, Руминия, Туркия, Греция ҳамда Европанинг бошқа мамлакатлари билан савдо қилиш, маҳсулотларни кам чиқим билан хорижий шерикларга етказиб бериш имкониятидан фойдаланади. ГУУАМ ҳеч қандай сиёсий ёхуд ҳарбий – сиёсий мақсадларни кўзда тутмайди ва ҳеч бир давлатга ёки халқаро ташкилотга қарши қаратилган эмас.

Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг 2001 йил июнь ойида Ялта учрашувида ГУУАМ хартияси қабул қилинди. ГУУАМ доирасида ягона ахборот маконини, эркин савдо зонасини вужудга келтириш масалалари, транспорт коммуникацияси, савдо – иқтисодий алоқалар билан бир қаторда илм – фан, технология ва ижтимоий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари тўғрисида келишиб олинган.

2. Ўзбекистон ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги. Ҳозирда халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича жаҳонда турли халқаро ва минтақавий ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)» ўзига ҳос кўринишга эга. МДХ минтақавий ташкилоти – бир бутун давлат ёки федерация эмас, ҳарбий блок ҳам эмас. Балки у ўзининг моҳиятига кўра ихтиёрий иқтисодий уюшма сифатида вужудга келган давлатлар ҳамдўстлигининг янгича шакли ва кўринишидир.

1991 йил 8 декабрь Белоруссиянинг пойтахти Минск шаҳрида уч славян республикаси – Россия, Украина, Беларус раҳбарлари – Б. Ельцин, Л. Кравчук С. Шушкевичларнинг учрашуви бўлди. Ўша куни Минскга яқин Беловежское Пушчеда уч славян давлатлари бошлиқлари «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)ни тузиш тўғрисида»ги Шартномани имзолаши асосида шаклланди. Шартномада ягона иқтисодий макон, ягона валюта ва молия – банк системаси бўлади, фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинади, ташқи сиёсат, армия соҳасидаги сиёсат келишилган ҳолда юритилади, деб белгиланган эди. Хужжатда СССРнинг мавжудлиги ва СССР Конституцияси тўхтатилади, деб эълон қилинди.

Украина, Белоруссия, Россия парламентлари МДХни тузиш ҳақидаги шартномани ратификация қилдилар ва 1922 йил 30 декабрдаги СССРни тузиш тўғрисидаги шартномани бекор этдилар.

1991 йил 21 декабрда Алматида 11 давлат – Россия (Б. Ельцин), Украина (Л. Кравчук), Белоруссия (С. Шушкевич), Қозоғистон (Н. Назарбоев), Ўзбекистон (И. Каримов), Қирғизистон (А. Акаев), Тожикистон (Р. Набиев), Туркменистон (С. Ниязов), Озарбайжон (А. Муталибов), Арманистон (Тер-Петросян), Молдавия (М.Снегур) давлат бошлиқларининг Кенгаши бўлиб ўтди. Ўша куни улар Беловежское Пушче шартномаси юзасидан протокол имзолаб, «Тенг ҳуқуқли ва ахдлашаётган олий томонлар» мақомида МДХ муассиси бўлдилар. Кенгашда **Алмати Декларацияси** қабул қилинди. Декларацияда куйидагилар ҳақида баёнот берилди:

➤ ҳамдўстлик катнашчиларининг ўзаро алоқалари улар ўртасидаги тенглик асосида тузиладиган битимлар ҳамда битимларда белгиланган тартиблар доирасида фаолият юритадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали амалга оширилади;

➤ МДХ давлат ҳам эмас, давлатлар устидаги тузилма ҳам эмас;

➤ халқаро стратегик барқарорликни ва ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳарбий - стратегик кучларнинг бирлашган кўмондонлиги ва ядро қуроли устидан ягона назорат сақлаб қолинади;

➤ МДХ очикдир, унинг барча аъзолари розилиги билан собиқ СССР нинг аъзолари ва бошқа давлатлар ҳам унга кўшилиши мумкин;

➤ умумий иқтисодий маконни, умумий бозорни вужудга келтиришда ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга содиқлик тасдиқланади;

➤ МДХнинг тузилиши билан СССРнинг мавжудлиги тўхтатилади;


➤ Ҳамдўстлик катнашчилари ўз Конституцияларидаги тартиб, қоидаларга биноан собиқ СССРнинг шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларини бажарилишига кафолат берадилар;

➤ МДХ катнашчилари мазкур Декларация қоидаларига оғишмай риоя этиш мажбуриятини оладилар.

МДХ кенгашларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида протокол имзоланди. Шу тариқа, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил топди.

1993 йил январда Минскда МДХ Давлатлари бошлиқларининг навбатдаги кенгаши бўлди. Унда МДХнинг Низоми (1993 йил 22 январь) қабул қилинган бўлиб, унда давлатларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ҳолати ва йўналишлари белгилаб қўйилди. 1996 йил 19 январда МДХнинг байроғи қабул қилинди.

1993 йил 24 декабрда Ашхаботда бўлиб ўтган МДХ далавлари бошлиқларининг Кенгаши бўлиб ўтди. Унда Грузия Президенти Э. Шевернадзе қатнашди ва Грузия МДХга аъзо этиб қабул қилинди. Шу муносабат билан МДХнинг таркиби 12 давлатга етди.



Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги байроғи.
Байроқнинг марказида ташкилотнинг эмблемаси жойлашган

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Олий органлари

- «Давлат бошлиқлари Кенгаши»;
- «Ҳукумат бошлиқлари Кенгаши»;
- «Ташқи ишлар вазири Кенгаши»;
- «Давлатлараро иқтисодий Кенгаш»;
- Маркази Санкт – Петербургда бўлган «Парламентлараро Ассамблея» (унинг таркибига 1995 йилдан Россия, Беларуссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, 1997 йилдан Озарбайжон, Молдавия, Грузия, 1999 йилдан Украина кирган);
- «Мудофаа вазирлари Кенгаши». Унинг қошида доимий секретариат ва МДХнинг ҳарбий ҳамжамиятини мувофиқлаштириш бўйича Штаби (ШКВС) жойлашган;
- «Чегара қўшинларига бошчилик қилувчи Кенгаш»;
- «Иқтисодий суд»;
- «Давлатлараро статистик комитет»;
- «Инсон ҳуқуқлари комиссияси»;
- МДХнинг доимий фаолият кўрсатувчи органи «Мувофиқлаштирувчи – консултив комита»си (Минскда жойлашган);
- 2000 йил ҳамдўстлик давлатлари «МДХнинг террорчиликка қарши кураш Маркази»ни тузиш тўғрисида шартнома имзоладилар.

МДХнинг раиси ловозими навбат билан бир давлат раҳбаридан кейинги давлат раҳбарига ўтади. Давлат бошлиқлари Кенгаши бир йилда камида икки

марта ўтказилади. Бундан ташқари Кенгашнинг навбатдан ташқари мажлиси ҳам ўтказилиши мумкин. У МДХ аъзоси бўлган ҳар қандай давлат ташаббуси билан чақирилади. Давлат бошлиқлари Кенгашида айрим давлатлар кузатувчи сифатида иштирок этади. Органларининг фаолияти МДХ Низоми билан тартибга солинади. МДХда фаолият кўрсатаётган аъзолар билан бир қаторда, унинг муайян бир фаолияти билан шуғулланувчи аъзолар ҳам мавжуд. МДХ органларининг фаолиятини маблағ билан таъминлаш (харажатлари) аъзо давлатларнинг хизмат юзасидан бўлган иштироки тартиби бўйича тақсимланади ва МДХ органлари бюджети тўғрисидаги махсус битим асосида ўрнатилади.

**Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги
ҳамкорликнинг асосий йўналишлари**

- ташқи сиёсий фаолиятларни мувофиқлаштириш, муҳофаза сиёсати ва ташқи чегарани муҳофаза қилиш;
- умумий иқтисодий муҳитни шакллантириш ва ривожлантириш, Умумевропа ва Евроосиё бозорини шакллантириш;
- иқтисодий ислохотларни ўтказиш;
- божхона сиёсатини бирга олиб бориш;
- транспорт ва алоқа ҳамда энергетика тизимини ривожлантириш;
- саломатлик, атроф – муҳит ва экологик хавфсизлигини сақлаш;
- уюшган жиноятчиликка қарши кураш.

МДХнинг асосий мақсадларини амалга ошириш учун ҳамдўстлик давлатлари ўзаро муносабатларида қуйидаги қоидаларга риоя қиладилар:

- давлат суверенитетини ўзаро тан олиш ва ҳурмат қилиш;
- тенг ҳуқуқлилиқ ва бир-бириларининг ички ишларига аралашмаслик;
- иқтисодий куч ёки бошқа тазйиқ услубларини қўллашдан воз кечиш;
- баҳсли муаммоларни келиштирувчи воситалар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа ҳамма эътироф этган тамойил ва нормалари асосида ҳал қилиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, МДХ аъзолари халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий харажат ва қуролларни қисқартириш чора – тадбирларини амалга оширишда ҳамкорлик қилишга келишиб олганлар. Шу билан бирга, томонлар бир – бирининг ядросиз зона ва бетераф давлат статусига эришиш учун олиб бериладиган ҳаракатларини қўллаб қувватлайдилар.

МДХнинг 1991 – 2000 йиллардаги ҳолатини кузатадиган бўлсак, бу давр давомида давлат бошлиқларининг 30 га яқин кенгаши бўлиб ўтган. Уларда ҳаммаси бўлиб иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий – сиёсий, техникавий, ташкилий ва бошқа соҳаларга доир 1400 дан ортиқ масалалар муҳокама этилиб, тегишли норматив ва тавсифий ҳужжатлар, битимлар, шартномалар қабул қилинган.

МДХда ҳамжихатликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш жараёни давом эттирилиб, йилда бир неча бор саммитлар ўтказилиб келинмоқда. 2000 йилнинг ўзида Москвада икки марта, яъни 24 – 25 январь ҳамда 21 июнь кунлари МДХ давлат бошлиқларининг саммити бўлиб ўтди. 2001 йил 29 – 30 ноябрь кунлари Москвада МДХ ташкил этилган куннинг 10 – йиллигига бағишланган юбилей саммити бўлиб ўтди. Саммит қатнашчилари Афғонистон воқеалари тўғрисида баёнот қабул қилдилар. 2004 йил сентябрь ойида Қозоғистон пойтахти Останада бўлиб ўтган МДХнинг саммитида ҳамдўстликнинг структурасини ўзгартириш масаласи кўрилган. Бунда терроризмга қарши кураш бўйича МДХнинг «Хавфсизлик Кенгаши»ни тузишга қарор қилинади.

Шу билан бир қаторда, МДХ аъзолари ҳамкорликнинг бошқа йўлларини топмоқдалар. МДХ доирасида бир неча ташкилотлар вужудга келдики, уларнинг фаолияти умумий мақсадлар ва муаммоларга қаратилди. Бунга Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (ОДКБ) ва Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕврАзЭС)ни мисол қилиш мумкин.

Лекин МДХ аъзо давлатларнинг барчаси ва ҳар бирининг миллий манфаатларига умуман мос келган бу ташкилот ўз ривожланиши ва мустаҳкамланиши мобайнида жиддий қийинчиликларга дуч келди. Шунинг таъкидлаш кераки, ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодий интеграцияси, маданий алоқалари секинлик билан шаклланимоқда. Ҳамдўстлик доирасида кўплаб ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, аммо уларнинг аксарият кўпчилиги қоғозда акс этиб қолмоқда. Бу ҳолатни келтириб чиқараётган сабаб томонларнинг муаммоларни ечишни истамаётгани эмас, аксинча, ўзаро ҳамкорликни тенг ҳуқуқли асосда, ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда юритилишига интилаётгани билан боғлиқ. МДХнинг заифлаштиришга унинг айрим аъзолари ўртасида тўртлар шартномаси, иккилар иттифоқи тарзида қайта гуруҳланиш ҳам сабаб бўлмоқда. Бошқа сўз билан изоҳланганда, ҳамдўстлик доирасида гуруҳбозлик, мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган келишувларга ва битимларга тўлиқ амал қилмаслик ҳолати кузатилмоқда. Шу билан бирга масаланинг бошқа томонлари ҳам мавжуд. Хусусан, Молдавия ва Украина ҳамда Туркманистон МДХ Низомини ратификация(тасдиқлаш) қилмаган. Бу эса мазкур давлатларнинг расмий жиҳатдан ҳамдўстлик аъзоси эмаслигини билдиради. Бироқ, Украина МДХни ташкил этган давлат даражасига эга. 2005 йил августда Туркманистон МДХнинг расмий аъзоси даражасидан чиқиб, ҳамдўстликнинг ташкилий аъзоси – кузатувчи мақомини олади. МДХда кузатувчи давлат сифатида Мўғилистон ҳам иштирок этади. Парламент ратификациясига қадар Озарбайжон (1993 йилнинг сентябригача) ва Молдавия (1994 йилнинг апрелигача) МДХнинг ташкилий аъзоси эди. 2008 йилнинг август ойида Грузия Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан чиқиш ҳақидаги истагини билдирди. 2008 йил октябрда МДХ Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши

томонидан 2009 йилнинг август ойидан Грузиянинг МДХ га аъзолик мақомини тўхтатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Бугунги кунда МДХнинг таркибига 10 та аъзо давлатлар: Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон,



Бинафшарангдаги давлатлар – аъзо давлатлар (Грузиядан ташқари)
Оч кизил рангдаги – кузатувчи давлат (Туркманистон)

Озарбайжон, Арманистон, Молдавия ва битта кузатувчи Туркманистон киради.

Шундай бўлса-да, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. МДХ ён – атрофдаги воқеаларга муносабат билдиришда яқдиллик кўрсатиш, хусусан, террор, наркобизнес, уюшган жиноятчилик, экстремизм каби балоларга қарши туришда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, баҳамжиҳат ҳаракат қилишда муҳим ўринга эга. Ҳамдўстликнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, глобализация жараёнлари жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда дунёда юз бераётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга тайёр туриш, турли инқирозларни енгишда барча аъзо давлатлар учун керакли ва фойдали ташкилотдир.

«Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (ОДКБ)»

Ўзбекистон миллий хавфсизлик стратегиясида **«Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (ОДКБ)»**нинг ўрни муҳимдир. 1992 йил 15 майда Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон Тошкентда «Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома»га имзо қўядилар. 1993 йилда шартномага Озарбайжон (24 сентябрь), Грузия (9 сентябрь), Белоруссия (31 декабрь) ҳам имзо қўяди. 1994 йил 20 апрелдан шартнома кучга кирган. Шартнома 5 йилга мўлжалланган бўлиб, уни узайтириш ҳам мумкин эди. 1999 йил 2 апрелда Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон шартномани кейинги беш йилга узайтириш таклифи билан Протокол

имзолайдилар. Лекин Озарбайжон, Грузия ва Ўзбекистон шартномани давом эттиришдан воз кечди. Мазкур йилнинг ўзида Ўзбекистон ГУУАМ га аъзо бўлди.

2002 йил 14 май «Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома»сининг Москвада бўлиб ўтган сессиясидаги келишувга кўра уни яхлит халқаро ташкилотга – **«Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (ОДКБ)»** айлантиришга қарор қилинади. 2002 йил 7 октябрь Кишинёвада ОДКБ Низоми ва унинг ҳуқуқий статуси тўғрисидаги Аҳднома имзоланган. Бу ҳужжатлар ташкилотга аъзо бўлган барча давлатларда ратификация қилинган ва 2003 йил 18 сентябрдан кучга кирган.



ОДКБ эмблемаси

2006 йил 16 август Сочида бўлган учрашувда тенг ҳуқуқли асосда «Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (ОДКБ)»га Ўзбекистоннинг кириши (аъзоликнинг қайта тикланиши) тўғрисида қарор қабул қилинади.

Бугунги кунда Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон «Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (ОДКБ)» таркибига киради.

Ташкилотнинг таркибий тузилиши:

- Ташкилотнинг олий органи – «Коллектив хавфсизлик Кенгаши» ҳисобланади.
- «Ташқи ишлар вазирларининг Кенгаши»;
- «Мудофаа вазирлари Кенгаши»;
- «Хавфсизлик кенгашларининг котибиятлар қўмитаси»;
- «Бош Котиб»;
- «Ташкилот Котибияти» (доимий фаолият юритувчи орган);
- «ОДКБнинг бирлашган штаби» (доимий фаолият юритувчи орган);

ОДКБнинг фаолияти халқаро терроризм ва экстремизм, гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласини бартараф этишга қаратилган.

*Евроосиё Иқтисодий
Ҳамжамияти (ЕврАзЭС)*

Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕврАзЭС) – 1992 йил божхона тўсиқларини пасайтириш мақсадида «Божхона иттифоқи» шаклида вужудга келган. 2000 йилнинг 10 октябрь куни Қозоғистон пойтахти Остонада у божхона иттифоқидан МДҲ давлатларининг бешта аъзоси, яъни Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон давлат раҳбарларининг ўзаро шартномаси асосида (жумладан, бу уюшмада Молдавия ва Украина кузатувчи аъзо мақомига эга) ҳамжамият даражасига етди.

2005 йил 6 октябрда ЕврАзЭС таркибига – Ўзбекистон Республикаси қиради. Ҳамжамиятнинг олий органлари: «Давлатлараро Кенгаш»,



Тўқ сарик рангдаги давлатлар – аъзо давлатлар
Оч сарик рангдаги давлатлар – кузатувчи давлатлар



ЕврАзЭС
Эмблемаси

«Интеграцион комитет», «Парламентлараро Ассамблея», «Ҳамжамият Суди» ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ЕврАзЭС таркибига Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Ўзбекистон кирган. Ташкилотнинг кузатувчи мақомидаги аъзолари: Молдавия, Украина (2002) ва Армения (2003).

Ўзбекистоннинг Россия билан ҳамкорлиги

Мустақил Ўзбекистоннинг бугунги хавфсизлиги, барқарорлиги, тараққиёти ва истиқболи нуқтаи назаридан Россия Федерацияси билан ҳамкорлик масаласига жиддий эътибор қаратилиши лозим. Зотан, Россия ва Ўзбекистоннинг бугунги манфаатлари ҳар қачонгидан ҳам ўзаро уйғунлик ва туташлик касб этмоқдаки, бу ҳолат узоқ истиқболни қамраб олиши табиий.

Мустақилликнинг дастабки йилларидан бошлаб икки давлат ўртасида дипломатик, иқтисодий, маданий, илмий – техникавий алоқалар ўрнатилди. 1992 йил 20 мартда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилди. Истиқлол йилларида икки давлат раҳбари ҳамда ҳукумат бошлиқларининг дўстона, расмий ва амалий сафарларини уюштириш кенг йўлга қўйилди. 1992 йил 30 майда эса И.А. Каримов бошчилигида Ўзбекистон делегациясининг Россия Федерациясига ташрифи амалга оширилади. Ташриф пайтида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланади. Шартнома икки давлат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга ҳуқуқий асос солди. 1993 йил март ойида Россия Федерацияси Президенти Б.Н. Ельциннинг Ўзбекистонга ташрифи пайтида икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш чораларини кўришга аҳдлашилган. 1993 йил 19 мартда

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битимлар имзоланади. 1994 йил март ойида И.А. Каримов расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлган. Музокаралар якунида 1994 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида Декларация имзоланади. Шунингдек, икки далаат ўртасида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида ҳамда ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланади. 1995 йил 26 – 28 июль кунлари Россия Федерацияси ҳукумати раиси В.С. Черномирдин расмий сафар билан Ўзбекистонда бўлди. Сафар чоғида музокаралар ўтказилиб, қуйидаги ҳужжатлар имзоланади:

➤ Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Меморандум;

➤ 1996 – 1997 йилларда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари тўғрисида ҳукуматлараро Битим;

➤ «Ильющин» транснационал молия – саноат қўшма гуруҳини барпо этиш ҳақида Битим;

➤ олий таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш, илмий – техник ҳамкорлик, «Супа» халқаро радиоастрономик абсерваториясини ташкил этиш, жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида ҳукуматлараро Битимлар;

➤ икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик Дастури.

1998 йилнинг 11 – 12 октябрда Президент И.А. Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Б.Н. Ельцин давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Давлат раҳбарларининг музокаралари давомида Россия – Ўзбекистон муносабатларининг аҳволи ва ривожланиш истиқболлари, шунингдек, долзарб халқаро ва минтақавий масалалар кўриб чиқилган.

В.В. Путиннинг Россия Федерацияси Президенти этиб сайланиши икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. У қисқа муддатда Ўзбекистонга икки марта 1999 йил 10 – 11 декабрда ва 2000 йил 18 – 19 май кунларида давлат ташрифи билан келди. Ташриф давомида икки мамлакат президентлари ва ҳукумат делегациялари ўртасида савдо – иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, ҳарбий ва ҳарбий – техникавий ҳамкорлик, хавфсизлик, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро террорчиликка қарши биргаликда кураш каби масалалар муҳокама қилинди ва бунга доир битимлар, шартномалар имзоланган. Бу даврга келиб икки давлат ўртасида турли соҳаларга йўналтирилган 150 та ҳужжат имзоланди.

Ўзаро тенг ҳуқуқлик асосида олиб борилаётган ҳамкорлик натижасида ҳозирда мамлакатимизда 520 та Ўзбекистон – Россия қўшма корхонаси, шунингдек, Россия Федерацияси фирма ва компаниялари рўйхатга олинган.

Россиянинг 40 га яқин компанияси, хусусан, «Аэрофлот», «Автоваз», «Зарубежнефтвергаз», «Лукойл» кабиларнинг ваколатхоналари бор. Россияда эса Ўзбекистон сармояси асосида ташкил этилган 250 га яқин қўшма корхона мавжуд. Ўзбекистон Россиядан турли кўринишдаги механик ва электрик жиҳозлар, транспорт воситалари, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, қора металл ва бошқа товарлар сотиб олиб, Россияга турли машина ва жиҳозлар, пахта толаси, озиқ-овқат молларини экспорт қилади.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг 2001 йил 3 – 5 май кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ташриф чоғида ҳарбий – техникавий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларга оид масалалар муҳокама қилинади. Музокаралар якунида Ислон Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг қўшма Баёноти ҳамда чегара масаласи бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолادилар. Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия, ўзаро савдода билвосита солиқ олиш тамойиллари, контрабанда ва божхона қонунбузарлигига қарши курашда ҳамкорлик, божхонага оид ҳужжатлар ва тартиб – қоидаларни ўзаро тан олиш, божхонадан ўтиш тартибини енгилаштириш ва соддалаштириш, маданий соҳада 2001 – 2003 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар қабул қилинди.

Сўнги икки йил ичида ҳам Ўзбекистон ва Россиянинг давлат раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқларининг кўплаб учрашувлари амалга оширилди ҳамда ҳамкорликка доир муҳим ҳужжатлар имзоланди. 2005 йил 6 – 7 октябрь кунлари Россиянинг Санкт – Петербург шаҳрида «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотининг навбатдаги мажлисида И.А. Каримовнинг Россия Президенти В.В. Путин билан учрашуви бўлиб ўтган. Мазкур учрашувда икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар муҳокама этилган.

2005 йил 11 октябрь куни Россия Федерациясининг саноат бўйича Федерал агентлиги раҳбари Борис Алёшин Ўзбекистонга келди. Б. Алёшин иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг раиси ҳисобланади. Учрашувда савдо – иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўша йили 21 октябрь куни И.А. Каримов Оксаройда Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва Россия қуролли кучларининг Жиззах вилоятидаги «Фориш» полигонида ўтказилган қўшма аксилтеррор машқлари, иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг мажлиси ҳақида муҳокамалар бўлган.

2005 йил 14 ноябрида расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Россия Федерациясида бўлди. Учрашув чоғида олдинги алоқалар муҳокама қилинди. Ўтган йил давомида президентлар етти мартаба учрашган. Россиядан Ўзбекистонга турли мақомдаги 32 делегация

келган. Музокараларда иқтисодий доираларда ўзаро манфаатли йирик лойиҳалар режалаштирилаётгани қайд этилди. Ташриф якунида икки давлат раҳбари Ўзбекистон ва Россия ўртасида иттифоқчилик тўғрисидаги шартнома имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат Савдо – сотиқ палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда прекурсорларни назорат қилишда ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланади.

2006 йил 10 апрелда Россия Федерацияси Федерал Мажлиси раиси Сергей Миронов Ўзбекистонга келди. Унинг ташрифи давомида икки мамлакат парламентининг юқори палаталари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланганлиги диққатга сазовордир. 2006 йил 6 май И.А. Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Медведевни қабул қилди. Музокараларда ҳамкорликни янада кенгайтириш, ислоҳ қилиш тўғрисида фикр алмашилади. У ташрифи давомида турли муассасаларда бўлди, уларнинг фаолияти билан танишиб чиқади.

2006 йил 12 май куни Россиянинг Сочи шаҳрида Россия Федерацияси Президенти В.В. Путин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов учрашди. Унда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, савдо – иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилади. Учрашувда «Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги қонунни кучга киритиш тўғрисида фикр алмашилди.

Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этгани ҳам муҳим омил бўлмоқда. 2008 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Россияга борди. Июнь ойида МДХнинг Санкт – Петербургда ўтган норасмий саммити доирасида Ўзбекистон ва Россия Президентлари яна учрашдилар. Сентябрь ойида эса Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин Тошкентга келди.

Иқтисодий ҳамкорлик борасида Ўзбекистон ва Россия ишончли шериклардир. Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. 2008 йил якунларига кўра, бу борадаги кўрсаткич қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Ўзбекистон экспортида саноат маҳсулотларининг, хусусан, автомобилларнинг улуши (жами экспортнинг 28.6 фоизи) ортиб бораётгани диққатга сазовордир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Россияга хизматлар (26.3 фоиз), мева ва полиз маҳсулотлари (16.3), табиий газ (11.3), тўқимачилик буюмлари (5.7), кимё саноати маҳсулотларини (4.1) экспорт қилади. Россиядан эса, асосан, ускуналар, ёғоч, қора ва рангли металллар, тиббиёт, микробиология ва озик – овқат маҳсулотлари ва хизматлар импорт қилинади. Аслида экспорт – импорт операцияларида қайд этиладиган товарлар ва хизматлар рўйхати янада катта ва хилма – хил. Масалан, Ўзбекистон Россия тўқимачилик саноати корхоналарига

пахта толаси етказиб берувчи асосий экспортчи саналади. Ўз навбатида, Россия Ўзбекистон автомобилларининг энг йирик импортчисидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 2009 йил 22 январь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Ўзбекистон ва Россия мамлакатлари БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида кўп томонлама асосда ҳам ҳамкорликни изчил ривожлантираётгани қайт этилди. Президентлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини камайтириш борасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида сармоя соҳасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Сўнги йилларда бу соҳада фаоллик кескин ошди. Масалан, ҳозир юртимизда фаолият юритаётган 786 та Ўзбекистон – Россия қўшма корхонасининг учдан бир қисми кейинги икки йилда тузилган. Россия томонидан бу корхоналарнинг низом жамғармасини шакллантиришга киритилган сармоя ҳажми бир миллиард АҚШ долларларидан ошади. Ўзбекистонда Россиянинг 127 та фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 349 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш бўйича МДХ мамлакатлари орасида учинчи ўринда туради, дунё бўйича эса етакчи ўнликка киради. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Россиянинг «Лукойл», «Газпром» каби йирик энергетик компаниялари ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Бундай энергетик ҳамкорлик замон талабларига мос, ҳар томонлама долзарб бўлиб, табиийки, ҳар икки томон манфаатларига хизмат қилади.

Яна бир муҳим соҳа – авиасозлик. Дунёда саноатнинг бу турини ўзлаштирган мамлакатлар санокли. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ва Россиянинг авиасозлик соҳасидаги ҳамкорлиги ҳар жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик қўшма тадқиқотлар ўтказиш, илғор технологиялар ва тажриба билан ўртоқлашиш, биргаликда авиасозлик саноати маҳсулотлари савдоси ҳажмини ошириш имконини бермоқда.

Музокарларда Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари фаол ва самарали ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган устувор йўналишлар кўриб чиқилди, сармоя соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, одамларининг икки мамлакат имкониятлари ҳақидаги маълумотини кўпайтириш учун миллий кўرғазмалар, бизнес – форумлар ташкил этишни изчил давом эттириш, минтақаларо ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар гуманитар ҳамкорлик масалаларига ҳам тўхталдилар. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги

анъанавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ва Россия халқлари бир-бирининг адабиёти ва санъатини яхши билади.

Ўзбекистонда Рус маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. Тошкентдаги «Росзарубежцентр» ваколатхонаси ишлаб турибди. Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академияси, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. Гупкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари очилди.

Спорт, сайёҳлик ва қатор бошқа соҳаларда ҳам алоқаларнинг кўламини кенгайтириш ва фаоллигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Маданият, спорт, дам олиш, саломатчиликни тиклаш каби соҳаларга оид сайёҳлик борасида талай кўшма лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Масалан, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари бўйлаб сайёҳатлар ташкил қилинса, икки томон учун ҳам катта самара беради.

Дмитрий Медведевнинг Ўзбекистонга ташрифи вақтида олиб борилган музокаралар якунида Ўзбекистон ва Россия Президентларининг Кўшма баёноти қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш ва уларга кўрсатиш шартлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ўзаро ташрифлар, учрашувлар икки давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Ўзбекистон Россия ўртасидаги муносабатлар том маънодаги тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида кенгайиб бормоқда. Бунинг учун барча имкониятлар йўлга қўйилмоқда.

3. Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари. Ўзбекистон ташқи сиёсатнинг таъсирли йўналишларидан бири Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган. Минтақадаги бешта давлат ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, дилимизнинг бирлиги, томирларимизнинг тутшиб кетганлиги бу мамлакат халқларини бир – бирига янада яқинлаштиришнинг заминидир.

**Марказий Осиё Ҳамкорлик
(МОҲ) ташкилоти**

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда Марказий Осиё Ҳамкорлик (МОҲ) ташкилоти муҳим аҳамият касб этади. Бу ташкилот 1994 йил июль ойи бошида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон президентларининг Алмати шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви асосида ташкил топган Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти (МОИҲ) заминида вужудга келган. 2001 йил 28 декабрь куни Тошкентда МОИҲ давлат бошлиқларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтган. Мазкур кенгашда МОИҲ ташкилоти фаолиятини тўхтатишга қарор қилинади.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов таклифига кўра Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти негизида Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилотини тузишга келишиб олинади. 2002 йил 28 февраль Алмати шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтади. Музокараларнинг якуни бўйича президентлар Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шу тариқа МОҲ ташкилоти ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган. Ташкилотнинг раиси этиб Ислон Каримов сайланган. Бу ташкилот энди иқтисодий муносабатларни ривожлантириш билан бирга сиёсий – ижтимоий, маданий, техникавий ва бошқа алоқа турларини кенгайтириш масалалари билан шуғулланадиган бўлди. Унинг ишлаш тартиби қуйидагилардан иборат. Ҳар бир аъзо мамлакатдан бевосита давлат раҳбарига ҳисобот бериб турадиган биттадан мувофиқлаштирувчи вакил тайинланади. Тўртта вакил МОҲ ташкилоти фаолияти самарадорлигини ошириш, аъзо томонларнинг интеграция жараёнларини фаоллаштириш борасидаги манфаатларини яқинлаштириш, қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш ва умумий вазиятни ташкил этиш билан шуғулланади. МОҲ ташкилотининг ташкил этилиши, унинг аъзолари бўлган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янги поғонага кўтармоқда.

*Ўзбекистоннинг
Қозоғистон билан ҳамкорлиги*

Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик билан бирга улар ўртасида икки томонлама алоқалар ҳам

йўлга қўйилди.

Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан икки томонлама муносабатлари 1992 йил 24 июнда Туркистон шаҳрида Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга расмий давлат ташрифи пайтида Н.Назарбоев билан И.Каримов томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида мустаҳкамланиб бормоқда.

Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев 1994 йил 10 – 12 январда расмий давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Икки Президент Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида товарлар, хизматлар, сармоялар ва ишчи кучларнинг эркин ўтиб туришини назарда тутувчи ҳамда ўзаро келишилган кредит, ҳисоб – китоб, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини таъминлаш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. 1998 йил 31 октябрда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида абадий дўстлик шартномаси имзоланган.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг Тошкентда 2000 йил 20 – 21 апрель кунлари бўлган учрашувида икки давлат чегараларини аниқ белгилаб олишга бағишланган учрашуви бўлди. Музокаралар якунида «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоевнинг кўшма баёноти» имзоланди. Икки мамлакат мустақиллиги ва чегаралари дахлсизлигини таъминлашга

қаратилган бу ҳужжат икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир. «Давлат раҳбарлари, - дейилади қўшма баёнотда, – Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги чегара икки давлат қардош халқларини бирлаштирувчи тинчлик, дўстлик ва яхши қўшничилик чегараси бўлиб қолишда яқдилдирлар».

2001 йил 16 – 17 ноябрь кунлари Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди. Икки давлат Президентлари Ўзбекистон – Қозоғистон давлат чегараси тўғрисидаги Шартномани имзолادилар. 2440 км узунликдаги Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан ҳамкорлиги чегаранинг 96 % белгилаб олинди. Қолган қисмини келишув асосида делимитация қилишга келишилди. 10 ой давомида бу борада тегишли ишлар амалга оширилди. 2002 йил 9 сентябрда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан Ислон Каримов Остона шаҳрига ташриф буюрди. «Ўзбекистон – Қозоғистон давлат чегараларининг алоҳида участкалари тўғрисида битим» имзоланди. Икки мамлакат ўртасидаги чегарага оид долзарб масалалар ҳуқуқий жиҳатдан ўз ечимини топди. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2002 йилнинг биринчи ярмида 124 млн. АҚШ долларини ташкил этди. 2002 йилда Ўзбекистонда 38 та ўзбек – қозоқ қўшма корхонаси, Қозоғистонда 92 та ўзбек – қозоқ қўшма корхонаси фаолият юритар эди.

*Ўзбекистоннинг
Қирғизистон билан ҳамкорлиги*

Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан икки томонлама ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон

Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида шартнома асосида йўлга қўйилди ва ривожлантирилмоқда. Бу шартнома Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи пайтида Тошкентда 1992 йил 29 сентябрда И. Каримов ва А. Акаев томонидан имзоланган эди.

Президент Ислон Каримовнинг 1993 йил августида Қирғизистонга қилган расмий давлат ташрифи пайтида Ўш шаҳрида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида 1994-2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий интеграцияни ривожлантириш тўғрисида Баёнот имзоланди. Бу ҳужжат иккала республикада ишлаб чиқилган миллий дастурларни мувофиқлаштиришга, хомашё ва ишчи кучидан, илмий салоҳиятдан унумли фойдаланишга қаратилган. Икки давлат ўртасида иқтисодиёт, савдо, маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, спорт ва туризм бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида битимлар имзоланган. 1994 йил 16 январда Ўзбекистон Президенти И. Каримов Қирғизистонда бўлди. Расмий ташриф якунида икки давлат Президентлари товарлар, хизматлар, сармоя, ишчи кучларининг эркин юришини, ўзаро келишилган кредит-ҳисоб –

китоб, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатини белгиловчи шартномани имзоладилар. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида 1994 йил учун савдо – иқтисодий ҳамкорлик, маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, спорт ва туризм бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақида битимлар имзоланди. Бу ҳужжатлар асосида икки мамлакат ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. 2000 йилда Ўзбекистонда 22 та ўзбек – қирғиз қўшма корхонаси, Қирғизистонда 62 та қирғиз – ўзбек қўшма корхонаси фаолият юритди.

*Ўзбекистоннинг
Тожикистон билан ҳамкорлиги*

Тожикистонда 1992 – 1996 йилларда давом этган биродаркушлик уруши Тожикистоннинг иқтисодий тараққиётига салбий таъсир этди, унинг қўшни мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорлигига ҳам салбий таъсир этди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 1998 йил 4 январь куни Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Ўзбекистонга амалий ташриф билан келди. Икки мамлакат раҳбарлари ташриф якуналари бўйича қўшма ахборот имзоладилар. Ўзбекистон ва Тожикистон Бош вазирлари соғлиқни сақлаш, маданият ва гуманитар соҳа, фан, техника ва ахборот соҳалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимларни имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида юк ташиш ҳамда газ етказиб бериш, Тожикистоннинг қарзи бўйича ўзаро ҳисоб – китоб тўғрисидаги битимлар ҳам имзоланди. Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари ўзининг янги, мустаҳкамланиш ва тараққиёт даврига ўтди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 1997 йилда 50 млн. АҚШ долларидан ошди, бу аввалги йилга нисбатан 50 фоиз кўпдир. Ўзбекистон Тожикистон ҳудудидан ўтган транспорт коммуникацияларидан фойдаланмоқда. 2000 йилда Ўзбекистонда 15 та ўзбек – тожик қўшма корхонаси, Тожикистонда 3 та ўзбек – тожик қўшма корхонаси фаолият юритди.

*Ўзбекистоннинг
Туркменистон билан ҳамкорлиги*

1991 йилда Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари учрашувида Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Бу шартнома икки давлат ўртасидаги савдо – иқтисодий, маданий алоқаларга негиз бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов 1996 йил 16 январь куни амалий ташриф билан Туркменистонда бўлди. Чоржўй шаҳрида С.Ниёзов билан И.Каримов ўртасида ва икки мамлакат делегациялари ўртасида музокаралар бўлди. Президентлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида давлат чегарасини кўриқлашда ҳамкорлик қилиш

тўғрисидаги ва сув хўжалиги масалалари бўйича битимларни имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида эса сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш, ҳаво йўли, божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, узоқ муддатли савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, даромад ва мулкдан икки ёқлама солиқ олмаслик, маданият, таълим соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги 20 дан зиёд битимлар имзоланди.

4. Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқалари. Ўзбекистон Республикаси биринчи навбатда Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда араб мамлакатлари билан давлатлараро муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга киришди. Негаки, Ўзбекистоннинг руҳи, дини, урф – одатлари ва анъаналари Осиёдаги мамлакатларга яқиндир.

Ўзбекистоннинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлиги

1991 йил 16 – 19 декабрь кунлари И. Каримов бошлиқ Ўзбекистон давлат делегацияси мамлакатимиз мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган мамлакат – Туркияда бўлди. Туркия

Президенти Турғут Ўзол, Бош вазир Сулаймон Демирэл ва бошқа раҳбарлар, ишбилармонлар билан амалий учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди. Сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Туркия жумҳурияти ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисида шартнома, консуллик ваколатхоналарини айирбошлаш тўғрисида Протокол, иқтисодий ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим, транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, ахборот айирбошлаш, телевидение ва радио эшиттириш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақида протоколлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда анча кенгайди. 1992 йил 28 апрель куни Ўзбекистонда Туркия элчихонаси, Туркияда Ўзбекистон элчихонаси очилди ва фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликнинг янада чуқурлаштиришда Туркия давлати раҳбарлари – Турғут Ўзол, Сулаймон Демирэл, Тансу Чиллер, Месут Йилмазар Аҳмет Сезерларнинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари чоғида имзоланган ҳужжатлар катта аҳамиятга эга бўлди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик газлама ва тайёр кийим – кечак ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қўшма корхоналар қуриш, кадрлар тайёрлаш, туризмни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда амалий натижалар бермоқда. Ўзбекистонда Туркия сармоядорлари иштирокида 200 дан ортиқ қўшма корхона барпо этилди. 1996 йил июнь ойида Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари ассоциацияси – «Ўзавтосаноат» Туркиянинг «КочХолдинг» концерни билан Самарқанд шаҳрида «СамКочавто» ўзбек – турк қўшма корхонасини барпо этиш тўғрисида шартнома туздилар. Тез орада бу қўшма корхона бунёд этилди ва сифими ўртача автобуслар ҳамда 8 тоннагача юк кўтарадиган юк автомобиллар

йиғиш йўлга кўйилди. Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1992 йилда 75 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1998 йилда 275 млн. АҚШ долларига кўпайди.

1992 йил 27 – 28 июнь кунлари Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифнинг Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи икки давлат ўртасидаги алоқаларга асос солди. Сафар кунларида «Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида» шартнома, иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тўғрисида, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризм спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорликни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 13 – 14 август кунлари Покистонга расмий ташрифи ва унда имзоланган ҳужжатлар янги поғонага кўтарди. Икки давлат ўртасида сув ресурслари, электрлаштириш, ирригация ва мелиорация соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида, почта ва телекоммуникация соҳасида, давлат банклари ва миллий банклар ўртасида ваколатхоналар айирбошлаш тўғрисида, инвестициялар ва сармояларни ҳимоя қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто 1995 йил май ва ноябрь ойларида Ўзбекистонга икки марта ташриф буюрди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва Марказий Осиё хавфсизлиги, Афғонистонда биродаркушлик урушини тўхтатиш масалалари бўйича фикр алмашилди. Иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, фан, техника, сайёҳликни ривожлантириш ҳақида битимлар имзоланди.

Ўзбекистонда Покистон сармоялари иштирокида 120 кўшма корхона тузилган. Табани, Меркурий, Метро, Лаксан Тарака каби 19 та йирик фирма ва компаниялар фаолият кўрсатмоқдалар. 1994 йилда Ўзбекистон ва Покистон ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 4,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Покистонга чарм хомашёси, пилла, шойи матолар, шиша, биллур, енгил саноат учун машина ва ускуналар экспорт қилмоқда. Покистондан эса халқ истеъмолчи моллари, хусусан, тайёр кийимлар, пойафзал, чарм буюмлар, какао ва шакар келтирилмоқда.

1992 йил 24 – 25 ноябрь кунлари республикаимиз Президенти И. Каримовнинг Эрон Ислом Жумҳуриятига расмий давлат ташрифи Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги давлатлараро алоқаларга асос солди. Сафар чоғида «Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Жумҳурияти ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида» Декларация, хаво транспорти соҳасидаги ҳамжихатлик тўғрисида меморандум, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасидаги ҳамжихатлик тўғрисида меморандум, почта, телефон ва телеграф соҳасидаги ҳамжихатлик тўғрисида меморандум, давлат Марказий банклари ўртасида битим имзоланди. 1993 йил 18 октябрда Эрон Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжонийнинг Ўзбекистонга расмий

ташрифи билан келиши икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтишига кўмаклашди.

Сафар чоғида транзит алоқаларни тартибга солиш тўғрисида ҳамда халқаро автомобиль катнови тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар транспорт соҳасида кенг ривожланди. 1996 йилда Ўзбекистон Эрон ҳудуди орқали 34 минг тонна юк ташиган бўлса, 2001 йили бу кўрсаткич 487 минг тоннани ташкил этди. 2001 йили Ўзбекистон ҳудуди орқали Эроннинг 750 минг тонна транзит юки олиб ўтилди. Ўзбекистон юклари асосан Эроннинг Бандер Аббос ва Чобаҳор портлари орқали Жанубий-Шарқий Осиё минтақасига чиқарилмоқда. 2002 йил бошларигача Эрон тадбиркорлари сармоялари иштирокида мамлакатимизда 50 га яқин Ўзбекистон – Эрон қўшма корхонаси барпо этилди ва улар асосан ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

2002 йил 26 апрель куни Эрон Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамийнинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи пайтида Ўзбекистон ва Эрон ўртасида имзоланган икки томонлама солиққа тортилишга йўл қўймаслик, даромад ва сармоя солиқларига таалуқли маълумотларни алмашиш, транспорт воситалари ҳайдовчилари учун виза масалаларини енгиллаштириш, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлар палатаси билан Эроннинг савдо, саноат ва тоғ – кон саноати палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада бойитди.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов бошлиқ давлат делегацияси расмий ташриф билан Саудия Арабистони, Мисрда бўлди ва улар билан давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида шартномалар, иқтисодий, илмий – техникавий ва маданий ҳамкорлик битимлари имзоланди. Саудия Арабистони, Миср давлат ва ҳукумат вакиллариининг Ўзбекистонга расмий сафари пайтида имзоланган ҳужжатлар эса давлатлараро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонлик ёшлар Коҳира университетида, «Аль – Азҳор» ва «Айн Шамс» университетларида, Мисрликлар Тошкент техника ва аграр университетларида таҳсил кўрмоқдалар. Тошкентда Миср Республикасининг фан ва таълим маркази фаол ишлаб турибди. 1992 йилда Ўзбекистон Покистон, Эрон ва Туркия томонидан тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)га аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистоннинг йирик мамлакат – Ҳиндистон билан алоқалари кенгайтиб бормоқда. 1993 йил 23 – 25 май кунлари Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Сафар кунларида «Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида» шартнома, фойда ва мулкка икки ёқлама солиқ солмаслик тўғрисида, ҳаво йўллари тўғрисида ва савдо – иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг 1993 йил 17 – 19 август кунлари Ҳиндистонга расмий ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида иқтисодий, савдо

ва илмий – техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, туризм, спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. 1995 йил 25 август куни Тошкент шаҳрида Ҳиндистоннинг «ТАТА Проекте ЛТД» фирмаси томонидан куриб битказилган 600 ўринли саломатлик зали, мажлислар хонаси, сервис хизмати, ер ости гаражи, сауна, барлари, катта ресторанлари бўлган замонавий меҳмонхонанинг очилиши фикримизнинг далилидир.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини Ислон Каримовнинг 2000 йил 1 – 3 май кунлари Ҳиндистонга қилган сафари янада юқори поғонага кўтарди. Сафар пайтида Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон Президенти ва Бош вазири билан музокаралар олиб бориб, унинг якунида 10 га яқин ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида халқаро жиноятчилик, террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва курул-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашга қаратилган Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Қўшма баёнот, жиноят – қидирув ишларида ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция тўғрисидаги шартнома муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек иқтисодий, маданий, таълим, ахборот, божхона соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларга хизмат қилувчи 40 га яқин ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистонда 2000 йилда Ҳиндистон билан ҳамкорликда ташкил этилган 30 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой алоқалари

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Шарқ ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган. Бу мамлакатлар орасида Хитой Халқ Республикаси билан давлатлараро алоқа ўрнатиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки пайтлардаёқ Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йил 2 – 3 январь кунлари ХХР ташқи иқтисодий алоқа ва ташқи савдо вазири Ли Ланьзин Тошкентда бўлди, шу кунлари икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди, элчихоналар очишга қарор қилинди.

1992 йил 12 – 14 март кунлари Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг ХХР га давлат ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Сафар чоғида ҳамкорликнинг турли соҳалари бўйича 20 га яқин ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида, қишлоқ хўжалигида ҳамкорлик тўғрисида, сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битимлар бор эди.

1994 йил 18 – 20 апрель кунлари ХХР давлат Кенгашининг раиси Ли Пеннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи пайтида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида кредит, халқаро иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти алоқаларини

йўлга кўйиш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Хитой томони Ўзбекистонда тайёрланаётган ИЛ-76 ТД ва ИЛ-114 самолётларини харид қиладиган бўлди. 1994 йил 24 – 25 октябрь кунлари Ўзбекистон Президенти Хитойга иккинчи марта сафар қилди ва муҳим аҳамиятга молик бўлган ҳужжат- «Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида ўзаро муносабатларнинг асосий принциплари, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида баённома» имзоланди. Шунингдек, икки давлат ўртасида консуллик шартномаси имзоланди.

Ислон Каримовнинг 1999 йил 8 – 10 ноябрь кунлари ХХРга учинчи марта сафари чоғида сиёсат, иқтисодиёт, маданият, телекоммуникация соҳаларида ҳужжатлар имзоланди. Икки томонлама алоқалар янада кенгайди. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 78 та Ўзбекистон – Хитой кўшма корхонаси икки мамлакат ўртасида ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганининг далилидир.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан 2004 йил 14 июнь куни Ўзбекистонга келди. Икки давлат бошлиқлари учрашувида Ўзбекистон – Хитой муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди. 2004 йил январь-апрель ойларида ўзаро савдо ҳажми 134 млн. АҚШ долларига етганлиги, умумий қиймати 100 млн. АҚШ долларига тенг икки томонлама лойиҳалар амалга оширилаётганлиги қайд этилди. Икки мамлакат тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, кимё, коммуникация соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида Қўшма декларация имзоланди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида наркотик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва суистеъмол этилишига қарши курашда ҳамкорлик қилишга, техникавий – иқтисодий ҳамкорликка оид, Тошкентда Конфуций номидаги институтни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар жами 10 та ҳужжат имзоланди.

Хитой раҳбари таъкидлаганидек, ўзаро ишонч ва ҳурмат, икки томонлама манфаатдорликка таянган Ўзбекистон – Хитой муносабатлари халқларимизниг умумий мулкидир.

*Ўзбекистон ва Жанубий
Корея ҳамкорлиги*

1992 йил март ойида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилади. 1992 йил 19 июнда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Жанубий Корея Республикасига давлат ташрифи билан борди. Бу сафар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, савдо, маданий – техникавий алоқаларга асос солди. «Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида» Декларация имзоланди. Савдо – иқтисодий айирбошлаш ҳақида, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга маблағ сарфлайдиган Жанубий Корея ишбилармонларига бериладиган кафолатлар ҳақида битимлар тузилди. Маданият, маориф, оммавий ахборот, саёҳат, спорт соҳаларида баҳамжихат ҳамкорлик қилишнинг ўзоқ муддатга

мўлжалланган режалари белгилаб олинди. Жанубий Кореядаги ДЭУ Корпорацияси раҳбарияти билан Асакада автомобиль заводи куришга келишилди.

1992 – 1996 йилларда «ЎздЭУавто» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма автомобиль заводини лойиҳалаштириш, куриш ишлари амалга оширилди. Завод 1996 йил 25 март куни автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. Ўзбекистон билан Кореянинг «Кобул Текстайл» компанияси ўртасидаги ҳамкорлик йилдан йилга чуқурлашиб бормоқда. Мазкур компания Ўзбекистонга 250 млн. АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритди ва ўзлаштирилди. «Кобул Текстайл» иштирокида Тошкент, Тўйтепа ва бошқа шаҳарларда қўшма корхоналар барпо этилди ва харидоргир, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг Корея Республикаси билан ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда. 1999 йилга қадар Ўзбекистонга Кореядан 1,2 млрд. АҚШ доллари ҳажмида сармоя кириб келди ва ўзлаштирилди. Ўзбекистонда 70 дан ортиқ Корея ҳамкорлигида барпо этилган қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1997 йилдаёқ 1 млрд. АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлиги

Ўзбекистон Шарқнинг энг ривожланган мамлакати – Япония билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Япония 1991 йилдаёқ Ўзбекистон мустақиллигини тан олди, 1992 йилда ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1994 йил 16 – 19 май кунлари Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов бошлиқ давлат делегацияси расмий ташриф билан Японияда бўлди. Сафар пайтида Қўшма Баёнот, ташқи ишлар бўйича муносабатлар ҳақида ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон делегацияси машхур Панасоник концернида бўлди ва унинг раҳбарияти билан Ўзбекистонда филиал очишга келишилди. Республикамиз шаҳарларида Панасоник маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилди. Япония Ўзбекистонга 100 млн. АҚШ доллари ҳажмида бегараз ёрдам берди. Ўзбекистонда Япониянинг дунёга машхур «Мицуи», «Мицубиси», «Сумитото», «Томен», «Марубени», «Нише Иваи» корпорацияларининг доимий ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар билан Ўзбекистон ташқи иқтисодий вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган. Япония ҳукумати, ўнлаб фирма ва компаниялар Кўкдумалоқ, Шўртан нефть – газ конини ўзлаштиришда, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводини куришда, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлашда, телеалоқа тармоқларини таъмирлашда ўз сармоялари билан қатнашди.

Ўзбекистон Япония билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор бераётганлиги сабабли 1999 йил апрель, 2001 йил май ойларида Япониянинг «Кейдзай Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмасининг Президенти Коичи Минагучи бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. «Кейдзай

Доюкай» уюшмаси ташаббуси билан Япония Ўзбекистонга имтиёзли кредитлар ажратмоқда.

Япония ҳукуматининг «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида Ўзбекистонда телекоммуникация, транспорт инфратузилмаси ва таълим соҳаларидаги лойиҳалар ижроси учун 560 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли давлат кредити берилди. Япония халқаро ҳамкорлик банки эса ёқилғи – энергетика ва тўқимачилик соҳалари учун Ўзбекистонга 720 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит берди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов 2002 йил 28 – 31 июль кунлари Япония ҳукуматининг таклифига биноан расмий ташриф билан Японияда бўлди. Япония бош вазири Дзунъитиро Коидзуми ва император Акихито билан самимий учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди. Ташриф натижасида Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида:

- дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўрисида Қўшма Баёнот;
- иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб – қувватлаш тўғрисида Қўшма Баёнот»;
- икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги, Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Мицубиси», «Мицуи», «Марубени», «Нише Иваи» корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият банки билан «Bank of Tokyo-Mitsubishi» ўртасида имтиёзли кредит борасидаги ва бошқа жами 14 та ҳужжат имзоланди.

Сафар натижасида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик янги, стратегик босқичга кўтарилди.

1995 – 2002 йилларда Япониянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган кредитлари миқдори 1,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистонда 10 дан ортик Ўзбекистон – Япония қўшма корхоналари барпо этилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари

Ўзбекистоннинг Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари - Малайзия ва Индонезия билан давлатлараро алоқалари ўрнатилди. Бу борада Ўзбекистон Президенти И.Каримов бошлиқ давлат делегациясининг 1992 йил июнь ойидаги Малайзия ва Индонезияга сафари муҳим аҳамиятга эгадир. Сафар кунларида Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнаташ бўйича қўшма ахборот, икки томонлама муносабатлар бўйича қўшма баёнот, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

1995 йил 8 – 10 апрель кунлари Индонезия Республикаси Президенти Сухарто расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Президенти И.Каримов ва Индонезия Президенти Сухарто Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисида қўшма баённома

имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги меморандум ҳамда икки мамлакат пойтахтлари оралиғида самолётлар катновини йўлга қўйиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди. Ўзбекистоннинг Осиё ва Океания минтақасидаги Вьетнам Социалистик Республикаси, Камбоджа, Таиланд, Австралия ва бошқа мамлакатлар билан сиёсий – дипломатик алоқалари йўлга қўйилди, иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда.

5. Ўзбекистоннинг АҚШ ва Европа мамлакатлари билан ҳамкорлиги.

Ўзбекистон ва АҚШ алоқалари

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида Америка Қўшма Штатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш ва тобора чуқурлаштириш алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида давлатлараро алоқалар мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ йўлга қўйилди. 1992 йил 15 – 16 февраль кунлари АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди ва икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1992 йил 16 март куни Тошкентда биринчи бўлиб АҚШнинг элчихонаси очилди.

1993 йил 14 сентябрда АҚШ давлат департаментининг махсус топшириқлар бўйича элчиси Строб Талбот Ўзбекистонда бўлди ва Ўзбекистон Президенти билан ҳамкорлик қилиш масалаларида суҳбатлашди.

1995 йил 6 апрелда АҚШ мудофаа вазири Уилям Перси Ўзбекистонга келди, Ўзбекистоннинг НАТО «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида иштироки муҳокама қилинди. АҚШ армияси ўқув – машқ марказида тинчликни таъминлаш мақсадида ўтказилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон қуроли кучлари взводи иштирок этди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида, икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисида шартномалар тузилган. Тошкент – Нью-Йорк ўртасида бевосита ҳаво йўли очилди.

Ўзбекистонда 1996 йил бошларигача америкалик сармоядорлар иштирокида 200 та ўзбек америка қўшма корхоналари ташкил топди ва фаолият кўрсатди. Булар орасида Навоий вилояти Зарафшон водийсидаги Мурунтогда АҚШнинг Ньюмонт Майнинг Корпорацияси билан ҳамкорликда тоғ жинсларидан олтин ва кумуш ажратиб олувчи «Зарафшон – Ньюмонт» қўшма корхонаси бор. Бу корхонада 2002 йилгача 83 тонна олтин тайёрланди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг 1996 йил 23 – 28 июнь кунларида АҚШда бўлиши Ўзбекистон ва Америка муносабатларини янги поғонага кўтарди. И.Каримов АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш, томонлар манфаатига дахлдор бўлган сиёсий, иқтисодий, ҳавфсизлик масалалари муҳокама этилди. Билл Клинтон АҚШ маъмурияти Марказий Осиё мамлакатларининг мустақиллиги, барқарорлиги ва равнақидан манфаатдор

эканини, Ўзбекистон билан қалин муносабатлар ўрнатишни истаётганини, Ўзбекистоннинг тезроқ дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви йўлида ёрдам беражagini таъкидлади. И. Каримов билан Б. Клинтон учрашуви икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга сиёсий замин ҳозирлади. 1996 йил 25 июнь куни Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси очилди.

Ўзбекистон Президенти бошлиқ давлат делегациясининг АҚШда бўлиши чет эл сармояси учун республикада яратилган шарт – шароитлар тўғрисидаги ахборот тақчиллигини бартараф этди. Сафар чоғида имзоланган ҳужжатлар АҚШ бизнеси ва сармояларининг Ўзбекистонга эркин кириб келиши учун янада кенг йўл очди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб – қувватлаш, ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш йўлидан бормоқда. Ўзбекистонда АҚШнинг 28 та компания, фирма ва банки ўз ваколатхоналарини очган. Булар қўшма корхоналар барпо этиш, савдо – сотиқни кенгайтириш ишига кўмаклашмоқда.

2001 йилда Ўзбекистонда АҚШ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар сони 70 тадан ортиди. АҚШ сармояси иштирокида республикамизда барпо этилган 305 та қўшма корхона саноат, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, газ – кимё, нефть, олтин қазиб олиш, транспорт, коммуникация ва таълим соҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқда. «Зарафшон – Ньюмонт», «Ўз – Тексако», «Ўз – кейсмаш», «Ўз – кейстрактор», «Ўз – Эксайд», «БиЭй Ай»нинг Хўжаобод газ омбори қурилиши, «АББ Луммус Глобал» билан ҳамкорликдаги Шўртон газ – кимё мажмуаси шулар жумласидандир. Ўзбекистоннинг АҚШ билан савдо айланмаси 300 млн. АҚШ доллардан ошди.

2001 йил 11 сентябрь куни халқаро террорчилар АҚШда содир этган фожиали воқеалар пайтида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб АҚШ ҳукуматининг Халқаро терроризмга қарши аксилтеррор коалиция тузиш ҳақидаги таклифи тарафдори бўлиб чиқди. Ўзбекистон АҚШ билан биргаликда халқаро аксилтеррор коалицияда фаол қатнашди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда. 1991 йилдан 2001 йил сентябргача томонлар орасида давлат аҳамияти даражасида 28 та ташриф қайд этилган бўлса, 2001 сентябрдан 2002 йил апрелигача эса 20 тага яқин ана шундай ташрифлар амалга оширилди.

2002 йил 11 – 14 март кунлари Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов бошлиқ давлат делегацияси Президент Жорж Буш таклифига биноан расмий давлат ташрифи билан АҚШда бўлди. АҚШ Президенти Ж.Буш ва мартабали ҳукумат вакиллари Ислон Каримовни Оқ уйда обрў – эътиборли меҳмон сифатида кутиб олди. Томонлар халқаро аҳвол, Марказий Осиёдаги жараёнлар, халқаро терроризмга қарши кураш, ҳарбий ва ҳарбий – техникавий, иқтисодий ҳамкорлик масалаларда фикр алмашдилар. Ташриф якунида «Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ўзаро шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация», илмий – техникавий тадқиқотлар, ядровий материаллар ва технологиялар тарқалишининг олдини олишда ҳамкорлик, молия, қишлоқ хўжалигига оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

АҚШ ни синовли дамларда кўллаб-қувватлагани учун Президентимиз Ислон Каримов Америка жамоатчилиги томонидан «Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби» мукофоти билан тақдирланди. Бу мукофот Америка халқининг Ўзбекистон халқига ҳурмат-эътиборининг тимсолидир. Шундай қилиб, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора ўсиб борди ва мустаҳкамланди. Бугунги кунда Ўзбекистон ва АҚШ стратегик ҳамкор ва шерик мамлакатлардир.

*Ўзбекистоннинг
Европа мамлакатлари
билан ҳамкорлиги*

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш ва тобора чуқурлаштириш алоҳида ўрин тутди. 1996 йил 21 июнда Флоренция шаҳрида имзоланган Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги «Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим», унинг 1999 йил 1 июлда кучга кириши мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий негизига айланди.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва маданий – гуманитар алоқалари йилдан – йилга ривожланиб, чуқурлашиб бормоқда. Республикада Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг 145 фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитация қилинди. Европалик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 491 та корхона ишлапти, улардан 111 таси юз фоизлик Европа капиталига эга. 1995 – 2002 йилларда Европа Иттифоқи мамлакатларининг фирма ва компаниялари республикада умумий қиймати қарийб 8 млрд. АҚШ долларлик йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда қатнашди. 2002 йилда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан маҳсулот айирбошлаш ҳажми 1 млрд. 65,8 млн. АҚШ долларини, 2003 йил январь-октябрь ойлари якунлари бўйича эса 910,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқининг аъзоси, улкан иқтисодий ва илмий – техникавий салоҳиятга эга бўлган Германия билан ўзаро манфаатли алоқалари кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг Германияга 1993 йил 28 апрель куни бошланган ва беш кун давом этган расмий ташрифи Ўзбекистон билан Германия ўртасида муносабатларни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эгадир. И.Каримов ГФР Федерал президенти Рихард фон Вайзенкер ва Федерал канцлер Гельмут Коль билан самимий, ўзаро тенглик асосида, ишонч ва қатъият билан суҳбатлашди. Икки давлат ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисида, сармоялар қўйишни амалга ошириш ва ўзаро ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисида, илмий тадқиқотлар ва мутахассислар фондини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлиги битимлар имзоланди. «Дойче банк», «Мерседес-Бенц» ва «Сименс» компанияларининг раҳбарлари билан учрашувлар бўлди, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди. Сафар натижаларига кўра Ўзбек – Германия ҳамкорлиги масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия тузилди.

Тошкентда икки – томонлама савдо – иқтисодий палата ташкил этилди, ГФРнинг элчихонаси очилди. 1994 йил 1 сентябрда ГФР пойтахти Боннда Ўзбекистон Республикасининг Европада биринчи элчихонаси очилди. Ҳозирги пайтда элчихона Германиянинг янги пойтахти Берлин шаҳрида фаолият юритмоқда. «Тошкент – Франкфурт» хаво йўли очилди, Ўзбекистонда «Дойче-банк»нинг бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Германиянинг «Гейдельбер» фирмаси Ўзбекистонда нашриёт – матбаа соҳасида ҳамкорлик қилаётган йирик компаниядир. «Гейдельбер» фирмаси асбоб – ускуналари билан Янгийўл китоб фабрикаси, Тошкент ва Нукус полиграфия комбинатлари, Самарқанддаги «Тонг» нашриёти қайта жиҳозланди. Ўзбекистондаги «Растр» ва «Гротекс» нашриётлари «Гейдельбер» фирмаси технологияси асосида ишламоқда. Натижада мактаблар учун дарслик, ўқув қўлланмалари ва бошқа турдаги нашриёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча яхшиланди. 2001 йилда Ўзбекистон – Германия – Россия ҳамкорлигидаги «Наманган қоғоз» кўшма корхонаси қурилиб ишга туширилди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг 2001 йил 2 – 5 апрель кунлари Германия Федератив Республикасига, Германия Федерал канцлери Герхард Шредернинг 2002 йил 9 – 10 май кунлари Ўзбекистонга қилган расмий сафарлари Ўзбекистон – Германия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

Икки мамлакат тадбиркорлари ва расмий доирлари ўртасида алоқалар кенгайиб бормоқда. 1997 йилда Ўзбекистонда 55 та Германия компаниясининг ваколатхоналари фаолият юритган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 80 тага етди. Уларнинг энг йириклари «Хобас ТАПО», «Хива Карпет» ва бошқалардир. 2003 йилда Германиялик сармоядорлар иштирокида энгил саноат, озиқ – овқат саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, фармацевтика саноати, транспорт ва бошқа соҳаларда ташкил этилган 138 та корхона фаолият кўрсатди, улардан 40 таси юз фоизлик Германия капиталига эга. Ўзбекистонга киритлаётган Германия сармоялари ҳажми 2001 йилдаёқ 1 млрд. АҚШ долларида ошди. Икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 2001 йилда 283,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Германия Федератив Республикаси Ўзбекистоннинг Европадаги энг йирик иқтисодий ҳамкори дир.

Ўзбекистон билан Франция ўртасида муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. 1993 йил 28 – 30 октябрь кунлари Ўзбекистон делегациясининг Францияга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Президент И. Каримов Франция Президенти Ф. Миттеран, Франциянинг бошқа раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан дўстона суҳбат ва самарали музокаралар юритди. Ф. Миттеран қабул маросимида нутқ сўзлаб: «Ҳозирги сиёсий вазиятда Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаб турган мустақил Ўзбекистон Шарқ билан Ғарб ўртасида ишончли кўприк бўлиши мумкин. Кўп асрлик тарих, теран анъаналарга эга бўлган, инсониятнинг фахрига айланган алломаларни етказиб берган Ўзбекистон доимо французларнинг диққатини

тортиб келган. Бу ташрифдан кейин шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатингиз биз учун янада яқин бўлиб қолди», деб таъкидлаганди. Бу Ватанимиз тўғрисида, унинг шон – шуҳратини улуғловчи холисона, олийжаноблик билан берилган баҳодир. Сафар натижасида Парижда «Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома», маданият, илмий – техникавий ва маориф соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Париж Хартиясини имзолаши республикамизда демократиянинг янада ривожланиши, шунингдек, Ўзбекистоннинг Европа ва бошқа тараққий этган мамлакатлар билан янада яқинлашуви учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Миллий банки билан Франциядаги йирик «Кредит Коммерсиал де Франс» банки ўртасида муддаолар ҳақида Битим имзоланди, унда Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуриш лойиҳасини пул билан таъминлаш кўзда тутилди. Таниқли «Элф – акитен» нефть – кимё концерни, «Технип» фирмаси ва бошқа компаниялар билан Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуришга келишилди. Франция ва Ўзбекистон ўртасида савдо – сотиқ ҳисоб – китобларини таъминлаб турган «Креди коммерсила де Франс» банки завод қурилишини ҳам маблағ билан таъминлади. Ўзбекистон бу банкка маблағ қўйди, у ҳамкорлик учун кафолат бўлиб турибди.

1994 йил 25 – 27 апрель кунлари Франция Президенти Ф. Миттераннинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи чоғида имзоланган икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон ва Франция ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги битимлар, шунингдек ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларациялар имзоланди. Ўзбекистон билан Франция ўртасида иқтисодий, илмий, маданий, алоқалар кенгайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озик – овқат, нефть ва газ саноати, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинмоқда. Ўзбекистон халқаро ишларда катта тажриба ва нуфузга эга бўлган Буюк Британия билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда.

1993 йил 22 – 25 ноябрь кунлари Ўзбекистон Президенти И.Каримов бошлиқ республикамиз делегациясининг расмий амалий ташриф билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигида бўлиши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тарихида буюк воқеа бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг қиролича Елизавета II, Бош вазир Ж. Мейжор билан самимий, очиқ ўзаро манфаатли суҳбатлари, музокаралари бўлиб ўтди.

Сафар самарали бўлди. Ўзбекистон Республикаси билан Буюк Британия қироллиги ўртасида ўзаро иқтисодий алоқалар тўғрисида шартнома, сармоядорни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим, ҳаво йўлларини очиш тўғрисида битим, икки мамлакат ҳудудида фуқароларнинг эркин юриши ҳақида меморандум имзоланди. «Тошкент – Лондон» ҳаво йўлида

самолёт қатновининг йўлга қўйилиши алоқаларни яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1996 йилнинг бошларида Ўзбекистонда Британия Кенгаши бўлимининг иш бошлаши ҳамкорликни мустақамлаш ва кенгайтириш йўлидаги янги қадам бўлди.

Ўзбекистоннинг Финляндия, Австрия, Бельгия, Швейцария, Италия, Испания, Греция, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Хорватия, Болгария каби Европа мамлакатлари билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалари ўрнатилди ва кенгайтиб бормоқда. Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Бу маскан бугунги кунда савдо уйиғина бўлиб қолмай, Ўзбекистоннинг Европа ва жаҳонда бизнес ва савдо маркази ҳисобланадиган мамлакат - Швейцариядаги ваколатхонасига ҳам айланди. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида алоқаларнинг йўлга қўйилиши мамлакатимизнинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтарди. 1996 йилда Европа Иттифоқи Кенгаши билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик битими имзоланди. Битим туфайли Ўзбекистон Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлган 15 давлат билан сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, инвестиция, молия, божхона, илм – фан, маданият, тиббиёт, телекоммуникация, транспорт ва бошқа соҳаларда шериклик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатди. Ўзбекистон Олий Мажлиси билан Европарламент ўртасида ҳам алоқалар ўрнатилди. Бу алоқалар Ўзбекистон парламенти билан Европарламент ўртасида 1998 йилда тузилган ҳамкорлик қўмитаси даражасида кенгайтиб бормоқда. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган шериклар ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бунга алоқадор давлатлар парламентлари томонидан ратификация қилинди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Хорижий мамлакатлардан республикага илғор технологиялар, сармоялар кириб келиши, кўплаб қўшма корхоналарнинг қурилиши оқилона ташқи сиёсатнинг натижасидир.

2003 йилда республикамизда хорижий сармоя иштирокида барпо этилган 2087 та қўшма корхона жаҳондаги 80 мамлакатдан келган шериклари билан биргаликда фаолият кўрсатди. Улар 386,7 млрд. сўм ҳажмида истеъмол моллари, экспорт учун сифатли товарлар ишлаб чиқарди, аҳолига хизмат кўрсатди. Жаҳондаги 80 дан ортик хорижий банк билан ўзаро муносабатлар ўрнатилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонга киритилган чет эл инвестициялари 14 млрд. АҚШ долларидан ошди. Бир йилда тахминан 1 млрд. АҚШ доллари ўзлаштирилмоқда. Ўзбекистон жаҳондаги 140 мамлакат билан савдо-сотик қилмоқда. Ҳар йилги товар айирбошлаш ҳажми 6-8 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Илғор мамлакатлар кадрлар тайёрлашда, банк соҳасида ва бошқарувда, ахборот тармоқларини йўлга қўйишда, етакчи биржалар билан алоқалар ўрнатишда, қонунчилик тажрибасини ўрганишда республикамизга кўмаклашмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа бир даврда халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобида асрларга

арзийдиган ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, унинг мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-Мавзу: Ўзбекистон тарихи фани предмети, назарий – методологик асослари, манбалари ва аҳамияти	9 - 17
2-Мавзу: Ўрта Осиё инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири	18 – 37
3-Мавзу: Ўзбек халқининг этник шаклланиши	38 – 51
4-Мавзу: Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари	52 – 69
5-Мавзу: Буюк Ипак йўлининг шаклланиши, ривожланиши, тармоқлари ва аҳамияти.....	70 – 80
6-Мавзу: Ўрта Осиё халқлари ҳаётида IX – XII асрларда юз берган уйғониш (ренессанс) даври, аجدодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган хиссаси.....	81 – 121
7-Мавзу: Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши. Ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт (XIV – XV асрлар)	122 – 187
8-Мавзу: Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари	188 – 257
9-Мавзу: Россия империясининг Туркистонни босиб олнши. Империя истибдодига қарши Туркистон халқларинннг миллий – озодлик кураши. Жадиदчилик	258 – 319
10-Мавзу: Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилишн ва унга қарши куролли ҳаракат	320 – 361
11-Мавзу: Совет тузумининг Ўзбекистонда юритган қатағонлик сиёсати ва унинг салбий оқибатлари	362 – 378
12-Мавзу: Советлар даврида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий қарамлиги ва унинг оқибатлари	379 –402

13-Мавзу: Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг тарихий аҳамияти	403 –425
14-Мавзу: Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши	426 – 460
15-Мавзу: Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти.....	461 – 488
16-Мавзу: Ўзбекистоннинг маънавий, маданий тараққиёти	489 – 515
17-мавзу: Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти.....	516 – 568